

Стефан
Цвайг



СН0000035672

Аёл ҳаётидан
йигирма тўрт соат

Стефан
Цвайг

*Аёл ҳаётидан
йигирма тўрт соат*



Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

929446

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2013

УДК: 821.112.2+512.133

ББК: 84(4Гем)

Ц 25

Немис тилидан Ботир Раҳманов таржимаси

Цвайг, Стефан.

Ц 25 Аёл ҳаётидан 24 соат: новелла ва ҳикоялар
С.Цвайг; таржимон Б.Раҳманов. –Тошкент: «O'zbekiston», 2012. 344-б.

ISBN 978-9943-01-872-3

Йигирманчи аср мумтоз адабиётининг энг севиб ўқиладиган жозибали асарлари муаллифи саналмиш Стефан Цвайгнинг новелла ва ҳикоялари ўзининг бетакрор ва мукамал тасвир услуби билан ажралиб туради. Ёзувчининг мазкур тўпلامдан жой олган «Ёндиргувчи тилсимот», «Аёл ҳаётидан йигирма тўрт соат», «Амок» каби ҳикояларидаги қаҳрамонлар ҳаётини кузата туриб, асрлар давомида сайқалланиб авлодлардан-авлодларга мерос бўлиб келаётган чин инсоний қадриятлар, покиза туйғулар умрнинг маълум бир фаслларида шафқатсиз тўфонли синовларга дуч келиши ва бу синовларда улар ақл ҳамда ахлоқ меъёрларига таянибгина ўз мувозанатини сақлаб қолиши мумкинлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳикояларни ўқиётиб аёл қалби деб аталувчи қутилмаган хиссий тўлқинлар билан тўлиб тошган тилсимли уммоннинг туб-тубига назар ташлагандек, ундаги мафтункор жилвалар сирини англагандек бўласиз. Ижодкор уста мусаввир сингари сайқал берган воқеа ва лавҳалар тасвиридан марокланиш билан бирга инсон тақдирининг ўта мураккаб ечимларга бой эканлигидан ҳайратланасиз.

УДК: 821.112.2+512.133

ББК: 84(4Гем)

ISBN 978-9943-01-872-3

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013

СУЗБОШИ ЎРНИДА

Юртимизнинг мустакиллиги шарофати билан 1990 йилларнинг бошларида бир талаба сифатида Германиядаги университетларнинг биридаги ёзги тил ўрганиш курсида таҳсил олаётган пайтда маҳаллий ёшларнинг ғалати бир ақлий ўйинининг гувоҳи бўлгандим. Давра-мизда ўтирганлар турли мавзуларда суҳбатлашаётиб, гоҳ-гоҳида улардан бири, шохни *h7* га юрдим деб кўяр, биров вақт ўтгач яна бири, фарзинни *c4* га олдим, дея жавоб қайтарарди. Айрим ҳолларда, ҳатто, бошқалар ҳам бу антиқа савол-жавобларга қизиқиб кетишиб, тортишиб қолишарди. Мен ҳайрон бўлиб бу сирли рақамларнинг сабабини сўраганимда, улар жилмайишиб, бунга Цвайг сабабчи дейишганди. Кейинчалик билдимки, муаллиф-нинг «Шахмат новелласи» (1941) асари пайдо бўлгач, Европада айниқса, ёшлар орасида шахмат тахтасисиз тасаввурда шахмат ўйнаш кенг русум бўлган экан.

Стефан Цвайг (Stefan Zweig) 1881 йилнинг 28 ноябри-да Вена шаҳрида бадавлат текстиль фабрикаси хўжайи-нининг оиласида дунёга келади. 1900 йилда гимназияни битиргач, Вена университетига ўқишга кириб, герман ва роман филологиясидан таҳсил олади (1901–1904) ва ушбу даргоҳни докторлик илмий даражаси билан тамом-лайди. Талабалик йилларида унинг илк шеърлари Бер-лин ва Мюнхен газеталарида пайдо бўлади, дастлабки шеърый тўплами эса («Silberne Saiten» – «Кумуш тор-лар») 1901 йилда нашр эттирилади. Биринчи жаҳон уру-шига қадар Цвайг Франция, Англия, Италия, Швеция,

Испания, Канада, Куба, Мексика, Америка, Ҳиндистон, Хитой ва Африка каби катор китъалар ва мамлакатларга саёҳат қилади.

У ўзининг амалий фаолиятини 1902 йилда «Вена янги прессаси» («Wiener Neuer Presse») газетасидан бошлайди ва 1938 йилгача бу газетанинг мухбири бўлиб қолади. 1904 йилда унинг дастлабки «Эрика Эвальд муҳаббати» («Die Liebe der Erika Ewald») номли хикоялар тўплами Берлинда чоп этилади, 1913 йилда эса Лейпцигда «Ёндиргувчи тилсимот» («Brennendes Geheimnis») деб номланган машҳур новеллаларидан бири босилиб чиқади. Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан Цвайг чин ватанпарвар сифатида кўнгиллилардан бўлиб ҳарбий хизматга ёзилади ва Уруш архивида ҳамда «Доновланд» номли пропаганда варакасининг муҳарририятида фаолият юритади.

Цвайг ўзининг тинчликпарварлиги билан алоҳида ажралиб туради ва умрининг охиригача ўз замонасининг урушга қарши бўлган вакиллари сафига содиқ бўлиб қолади. Австриядаги нотинчликлар натижасида у 1917 йилда Швейцариянинг Зальцбург шаҳрига кўчиб ўтади. Цвайг ўз замондошлари орасида Э.Верхарн, Р.Роллан, Ф.Мазерель, О.Роден, Т.Манн, З.Фрейд, Д.Джойс, Г.Гессе, Г.Уэллс, П.Валери каби буюк ижодкорлар билан дўстлашади ва бу дўстлик алоқаларига узоқ йиллар давомида содиқ қолади. 1920 йилда унинг хикоялари («Der Zwang» — «Сиқув»), («Drei Meister» — «Уч уста») ва Бальзак, Диккенс, Достоевскийларга бағишланган эсселари нашр этилади.

XX асрнинг 20–30-йиллари Цвайг ҳаёти ва ижодининг энг сермахсул даврлари ҳисобланиб, бу даврда ижодкор ўнлаб хикоялар ва эсселар яратади («Амок», «Иблис билан кураш» ва б.). Адиб ҳаёти ва ижодидаги шафқатсиз давр 1933 йилдан бошланади. Фашизм мафқураси остида барча инсонпарвар ва тинчлик тарафдорлари каторида Стефан Цвайг ва унинг асарлари ҳам таъкиб остига олинади, унинг асарлари гитлерчилар томонидан шаҳар майдонларида намойишкорона ёкиб юборилади. 1934 йилда у таъкиблардан қочиб Лондонга кетишга мажбур бўлади. 1941 йилда ёзувчи Америкага жўнашга, орадан бир йил

ўтиб эса, у ердан Бразилияга кўчиб ўтишига тўғри келади. Кувғинлар ва хўрликлар изтиробига дош беришга ожизлик қилган ёзувчи 1942 йилда 61 ёшида ўз жонига қасд қилиб ҳаётдан кўз юмади.

Шоир, ёзувчи, таржимон, адабий танқидчи, публицист сифатида XX аср жаҳон адабиётининг етакчи вакилларида бири, дея эътироф этилган адиб Стефан Цвайг томонидан яратилган асарлар бугунги кун ўқувчилари учун ҳам ўта жозибали ва мафтункор саналади. Тасаввур, тафаккур, идрок, ирода, ақл, заковат сингари асл инсоний хислатларнинг уста мусаввири бўлган ёзувчининг асарларидаги асосий мавзу инсон ва унинг ички олами бўлиб, ўқувчи улардаги садокат, меҳр, мухаббат, эътибор, эҳтирос, иштиёқ, изтироб каби туйғуларнинг ёрқин рангларига мафтун бўлиб қолади. Ундаги инсон образи, инсон ички олами, рухияти, изтироблари, табиат ва жамият ҳаёти билан ҳамоҳанг тарзда мохирона тасвирланганини кузатиш мумкин.

У ижодий фаолияти даврида Стендаль, Толстой, Бальзак, Достоевский, Ницше каби дунёнинг ўнлаб ёрқин тафаккур сиймоларига аталган эсселар, ўнга яқин новелла, ўттизга яқин кенг қамровли ҳикоялар, учта роман, бир неча афсона ва драмалар ҳамда ўндан ошиқ фалсафа, тарих, мамлакатшуносликка оид асарлар яратиб қолдирди. Цвайг асарлари йигирманчи аср бошларидаёқ Европада энг кўп ўқиладиган асарлар қаторидан жой олиб улгурди.

Цвайг қолдирган адабий мерослар ичида унинг ҳикоялари ва новеллалари алоҳида ўрин тутди. Унинг асарлари ўтган асрнинг ўрталаридаёқ дунёнинг бир неча ўнлаб илғор тилларига таржима қилинган ва ҳозир ҳам севиб ўқилади. Улардаги образлар, бадий тасвирларнинг чуқур фалсафийлиги, инсон рухиятининг оддий кўз илғай олмайдиган жиҳатларини усталик билан очиб берилганлиги, рамзий образлар, иборалар ва бадий бўёқларнинг мохирона қўлланилгани билан ажралиб туради. Новелла ва ҳикоялар дастлабки мисраларданок ўқувчини ўзига маҳлиё қилиб қўяди ва бу қизиқиш асар охиригача бир сонияга ҳам чалғимади.

XX асрда жаҳон адабиётининг насрий йўналиши ҳам шунчалар мукамаллик кашф этди-ки, унда ёзувчи ўз хикоясига гўё уста ҳайкалтарош сингари ишлов беради. Барча буюк уста ижодкорларнинг асарлари каби Цвайг хикояларида ҳам ҳар бир жумла моҳирлик билан сайқалланган бўлиб, у ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрни чуқурроқ англашга ва маънавий озука бўлиб тафаккурга қўйилиб қолишга хизмат қилади. Шу билан бирга, ёзувчининг тили ва баён қилиш усулида воқеалар, ҳиссий кечинмалар, бадиий тасвирлар ўзига хос мураккаб адабий тизим асосида ифода этилганлиги кўриниб туради. Бир қарашда жўнгина бўлиб кўринган тасвирлар ёрдамида у ўқувчини олис-олис ҳаёллар оламига етаклаб олиб кетади ва ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларини англашга, инсон тақдири ҳақида ўйлашга ундайди. Цвайг асарларини ўқий туриб, киши ўзини беихтиёр инсон руҳияти деб аталмиш сирли ва мафтункор бир оламга, ундаги ранг-баранг туйғулар дунёсига саёҳат қилаётгандай сезади.

Ботир РАХМАНОВ,
таржимон

ЁНДИРГУВЧИ ТИЛСИМОТ

ШЕРИК

Паровоз ўт пуркаганча ҳайкирик билан Земмингга етиб келди. Қорайиб кетган вагонлар чўккилар оша таралаётган кумушранг ёғдулар қўйнида бир неча дақиқа нафас ростладилар, поезд ҳайбатли аждардек бир жуфт одамни домидан озод қилиб, яна бир нечасини қайта ютди, бирпас атрофга узук-юлук товушлар таралиб тургач, ҳовури чиқиб турган машина яна бир ҳайкирди-да, баҳайбат қора занжирдек оғир силкиниб, туннель ичига кириб кўздан ғойиб бўлди. Атроф намхуш шабада эпкинида қайта чайилиб, бутун борлиқ яна эркин нафас олди.

Келиб тушганлардан бири – башанг кийинган, олифта қадамлари билан кўзга ташланиб турган бир йигит бошқалардан илдамроқ бориб, меҳмонхонагача бир фойтун олди. Оғлар шошилмасдан қияликдаги йўлга ўрмаладилар. Атроф баҳор хавосига чўмилган. Фақатгина май ва июнь ойларида пайдо бўладиган оқпар момик булутлар самода ўйноқи кезадилар. Улар гоҳо баланд тоғлар ортига ўтиб бекинмоқчи бўлган навқирон ва ўйинқарок ўспиринлардай зангори фалакда қувлашмачок ўйнашар, гоҳо бир-бирини опичганча енгил парвоз қилишар, гоҳ тўсатдан ғижим рўмолга айланишар, гоҳо харир рўмоллардек эшилишар ва ниҳоят, эркалик билан оқ момик қалпоққа айланишади-да, қоялар бошига қўнишади. Таҳлика тепадаги шамолга ҳам юккан, у эндигина ёмғирдан қутулган ҳўл ва яланғоч дарахтларни безовта чайқатар, улар эса бундай титроқдан новдаларидаги минглаб томчиларни маржондай тўкишарди. Аҳён-

аҳёнда тоғдан қор хиди димокка келиб урилади, шунда хавода ҳам ширин, ҳам ачқимтил таъм сезилади. Еру осмон барчаси бесабр ҳаракат билан чўлғанган. Извош кўшилган отлар энди пишқирганча паст киялик бўйлаб шошилмай югуриб боришар, кўнғироклар жаранги эса анча илгарилаб кетганди.

Меҳмонхонада йигитнинг биринчи қилган иши – шошилганча меҳмонлар рўйхатини кўздан кечириш бўлди. Тезда ҳафсаласи пир бўлгач, безовталиқ билан, «бу ерга ўзи нима учун келдим» дея ўзига-ўзи савол бера бошлади. «Якка ўзим бу тоғда, бирор-бир дилкаш даврасиз бу ерда қолиш – идорадагидан ҳам баттарку. Афтидан, ё жуда эрта келиб қўйдим, ёки ўта кеч. Таътилдан ҳечам омадим чопмади-чопмади-да. Шунча одамлар орасидан бирорта ҳам таниш кимсанинг исми топилмаса-я. Ҳеч бўлмаганда бир жуфт аёл зоти бўлгандами ёки шу ҳафтани сиқилмасдан ўтказиш учун ақалли бирорта кўнгли бўш танноз хонимчами». Бу йигитнинг номи унчалик жарангдор бўлмасаям, ўзи аслида Австриянинг давлат қарамотидаги амалдорлари авлодидан чиккан баронларидан эди, мана шу қисқагина таътилни у зарурат юзасидан эмас, балки барча ҳамкасблари баҳорнинг бир ҳафтасини шундай ўтказишни одат қилишгани учунгина олган, у ҳам ўз улушини шунчаки хизматига ҳадя қилиб юборгиси келмаганди. Унга гарчи асликтидор насиб этмаган бўлса-да, у табиатан улфатчиликни хуш кўрадиганлардан эди, одатда бундайларнинг ҳар қандай даврада пайдо бўлиши яхшигина қарши олинади ва унинг ўзини ҳам ёлғизликка умуман ҳуши йўқлиги шундоққина маълум эди. Дарҳақиқат, якка ўзи ёлғиз қолишга унда ҳечам хошиш йўқ бўлиб, имкон қадар бундай вазиятни у четлаб ўтар, чунки ўзини ўзи яқиндан танишни мутлоқ истамасди. Гугурт чўпига ўт олиш учун чакмоқ зарур бўлганидек, у ҳам одамлар эътиборига худди шундай мухтож эди, унинг маҳорати, меҳри ва қалбидаги кибор ана шу эътиборга дуч келгандагина аланга олар, якка ўзи қолса вужуди музлар, ўзига-ўзи кераксиздай туюлар, худди қутидаги гугурт чўпига айланарди.

У бўм-бўш залда патагига қурт тушиб, бўзчининг мо-
кисидай у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, гоҳо у газеталар-
ни бефарқ вараклаб қўяр, гохида эса мусиқа хонасидаги
пианинода қандайдир вальснинг ноталарини термоқчи
бўлар, лекин бармоқлари унга бўйсунмас, кўзланган
ритмни ололмасди. Ниҳоят у ҳолдан тойиб ўтириб қолди
ва ташқарига термулиб, аста-секин қуюқлашаётган
қоронғуликни ҳамда қарағайлар орасидан мўралаётган
кулранг булутларни кузата бошлади. Шу тарзда у бир
соатча бесамар асабийлашиб, диққинафас бўлиб ўтирди.
Сўнгра ўрнидан кўзғалиб, ўзини овқатланиш залига
урди.

У ерда бор-йўғи бир нечтагина стол банд эди, у бе-
сабрлик билан ҳамма столларга кўз югуртириб чиқди.
Бефойда! Бирортаям таниш йўқ, фақат биргина тренер
унга бош чайқаб саломлашди, шу ердаям Ринггерштрас-
седан яна бир башара, бошқа ҳеч ким. Бебош саргу-
заштлар ваъда қила олувчи бирортаям аёл йўқ. Унинг
сабр косаси лиммо-лим бўлди. У шундай одамлар то-
ифасига кирардики, бундайларнинг ёқимтой чехраси
доим шодлик таратиб туради, улардаги ҳамма нарса
янги учрашувларга, янги ҳиссиётларга тайёр, улар бе-
гона жойларда турли саргузаштларни бошдан кечириш-
га иштиёқманд бўлиб, хонимларга оч ҳирс билан эмас,
зимдан, баҳолаш назарини ташлайдилар ва улардаги
фарқни, яъни бу дўстининг қайлиғими ёки остонада
бош эгиб турувчи уй қйзими, бехато англашади. Бундай
одамларни, маълумки, бироз қоралашиб, «хонимларнинг
овчилари» дейдилар ва бу гапларда чиндан ҳам маълум
бир ҳақиқат муҳрланган. Чунки аслини олганда овчи-
лик, изқуварлик, ашаддий ишқибозлик каби эҳтиросли
инстинктлар ва рухий шафқатсизлик туйғулари бундай
одамлардаги толиқиш нималигини билмайдиган хушёр-
лик билан уйғунлашиб кетган бўлади. Улар бирор сар-
гузашт изидан охиригача етиш учун пистирмада доим
тайёр ва қатъий туришади. Улар ҳамма вақт эҳтирос би-
лан тўлиб туришади, аммо бу ошиқ одамнинг эҳтироси
эмас, балки қиморбознинг совуққон, аниқ ҳисоб-китоб-
ларга асосланган, хатарли эҳтиросларидир. Бундайлар-

нинг орасида шундай катъиятлилари бўладики, бу туйғу уларда ёшлигидан бошланади ва бутун ҳаёти саргузаштларни овлаш билан ўтади. Улар учун оддий бир кун ҳам юзлаб кичик ҳиссий лаҳзаларга бўлинади — бирорта ойимчанинг ёнидан ўтаётганда бир қиё боқиш, маъноли жилмайиш, мрамардек силлиқ болдирлар қаршисида ўтириш ва шу тариқа, бутун бир йил ҳам юзлаб шундай кунларга тақсимланган, булар шундай кунларки, улардаги шунақа мазмундаги кечинмалар бундайларнинг ҳаётига аланга бериб, абадий кайнар чашмалар сингари уларга қувват бериб туради.

Бу ерда шундай ўйинга мос келувчи шерик йўқ эди, буни йигит бир қарашдаёқ англади. Бироқ, киморбоз учун қўлда қарта билан яшил стол олдида ўз ҳаёлларига қоврилиб, шерик кутишдан ёмони бўлмаса керак. Барон газета чақиртирди. У ҳўмрайганча нигоҳини мисраларга қадади, аммо фикрлари оқсоқланиб, мастларга ўхшаб, сўзларга қоқила бошлади.

Шу пайт тўсатдан у орқада кийимларнинг шитирлаши ва бироз норозилик ҳамда жимжимадор акцент билан гапирган овозни эшитди:

— Mais tais-toi donc, Edgar!¹

Унинг столи яқинида шойи кўйлакнинг шитирлаган товуши эшитилиб, шундоққина ёнгинасидан баланд бўйли ва тўлишган бир комат соя ташлаб ўтди, бахмал камзулчали миттигина рангпар болакай йигитга кизикувчанлик билан қараганча ҳалиги сояга эргашиб борарди. Иккаласи ҳам буюртмали столга ўтиришди, бола иложи борича сиполик қилишга ҳаракат қилар, лекин бу машаққатли вазифа эканлиги унинг кўзларидаги безовталиқда акс этиб турарди. Хоним ўта жимжимадор ва ёрқин кийимда бўлиб, баронга жуда ёқадиган хилдан эди, у бироз дўндиклашган ва етилиб турган ёшдаги, кўринишидан эҳтиросли, шу билан бирга, кўпни кўрган, ўз темпераментини одоб юзасидан дилгирлик пардаси остида яшира оладиган яхудий аёли бўлиб, йигитнинг бутун диққати унга қаратилди. Дастлаб хонимнинг

¹ Жим тургин, Эдгар! (франц.)

кўзига қарашга унинг юраги бетламади ва аёлнинг нафис пирпираб турган киприклари билан марокланишни афзал кўрди, хушбичим бурни, нозик ёноқлари унинг чехрасига ўта ярашган бўлиб, улар аёлнинг аслзодалардан эканлигини фош қилиб турарди. Сочлар ушбу бўлик коматдаги аёлликнинг энг латиф белгиси бўлиб, улардан мулойим дабдаба ёғилиб турар, хоним ўз гўзаллигини яхши билар, ўзига ишонган, кўплаб мактовлардан тўйиб бўлган ва афтидан, унда бироз манманлик аломатлари ҳам кўриниб турарди. У ўта охиста товуш билан таом буюрди ва санчқини ўйнаётган болақайни тартибга чакирган бўлди. Буларнинг ҳаммаси бароннинг тешиб юборгудек термулаётган нигоҳларига бепарволик билан, гўё ҳеч нарсани сезмагандек амалга оширилди. Аслини олганда йигитнинг диққат билан термулиши хонимда мулойим бир жонкуярлик ҳиссини уйғотиб қўйганди.

Бароннинг юзидаги қоронғулик тўсатдан йўқолиб, чехраси ёришиб кетди, асаб томирлари вулкон лаваларидай тирила бошлади, ажинлар тортилди, мушаклар таранглашиб, бутун бадани тетиклашди ва кўзлари чакнай бошлади. Унинг ўзи ҳам шундай аёлларга бироз ўхшаб кетарди, чунки бундай аёллар ўзидаги барча малоҳатни намойиш қилиши учун албатта эркакка муҳтож бўлишади. Ана энди йигитнинг иштаҳаси очилиб, бутун вужудига қувват қўйилиб келди. Унда овчилик руҳи уйғонган ва у ўз ўлжасини аниқ мўлжалга олиб бўлганди. Унинг кўзлари зўр бериб хонимнинг нигоҳларини тутишга интилар, лекин аҳён-аҳёнда уни ёндириб ўтаётган чакмоқдек қиё бокишлардан бошқаси унга насиб этмасди. Бирор табассум илинжида у нигоҳи билан аёлнинг лабларини қидирди, аммо ҳамма жойда ҳадиксираш изларини кўрди, айнан ана шу таҳлика унинг иштиёқини ёндираётганди. Бу ерда йигитнинг умид учқунларини алангалантираётган нарса, унинг сезишича, қизнинг нигоҳи эди. Бу нигоҳлар унга бепарводай бўлиб кўринса-да, йигит уларда қаршилиқ учқунлари билан бирга ийманиш нурларини сезди. Бундан ташқари, уни хонимнинг бола билан гаплашгандаги расмийатчилик оҳанги ҳам ўзига тортди. Аёлнинг бун-

дай мажбурий хотиржамлиги остида енгил безовталиқ ётганини англади. Йигитнинг ҳам, ўз навбатида, қони қўпира бошлади: демак, ўйин бошланди. У шошилмасдан тановул қилди, ярим соат мобайнида аёлни ўтқир нигоҳлари остида тутиб, унинг юзидаги ҳар бир чизикни ва бўлиқ қоматининг бирор жойини ҳам қолдирмасдан батафсил ўрганиб чиқди. Ташқарини қалин тун қоплай бошлади, ўрмон ваҳимага тушган болакайдай титрар, улкан ёмғирли булутлар эса унга қўл чўзаётгандай эди. Зулмат борган сари қуюқлашиб бино ичига қўпроқ соя ташлай бошланган, у гўё оғир сукунат ёрдамида одамларни сикувга олмоқчига ўхшарди. Она ва бола ўртасидаги суҳбат ушбу сокинлик таъсирида борган сари ясамалиқ касб эта бошлади ва у ушбу суҳбатнинг тез орада тугашини сезиб турарди. Шунда барон биринчи қармоқни ташлашга қарор қилди. У биринчи бўлиб ўрнидан турди ва хонимнинг ортидан кўзга ташланаётган табиатга чуқур назар ташлаганча салобатли қадамлар билан эшикка йўл олди. Эшикка етай деганда, у худди муҳим бир нарсасини унутиб қолдиргандай, кескин орқага ўгирилди. Ниҳоят, у хонимнинг ўзига қизиқиш билан қараб турган нигоҳини ушлади.

Бу ҳол йигитнинг завқини кўзғади. У залга ўтиб кута бошлади. Тез орада болакайни етаклаганча хоним ҳам кўринди, аёл журналлар ёнидан ўтаётиб уларни варақлади ва болага бир-иккита суратлар кўрсатган бўлди. Аммо барон ҳам гўё бирорта журнал танламоқчи бўлгандай, аслида эса хонимнинг қорачиқларига чуқурроқ ўрнашиш, имкон бўлса гапга солиш мақсадида журнал столига яқинлашган эди, аёл кутилмаганда узоқлашди ва боланинг елкасига секингина қокканча:

– *Viens, Edgar! Au lit!*¹, – дея совуққина унинг ёнидан ўтиб кетди.

Барон бироз иккиланганча унинг орқасидан термулиб қолди. У танишишни айнан бугун кечқурунга мўлжаллаган эди, аммо бу олифта хоним умидини пучга чиқариб қўйди. Аммо, қолаверса, тан олиш керак, айнан

¹ Кетдик Эдгар, уйқу вақти бўлди! (франц.)

ана шу қаршилиқнинг ўзи унга завқ бераётган, айнан ана шу безовталиқ унинг иштиёқига ўт ёқаётган эди. Умуман олганда, энди унинг шериги бор, энди бир ўйин бошланиши мумкин.

ОСОНГИНА ТУФИЛГАН ДЎСТЛИК

Кейинги куни эрталаб барон залга кирганида, у ерда ўша нотаниш гўзалнинг ўғлига кўзи тушди, болакай иккала лифтчи бола билан гаплашиб турар ва уларга қандайдир бир китобдан Карл Майнинг суратларини кўрсатаётган эди. Онаси кўринмас, афтидан, ҳали у пардоз-андоз билан овора бўлса керак. Барон болакайни энди эътибор билан кузата бошлади. У озғин, ёшига нисбатан яхши ривожланмаган, асабий, ўн икки ёшларда, нотекис қадам ташлайдиган, қора кўзлари аланглаб турган болакай эди. Унда шу ёшдаги болаларда учрайдиган ҳадиксираш туйғуси кўпроқ бўлиб, у гўё қаттиқ ухлаб ётган-у, тўсатдан кимдир уйқусидан суғуриб олиб, бегона жойга олиб келиб ташланган болани эслатарди. Унинг юзини хунук деб бўлмас, аммо ҳали бу чехра тобига етиб шаклланмаган, унда эркаклик ва болалик белгилари эндигина ўзаро кураш бошлашган, юздаги чизгилар шаклланиш арафасида, аммо ҳали ўзини яққол намоён этишга улгурмаган, рангпарлик ва таҳлика ҳисси қоришиб турарди. Бунинг устига у шундай ноқулай ёшда эдики, бу ёшда болалар ҳечам ўз кийимларига мос тушмайдилар, костюм ва шимлар осилган, енглар кенг, унинг ташқи хушбичимлигини намоёйиш этувчи сифатлари ҳали шаклланиб улгурмаганди.

Болакай бу ерда нима қиларини билмай ҳаммага туртилиб юрар ва уни кўрган кишида анчагина ачинарли таассурот қолдирарди. У деярли ҳамманинг оёғи остида ўрмалашарди. Уни гоҳо бўлар-бўлмас саволлари жонига теккан меҳмонхонанинг эшик оғаси четга суриб қўяр, гоҳо у кираверишдаги эшикда одамларга ҳалакит берар, афтидан, унга дўстона бир муносабат етишмаётгандай эди. Шу тариқа у ўзининг болалик ҳислари ва талабларига меҳмонхона хизматчиларини жалб этишга интилар,

улар ҳам агар пайт топишса жавоб беришга ҳаракат қилишар, аммо катталар кўринганда ёки бирор фойдали юмушни бажаришга тўғри келиб қолса, суҳбат яна узилиб қоларди. Барон жилмайганча қизиқиш билан болани кузатиб турди, бола ҳамма нарсага қизиқувчанлик билан қарар ва ҳаммасидан ҳафсаласи пир бўлаётгандай эди. Ҳатто, бир сафар барон ўша қизиқувчан нигоҳларни ушлашга ҳам эришди, аммо ушбу қора кўзлар бирданига кўрқувдан ўзини олиб қочди ва атрофда нажот илинжи топилмагач чуқур ботган қовоклар остига беркинишди. Бу ҳолат бароннинг завқини келтирди. Бола унга қизиқиш билан қарай бошлаганди, шунда унинг миясида бир савол туғилди, айнан шу кўрқувдан титраётган болакай яқинлашишнинг энг тезкор воситаси бўлиб хизмат қилмасмикин? Ҳар эҳтимолга қарши, у буни синаб кўрмоқчи бўлди. У билдирмасдан болани кузата бошлади. Болакай эшикдан чиқиб гўдақларча қизиқиш билан фойтун қўшилган оқ отнинг пуштиранг тумшугини силамоқчи бўлган эди, яна омади юришмади, бу ердан ҳам уни аравакаш ҳайдаб солди. Бола хафахон ва бўмбўш нигоҳлари билан зерикканча хорғин туриб қолди. Шу топда барон уни гапга солди.

– Ҳўш, йигитча, бу ер сенга ёқдими? – деди у кутилмаганда гап оҳангини имкони борича дўстона қилишга тиришиб.

Бола шолғомдай қизариб кетди ва бақрайганча қотиб қолди. У кўрқувдан қўлларини қовуштириб, ийманганча у ёқдан-бу ёққа бурилиб қарай бошлади. Кутилмаганда биринчи марта бегона киши унга бундай мурожаат қилаётганди-да.

– Раҳмат, яхши, – деди у ўзини қўлга олишга интилиб. Сўнгги сўз унинг оғзидан зўрға сирғалиб чиқди.

– Биласанми, – дея бироз жилмайганча гап бошлади барон, – мени бир нарса ҳайрон қолдираяпти, бу ер мутлақо зерикарли жой, айникса сендай бир йигитча учун. Сен ўзи кун бўйи бу ерда нима билан машғулсан?

Болакай жавоб беролмай ҳалиям гангиб турарди. Нахотки шунақа башанг кийинган бегона жаноб ҳеч ким қайғурмайдиган шундай бир бола билан чиндан ҳам

гаплашишни истаётган бўлса. Бу фикр уни ҳам хадик-сиратди, ҳам гурурини кўзғади. У бир амаллаб ўзини қўлга олди.

— Мен китоб ўқийман, ундан кейин биз кўп сайр қиламиз. Гоҳида биз аравада айланамиз, мен ва онам. Мен бу ерда дам олишим керак, касал бўлгандим. Шунинг учун мен яна кўп вақт қуёшда ўтиришим керак, буларни врач буюрган.

Охирги сўзларни у бирмунча ишонч билан гапирди. Болалар доим шундай, ўз касалликлари билан мағрурланиб қўйишади, чунки хавф-хатар уларнинг қадрини ва бошқаларнинг уларга бўлган эътиборини икки баробар оширишини улар яхши билишади.

— Ҳа, албатта, сендай ёшгина жаноб учун қуёш жуда фойдали, унда қорайиб тобланасан. Аммо, сен кун бўйи бу ерда ўтирмаслигинг керак. Сендек ўспирин кўп югуриши, сал шўхроқ бўлиши, қолаверса сал-пал безорилик ҳам қилиб туриши лозим. Менимча, сен ўта тарбиялисан, биласанми, сен қўлтиғига китоб қучоқлаб олган, уйдан ташқарига чиқмайдиган болаларга ўхшайсан. Биласанми, мен сенинг ёшингда қандай дордан қочган шўх эдим, ҳар куни кечқурун уйга йиртиқ иштон билан қайтардим. Бунчалик ҳам оғир бўлмаслик керак!

Бола беихтиёр жилмайди ва ундаги хадик бироз чекинди. У бирор нарса деб эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, лекин унинг ўйлаганлари ушбу дўстона гаплашаётган хушмуомала бегона жанобнинг олдида жуда қўполликдай ёки манманликдай бўлиб кўринди. Илгарилари ҳечам у бунақа бўлмаганди, шунинг учун ҳам бироз ўнғайсизлана бошлади. У ҳозир анча саросимага тушган, уни ҳам бахтиёрлик, ҳам уят туйғулари чулғаб олганди. Жон деб суҳбатни давом эттирарди-ю, лекин калласига бирортаям ақлли фикр келмасди. Яхшиямки бахтига шу пайт кутилмаганда меҳмонхонанинг пахмок сенбернар зотли ити пайдо бўлди, у иккаловини ҳам бир-бир хидлаб кўриб, хотиржам нари кетди.

— Итларни ёқтирасанми? — сўради барон.

— Ҳа жудаям, бувимнинг Бадендаги вилласида битта ити бор, қачон у ерга борсак, у кун бўйи доим мен билан

бирга. Аммо бу факат ёзда бўлади, биз у ерга меҳмонда бўлган чоғларимизда шундай бўлади, холос.

— Бизда эса, яъни дала ҳовлимизда, менимча, салкам йигирматаси бор-ов. Агар бу ерда ақлли бола бўлсанг, улардан бирини совға сифатида оласан. Оқ қулоқли маллавойни, энг ёшини. Хоҳлайсанми?

Болакай шодлигидан кизариб кетди.

— Ҳа, албатта.

Бу ҳол болани жуда қизиқтириб, иштиёқини алангантириб юборди. Бирок, шу топда хаёлига келган кўрқинчли ва даҳшатли фикрдан чўчиб тушди.

— Аммо, онам бунга рухсат бермайдилар. У киши уйда ит бўлишига сабрим йўқ, дейдилар. У кишининг роса жаҳллари чиқади.

Барон жилмайди. Ниҳоят гап болакайнинг онасига келиб такалди.

— Онанг шунчалар қаттиққўлми?

Болакай бироз ўйланиб, бу нотаниш жанобга ишонса бўлармикин дея, бир лаҳза унга термулиб қолди. Аммо, жавоб эҳтиёткорона бўлди:

— Йўқ, у қаттиққўл эмас. Ҳозир, бетоблигим учун у киши ҳар қандай нарсага рухсат берадилар. Менимча, кучукчам бўлишига ҳам розилик берсалар керак.

— Мен илтимос қилиб кўрайинми?

— Ҳа, илтимос, сиз сўраб кўринг, — боланинг кўзлари чакнади, — шунда онам албатта рози бўлсалар керак. Кучукчанинг кўриниши қанақа ўзи? Ҳар хил машқлар ҳам бажара оладими?

— Албатта, у ҳамма нарса қила олади.

Болакайнинг кўзларида бунчалар осонгина чакнаган қувонч учкунлари бароннинг бироз кулгисини қистади. Бир уринишда дастлабки ҳадиксирашлар ғойиб бўлиб, кўркув пардаси ортидан жўшқинлик нурлари порлай бошлади. Кўз очиб-юмгунча салгина аввал тортиниб ва ҳадиксираб турган болакай, энди ўйинқароқ ва шўх болакайга айланганди. Қанийди онанг ҳам шундай бўлса эди, беихтиёр ўйлади барон, наҳотки унинг ҳадиксираши ортида шунча иштиёқ ётган бўлса! Аммо, болакай энди уни ўнлаб саволларга кўмиб ташлаётган эди:

— Итнинг оти нима?

— «Каро».

— «Каро», — қувонди болакай. Кутилмаган бу воқеадан, кимдир унга эътибор бериб дўстлашганидан маст бўлган бола ҳар бир сўзга беихтиёр жилмаяр ва қувончини ичига сиғдиrolмасди. Барон ўзининг бунчалик тез эришган ютуғидан ўзи lol қолди ва темирни қизигида босиш керак, дея қарор қилди. У болакайни озгина бирга сайр қилишга таклиф қилди. Шунда, бир ҳафтадан буён бундай дўстона муносабатни соғиниб кетган бечора болакай бу таклифдан шошиб қолди. У ўзининг янги дўсти берган беозор саволларга жавоб беришга шошилар, орқа-олдига қарамасдан гапирарди. Тез орада баронга аён бўлди-ки, Эдгар бадавлат яҳудий буржуйларидан бўлган веналик адвокатнинг ёлғиз ўғли экан. Бундан ташқари, гап орасида қистирилган беозор сўровлардан яна шу нарса аён бўлдики, унинг онажони Земмирингдаги дам олишдан ва бу ерда унинг кўнглига ёқадиган жамоа учрамаганидан унчалик мамнун эмас ва болага билдирмасдан берилган, унинг онаси отасини ёқтириши ҳақидаги сўроқларидан маълум бўлдики, бу ерда ҳам ҳаммаси унчалик кўнгилдагидек эмасди. Боланинг соддадиллигидан фойдаланиб оиладаги барча ички сирларни билдирмасдан суғуриб олаётганидан барон ўз қилиғидан уялиб кетди. Бола эса ўзининг айтганлари катта одамни қизиқтираётганидан мағрурланар ва унга бўлган ишончи ортиб бўраётганди. Унинг мурғак юраги мағрур ура бошлади, чунки барон ёнма-ён кета туриб, қўлини унинг елкасига дўстона қўйиб олган, у эса ёши катта киши билан бошқалар кўз ўнгида бунчалик яқин юришдан хурсанд, у аста-секин ўзининг бола эканлигини унутиб борар, худди ўз тенгдоши билан ёнма-ён кетаётгандек эркин гаплашарди. Сухбат давомида яна аён бўлдики, Эдгар жуда ақлли, асосий вақтини катталар даврасида ўтказганлиги учун кўпчилик касалманд болаларга ўхшаб, бироз эрта улғайган, дўстлик ёки душманлик ҳисларига ўта берилувчан болакай эди. Ташқаридан қараганда у оғиртабиат ва босиқ болага ўхшаб кўринсада, лекин бирор-бир одам ёки нарса ҳақида сўзлаганда,

у ё ўта қувонч ва хаяжон билан гапирар ёки қаттиқ нафрат оҳангида сўзлар, шунда унинг юзи ҳам беўхшов бужмаяр, ғазаби чиқар ва нафрати кўзгаларди. Унинг нутқида, балки яқиндагина бошдан кечирган дардмандлик сабаблими, бироз ёввойилик ва бесарамжонлик билан йўғрилган, фанатларга хос аланга сезилар, унинг таҳлика ва хаяжонини кучли ҳадиксираш бўғиб турарди.

Барон осонгина унинг ишончини козона олди. Ярим соат ҳам ўтмасдан ушбу мурғак, қайноқ ва типирчилаб турган юрак унинг кафтида эди. Жуда камдан-кам кадрланадиган беғубор бола мухаббатини ром этиш, уни алдаш қанчалар осон-а. Бир неча дақиқага ўтмишга қайтиш, болақай билан содда, бемалол ва тенгдошлардай суҳбатлашишнинг ўзи шунчалик самимий қабул қилиндики, улар ўртасидаги ҳар қандай масофа ўз-ўзидан ғойиб бўлди. Болақай ҳозир руҳан ўта бахтли эди, ахир бу хилват жойда тўсатдан шундай дўст топиши, ох, яна қандай дўст денг! Худди шу унутилмас соатдан бошлаб унинг Венадаги барча кичкина ўртоқлари, уларнинг содда, беозор, бекорчи гап сотишлари, ҳаммаси унутилганди. Унинг ўтли хаяжонлари ва кўнгил ришталари энди ана шу янги дўстига тааллуқли эди. Айниқса, ушбу янги ўртоқ хайрлаша туриб, уни эртага яна сайрга таклиф этганда ва узоқдан унга акаларча қўл силкиб қўйганида, унинг юраги фахр билан ҳаприкиб кетди. Бу дақиқалар унинг ҳаётидаги энг бахтли онлардан бири эди. Болақайларни алдаш қанчалар осон-а. Барон чопқиллаб кетаётган бола ортидан жилмайиб қўйди. Ниҳоят ўртадаги боғловчи воситага эришилди. Болақай энди ўз ҳикоялари билан онасининг жонига тегиб кетишини, бўлиб ўтганларни битталаб такрорлашини, ва айниқса, барон томонидан усталик билан гап орасида қистириб ўтилган, «Эдгарнинг гўзал онаси» шаънига айтилган мақтовлар оқизмай-томизмай етказилишини у жуда яхши тушуниб турарди. Бу тиришқоқ болақай онаси ва баронни тез орада учраштирамагунча тиниб-тинчимаслиги ойдай равшан эди. Энди ўша нотаниш гўзал ва ўзи ўртасидаги масофани торайтириш учун у бармоғини ҳам қимирлатмаса бўлади. Энди у фақат табиатдан завқланиб, орзулар ос-

монида сайр этаверса бўлади, чунки боланинг ушбу бир жуфт кайнок қўлчалари хонимнинг қалбига олиб борувчи кўприкни қуриб ташлайди.

УЧЛИК ДАСТАСИ

Режанинг пухта ўйланганлиги ва сўзма-сўз амалга ошганлиги орадан бир соатлар ўтгач аён бўлди. Барон атайлаб бироз кечикканча овқатланиш залига кириб келиши билан Эдгар хаяжондан сапчиб тушди ва қувнок табассум билан шошиб саломлашди-да, уни имлаб чакира бошлади. Бунга ҳам сабри чидамасдан болакай онасининг енгидан тортар ва хаяжон билан у томонга ишора қилар, шоша-пиша бир нарсаларни таъкидларди. Боланинг шовқинли қилиқларидан хижолат тортган хоним бироз қизарди ва боланинг хохишини сўндирмаслик учун ноилож у томонга назар ташлади, вазиятдан самарали фойдаланган барон эса унга ўз таъзимини бажо келтирди. Хоним таъзимга жавоб қайтаришга мажбур бўлди-ю, лекин то тушлик ниҳоясигача олдидаги ликобчадан бош кўтармади ва, бошқа у томонга назар ҳам ташламади. Аммо, Эдгар мутлақо бошқача эди, у тез-тез барон томонга қараб қўяр ва ҳатто, бир марта у билан гаплашмоқчи ҳам бўлди, бироқ, бундай одобсизлик учун шу захотиёқ онасидан танбех эшитди. Овқатдан сўнг болакай учун уйғу вақти бошланиши лозим эди, шунинг учун ҳам она ва бола ўртасида қизғин шивир-шивир бошланди ва бунинг натижаси ўларок, болакай бароннинг столи олдига келди ва таъзим ила хайрлашди. Барон унга бир-икки оғиз ширин сўз гапирди, бундан боланинг кўзлари яна чакнаб кетди ва у билан бир-икки дақиқа суҳбатлашиб қолди. Кутилмаганда, барон нариги стол томонга ўгирилди ва ўрнидан тураётиб, бироз ийманиб турган қўшнисини шундай ақлли ҳамда зийрак ўғли борлиги билан табриклади, шундай болакай билан тушликкача вақтини кўнгилдагидай ўтказгани учун миннатдорчилик изҳор қилди. Шодликдан қизариб кетган Эдгар уларнинг ўртасида турар, онасининг ноилож бераётган жавобларидан у ўзининг саломатлиги ҳақида ҳам қўп

нарсани батафсил билиб олаётганди. Шу тариқа улар беихтиёр анча суҳбатлашиб қолишди, болакай эса бу суҳбатдан қувониб, уларга ўзига хос ҳурмат ва ҳавас билан боқиб турарди. Барон ўзини таништирди ва ўзининг жарангдор исми-шарифи хонимнинг шуҳратпарастлик ҳиссини китиклар деган умидда, уни алоҳида таъкидлаб ўтди. Боланинг уйқуси баҳонасида биринчи бўлиб хайрлашган бўлса-да, ҳар ҳолда, хоним барон билан жуда хушмуомала бўлишга ҳаракат қилгани кўриниб турарди.

Болакай жовдираганча норозилик билдиришга интилиб, ўзининг чарчамаганлигини, бутун тун бўйи бирга қолишга тайёрлигини таъкидларди. Аммо, онаси аллақачон баронга хайрлашиш учун кўл узатиб бўлган, барон эса бармоқларга алоҳида ҳурмат билан лабини босди.

Эдгар бу кеча ёмон ухлади. Унинг мурғак қалбида бахтиёрлик туйғуси ва болаларча шубҳа-гумонлар ўзаро қоришиб, фикрлар алғов-далғов бўлиб кетди. Ахир бугун унинг ҳаётида қандайдир бир янгилик содир бўлди-да. У илк маротаба катталар тақдирига аралашиб қолганди. У уйқу аралаш ўзининг болалигини бутунлай унутган, гўё бир лаҳзада улғайиб қолгандек эди. Шу кунгача у касалманд бўлиб, ёлғиз тарбия кўрган ва ўртоқлари ҳам кам эди. Хизматкорларни ҳисобламаганда, у ўзининг меҳрга бўлган ташналигини ота-онасидан қондиришга интилар, лекин улар ҳам камдан-кам ҳолларда бола ҳақида қайғуришарди. Умидсизлик ва ёлғизликнинг бўм-бўш, зимистон кулбасида ноилож кўмилиб ётган ҳамда улкан бунёдкорликларга қодир юракни чулғаб олган шижоат ҳар доим безътибор қолади ва оқибатда ундан ҳосил бўладиган муҳаббатнинг қудрати нотўғри баҳоланади. Ахир у ерда ўта қайноқ ва ҳалигача заррача эътиборга лойиқ кўрилмаган бир ҳиссиёт сукутда ётади, агар кимдир биринчилардан бўлиб унга дуч келса ва унга лойиқдай кўринса, бу туйғу шу лаҳзада унга қучоғини очиб, ўз бағрига олишга тайёр туради. Эдгар қоронғулик қўйнида бахт ва таҳлика гирдобиди қоврилиб ётар, унинг ҳам кулгиси, ҳам йиғлагиси келарди. Зеро, у мана шу инсонга чиндан ҳам муҳаббат қўйганди, у ҳали ҳеч

кимга — на отаси, на онаси, на дўсти ва на парвардигор-га бунчалик муҳаббат бағишлаганди. Икки соат олдин ҳали исминиям билмаган бу инсон сурати ундаги энди-гина етилаётган ўсмирлик меҳри билан буткул чулғаб олинганди.

Аммо, ўз навбатида, бу кутилмаган ўзига хос янги дўстлик ўз-ўзидан бўлавермаслигига болакайнинг акли етарди. Унинг хадиксирашига нима сабаб экан-а, балки бу туйғунинг кутилмаганда пайдо бўлишими ёки унинг нотабийлигими. «Мен унга лойикманми ўзи, ҳаммадан эрта кўрпага кирадиган, ҳали мактабга ҳам бормаган, ўн икки яшар болакай бўлсам», дея тўлғанарди у. «Мен унга кимман ўзи, мен унга нима бера олишим мумкин?» Ай-нан ана шуни — дўстига ҳеч нарса бера олмаслигини ан-лаш, ожизлик хисси унинг умидларини пучга чиқарарди. Одатда, унга бирорта ўртоғи ёкиб қолса, албатта у билан столида ётган хазиначаси — ялтироқ тошчалар ёки поч-та маркаларини баҳам кўрарди, ана шу нарсалар, яъни кечагина унинг учун ўта муҳим бўлган нарсалар энди, бир лахзада, ўз кадрини йўқотгандай, уларнинг кадри хиралашгандай ва нокерак бўлиб кўринарди. У қандай қилиб янги дўстига бу нарсаларни таклиф қилиши мум-кин, ахир у дўстига «сен» дейишга ҳам ийманиб турган бўлса, ўз туйғуларини унга ошкор этишнинг бирор йўли ёки имкони бормикин? У ўзининг кичкиналиги, яримта одам эканлигидан, бор-йўғи ўн икки ёшли болакайлиги-дан борган сари кўпроқ азобланар, шу пайтгача у ҳеч қачон ўз болалигидан бунчалик нафратланмаган, бир ух-лаб турса-ю, улғайиб, кучли, худди бошқалардай катта одам бўлиб қолишни юрак-юрагидан истарди.

Эркакликнинг янги дунёсидаги дастлабки ранг-баранг орзулари шундай безовта хаёллар билан коришиб кет-ганди. Охир-оқибат Эдгар лабида бир чимдим табассум билан ухлаб қолди, аммо эртанги ваъда ҳақидаги хаёл-лар унинг уйқусига барибир раҳна солди. У ҳали соат эрталабки еттиям бўлмасдан, кечикиб қолишдан кўрқиб, чўчиб уйғонди. Одатда, онаси тўшакдан минг бир ово-рагарчиликлар билан турғизадиган болакай апил-тапил кийинди-да, ҳайратдан ёқа ушлаб турган ойисининг хо-

насида салом бериш учун хозир бўлди, онаси нима гап-лигини сўрашга ҳам улгурмасдан пастга, меҳмонхона фойесига қараб югурди. У шу тарика соат тўққизгача бесабр сандироқлаб юрди, хатто, нонуштаниям унутиб қўйди, унинг бутун фикри-зикри бирга сайрга чиқмоқчи бўлган дўстини узоқ куттириб қўймасликда эди.

Соат тўққиз яримларда бемалол одимлар билан барон пайдо бўлди. Табиийки, у кечаги ваъдаларини аллақачон унутиб бўлганди, аммо эхтирослардан тўлиб-тошиб, унга қараб югуриб келаётган болакайни кўргач, жилмайди ва сир бой бермасдан ваъдасида туришга тайёр эканлигини кўрсатишга тиришди. У болакайни қўлидан тутди, қувончдан яшнаётган гўдак билан бироз у ёқдан-бу ёққа юрган киши бўлди ва бирданига, ўта эхтиёткорлик билан сайрни бошлашни орқага сура бошлади. У гўё кимнидир кутаётгандек эди, ҳар ҳолда эшикка диққат билан қараётган нигоҳи шундай маънони берарди. У кутилмаганда хушёр тортди. Эшикдан Эдгарнинг онаси чиқиб, улар томонга кела бошлади ва унга дўстона салом берди. Эдгар ҳеч кимга айтмасдан, худди қимматли хазинадай асраб турган мана шу режалаштирилган сайр ҳақидаги маълумотни ошкор қилганида эса, онасининг кайфияти кўтарилиб, табассум қилди ва бароннинг бирга айланиш ҳақидаги таклифига тезда рози бўлди.

Эдгар эса шу захотиёқ лабини тишлаб, қовоғини осилтириб олди. Қанчалар ачинарли, онасиям айнан шу пайтда чиқиб қоладими. Ахир бу сайр бошдан-охиригача фақат ёлғиз унинг ўзига бағишланганди-ку, ҳўп, у дўстини онасига таништирган бўлса нима бўпти, бу бор-йўғи ҳурмат юзасидан қилинганди, холос, аммо дўстини онаси билан баҳам кўриш ниятида эмасди-ку. Бароннинг онасига кўрсатаётган такаллуфини кўриши билан эса, унда қандайдир рашкка ўхшаш туйғу пайдо бўлди.

Улар учаласи сайрга чиқишди, ҳар иккала томондан кўрсатилаётган ошкора ва ортиқча меҳрибонлик боладаги худбинликни, ўзининг муҳим ва аҳамиятли эканлигини англашдай хавфли туйғуни янада мустаҳкамлай бошлади. Эдгар ўзаро мулоқотнинг деярли асосий унсурига айланган, онаси унинг рангпарлиги ва асабий-

лиги хақида бироз кўпиртириброк арз килар, барон эса буларнинг хаммасини мутлако рад этар ва болакай кутганидай, «дўстининг» шаънига мулойим тарзда мактовлар ёғдирарди. Бу Эдгарнинг энг қувончли онлари эди. У болалиги давомида хали ҳеч қачон эришмаган ҳуқуқларга эга бўлаётганди. У бошқаларнинг суҳбатига бемалол аралаша олар, аввалгидай уни ҳеч ким тартибга чакириб, тинч туришини сўрамас ва ҳатто, шу пайтгача ҳечам эътиборга олинмаган орзуларини гап орасида изҳор қила оларди. Ва албатта, у ўзини улғайгандай ҳис этишидан, ундаги бу алдамчи туйғу тобора кучайиб бораётганидан хайрон бўлмаса ҳам бўларди. Унинг ёрқин хаёлларида гўдаклиги гўё аллақачон орқада қолган, болалиги гўё сиймай қолиб, четга улоқтирилган кўйлакка ўхшаб кўринарди.

Тушлик чоғида энди барон, албатта, Эдгарнинг онаси томонидан қилинган таклифга биноан, уларнинг столи атрофида ўтирарди. Кўз уриштиришдан энди ёнма-ён ўтириш, танишликдан эса дўстлик ҳосил бўлганди. Учлик оҳанглари энди маромига етказиб созланган, аёл, эркак ва боланинг овозлари энди ёрқин ва ҳамоҳанг жанрларди.

ХУЖУМ

Бесабр сайёд ниҳоят энди ўлжага яқинлашса бўлар, деган қарорга келди. Айни чоғда, мана бу расмий мазмундаги уч хил оҳанг*жананги унга эриш туюлиб кетди. Уч киши бўлиб бундай гап сотиш мароқли албатта, аммо суҳбат унинг асл мақсади эмас-да. Бир нарсани у яхши биларди, юзига ниқоб тортган расмий оҳанг эркак ва аёл ўртасидаги ёндирувчи эҳтиросларни ошкор этишга ҳаммавақт тўсқинлик қилади, сўзларда қайноқлик йўқ, ҳаракатдан эса аланга. Бароннинг бундай расмий суҳбатлар ортида ётган асл мақсадини хоним бир лаҳза унутмаслиги лозим эди, бунинг қандай мақсад эканлигини аёл аллақачон тушуниб етганига эса, унинг ишончи комил эди.

Бу аёл олдидаги ҳаракатлар бесамар кетмаслиги учун баронда бир қатор имкониятлар мавжуд эди. Хо-

ним аини чоғда ўзининг шундай бир хал килувчи ёшида эдики, бунда аёл ўзини ҳеч қачон севмаган эрига бир умрга содиқ қолишига иккилана бошлаган, унинг қуёшдай нур сочиб турган ҳусн-малоҳати уфқ остонасига етган, ва ниҳоят, у сўнгги бор оналик ҳамда аёллик ўртасидаги танлов имконияти олдида турарди. Гарчи ҳаёт аллақачон бу саволга жавоб бериб улгурган бўлса-да, тақдир ушбу дақиқаларда яна бир бор шу сўроққа дуч келган, ироданинг оҳанрабо миллари эса, сўнгги бор шахвоний саргузаштлар умиди ва абадий бокиралик оралиғида титраб турарди. Аёл бундай вазиятда ўта қалтис бир ҳукм қаршисида туради — ўз тақдирига бўйсунадими ёки фарзандининг бахти учун яшайдими, аёл бўлсинми ёки она бўлиб қолсинми. Бундай масалаларда ўта зийрак бўлган барон аёлнинг ҳаёлидан кечаётган эҳтирослар алангаси ва оила учун ўзини қурбон қилиш туйғуси оралиғидаги ушбу қалтис иккиланишни англагандай бўлди. Хоним суҳбат чоғида бирор марта ҳам турмуш ўртоғини эсламас, гўё эри ундаги оқсуякларга ҳос турмушнинг оқибатида пайдо бўлган, унинг ғашига тегадиган молпарастликни ва факат ташки эҳтиёжларини қондириш учунгина зарурдек туюлар, аёл ҳатто ўз боласининг ички дунёсини ҳам юракдан ҳис қила олмаслиги кўриниб турарди. Зерикиш ва бефарқликнинг сояси унинг қора кўзларида дилгирлик пардасига айланган ва бутун ҳаётини қамраб олиб, ҳатто, ақлини ҳам қоронғулик домига тортаётганди.

Барон илдамлик билан олға босишга қарор қилди, аммо, шу билан бирга, шошқалоқликнинг хатоларини ҳам олдини олиш лозим эди. Бу ерда худди уста балиқчидек, яъни ўлжа илинган қармоқни бироз бўш қўйиш лозим, ташқаридан қараганда ушбу дўстликка у ўзини бироз бефарқ кўрсатишга интилар ва гарчи у ичидан аёл унинг ўлжасига айланишни хоҳлаб турса-да, буни сездирмасликка ҳаракат қилар, яъни у ўлжани эмас, балки ўлжа уни овлашини истарди. Шу ўринда у ўзининг киборлигини ишга солмоқчи ва ижтимоий мавқеига урғу бермоқчи бўлди, бу фикр, ҳатто, уни бироз илҳомлантириб ҳам юборди, у киборлигига, ташқаридан

жарангдор эшитиладиган оксуякча номига урғу бериб, ўзини бироз совукконрок тутиши орқалигина ушбу дўндик ва ғўзал жисмга эриша олиши мумкин эди.

Қалтис ўйин аллақачон унинг қонини киздира бошлаган, шу сабабли у эҳтиёткорликни бой бермасликка тиришарди. Тушдан кейин йўқотиб қўйилган ва қидирилган киши бўлиб кўриниш учун у атайлаб ўз хонасидан чикмай ўтирди. Гарчи бу хонимга атаб қилинган бўлса-да, унинг йўқлиги аёлга унчалик сезилмади, аммо бечора болакай учун бу хол ҳақиқий азобга айланди. Куннинг иккинчи ярмида Эдгар ўзини бутунлай ожиз ва саросимали тутди, у ўз дўстини фақатгина ўсмир болакайларгагина хос бўлган мустаҳкам ишонч ва сабр-тоқат билан соатлаб кутди. Бирор жойга кетиб қолиш ёки бир ўзи бирор нарса билан машғул бўлиш, унинг учун гўё дўстликка хиёнатдай бўлиб туюларди. У йўлакларда бефойда дайдиб юрар, қанчалик кеч бўлгани сари унинг мурғак юраги ҳам ҳам билан шунчалик тўлиб борарди. Унинг безовта хаёлларига аллақачон қандайдир бахтсиз воқеалар келар ёки беихтиёр ўзини ҳақоратлангандай сезар, бетоқатлик ва ваҳимадан йиғлаб юборишга ҳам тайёр эди.

Барон кечки овқатга келган чоғида ўта қойилмақом қилиб қарши олинди. Онасининг эътирозли даъвати-ю, бошқаларнинг ҳайрон қарашларига ҳам эътибор бермасдан, Эдгар сакраб турди* ва унга қараб югуриб келди ва озгин билакчалари билан уни қучоқлаб олди.

— Қаерда эдингиз? Қаёқларда қолиб кетдингиз? — сўради у шоша-пиша. — Биз сизни ҳамма жойдан қидириб чикдик.

Онаси бундай кутилмаганда жамлаштирувчи муомаладан кизариб кетди ва жиддий оҳангда танбех берди:

— Sois sage, Edgar! Assieds-toi!¹ (гарчи бу тилда хоним рисоладагидек гапира олмаса-да, у бола билан ҳар доим французча сўзлашар, ҳатто, айрим мураккаб ибораларга унинг тили яхши айланмай қоларди) Эдгар танбехни эшитса-да, баронни сўроққа тутишни бас қилмасди.

¹ Ўзингни тўғри тут, Эдгар, ўтир жойингга! (франц.)

— Ахир, унутма, барон эркин одам, у нима хохласа, шуни қилиши мумкин. Балки бизнинг даврамиз унга зерикарлидир.

Бу сафар хоним ўз номидан гапирди, барон эса ўзида ички бир қувонч сезди, чунки ушбу лукма билан аёл ўзига хушомад сўраётгандай эди.

Унда овчилик хисси уйғониб кетди. Ўлжа ўкка ўта яқин турганини ва унинг изига осонгина тушганини хис қилган барон мастона завқланиб, кизиша бошлади. Унинг кўзлари чакнар, томирларида қон эркин оқар, лабларидан сўзлар қандай қайнаб чиқаётганини ўзи ҳам сезмай қолганди. У шахвоний хирсларга ўта берилувчан ҳамма эркаклар сингари, агар ўзини аёлларга ёқиб қолганини англаб қолгудек бўлса, икки хиссага яхшиланар, ўзидан ҳам икки баробарга ортиб кетарди, у худди сахнада оманинг нафаси ва тингловчилар назарини хис қилган чоғда завқланиб кетадиган айрим актёрларга ўхшарди. У ҳар доим маъноли тасвирлар билан сўзловчи, яхшигина истеъдодли хикоячилардан ҳисобланарди, аммо бугун, айниқса янги дўстлик шарафига буюрган шампаннинг бир жуфт кадахидан сўнг, ўзини ўзи ортда қолдириб кетди. У ҳиндларнинг ов қилиш маросими ҳақида хикоя қила бошлади. Бу овда у ўзининг олий табақали оксуяк инглиз дўстиникига меҳмонга борган чоғида иштирок этган, қолаверса, бу мавзу ҳам атайлаб танланганди, чунки бу бир жиҳатдан холис мавзу бўлиб, бошқа томондан эса барча экзотик ва эришиб бўлмайдиган нарсалар хонимни завқлантиришини у яхши англаб турарди. Аммо, бу хикоя билан у сеҳрлаган одам Эдгар бўлди, болакайнинг кўзлари ҳаяжондан алангаланиб кетди. Бола емоқ ва ичмокни унутиб, хикоячининг оғзидан чиқаётган сўзларга бақрайиб қолганди. У бундай гаройиб нарсаларни бошдан кечирган одамни ҳақиқатан ҳам учратиб қолишини тушида ҳам кўрмаган, хикоя қилинаётган нарсаларни болакай фақатгина ўзининг китобларидагина ўқиган — йўлбарс ови, қизил танли одамлар, ҳиндлар ва минглаб одамларни тупроқ билан қориштириб ташловчи, даҳшатли Жаггернаут ғилдираги. Шундай одамлар ростданам борлиги ҳақида шу пайтгача у ҳечам ўйлаб

кўрмаган ва эртақлардаги мамлакатларнинг мавжудлигига ҳам унчалик ишонмас, аммо айнан шу лаҳзада унинг мурғак қалбида қандайдир бир улкан хиссиёт уйғонаётган эди. У дўстидан кўз узолмас, нафасини ичига ютганча олдидаги бутун бошли бир йўлбарсни ўлдира олган қўлларга термулиб қолганди. У бирор нарса сўрашга ҳам ботинолмас, гапирганда ҳам овозлари титраб кетарди. Болаликнинг учқур хаёллари уни хикоядаги тасвирларга олиб қочар: мана унинг дўсти баланд ва ҳашаматли соябон тутилган филнинг устида бормоқда, ўнг ва сўл томонларида кимматбаҳо саллалар ўраган кизил танли одамлар, тўсатдан чангалзордан тишларини ялтиратиб бир йўлбарс югуриб чиқади ва ҳайбатли панжаларини филнинг хартумига уради. Барон энди янада қизиқроқ нарсаларни сўзлар, жумладан, филларни овлаганда қандай айёрликлар қўлланиши, масалан, қари ва ўргатилган филлар ёрдамида ёш ва шижоатли филларни хандақларга тушириш ҳақида хикоя қиларди. Боланинг кўзларидан ўт чакнарди. Шу пайт, гўё ялтираган бир ханжар унинг йўлини тўсгандай бўлди, яъни онаси тўсатдан соатга назар ташлади-да, деди:

— Neuf heures! Au lit!

Кўркувдан Эдгарнинг ранги докадай оқариб кетди. Ҳамма болалар учун «бор ётиб ухла» деган сўз энг даҳшатли сўзлардан бири ҳисобланади, чунки бу уларни катталар олдида пастга уришнинг энг ошкора усули, мана шу нарса болаликнинг, яъни ҳали тўлақонли одам эмасликнинг тамғасини босиш билан баробар. Аммо бу шармандалик мана шундай ўта қизиқ лаҳзаларда, кўз кўриб кулоқ эшитмаган нарсаларни эшитаётган пайтда содир бўлса, унинг қанчалик даҳшатли эканлигини тасаввур этиш янада қийин.

— Онажон, яна озгина, филлар ҳақидагисини эшитишга рухсат беринг!

У эндигина ялинишни бошламоқчи эди-ю, аммо тезда ўзининг катта одам сифатида янги ўрни борлиги эсига тушиб қолди. У яна бир марта уриниб кўрмоқчи бўлди. Аммо онаси бу сафар ўта қаттиққўл эди.

¹ Соат тўққиз, уйку вақти бўлди! (франц.)

— Йўқ, энди анча кеч бўлди. Қани юқорига чик! Бўлакол Эдгар. Жаноб барон гапириб бераётган воқеаларни ҳаммасини ўзим сенга яна қайтадан батафсил айтиб бераман.

Эдгар имиллай бошлади. Одатда уни ётоғига онаси кузатиб қўярди. Аммо дўстининг олдида у онасига ялингиси келмади. Болалик ғурури уни ушбу ачинарли вазиятда ўз ихтиёри билан кетаётгандай қилиб кўрсатишга ундади.

— Ростданми онажон, менга ҳамма, ҳаммасини айтиб берасиз-а! Филлар ҳақидаям, бошқалари ҳақидаям-а!

— Ҳа ўғлим, албатта.

— Бугуннинг ўзида! Кечиктирмасдан-а!

— Хўп, хўп, энди фақат бориб ухла. Боракол!

Хўрлиги келиб, йиғи ҳиқилдоғида тикилиб турган, уятдан кизаришига бир баҳя қолган бўлса-да, Эдгар қандай қилиб онаси ва баронга хайрлашиш учун қўл чўзганига ўзи ҳам хайрон қолди. Барон ўрнидан туриб унга дўстона таъзим қилганида, унинг асабийлашган чехрасида мажбурдан бўлса-да, ҳатто, кичик бир табасум ҳам пайдо бўлди. Аммо, энди шошилиш эшикка югуриши лозим, бўлмаса унинг юзида думалай бошлаган калин маржондек кўз ёшларини улар кўриб қолиши мумкин эди.

ФИЛЛАР

Онаси яна бирмунча вақт барон билан стол атрофида ўтириб қолди, аммо энди улар филлар ва ов саргузаштлари ҳақида сўзлашишмасди. Болақай кетиши билан уларнинг суҳбати оҳангида сезилар-сезилмас маъюслик ва енгил бир хижолат нафаси сезилгандай бўлди. Охир-оқибат, улар кираверишдаги фойе залига ўтишди ва бурчакдаги жойга бориб ўтиришди. Барон илгаригига қараганда анча ранги оқарган кўринар, хоним ҳам бир қадах шампандан кейин бироз қизишган, умуман ушбу мулоқот энди тезлик билан қалтис бир характер касб эта бошлаганди. Баронни умуман олганда, чиройли деб бўлмасди, у ўзининг куч-ғайрат тошиб турган бугдойранг чехраси ва қалта қилиб олдирил-

ган сочлари билан, бир карашда хакикий эркаклардай кўринса-да, аслида у фақат навкирон эди, холос. У ёшларга хос эркин ҳаракатлари билан хонимни ўзига ром этганди. Аёл энди унга яқиндан меҳр билан термулар ва унинг нигоҳларидан ҳам энди хайикмай колганди. Бароннинг гапларида ўзига хос дадиллик пайдо бўлган ва бу хонимни бироз маст қилгандай, гўё бутун вужудини унинг кучоқларига тушиб чиккандай сезар, қандайдир англаб бўлмас шахвоният чулғагандай бўлар, шунда яноқлари чўғдай кизариб кетарди. Барон ўзини ўсмирлардай эркин тутар, жилмаяр ва ушбу арзимас хирсий ҳаракатлар гўё болаликнинг шўхликларига ўхшаб кетарди.

Гоҳида у йигитнинг айрим сўзларига кескин эътироз билдиргиси келар, лекин табиатан танноз бўлганлиги учун ушбу кўнгилочарликлар уни ўзига ром қилиб борар ва уларнинг янада давомий бўлишини истарди. Ушбу эҳтиросли ўйинга ниҳоят кизиқиб кетганидан, охирида ўзи ҳам йигитга таклид қила бошлади. Аёл нигоҳлари билан кичик-кичик ўйноқи ваъдаларга шама қилар, сўзлари ва ҳаракатларидан ўзини аллақачон унга бағишлаганлиги кўриниб турар, гоҳида, унга яқин келиб қолганда эса, елка ва бўйинларида унинг илиқ ва эҳтиросли нафасини ҳис қилаётганди. Барча ишқивоз ўйинчиларга ўхшаб улар ҳам вақтни унутишган, қизғин суҳбатга бутунлай кўмилиб кетишган ва вақт ярим тундан ошиб, коронғулик зални чуқурроқ камраётганини сезиб қолишганда сесканиб кетишди.

Хоним биринчи бўлиб сакраб турди ва ҳали, биринчи мартадаёқ ўзини бунчалик бўш қўйганига ҳайрон қолди. Ўт билан ўйнашиш унинг учун бегона бўлмаса-да, бу сафар ўйин ўта жиддий тус олганини қайноқ ички сезги билан ҳис қилиб турарди. У беҳузур бўлиб, кўркувдан титрар, ичида нимадир ғимирлар, гўё дахшатли бир гирдоб қошида тургандай эди. Миясидаги ҳамма нарса кўркув, вино ва қайноқ сўзлар таъсиридан гирдобдек айланар, қалбини қандайдир бемаъни ва аҳмоқона кўркув қоплаганди. Бу шундай кўркув эдики, у бунақасини ҳаётининг худди шундай қалтис лаҳзаларида бир-икки бор

бошдан кечирган, лекин унда ҳам бунчалик гангитади-
ган ва таъсирли бўлмаганди.

— Хайрли тун, хайрли тун, эрталабгача хайр, — деди у саросима аралаш ва кетишга шошилди. Кетиш, қочиб кетиш, нафақат йигитдан, балки шу лаҳзалар ичида кўнглида туғилган хатардан, номаълум безовталиқдан қутулишни истарди. Аммо, барон унинг хайрлашуви олди-дан узатган қўлларини нозик бир қатъият билан тутган-ча ўпа бошлади, йўқ, одоб юзасидан бир маротаба эмас, балки нафис бармоқларнинг учидан тортиб билакларга-ча тўрт ёки беш марта лабини босди, йигитнинг салгина дағалроқ мўйловлари унинг қўлларини китиклаб ўтди ва аёлнинг бутун вужудига ёқимли титроқ ёйилди. Унинг бармоқларидан бошлаб бутун вужудини қандайдир илик бир уялиш ҳисси чулғаб ўтгандай бўлди, қўрқув эса бун-га қарши чиқар, таҳдидли гурзилари билан киприкларга ҳужум қилар, юзларини ёндирарди, сўнгра бутун вужу-дини қўрқув, ўша бемаъни қўрқув титрата бошлади ва у тезда қўлларини тортиб олди.

— Яна бирпас қолсангизчи, — шивирлади барон.

Аммо, хоним ўзидаги қўрқув ва саросимани ошқор этиб турган шошқалоқлик билан апил-тапил қадам таш-лаганча аллақачон узоқлашиб бўлганди. Энди аёлни тўлқинли изтироб чулғаб олган, ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб, аралашиб кетди. Шафқатсиз бир ёндирувчи таҳлика уни таъкиб қилар, йигит унинг ортидан келиши ва уни қучиши мумкин эди, аммо бундай бўлмади, шу билан бирга, хоним шундай бўлмаганидан афсусланиб кетди. Аёл йиллар давомида ўзи билмай интиқиб кутган, хаёлан унинг таниш ифорини севган, ушбу шахвоний саргузашт, шу пайтгача энг сўнги дақиқаларда унга чап бериб кетган, нафақат олиб қочувчи ва хаяжонга солув-чи, балки улкан ва ўта қалтис бўлган эхтиросли ҳолат айнан ана шу соатлар ичида юз бериши мумкин эди-ку. Аммо, ушбу қулай лаҳзалардан фойдаланиб қолишга ба-роннинг ҳавойи ғурури йўл бермасди. Хонимни шундай химоясиз, майдан ширакайф бўлиб турган дақиқаларида муғамбирлик билан забт этишига ва ўзининг айни шу лаҳзалардаги ғалабасига ишончи мустаҳкам бўлса-да,

барон ҳамма уста киморбозларга ўхшаб, фақат курашдан ва онгли равишда рақибга атайлаб бой беришдан завқланарди. Аёл энди ундан узокка кочиб кета олмайди. Хонимнинг томирларини қайноқ оғу куйдираётганини у сезиб турарди.

Зинадан кўтарилгач аёл нафасини ростлаш учун қафасдаги кушдай безовта депсинаётган юрагига кафтини босганча туриб қолди. У бир лаҳзага бўлса-да тин олиши лозим эди. Асаблари панд бера бошлаганди. Кўкрагини қандайдир аланга куйдиргандай бўлди, ярим безовталиқ, қандайдир хатар ва ярим изтироб қуйилиб келаётганди. Ярим юмилган кўзлари билан у худди маст одамлардай хонасининг эшигига етиб олди, ниҳоят муздай тутқични ушлагач, нафасини ростлади. Ниҳоят энди у ўзини беҳатар сезди.

У оҳиста хона эшигини очди. Кейинги лаҳзаларда эса, тўсатдан қўриқиб кетди. Хонада нимадир кимирлагандай бўлди, энг тўрда, қоронғуда. Асаблари таранглашиб, титраб кетди, энди қичқириб бирортани ёрдамга чақирмоқчи бўлиб турганида, хона тўридан уйку аралаш майин овоз эшитилди:

— Онажон, сизмисиз?

— Вой худойим-эй, бу ерда нима қилаяпсан?

У қоронғуда диванга урилиб кетди, унда Эдгар кулчадай бўлиб ётар ва ҳозиргина чўчиб уйғонганди. Унинг миясига биринчи бўлиб, боланинг тоби қочдимикин ёки бирор ёрдамга муҳтожмикин, деган фикр келди.

Аммо Эдгар қаттиқ уйку аралаш секин товуш билан деди:

— Мен сизни жуда узок кутдим ва кейин ухлаб қолибман.

— Нима учун кутасан?

— Филлар учун.

— Қанақа филлар?

Аёлниң энди ҳуши ўзига келди. Ҳа, у ҳақиқатан ҳам ҳамма нарсани, овлар ва саргузаштларни бугуннинг ўзидаёқ унга айтиб бермоқчи эди-ку. Шунинг учун ҳам бу болакай унинг хонасига кириб олган, бу содда ва мурғак гўдак чин дилдан ишониб, унинг келишини кут-

ган ва нихоят, ухлаб қолган. Бу аҳмоқона қилиқ аёлнинг ғазабини қўзғади. Ёки, аслини олганда у ўзининг қилиқларидан ғазаблангандир, кўнглидаги гуноҳ ва уятнинг юпқа пардасини ғазаб алангасида ёкиб юборишни истагандир.

— Қани тезда тушагинга жўна, тарбиясиз бола, — қичқирди у. Эдгар эса тушунолмай хайрон эди. Нима учун онаси унга бунчалик жаҳл қилади, ахир у ҳеч нарса қилмади-ку. Аммо бу хайронлик хонимнинг ғазабини янаям кўпроқ қўзғади. — Ҳозироқ хонангга жўна, — бақирди у ғазаб билан. Шу лахзада у болага ноҳақлик қилаётганини тушуниб турарди. Эдгар бир оғиз сўз айтмасдан чикиб кетди. Аслида Эдгар роса чарчаган, унинг ҳозир фақат қуюқ туман каби бостириб келаётган уйқудан боши айланарди. Онаси ваъдасида турмадими, демак, унга нисбатан ёмон муносабатига бирор сабаб бўлиши керак, деган ўйлар уни гангитаётганди. Аммо, у эътироз билдириб ўтирмади. Чарчоқ натижасида унинг боши ғувиллаб қолган, яна кутиб ўтириш ўрнига хонада ухлаб қолгани учун ҳам ўзидан хафа бўлди. «Худди гўдак боладай», деди у ўзича жаҳл билан ва фурсат ўтмасдан яна уйқуга кетди.

Чунки у кечаги кундан буён ўз болалигига нафрат билан қараётганди.

ОТИШМА

Барон ёмон ухлаб турди. Узилиб қолган саргузаштдан кейин уйқуга кетиш ҳар доим хатарли, алғов-далғов тушлар билан безовта ўтган нотинч тундан кейин, кечаги қулай дақиқаларни қўлдан бой берганингни англай бошлайсан. Эрталаб ҳали уйқунинг ва қарахтликнинг таъсиридан бутунлай қутулолмай пастга тушганида, болакай бир четда яшириниб, уни пойлаб турар, уни кўриши билан қувончдан сакраб ўзини унинг қучоғига отди ва минглаб саволлар билан азоб бера бошлади. Катта дўсти унга яна бир неча дақиқа вақтини ҳадя этганидан ва ушбу онларни онаси билан баҳам кўрмаса ҳам бўлишидан у бахтиёр эди. Ахир онаси ваъдасига қарамасдан унга ўша гаройиб нарсалар ҳақида ҳеч нарса

айтиб бермади-ку, энди дўсти хаммасини онасига эмас, болакайнинг ўзига ҳикоя қилиши шарт эди. Кутилмаганда қўлга тушиб қолган ва ўзининг ёмон кайфиятини яширмаётган баронни у юзлаб болаларча саволлар билан қўмиб ташлади. Бу саволлар орасида бола ўзининг йигитга бўлган меҳрини, эрта тонгдан бери узоқ кутган одами билан ёлғиз эканлигини ҳам таъкидлаб утарди. Барон эса истамайроқ жавоб берарди. Боланинг бунақа доим таъқиб қилишлари, содда ва арзимас саволлар, кутилмаган ва ортикча меҳр кўрсатишлари йигитнинг энди энсасини котира бошлаганди. Барон ҳар куни эртадан кечгача ўн икки яшар гўдак билан судрашиб юриш, у билан бемаъни гап сотишдан толиққанди. Унинг бутун эътибори боланинг онасини якка ўзини тутишга қаратилганди, аммо боланинг бу ердаги ортикча иштироки энди янги муаммога айланганди. У эҳтиётсизлик билан болада ўзига нисбатан керагидан ортиқ мухаббат уйғотиб қўйганини энди тушуниб етди. Аммо ушбу хиралик билан унга ёпишиб олган ўртоғидан қутулишнинг чорасини тополмасди.

Нима бўлганда ҳам барон бир уриниб қўришга қарор қилди. То соат ўнгача, яъни онаси билан бирга сайрга чиқиш учун келишилган вақтгача, болакайнинг бекорчи гап сотишига қўйиб берди, у боланинг гапларига эътибор бермас, фақат ҳар замонда уни хафа қилмаслик учун гап орасида нимадир кистирар, ўзи эса газета варақлаб ўтирарди. Аммо соат миллари роппа-роса ўнга яқинлашганда, у гўё тўсатдан бир нарса эсига тушиб қолгандай, болага шу яқин атрофдаги бошқа бир меҳмонхонага бориб келишини, у ердан бароннинг жияни граф Грундхайм келган-келмаганини билиб келишини илтимос қилиб қолди.

Ҳеч нарсадан беҳабар содда болакай ниҳоят дўстининг корига ярай олганидан, унинг илтимосини бажариш имкони борлигидан қувониб, шундай завқ билан югуриб кетдики, уни кўрганлар беихтиёр ёқа ушлаб қолишди. Ахир, бирор киши унга ўз хабарини етказишни ишониб топширадиган бўлса, у қанчалик эпчиллик билан етказишни кўрсатиб қўйгиси келарди-да. У ерга етиб бори-

ши билан маълум бўлдики, граф хали келмаган ва шу пайтгача келиши ҳақида хабар ҳам бермаган экан. Ушбу хабарни у ўқдай елиб етказиб келди. Бироқ фойеда энди баронни топиб бўлмасди. Шошганча бориб унинг эшигини муштлади — бефойда. Саросимада ҳамма хоналарни айланиб чикди, мусика хонасини, қахвахонани, хаяжонда бирор хабар билиш учун онасининг олдига югурди: у ҳам кетиб қолганди. Ниҳоят ҳолдан тойиб, эшик оғасидан сўради. У бир неча дақиқа олдин улар иккаласи биргаликда қаергадир жунаб кетганини айтди. Бу хабар болани ҳайрон қолдирди!

Эдгар сабр билан кутди. Унинг мусаффо кўнгли ҳеч қандай ноҳўя гумонларга берилмади. Улар унчалик ҳаялламасликлари керак, ахир баронга унинг жавоби керак-ку, бунга унинг ишончи комил эди. Аммо соатлар имиллаб ўтар, безовталиқ борган сари уни ўз гирдобига тортарди. Умуман олиб қаралганда, мана шу ўзига ўта ишонган бегона одам унинг беозор ҳаётига кириб келган кундан буён боланинг осойишта кунлари тугаган, у кун бўйи ташвишли, безовта ва гангиб юрарди. Ёш боланинг беғубор кўнглига озор етказган ҳар қандай адолатсизлик худди мулоҳим шамга тушган изни эслатади. Унинг ковокларидаги асабий титраш яна пайдо бўлди, ранги эса аллақачон бўздай оқариб кетганди. Эдгар кутаверди, кутаверди, аввалига сабр билан, сўнгра саросимали ва ниҳоят, йиғламоқдан бери бўлиб кутди, лекин ҳалиям умидини йўқотмади. У ажойиб дўстига кўр-кўрона ишониб, бирорта тушунмовчиликка йўл қўйдим деб гумон қилар, ички бир ҳадик уни изтиробга солар, балки у ўзига берилган топшириқни нотўғри тушундимикин.

Аммо, улар қайтишганда иккаласи қизгин суҳбатлашиб келаётгани ва уни кўриб заррача ҳам ҳайрон бўлишмагани унга ғалати туюлди. Гўё улар, унинг йўқлигини мутлақо сезишмагандай эди.

— Эди, биз сенга рўпара келамиз, йўлда учратамиз деб ўйлагандик, — деди барон ва топшириқ ҳақида сўрамади ҳам.

Аммо, болақай кўркув аралаш, уни бекорга қидиришганини, у тўғри йўлдан катта қўчага қараб чо-

пиб кетганини айтди ва улар қайси йўлдан юришганини билмоқчи бўлиб қизика бошлаганида, онаси кутилмаганда:

— Бўлди, бўлди, жуда яхши! Болалар бунча кўп гапирмаслиги керак, — деди унинг гапини бўлиб.

Эдгар ғазабдан кизариб кетди. Бу энди иккинчи марта уни дўстининг олдида ерга урилиши эди. Нима учун онаси ҳар доим уни гўдак деб ўйлайди, ахир энди кичкина бола эмаслигига унинг ишончи комил-ку? Афтидан, онаси унинг дўсти борлигига ҳасад қилаяпти ва дўстини ундан тортиб олишни режалаштирган. Ҳа, албатта, аниқ шундай, у айнан шу мақсадда атайлаб баронни бошқа йўлдан олиб кетган. Бирок, у ўзини онасига бундай хўрлатиб қўймайди, буни онасига билдириб қўйиш керак. У онасига жahl қилиб, аразламоқчи бўлди. Эдгар бугун стол атрофида онасига умуман гапирмасликка, фақат ёлғиз дўсти билангина гаплашишга қарор қилди.

Аммо, баттар бўлди. Умуман у кутмаган нарса бўлди, унинг аразлаганига ҳеч ким эътибор ҳам бермади. Ҳа, улар боланинг борлигини кўришмади, уни-я, кечагина ўзаро суҳбатларнинг диққат марказидаги одамни-я. Улар иккаласи унга эътибор ҳам бермасдан гаплашишар, ҳазиллашишар, кулишар, гўё у стол тагига кириб кетгандай. Унинг қони қайнаб, юзига ура бошлади, ҳалқумига бир нарса тикилиб, нафасини қиса бошлады. У алам билан ўзининг ожизлигини англади. Энди у бу ерда жимгина ўтириб, унинг дўстини, у чин дилдан ёқтирадиган ягона инсонни, онаси ўз томонига оғдириб олишини кузатиб туриши лозим эди, уни ҳимоя қилиш учун болада сукут сақлашдан бошқа чора йўқ эди. Унинг сакраб тургиси ва кутилмаганда иккала муштини столга ургиси келди. Фақат шундагина унга эътибор беришлари мумкин. Аммо ўзини тўхтатиб қолди, санчки ва пичоғини қўйиб, бошқа бир тишлам ҳам нарса емади. Бирок шундай қўпол қиликни ҳам улар анчагача сезишмади, фақат суҳбат охирига бориб онаси унга эътибор берди ва ундан ҳол сўраган бўлди. Унинг баттар жahlчиқди, онасининг хаёлида фақат битта фикр, у касал бўлмаса бўлди, бошқа нарсанинг унга аҳамияти йўқ. У

қискагина қилиб кайфияти йўқлигини айтганда, онаси хотиржам бўлди ва кўнгли жойига тушди. Бола уларнинг диккати ҳеч нарса билан ўзига жалб эта олмади. Барон худди уни умуман унутиб қўйганга ўхшарди, у ҳатто бир марта бўлса ҳам унга гапирмади. Қўйилиб келаётган кайноқ кўз ёшлар унинг қовоқларини қуйдириб борар, у ҳатто йиғлаётганини ва юзидан оқаётган ёшлар лабларида шўр таъм қолдираётганини ҳеч ким кўрмасин деган ниятда болаларча айёрлик ишлатишига ҳам тўғри келди — у қўл сочик билан кўзларини бекитди. Тушлик тугагач, ниҳоят у эркин нафас олди.

Онаси тушлик чоғида биргаликда Мария-Шуц томонга аравада сайр қилиб келишни таклиф қилди. Бунни Эдгар лабларини тишлаганча эшитиб турарди. Энди дўстининг бир ўзини онаси билан бир дақиқага ҳам ёлғиз қолдиришни истамасди. Аммо овқатдан тураётган пайтда онаси унга:

— Эдгар, сен мактабдаги нарсаларингни бутунлай унутиб қўймаслигинг керак, шу ерда қолиб биров дарсларингни такрорласанг бўларди! — деганида унинг нафрати қайнаб кетди. Кичкина муштчалари яна тошдай қисилди. Онаси доим уни дўстининг олдида шундай хўрлайди, ҳали ёш бола эканлигини, мактабга бориши кераклигини, катталар орасида унга жой йўқлигини доим намойишкорона эслатиб туради. Аммо, бу сафар ушбу фикр унга жуда оғир ботди. У умуман жавоб бермади, балки тескари қараб олди.

— Э-ҳа, яна аразлади, — жилмайди онаси ва баронга қараб, — бир мартагина бўлса ҳам бир соатгина шуғулланса ҳақиқатан ёмон эмас-ку, — дея таъкидлади.

Шунда боланинг қалбида нимадир муздай қотди, чунки барон, яъни уни дўстим деб атаган, ўша, уни уй қизи деб қулган одам:

— Ҳа, бир соатми ёки икки соатми, дарҳақиқат зарар қилмасди, — деди.

Нима бу ўзи, розилик аломатими? Ҳақиқатан ҳам, улар иккаласи унга қарши тил бириктиришганми? Боланинг нигоҳларида ғазаб алангалана бошлади.

– Менга отам бу ерда ўқиш билан шуғулланишимни тақиқлаган. Отам бу ерда дам олишимни хоҳлаган, – бидирлай бошлади у ўзининг касаллигидан ғурурланиб кетиб. Бу сўзларни у худди таҳдиддай гапирди. Энг аҳамиятли томони шундаки, бу гап ҳақиқатан уларнинг ҳар иккаласида қандайдир ўнғайсизлик уйғотгандай эди. Онаси тескари қараб олди ва асабийлашганча бармоклари билан столни черта бошлади. Икки тараф ўртасида қандайдир сирли жимлик ҳукм сура бошлади.

– Хўш, Эди, нима деб ўйлайсан, – деди барон ниҳоят зўрға жилмайиб, – масалан, менинг албатта ҳеч қандай имтиҳоним йўқ, ҳаммасидан аллақачон йиқилиб бўлганман.

Эдгар бу ҳазилга пинагини ҳам бузмади, аксинча йигитнинг кўнгил тубида яширинган ниятини англамоқчи бўлгандек ўта гумондор ва тешиб юборгудек назар билан қаради. Ўша жойда нима бор экан-а? Барон билан ўрталарида нимадир ўзгарганди ва болақай бунинг сабабини билолмай хуноб эди. Унинг кўзлари безовта жовдиради. Унинг юрагида миттигина бир болғача тинимсиз тақиллата бошлади – бу илк шубҳа эди.

ЁНДИРГУВЧИ ТИЛСИМОТ

«Онам нимага бундай қилди?» – хаёлидан кечирди у ўрнидан кўзгалган фойтунда уларнинг қаршисидан жой олгач. «Нимага энди у менга аввалгидек эмас? Нима учун кўзларига қарамоқчи бўлсам, нигоҳини олиб қочаяпти? Нима сабабдан барон мен билан фақат ҳазиллашиш пайида ёки лақиллатмоқчи бўлади? Иккаласи ҳам кеча ва ўтган кунгидек гаплашишмайди, менимча иккови ҳам бошқа одамларга айланиб қолгандай. Онамнинг лаблари бугун шунчалар қизилки, менимча у бўяб олган. Ҳеч қачон уни бунақа кўрмаганман. Барон ҳам тинмай пешонасини тириштиргани-тириштирган, худди мен уни хафа қилгандай. Мен ахир уларга ҳеч нарса қилмадим-ку, онамнинг жаҳлини чиқарадиган гап ҳам гапирмадим. Йўқ, улар бир-бирига нисбатан аввалгидан бошқача бўлиб қолишганига мен сабабчи эмас. Улар,

менимча, шундай бир нарсани ўйлашган-у, лекин ошкор этишга ишонишолмаяпти. Улар энди кечагидай гаплашмаяптилар, кулмаяптилар ҳам, улар бирорта ғаразли ниятни бекитаяптилар. Қандайдир бир сиру синоат борки, менга фош қилишни ишташмаяпти. Бу аниқ бир тилсимот, қандай йўл билан бўлмасин мен унинг тагига етишим керак. Мен буни биламан ўзи, менимча, бу айнан ўша нарса бўлса керак, ўша нарсадан олдин катталар доим эшикларни ёпиб олишади, у ҳақда китобларда ёзишади, операларда эркак ва аёллар кучоқларини кенг очишиб бир-бирларига қараб куйлашади, бир-бирларини қучишади ва аразлашадилар. Бу, тахминимча, худди менинг устозим — француз хоним билан бўлган нарса, ўшандаям у отам билан келишолмаганлиги учун, уни ҳайдаб юборишганди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси бири-бири билан албатта боғлиқ, сезиб турибман, лекин қандай қилиб, билмадим. Оҳ, шуни билсайди, ниҳоят билиб олсайди ўша тилсимни, барча эшикларни очишга қодир калитни қўлга киритсайди! Ортиқ ҳеч қачон бола бўлиб қолмаслик учун, ундан ҳамма нарсани бекитмасликлари, сир сақламасликлари, кўкрагидан итармасликлари, хўрламасликлари учун ҳам бу тилсимотни билиш, ниҳоят уни англаши лозим. Ҳозир ёки ҳеч қачон! Мен сизларга буни фош қиламан, бу даҳшатли сирни!» Унинг манглайида ажин пайдо бўлди. Бу озғингина ўн икки яшар болакай жиддий нигоҳларини бир нуқтага тикканча, бирпасда қарияга айланиб қолгандай эди. У турли рангларга чўмилиб товланаётган табиатга, оч яшил рангларда яшнаётган арчазор ўрмонлар билан ўралган тоғларга ва кечиккан баҳорнинг нафис нурларида яшнаётган кенгликларга бир мартагина бўлса ҳам назар ташламасди. У фақат қаршисидаги орқа ўриндикда ўтирган иккаласига термулар, унинг ўтли нигоҳлари худди балиқчининг қармоғидай уларнинг кўзлари тубида яширинган сирни илиб олмоқчи бўларди. Ҳеч нарса ақлни изтиробли гумончалик чархлай олмайди ва ҳеч нарса қоронғуда йўқотилган ўлжачалик улғаймаган тасаввурнинг бойишига имкон яратолмайди. Гоҳида биз ҳақиқий турмуш деб атайдиган дунёдан болани шундай юпқа бир

эшик ажратиб турадики, уни кутилмаган дайди шабада эпкини ҳам очиб юбориши мумкин.

Эдгар ҳали ҳеч қачон ўзини номаълум ва буюк тил-симотга бунчалар яқин ҳис этмаган, мана, у бун шундай олдигинасида ҳис қилиб турибди, ҳали бу буткул яширин, ечилмаган жумбоқ, аммо яқин, жудаям яқин. Айнан ана шу ҳолат унда дадиллик уйғотди ва мана шу ҳол унга кутилмаган ҳамда мағрур жиддийлик ато этди. Чунки у ўзи билмаган ҳолда болалигининг сўнгги нуктасида турганини ҳис эта бошлаганди.

Онаси ва барон қандайдир беҳузур ва сиқувчи қаршилиқ таъсирини сезиб туришар, лекин бу нарса уларнинг қаршисидаги болақайдан таралаётганини ҳаёлларига ҳам келтиришмасди. Извошда улар ўзларини сиқилгандай ҳис этишар, бу ер учаласи учун торлик қилаётгандай эди. Қаршидаги бир жуфт кўз қора аланга сочиб иккаласини таъқиб этарди. Уларнинг бир оғиз сўз айтишга ёки қиё боқишга ҳаддилари сифмасди. Уларнинг гап оҳангларида энди ўзаро эҳтиросли, ишончли ноталар яширинган, улар энди хатарли ва ҳар бир сўзида яширин, хуфийёна ҳаёсизликларнинг нафаси уфуриб турган, эркин даврабоп суҳбатларга қайтишолмай овора эдилар. Энди уларнинг суҳбатлари қовушмас, жумлалар ҳар қадамда тинмай тўсиқларга учрарди. Орага жимлик тушар, уни бузишмоқчи бўлишар, аммо боланинг қатъий сукути суҳбатнинг давомига йўл бермасди.

Унинг юракни қон қилувчи сукути, айниқса онаси учун оғир юк бўлди. Аёл болани четдан туриб эҳтиёткорлик билан кузата бошлади ва тўсатдан қўриқиб кетди. Шу топда, айниқса, бола лабларини тишлаб турган бир холида, уни эрига ўхшаб кетишини англаб қолди. Эри ҳам ҳислари жунбиш урганда ёки ғазаб оти-га минганда шундай бўлиб кетарди. Аёл учун айти шу лахзаларда, яъни ишқий саргузаштлар қучоғига ўзини ташлай деб турган бир пайтда, эрини эсга олиш жуда ноқулай эди. Худди бир қўланка ёки виждон соқчиси сингари озғин манглай остидаги пистирмада турган қора ўйноқи кўзлари билан, чегара тўсиқларини ёпишга уринаётган божхоначига ўхшаб кетадиган бу нигоҳлар

фойтундаги тангликни икки баробарга орттираётганди. Тўсатдан Эдгар бир лахзага нигоҳини кўтариб аёлга қаради. Шунда ҳар иккаласи ҳам нигоҳларини олиб қочдилар, иккаласи ҳам ҳаётларида биринчи марта бир-бирини яширин кузатаётганларини сезиб қолишди. Шу пайтгача улар бир-бирига кўр-кўрона ишонишар, аммо энди она ва бола, волида ва гўдак ўртасида кутилмаганда нимадир бир нарса ўзгарганди. Ҳаётларида биринчи бор улар бир-бирини кузата бошлашганди, ҳар иккала такдир йўли шу ерда ажралиш хавфи остида турар, улар учун янги ва шу билан бирга, эндигина уларнинг қалбини қамраб олаётган ўзаро яширин нафрат ўз кудратини намоён этиётганди.

Отлар айланиб келиб, яна меҳмонхона олдида тўхтаганида, ҳар учаласи ҳам енгил нафас олишди. Бу энг омадсиз сайрлардан бири бўлганди, ҳаммалари буни сезиб туришар, аммо ҳеч кимни бу ҳақда гап очишга ҳадди сизмасди. Энг биринчи бўлиб Эдгар сакраб тушди. Онаси бош оғриғини баҳона қилиб, узр сўради-ю, хонасига шошилди. Аёл жуда ҳориган ва ёлғиз қолишни истарди. Эдгар ва барон извош олдида қолишди. Барон аравакашга ҳақини тўлади-да, соатига бир қараб, болага эътибор ҳам бермасдан меҳмонхона фойесига йўл олди. У ўзининг бир маромдаги енгил салобатли қадамлари билан келишган елкаларини тик тутганча унинг олдидан ўтиб кетди. Бола кечагина худди шу қадамларга ҳавас қилган ва унга таклид қилишга ҳам уриниб кўрганди. Барон унинг ёнидан, шундоқкина ёнгинасидан ўтиб кетди-я. Афтидан, у гўё болани унутган ва уни мана шу аравакашнинг, мана шу отларнинг ёнида қолдириб кетди, гўё унинг баронга умуман алоқаси йўқдай эди.

Барон унинг ёнидан ўтиб кетаётганини кўриб, Эдгарнинг қалбида қандайдир иккиланиш уйғонди, шунча нарсаларнинг ҳаммасига қарамасдан, у ҳалиям йигитга илохий бир меҳр билан қарарди. У ҳатто камзулини этагини ҳам тегизмасдан, бир оғиз ҳам сўз демасдан унинг ёнидан ўтаётганида боланинг қалбини гумон қоплади. У ўзининг гуноҳини билолмай овора эди. Минг бир уриниш билан ушлаб турилган дадиллик йўқолиб, унинг

нимжонгина елкаларидан ироданинг ясама юки сирғалиб тушди ва у яна гўдакка айланиб қолди, худди кечагидай, олдинги кундагидай кичкинагина болакайга айланиб қолди. Унинг ҳиссиётлари жунбишга келди. У ҳадиксираган қадамлар билан баронни қувиб ўтди, у эндиgina зинадан кўтарилай деб турганда йўлини тўсди ва кўз ёшларини зўрға тўхтатиб, деди:

— Мен сизга нима қилдим, нима учун менга эътибор ҳам бермайсиз? Нимага сиз энди менга бунақа қилаяпсиз? Ҳатто онам ҳам? Нима учун сиз мени доим четга суриб ташлашни хоҳлаяпсиз? Мен сизларга ортиқча юк бўлаяпманми ёки бирор нарса қилдимми?

Боланинг овозида қандайдир одамни тўлқинлантирадиган ва кўнгилни эритадиган нарса бор эди. Йигитнинг бу беғубор болакайга раҳми келиб кетди.

— Эҳ, Эди, сен жиннивойсан! Бугун мени фақат озгина кайфиятим йўқ, холос. Сен, ахир шундай ширин боласан, мен ростданам сени яхши кўраман, — деди у боланинг бошини эркалаб силаганча, аммо унинг каттакон, ёш тўла жовдираган кўзларига тутилиб қолмаслик учун юзини олиб қочди. Бошлаган ўйини унга жирканч кўриниб кетди. Боланинг муҳаббати билан ўта қўпол ўйнашиб қўйганидан аллақачон унинг ўзи ҳам уяла бошлаган, мана шу майин ва илоҳий бир йиғи билан қоришиб кетган овоз унга оғриқ бераётганди. — Эди, энди бор, юқорига чик, кечкурун ҳаммаси яна жойида бўлади, мана ўзинг кўрасан, — деди у ялинган оҳангда.

— Аммо, онам бирданига мени хонамга қайтариб юборишига қўймайсиз-а, тўғрими?

— Йўқ, йўқ, Эди, қўймайман, — жилмайди барон, — энди юқорига чиқакол, мен кечки овкатга кийиниб олишим керак.

Эдгар бир лаҳзага қувонди-да, хонасига жўнади. Аммо, тезда юрагидаги болғача яна безовталана бошлади. У кечаги кундан буён бир неча йилга улғайиб бўлган: унинг мурғак қалбида гумон деб аталмиш бир бегона меҳмон мустаҳкам ўрнашиб олганди.

У сабр билан кутди. Бу худди ҳал қилувчи синовга ўхшаб кетарди. Ҳаммалари биргаликда стол атрофида

ўтиришарди. Соат тўққиз бўлдиямки, онаси уни ухлашга жўнатмади. У хатто, безовталана бошлади. Нима сабабдан онаси уни бугун бу ерда ўтиришига қўйиб берди, одатда ҳечам кечикмасди-ку? Балки барон сўнгги лаҳзаларда онасига унинг истагини ва суҳбат мазмунини фош қилдимикин? Кутилмаганда, бугун бароннинг ортидан боргани ва унга бутун қалбини очиб ташлагани учун кўнглида пушаймон ҳисси пайдо бўлди. Соат ўн бўлиши биланок, тўсатдан онаси ўрнидан турди ва барон билан хайрлаша бошлади. Ҳайрон қоларлиси шунда эдики, уларнинг бундай эрта тураётганига барон хайрон ҳам бўлмади ва ҳар доимгидек хонимни яна озгина ушлаб қолиш учун баҳона ҳам қидирмади. Боланинг юрагида гумон болғачаси янада тезроқ ура бошлади.

Бу ўта қалтис синовга ўхшаб кетарди. Бола ҳам ўзини ҳеч нарсадан хабари йўқдай тутди ва ҳеч қандай эътирозсиз онасининг ортидан эшикка юрди. Эшикка етганда, у тўсатдан нигоҳини кўтарди. Ва, у ўзининг устидан ўтиб барон томонга қаратилган, жилмайиб турган назарни илғаб қолди, бу ўзаро келишган, қандайдир бир тилсимга йўғрилган нигоҳлар эди. Ҳа, демак, барон ҳаммасини фош қилган. Шунинг учун эрта туришган экан-да: эртага уларга ҳалакит бермаслиги учун, ундаги гумонларни бугун таркатиб юборишмоқчи бўлишибди-да.

— Лаънати, — ғудуранди у.

— Нима дединг? — сўради онаси.

— Ҳеч нарса, — дея минғирлади у тишлари орасидан.

Ана энди унинг ҳам ўз сири бор эди. Бу сирнинг оти нафрат, уларнинг иккаласига қаратилган чексиз нафрат эди.

СУКУТ

Хуллас, Эдгарнинг безовталиги ўтиб, ниҳоят у ҳақиқий нафрат ва ошкора душманлик ҳиссидан завклана бошлади. Мана энди Эдгар уларнинг йўлига тўсиқ бўлади, уларнинг учрашувини қайғули лаҳзаларга айлантиради. Энди уларга ҳалал бера олишидан, ва ниҳоят, бутун куч-ғайрати билан уларга қарши хужум

кила олиш имкони борлигидан у хаёлан рохатланарди. Биринчи бўлиб у баронга тишини кўрсатди. Эрталаб барон келганида ва унинг олдидан ўтаётиб чин дилдан:

— Салом Эди, — деб саломлашганида, у бурилиб ҳам карамади ва фойеда ўтирган жойидан кўзғалмади ҳам, куруқкина қилиб:

— Салом, — деб қўйди.

— Ойинг пастга тушдиларми?

— Билмасам, — деди Эдгар газетадан бош кўтармай.

Барон хайрон бўлди. Нима бўлди ўзи бунга бирданнига?

— Ҳа, Эди, ёмон туш кўрдингми?

Ҳар доимгидай бирорта хазил бу ерда ёрдам бериши лозим эди. Аммо, Эдгар унга мутлақо эътибор бермаган бўлиб:

— Йўқ, — деди ва янаям қизиққан киши бўлиб газетга термулди.

— Аҳмоқ болакай, — деди барон ўзига-ўзи ва елкаларини қисганча нари кетди. Хуллас, душманлик расман эълон қилинди.

Эдгар онасига нисбатан ҳам совуқ ва расмий бўлиб олди. Уни теннис майдончасига жўнатишмоқчи бўлиб уринишганида, жимгина рад қилди. Унинг лабларидаги маккорона ўйнаб турган илжайиш, энди ўзини чув туширтириб қўймаслигидан дарак берарди.

— Мен жон деб сизлар билан сайр қиламан онажон, — деди у ясама меҳрибонлик билан ва онасининг кўзларига тикилди. Бу жавоб онасига ёқмагани шундай сезилиб турарди. Аёлнинг жиғибийрони чиқиб, нимадир кидиргандай безовта бўлди.

— Шу ерда мени кутиб тур, — дея қарор қилди у ва ўзи нонушта қилишга кетди.

Эдгар кута бошлади. Аммо гумонлар уни тинч қўймасди. Бир безовта хиссиёт иккаласининг ҳар бир сўзидаги сирли ва маккорона ниятларни кидира бошлаганди. Тобора ортиб бораётган шубҳалар эса, уни энди янаям хушёрроқ бўлишга ундарди. У буюрилгандай фойеда кутиб ўтирмасдан, уларни ташқарида пойлай бошлади, чунки у ердан туриб нафақат асосий эшикни,

балки ҳамма чиқиш йўлларини кузатиш мумкин эди. У ич-ичидан қандайдир ёлғонни сезиб турарди. Аммо, энди иккаласини алдаб кетишларига қўймаслик керак. Ташқарида у худди хиндулар ҳақидаги китобларида ўқиганидай қилиб, бир ёғоч тўсин орқасига писиниб олди. Орадан ярим соатлар чамаси ўтгач, онасининг меҳмонхона ёнидаги эшикдан қўлида бир қучок яшнаб турган атиргуллар дастасини ушлаганча бароннинг, ўша хоиннинг кузатувида чиқиб келаётганини кўриб, ўз қилмишидан мамнун бўлди ва жилмайиб қўйди.

Иккаласи ҳам ўзини жуда дадил тутишарди. Улар энди ўз сирлари билан ёлғиз бўлиш учун болани алдаб кетдик, дея эркин нафас олардилар. Хушчакчак суҳбатлашганча улар ўрмон йўли томонга бурилишди.

Ана энди пайти келди. Эдгар худди тўсатдан келиб қолгандай, билдирмай тўсин ортидан чиқиб келди. У ўзини ўта бемалол ва жиддий тутиб, улар томонга юрди ва уларнинг саросимали ҳолидан мароқланиш учун атайлаб вақтни роса чўза бошлади. Иккаласи ҳам хайрон бўлишиб, бундай ёвқарашдан таҳликага тушиб қолдилар. Ўзига ўта ишонган киши бўлиб, оҳиста қадамлар билан бола уларга яқинлашди, у ўткир нигоҳларини улардан узмасди.

— А, ха, Эди, шу ердаминг, биз сени ичкарида қидириб юрибмиз, — деди ниҳоят онаси. Қандай безбетларча алдаяпти-я, ўйлади бола. Аммо боланинг лаблари қимирламади ҳам. Улар нафрат тилсимини тишлари ортига бекитиб туришарди.

Учаласи ҳам нима қилишни билмай туриб қолишди. Бири иккинчисини ўғринча кузатарди.

— Қани, кетдик бўлмасам, — деди хоним пичинг билан ва жаҳлини яширолмай атиргуллардан бирини юла бошлади. Бурун қанотларининг билинар-билинемас титраши унинг ғазабини яна ошкор қилиб турарди. Улар иккаласи юриб кетишгач, Эдгар худди юрмоқчи эмасдай кўмкўк ўрмонни томоша қилган киши бўлиб туриб қолди ва улар бироз узоклашишгач, орқаларидан уларни таъқиб қилиб, йўлга тушди. Барон вазиятни ўнглаш учун яна бир марта уриниб кўрди.

— Бугун теннис мусобақаси бор эди, ҳеч томоша қилганмисан?

Эдгар унга ғазаб билан бир қараб қўйди, холос. Бароннинг саволига у энди жавоб бермади, у гўё ҳуштак чалмоқчи бўлгандай лабларини чўччайтириб олди. Бу боланинг қарори эди. Ундаги нафрат ғажиб ташламоқчи бўлган оппок тишларини кўрсатганди.

Боланинг кутилмаган иштирокидан иккаласи ҳам ўзини худди тоғ босгандай ҳис қилишаётганди. Кишанланганлар худди шундай муштларини яширинча тугиб, қўриқчилар ортидан эргашишади. Болакай аслини олганда ҳеч нарса қилмас, аммо унинг тўкилай деб турган ёшлардан намланган кўзлари, шубҳали қарашлари, ғашга тегадиган даражада чидам билан сукут сақлаши борган сари ҳар бир дақиқани азобга айлантирарди.

— Олдинроққа ўтиб юр, — деди тўсатдан жаҳл билан онаси унинг шубҳали кузатишларидан аччиғи чиқиб. — Оёқларим остида ўралашмагин, бу мени асабимни кўзғаяпти!

Эдгар жимгина бўйсунганча биров илгарилаб кетди, аммо ҳар тўрт-беш қадамда ортига ўгирилар, агар улар орқада қолаётган бўлса, то етиб келгунларича кутиб турар, унинг ўтқир нигоҳлари гўё қора лайча киёфасидаги иблис — Мефистофель сингари ўз қурбонларини гир айланиб маккорона таъкиб этар, ҳар иккаласи ҳам ўзларини нафратнинг алангали тўрига тушгандай ҳис қилишарди.

Унинг маккорона сукути барон ва хонимнинг кайфиятини оғудай заҳарлаб борар, совуқ нигоҳлари эса уларнинг суҳбатини азобга айлантираётган эди. Барон энди бирор эътиборга арзигулик сўз айтишга ҳам юраги бетламас, аёл унинг қўлидан чиқиб борар, ундаги минг бир азоб билан ўт олдирилган эҳтирослар мана шу ғаламис болакай олдидаги қўрқувдан аста-секин совиб бораётганини ғазаб билан ҳис қилиб турарди. Улар қайта-қайта гаплашишга уринишар, аммо ҳар сафар мулоқот узилиб қоларди. Ниҳоят учаласининг ҳам тоқати тугаб, жимгина йўлда давом эта бошладилар, улар энди фақат дарахтларнинг шивирлаб силкиниши-

га ва ўзларининг хорғин одимларига кулок тутишарди. Болакай улардаги суҳбатлашиш иштиёкини мутлақо бўғиб ташлаганди.

Энди учаласи ҳам ўзаро чидаб бўлмас адоват хиссига ботишганди. Бунини хиёнат ўтида ёнатган болакай бутун вужуди билан хис қилиб турар ва уларнинг бу қаҳри қачон ўзининг жирканч башарасини кўрсатишини сабр-сиз кутарди. У кўзларини қисганча, истехзоли назар билан бароннинг ғазаб ўтида ёнаётган башарасини батафсил кузатди. У бароннинг тишлари орасидан ҳақорат сўзлари отилиб чиқолмай қийналаётганини, сўкишлар билан кўмиб ташлашдан ўзини зўрға тийиб турганини кўриб турар ва, айти пайтда, онасининг ғазаби ортиб бораётганини ҳам иблисона бир завқ билан кузатар, ҳар иккаласи ҳам болага ташланишга, уни четга улоқтириб ташлашга ёки зарарсизлантиришга баҳона қидиришарди. Аммо, бола бунга мутлақо имкон бермас, унинг дилидаги нафрати узок вақтни мўлжаллаб туғилган ва бу ерда ҳам ўз кучини кўрсатаётган эди.

— Кетдик, қайтамиз, — деди кутилмаганда онаси. У ўзини узок тутиб туrolмаслигини, нимадир қилиши лозимлигини, охир-окибат бу азобларга чидай олмай бақириб юбориши мумкинлигини сезди.

— Минг афсус, — деди Эдгар хотиржам, — атроф канчалар гўзал.

Иккаласи ҳам боланинг мазах қилаётганини сезиб туришарди. Аммо иккаласининг ҳам чурқ этишга юраги бетламади, чунки бу золим бор-йўғи икки кун ичида ўзини қандай тутишни ўрганиб олганди. Шундай аччиқ пичинг қилишига қарамасдан, у ҳатто пинагини ҳам бузмасди. Жимгина яна ўша узок йўлдан орқага қайтишди. Она-бола хонада ёлғиз қолишганида ҳам ички безовталик аёлни тарк этмаганди. Хоним хонага кириши билан соябонини ва қўлқопини жаҳл билан четга улоқтирди. Эдгар онасининг асаблари таранглигини ва тинчланишни истаётганини сезиб турар, аммо унинг қаҳрини портлатиш ниятида атайлаб хонадан чиқиб кетмай турарди. Аёл у ёқдан-бу ёққа юрар, ўтириб олар, бармоқлари билан столни чалар, яна ўрнидан туриб кетарди.

— Нега бунча ландавурсан-а, шунчалар кирга ботган-санки! Бу ахир, одамлар олдиди шармандалик-ку. Сен ўз ёшингдан ҳам уялмайсанми?

Бола бир оғиз ҳам қарши гапирмади ва сочларини тўғрилаган бўлди. Мана шу сукут, тошдай совуқ жимлик ва боланинг лабларида титраб турган пичинг унинг вазоҳатини қўзғади. Агар тарсаки тортиб юборганда эди, сал енгил тортарди.

— Жуна хонангга, — кичкирди у болага. У ўғлининг бу ерда туришига ортиқ чидай олмасди. Эдгар ишшайганча хонасига кетди.

Иккаласи ҳам боланинг қаршисида шундай титрашар, шундай қўрқишардики, энди у билан бирга ўтадиган ҳар бир соат барон учун ҳам, хоним учун ҳам, унинг нигоҳларидаги шафқатсиз темир исканжа орасида кечарди! Улар ўзларини канчалик беҳузур сезишган сари боланинг нигоҳларида ғалаба учқунлари порлар, ундаги қувонч ҳисси янада ортиб борарди. Эдгар бу иккала чорасизни бутунлай ўз назоратига олиб бўлган, уларни болаларда учрайдиган ҳайвоний қаҳр остида ушлаб турарди. Барон-ку, ғазабини бироз боса олиши мумкин эди, чунки у ҳалиям бола билан яна бир марта тил топишга умид боғлар ва фикру ёди шу мақсадга қаратилганди. Аммо хоним, унинг онаси борган сари ўзини идора қила олмаётганди. Унинг учун енгил тортишнинг ягона йўли — боласига бақириб бериш бўлиб қўринарди.

— Вилкани ўйнамасангчи, — дея дўқ урди у стол атрофида ўтиришганида. — Тарбиясиз безори, сен умуман катталар билан ўтиришга нолойиксан ўзи.

Эдгар эса ҳамон пичинг аралаш кулимсирар, бошини сал четга буриб бесабаб ишшайрди. Бу бақириб шубҳанинг маҳсули эканлигини билиб турар ва онасини хижолат қила олганидан мағрурланарди. У энди мутлақо эркин назар ташлар, унинг нигоҳи худди бемор кўраётган табибникига ўхшарди. Олдинлари онасининг ғазабини қўзғаш учун у балки бирор ёмонлик қилиши мумкин эди, аммо нафрат одамини жуда тезлик билан кўп нарсаларга ўргатиб қўяди. Энди эса у сукут сақлар,

онаси ундаги сукутнинг босимига чидай олмай бақириб бермагунича, сукутини бузмай тура оларди.

Онаси эса бунга узоқ чидаб туролмади. Тановул тугаб, улар ўринларидан турганида ва Эдгар яна аввалги қилиғига тақлид қилиб, уларга эргашмоқчи бўлганида, хоним ғазабдан ёниб кетди. У барча андишаларни унутиб, кўнглидаги бор ҳақиқатни айтиб ташламоқчи бўлди. Ўғлининг муғамбирона эргашиб юришидан жажли чиққан хоним ўзини худди пойгадан хориб-чарчаб чиққан отдай хис қиларди.

— Нимага худди уч яшар гўдакдай доим ортимдан эргашасан. Сени ҳар доим ёнимда эргашиб юришингни истамайман. Катта ва кичикнинг ўз йўриғи бўлади. Шуни тушуниб олгин, хўпми! Бир-икки соатга бўлсаям ўз ишинг билан шуғуллангин. Бирор нарса ўки ёки ўзинг хоҳлаган бирор нарсани қил. Мени тинч қўй! Инжиқлигинг ва шилқимлигинг билан асабимни бузаяпсан.

Ниҳоят у онасидан унинг икромини юлиб олди! Барон ва онаси ўзларини қўярга жой тополмай овора бўлаётган чоғда, Эдгар мамнун жилмаярди. Хоним боласининг олдида ожизлигидан ғазабланди-да, нари кетиш мақсадида ортга бурилди. Аммо Эдгар совуққина лукма ташлади:

— Дадам бу ерда ёлғиз юришимни хоҳламайдилар. Дадамга эҳтиётсизлик қилмайман ва доим сизнинг ёнингизда бўламан, деб ваъда берганман, ахир.

У атайлаб «дадам» сўзига урғу берди, чунки олдин ҳам бу сўз иккаласига яхшигина таъсир қилганини сезганди. Дадасига ҳам бу қизиқ тилсимотнинг қайсидир жойи алоқадор кўринади. Дадаси буларнинг иккаласи устидан қандайдир ҳокимиятга эга-ю, лекин бундан ҳали хабари йўқ, чунки унинг номини эслатиш буларда кўрқув ва хижолат ҳисларини уйғотаяпти. Мана, бу сафар ҳам улар болага ҳеч қандай эътироз билдиришмади ва жимгина қуроллари яшириб қўя қолишди. Онаси олдинга ўтиб кетди, барон эса унга эргашди. Уларнинг ортидан эса Эдгар борарди, у ҳозир бир муте хизматкор сифатида эмас, балки шафқатсиз, қатъий ва мутлақо хотиржам соқчиларга ўхшарди. У иккаласини ҳам кўринмас бир занжир билан кишанлаб қўйган, улар қанча уринганлари билан, бу ки-

шандан озод бўла олмасдилар. Нафрат унинг болалик ғайратини тоблаб, орттириб юборган ва у — ҳеч нарса билмайдиган гўдак, иккаласидан ҳам қудратлироқ эди, ўша тилсимот уларнинг қўлларига кишан солиб қўйганди.

АЛДАМЧИЛАР

Аммо, вақт жуда тигиз эди. Бароннинг таътил кунлари энди жуда кам қолган ва улардан фойдаланиб қолиш зарур эди. Бу қони қайнаган болақайнинг қайсарлигига қарши чиқиш самарасиз эканлигини иккаласи ҳам сезиб туришар, ниҳоят унинг золимлигига бир ёки икки соатгина бўлса ҳам чап бериш мақсадида, улар сўнгги йўл, энг шарманда йўлни — кочиб қутулишни ўйлаб топишди.

— Мана бу буюртма хатларни почтага обориб бер, — деди онаси Эдгарга. Она-бола меҳмонхона фойесига туришар, барон эса ташқарида қандайдир бир фойтунчи билан гаплашаётганди.

Эдгар иккала хатни ҳам ишонқирамайроқ қўлига олди. Чунки, сал илгарироқ бир хизматкор келиб онасига қандайдир бир хабар еткизганини у сезиб қолганди. Ниҳоят иккаласи унга қарши бир нарсани мўлжаллашдимикин?

У норози оҳангда сўради:

— Мени қаерда кутиб турасиз?

— Шу ерда.

— Аникми?

— Албатта.

— Аммо, кетиб қолмайсиз-а! Токи мен қайтиб келгунимча шу ерда, фойеда кутиб турасиз-а?

У онаси билан ўзининг устунлигини ҳис қилган ҳолда, буйруғона оҳангда гаплашарди. Ахир, ўтган кундан буён кўп нарса ўзгарганди-да.

Сўнгра у иккала хатни олиб йўлга тушди. Эшикдан чиқаверишда у баронга дуч келди. Икки кундан бери биринчи марта бола унга мурожаат қилди.

— Мен фақат мана бу иккита хатни бериб келаман. Онам мени қайтиб келгунимча шу ерда кутиб туради. Илтимос, вақтли кетиб қолманг!

— Ҳа, албатта кутиб турамин, — барон шошилганча олдинга интилди.

Эдгар почтага қараб югуриб кетди. Аммо у почтада анча кутиб қолишга мажбур бўлди. Ундан олдинда турган жанобнинг бир дунё эзма саволлари чиқиб қолди. Ниҳоят у буюртмаларни бериб, уларнинг қвитанциялари билан орқага чопди. Аммо у онаси ва бароннинг қандайдир бир фойтунда эндигина узоклашиб бораётганларини кўришга улгуриб қолди.

У аламдан ёниб кетди. Ердан тош олиб уларнинг ортидан улоктиришига оз қолди. «Ниҳоят қочиб кетишди-я, қанчалар разил ёлғон, қанчалар фирибгарлик билан-а! Онаси алдаётганини-ку, у кечадан буён билиб юрувди. Аммо бунчалар шармандаликка бориши, берган ваъдасини бузиши, ундаги сўнгги ишончини ҳам сўндирди. Шу кунгача ҳақиқат деб юрган гаплар бор-йўғи рангдор оҳанглар, бўм-бўш пуфаклар эканлигини ўз кўзи билан кўра бошлаганидан буён, у бу ҳаёт деганларини ҳам мутлоқ тушунолмай қолганди. Аммо катта одамларни шундайин бир болақайни алдашга, худди жиноятчилардай қочиб кетишга ундайдиган даҳшатли бу тилсимот нима экан-а? У ўқиган китобларда одамлар бойлик ёки ҳокимият, ёки бирорта қиролликка эга бўлиш учунгина бировни ўлдирадилар, қаллоблик қиладилар. Аммо бу ерда сабаб нима экан-а, бу иккаласи нимани хоҳлашяпти, нима учун улар болақайдан бекинишади, юзлаб ёлғонлар остида улар нимани яширишга уринишмоқда?» У миясига зўр бериб фикрларди. Аммо номаълум бир туйғу унга тинчлик бермасди, «бу тилсимот аниқ болалиқнинг сўнгги поғонасидаги шартлардан бири бўлиши керак, агар ана шуни ҳам еча олса, демакки, у улғаяди ниҳоят, охир-оқибат у эр йигит бўлади. Эҳ, қанийди-я, бу жумбоқ ечилса!» Аммо у энди тиник фикрлай олмасди. Унинг вужудини қамраб олган ғазаб ўти уни ёндирар, теран нигоҳлар алам ўтининг бурқсиган тутунидан изтироб чекарди.

У ўзини ўрмонга урди, айни шу лаҳзаларда у факат қоронғуликдан нажот топа олар, шу ерда уни ҳеч кимса кўрмас, шу ерда энди у қайноқ кўз ёшларнинг шиддат-

ли тошкинига эрк берди. «Алдамчилар, итлар, хоинлар, каллоблар», — дея бор овози билан кичкирди, йўкса, у бўғилиб қолиши мумкин эди. Сўнгги кунларда унинг гўдак вужудини титратган, улғайганлик ҳақидаги хом-хаёлларини пучга чиқарган, ғазаб, бесабрлик, алам, қизиқиш, ожизлигу хиёнатлар энди унинг ҳалқумидан отилиб чиқаётган ва қайноқ кўз ёшларга айланаётганди. Бу ундаги болаликнинг сўнгги йиғиси, энг даҳшатли йиғиси эди. У сўнгги марта аёллардай кўнгил бўшатар, кўз ёшларига сўнгги марта бутунлай эркинлик бераётганди. Айни дақиқаларда у аламдан бутун борлиқни унутиб йиғлар, кўз ёшлари билан бирга унинг қалбини ишонч, мухаббат, эътиқод ва эҳтиром туйғулари, қолаверса, бутун болалиги уни тарк этаётган эди.

Шунча нарсалардан сўнг меҳмонхонага қайтиб келган болақай энди мутлақо бошқа одам эди. У энди совуққон ва пухта фикрлай бошлаганди. Унинг кўзидан оққан ёшларнинг изини кўриб, онаси билан барон иккаласида пайдо бўладиган қувонч туйғусидан уларни маҳрум қилиш учун, у дастлаб ўз хонасига кирди ва юз-кўзини астойдил тозалаб ювди. Кейин ўч олиш режасини тузди ва энди у олдингидай безовталиқ билан эмас, балки сабр билан пайт пойлай бошлади.

Ниҳоят, ташқарида қочоқлар минган фойтун келиб тўхтади, фойе залида одам роса кўп эди. Бир-иккита жаноб шахмат ўйнашар, бошқалари газета ўқишар, хонимлар эса гап сотишарди. Улар орасида ранглари салгина оқарган, кўзлари олазарак ва қимир этмай ўтирган болақай ҳам бор эди. Онаси ва барон эшикдан кириб келишди ва кутилмаганда уни кўриб қолишганидан бироз асабийлашишди, эндигина олдиндан тўқиб қўйилган баҳонани айтмоқчи бўлиб туришган эди, Эдгар уларга қарши юрди ва босиқ, салмоқли оҳангда деди:

— Жаноб барон, сизга бир оғиз гапим бор эди.

Барон ўзини ноқулай ҳис эта бошлади. У бироз тирчиллаган бўлди:

— Хўп, хўп, кейинроқ, ҳозир!

Аммо Эдгар ҳамма ўтирганлар эшитсин деб овозини баланд кўтариб аниқ ва жиддий оҳангда деди:

— Аммо, мен сиз билан айнан hozир гаплашиб олмоқчиман. Сиз ўзингизни пасткашларча тутдингиз. Мени алдаб кетдингиз. Онам мени кутиб турганини била туриб, сиз ...

— Эдгар! — бакирди онаси, ҳамманинг назари беихтиёр у томонга ўгирилди ва аёл сесканиб кетди.

Аммо, онаси уни гапиришдан тўхтатмоқчи бўлаётганини кўриб, бола энди кишини ларзага соладиган овоз билан баралла қичқира бошлади.

— Ҳамманинг олдида яна бир бор қайтараман. Сиз пасткашларча ёлғон сўзладингиз, бу аниқ ва бу қабихликдир.

Бароннинг ранги оқариб кетган, одамлар унга қараб туришар, айримлари эса пичинг аралаш жилмайишарди.

Онаси ғазабдан қалтираётган болани ушлаб олди:

— Қани тезда хонангга жўна, бўлмаса сени ҳамманинг кўз ўнгида ўзим ураман, — ғудурлади у жаҳл билан.

Аммо, Эдгар яна аввалгидай вазмин эди. Бунчалар ночор ҳолга тушиши унга алам қилиб кетди. Қилган ишидан унинг кўнгли яна тўлмади, чунки у бор-йўғи совуққонлик билан баронни сўроққа тутмоқчи эди. Аммо, жаҳл унинг иродасидан кучлироқ келди. У оғир ва вазмин бир аҳволда, ҳатто, нафратини ҳам унутиб зинага йўл олди.

— Кечиринг жаноб барон унинг тарбиясизлигини. Биласиз-ку, у бир асабий бола, — дея тутила бошлади аёл атрофда иккаласига қизиқиб қараб турган одамларнинг пичинг аралаш назаридан хижолат чекиб. Хоним учун оламда ҳеч нарса жанжалчалик кўркинчли эмасди, нима бўлганда ҳам у ўзини боса олиши лозимлигини билиб турарди. Шунинг учун ҳам у бирданига қочиб кетиш ўрнига, аввал портъенинг олдига борди, хатлар ва яна бир-иккита аҳамиятсиз нарсалар ҳақида суриштирган бўлди ва гўё ҳеч нарса бўлмагандай, вазмин қадамлар билан юқорига кўтарилди. Бироқ унинг ортидан совуқ шивир-шивирлар ва истехзо аралаш таъқибли кулгулар кузатиб қолди.

Йўлда у қадамини бироз секинлатди. У доим шундай жиддий вазиятларда ожиз бўлиб қолар ва ушбу

тўполондан ҳам жуда кўрқиб кетганди. Аёл ўзининг гуноҳкор эканлигини инкор этолмас ва боланинг нигоҳларидан кўрқар, ушбу янги ва мутлако бегона, тешиб юборгудек қарашлар унинг қалбини яралар ҳамда тинчлик бермасди. Кўрққанидан у вазминлик билан иш кўришга қарор қилди. Чунки бу курашда тутакиб турган мана бу болакайнинг қўли баланд эканлигини яхши англаб турарди.

У охиста эшикни очди. Ичкарида болакай вазмин ва бамайлихотир ўтирарди. Унга термулган кўзларда умуман кўркув аломати йўқ эди ва улар боланинг ниятини ҳам фош этмасди. У ўзига жуда ишонаётганга ўхшаб кўринарди.

— Эдгар, — деди аёл иложи борица оналарга хос оҳангда, — сенга ўзи нима бўлди? Мен сен учун уятга қолдим-ку. Қандай қилиб ёш бола катталарга нисбатан шунчалар тарбиясизлик қилиши мумкин! Энди борасанда, жаноб барондан ҳозирок узр сўрайсан.

Эдгар дераза томонга ўгирилиб олди. У «йўқ» деган сўзни гўё қаршисидаги дарахтларга ҳам айтаётганди.

Боладаги бамайлихотирлик уни бегоналаштира бошлаганди.

— Эдгар, сенга нима бўляпти ахир? Умуман, одатдагидай эмассан-ку? Сени мутлако таниёлмай қолдим. Сен ахир, одатда, доим ақлли ва одобли бола эдинг-ку, сен билан бемалол суҳбатлашса бўларди. Ўзингни тўсатдан шундай тутаяпсанки, худди ичингга шайтон ўрнашиб олганга ўхшайди. Баронга айнан нима даъвойинг бор ўзи? Ахир сен уни жуда яхши кўрардинг-ку. У сенга доим ширин муомалада эди.

— Албатта, чунки у сиз билан танишиб олишни хоҳлаганди.

Хоним ўзини йўқотиб кўяёзди.

— Бўлмаган гап! Нималар деб валдираяпсан? Қандай қилиб шундай хаёлларга бординг?

Аммо бола гапида давом этарди.

— У ёлғончи, қаллоб одам. У нимаики қилаётган бўлса, ҳаммаси аввалдан ўйланган шум режалар ва қабихликдан иборат. У сиз билан танишмоқчи бўлган,

шунинг учун менга яхши гапирган, менга ҳатто ит ҳам ваъда қилган. У сизга нима ваъда қилганини, нима сабабдан сизга бунчалик яхши муомалада эканлигини билмайман-у, аммо онажон, у сиздан нимадир бир нарсани хоҳлаётгани аниқ. Бўлмаса у бунчалик хушмуомала ва меҳрибон бўлмасди. У ёмон одам. У ёлғон гапиради. Унга ўзингиз бир эътибор беринг, у доим муғамбирона қарайди. Ох, ундан нафратланаман, шу пасткаш ёлғончидан, шу қаллобдан.

— Ахир, Эдгар, нахотки шундай дейиш мумкин.

Хонимнинг боши қотиб қолган, нима деб жавоб беришни ҳам билмасди. Бироқ қалбининг тубида бир туйғу боланинг ҳақ эканлигини тасдиқлаб турарди.

— Ҳа, албатта у қаллоб, бу фикримдан қайтмайман. Буни сиз билишингиз лозим. Унда нима учун у мендан ҳадиксирайди? Нимага мендан бекиниб юрибди? Чунки мен унинг ичидагини билишимни, уни, ўша қаллобни фош қила олишимни яхши билади-да.

— Қандай қилиб шундай ҳаёлларга бориш мумкин, қандай қилиб шу гапларни айтиш мумкин.

Аёлнинг мияси гўё қуриб қотиб қолган, лаблари эса шу икки гапни такрорларди. Кутилмаганда унинг вужудини дахшатли бир қўрқув эгаллай бошлади, барондан қўрқаяптими ёки боладанми, ўзи ҳам билмасди.

Эдгар ўз даъватларининг онасига таъсир этганини пайқайди. Бу ҳол уни озрок юмшатгандай бўлди. У онасини бароннинг чангалидан юлиб олмоқчи, унга қарши нафратида ва рақибликда ўзига ҳамкор бўлади деб ўйларди. У секин онасига яқинлашди ва уни қучоқлаб олди. Унинг овозида ҳаяжон аралаш ёлвориш оҳанги бор эди.

— Онажон, — деди у, — ўзингиз ҳам унинг нияти яхши эмаслигини сезган бўлсангиз керак, ахир. У сизни мутлақо бошқача қилиб қўйди. Сиз ўзгардингиз, онажон, мен эмас. У ёлғиз ўзингизга эгалик қилиш учун, сизни менга қарши қилиб қўйди. У сизга аниқ бир разилик қилмоқчи. Сизга у нима ваъда қилганини аниқ билмайман. Бироқ, у берган ваъдасида турмаслигини аниқ биламан. Сиз ундан ўзингизни асрашингиз керак.

Кимки бир кишини алдадим, у албатта бошқаларни ҳам алдайди. У жуда ёмон одам, унга ишонмаслик керак.

Бу кўз ёшларига қорилган майин оҳанг ва илтижо гўё хонимнинг ўз қалбида жаранглагандай бўлди. Кечадан буён унинг кўнглида ҳам бир нохуш туйғу айнан шуни такрорларди: ўтинч билан ва янаям катъийроқ ялинарди. Аммо у ўз боласи олдида бундан тан олишга уяларди. Ва енгиб ўтиш мушкул бўлган туйғулар гирдобига тушиб қолган барча одамларга ўхшаб, у ҳам совуққон хислардан нажот кидирарди. У тезда ўзини қўлга олди.

—Биласанми, болалар бундай нарсаларни ҳали тушунишмайди. Сен бундай нарсаларга аралашмаслигинг керак. Сен ўз одобингни сақлашинг лозим. Бор-йўғи шу, холос.

Эдгарнинг чехраси яна совуқлашди.

—Ўзингиз биласиз, — деди у кескин, — мен сизни огоҳлантирдим.

—Шундай қилиб, узр сўрамоқчи эмасмисан?

—Йўқ.

Улар бир-бирига жиддий қараб туришарди. Хоним гап ўзининг обрўси ҳақида эканлигини англади.

—Унда сен шу ерда, тепада овқатланасан. Ёлғиз ўзинг. Токи кечирим сўрамагунингча биз ўтирган столга яқинлашмайсан. Мен сенга ҳали одоб қандай бўлишини ўргатиб қўяман. Токи мен рухсат бермагунимча хонадан чиқмайсан. Тушундингми?

Эдгар муғамбирона ишшайди. Ушбу истехзоли илжайиш аллақачон унинг лабларига ўрнашиб қолгандай эди. Ичида эса, ўзининг қилган ишидан ғазаби қўзғай бошлаганди. Қандай аҳмоқлик қилди-я, яна кўнгилчанлик қилиб, онасига, мана шу алдамчига ишонмоқчи бўлибди.

Онаси унга қайрилиб ҳам карамасдан ташқарига чиқиб кетди. Аёл ушбу ўткир кўзлардан кўрқаётган эди. Бу воқеалар кўзини очгач, боласининг унга нисбатан совуқ назар билан қараётганини хоним яхши сезиб турар ва ҳозиргина ўғли айтаётган нарсаларни аёл билишни ҳам, эшитишни ҳам истамасди. У даҳшатли кўрқувнинг исканжасига туша бошлади, унинг қалбида ички бир овоз — унинг ақл-идроки, гўё бола сиймоси-

га, ўз ўғлининг сиймосига айланиб, унинг атрофида чиркираб айланиб, асрамоқчи, огоҳлантирмоқчи бўлаётганини кўриб туриш нақадар дахшат эди. Бу бола шу кунгача ҳаётининг шундайгина ёнгинасида эди, бир безак, бир овунчок, қандайдир бир суюкли ва ишончли мавжудод, баъзан бироз ташвишли юк бўлса-да, аммо ҳаммавақт унинг турмушига ҳамоҳанг бўлиб, бир хил тўлқинда оқиб келаётганди. Бугун эса, у биринчи марта бош кўтарган ва унинг иродасига қарши чиққанди. Энди у боласи ҳақида ўйлаганида, фикрларига қандайдир нафратга ўхшаган нарса соя ташлаётгандай эди.

Бирок, мана ҳозир ҳам, у зинадан бироз ҳорғин қадамлар билан тушаётганида ҳам, унинг кўкрагида ўша болаларча овоз жаранглаб турарди. «Сиз ундан ўзингизни асрашингиз керак». Огоҳлантириш тўхтамасди. Шу онда хонимнинг йўлида бир тошойна кўринди, у гўё бир нарсасурамоқчи бўлгандай ойнага қаради, худди бир нарсани аниқламоқчидай ойнага чуқурроқ термула бошлади: лаблари енгил кинояли жилмаяр ва лаънат сўзини айтишга шайланаётгандай тугилаётганди. Ич-ичида ҳамон ўша овоз жаранглаб турар, аммо у кескин ҳаракат билан қоматини тиклади, гўё бир силкиниб мана шу барча нохуш ҳаёллардан халос бўлди, кўзгуга ёрқин бир назар ташлаб, қўйлагини тўғрилади ва ўзининг сўнгги олтин тангасини ўйинга тикаётган қиморбозга ўхшаш қатъий ҳаракат билан пастга тушиб кетди.

ОЙ НУРИДАГИ ИЗЛАР

Эдгарнинг хонасига овқат олиб келган хизматкор чиқаётиб эшикни ёпди. У чиқиши билан орқасидан кулфнинг шарақлаган овози эшитилди. Бола ғазаб билан ўрнидан турди: бу аниқ онасининг буйруғига кўра шундай бўлди, уни худди қутурган ҳайвондай қамаб қўйишди. Қаршисида эса дераза турарди.

«Хўш, мен бу ерда кишанланиб ётган чоғимда пастда нима бўлаяпти экан-а? Улар энди яна нимани ўйлаб топишар экан? Ҳозир, балки айнан ўша сирли нарса юз бераётгандир, мен эса ҳаммасини ўтказиб юборишим

керакми? Ох, бу тилсимот, ҳар сафар катталар орасида бўлсам, мен уни ҳамма вақт ва ҳамма жойда сезиб тураман, улар тунда шу сир олдидан эшикларни ёпиб қўядилар, охиста пичир-пичирларига шўнғиб кетадилар, шу номаълум сирнинг ичига кирганимда эди, мана ўша буюк тилсимот бир неча кундан буён менинг шундай ёнимда, қўл чўзсам ета оламан, аммо барибир ҳалиям тута олмаяпман! Унга етишиш учун мен нималар қилиб кўрмадим! Ўшанда ҳам ўзим дадамнинг ёзув столидан китоблар ўғирладим ва ўқиб чиқдим, мана шу ғалати нарсалар ўша ерда ҳам бор эди-ю, аммо мен ҳеч нарса тушунмагандим. Бунинг ўз тилсими бўлса керак, сирни билиш, уни топиш учун, аввал ўша тилсим ечилиши керакдир, балки бу тилсим мендадир, балки бировлардадир. Китоблардаги ўша жойларини тушунтириб беринг деб хизматкор киздан сўрадим, ялиндим ҳам, аммо у устимдан кулганди. Бола бўлиш бунчалар дахшатли-я, бир олам қизиқиш бор-у, ҳеч кимдан сўрай олмасанг, катталар олдида худди аҳмоқлардай ёки бекадр нарсдай доим кулгуга қолсанг. Аммо мен бун аниқлайман, сезиб турибман, энди тезда бунинг тагига етаман. Бир қисми ўзи қўлимда, энди ҳаммасига эришмагунча, бу ёғини қўйиб юбормаслик керак!»

У биров келмаяптимикин, дея қулоқ солиб кўрди. Ташқарида дарахтлар оралаб енгил шабада эсар, у новдаларни силкитар ва улар орасидан юз кўрсатаётган ой кўзгусини юзлаб парчаларга бўлиб, чил-чил синдириб юборарди.

«Иккаласи мўлжаллаган режа яхши нарса бўлмаса керак, акс ҳолда улар мендан қутулиш учун бунчалар қабих ёлғонларни қидиришмаган бўларди. Аниқ, улар ҳозир устимдан кулишяпти, лаънатилар, чунки ниҳоят мендан қутулишди-да, аммо мен ҳали охирида куламан. Қанчалар аҳмоқман-а, уларга бир лаҳза бўлса ҳам озодлик бериб, ўзимни шу ерга қамоққа тушириб ўтирибман, бунинг ўрнига уларга елимдай ёпишиб олишим, ҳар бир ҳаракатини пойлашим керак эди. Биламан, катталар доим эҳтиётсиз бўлишади, булар ҳам ҳали фош бўладилар. Улар бизни доим, — булар ҳали жуда кичкина, кечалари

доим ухлашади, — деб ўйлашади, аммо ўзини ухлаганга солиб ётиб, пойлаш мумкинлиги ва ўзини аҳмоққа солиб, ўта ақлли бўлиш мумкинлигини унутиб қўядилар. Яқиндагина аммам бола кўрганидаям, улар ҳаммасини аллақачон билишганди, аммо худди бу нарса улар учун кутилмаган ҳолдай қилиб кўрсатиш учун менинг олдимда ўзларини ажабланганга солишди. Лекин, мен бу нарсани билардим, чунки бир неча ҳафта илгари катталарнинг гапларини эшитиб қолувдим, ўшанда кечқурун улар мени ухляпти деб ўйлашганди. Бу сафар ҳам мен буларни лол қолдираман, шу пасткашларни. Ох, агар мана бу эшик тирқишидан пойлашга иложим бўлсами, уларни айнан ҳозир, яъни ўзларини бемалол, бахтлимиз, деб турган чоғда кузата олганимдами. Энди бор овозим билан бақирсаммикин, шунда хизматкор қиз келиб эшикни очади, нима керак деб сўрайди. Ёки тўполон қилишим, идишларни синдиришим мумкин, ўшанда ҳам эшикни очишади. Айнан шу лаҳзада, мен билдирмай сирпаниб чиқиб олардим-да уларни пойлардим. Аммо йўқ, мен бунга хоҳламайман. Улар мени бунчалар ерга уришганини ҳеч ким кўрмаслиги керак. Бунга менинг гурурим йўл қўймайди. Эртага улар билан бунга ҳисоб-китоб қиламан».

Пастда аёл кишининг кулгани эшитилди. Эдгар қўрқиб кетди: бу унинг онаси бўлиши мумкин. Ҳа, унинг қулишга, таҳқирлашга асоси бор, кичкина, ожиз, агар ортиқчалик қилса устидан калитни бураб камаб кетиши, худди бир тугун ифлос латтадай улоқтириши мумкин. У эҳтиёткорлик билан деразадан мўралади. Йўқ, бу онаси эмас, балки қандайдир бегона қиз бўлиб, у бир ўсмир билан ҳазиллашарди.

Шу пайт, у ўзининг деразаси аслида ердан унчалик баланд эмаслигини пайқаб қолди. Ҳа, ҳа, мутлақо баланд эмас, шунда яна бир фикр келди: сакраб тушиш ва айна шу чоғда, яъни улар ўзларини бемалол, бахтлимиз деб турганларида уларни пойлаш керак. У ўз қароридан тўлқинланиб кетди. Ҳаёлида у гўё бу билан болаликнинг энг буюк ва мафтункор тилсимотини қўлга киритгандай эди. Ичида бир нарса «ташқарига, ташқарига» деб тинч-

лик бермасди. Хавф-хатар йўк. Дераза олдида одамлар ҳам юраётгани йўк, у ниҳоят пастга сакради. Шағалнинг шитирлаган пастгина шовкини эшитилди, лекин бунга ҳеч ким аҳамият бермади.

Мана шу икки кун ичида пистирмада туриш, пойлаш ҳаётининг қувончига айланганди. У чироқларнинг ўткир ёруғига эҳтиёткорлик билан чап бериб, жуда енгил қадамлар билан меҳмонхонани айланиб ўтгач, завқланиш билан бирга ўзида бироз қўрқув аралаш титроқ ҳам сизди. Дастлаб у эҳтиёткорлик билан юзларини тирқишларга босганча овқатланиш залини кўздан кечирди. Уларнинг одатдаги жойи бўш эди. У бир деразадан иккинчисига ўтиб мўралай бошлади. Меҳмонхонанинг ичига киришга юраги бетламас, чунки йўлаклар оралиғида кўрмай қолиб уларнинг олдида чикиб қолиши мумкин эди. Ҳеч қаердан уларни топиб бўлмасди.

Эндигина ҳафсаласи пир бўлиб, иккилана бошлаган эди, эшикдан чикиб келаётган иккита шарпага кўзи тушди ва ортга чекиниб, ўзини қоронғуликка урди — онаси ўзининг содиқ ҳамроҳи билан бирга чикиб келарди. Айнан, вақтида улгурибди. Нималар ҳақида гапиришмоқда экан-а? У балки бу гапларни тушунолмас. Улар секин гаплашишар, шамол эса безовталиқ билан дарахтларга урилиб шовкин кўтарарди. Аммо энди, унинг қулоғига аниқ кулгу товуши эшитилди, бу онасининг овози эди. Бу шундай хандон қаҳқаҳа эдики, у бунақасини онасидан ҳечам эшитмаганди, камдан-кам учрайдиган, нозик, қитикловчи, эҳтиросли ва бироз асабий кулгу. Бу унга жуда бегона туюлди ва ушбу кулгудан у беихтиёр қўрқувга тушди. Хоним эса ҳамон куларди. Демак, бу одам қандайдир хавфли мавжудот эмас, ундан ўзини асраши керак бўлган, улкан ва ҳайбатли нарса бўлмаса керак. Эдгарнинг бироз боши қотиб қолди.

У ҳолда, улар нима учун меҳмонхонани тарк этишди? Ҳозир, ёлғиз, шу тунда улар қаерга кетишмоқда? Юқорида шамол улкан булутларни ҳайдар, ҳозиргина мусаффо ва ойдин осмон энди қоронғулик қўйнига чўмаётганди. Кўз илғамас қўллар томонидан гўё фалакка қора парда тортилди, ойнинг юзи гоҳида мутлақо

тўсилиб қолар, шунда бирорта йўлак кўринмай қолиб, тун зим-зиё бўлар, яна тез орада ой озодликка чиқар ва ёрқин нур сочарди. Бутун борликка ёкимли бир қумуш шуъла қуйиларди. Ушбу нур билан соя ўйинининг ўзи бир завқли тилсимот эди, гўё бир аёл шарм ва ҳаё билан ўйнашаётгандай эди. Мана, табиат яна оппоқ баданини яланғочлади: Эдгар йўлда тебраниб бораётган шарпаларни илғаб қолди, ёки аниқроғи битта қоматни, улар бир-бирларига шу қадар жипслашиб боришардики, гўё иккаласини ички бир қўрқув бирлаштиргандай эди. «Аммо, бу иккаласи ҳозир қаерга кетишяпти?» Қарағайлар инграшар, ўрмонда нотинчлик ҳукмрон, гўё ўрмон ичкарисида ёввойи бир махлуқ қутураётгандай эди. «Уларнинг изидан бораман», ўйлади у, «шамол ва ўрмоннинг шовқинидан улар қадам товушларимни эшита олмайдилар». Улар кенг ва ойдин кўчадан эркин қадам ташлашарди, бола эса улардан бироз юқорида, у дарахтдан бу дарахтга, у соядан бу сояга сакраганча овоз чиқармасдан уларнинг ортидан кузата бошлади. Бола иккаласини сабр ва қатъият билан таъқиб қилар, қадам товушларини яшираётган шамолга бир томондан шукрона айтса, иккинчи томондан эса, иккаласининг овозини унга етказмай учириб кетаётгани учун уни лаънатларди. Бир марта бўлса ҳам уларнинг суҳбатини эшита олганда эди, ўша сирни қўлга киритишига ишончи комил эди.

Улар ўзларини ушбу чигал ва тубсиз тун қўйнида чиндан ҳам ёлғиз ҳис этишар ва тобора кўпириб бораётган эҳтирослар тўлқинига кўмилиб кетишганди. Тепада, қуюқ қоронғулик қўйнидан ҳар бир қадами таъқиб этилаётгани, бир жуфт кўз ўзида қизиқиш ва нафратнинг бутун қудратини жо қилганча, уни ўз назоратида ушлаб туриши мумкинлиги, хонимнинг ҳаёлига ҳам келмасди.

Кутилмаганда улар бир жойда туриб қолишди. Эдгар ҳам шу заҳоти така-тақ тўхтади ва бир дарахт орқасига бекинди. Унинг ҳаёлига қўрқинчли фикрлар кела бошлади. Агар ҳозир улар ортга қайтишса-ю, ундан олдинроқ меҳмонхонага етиб боришса-чи, у эса хонасига кириб олишга улгурмаса-чи, онаси хонанинг бўм-бўшлигини билиб қолса-чи? Унда ҳаммаси барбод бўлади, кейин

улар унинг яширинча пойлаганини билиб қолишади, ана ундан кейин улардан ўша тилсимотни билиб олишга бошқа умид қилмаса ҳам бўлади. Аммо, улар иккиланиб туриб қолишди, афтидан, нимадир бир нарсанинг устида келиша олмаётгандай эдилар. Ой нури унинг жонига оро кириб турар ва у ҳаммасини аниқ кўраётганди. Барон ўрмон ичига олиб кирадиган сўкмоқ томонга бошлар, у ерга ой нури катта йўлдагидай ёруғ ва тўлиқ ёғду соча олмас, балки дарахтлар калинлигидан ой нурининг томчилари аранг етиб борарди. «Нима учун у ёққа бормокчи?», дея сесканиб кетди Эдгар. Онаси кўринишидан «йўқ» дер, аммо ёнидаги уни кўндиришга уринарди. Барон қанчалик зўр бериб ундаётганини Эдгар унинг ҳаракатларидан сезиб турарди. Болани қўрқув қамраб олди. Бу одам унинг онасидан нима истайди ўзи? Нима учун бу ярамас уни қоронғуликка судрашга уринаяпти? Ўқиган ва унинг дунёсига айланиб қолган китобларида тасвирланган қотиллик ва ўғирлаб кетишлар, яширинча жиноятлар ҳақидаги тирик тасаввурлар унинг хаёлига кела бошлади. Бу аниқ, у онасини ўлдирмокчи ва шу сабабдан энди уни ёлғиз ўзини тузокка илинтириш учун хилват жойга бошлаб келган. Балки, ёрдам чакириши керакдир? Қотил! Аммо, хайқирик халқумига тикилиб қолди, лаблари қуриб, бирортаям товуш чиқмади. Ғазабдан асаблари таранглашиб, оёқлари унга бўйсунмасдан мувозанатини йўқота бошлади. Қўрқувдан йиқилай деганда, нимадир бир нарсани тутиб қолди, қўллари остида қандайдир дарахт бутоғи қирсиллаб синди.

Иккаласи ҳам қўркиб кетиб, ўгирилиб қарашди ва қоронғуликка термулиб қолишди. Эдгар нафасини ютиб бир дарахтни қучганча қотиб қолди, унинг митти гавдаси соялар ичида кўринмай кетди. Атрофга чуқур сукунат чўқди. Аммо, энди улар ҳақиқатан қўркишган кўринади. Шу пайт онасининг «орқага қайтамиз», деган товуши қулоғига чалинди. Бу сўз унинг лабларидан қўрқув аралаш янгради. Барон ҳам афтидан, безовта бўлди шекилли, бу таклифга рози бўлди. Улар бир-бирларининг биқинига тикилганча, аста-секин орқага қайта бошладилар. Улардаги ички саросима Эдгарнинг бахти эди. У ёғочлар оралаб,

қўллари қонга ботишига ҳам қарамасдан, ўрмонга бурилиш жойигача эмаклаб югуриб келди, у ердан эса нафаси бўғилгудек бўлиб, бор кучи билан меҳмонхонагача югурди ва бир-икки сакрашда ўз қаватига кўтарилди. Бахтига унинг устидан қулфлаган калит эшик ташқарисида қолган экан, калитни бураб эшикни очди-ю, ўзини тўшакка ташлади. У бир неча дақиқа нафас ростлаши керак эди, чунки юраги кўкрагидан чиқиб кетай деб урар, гўё ичида улкан соат жиринглаётгандек эди.

Кейин ўрнидан турди ва деразага суянди-да, то улар етиб келгунича кута бошлади. Кутиш узок кечди. Улар жуда-жуда секин юришган бўлса керак. У эҳтиёткорлик билан деразанинг соя тушиб турган жойидан ташқарига мўралади. Улар бемалол кадамлар билан эндигина етиб келишди, ой ёғдуси уларнинг кийимларини ёритиб турарди. Бу зангори ёғдуда улар бир қарашда арвоҳсифат бўлиб кўринишарди, тўсатдан ҳаёлига яна бир нохуш фикр келди, бу одам ҳақиқатан ҳам қотил бўлсачи, у ўзининг иштироки билан қандай даҳшатли воқеанинг олдини олди. У оҳакдай оқариб турган юзларга яхшироқ қаради. Онасининг юзида қандайдир мамнунлик ифодаси кўринар, бунинг сабабига боланинг ақли етмади, аммо барон норози ва қўполга ўхшаб кўринди. Кўринишидан унинг нияти амалга ошмагани учун шундай бўлса керак.

Улар жуда яқин келиб қолишганди. Улар меҳмонхона олдига етганларидагина қоматлари бир-биридан ажралди. Биров пайкаб қолишидан чўчишаяптими? Йўқ, ҳеч ким қарагани йўқ. «Сизлар мени унутиб қўйдингиз», ўйлади у ички бир хусумат билан ва кўнглида яширин бир ҳис тантана қилаётганини сезди, «аммо мен сизларни унутганим йўқ. Ўйлайсизки, мен ҳозир ухляпман ёки умуман бу оламда йўқман, аммо ҳали хатоингизни англашингиз лозим бўлади. Ҳар бир қадамингизни назорат қилмоқчиман, токи ўша лаънатини, ўша тилсимотни ошкор қилмагунча, ўша даҳшатли ва менга уйқу бермаётган сирни. Сизнинг иттифоқингизни вайрон қилиб ташлайман. Умуман ухламайман».

Улар эшикка оҳиста яқинлашишди. Бирин-кетин аста ичкарига кираётганида уларнинг шарпалари яна бир-

бирини кучоғига олди ва ёруғ тушиб турган эшикдан уларнинг сояси худди бир кишиникидай бўлиб кўринди-да кўздан ғойиб бўлди. Ҳовлидаги майдон яна ой нурида оқариб кўриниб турар, у гўё қор босган ўтлоқни эслатарди.

ҲАМЛА

Эдгар хўрсинганча деразадан нарироқ кетди. Нохуш ҳаёллар кўнглига титроқ соларди. У ҳали умрида ҳеч қачон сирли нарсаларга бунчалик яқин келмаган эди. Китобларидаги изтироблар олами, эсанкиратувчи саргузаштлар, қотиллик ва қаллоблик дунёси унинг назарида доим ўша жойда, яъни эртақлар, учқур орзулар, ҳаёллар ва етишиб бўлмас оламда бўлиши керак эди. Мана ҳозир у гўё ўша қўрқинчли оламнинг қок ўртасига тушиб қолгандай, бутун вужуди кутилмаган бу учрашувдан иситмалаб, баданини титроқ босаётганди. Бу асли ўзи ким экан-а, уларнинг осойишта ҳаётига тўсатдан сирли тарзда сукилиб кириб келган бу одам? Ростдан ҳам у доим якка қолганларни кидириб юрувчи қотилмикин, шунинг учун ҳам балки онасини қоронғу жойларга бошламокчи бўлдимикин? Олдинда уни гўё дахшатли нарсалар кутаётгандай эди. У эса нима қилишни ҳам билмасди. Эртага албатта у буни дадасига ёзиб юборади ёки телеграмма жўнатади, бу аниқ. Аммо, бу бугун, ҳозир, бугун қечда ҳам содир бўлиши мумкин-ку? Чунки онаси ҳали ҳам хонада эмас, ҳали ҳам ўша аблаҳ ва бегона одам билан бирга. Ташқи эшик билан ичкаридаги гулқоғоз ёпиштирилган эшик оралиғида энсизгина, худди кийим шкафининг ичига тенг келадиган жой бор. Уларнинг қадам товушларини аниқ эшитиш учун у мана шу ярим қулоқ қоронғу жойга тиқилиб, яшириниб олди. Чунки у иккаласини бир лаҳзага бўлса ҳам ёлғиз қолдирмасликка қарор қилганди. Йўлак ярим тунда бўм-бўш бўлиб, биттагина чироқнинг хира нури тушиб турарди.

Дақиқалар унга қўрқув бағишлар, ниҳоят, эҳтиёткорлик билан яқинлашаётган қадам товушларини эшитди. У бутун диққати билан қулоқ сола бошлади.

Бу қадамлар хонасига шошилаётган одамнинг илдам қадамлари эмас, балки тепаликка чиқаётган, охири кўринмайдиган қийин йўлдан иккиланиб, жуда секинлик билан судралиб босилаётган қадамларга ўхшарди. Шу билан бирга, шивир-шивирлар, нафасни ичга ютиб жим туришлар сезилиб турарди. Эдгар ғазабдан титраб кетди. Ахир бу иккаласи-ку, нахотки онаси ҳалиям у билан бирга бўлса? Шивир-шивир товушлар узоқлашгандай бўлди. Аммо, қадамлар ҳалиям судралганча яқинлашиб келарди. Ва энди кутилмаганда, бароннинг жирканч овоз билан оҳиста ва эҳтиросли бир нарсалар деганини эшитди, лекин тушунолмади, ундан кейин онасининг кескин жавоби эшитилди.

— Йўқ, бугун эмас, йўқ.

Эдгар титраб борар, улар тобора яқинлашиб келишар, у эса ҳаммасини эшитиб турарди. Ҳар бир қадам шундай имиллаб босилардики, гўё унинг кўрагини кимдир оёқлари тагида эзгиларди. Овозларичи, шундай нафратли туюлардики, бу жирканчнинг хирсли, шилқим ва ёқимсиз овозлари!

— Бунчалар хомуш бўлаверманг. Бугун кечқурун шундай гўзал эдингизки.

Иккинчиси эса унга жавобан:

— Йўқ, мени ҳаққим йўқ, ундай қилолмайман, қўйиб юборинг.

Онасининг овозида шунчалар кўп қўрқув бор эдики, ундан бола даҳшатга тушди. Бу ўзи онасидан яна нима хоҳлайди? Нима учун онаси бунчалар қўрқаяпти? Улар тобора яқинлашиб келишар, ҳозир эса айнан у турган эшикнинг қаршисига етиб келишганди. Уларнинг шундайгина орқасида, бир тирсак узоқлигида, юпқагина парда билан тўсилган жойда у титраб турарди. Овозлар энди гўё қулоғи остида янграрди.

— Юринг, Матилда, юрсангизчи!

Яна у онасининг ноласини эшитди, энди янада кучсиз, сўниб бораётган қаршилиқ оҳанги эшитилди.

Ахир, бу нима бўлиши мумкин? Улар қоронғулик қаърида узоқлаша бошладилар. Онаси ўзининг хонасига эмас, балки уники томонга ўтиб кетди! Қаерга судраяп-

ти уни? Нима учун онаси энди гапирмай қўйди? Оғзига латта тикдимикин, бўйнидан бўғаяптимикин?

Хаёллар унинг ваҳшийлигини қўзғаб юборди. Қалтираган қўллари билан эшикни бир қаричгина қия очди. Энди ғира-шира йўлакда у иккаласини кўриб турарди. Барон онасининг белидан кучганча олиб кетар, аёл ҳам тан берган шекилли, секингина унга эргашиб борарди. Мана у хонасининг олдига бориб тўхтади. «У онамни судраб олиб кетмоқчи», кўрқиб кетди бола, «ана энди энг даҳшатли ишни қилмоқчи».

Ёввойи бир куч билан у эшикни итарди ва иккаласи томонга ташланди. Онаси кичкириб юборди, чунки қоронғулик ичидан нимадир улар томонга ташланганини кўриб, у ҳушини йўкотаёзганди, барон эса бир амаллаб уни тутиб қолди. Шу лаҳзада барон ўзининг юзига, лаблари ва тишлари аралаш кичкина бир мушт тинмай ураётганини англади, нимадир худди мушукка ўхшаб бутун гавдасини тимдаларди. У даҳшатга тушган аёлни қўйиб юборди, аёл беҳос йиқилиб кетди, барон кимдан ҳимояланаётганини англолмаса ҳам, ҳеч нарсани кўролмаса ҳам, тўғри келган томонга қайтариб мушт тушира бошлади.

Бола ўзининг кучсиз эканлигини билар, лекин бўш келмасди. Ниҳоят, мана ниҳоят шу лаҳза етиб келди, бу алданган муҳаббат, қалбини тўлдириб ётган нафратдан биратўла бор кучи билан халос бўлиш лаҳзалари эди. Бола лабларини маҳкам тишлаб олган, ёввойи титрок ва беҳуда ғазаб ўтида ёнганча кичкина муштчалари билан тўғри келган жойни кўр-кўрона дўппосларди. Ва ниҳоят, барон ҳам уни таниб қолди, унинг сўнгги кунларини дўзахга айлантирган бу кичкина жосусга нисбатан унда ҳам бир олам нафрат тўпланиб қолганди. Барон қўполлик билан боланинг тўғри келган жойига урди. Эдгар инграб юборди, аммо бас қилмади ва ҳатто ёрдамга ҳам чақирмади. Улар бир дақиқа зим-зиё йўлакда бири бири билан уришиб, тўполон кўтаришди. Шу тирранча гўдак билан уришиш, афтидан, бароннинг ўзига кулгули туюлиб кетди шекилли, уни нари суриб ташлаш учун маҳкам қучиб олди. Аммо мушакларининг қаршилиқ қила

олмаётганини ва кейинги лаҳзаларда бутунлай мағлуб бўлиши ҳамда дўппосланишини англаб етган болақай, унинг елкаларини қисмоқчи бўлаётган бақувват қўлни ёввойи бир жаҳл билан тишлаб олди. Тишланган кимса беихтиёр инграб юборди ва бир лаҳзага қўлларини бўш қўйди, бундан бола фойдаланиб қолди ва қочиб чиқиб, ўзини хонага урди ҳамда эшик қулфини тортди.

Бу ярим тунги жанг бор-йўғи бир дақиқагина давом этди. Ўнг томондаям, чап томондаям буни ҳеч ким эшитмади. Ҳамма томон жим-жит, худди ҳамма нарсa уйқуга фарқ бўлгандай эди. Барон қонаётган қўлини рўмолчаси билан артганча типирчилаб ўзини қоронғулик ичига тортди. Ҳеч ким мўраламади. Фақат тепадаги ягона ва безовта бир шамчиروق уни истехзо билан кузатиб тургандай эди.

МОМАҚАЛДИРОҚ

Эртаси куни эрталаб сочлари тўзғиб, алғов-далғов хаёллардан кўриқиб уйғонганида Эдгарнинг хаёлида «Бу нима, тушмиди, кўркинчли дахшатли бир тушмиди бу?», деган савол айланарди. Вужудини оғир бир юк босган, бўғинлари қакшар, гўё ўзини ёғочдан ясалгандай ҳис қиларди, сал ўзига келиб қарасаки, у кийимини ҳам ечмаган экан. Ирғиб турди-да ойнага қаради, оқариб кетган юзини, пешонасидаги кизарган ғуррани кўриб оёқларида куч йўқолди ва ўтириб қолди. Минг бир уриниш билан у хаёлларини жамлашга уриниб кўрди. Ниҳоят ҳамма нарсани батафсил эслай бошлади. Кечаги йўлакдаги кураш, хонасига қочиб кириши, титраб-қалтираб кийиниб олгани, қочиб кетишга шай ҳолда ўзини тўшакка ташлагани эсида. Демак, шу алфозда ўша жойда ухлаб қолган бўлиши керак. Ўзини ўша аҳмоқона азобларга тўла уйқуга урган. Кейин тушида эса ҳаммаси яна бошидан қайтарилди, лекин энди бошқачароқ, янаям дахшатлироқ, сизиб чиқаётган янги қон хиди билан қоришиб такрорланди.

Пастда шағал устида шитирлаган қадам товушлари эшитилиб турар, овозлар хуркитилган қушлардай тепага кўтарилишар, қуёш эса хонанинг тўригача кириб

келганди. Вакт тахминан тушликка якинлашиб колганга ўхшарди, аммо у шошилиб қараган соати ярим тунни кўрсатиб турарди, кеча тўполонда унга тоб беришни унутган эди. Вактнинг қайсидир номаълум нуктасида илиниб туриш уни безовта қила бошлади, аслида эса, кеча нима бўлганлигини билмаслиги унинг нотинчлигини янада ошираётганди. У тезда туриб ўзини тартибга келтирди, кўнглида безовталиқ ва енгилгина айбдорлик хисси билан ташқарига чикди.

Онаси нонушта хонасида одатдаги стол атрофида ёлғиз ўзи ўтирарди. Эдгар енгил нафас олди, чунки у душманига дуч келмади, унинг кеча жаҳл ичида мушт туширган жирканч башарасини энди кўрмаслиги керак эди. Бироқ столга якинлашиши билан ўзини ноқулай сеза бошлаганини англади.

— Хайрли тонг, — салом берди у.

Онаси жавоб бермади. У ҳатто бурилиб ҳам карамади, балки диққат билан нигоҳларини олис далаларга тикканча ўтирар, унинг қорачиқлари одатдагидан кўра йириклашгандай эди. Унинг ранги жуда оқариб кетган, кўзлари бироз ичига тортган, асабийлашаётганини бурун канотларининг енгил асабий титраши фош қилиб турарди. Эдгар лабини тишлаб қолди. Бу жим ўтириш уни ноқулай аҳволга солиб қўйганди. У кеча бароннинг бирор ерига оғир шикаст етказиб қўйдими, умуман онасига ҳали тундаги тўполондан нималар маълумлигини у аниқ билмасди. Мана шу ноқулайлик уни кийнай бошлади. Онасининг юзи маъносиз қотиб қолган, чуқур ботган кўзлар кутилмаганда ўз косасидан отилиб чиқади-ю, унга ташланадигандай эди, бола кўркқанидан унга қарашга ҳам юраги бетламасди. Эдгар мутлақо жим бўлиб қолди, овоз чиқаришга ҳадди сизмас, эҳтиёткорлик билан қаҳва идишини қўлига олди-да яна қайтариб жойига қўйди, ўғринча назар билан онасининг бармоқларини кузата бошлади, бармоқлари қошиқни асабий ўйнаб, мана шу ясама босиклик тагида яширинган жаҳлни фош этаётган эди. Охири кўринмайдиган мана шу қайғули кутиш хисси билан нақд чорак соат ўтирди, лекин ҳеч нарса содир бўлмади. Онаси бирорта лукма, ҳеч бўлмаса би-

рортаям сўз айтмади. Ва ниҳоят, онаси унинг борлигига эътибор ҳам қилмагандай ўрнидан турганида, у нима қилишини билолмай қолди: ёлғиз ўзи стол атрофида ўтираверсинми ёки онасига эргашсинми. Охири у ҳам ўрнидан турди ва тобелик билан онасига эргашди. Аёл бурилиб бир назар ташлаган бўлди, ўғлининг орқасидан эргашиб келиши нақадар қулғули эканлигини у яхши сезиб турарди. Бола кўпроқ орқада қолиш учун қадамини борган сари кичикроқ ташлаб борар, аёл эса бунга эътибор ҳам бермасдан хонасига кириб кетди. Ниҳоят, Эдгар остонага етганида билдики, эшик аллақачон маҳкам ёпилган эди.

Нима бўлди экан-а? У энди ҳеч нарсани тушунолмасди. Кечаги теран тафаккур уни тарқ этганди. Кеча ҳамла қилиб ноҳақлик қилдимикин? Балки иккаласи унга қарши бир жазо тайёрлашдимикин ёки яна янги бир таҳқирлашми? Нимадир юз бериши керак, у сезиб турибди, тез орада қандайдир дахшатли нарса содир бўлиши керак. Она бола ўртасида худди бўрондан олдинги хавонинг димлигига ўхшаш ёки қўшалоқ электр қутбларининг қувватлари бир жойга тўпланиб қолганга ўхшаш вазият ҳукм сураб, барчаси бир чакмоқ натижасидагина ҳал бўлиши мумкин эди. Болақай ана шундай ички гумонлар юки билан тўлган хаёллар билан у хонадан бу хонага судралиб, ёлғизликда тўрт соат вақтини ўтказди. Ниҳоят, унинг ориққина гўдак жуссаси ушбу пинҳона оғирликдан чўкиб қолди ва тушлик вақтида у бутунлай қолдан тойиб, овқатланиш столига яқинлашди.

— Хайрли кун, — деди у яна. У ушбу сукунатни, унинг тепасида қора булутлардай дахшат билан таҳдид солиб турган сукунат қобиғини парчалаб ташлаши лозим эди.

Онаси яна ҳеч қандай жавоб бермади, яна бошқа томонга термулганча ўтираверди. У энди ўзини пухта режалаштирилган, бутун қуввати бир ерга тўпланган, бунақасига ҳали у ҳаётида бирор марта ҳам дуч келмаган қаҳр ва ғазаб қаршисида турганини яна бир янги қўрқув билан ҳис этди. Шу пайтгача онасининг жанжаллари ҳис-туйғуларнинг эмас, балки бор-йўғи асабларнинг таранглашиши оқибатида пайдо бўладиган қат-

тик ғазабларнинг портлаши бўлиб, одатда жанжал ту-
гагач, енгил бир жилмайиш билан тинчланиб, ярашиб
кетиларди. Аммо, бу сафар аёл қалбининг тубидаги
катламдан вулқондай отилиб чиқиши мумкин бўлган ёв-
войи бир хиссиёт қайнаб турар, болани айнан ана шу
бошқариб бўлмайдиган қувватнинг портлаши кўрқитар,
бу вазиятни у чин дилдан англаб турарди. Унинг бирор
нарсга ейишга ҳуши йўқ эди. Томоғига бир қуруқ нарсга
тикилиб қолган, шу нарсга гўё уни бўғаётганга ўхшарди.
Онаси эса буларнинг ҳаммасини умуман сезмаётгандай
эди. Ниҳоят, столдан турар чоғида онаси унга ўғирилди
ва деди:

— Эдгар, кейин тепага чик, сен билан гаплашиб оли-
шимиз керак.

Бу гапда таҳдид оҳанги бўлмаса-да, муздай совук
эди, Эдгарни бу сўзлардан титроқ босди, худди кимдир
унинг бўйнига совук темир занжир ташлагандай эди.
Ундаги ўжарлик ер билан яксон бўлди. Жимгина, гўё
дўппосланган итваччадай онасига эргшиб хонага келди.

Онаси яна бир неча дақиқа сукут саклаб турди, бу
эса унинг азобларининг янада чўзилишига сабаб бўлди.
Шу дақиқаларда унга соатнинг чиқиллаши, ташқарида
бир боланинг кулгани ва ҳатто, кўкрагида юрагининг ду-
киллаши ҳам эшитилиб турарди. Бироқ онасининг ичи-
да ҳам улкан безовталиқ бўлиши керак, чунки аёл унга
гапираётганда тик қарамас, балки тесқари ўғирилиб ту-
рарди.

— Сенинг кечаги қилиқларинг ҳақида гапиришни ҳам
истамайман. Гапиришга ҳам тилим бормаиди, ҳозир шу
ҳақда ўйласам уялиб кетаман. Натижасидан эса ўзинг ху-
лоса чиқариб оларсан. Ҳозир сенга айтмоқчи бўлганим,
бу сенинг охирги марта катталар билан бирга бўлишинг.
Ҳозиргина отангга хат ёздим, одоб-ахлоқ қондаларини
ўрганишинг учун сенга ёки бир тарбиячи олинади, ёки
бирорта пансионатга жўнатиласан. Мен энди сен билан
тортишиб ўтирмайман.

Эдгар бошини эгиб турарди. Бу ҳали бошланиши,
бор-йўғи таҳдид эканлигини сезиб турар ва безовталиқ
билан асл мақсадни кутарди.

– Сен hozирок барондан кечирим сўрайсан.

Эдгар бир чўчиб тушди, лекин онаси унга оғиз очиргани қўймади.

– Барон бугун жўнаб кетди, энди сен унга битта хат ёзасан, хатни сенга ўзим айтиб тураман.

Эдгар яна норози кимирлади, аммо онаси қатъий эди.

– Хеч қандай эътироз керак эмас. Мана қоғоз ва сиёҳ, қани ўтир.

Эдгар онасига қаради. Аёлнинг нигоҳлари қатъийликдан совуқлашиб кетганди. У онасини ҳечам бундай ахволда кўрмаган, шафқатсиз ва совуқкон. Уни кўрқув босди. У ўтирди ва қаламни қўлига олди ва столга термулганча туриб қолди.

– Юқорида бугунги сана. Ёздингми? Сарлавхадан олдин бир қатор ташла. Худди шундай! Мухтарам барон жаноблари! Ундов белгиси. Яна бир қатор ташла. Менга ҳозиргина маълум бўлдики, минг афсус – ёздингми? – минг афсуски, Сиз ўзи аллақачон Земмирингни тарк этибсиз – Земмиринг иккита «м» билан – шу сабабдан шахсан амалга оширмоқчи бўлган ишимни энди хат орқали амалга оширишим лозим. Хусусан – сал тезроқ, ҳуснихат бўлмаса ҳам бўлади! – кечаги хулқим учун Сиздан узр сўрамоқчиман. Онам сизга маълум қилган бўлса керак, мен ҳали оғир касалликдан кейин ўзимни энди тикляпман ва ўта таъсирчанман. Кўп ҳолларда кўзимга айрим нарсалар ўта бўрттирилгандай кўриниб кетади ва бир оздан кейин яна шу нарсага ўзим афсусланаман ...

Унинг стол устида букланиб қолган қомати кескин тикланди. Эдгар бурилиб қаради, унинг ўжарлиги яна уйғонган эди.

– Буни ёзмайман, бу ҳақиқат эмас!

– Эдгар!

Унинг овозида таҳдид оҳанги бор эди.

– Бу рост эмас. Афсус қиладиган ҳеч нарса қилганим йўқ. Кечирим сўрашим лозим бўладиган бирорта ёмон нарса ҳам қилганим йўқ. Мен фақатгина сизга ёрдам беришга боргандим, ахир ўзингиз чақирдингиз-ку!

Хонимнинг лабларини қони қочди, бурун канотлари таранглашди.

– Мен ёрдамга чақирдим? Аклдан озибсан!

Эдгарнинг ғазаби қайнади ва бир сакраб ўрнидан турди.

– Ҳа, сиз ёрдамга чақирдингиз, ташқарида, йўлакда, кеча тунда, у сизни қучоклаб олганди. «Мени қўйиб юборинг, мени қўйиб юборинг», деб бақирдингиз. Шундай қаттиқ бақирдингизки, мен ичкарида хонада туриб эшитдим буни.

– Ёлғон гапираяпсан, мен умуман барон билан бу ерда, йўлакда бўлмаганман. У мени бор-йўғи зинагача кузатиб қўйди ...

Бу ҳаёсиз ёлғонни эшитиб, Эдгарнинг юраги тўхтаб қолди. У овозини ичига ютганча, шишадай қўзларини онасига бақрайтириб, қотиб қолганди.

– Сиз ... эмасмидингиз ... йўлакда? Ва у ... у сизни ушлаб турмаганмиди? Куч билан судрамадимми?

Аёл қаҳ-қаҳа уриб кулиб юборди. Бу совук ва бўм-бўш кулгу эди.

– Сен туш кўрибсан.

Бу энди болага жуда оғирлик қиларди. У энди аниқ биларди, катталар ёлғон гапиришади, улар кичкинагина, кўпол баҳоналар қилишади, ёлғонлар, игнанинг тешигидан ўта оладиган, муғамбирона шамали ёлғонлар. Аммо бу совук ва сурбетларча юзма-юз туриб инкор этиш унинг бутун вужудини титратиб юборди.

– Ҳа, мен мана бу кўкарган жойимни ҳам туш кўраяпман-а?

– Ким билсин, кимлар билан уришиб юрганингни. Аммо мен сен билан гап сотиб ўтирмақчи эмасман, айбдорсан, тамом вассалом. Ўтир жойингга ва ёз!

Аёл ўта ҳаяжонланиб кетган, сўнгги кучи билан ўзидаги титрокни босиб туришга ҳаракат қиларди.

Аммо, Эдгарнинг қалбининг қаеридадир нимадир кўпорилиб тушгандай бўлди, ишончнинг сўнгги учқуни ўчганди. Ҳақиқатни шундай оддийгина қилиб, худди ёнаётган шохчани ўчиргандай топтаб ташлаш мумкин бўлса, бу ҳолни у ҳазм қилолмасди. Нихоят, у совуққонлик билан ўзини ўнглаб олди, унинг гапларидаги оҳанг чақир тикондай ўткир, бераҳм ва тушунарсиз тус олди:

– Шундайми, мен туш кўрдимми? Йўлакдагиниям ва кўкарган жойимния-а? Иккалангиз кеча ўша жойда ой нурида сайр қилиб юргангизиниям, у сизни йўлдан четга тортиб кетмоқчи бўлганиниям, балки буларниям туш кўргандирман? Нахотки сиз мени худди гўдаклардай хонада қотиб ўтиради, деб ўйласангиз! Йўк, мен сизлар ўйлаганчалик аҳмоқ эмасман. Мен нимани билсам, ўшани биламан.

Бола онасининг юзига безбетларча бакрайиб турар, бу эса аёлнинг қувватини сўндирди: шундоққина олдингисида турган ва нафратдан тошга айланган ўз боласининг юзига қарашга ҳадди бўлмади ва жазава билан қаҳрини сочди.

– Қани бўл, хозироқ ёзасан! Йўкса ...

– Йўкса нима? – унинг овози энди қўпол ва талабчан тус олди.

– Йўкса, ўзим сени худди ёш боладай дўппослайман.

Эдгар пичинг аралаш жилмайганча бир қадам яқинлашди.

Шунда аёлнинг қўли унинг юзларига келиб тегди. Эдгар бақириб юборди. У худди чўқаётган одамдай қўллари билан пала-партиш ура бошлади, у кулоқларидаги бўғиқ шовқиндан ва кўз олдини қоплаган қизғиш шарчалардан бошка ҳеч нарсани англамас, шу тариқа кўр-кўрона мушт туширарди. Нимадир, мулойим нарсани муштлаётганини сезиб қолди, мана юзига туширди, кичкирган овоз эшитди ...

Ана шу кичкирик уни ўзига келтирди. У ўз онасини ураётганини, онасига қўл кўтарганини тўсатдан, дахшат ичида англаб етди. Уни кўрқув босди, уят, чорасизлик, бу ердан тезроқ ғойиб бўлиш истаги, ерга кириб кетиш, қочиш, нима бўлса ҳам энди ушбу нигоҳлар қаҳридан қутулиш истаги жўш урди. Бор кучи билан у ўзини эшикка урди, зинадан ўқдай учиб тушди, ҳовли ва кўчага, узоқроққа, фақат олисга, тезроқ, тезроқ... худди ортидан қопагон итлар тўдаси қувлаётгандай эди.

БИРИНЧИ САБОК

У анча олислаб бориб, катта йўл ўртасида ниҳоят тўхтаб қолди. У бирорта дарахтга суяниб нафас ростлаши керак эди, чунки бутун аъзойи бадани кўрқувдан ва хаяжондан дир-дир титрар, аланга ичида қолган кўкрагидан нафас хириллаб чиқарди. Ўз қилмишларининг дахшати уни изма-из қувиб келган, энди эса ёқасидан бўғиб олиб, худди иситмалаган одамдек у ёқдан-бу ёққа силкитарди. Энди нима қилсин? Қаёққа қочади? Чунки хали шу ернинг ўзида, ўрмон ёқасида, яшаб турган жойидан бор-йўғи чорак соатлик масофадаёқ уни ночорлик туйғуси камраб олганди. Ёлғиз ва чорасиз қолган дақиқадан бошлаб унга атрофдаги ҳамма нарса бошқача туюлар, ҳаммаси ғанимисифат ва нафратли кўринарди. Кечагина унга ҳамдardлик билан шивирлаган дарахтлар энди қовоқларини осилтирганча таҳдид қилаётгандай эди. Ҳали уни яна қанча бунақа нарсалар кутаётган экан, унинг олдида яна қанча бегона ва номаълум нарсалар бор экан? Бу улкан ва бегона олам қаршисида бундай якка ўзи туриши болани гангитиб қўйганди. Йўқ, буларнинг ҳаммасига бардош беришга унинг қурби етмас, ёлғиз ўзи хали бардош беролмасди. Аммо кимнинг олдига қочиб борсин? Отасидан кўркади, чунки унинг жахли тез, кулок ҳам солмайди ва шу заҳотиёқ ортга қайтариб юборади. Ортга қайтишни эса у хоҳламас, яхшиси номаълум дунёнинг бегона гўшасида юргани маъқул. Онасига мушт кўтарганини эсласа, гўё у энди онасининг юзига қайтиб қарай олмайдигандай туюларди.

Шу чоғ унинг ёдига бувиси тушди, бу нуроний, меҳрибон ва хушмуомала аёл болалигидан уни эркалатар, оилада бирор жазоланиш ёки ноҳақлик ҳолати юзага келса, унинг қалқонига айланарди. У дастлабки қахру қазаблар босилгунча бувисиникида, Баденда яшириниб юрмокчи бўлди, ўша ердан ота-онасига хат ёзади ва кечирим сўрайди. Мана шу чорак соат ичида у ўзини шунчалар камситилган ҳис қилдики, ёлғиз ўзи бу ёруғ оламда, ночор ва якка ўзи қолганини ўйласа, ўз гурурига, бир ширин ёлғон билан унинг руҳини заҳарлаган

ўша бегона бир кимсага, шу бемаъни ғурурига лаънатлар ўкигиси келарди. У аввалгидай мўмингина, сабрли, ҳеч кимга даъво қилмайдиган бола бўлиб қолишни жуда-жуда истар, ўша ғўдайишларнинг қанчалик қулғули ва бемаъни эканлигини энди ҳис қила бошлаганди.

Бирок, Баденга қандай қилиб етиб олади? Қандай қилиб шунча жойни босиб ўтади. Доим ёнида олиб юрадиган миттигина чарм ҳамённи ҳадик билан қўлига олди. Худога шукр, охириги туғилган кунда унга совға қилинган йигирма қроналик тилла танга ҳали турган экан. Уни харажат қилишга ҳечам жазм қилолмай юрарди. Аммо, жойида турибдими, деб деярли ҳар куни уни бир кўздан кечирар, томоша қилиб мароқланар, ўзини бадавлат ҳис қилар, сўнгра тангани мамнунлик билан ардоқлаб рўмолчасида ялтирагунча, токи миттигина қуёшчадай ярқирагунча артарди. Бирок, яна бир ҳаёл уни чўчитди – бу етармикин? У ҳаётида кўп марталаб поездда юрган бўлса-да, йўл ҳақи тўланадими ёки йўқми, қанча туриши мумкин, бир қронами ёки юз, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганди. Турмушнинг тошу тарозиси борлигини, уни ўраб турган, у бармоқ орасидан қарайдиган, у оддий ўйин деб қабул қиладиган ва ўз ўлчами билан баҳолайдиган нарсаларнинг ҳаммасининг алоҳида қиймати бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрмаганини энди биринчи маротаба ҳис қила бошлаганди. Бир соат аввал ҳамма нарсани биламан, деб кўкрагига ураётган бола, минглаб сирлар ва саволларга эътибор ҳам бермай ёнидан ўтказиб юборганини энди англай бошлади ва ўзидан ўзи уялиб кетди. Унинг қашшоққина тафаккури ҳаётнинг ҳали биринчи қадамларидаёқ оксай бошлади. Станцияга яқинлашгани сари, унинг руҳи тобора чўкиб борар, ишончсизлик билан ташланаётган одимлари борган сари кичиклашаётганди. Худди шундай қилиб уйдан қочиб кетиш, эркин ҳаётга ўзини уриш, императорми, қиролми, солдатми ёки шоир бўлишни неча марталаб орзу қилмаганди, энди эса ушбу кичкинагина ёруғ станция биносига ҳадиксирабгина термулиб турар, бутун фикри мана шу йигирма қронада бўлиб, бу пул бувисининг олдига бориб олиши учун етармикин, деган ташвиш

уни кийнарди. Поезд излари олис-олисларга чўзилиб кетган, вокзал эса бўм-бўш, хувиллаб ётарди. Эдгар уятчанлик билан ҳадиксираб кассага яқинлашди ва атрофда уни ҳеч ким эшитиб қолмасин, дея шивирлаб Баденгача чипта канча туришини сўради. Қоронғу дарчадан унга хайрон бўлиб караб турган юз кўринди, ойнак ортидан бир жуфт кўз бу ҳадиксираб турган болакайга жилмайиб турарди:

— Тўлик чиптами?

— Ҳа, — минғирлади Эдгар. Аммо унинг оҳангида ғурур эмас, балки, киммат бўлсачи деган кўрқув кўпроқ эди.

— Олти крона!

— Марҳамат!

У енгил нафас олди-да, кадрдон тангасини ичкарига узатди, крона жаранглаб кетди, шунда Эдгар бирданига ўзини бекиёс бойдай ҳис қилди. Ниҳоят, озодликни кафолатлаб турган малларанг картон бўлаги унинг қўлида, чўнтагида эса кумуш тангаларнинг бўғиқ жаранглаган оҳанги эшитилиб турибди.

Жадвалда кўрсатилишича, поезд яна йигирма дақиқалардан сўнг келиши керак. Эдгар залнинг бир бурчагига тикилди. Перронда бир неча киши бепарво ва бамайлихотир туришарди. Аммо, у безовта эди, гўё ҳамма унга қараётгандай, гўё бу кичкина бола нима учун бир ўзи сайр қилиб юрибди, деб сўраётгандай, гўё унинг қочгани ва айблари пешонасига битиб қўйилгандай туюларди. Ниҳоят, олисдан поезд биринчи бор гудок чалиб пишқирганча яқинлаша бошлагач, у енгил тин олди. Бу поезд уни ҳақиқий дунёга олиб кетиши керак эди. Поездга минаётганидагина у ўзининг чиптаси учинчи классга ярашини тушунди. Шу чоққача у доим биринчи классда юрар, бу ерда эса нимадир ўзгарганини сеза бошлади, у дуч келган вазият аввалгиларидан фарқли эди. Ёнидаги ҳамроҳлари ҳам аввалгиларидан бошқача эди. Овозлари қўпол, кадок бўлиб кетган қўлларида чўкич ва белқуракларини тутган бир неча итальян ишчилари унинг шундоққина қаршисида ғамгин кўзларини олдинга тикканча жим ўтиришарди. Кўринишидан улар

йўлга чиқиш олдидан роса оғир иш қилишган, айрим-лари жуда чарчашган шекилли, шу тарақлаган поезд-да вагоннинг ифлос ёғоч деворларига суянганча оғзини очиб ухлаб қолишганди. Улар пул топиш учун ишлаган, ўйларди Эдгар, аммо, уларнинг қанча пул топишларини тасаввур ҳам қилолмас, шу билан бирга, пул шундай нарса эканлигини, яъни у ҳар доим ҳам, ҳаммада ҳам бўлавермаслигини, уни қандайдир йўл билан ишлаб топиш зарурлигини сезиб турарди. Тўкинчиликдаги ҳаётни одатий ҳол билиб, унга ўрганиб қолганини, ҳаётининг ўнги ва сўлидаги тубсизликлар ўта чуқур ва қоронғу эканлигини, у эса буларга бир марта ҳам эътибор бермаганлигини, ҳаётида биринчи марта энди англай бошлади. Умрида илк бор у бу оламда турли касблар, қисматлар борлигини, ҳаётининг ҳамма томонида, балки шундоқ ёнгинасида ётган, лекин у бир мартаям эътибор бермаган тилсимотлар қалашиб ётганлигини англаб етаётганди. Мана шу сўнгги бир соат ичида ёлғиз ўзи қолганидан буён Эдгар жуда кўп нарса ўрганган, ушбу тор купенинг деразаларидан бўлса-да, эркинликнинг кўп нарсаларини кўра бошлаган эди. Унинг чорасиз қўрқуви ичида нимадир аста-секин ғимирлай бошлаган, буни ҳали бахтиёрлик деб бўлмаса-да, ҳар ҳолда, бу ҳаётнинг турфа хиллиги олдидаги ҳайрат хисси эди. У ўзини бугун юраксизлик билан қўрқувдан қочиб кетганини айни шу лаҳзаларда англаб етганди. Аммо, у биринчи марта мустақил бўлиб кўрди, шу пайтгача бепарво ўтиб кетаётган ҳақиқий турмуш ташвишларидан нималарнидир бошдан кечириб кўрди-ку. Унинг учун дунё бир тилсимот бўлганидек, унинг ўзи ҳам бугун отаси учун ҳам, онаси учун ҳам англаб бўлмас сирли бир жумбоққа айланган бўлса ажабмас. Купе деразасидан у энди бошқача бир нигоҳ билан ташқарини кузата бошлади. Назарида у ҳақиқий борликни илк маротаба кўраётгандай, гўё атрофдаги нарсаларнинг устидаги ёпинчиқлар тушиб кетиб, унга ўзларининг ботиний мақсадлари-ю, ҳаракатларининг тилсимларигача ҳаммасини намоиш этаётгандай эди. Ўйлар худди шамолда учиб кетаётгандай унинг ёнидан ўтиб борар, у беихтиёр шу ўйларда яшайдиган

одамлар хақида хаёл суриб кетди, улар боймикин ёки кашшок, балки бахтлидирлар, балки бахтсиз, улар ҳам унга ўхшаб ҳамма нарсани биламан, деб изтироб чекишар, уларнинг ҳам унга ўхшаш ҳали дунёни ўйин билиб юрган ёш болалари бормикин. Қўлларида байроқчалар тутиб йўл бўйида туришган темир йўл назоратчилари унинг кўзларига илк бор аввалгидай бефарқ бир вазият такозосида қўйиб қўйилган қўғирчок қўриқчилар, жонсиз ўйинчоқ нарсалар бўлиб эмас, балки бу уларнинг қисмати, ҳаёт учун кураши эканлигини тушуна бошлади. Филдираклар борган сари тезлашар, бу думалоқ сокқалар поездни водий сари етаклашар, тоғлар борган сари кичиклашиб, кўздан йироқлашиб борар ва у аллақачон кенгликлар қўйнига етганди. У ортга назар ташлади, тоғлар тўқ мовий рангга бурканишган ва ғирашира туманли тус олган, уларга энди етиш мушкулдай қўринарди, назарида ўша чўққилар булутли осмон билан ўпишган нуктада унинг болалиги қолиб кетгандай эди.

ТАҲЛИКАЛИ ЗУЛМАТ

Мана ниҳоят Баден, поезд тўхтагач Эдгар перронда ёлғиз ўзи қолди, аллақачон атрофдаги чироқлар ёқилган, олисдан яшил, қизил бўлиб кўринган сигнал чироқлари нур сочиб турар, ана шу ранг-баранг нурли нигоҳлар остида туннинг яқин қолганини сезиб, кутилмаганда уни ваҳима босди. Кундузи у ҳали ўзини анча хотиржам ҳис қилганди, чунки атроф тўла одамлар эди. Бирор жойда нафас ростлаш, бирорта скамейкага ўтириш ёки дўконларнинг ойналари олдида туриб кун ўтказиш мумкин. Энди буларнинг барига қандай чидай оларкан. Ҳаммининг, яъни ҳар бир инсоннинг ўз тўшаги, ўз ҳамсухбати бор, булар энди ўз уйларига киришиб кўздан ғойиб бўлишгач, у ўз гуноҳларига ўзи қоврилиб, унинг учун бегона бўлган бир танҳолик ҳисси билан санғиб юради. Эҳ, қанийди тезроқ бир бошпана бўлса, бир дақиқа ҳам бу бегона ва эркин осмон остида қолмаган бўларди. Бу унинг ягона ва аниқ истаги эди.

У анчагина таниш бўлиб қолган йўл бўйлаб то бу-
виси яшайдиган виллага етиб боргунига қадар ўнгу
сўлига қарамасдан шошилиб йўл юрди. Вилла катта йўл
ёқасида жойлашган бўлиб, у ғуж-ғуж ўсган буталар ва
чирмовук гуллари билан қопланган яшнаб турган боғ
билан бегона кўзлардан ўралган, бу яшил булутлар ор-
тида нурга чўмган самимий ва меҳрибон уй эди. Эдгар
худди бегоналарга ўхшаб панжара орасидан мўралади.
Ичкарида ҳеч ким кўринмас, деразалар эса ёпик эди, аф-
тидан ҳамма уйнинг орқа тарафидаги боғчада меҳмонлар
билан овора бўлса керак. Эндигина муздай тутқични ту-
тиб, эшикни очмоқчи бўлганида, галати бир ҳол юз бер-
ди, тўсатдан унга икки соатдан бери осон ва табиий ҳол
бўлиб туюлган нарса, бажариб бўлмайдигандек бўлиб
кўринди. Қандай қилиб ичкарига киради, қандай салом-
лашади, қандай қилиб сўровларга чидаб беради, уларга
қандай жавоб айтади? Унга сўроқ маъносида термула-
диган нигоҳларга қандай туриб беради, агар онасидан
билдирмай қочиб кетганини айтишга тўғри келсачи? Ва
қандай қилиб у ўз қилмишининг даҳшатини тушунти-
риб беради, ахир буни ўзи ҳам ҳали англаб етгани йўқ-
ку! Ичкарига кириш учун бор-йўғи битта эшикни очса
бўлди. Кутилмаганда уни ҳаяжонли қўрқув босди, ким-
дир чиқиб қолиши мумкин, у ўзи ҳам билмаган томонга
қараб югуриб кетди.

У истироҳат боғи олдига етганда тўхтади, чунки ўша
ер қоронғудай ва ҳеч ким йўқдай туюлди. Шу ерда у
балки бироз ўтириши, нафас ростлаши ва ниҳоят, тинч-
гина ўйлаб кўриши ҳамда ўз қисматини тушуниб етиши
мумкиндир. У ҳадиксирабгина боғ ичига кирди. Олдин-
да бир жуфт осма шамчирок нур сочиб турар, улар-
нинг нурлари эндигина куртақдан чиққан баргларга оч
яшил ранг бериб, шудрингдай ялтиратиб турар, орқада
қияликка тушадиган жойда эса ҳамма нарса қоп-қора
яхлит бир бўлакка ўхшаб кўринар, ушбу ғамирлаган
борлиқ эрта келган баҳорнинг зим-зиё тунни қўйнида
безовта тебранаётгандай эди. Эдгар бир-иккита одам-
ларнинг ёнидан бироз чўчибгина ўтди, улар шу ерда
чирок нурлари атрофида гаплашиб туришар ёки китоб

ўқиб ўтиришарди: унинг ёлғиз қолгиси келди. Аммо ундан сал юкоридаги соя тушиб турган, чироксиз, қоронғу йўлаклар анча нотинч эди. Ҳамма томон майин ва илик пичир-пичирлар ва шивир-шивирлар билан тўла бўлиб, шабада нафасида тебранаётган барглару охиста ташланаётган одимлар, ҳадикли товушларнинг пичирлари — ҳаммаси қоришиб кетган ва бир қарашда қувнок, аммо таҳлика уйғотувчи шовқинларга ўхшар, гўё буларнинг ҳаммаси одамзот, ҳайвонот олами ва безовта ухлаётган табиатдан бирварақайига таралаётгандай эди. Бу ер болага жуда хавфли ва нотинч туюлар, гўё нимадир яшириниб тургандай, писиб келаётгандай, қаердадир ўрмон рухлари замин қаъридан туриб сирли ваҳималар билан хўрсинишаётгандай туюлар, буларнинг ҳаммаси балки баҳор ҳавоси билан боғлиқдир, аммо бундан ночор болакайни кўрқув босди.

У зим-зиё бурчакдаги ўриндикка маҳкам қапишиб олди, митти гавдаси жунжикиб янада кичрайиб кетган ва уйдагиларга нима дейишини ўйлашга ҳаракат қиларди. Аммо ҳаёллари сирпанчик муз парчаларидай унга туткич бермас, эндигина фикрини жамлай деганда, беихтиёр атрофдаги бўғиқ шовқинларга чалғиб кетар, туннинг илоҳий бир овози унга тинчлик бермасди. Бу зулмат қанчалар ваҳимали, қанчалар гангитувчи, шу билан бирга қанчалар сирли ва мафтункор эди! Ҳайвонларми, одамларми ёки бўлмаса шамолнинг совуқ панжаларими, кимдир мана шу шитир-шитирлар, ғовур-ғувурлар, гувиллашлар, ғўнғиллашларни бир-бирига қўшиб ваҳима тўрини тўқияптимикин? У диққат билан қулоқ солди. Бу шамол эди, у дарахтлар орасида ўрмалаганча кезарди, аммо энди болакай одамларни ҳам аниқ кўра бошлади — улар пастликдан, шаҳарнинг ёруғ жойларидан бу ерга келишган, бир-бирига чирмашганча, мана шу зулматни, унинг жумбоқли борлигини макон айлашган жуфтликлар эди. Улар нима хоҳлайдилар? Шу нарсани у ҳеч ақлига сиғдиролмасди. Улар бир-бирлари билан гаплашмас, чунки у бирортаям гапирган овоз эшитмас, фақатгина шағал устидаги қадам товушлари гичирлар, у ер-бу ерда ғира-шира аралаш уларнинг қоматлари худди

соялардек сузиб юрар, улар худди ўшанда онаси ва баронга ўхшаб бир-бирларининг бағрига киришиб, чирмашиб кетгандай эдилар. Хуллас, бу ерда ҳам ўша буюк, жимжимадор ҳамда машъум тилсимот унинг кўз ўнгида эди. У ўзи томонга тобора яқинлашётган қадам товушларини эшитди, мана, қандайдир паст овоздаги кулги жаранглади. Яқинлашиб келаётган одамлар мени кўриб қолишади, деган кўркув уни янаям қоронғурак бурчакка тикилишга мажбур қилди. Аммо, келаётганларнинг иккаласи ҳам зим-зиё қоронғуликда йўлни пайпаслаш билан овора бўлиб, уни кўришмади ва ёнгинасидан айланиб ўтиб кетишди. Эдгар эндигина нафас ростламоқчи бўлиб турганда, тўсатдан қадам товушлари у ўтирган ўриндиқнинг шундоққина олдида тўхтади. Улар юзларини бир-бирига босишар, Эдгар аниқ кўролмаса-да аёлнинг лабларидан учаётган қандайдир инграниш товушини эшитиб турар, эркак эса эхтиросдан тўлиб узук-юлук нималардир дерди. Боланинг титраб турган вужудидаги кўркувни қандайдир эхтирос туйғуси сиқиб чиқаргандай бўлди ва бутун бадани жимирлаб кетди. Улар бир дақиқа шу алпозда туриб қолишди, сўнгра яна уларнинг узоклашаётган оёқлари остидаги шағалнинг шитирлаган овози эшитилди ва тезда зулмат ичида кўздан ғойиб бўлишди.

Эдгар хушёр тортди. Унинг томирларидаги қон энди яна қайта уйғонган, у энди аввалгидан ҳам иссиқ ва қайноқроқ эди. Шу чоғда у ўзини мана шу тахликали зулмат қўйнида бутунлай ёлғиз ҳис қилиб кетди. Беихтиёр у қандайдир бир кадрдон овозга, кимнидир эркалаган қучоғига, ёруғ бир хонага ҳамда уни яхши кўрадиган одамларга нисбатан ич-ичидан соғинч хиссини туя бошлади. Гўё шу ташвишли туннинг чорасиз зулмати унинг вужудига сингиб кетган ва унинг кўкрагини тепкилаётгандай эди.

Эдгар сапчиб ўрнидан турди. Тезроқ уйга, фақат уйга, қандай бўлмасин иссиққина хонадонга, нур тўла хонага, у боғланиб қолган одамлар ёнига бориш керак. У билан нима ҳам содир бўлиши мумкин? Балки дўппослашар, роса қойиб беришар, мана шу зулмат ва ёлғизлик олди-

даги дахшатни чин дилдан хис қилган лаҳзадан бошлаб, у энди ҳеч нарсадан қўрқмай қўйганди.

Нимадир уни олдинга ундар, ўзи ҳам нима бўлаётганини англаб улгурмасдан, кутилмаганда ўзини вилланинг олдида турганини англади, қўллари беихтиёр эшик туткичини ушлади. Эдгар яшил нур сочиб турган деразаларга каради, бу ёруғ дераза дарчаси ортида бе-хавотир хоналар ва уларда одамлар борлигини тасаввур қилди. Мана шу яқинлик хиссининг ўзи унга бахтдек туюлар, уни ардоқловчи одамларга яқинликнинг ўзиёқ унга хотиржамлик бағишларди. Агар у ҳалиям бироз асабийлашаётган бўлса, бу энди ана шу ширин ички кечинмалар оқибати эди, холос.

Кутилмаганда ортидан қаттиқ кичкирик овоз келди:

– Эдгар, мана, у шу ерда-ку!

Бувисининг хизматқори уни кўриб қолганди, киз югуриб келиб унинг қўлларида маҳкам тутди. Ичкаридан эшиклар очилиб, бир ит вовуллаганча уни қарши олди, уйдан эса бирин-кетин чироқ кўтарганлар чиқиб кела бошлашди, Эдгарнинг қулоғига шовқин-суронли ва қувончли бақир-чақирлар, югур-югурларнинг товуши чалинди, ниҳоят унга яқинлашаётган қоматларни у таний бошлади. Ҳаммадан олдинда бувиси кучоқларини катта очиб келар, унинг ортидан эса, – Эдгарнинг тушига ҳам кирмаганди, – унинг онаси келарди. Ушбу хиссиётлар фаввораси остида болакай ёш тўла кўзлари билан жовдираб, титраб турар, нима дейишини, нима қилишини ҳам билмас, ҳозир унинг вужудини қамраган нарса нима эканлигини ўзи ҳам англолмас: бу қўрқувмикин ёки бахт.

СЎНГГИ ТУШ

Воқеа бундай бўлганди: бу ерда уни анчадан буён қидиришаётган ва кутишаётган эди. Онаси ундан хафа бўлганлигига қарамасдан, унинг ҳаяжон аралаш тўсатдан ғойиб бўлганидан ўтакаси ёрилиб, уни Земмингдан қидиртирган эди. Токи бир жаноб соат учларга яқин вокзалдаги чипта сотадиган жойда бир болакайни кўрганлигини маълум қилгунига қадар, ҳамманинг хаё-

ли энг дахшатли фикрлар ва ваҳимали тахминлар билан қопланганди. Вокзалда Эдгарнинг Баденга билет олгани тезда маълум бўлди ва онаси ишни пайсалга солмасдан, шу заҳотиёк унинг ортидан йўлга тушганди. Баденга ва Венага — отасига жўнатилган ташвишли телеграммалар хонимдан олдин жўнаган ва у қочган вақтдан икки соат ўтиб, ҳаммалари оёққа туришганди.

Энди эса ҳаммалари уни маҳкам тутиб туришар, лекин ҳеч ким ҳеч нарсага мажбурламасди. Қандайдир бир дилгир тантана билан уни хонага бошладилар, у ўзига айтилаётган эътирозли луқмаларни умуман сезмас, чунки уларнинг кўзларида у яна қувонч ва мухаббат чакнаётганини кўриб турарди. Аммо, ушбу зоҳирий ва ясама ғазаб бор-йўғи бир лаҳзагина давом этди, холос. Шундан сўнг уни яна бувиси кўз ёшлари билан бағрига босди. Унинг айби ҳақида ҳеч ким бошқа бирортаям оғиз очмади, болакай ўзини ғалати ғамхўрлик билан ўраб олингандай ҳис қиларди. Мана, хизматкор қиз унинг камзулини ечиб олиб, унга бошқа иссиқроғини кийдириб қўйди, кейин бувиси унинг қорни очмадими ёки кўнгли бирор нарса тусаяптими, деб сўрай бошлади. Ҳаммалари ундан шундай бир авайлаш ва қайғуриш билан хол сўрашар, холи-жонига қўйишмасди. Аммо, болакайнинг ийманаётганини кўришгач, сўровлар билан бошқа безовта қилмай қўйишди. Яқингинада шунчалар нафратини кўзгаган, ундан қутулишни чин дилдан истоган мана шу бола бўлиб қолиш туйғусини у энди ўзгача бир қўмсаш билан қарши олди, ўзининг сўнгги кунлардаги қилиқларини уят ҳисси билан эслай бошлади — бола бўлиш туйғусини ёлғизликнинг ҳавойи кайфиятига алмаштирмоқчи бўлибди-я.

Шу орада телефон жиринглади. У онасининг овозини ва ора-сира сўзларини эшитди:

— Эдгар ... қайтди ... етиб келди ... сўнгги поезд.

Онаси уни қаҳр билан қарғамаганига, фақатгина унга маъноли бир назар ташлаб қўйганига у хайрон бўлди. Ундаги пушаймонлик ҳисси тобора ортиб борар, у ҳозир бувисининг ва холасининг меҳрибонлигига қўл силтаб, онасининг олдига боришни жудаям хоҳлар, ундан

ўтиниб узр сўраш, буткул итоаткорлик билан яна бола бўлиб қолишни, яна ҳаммасига қулоқ солишни истаётганини биргина унга айтгиси келарди. Аммо, у астагина ўрнидан тураётган эди, бувиси бироз хадиксираб сўради:

— Қаерга бормокчисан?

У ийманганча туриб қолди. Агар салгина кимирласа, улар ҳалиям кўркишарди. У ҳамманинг ўтакасини ёриб бўлган, ҳаммалари у яна қочиб кетмасин, деб кўркишарди. Ушбу ахлоқона қочқиндан ҳаммадан кўп унинг ўзи афсусланаётганини улар қаердан ҳам тасаввур қилишсин!

Стол безатилиб, унга енгилгина тайёрланган кечки овқат келтиришди. Бувиси унинг ёнгинасида ўтирар ва ундан кўз узмасди. Бувиси, холаси ва хизматкор қиз учаласи уни жимгина қуршаб ўтиришар, у эса бундай илиқликдан ўзини бениҳоя хотиржам ҳис этарди. Фақатгина онасининг хонага кирмаётгани унинг бошини қотириб қўйганди. Агар унинг қанчалик итоаткорлигини у билгандами, албатта олдига келган бўларди.

Тўсатдан уй олдига бир фойтуннинг тарақлаб келиб тўхтагани эшитилди. Бошқалар шунчалар кўркиб кетишдики, ҳатто, Эдгар ҳам бундан безовта бўла бошлади. Бувиси ташқарига чиқди, қоронғуда ҳар хил узук-юлук овозлар кела бошлади, у бирданига отаси етиб келганини англади. Энди у яна бир ўзи хонада журъатсизгина турганини сизди, мана шу ёлғиз қолишнинг ўзиёқ Эдгарни таҳликага солаётганди. Отаси қаттиққўл, бола ҳақиқатан ҳам кўрқадиган яккаю ягона одам отаси эди. У ташқарига қулоқ солди, отаси ғазабланган кўринади, у баланд овозда жаҳл билан гапирарди. Бу орада бувиси ва онасининг ялинган оҳангдаги овозлари жаранглади, афтидан улар отасини бироз юмшатишга ҳаракат қилишарди. Аммо овоз бешафқатлигича қолди, худди унинг яқинлашиб келаётган қадамларидай, яқинроқ ва яқинроқ, мана, у ўзи қўшни хонада, мана, эшик олдига келди, ҳозир очилиши керак.

Отаси жудаям савлатли одам эди. Эдгар ўзини унинг қаршисида таърифлаб бўлмас даражада кичкина эканлигини ҳис қилди, айна чоғда у ўта асабийлашган

ва афтидан чиндан ҳам ғазабланган бир ахволда кириб келди.

— Қани йигит, жуфтакни ростлаш қандай қилиб ақлингга келди сени? Қандай қилиб онангни шунчалар кўрқитишгача бординг?

Отасининг овози жуда қахрли бўлиб, қўлларида ёввойи бир титроқ сезиларди. Унинг ортидан эса охишта қадамлар билан онаси кириб келди. Онасининг юзлари ғамгин эди.

Эдгар жавоб бермади. Кўнглида ростгўй бўлиш керак, деган хаёл ўтди, аммо уни алдашганларини, мушталашганларини у қандай қилиб айтсин. Отаси буларни тушунармикин?

— Хўш, тилдан қолганмисан? Нима бўлди? Бемалол айтишинг мумкин! Бирортаси ноҳақлик қилдими сенга? Бундай қочиб келиш учун бирор сабаби бўлиши керак ахир! Кимдир сени хафа қилдими, ё?

Эдгар иккиланиб қолди. Эндигина арз қилмоқчи бўлаётган эди, хотиралар унинг ғазабини қўзғай бошлади. Шунда тўсатдан, отасининг орқасида турган онаси унга ғалати бир имо-ишора қилаётганини кўрди-ю, юраги тўхтаб қолгандай бўлди. Бу шундай бир ишора эдики, у аввалига тушунмади. Аммо энди, у онасининг нигоҳларида жонсарақ бир илтижони кўрди. У секин, жудаям эҳтиёткорлик билан жим деган маънода бармоқларини лабларига яқинлаштирарди.

Шунда у тўсатдан қандайдир бир илиқлик, фавкулудда бениҳоя меҳрибонлик туйғуси бутун вужудини титратиб ўтганини ҳис этди. Онаси унга ўша сирни асраш учун берганини, унинг миттигина гўдак лабларида ҳозир бир тақдир ётганини у тушуниб етди. Ва уни қандайдир ёввойи бир қувонч ва ғурур ҳисси чулғаб олди. Чунки онаси унга ишониб турар, тўсатдан ундаги ўзини қурбон қилиш ҳисси устун кела бошлади, ўз айбини бўрттириш ва ўзининг ҳақиқий йигит эканлигини исбот қилиш истаги ғолиб келди. У бутун иродасини жамлади:

— Йўқ, йўқ, ... ҳеч қандай сабаб йўқ. Онам мен... менга жудаям яхши қаради, аммо мен ўзим тарбиясиз-

лик килдим, мен ўзимни ёмон тутдим ... кейин ... кейин кочиб кетдим, чунки кўркиб кетдим.

Отаси унга хайрон бўлиб қараб қолди. У ҳамма нарсани кутганди-ю, лекин фақат бу икромни эмас. Унинг ғазаби қуролсиз қолганди.

— Хўп, агар афсус қилаётган экансан, унда шунинг ўзи жуда яхши. Унда, бугун сенга бу ҳақда бошқа айтадиган гапим йўқ. Умид қиламанки, бошқа сафар буни ўйлаб кўрарсан! Чунки бундай ҳол бошқа қайтарилмаслиги керак.

Отаси олдида унга термулиб турарди. Унинг овози энди анча мулойим тус олганди.

— Бунча рангинг оқариб кетибди. Аммо, менимча сен анча улғайганга ўхшаб кўринаяпсан. Энди бунақа гўдакликни бошқа қилмайсан, деб умид қиламан, дарҳақиқат, энди сен гўдак эмассан, ақл билан иш кўрсанг ҳам бўлади.

Бу орада Эдгар фақат онасини кузатиш билан овора эди. Хаёлида онасининг кўзларида нимадир яшнагандай бўлиб кўринди. Ёки бу бор-йўғи чирокнинг нуриданмикин? Йўқ, уларда кўз ёш аралаш бир нур таралар, лабларида эса енгилгина миннатдорчилик табассуми кўринди. Уни тўшакка ётишини буюришди, аммо у бундан, яъни унинг ёлғиз ўзини қолдиришаётганидан хафа ҳам бўлмади. У ҳали ўйлаб кўриши керак бўлган нарсалар шунчалар кўп эдики, бу бир ёрқин таассуротлар олами эди. Сўнгги кунларнинг барча оғриқлари илк саргузаштларнинг қайноқ туйғулари билан ўтиб кетган бўлиб, энди у ўзини келажакдаги воқеаларнинг тилсимотга тўла хаёллари қучоғида бахтиёр сезарди. Ташқарида, зим-зиё тун қўйнида дарахтлар шовуллар, аммо у энди умуман кўркувни ҳис қилмасди. Бу ҳаёт қанчалик рангбаранг ва бой эканлигини англагандан буён, ўзидаги барча бесабрликларни унутганди. Унинг хаёлида, у бугун илк бор ҳаётни болаликнинг минглаб ёлғонларига ўралган ҳолда эмас, балки унинг эҳтиросли ва таҳликали гўзаллигини мутлоқ яланғоч ҳолда кўриб тургандай эди. Кунларнинг шунчалик воқеаларга бой бўлишини, бир кун ичида изтироб ва шодлик бир-бири билан бунча-

лик ранг-баранг вазиятларда ўрин алмашиши мумкин-лигини ўйлаб ҳам кўрмаган экан. Олдинда хали бунақа кунлардан қанчаси турганлигини, бутун ҳаёт хали унинг олдида ўз тилсимларини бирин-кетин ошкор этиш учун кутиб турганини ўйлаб, ич-ичидан қувониб кетди. Ҳаётнинг турфа ранглиги ҳақидаги дастлабки тасаввурлар уни буткул лол қилган ва у илк бор инсоннинг ички дунёсини англагандай эди. Гарчи, одамлар ўзаро душманга ўхшаб кўринсалар-да, улар бир-бирларига жуда мухтож эканлигини ва кимлар томонидандир севикли бўлмоқ қанчалар тотли эканлигини тушунаётгандай эди. У бирор кимса ёки бирор нарсага нисбатан нафрат билан қарашни истамас, ҳеч нарсадан афсус ҳам қилмас, унда ҳатто баронга, шундай қаллобга, унинг ашаддий душманига нисбатан ҳам янги бир туйғу топилганди, бу миннатдорлик туйғуси эди, чунки у Эдгар учун мана шундай дастлабки туйғулар оламининг дарвозаларини очиб берганди.

Қоронғуда орзуларидаги суратлар билан маст бўлиб, бундай нарсалар ҳақида ҳаёл суриш унга хуш ёқарди, тез ўтмай уйкуга кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Кутилмаганда эшик очилгандай ва кимдир яқин келгандай туюлди. Бу тушими ёки ўнги эканлигини англай олмас, уйқунинг зўрлигидан кўзлари очилмасди. Шу пайт юзларини илиқ бир нафас нафис сийпалаб ўтганини ва мулойим бир юз келиб юзига текканини сизди. Бу унинг онаси эди, у ўғлининг юзидан ўпиб, бармоқлари билан унинг сочларини силарди. У онасининг ўпганини, майин эркалаётганини сезиб турар, унинг кўз ёшларини ҳис этар ва буларнинг ҳаммасини у ҳозир бор-йўғи ярашиш белгиси, яъни ҳеч нарса айтмагани учун миннатдорлик белгиси деб тушунарди. Фақат анча замонлар ўтиб, кўп йиллардан кейингина Эдгар ўша сўзсиз кўз ёшларда ёши ўтиб бораётган аёлнинг муқаддас қасами борлигини англаб етди, бу шундай аҳд эдики, шу лаҳзадан бошлаб у ўзини фақат унга, ўз ўғлига фидо қилиш, дайди саргузаштлардан воз кечиш, ўзининг барча эҳтирослари билан видолашув қасами эди. Аммо, онаси ҳам у туфайли ўша бесамар саргузаштдан қутқарилиб қолгани

учун ундан миннатдор эканлигини ва ўша илиқ бўса орқали муҳаббатнинг нафис ва ширин юкини ўғлига, унинг келажак ҳаётига мерос қилиб қолдираётганини ҳали у билмас эди. Буларнинг ҳаммасини болакай ҳали тушунмас, аммо шундай севикли бўлиш қанчалик оромбахш эканини ва шу муҳаббат орқали дунёнинг улкан тилсимотидан нафакат вокиф бўлаётганини, балки унга гирифтор бўлаётганини ҳис қилаётганди.

Аммо, онаси ундан қўлларини тортиб олиб, лаблари унинг юзидан узилиб, нафис комат узоқлашгач ҳам бир илиқлик уни қамраб қолган, лабларида эса она ўпичларининг излари туриб қолганди. Ва уни шундай мулойим бўсалардан яна баҳраманд бўлиш, шунчалик нафис қучилиш соғинчи қамраб олганди, аммо шунчалар бесабрлик билан қутилган тилсимотнинг эҳтиросларга бой оромбахш хаёллари энди уйқу тўрларига ўралаётган эди. Сўнгги соатлардаги барча тасвирлар яна бир бор ранго-ранг бўлиб кўз олдидан ўтиб борар, унинг болалиги аталмиш китоб жозибадор ранглари билан яна бошидан варакланаётганди. Сўнгра бола уйқуга кетди, унинг ҳаётидаги узундан-узоқ туш энди бошланаётганди.

АЁЛ ҲАЁТИДАН ЙИГИРМА ТҮРТ СОАТ

Ҳимоя

Ҳушдан ўн йилча бурун Ривьердаги кичик бир пансионатда дам олгандим. Ушанда биз ҳар куни бирга тамадди киладиган даврада бирданига қизгин тортишув бошланиб қолди. Мунозара кутилмаганда шиддатли тус олиб, охирида ҳатто бир-биримизни ранжитиш ва дилимизни оғритиб қўйиш хавфи ҳам пайдо бўлди. Одатда кўпчилик одамларнинг тасаввур олами анча тор бўлади. Улардан олисда кечадиган воқеалар бундайларнинг хиссиётларига заррача таъсир ўтказмайди, аммо уларнинг кўз ўнгида ва шундоқ ёнгинасида арзимас бир ҳолат юз берса ҳам, бу нарса уларга дарҳол таъсир қилиб, эҳтиросларини жунбишга келтиради. Ана шундай ҳолатларда гўё одамлар ўзларининг одатдаги бефарқлиги ўрнини ортиқча ҳовлиқишлар ва қайноқ иштиёқлар эвазига тўлдиришга уринадилар.

Доим бир стол атрофида овқатланадиган даврамиз анчагина бамаъни зотлардан иборат бўлиб, одатда тинчгина *small talk*¹ қурганча, бир-биримизга енгил ҳазиллар қилиб ўтирардик, кўпинча тамадди тугаши биланоқ ҳамма ҳар томонга тарқалиб кетарди: эр-хотин немислар — фотоаппаратлари билан сайрга, даниялик кўнгилчан жаноб — ўзининг зерикарли қармоқларига, инглиз хоними — ўз китобларига, итальян жуфтлиги эса — Монте Карлога от ўйинлари томошасига шошилишарди, мен эса тўқима креслога чўзилиб бекорчилик билан вақт ўтказар ёки бирор юмуш билан овора бўлардим. Бироқ, бу сафар биз ана шу қайноқ баҳс туфайли

¹ Дилкаш суҳбат (ингл.).

бир-биримизга маҳкам тирмашиб олгандик, агар бирор киши кутилмаганда ўрнidan сакраб турадиган бўлса, бу илтифот юзасидан хайрлашиш учун эмас, балки тортишувда қизишиб кетгани учунгина шундай қилар, чунки юқорида таъкидлаганимдек, бунинг оқибати анчагина аянчли тус олаётганди.

Умуман, даврамиздагиларни бунчалар каттиқ кизиктириб қўйган воқеанинг ўзи ҳам ҳар ҳолда, анчагина ғалати эди. Биз етовимиз дам олаётган пансионат ташки томондан деразалари мафтункор қоятошлар билан ўралган майин қумлоқ соҳилга қараган алоҳида бир дабдабали дала ҳовлига ўхшаса-да, аслида каттакон Палас Хотельнинг арзонгина бир бўлагидан бошқа нарсаси эмасди. Унинг бир тарафи боғ орқали бевосита меҳмонхона билан туташиб кетган бўлиб, биз, яъни дам олувчилар ҳам меҳмонхона ҳаёти ва ундаги кирди-чиқдилардан доим хабардор эдик. Хуллас, ана шу меҳмонхонада бир-икки кун ичида ўта ғалати бир машмаша юз берди. Чошгоҳда келадиган поезд билан соат роппа-роса 12.20 да (мен ушбу аниқ вақтни қайд этмасдан ўтолмайман, чунки бу ўша эпизод учун ҳам, баҳс-мунозаранинг мавзуси учун ҳам жуда муҳим) бир ёшгина француз йигит тушиб келиб, соҳил бўйидаги деразаси денгизга қараган хоналардан бирини ижарага олади, бу ҳол ўз-ўзидан унинг маълум даражада ўзига тўқлиги ва шинамлиқни афзал кўришидан дарак берарди. Бироқ йигитнинг нафақат хушмуомалалиги ва башанглиги, балки, энг аввало, хаддан ташқари истарасининг иссиқлиги ва чиройли эканлиги ҳамманинг эътиборини тортганди. Унинг чехраси маъсума қизларникидек, қип-қизил лабларининг устида майин шойи мўйлов сабза урган, оппоқ пешонасини жингалак малла сочлари қоплаб турар, нозик қовоқлари остида чорловчи нигоҳлар яширинганди, унинг бутун борлиги силлиқ, мулойим ва ёқимтой бўлиб, ҳеч қандай сунъийлик ҳамда олифталиқ аломатлари йўқ эди. Ўзoқдан қараганда у машҳур мода дўконларининг журналларида тасвирланган пуштиранг мумдан ясалган, қўлларида нозиккина таёкча тутган, гердайган идеал эркак чиройини ифода этувчи

суратни эслатар, аммо яқиндан қараганда эса уни ўзига бино қўйган деган фикр бекор эканини, бу ерда (бу ўта камдан-кам ҳолат) худо берган туғма ёқимтойлик мужассам эканлигини англадингиз. Ўтиб кетаётиб у ҳар бир кишига алоҳида илтифот ва самимийлик кўрсатиб саломлашар, ҳар қандай вазиятда ҳам у ўзининг нозик ҳаракатини сақлаб қолишини кузатиш ҳақиқатан ҳам марокли эди. Агарда бирорта хоним гардероб томонга юрадиган бўлса, у дарҳол ўша аёлнинг пальтосини олишга шошилар, ҳар бир болакай учун дўстона бир назар ва ширин бир сўз топар, бир вақтнинг ўзида у ўзини ҳам хушмуомала, ҳам пўрим қилиб кўрсата оларди, қисқаси у афтидан, шунақа омадли одамлардан эдики, ўз истараси ҳамда ёшларга хос одоби билан бошқаларни ўзига ром қила олар ва бундан ўзи ҳам илҳомланиб дадиллашарди. Меҳмонхонадагиларнинг кўпчилиги қари ва касалманд бўлганлиги учун унинг бу ерда пайдо бўлишининг ўзи бир бахт эди. У тетиклик ва осойишталик барқ уриб турган йигитликнинг шахдам одимлари ва камдан-кам инсонларга ато этилган дадиллик билан барчанинг сўзсиз эътиборини қозонганди. Келиб тушишидан икки соат ўтиб, у ўзи аллақачон леонлик бақувват бир бой фабрикантнинг иккала қизалоғи билан теннис ўйнашга тушиб кетганди. Қизларнинг бири ўн икки яшар Анетта бўлиб, иккинчиси ўн уч яшар Бланка эди. Уларнинг онаси, нозик, латофатли ва ўта камсукум Ҳенритта хоним, ўзининг қушдай беозор, ўта шўх қизларини бу ёшгина йигитча билан эркин ўйнашини майин жилмайганча томоша қиларди. Кечқурун у бизнинг даврамизда бир соатча шахмат ўйинига ишқибоз бўлди ва бу орада бир-иккита енгил латифалардан айтиб берди, сўнгра эндигина келган мадам Ҳенритта билан айвонда айланиб сайр қилиш учун кетди. Хонимнинг эри эса бу вақтда ҳар доимгидек савдогар оғайнилари билан домино ўйнардди. Тунда эса мен уни меҳмонхона котибаси билан идоранинг панасида жуда яқин кишилардек гаплашиб турганига қўзим тушди. Эртаси куни тонгда у менинг даниялик ҳамроҳим билан балиқ овига жўнади ва бу нарсадан яхшигина хабардор эканлигини ҳам намоёиш

қилди, ундан сўнг леонлик фабрикант билан сиёсат ҳақида узок суҳбатлашди ва ўзининг яхши суҳбатдош эканлигини ҳам исбот қилди, чунки буни бақалок жанобнинг тўхтовсиз қахқаха отишидан билиш мумкин эди. Тушликдан сўнг, — унинг ўтказган вақтини барча босқичларини бунчалик батафсил баён этишим вазиятни тушуниш учун жуда зарур, — яна мадам Ҳенритта билан ёлғиз иккаласи боғда бир соат қора қахва ичишди, кейин унинг қизлари билан яна теннис ўйнади, ундан сўнг залда ўтириб эр-хотин немислар билан ҳамсуҳбат бўлди. Соат олтиларда мен бир хатимни жўнатаман, деб кўчага чиққанимда эса уни вокзал яқинида учратдим. У жуда шошилиб келаётганди, мени кўриб гўё узр сўраган киши бўлди ва ўзининг кетаётганини, уни кутилмаганда зудлик билан чақириб қолишганини, аммо икки кундан сўнг қайтиб келишини маълум қилди. Кечқурун эса, дарҳақиқат, у тамаддихонада йўқ эди, лекин фақат унинг шахси йўқ эди, холос, чунки ўтирганлар фақатгина у ҳақда гаплашишар, унинг одоби ва жўшқинлигини макташарди.

Тун, соат ўн бирлар эди, мен хонамда ўтириб бир китоб мутолаасини адоғига етказай деб қолгандим, кутилмаганда боғ томондаги очик деразадан безовта бақир-чақирлар эшитилди ва қаршимиздаги меҳмонхонада ҳам кимларнингдир шошиб-пишиб югурганига кўзим тушди. Мен ҳам қизқишдан кўра кўпроқ хавотир билан дарҳол ўша ёкка шошилдим, эллик қадамлар босгач, барча хизматчилару меҳмонларнинг саросима билан тўпланиб турганига дуч келдим. Ҳенритта хоним ўзининг ҳар куни шомда қумлоқ сохил ёкалаб қиладиган одатдаги сайридан қайтиб келмаганимиш. Унинг эри эса бу пайтда ҳар доимгидек намурлик дўсти билан домино ўйнаётган экан. Ҳаммалари бирор-бир кўнгилсиз воқеа бўлдимикин, дея хавотир олишаётганди. Ҳар доим босиқ ва салобатли бўлиб кўринган ушбу фабрикант айни чоғда худди арқонини узган букадек қирғоқда тинмай у ёқдан-бу ёкка югурар ва ҳаяжондан титраган овози билан қоронғуда:

— Ҳенритта! Ҳенритта! — дея қичкирарди.

Унинг овози қандайдир ўлимга махкум этилган афсонавий ва даҳшатли бир махлуқнинг ўкиришини эслатарди. Хизматкорлар ва югурдак болалар куйиб-пишиб зиналарда чопишар, ҳамма меҳмонлар уйғотилган ва жандармерияга ҳам телефон қилинганди. Аммо бу гуштор одам нимчасини кўкрагини очганча ҳамманинг орасида қокила-сурила лорсиллаганча тун қўйнида:

– Ҳенритта! Ҳенритта! – деган исми такрорлаб, хириллаб бакиришдан тўхтамасди.

Бу орада юқоридаги хоналардан бирида болалар ҳам уйғониб кетишиб, улар ҳам тунги қўйлақларида деразадан осилганча онасини чакира бошлашди, отаси уларни тинчлантириш учун юқорига, уларнинг олдида шошилди.

Шундан сўнг даҳшатли бир ҳодиса юз берди, уни тасвирлашга тил ожизлик қилади, чунки мажбуран бўғилиб ётган эхтирослар вулкони инсонни тез-тез шундай бир қайғули аҳволларга солиб турадики, унинг қанақанги куч билан портлаш онларини на мусаввир ва на қаламқаш ёзувчи тасвирлай олади. Кутилмаганда ушбу елкадор ва салобатли одам оғир қадамлар билан зинадан тушиб келди, унинг юзи энди мутлақо ўзгариб кетганди, у бутунлай ҳолдан тойган ва аламдан ёнарди. Қўлларида эса бир мактуб бор эди.

– Ҳаммасини ортга қайтаринг! – деди у тиниқ овозда иш бошқарувчига. – Ҳамма одамларни орқага қайтаринг, кераги йўқ. Хотиним мени ташлаб кетибди.

Тил тортмай ўлдириши муқаррар бўлган зарба еган эр кишининг уни қизиқсиниб ўраб турган одамлар олдида бир дунё куч-қувват ва ирода билан ўзини хотиржам тутишига қойил қолса арзирди, бунинг устига сўнгги хабарни эшитиб, йиғилганларнинг ҳаммаси тўсатдан ваҳимага тушди, уялган бўлишди ва саросима билан ундан юз ўгира бошлашди. Бу одамда яна бунинг устига ҳеч кимга қарамасдан кутубхонага киришга ва унинг чироғини ўчиришга ҳам етадиган куч қолганди. Шундан кейин оғир ва баҳайбат гавданинг креслога гурсиллаб кулагани, шу кунгача бирор марта йиғламаган одамнинг йиғиси – ёввойи махлуқникидай ўкириши эшитилди.

Бу оғрик ҳар биримизга енгил бир шарпа сингари тегиб ўтгандек бўлди. Хизматкорларнинг ҳам, бу ерга қизиқиш билан келган меҳмонларнинг бирортасини ҳам буни кўриб, кинояли кулишга ёки бирор оғиз сўз айтишга ҳадди сизмади. Тўйғуларнинг бундай изтиробли портлашини ночор томоша қилишдан уялиб, ҳаммамиз бирин-кетин жимгина ўз хонамизга кетдик. Фақат ичкарида, зим-зиё хонада ушбу шармандаликдан барбод бўлган одам энтикиб-энтикиб, хўрсиниб-хўрсиниб ёш тўқар, у мана шу чироқлари аста-секин ўчаётган, пичир-пичирлар, шивир-шивирлар, минғир-минғирларга тўлиб бораётган бинода ўзи билан ўзи бутунлай ёлғиз эди.

Одатда, фақат бекорчилик билан беташвиш вақт ўтказишга ўрганиб қолган одамларнинг шундоққина кўз ўнгида бунақа қутилмаган, кишини бадном қилувчи воқеа бўлиб ўтгач, бу нарса уларни қанчалар ҳаяжонга солиб қўйишини тушунса бўлади. Лекин ўша, бизнинг даврамизда авж олиб кетган баҳс-мунозаранинг одоб доирасидан чиқиб кетиши, аслини олганда ҳаётга нисбатан бир-бирига тескари бўлган қарашларнинг тортишуви учун бир баҳона бўлганди, холос. Шўрлик эр ўшанда ўзи билан ўзи овора бўлиб, жаҳл аралаш мактубни қаёққадир улоқтиради, бир хизматкор қиз ўша хатни топиб олиб ўқиб кўради ва унинг беодоблиги туфайли тез орада хатнинг мазмуни барчага аён бўлади-кўяди. Маълум бўлишича, Хенритта хоним бир ўзи эмас, балки бир ёш француз йигит (унга бўлган қизиқиш кўпчиликнинг ҳаёлидан тезлик билан ўча бошлаган эди) билан олдиндан тил бириктириб қочиб кетибди. Хуллас, бу ҳолни бир қарашда тушунса бўлади, яъни ушбу кичкинагина оқсуяк хоним ўзининг бадавлат, тўпори эрини башанг қийинган, чиройли бир йигитчага алмаштирган бўлиши мумкин эди. Аммо меҳмонхонада ҳаммани қизиқтириб қўйган бир ҳолат мавжуд эди, яъни ўша муҳаббат фариштасини илгари на фабрикант, на унинг қизлари ва на хонимнинг ўзи кўрган экан. Бошқача айтганда, айвондаги ўша икки соатлик кечки суҳбат ва боғдаги бир соатлик кофехўрлик, ўттиз уч ёшлик покиза бир хонимнинг эри ва икки фарзандини

бир кечада ташлаб кетиши ҳамда мутлақо бир бегона, ёшгина олифта билан боши оккан томонга кетвориши учун етарли бўлгани эди. Ана шу бир кўринишидан гуноҳсифат бўлган ҳолатни столимиз атрофидагилар бир овоздан бу эски ошиқ-маъшукларнинг айёрлигидан бошқа нарса эмас деб баҳолашди, албатта. Хенритта хоним ўша йигитча билан анчадан бери хуфиёна дон олишиб юрган ва ўша айёр мушук фақатгина қочиб кетишнинг сўнгги майда-чуйдаларини гаплашиб олиш учунгина бу ерга келган, холос, чунки ҳеч бир бамаъни аёл икки соатлик танишувдан сўнг бир хуштакка ишониб бутунлай жунавориши мутлақо мумкин эмас, дея хулоса қилинаётганди. Мен эса ҳамсухбатларимга қараганда бироз бошқача фикрда бўлиб кўргим келди, бу нарса ҳатто ўзимга ҳам завқли бўлиб туюлди ва қочокларни химоя қилиб, бундай вазият бўлиши мумкин дедим. Яъни, йиллар давомида зерикарли никоҳидан кўнгли совиб юрган ҳар қандай аёл, дуч келган биринчи дадил таклифга ўзини ич-ичидан тайёрлаб юриш эҳтимоли ҳам йўқ эмас-ку. Менинг бундай муҳолифатда туриб гапиришим қутилмаганда тортишувнинг баттар авжига чиқиб, барчанинг аралашувига олиб келди, бундан айниқса иккала эр-хотинлар, немис ва итальян жуфтликлари қизишиб кетишди. Улар умуман ушбу *coup de fourde*¹ борлигини инкор этишиб, бу нарса романтик хаёлпарастлик, пасткашлик ва ҳақорат, дея туриб олишди.

Хуллас, шўрвадан то пудинг тортилгунча давом этган қизгин тортишувнинг барча икир-чикирларини баён этишнинг қизиги йўқ деб ўйлайман, маълумки дастурхон атрофидаги баҳсларда ҳиссиётлар жўш уриб, далиллар ҳам алғов-далғов бўлиб, кўпчилиги сийкаси чиқиб кетган гаплардан иборат бўлади. Бизнинг баҳсимиз аслида қандай қилиб бунчалар тезлик билан кескин тус олганини тушунтириш мушкул, афтидан, ҳар иккала эркак беихтиёр ўз рафиқаларини бундай енгилтаклик ва юзаки нарсалардан холис эканлигини таъкидламоқчи бўлишди,

¹ Бир кўришда муҳаббат (сўзма-сўз – яшин уриши) (франц.).

шекилли. Афсуски, улар менга қарши бирортаям ар-
зигулик эътироз топиша олмадилар ва бундай фикрни
фақатгина аёлларнинг кўнглини онда-сонда арзон ху-
шомадлар билан овлаб юрган ўсмирлар айтиши мумкин
дея олишди, холос. Бу эса маълум маънода менинг на-
фсониятимга тегиб кетди. Бунинг устига яна немис хо-
ним ўзича донолик билан суҳбатга луқма ташлади, яъни
албатта бир томонда ҳақиқий аёллар бўлса, иккинчи
томонда эса енгил табиатли аёллар бўлади, унинг фик-
рича Ҳенритта хоним шунақа енгилтабиатлардан экан,
деган фикрни илгари сурди. Шунда менинг сабр косам
тўлиб кетди ва, ўз навбатида, ошкора эътироз билди-
ра бошладим. Фикрларим тахминан қуйидагича бўлди,
яъни аёл киши умрининг айрим онларида қандайдир
хуфиёна кучлар таъсири остида ўз хоҳиш-иродасини ва
аклу хушини йўқотиши мумкинлиги ҳақидаги ошкора
далилларни биз ўз туйғуларимиздан ва елкамизда тур-
ган шайтоннинг васвасасидан қўрққанимиз учунгина ин-
кор этамиз. Афтидан ўша «елгилтак» аёлларга қараганда
ўзларини иродали ва тарбияли қилиб кўрсатиш айрим-
ларга жуда ёкса керак. Шахсан мен ўз туйғуларига ва
эҳтиросларига бўйсунган аёлларни ўз эрининг кучоғида
туриб, киприк қокмай алдайдиганлардан кўра ростгўйроқ
деб ўйлайман. Бечора Ҳенритта хонимни қанчалик кўп
айбламоқчи бўлишса, мен, ўз навбатида, уни шунчалар
меҳр билан химоя қилдим (аслида буларнинг ҳаммаси
ичимдаги туйғулардан анча йироқ бўлса ҳам). Ушбу
мулоҳазалардан сўнг, ҳуллас, талабалар тилида айтган-
да, дастурхон шу икки эр-хотинга қолди ва улар менга
қарши унчалик қовушмаган квартет бўлишиб, шундай
ташланишдики, бизни кузатиб ўтирган оккўнгил дания-
лик қария қўлларида секундомер билан худди футбол
ўйинида судьялик қилаётган сингари вақти-вақти билан
столни чертиб, «Gentlmen plase»¹ деб туришга маж-
бур бўлди. Тортишаётган эркаклардан бири шолғомдек
қизариб кетиб, уч марта ўрнидан ҳам туриб кетди ва
хотинининг ёлвориши билан аранг тинчланди. Агар

¹ Жаноблар, сиздан илтимос (ингл.).

кутилмаганда К. хоним бизнинг бу тобора кўпириб бо-
раётган баҳсимиз тошкинига қум сепиб совитмаганда
эди, бу тортишувимиз аслини олганда яна бир неча ўн
дақиқалардан сўнг ҳам тугамаган бўларди.

К. хоним оппоқ сочли, жуда тарбияли, ёши улуғ ин-
глиз хоними бўлиб, у давраимизнинг норасмий президен-
ти эди. У ўз жойида доимо салобат билан ўтирар ва
ҳаммага бирдай дўстона бош ирғар, ҳеч ким билан гап-
лашмас, шу билан бирга у хотиржам, синчков тингловчи
бўлиб, унинг бокира нигоҳларидан нур таралиб турар
ва оқсуякларга хос самимий табиатида эса кишини ром
қилувчи одоб ва осойишталик балкиб турарди. У гар-
чи ҳар бир одамга алоҳида хушмуомалалик кўрсатса-да,
ҳамма билан бир хил оралиқ масофа сақлар, кўпчилик
холларда у боғда китоб ўқиб ўтирар, гоҳида пианино
чалар, уни камдан-кам давраларда ёки баҳсларда кўриш
мумкин эди. У кўзга ташланмаса-да, лекин ҳаммамиз-
га нисбатан ғалати бир ҳукмга эгалиги сезилиб турар-
ди. Чунки мана ҳозир ҳам у баҳсимизга кўшилиши
биланок, биз хаддан ортик бакир-чакир қилганимизни,
ўзимизни тута олмаганимизни сезиб қолиб, кўнглимизда
қандайдир ийманиш ҳисси пайдо бўлди.

Немис жаноб кизишиб ўрнидан туриб кетиб, рафи-
қасининг гапи билан қайтиб жойига ўтиргач, орага но-
қулай жимлик тушди. Бундан фойдаланган К. хоним
баҳсга аралашди. У бироз иймангандек мовий шахло
кўзларини кўтарди ва хиёл тараддудланиб менга қаради,
сўнг мавзунинг асл моҳиятини хаёлида тиклаб олди ше-
килли, деди.

— Демак, сизнинг фикрингизча, агар мен сизни тўғри
тушунган бўлсам, яъни Хенритта хоним, яъни тасоди-
фий саргузаштга берилиб кетган бир аёл гуноҳкор эмас,
яъни шундай вазиятлар борки, бир соат олдин бу нар-
сани мутлақо бўлиши мумкин эмас деб ўйлаб турган
аёл, агар ўшандай вазиятга тушиб қолса, ўзини умуман
ҳеч нарсага жавобгар деб ўйламаслиги ҳам мумкин,
тўғрими?

— Мен айнан ана шуни айтмоқчи эдим, ҳурматли хо-
ним.

— Бу билан, оқибатда ҳар қандай ахлокий меъёр ўз мазмунини бутунлай йўқотади ва урф-одатларнинг ҳар қандай турдаги бузилиши эса ҳақ деб топилади. Агар сиз чиндан ҳам шундай деб ўйласангиз, унда французлар айтадиган *cime passionnel*¹ жиноят ҳисобланмайди, у ҳолда давлатдаги суд идораларининг нима кераги бор? Тўғри, бу виждонсизликка киради, аммо сиз ўзингиз соф виждон билан ўйлаб кўрингчи, — деди у жилмайганча ва кўшимча қилди, — ахир ҳар бир жиноятда эҳтирос топса бўлади, демак, ана шу эҳтирос туфайли уни кечириш мумкин экан-да.

Унинг гапларидаги зукколик ва бироз жўшқинлик оҳанги мени бутунлай тўлкинлантириб юборди ва беихтиёр ундаги доноликни эътиборга олган тарзда мен ярим ҳазил, ярим жиддий қилиб жавоб бердим:

— Давлат суди албатта бундай нарсаларни менга қараганда жуда қаттиқ қоралайди, ҳиссиётларга берилмасдан умумий қоидалар ва муносабатларни ушлаб туриш ахир унинг бурчи ҳисобланади, бундайларни кечириш ўрнига у айблашга мажбур. Лекин мен, оддий бир инсон сифатида ўз ихтиёрим билан прокурорнинг ўрнини эгаллаб олишим шарт эмас деб ўйлайман. Мен адвокат бўлишни афзал кўраман. Шахсан менга одамларни суд қилгандан кўра, уларни тушуниш кўпроқ қувонч бахш этади.

К. хоним ўзининг тиниқ ва мовий кўзларини менга тикканча, бир қанча вақт туриб қолди. У гапларимни тушунмадимикин дея хавотирландим ва айтганларимни яна бир бор инглиз тилида такрорлашга тайёрлана бошладим. Аммо, у ғалати бир жиддийлик билан, гўё имтихон қилаётгандай савол беришда давом этди.

— Бир аёл ўз эрини ва икки фарзандини ташлаб, қандайдир бир бегона эркакка илашиб кетворса, бунинг устига хали бу одам унинг муҳаббатини қадрлай оладими-йўқми, мутлақо номаълум бўлса, сиз буни жирканч ёки шарманда ҳолат деб ўйламайсизми? Сиз чиндан ҳам аёл кишининг шундай ўткинчи ҳаваси ва

¹ Эҳтирослар таъсирида содир этилган жиноят (франц.).

бегамлигини кечира олармидингиз, бунинг устига у унчалик ёш ҳам бўлмаса, бунинг ўрнига ҳеч бўлмаганда болалари ҳаққи, уларнинг тарбияси билан шуғулланса ва ўзини шунга муносиб тутса бўлмасмиди?

— Яна қайтариб айтаман, ҳурматли хоним, — дедим мен, — бу ҳолатни мен суд қилишдан, ҳукм чиқаришдан бош тортаман. Сизга ростини айтадиган бўлсам, мен бироз ошириб юбордим, аслида шўрлик Ҳенритта хоним албатта ҳавас қилгулик қаҳрамон эмас, уни ҳатто бир сатанг жувон ёки саргузаштлар ишқивози ҳам деб бўлмайди. Билишимча, у баодоб ва ожиза бир аёл, қолаверса, унга маълум маънода ҳурмат билан ҳам қарайман, чунки у дадиллик билан ўз қалбига қулок солган, аммо ундан ҳам кўпроқ, менинг бу аёлга раҳмим келади, чунки у эртага ёки шу бугуннинг ўзидаёқ ўта бахтсиз бўлиб қолиши мумкин. Албатта, у аҳмоқона ва ўта шошқалоқлик билан иш тутган, лекин бу ҳеч қандай пасткашлик ёки шармандалик эмас. Шунинг учун ҳам ҳеч қачон бу бечора ва шўрпешона аёлни қоралашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ деб ўйлайман.

— Сиз ўзингиз, сиз ўзингиз унга ҳалиям аввалгидек ҳурмат ва эътибор билан қарайверасизми? Сизнингча, ўтган куни сиз билан кўришган одобли, оилали аёл ва кечагина ғирт бегона бир одам билан қочиб кетган аёл ўртасида бирортаям фарқ ёки чегара йўқми?

— Мутлақо йўқ, бир чимдим ҳам, ҳатто, бир мисқол ҳам фарқ йўқ.

— It that so?¹ — деди у беихтиёр инглиз тилида.

Афтидан, барча айтилган гаплар уни қандайдир тараддудга солиб қўйгандек эди. Бирпас ўйланиб тургач, у менга ўша қатъий нигоҳларини қадаганча яна бир бор сўради.

— Хўп майли, агар сиз эрта бир куни, айтайлик Ниццада Ҳенритта хонимни ўша йигитча билан қўл ушлашиб юрганида учратиб қолдингиз дейлик, шунда ҳам сиз у билан саломлашган бўлармидингиз?

— Албатта.

¹ Шунақаикин? (ингл.)

– Гаплашган ҳам бўлармидингиз?

– Албатта.

– Агар сиз, – яъни сиз агар уйланган бўлганингизда, шу аёлни ҳеч нарса бўлмагандек ўз рафиқангиз билан таништирган бўлармидингиз?

– Албатта.

– Would you really?¹ – деди у яна инглиз тилида ва умуман ишонгиси келмасдан саросима ичида.

– Surely I would², – дея жавоб бердим мен ҳам беихтиёр инглиз тилида.

К. хоним жим бўлиб қолди. Афтидан у ҳамон ниманидир ўйлаб асабийлашарди. Тўсатдан у гўё ўзининг дадиллигидан хайрон қолгандек, менга қаради ва деди:

– I don't know, if I would. Perhaps I might do it also.³ Сўнгра у яна ўша хотиржамлик билан, яъни фақат инглизларга хос усталик билан ҳеч қимми ранжитмасдан суҳбатни шу ерда чала қолдирди-ю, ўрнидан қўзғалди ва менга дўстона қўл чўзди. Бунинг таъсирида даврамизда яна тинчлик тиклангандек бўлди, ҳаммамиз ич-ичимизда ундан миннатдор эдик, чунки сал бўлмаса ҳаммамиз бир-биримизга душман бўлишимизга оз қолганди-да. Охирида ҳаммамиз бир-биримизга алоҳида ҳурмат билан таъзим қилганча хайрлашдик, даврадаги хавфли бўрон ортга чекиниб, унинг ўрнини яна енгилгина ҳазил-мутойиба эгаллади ва вазиятни юмшатиб юборди.

Гарчи тортишувимиз ўшанда рицарона оҳангда тинчгина тугагандек кўринса-да, мен ва рақибларим ўртасида қандайдир бегоналик ҳамда кек сақланиб қолганди. Немис эр-хотинлар мендан ўзларини узоқроқ олиб юришар, итальян жуфтлиги эса кейинги кунларда мени кўришлари билан атайлаб, «cara signora Henrietta⁴» ҳақида бирор хабар эшитдингизми, дея мени сўроққа

¹ Рост гапираяпсизми? (ингл.)

² Албатта, рост (ингл.).

³ Билмадим, мен нима қилардим. Балки мен ҳам шундай қилармидим / (ингл.).

⁴ Ҳурматли синьора Ҳенритта (итал.).

тутишарди. Хуллас, столимиз атрофидаги холис ва илик муносабатлар шакли бузилиб, унинг қайта тикланиши даргумон эди. К. хонимнинг менга кўрсатаётган алоҳида дўстона муносабати натижасида эса рақибларимнинг совуқкон истехзолари янада кўпроқ кўзга ташлана бошлади. Одатда ўзини бошкалардан четда тутадиган ва тамадди чоғида ҳам даврадагилардан ҳеч ким билан гаплашмайдиган аёл, энди боғда мени учратиб қоладиган бўлса, ҳар сафар гапга тортадиган бўлди, гарчи, таъкидлаш жоизки, унинг инсон шахсий ҳаёти ҳақида ўзига хос одоб билан сўзлашини тинглашнинг ўзи менга алоҳида ҳузур бағишларди. Очиғини айтадиган бўлсам, у энди мени қидириб юрар ва кичкина бир имкон топилди дегунча суҳбат бошлашга интиларди, агар у оқ сочли нуроний бир хоним бўлмаганда эди, ҳаёлимга қандайдир бемаъни фикрлар ҳам келган бўларди. Нима ҳақида гаплашишимиздан қатъи назар, суҳбатимиз ҳар сафар ҳеч адашмай яна шу мавзуга қайтар, гап айланиб яна Ҳенритта хонимга такаларди. Ҳаёлимда, Ҳенритта хонимнинг ўз бурчини унутиб, эҳтиросларини жиловлай олмаганликда ва масъулиятсизликда айблаш унга ғалати бир ҳузур бағишлайдиганга ўхшарди. Лекин шу билан бирга, менинг қатъийлик билан ўша хушмуомала ва оққўнгил Ҳенритта хоним томонида қолганим ва унга бўлган хурматимни ўзгартириб бўлмаслиги уни қувонтираётганга ўхшаб кўринарди. У ҳар сафар суҳбат мавзусини шу томонга бурар, охир-оқибат мен бунақа ғалати ва телбаларча қайсарликнинг сабаби нимада эканлигини ҳам ортиқ тушунмай қолгандим.

Хуллас, бу суҳбатлар унга нима сабабдан бунчалар муҳим эканлиги ҳақида бирор сўз демасдан юриб, орадан бир неча кун, беш ёки олти кунлар ўтиб кетди. Масала айнан шундай эканлигига сайрларимиздан бирида тўла ишонч ҳосил қилдим. Мен унга бу ердаги дам олиш вақтим тугаётганини ва эртадан кейин жўнаб кетишни режалаштираётганимни маълум қилдим. Бу хабарни эшитиб, унинг одатда доим хотиржам кўринадиган чехрасида ғалати бир асабийлик ифодаси пайдо бўлди ва уммондек мовий кўзларига булут соя ташлаб ўтгандек эди:

– Минг афсус! Ҳали сизга айтмоқчи бўлган анчагина гапларим бор эди.

Шу лахзадан бошлаб у кўнглида мажбуран сақлаб келган, ўзи инкор этган, фош бўлишини истамаган парижонхотирлик ва саросима ошкор бўлгандек эди. Охиरोкибат ушбу ички қаршилиқни унинг ўзи бузишга қарор қилганга ўхшарди, чунки орага тушган бу кутилмаган жимликдан сўнг у бироз ийманиб менга кўнглини очди:

– Қарасам, сизга айтмоқчи бўлганларимнинг ҳаммасини очик тушунтира олмайман. Яхшиси мен сизга ҳаммасини ёзиб юбораман.

Сўнг у одатдан ташқари илдам кадамлар билан меҳмонхона томонга юрди.

Дарҳақиқат, кечқурун овқатдан бироз олдин хонамда унинг ҳафсала билан дона-дона қилиб битилган мактубини топдим. Умуман ёшлигимда мен ёзма ҳужжатларга унчалик жиддий эътибор бермаганман, шунинг учун ҳам ҳозир ўша мактубни сўзма-сўз хикоя қила олмайман, мен фақат унинг қисқа мазмунини баён қилишим мумкин. Унинг ёзишича, у менга ўз ҳаётидан бир воқеани сўзлаб бермоқчи экан, бу нарса унинг ҳозирги ҳаёти билан боғлиқ бўлмай, анча илгари юз бергани, менинг эртадан кейин жўнаб кетишим эса, йигирма йилдан кўпроқ вақтдан буён уни азоблаб келаётган, кўнглига тинчлик бермаётган ўша воқеани айтиб бериш масаласини анча енгиллаштирганини маълум қилганди. Агар мен шундай бир суҳбатни хиралик деб ўйламайдиган бўлсам, унинг учун бир соат вақт ажратишимни сўраганди.

Сизга фақат мазмунини баён қилиб берган ушбу мактуб мени ўта қизиқтириб қўйганди, унинг инглиз тилида ёзилганининг ўзи ҳам ундаги ўта аниқлик ва қатъийликни кўрсатиб турарди. Ҳар ҳолда жавоб ёзиш мен учун унчалик осон бўлмади, жавоб ёзаман деб нақ учта қораламани йиртиб ташлашимга тўғри келди:

«Билдираётган ишончингизни ўзим учун шараф деб биламан ва сўраганингиздек самимий талабингизга лойиқ бўлишга сўз бераман. Албатта кўнглингиз истаганидан ортиқчасини айтишингизни талаб қила олмасамда, аммо нимаики сўзлайдиган бўлсангиз барчасини

мутлако самимий деб биламан. Мендан кўнглингиз тўк бўлсин, ишончингиз мен учун улкан шараф».

Мактуб шу куни кечкурун унинг хонасига жўнади, эртаси эрталаб эса мен жавоб хати олдим: «Сиз бутунлай ҳақсиз, тўлиқ ҳақиқат олдида яримтаси ҳар доим қадрсиз бўлади. Мен ўз виждоним олдида ҳам, сизнинг олдингизда ҳам ҳеч нарсани яширмасликка бор ирода билан чин дилдан ҳаракат қиламан. Кечки таомдан сўнг менинг хонамга келинг, олтмиш етти ёшим билан бу нарсани нотўғри тушунишларидан чўчимайман. Чунки боғда ёки одамлар олдида гапира олмайман. Бундай қарорга келишнинг ўзи мен учун қанчалар осон бўлмаганини тушунишингизга умид қиламан».

Биз кундузи тушлик чоғида ҳам кўришдик, лекин умумий ва арзимас нарсалар ҳақида бироз фикр алмашган бўлдик. Аммо боғда қаршимдан чиқиб қолган чоғда у бироз саросима ичида мендан ўзини олиб қочди ва бу оппоқ сочли нуроний аёлнинг қиз болалардек қарағайлар тўла хиёбон томонга қочиб кетиши менга ғалати таъсир қилди.

Кечкурун келишилган вақтда мен унинг эшигини тақиллатдим, эшик дарҳол очилди. Хона ғира-шира ёритилган бўлиб, стол устидаги китоб ўқиш учун мўлжалланган ягона чироқ қоронғу хонага сарғиш хира ёғду сочиб турарди. К. хоним мени ҳеч қандай ийманишсиз, хотиржам кутиб олди ва креслога таклиф қилди, ўзи эса қаршимдан жой олди. Ушбу ҳаракатларнинг ҳар бирини у руҳан аввалдан машқ қилганини сезиб турардим, аммо кутилмаганда ўртага жимлик чўкди, бу унинг хоҳишидан ташқари бир сукут эди, афтидан, бу муҳим қарор олдидан чўккан жимлик эди, сукут борган сари чўзилиб борар, бирорта сўз билан уни бузишга ҳаддим сизмас, чунки бу ерда кучли бир ирода кучли бир қаршилиқ билан курашаётганини сезиб турардим. Биз ўтирган хонанинг тагидаги қаватдан онда-сонда қандайдир вальснинг бўғиқ овози эшитилиб турарди, мен ўртадаги жимликнинг юкидан бироз чалғиш учун куйни эшитишга уриниб кўрдим. Хоним ҳам афтидан ушбу жимликнинг нотабий эканлигини

англади шекилли, тўсатдан ўзини ўнглаб олди ва гапир-ишга тушди:

— Фақат ана шу биринчи сўзни айтиш жуда кийин. Мутлако ошкора ва ростгўй бўлиш учун икки кундан буён ўзимни тайёрлагандим ва буни уддалашга умид қиламан. Афтидан, сиз ҳали тасаввур ҳам қила олмай-сиз, мен ҳозир сизга, яъни бир бегона одамга сўзламоқчи бўлган нарсалар, ишонасизми, ҳали бирорта кун ёки бирорта соат йўқки, мен ана шу воқеа ҳақида ўйламасдан ўтказган бўлсам. Бир қари кампирга ишонишингизни истардим, одам умридаги биргина нуқтага, биттагина кунга бутун ҳаётини боғлаганча яшаши қанчалар оғир. Чунки сизга хикоя қилмоқчи бўлган воқеа, олтмиш етти йил оралиғидаги қисқагина бир вақтда, яъни бор-йўғи йигирма тўрт соат ичида юз берганди, мен ўзимга-ўзим тез-тез такрорлайман, одам қайсидир лаҳзаларда ақл бовар қилмас нарсаларни қилиб қўйиши мумкин. Аммо одам ўша биз соддагина сўз билан айтадиган виждон деган нарсадан қутула олмас экан. Ўша чоғда, яъни сиз Хенритта хонимнинг аҳволи ҳақида жон куйдириб гапираётганингизни эшитган чоғимда, агар ҳаётимдаги ўша ягона кун ҳақида бирорта бегона одамга бемалол сўзлаб бера олсам, ушбу бемаъни ҳаёллар, ўтмиш хотиралари, тинимсиз ўзимга-ўзим арз қилишлар тугаган бўлармиди, деган қарорга келдим. Агар мен протестант бўлмасдан католик бўлганимда эди, аллақачон черковдаги рухонийга дардимни айтиб қутулган бўлардим, афсуски бизга бундай йўл билан таскин топиш тақиқланган. Ва ниҳоят, бугун сизга ичимдагиларнинг ҳаммасини сўзлаб бериб, ўзимни бутунлай халос этишга уриниб кўрмоқчи бўлдим. Буларнинг бариси жуда ғалати эканлигини яхши биламан, аммо сиз кўнглингизга оғир олмасдан тақлифимга рози бўлганингиз учун миннатдорчилик билдираман.

Хуллас, юқорида айтганимдек, сизга ҳаётимдаги бор-йўғи биттагина кун ҳақида сўзлаб бермоқчиман, қолганлари эса, менимча, аҳамиятсиз ва ҳар қандай одам учун умуман зерикарли деб ўйлайман. Қирқ икки ёшим-гача бўлган ҳаётим одатдаги меъёрлардан бир қадам ҳам оғишмаган. Ота-онам Шотландиядаги бадавлат маҳаллий

лордлардан бўлиб, биз катта-катта заводлар ва ижара ерларга эгалик қилиб, маҳаллий одатларга кўра йилнинг асосий қисмини ўзимизнинг ерларимизда оксуяклардек беташвиш ўтказардик, қишда эса Лондонда яшардик. Ўн саккиз ёшга кирганимда бир даврада эрим билан танишдим, у машҳур Р. оиласидан бўлиб, Ҳиндистонда ўн йил ҳарбий хизматда бўлганди. Биз тезда турмуш қурдик ва ўз даврамизга мос тарзда беташвиш ҳаёт кечириб яшай бошладик, уч ой Лондонда яшасак, уч ой ўз ерларимизда, қолган вақтимизни меҳмонхонама-меҳмонхона юриб Италия, Испания ва Францияда ўтказардик. Никоҳимизга гард ҳам юкмаганди, иккита ўғлимиз бўлиб, улар ҳозир аллақачон улғайиб кетишган. Қирк ёшга кирганимда, тўсатдан эрим вафот этди. У ўша тропик ўлкалардан жигар касалини орттириб келганди, мен уни оғир кечган ўша икки ҳафта ичида қўлдан бой бердим. У пайтда катта ўғлим ҳарбий хизматда бўлиб, кичкинаси эса коллежда ўқирди. Шундай қилиб юқори табаканинг даврасига ўрганиб қолган мендек бир аёл энди кечалари бутунлай бўшлиққа ва ёлғизликка маҳкум бўлиб қолдим, бу даҳшатли азоб эди. Ўйдаги ҳар бир нарса менга сеvimли эримнинг вафотини эслатар, ҳамма кетгач бўм-бўш бўлиб қолган ва у ерда ҳатто бир кун ортикча қолишнинг ҳам иложи йўққа ўхшаб кўринарди. Хуллас, шундай қилиб ўғилларим ҳали уйланмаганлиги учун кейинги йилларни саёҳатларда ўтказишга қарор қилдим.

Аслини олганда ўша лаҳзадан бошлаб мен ўз ҳаётимни бутунлай мазмунсиз ва беҳуда деб қарай бошлагандим. Йигирма уч йил давомида ҳар бир лаҳза, ҳар бир ҳаёлни мен билан биргаликда кечирган одам энди вафот этган, болаларимга эса энди менинг керагим йўқдек эди, ўзимдаги қайғулар ва хафахонлик билан уларнинг ёшлигини заҳарлагим келмас, ўзимни ўнглаш учун эса бирор нарса қилишни истамасдим. Бошида мен Парижга кўчиб ўтдим ва зериккан чоғларимда у ердаги дўконлар ва музейларни томоша қилдим, аммо бутун шаҳар ва атрофимдаги нарсалар ҳаммаси менга бегона эди, одамлардан ўзимни олиб қочардим, чунки улар менинг мотам кўйлагимни кўриб, ачиниш билан муомала қилишларини

кўтара олмасдим. Қандай қилиб шунча ойларни ҳеч нарсага эътибор бермасдан ўтказганимни ҳам ва бу орада айтарлик бирор арзигулик ҳол юз берганини ҳам эслолмайман, аммо фақат бир нарсани – тезроқ ўлиб кетишни истардим, аммо сўнгги кунга тезроқ етиш учун на мадорим ва на иродам етарди.

Мотамда юрганимнинг иккинчи йили, яъни ҳаётимнинг қирқ иккинчи йили март ойларига келиб, доимий қочиб юришлар оқибатида мен учун вақтнинг қадри йўқолган ва азобларга кўника бошлаган кунларнинг сўнггида бошим гангиб Монте Карлога бориб қолдим. Ростини айтадиган бўлсам, мен зерикиб кетганимдан, кўнглимдаги изтиробларга малҳам топиш, кўнглимдаги бўшлиқни тўлдириш учун арзимас бўлса-да, бирор нарса топиш ниятида бу ерга келгандим. Кўнглимдаги туйғулар қанчалик сўниб боргани сари, ҳаёт ғилдираги тезроқ айланадиган жойларга кўпроқ боргим келар, ҳақиқатан ҳам кўнгли бўм-бўш бир инсон учун бошқаларнинг изтиробларини ташқаридан туриб кузатиш худди театр ёки мусиқа каби унинг асабларига мадад беради.

Шунинг учун ҳам мен тез-тез казиноларга кириб турардим. Бошқаларнинг юзида қувонч учқунлари яшнаб кетиши, яна бирпасдан сўнг эса ҳафсаласи пир бўлишини томоша қилиш менга завқ бағишлар ва бу нарсалар мени азоблаётган ғам-ғуссаларни қисман бўлса-да, тарқатгандек бўларди. Бунинг устига эрим ҳам муккасидан кетмаган бўлса-да, вақт топиб тез-тез казиноларга киришни хуш кўрарди, мен эса ўзим билмаган ҳолда унга бўлган ҳурматим туфайли унинг одатларига тақлид қилишда давом этардим. Менинг қолган ҳаётимни бир канча йиллар давомида издан чиқариб юборган ва ҳамма ўйинлардан кўра жозибалироқ кечган ўша йигирма тўрт соат ана шу ерда бошланди.

Ўша куни мен қариндошларимиздан бири герцогиня М. билан биргаликда тушлик қилдим, кечки меҳмондорчиликдан сўнг ҳали толиқмаганимни ва тез орада ухлай олмаслигимни англадим. Хуллас, шунчаки казинога кирдим, чунки ўзим ўйнамасдим, шу сабабдан столлар оралаб юриб, тўда-тўда бўлишиб ўйнаётган одамларни

Ўзига хос алоҳида бир усул ёрдамида кузата бошладим. Алоҳида усул деганимки, яъни бир куни раҳматли эримга мен тинмай бир хил ўйинчиларни, уларнинг бир хил башараларини, юришдан олдин узок ўйлаб ўтирадиган афти буришган кампирлар, олғир устаси фаранглар ва карта ўйини ҳаваскорлари, умуман шунга ўхшаш шубҳали давраларни кўраверишдан безор бўлдим, зерикиб кетдим, деб арз қилган чоғимда, у менга бир кузатиш усулини ўргатганди. Ўзингиз биласиз-ку, бемаъни романларда бундай давра аҳлини Европа аристократлари ва fleur d'élégance¹, дея аташиб, жимжимадор қилиб тасвирлашса-да, аслини олганда уларни ҳавас қиладиган даражада романтик деб бўлмайди. Бундан ташқари, йигирма йил олдинги казинода ҳақиқий пул айланар, шиқирлаган сўлкавойлару Наполеон тилло тангалари жаранглар, беш франклик пуллар ўйналар ва у ер ҳозиргидан кўра юз баробар кўпроқ одамларни жалб этарди. Ҳозир эса янги қурилган ва модага кирган ҳашаматли киморхоналарда тутуриксиз туристлар ўз пулларини қоғоз жетонга айлан-тиришиб, эснаганча ўйинга тикадилар. Мен ўша вақтдаёқ бир хил кўринадиган бефарқ башараларни зерикарли деб билардим. Хуллас, ўша пайтларда эрим ўзи хиромантия билан қизиққани учун менга ўзига хос қўл ҳаракатларини кузатиш усулини ўргатган эди. Яъни, бу нарса мутлақо бошқа турдаги томоша бўлиб, аслини олганда одамларни шунчаки кузатишдан кўра қизиқарлироқ, ҳаяжонлироқ ва жозибалироқ эди. Аниқроғи, бунда умуман ҳеч кимнинг юзига қаралмайди, фақат столнинг тўртбурчак юзини ва у ердаги одамларнинг қўлларини, фақат қўлларнинг ўзига хос ҳаракатларини кузатасиз. Билмадим, сиз бирор марта ўйин столининг фақатгина яшил мато копланган юзини кузатганмисиз, йўқми, у ерда, ўртада соққа худди маст одамдай у сондан-бу сонга сакрайди, яшил тўртбурчак ичидаги катаклар худди қалин қилиб дон сепилгандек шиқирлаган қоғоз пуллар, кумуш ва тилло тангалар билан копланади, кейин крупье² уни таёқчаси билан

¹ Нафосат гултожи (франц.).

² Croupier – казинода ўйин бошқарувчи хизматчи (франц.).

бир уринишда хосил йиккандек супуриб олади ёки омади чопган голибга бир қисмини суриб қўяди. Ана шундай тарзда каралса, бу ерда фақатгина қўллар тиним билмай ҳаракат қиладилар. Яшил стол атрофини ҳам қўллар ўраб олишади, жуда кўпдан-кўп қўллар, ок-сарик, чакқон, сергак қўллар, улар барчаси турли енглар орасидан гўё ўз инларидан қарагандай мўралаб пойлаб туришади, ҳар бири ташланишга шай турган йиртқич, ҳар бири алохида рангда ва шаклда, бирлари ғирт яйдоқ, бирларига узукдан юган тақилган, бирларига эса жаранглаган занжирлар осилган, бирлари ёввойи ҳайвондек жунлари хурпайган, бирлари илонбалиқдек шилимшиқ, лекин барчаси чексиз бетокатлик сабаб ўта асабий ва хушёр турадилар. Ҳар сафар бу ер менга беихтиёр отчопарни эслатади, қўллар худди барвақт югуриб кетмасин дея машаққат билан тутиб турилган, қонлари қайнаган айғирлардек типирчилашар, талпинишар, сергакланишарди. Ҳамма нарсани қўллардан, яъни уларнинг қандай кимирлашига, кутиб туришига қараб билиб олса бўлади: тамагирни чанг солишига қараб, бойлигини совурувчи чайқамани пала-партиш қилиқларидан, тадбиркорни хотиржам қўллардан, чорасизни титраган бармоқлардан, пулни чангаллаши чоғида ҳам юзлаб характерлар бир лахзадаёқ ўзларини фош қилишади, кафтлар ғижимланади ёки асабий тугилади, ёки барабан айланаётган чоғда холдан тойиб кафтларига таянадилар. «Одам ўйин чоғида ўзини фош қилиши бор ҳақиқат, лекин мен ўйин чоғида одамнинг ўз қўллари унинг дилидаги ҳамма нарсани янада кўпроқ фош этишини жуда яхши биламан. Шунинг учун ҳам деярли барча қиморбозлар юзидаги ўзгаришларни назорат қилишни тезда ўрганиб олишади, кўйлак ёқалари устидаги башаралар ҳар доим совуққон *impassibilité*¹ билан ниқобланиб юрадилар — улар оғизлари атрофидаги ажинларни таркатадилар, саросималарини қисилган тишлари остига яширадилар, кўзларидаги безовталиқни бекитадилар, юзларидаги асабий ажинларни атайлаб текислашиб, ўзларини хушмуомала ва хотиржам қилиб

¹ Эхтироссизлик (франц.).

кўрсатадилар. Бутун диққати ташки кўринишини эпакага келтириш учун банд бўлган айни чоғда, улар қўлларини ёддан чиқариб қўядилар ва шундай одамлар борлигини, улар фақат қўлларни кузатишини, яъни жилмайиб турган лаблар, ясама нигоҳлар нимани яшираётганини қўллар фош этаётганини ҳамда улар орқали ҳаммасини билиб олишлари мумкинлигини унутишади. Бу қўллар ўз ҳаракатлари билан хатто энг катта сирларни ҳам ҳеч иккиланмай фош этадилар. Чунки шундай бир лахза келадики, ундан қочишнинг иложи бўлмайди, бундай пайтда бор куч ва ирода билан ушлаб турилган, қимирламаётган бармоқлар одобли бўлиб жим турганларини унутадиларда, ҳаммасини ошкор этиб қўядилар, яъни рулетканинг сокқаси қайсидир бир миттигина катакка бориб тушганда ва танланган рақам эълон қилиниши билан, айнан ана шу лахзада юзлаб, балки беш юзлаб қўлларнинг ҳар бири беихтиёр бошқаларига мутлақо ўхшамаган, фақат ўзигагина хос бўлган инстинктив ҳаракат қилади. Эримнинг ишкибозлиги туфайли ана шу қўллар аренасини томоша қилишнинг махсус усулини жуда яхши ўрганиб олгандим. Бу нарсани мен каби ўрганиб олган одам бу ерда ҳар сафар бошқа-бошқа ҳаракатлар, бошқа-бошқа темпераментларни кашф этиш хатто театр ёки мусикадан ҳам жилвакорроқ эканлигини яхши билади. Қўлларнинг неча минглаб турдаги ўйинлари ва нағмалари борлигини тасвирлашга тил ҳам ожизлик қилади, хусусан, кийшайган панжали жун босган йирткичлар, тилло тангаларни чангаллаётган ўргимчаксифат панжалар, пулга тегишга ҳадди сизмайдиган, титраган, рангсиз тирноқли, ўзини ўнглай олмайдиган қўллар, эҳ-хе улар саховатли ва калта, қўпол ва ҳадиксираган, муғамбир ва шу билан бирга журъатсиз, аммо-лекин ҳар бири ҳар турда намоён бўлади, чунки тўрт-бешта казино хизматчилариникини ҳисобга олмаганда, ушбу қўлларнинг ҳар бир жуфтлиги алоҳида яшаш тарзига эгадир. Хизматчиларники эса худди механизмларга ўхшайди, улар асабий титровчи панжалардан фаркли бўлиб, гўё ҳисоб машинасининг пўлат панжалари сингари аниқ ва совуққон ишлайдилар. Лекин мана шу сезгир қўллар ҳам ўзларининг олғир ва эхтиросли би-

родарлари орасида ўзгача бир кўриниш кашф этадилар, айтмоқчиманки, улар тўлкинланиб турган, хаяжонга тўла одамлар тўдаси ўртасида турган махсус униформадаги полициячиларга ўхшайдилар. Бунинг устига, кузата туриб ўзинг ҳам айримларига қизиқиб қоласан, орадан бир неча кун ўтиб айримларининг одатларини, қизиқишларини олдиндан билиб оласан, мен масалан, бир-икки кун ўтгач уларнинг орасидан ўзимга танишларини ажратиб олиб, уларни худди одамлардай ёқадиган ва ёқмайдиганларга бўлиб чиқардим, айримлари шу даражада беҳаё, очкўз ва жирканч эдиларки, мен худди бир уятли нарсадан қочгандай улардан нигоҳимни олиб қочардим. Ҳар бир янги қўл мен учун бир катта воқеа бўлиб, уни қизиқиб кузатардим, қўп ҳолларда мен, ҳатто, унинг эгасининг юзига қарашни ҳам унутиб қўярдим, қараганимда ҳам оқ ёқа билан бўғиб қўйилган, смокинг, қўйлак ёки жимжамдор нимча тепасида қимирламайдиган қилиб қўндириб қўйилган расмий ниқобни кўрардим.

Ўша куни кечкурун залга кириб келганимда иккита стол одам билан тўла эди, мен уларнинг ёнидан ўтиб, учинчи столга яқинлашдим ва бир неча тилла танга олиб эндигина тайёрланаётган ҳам эдимки, ғалати бир шовкин эшитдим. Даврага ўлик сукунат чўккан, одатда бундай саросимали жимлик соққа икки рақамдан бирига тушай деб турган чоғда юз беради, ана шундай жимлик ичидан кутилмаганда шундоқкина рўпарамдан, қасиркусур этган ғалати овоз келар, гўё кимдир суякларни синдираётганга ўхшарди. Беихтиёр рўпарамга қарадим. Қаршимдагини кўриб, ростини айтсам кўрқиб кетдим, кўз ўнгимда иккита қўл турарди, мен уларни илгари ҳечам кўрмагандим, битта ўнг қўл ва битта чап қўл, иккаласи ҳам талашаётган итлардек бир-бирига чирмашиб олган ва шундай куч билан бир-бирини тортқилар, ғижимлар, эзғилардики, бундан бармоқларнинг бўғинлари қисирлаб кетарди, гўё тош қотган ёнғоқнинг синишига ўхшаш қуруқ қисирлаган овоз чиқарди. Бу қўллар ўта ноёб, гўзал қўллар эди, ғайриоддий узун ва ўзгача нафис бўлиб, мускуллар билан ўралган, оппок, тирноқларининг учи ёйсимон, рангпар садаф куракчани

эслатарди. Уларни мен бутун кеча давомида кузатдим, ха, махлиё бўлиб қолдим, улар ўта ғайриоддий ва ўзига хос ягона қўллар эди, аммо улардаги эхтирос, саросимали ифодалар, бир-бирини ғижимлаб чангаллашлари ва ҳадиксираб ажралишлар борган сари мени кўркувга сола бошлади. Бу ерда хис-туйғулар билан тўлиб-тошган одам турганини, у ўзидаги эхтирослардан ёниб кетмаслик учун уларнинг ҳаммасини бармоқлари учига жамлаб олганини дарҳол англадим. Мана ҳозир, мана шу лаҳзада, сокқа қуруқкина тақирлаган овоз билан бориб катакчага тушганда, крупье рақамни эълон қилган чоғда... ана шу лаҳзада ҳар иккала қўл кутилмаганда бир-биридан ажралди-ю, худди бир ўқ билан отилган икки жонзотдек шилқ этиб йиқилди. Улар ҳолдан тойиб эмас, балки худди ҳалок бўлган каби йиқилишди, йиқилаётиб уларда шундай бир ҳолсизлик, умидсизлик, бир лаҳзада тамом бўлганлик ифодаси бор эдики, мен буни сўз билан тасвирлаб бера олмайман. Мен ҳали шу пайтгача ва ундан кейин ҳам, ҳеч қачон бунчалар ифодали сўзлайдиган қўлларни учратмадим, улардаги ҳар бир мушак сўзлар, ҳар бир хужайрадан эхтирослар отилиб турарди. Бир лаҳза ичида иккаласи ҳам яшил стол устида тўлқинлар қирғоққа улоқтириб ташлаган медузалардек яқсон ва бежон бўлиб қолишди. Сўнг улардан бири, яъни ўнг қўл аста-секин минг бир машаққат билан бармоқлари учидан бошлаб қайта жонлана бошлади, у титрар, сесканар, ғимирлар, чайқалар, айланарди ва тўсатдан бош бармоқ билан кўрсаткич бармоқ ўртасида тутиб турилган жетонни гўё митти ғилдиракдек саросима ичида айлантира бошлашди. Сўнг кутилмаганда у ёнига тисарилди, худди коплондек тўлғониб олға сакради ва юз франкли жетонни қора майдонча ўртасига ташлади ва шу заҳотиёқ, гўё бир хавфни сезгандек безовталиқ билан тинчгина уйқусираб турган чап қўлнинг бикинига тикилди, у қаддини ростлаб, суйкаланганча, жетон отилганда сесканиб тушган биродарининг пинжига суқилди, энди иккаласи ҳам қалтираганча бир-бирига тирмашиб ётишар, гўё аёзда қолган ит тишларини тақирлатгандек улар бармоқларини жимгина тақиллатганча стол че-

тида пойлашарди. Ёўқ, мен ҳали ҳеч қачон бунчалар дахшатли ифодалар билан сўзловчи, довдираган, саросимали ва асабийлашган қўлларни кўрмаганман. Энди мен учун ушбу гумбазли кошонадаги барча бошқа нарсалар, заллардаги шивир-шивирлар, крупьеларнинг бозорчиларникига ўхшаш бакир-чакирлари, одамларнинг наридан бериға юришлари ва айни лахзаларда доира бўйлаб чирпирак бўлиб айланганча юқоридан пастға туша бошлаган ва ёғоч катакчалар узра сакраётган сокканинг ўзи ҳам, — шу ердаги барча асаб толаларини таранглаштирувчи ғала-ғовурлару ялтир-юлтирлар, ҳамма-хаммаси тўсатдан ғойиб бўлди ва бор диққатим билан ушбу титраётган, хўрсинаётган, бўғилаётган, умидвор кутаётган, дийдираётган, дириллаётган, бошқалар орасида ҳаммадан кўра зор қақшаётган бир жуфт қўлга термулиб қолдим, улар гўё мени жодулаб қўйгандек эди.

Охир-оқибат ўзимни узок тутиб тура олмадим, чунки мен энди шу одамни, мана шу тилсимли қўллар эгасининг юзини кўришим зарур эди. Ҳадиксираганча, ҳа, дарҳақиқат ҳадиксираганча, — чунки мен бу қўллардан кўркаётгандим, — нигоҳимни билаклар оша озғин елкаларгача кўтардим. Кўрқувдан яна этим жунжикиб кетди, чунки бу чехра ҳам айнан қўллар каби довдираган ва бемаъни тилда сўзлаётганди. У қайғули азоблардан сўзлар, шу билан бирга унда қиз боланикидан қолишмайдиган ёрқин бир чирой акс этиб турарди. Бунчалар саросимага тушган, мутлақо хароб юзни ҳеч қачон кўрмагандим. Мен учун шундай бир имкон пайдо бўлгандики, мен гўё бир никобни, бир хайкални мирикиб томоша қилардим. Изтиробга тўла нигоҳлар бир лаҳза бўлсаям на чапга, на ўнга қарар, каттақон қовоқлар остидаги шиша шарни эслатувчи тош қотган қорачиқлар рулетка бўйлаб чирпирак айланаётган соккани ютиб юборгудек термулиб турарди. Ҳеч қачон, айтаяпман-ку, ҳеч қачон бунчалар асабий ва жозибали чехрани кўрмагандим. Бу чехра ёш, тахминан йигирма тўрт ёшлардаги йигитга тегишли бўлиб, озғин, тиник, бироз узунчок ва ифодали эди. У ҳам қўлларга ўхшаб эркакча эмас, балки қизиқиш билан ўйнаётган болакайнинг юзини эслатарди. Аммо мен бу

нарсаларни биров кейинрок англадим, айни чоғда эса бу юз бутунлай бошқа ахволда бўлиб, унда телбалик ва кучли иштиёқ акс этарди. Хушбичим оғиз чанқок босгандек биров очилган, тишларнинг ярми кўриниб турар, лаблар шу тарзда қотиб қолгани учун нақ ўн кадамдан туриб уларнинг иситмадаги одамникидек бир-бирига урилаётганини кўриш мумкин эди. Терлаган пешонасига бир тутам малла соч ёпишиб қолган, бурун катакларининг атрофи худди териси остида кичик бир тўлкин мавж ураётгандек тинмай қалқиб турарди. Бутунлай эгилган боши борган сари олдинга эгилиб борар, гўё у айланаётган соққага қўшилиб кетадиганга ўхшаб туюларди, шундагина унинг қўллари нима сабабдан бунчалар маҳкам тутиб турганини тушундим, чунки фақат шу тариқа у мувозанатини йўкотаётган гавдасини ушлаб турганди. Яна айтаманки, ҳеч қачон эҳтиросларини бунчалар фош этувчи, ҳайвондек уялмасдан барчасини ошкора ифода этувчи башарани кўрмаганман. Изтироблар, эҳтирослар, айланаётган соққанинг сакраши ва ўйнашига боғланиб қолган нигоҳлар, бу башара ... мени гўё сеҳрлаб қўйгандек эди. Шу лаҳзадан бошлаб мен залдаги бошқа ҳеч нарсани сезмасдим, аланга ичида ёнаётган мана шу башара олдида қолган барча нарса мен учун хира, бўғиқ, қоронғу ва жонсиз эди. Барча одамлар ичида фақат ана шу йигитни, унинг барча ҳаракатларини, нигоҳларининг пирпираган чирокдек ялтирашини, хизматчи узатган йигирма тилло тангага ташланаётган маҳкам қисилган қўллари ва бармоқларининг титраб зор қақшаётганини тахминан бир соатча кузатиб турдим. Қўли пулга тегиши биланок, шу лаҳзадан бошлаб тўсатдан унинг юзи ёришиб, ёшариб кетди, ажинлар тарқалиб, кўзлар яшнаиб бошлади, букилиб қолган гавда ростланиб, худди пойгада ғолиб чиққан чавандоз мисол салобат билан ўтирди, бармоқлар иштиёқ ва иштаҳа билан сеvimли тангаларини чертиб ўйнар, бир-бирига уриб шиқирлатар, эркин силкитар ва жаранглатарди. Сўнг у яна безовталиқ билан бошини кўтарди, худди ёшгина този ит ўлжанинг ҳидини олаётганга ўхшаб тумшугини олдинга чўзди ва яшил столни бир бошидан

айланиб кузатиб чиқди, кутилмаган қалтис ҳаракат билан бир сиким тилло танганинг ҳаммасини тўртбурчак катаклардан бирига қараб сурди. Ва шу заҳотиёқ яна ўша ўлжа пойлагандай кутиш ва ўша асабий саросима бошланди. Яна лаблар титраганча электр тўлқинларини сачрата бошлади, қўллар яна қалтираганча бир-бирига тирмашишди, ёш боланинг чехраси очқўзлик билан қутаётган башара соясида ғойиб бўлди, титратувчи саросимага энди умидсизлик ҳам қўшилди. Ҳозиргина ёш боланикидек яшнаган чехра, энди сўлғин бўлиб шалвираб, қариб қолди, кўзлар маъносини йўқотиб, ялтирок шишага айланишди ва буларнинг барчаси бор-йўғи бир лаҳза ичида, соққанинг ютуксиз катакка тушиши биланок юз берди. У тамом бўлди, худди ҳеч нарсани тушунмагандек гангиб қолиб, бир неча сония телбаларча бақрайиб туриб қолди, аммо крупье натижани эълон қилар-қилмас бармоқлар бирданига яна бир-иккита тилло тангани чангаллаб турарди. Лекин энди хотиржамлик ғойиб бўлганди, дастлаб у тангаларни битта катакка қўйди, кейин яна ўйлаб туриб иккинчисига ўтказди ва соққа доирага тушиши билан яна қандайдир хаёлга борди шекилли, шоша-пиша яна бир жуфт рижимланган пулларни ўша катакка улоқтирди.

Ушбу ютишлару ва бой беришлардан иборат тўхтовсиз алғов-далғов ҳаракатлар тахминан бир соатча давом этди ва ана шу соат давомида ўзимнинг маҳлиё бўлиб қолган нигоҳимни бир нафас ҳам мана шу тез ўзгарувчан юздан узолганим йўқ. Унинг юзидан барча эҳтирослар худди тошқин дарёдек кўпириб қуйиларди. Бўртиб чиққан мускуллар билан ўралган жозибали қўллар эса гўё инсон ҳиссиётларига атаб моҳирлик билан ишланган бир ҳайкал эди. Инсон эҳтиросларини нур ва соядек бунчалар тез алмаштира оладиган, ҳиссиётларни, барча кечинмаларни бунчалар аниқ ифода эта олувчи чехрани, ҳатто, театрдаги актёрларда ҳам учратмагандим. Бошқаларнинг ишқибозлигини ҳам ҳали ҳеч қачон шунчалар берилиб кузатмагандим. Агар ўша пайт кимдир мени кузатиб турганда эди, тошдек қотиб унга термулиб туришимни гипнозга йўйиши тайин эди, чунки менинг аҳволим ва

ўзимни тутишим ҳам шунга ўхшаб кетарди. Мен эса бор-йўғи ушбу мимикалар ўйинидан кўзимни узолмасдим, холос. Хонадаги барча бошқа нарсалар, чироклар, ках-кахалар, одамлар, нигоҳлар ҳаммаси мен учун шаклини йўқотган, коришиб кетган, гирдобдек айланганди. Мен фақат ўртада сап-сарик алангани ва унинг марказида эса ўша башарани, яъни аланга ичидаги алангани кўриб турардим. Гуё сезгиларим ҳаммаси йўқолиб қолгандек, ҳеч нарсани эшитмас, ҳеч нарсани сезмас, ёнимда туртиниб юрган одамларнинг ҳеч бирини, бошқа қўлларнинг пул ташлаётганини ёки йиғиштириб олаётганини, ҳеч бирини пайқамасдим. Ҳатто казинонинг соққасига ҳам қарамас, хизматчининг овозини ҳам эшитмас, нималар бўлаётганини фақат мана шу қўлларда худди кўзгуда кузатаётгандек маҳлиё бўлиб, барчасини унутиб, туш кўраётгандек мастона эдим. Чунки соққанинг қизил ёки қора катакка тушганини, айланаётгани ёки тўхтаганини билиш учун мен айланага қарашим шарт эмасди, барча жараён — ютуқ ва ютқизиш, кутиш ва ҳафсала пир бўлиши, ҳаммаси асаблар ва мимикалар орқали алангага айланиб, эҳтирослар билан тўлиб-тошган ўша башарада акс этаётганди.

Аммо, бироз ўтгач дахшатли бир ҳолат юз берди — бир ҳолатки, мен ундан шунча вақтдан буён юрагимни ҳовучлаганча кўрқиб тургандим, бу ҳол гуё тепада қора булут бўлиб осилиб турганди ва ниҳоят, кутилмаганда у момақалдирокқа айланди. Ана, соққа яна майда-майда сакраб ўз айланишини тўхтатди, яна хизматчининг овозига интизор бўлиб юзлаб одам нафасини ичига ютди, бу сафар у — ноль деб эълон қилди ва унинг тайёр турган таёқчаси бирданига атрофдаги барча жаранглаган тангалар ва шиқирлаган пулларни супуриб олди. Худди шу лаҳзада ушбу бир-бирига чирмашган иккала қўл жуда кўрқинчли бир ҳаракат қилди, улар йўқ нарсани илиб олмоқчидек бирданига сакрашди ва гуё оғир бир юк босгандек мадорсиз, ўқ теккандек пастга, стол устига йиқилишди. Кейин улар кутилмаганда яна жонланишди, титраганча столдан ажралишди ва йигитнинг қоматига тирмашишди, сўнг худди ёввойи мушук

сингари гавданинг паст ва баланд қисмига, ўнгига ва сўлига ўрмалай бошлашди, улар бирор жойда унутилиб қолиб кетган пул бормикин, дея асабийлик билан барча чўнтакларни пайпаслаб чиқишди. Аммо, ҳар сафар улар бўм-бўш қайтишар, яна қайтадан ушбу бесамар ва бе-маъни кидиришни давом эттиришар, бу орада рулетка яна айланишга тушди, бошқаларнинг ўйини яна давом этар, тангалар жаранглашар, креслолар ғичирлар, юз-лаб хилдаги пичирлаган овозлар қоришиб кетиб зални тўлдирганди. Мен даҳшатга тушиб, титрай бошладим, чунки шунчалар берилиб кетгандимки, унинг қўллари саросима ичида бирорта пул кидириб чўнтакларни ва кийимларнинг катини кидирганда, саросимага тушганда, худди бу қўллар менинг ўз қўлларимдек туюлиб кетарди. Тўсатдан унинг шундоққина қаршимда турганига кўзим тушди, у худди мазаси қочган одамга ўхшаб ўрнидан кўтарилди. У қаддини ростлаганда эса орқасида стулнинг тарақлаб йиқилгани эшитилди. Аммо, у бунни пайкамади ҳам, ҳадиксираб унга йўл беришган кўшниларига эъти-бор бермади ва судралганча столдан узоқлашди.

Уни кўрдиму вужудим музлаб кетди. Чунки бу одам қаёққа кетаётганини шу заҳотиёк тушунгандим — у ўз ажали томон кетарди. Кимки шундай ўрнидан турдим, у ҳеч қачон меҳмонхонага, майхонага, бирорта аёлнинг олдига ёки кичик бир кафега бормайди, яъни умуман одатдаги ҳаётга қайтмайди, балки ўзини тўғридан-тўғри жарга ташлайди. Умуман бунақа дўзахларда бети қотиб кетганлар бу одамнинг на уйда, на банкда, на қариндошларида пули қолганини аллақачон тушун-ган бўлсалар керак, ҳозиргина у сўнгги пулини, бутун ҳаётини тикканини, энди у бошқа томонга, тўғрироғи, ҳаётдан воз кечиб кетаётганини кўриб туришгандир. Мен шунча вақтдан буён ана шу нарсадан кўркиб тургандим, чунки уни биринчи кўришимдаёқ, бу ерда бир жоду борлигини ҳис қилувдим, бу ўйинда ютиш ва ютқазишдан-да каттароқ нарса тикилганини сезган-дим, унинг кўзларидан тирикликнинг учкунлари сўниб бораётганини ва ҳозиргина яшнаб турган юзини ажал чангали оҳиста силаб ўтганини кўргач, кўнглимни зул-

мат коплаб олди. Бу одамнинг қай ахволда ўз жойини ташлаб чиқаётганини, гандираклаб кетганини кўриб, хуллас, унинг ҳаракатларига берилиб кетиб, беихтиёр эгим жунжикиб кетди ва ўзимни ўзим чангаллаб олдим, чунки олдинроқ унинг эхтирослари томирларимга ва асабларимга ўтиб кетгани каби, энди бу каловланиш унинг қиликларидан ўтиб менинг вужудимга ҳам кириб бўлганди. Аммо, энди у мени олға судрарди, мен буни истамасам ҳам, энди оёқларим унга эргашарди. Бу нарсa бутунлай мен тушунмаган ҳолда, беихтиёр юз берди, бу нарсаларни мен қилмаётгандим, мен билан нимадир содир бўлганди, чунки мен ҳеч кимга эътибор ҳам бермасдан, ўзим ҳам билмаган ҳолда унинг ортидан йўлакка ва у ердан чиқиш залига чопдим.

У гардероб олдида турар, хизматчи унга пальтосини узатаётганди. Аммо қўллари унга бўйсунмас, шунда хизматчи худди бир ожиз одамга карашгандек, эҳтиёткорлик билан унга енгини кийишга ёрдам берди. У чойчақа бераман деб беихтиёр жакетининг чўнтагига қўл узатганини ва бармоқлар бўм-бўш қайтиб чиққанини кўрдим. Шунда у тўсатдан ҳаммасини эслади шекилли, бироз каловланиб, хизматчига нимадир деди ва худди уни кимдир итариб юборгандай гандираклаб илгари кетди, у гўё маст одамдек казино зиналаридан тушиб кетаётганда, хизматчи унинг ортидан аввалига бироз ёмон кўриб, сўнг киноя аралаш бирпас кузатиб турди.

Унинг ҳозирги ҳаракатлари шунчалар таъсирли эдики, мен ҳатто уни кузатиб турганимдан ўзим ҳам уялиб кетдим. Худди театрда бировнинг изтиробини томоша қилаётгандай ийманиб, беихтиёр ўзимни четга олдим, аммо, шу заҳотиёқ мени яна ўша ғайришуурий кўрқув олға етаклади. Тезлик билан гардеробдан нарсаларимни олдим-у, аниқроқ ўйлаб ҳам кўрмасдан, беихтиёр, мутлақо ўзим билмаган ҳолда ушбу бегона одамнинг ортидан ўзимни зулматга урдим.

К. хоним бир неча дақиқага ҳикоясини тўхтатди. У қаршимдаги креслода қимирламай ўтирар ва ўзига хос хотиржамлик ҳамда холисона оҳангда тўхтамасдан

хикоя қиларди, унинг гаплари худди олдиндан тайёрлаб қўйилган, воқеалар ҳам синчковлик билан тартибга солинган хикояни эслатарди. Мана у ҳозир биринчи марта ўз хикоясини тўхтатиб, бироз тараддудланди-да, деди:

— Мен сизга ҳам, ўзимга ҳам ваъда бергандим, — деди у бироз безовталаниб, — яъни ҳаммасини батафсил ва рўй-рост айтиб бераман дегандим. Аммо, менинг бу ростгўйлигимга тўлиқ ишонишингизни илтимос қиламан, ҳозир айтганларимдан ўшанда қандайдир яширин нияти бўлган, деб ўйламаслигингизни истардим, балки бу нарсалар ҳозир, шу кунларимда юз берганда эди, бундан уялмаган бўлармидим, аммо ўша чоғда бирорта нопок ният ҳаёлимга ҳам келмаганди. Яъни, таъкидламоқчиманки, ўша адоий тамом бўлган бир киморбознинг ортидан кўчага югуриб чиққан чоғимда, калламда бу йигитни ёктириб қолиш деган ҳаёл умуман бўлмаган, — ва умуман, у ҳақда мен бир эркак сифатида ҳам ўйламаганман, гарчи ўша пайтда мен эндигина қирқдан ошган ва турмуш ўртоғимнинг вафотидан сўнг бирорта эркакка қиё ҳам бокмаган эдим. Бу нарсадан мен бутунлай воз кечгандим. Мен сизга буни алоҳида таъкидлаяпман, буни айтишим шарт, йўкса сиз бундан кейин бўладиган воқеаларнинг бутун даҳшатини англай олмайсиз. Бундан ташқари, ўша чоғда ана шу бахти қаронинг ортидан телбаларча етаклаб борган туйғуни нима деб аташнинг ўзи ҳам ўта мушкул. Бу туйғуда менимча, қизиқиш деган нарса бор эди, авваламбор даҳшатли бир кўрқув, тўғрироғи, қандайдир даҳшатли нарсадан кўркиш бор эди. Йигитни гўё кўз илғамас туман ўраб олгандай турганини дастлабки сонияларданок ҳис қилиб бўлгандим. Лекин бундай туйғуни бўлақларга бўлиш, тартибга солиш мумкин эмас, чунки авваламбор у сени жуда тез, кутилмаганда ва ўта маҳкам чулғаб олади, менимча, ўшанда кўнглимда гўё бир ёш боланинг кўчада келаётган машина тагига кириб кетаётганини кўриб қолдим-у, уни қутқариб қолиш, унга ёрдам кўрсатиш учун ўзини отган одамда кечадиган бир ҳис, бир туйғу бўлган. Ёки бўлмаса, ўзлари сузишни билмайди-ю, лекин чўқаётган одамни кўриши биланок, ўзини сувга ташлаётган одам-

ларнинг ҳолатини тушунтириб бўлармиди? Уларни қандайдир бир сирли куч тортиб кетади, ҳушларини ўнглаб олишга ҳам, қилаётган ишлари бемаънилигини ўйлаб кўришга ҳам вақти бўлмайди ва ўзларини сувга отишади. Худди шу тариқа ўшанда мен ҳам яхшироқ ўйлаб кўрмасдан, ғайриихтиёрий ҳолатда ўша бахти қаронинг ортидан аввалига ўйин залидан чиқиш эшигига, у ердан эса ташқаридаги айвонга чикдим.

Ишончим комил, сизми ёки бошқа бирорта ақли расо одам бўладими, бундай ғайриоддий аҳволни шунчаки ўтказиб юбормаган бўларди, чунки ёшгина йигит, нари борса йигирма тўрт ёшлардаги бир йигит худди қари чолдек ёки тўйиб ичган мастдек чайқалганча бир амаллаб судралиб, бутун аъзолари шалвираганча зинадан тушиб, йўл ёқасида судралиб кетаётганини кўрган ҳар қандай ақлли одам бунга қизиққан бўларди. Ўша ерда у худди бир бўшаган қопга ўхшаб йўл ёқасидаги ўриндиққа йиқилди. Унинг бундай ҳаракатини кўриб мени янаям ваҳима босди ва ҳаёлимдан бу одам бутунлай тамом бўлди деган фикр ўтди. Фақат ўлган одамгина ёки бирорта тирик томири қолмаган одамгина шундай йиқилади. Унинг боши оғиб ўриндиқ суянчиғининг орқасига осилиб тушган, қўллари шалвираб чўзилиб ётар, агар чирокларнинг хира ёғдусида буни бирорта йўловчи кўриб қолса, уни ўзини ўзи отиб қўйган бўлса керак деб ўйлаган бўларди. Хуллас, бундай тасаввур ҳаёлимга қаёқдан келганини тушунтириб беролмайман, аммо кутилмаганда кўз ўнгимда у шу алфозда турарди, шундай ёнгинамда, бутун борлиғи билан, этни жунжиктирувчи ва даҳшатли ҳақиқат эди бу. Ҳа, уни бир лаҳзага шундай, ўзини отиб ўлдирган ҳолда тасаввур қилдим ва кўнглимда нимагадир шу нарсага амин бўлдимки, агар у ёнида тўппонча олиб юрган бўлса, эртага мана шу ўриндиқдами ёки бошқа бирининг устидами уни жонсиз ҳолда, қонига беланган ҳолда топишлари муқаррар эди. Чунки у шунчалар тубанликка тушгандики, буни бир тошнинг уммон тубига тушиб кетиши билан қиёслаш мумкин эди, яъни тош токи сувнинг энг тубига етиб бормагунча тўхтамайди-ку. Ҳалигача мен ҳеч қачон бирорта

инсон жисми, аъзолари мадорсизлик ва чорасизликни шунчалар ёрқин ифода этганини кўрмагандим.

Хуллас, менинг ўша аҳволимни бир ўйлаб кўринг-а, мен ўриндик устида кимир этмай ётган, адойи тамом бўлган одамдан йигирма ёки ўттиз қадам нарида нима қиларимни билмасдан иккиланиб турардим, бир томондан кўнглим унга ёрдам беришимга даъват этар, бошқа томондан эса менга сингдирилган ва мерос бўлиб ўтган ийманиш ҳисси кўчадаги бегона бир эркакка мурожаат қилишимга йўл бермасди. Газ чироклари булутли осмон остида хира милтираганча нур сочишар, атрофда одамлар деярли кўринмас, чунки вақт ярим тунга яқинлашиб қолган, мен эса ўзини ўлдиришга аҳд қилган бир вужуднинг шундай ёнгинасида ёлғиз ўзим турардим. Унга яқинлашишдан олдин беш-ўн марта ўзимни қўлга олиб, ўйлаб кўрдим, мени қандайдир бир уялиш ҳисси ёки бошқа бир хаёл, яъни йиқилаётган одам унга ёрдам бераётган одамни ҳам ўзи билан тортиб кетади, деган ички бир инстинкт орқага ундарди. Ўзимни шу каби ҳадиксираш ва иккиланишлар оралиғида шунақа бир бемаъни ва кулгули аҳволда эканлигимни сезиб турардим. Шундай бўлса-да на унга гапиришга, на қўл силтаб кетишга, на бирор нарса қилишга, на ундан воз кечишга қурбим етарди. Тахминан бир соатча, туганмас бўлиб туюлган ўша бир соат давомида мен туйғуларнинг кўринмас уммонидаги минглаб, юз минглаб митти тўлқинлари узра овора бўлиб вақт ўтказдим десам, сиз буни тушунарсиз деган умиддаман. Ўша хиёбондаги мутлақ тамом бўлган бир инсоннинг кўриниши мени ана шундай тўлқинлантириб, гангитиб қўйганди.

Бироқ, бир оғиз сўз айтишга ҳам, бирор нарса қилишга ҳам ўзимда куч тополмасдим ва шу тариқа яна ярим кечада ниманидир кутиб тураверишим ёки мабодо ақлим жойига тушадиган бўлса, уйга кетишим мумкин эди, чиндан ҳам, мадорим қуриб, бу юкни шу холида ташлаб кетишга қарор қилган бўлардим, аммо шу пайт менинг бу қатъиятсизлигимга табиатнинг қудрати аралашди. Тўғрироғи, ёмғир ёға бошлади. Шамол бутун кеч давомида денгиз томондан қалин булутларни тўплаб

хайдаб келганди, булутларнинг тобора куюклашиб бо-
ришини хатто ўпканг ҳам, юрагинг ҳам сезиб турар,
намхуш шамол торткилай-торткилай оғирлаштирган
само кокилларида қутилмаганда майда маржонлар си-
зиб чиқиб сочила бошлади, бироз ўтгач сийпалаб турган
ёмғир жалага айланди. Беихтиёр ўзимни бир киосканинг
айвончасига урдим, гарчи мен соябонимни очиб олган
бўлсам-да, сакраб тушаётган калин томчилар шамол-
да сакраб кийимларимни ҳўл қилаётганди. Юзимда ва
қўлларимда ерга урилиб сачраётган томчилардан ҳосил
бўлаётган совуқ шабада эпкинени сездим.

Аммо бу ўта даҳшатли манзара эди, чунки мени
ҳозиргача, яъни йигирма йилдан буён оромимни
ўғирлаб, бўғзимдан бўғиб келаётган ўша касофат
кузғуни ана шу шаррос қуяётган жалада ҳам ўриндикда
миқ этмай ўтирар, хатто кимирламасди ҳам. Барча тар-
новлардан кулдираб, шариллаб сув қуйилар, шаҳар
кўчаларида фойтунларнинг тарақ-туруғи эшитилар, ён
атрофда пальтоларини бошига ёпиниб олган одамлар
югуриб қолишар, тирик жон борки, барчаси кўркувдан
бошини буккан, югурган, бошпана қидирган, одамлару
хайвонлар, ҳаммада келаётган офатдан кўрқиш бор эди,
бирок, биргина мана бу кулча бўлиб олиб, ўша ерда,
ўриндик устида ўтириб колган одамгина кимирламас,
хатто бирорта белги ҳам бермасди. Аввал ҳам сизга
айтганимдек, бу одамга ичидаги барча кечинмалари-
ни ҳаракатлари ва қилиқлари билан ифода қила олиш
сири ато этилганди. Аммо ҳеч нарсаси, ер юзида ҳеч нарсаси
умидсизликни, ўзидан буткул воз кечишни, тарки
дунё қилишни мана шундай кимирламасдан, миқ этмас-
дан, ҳеч нарсани сезмаётгандек ўтиришчалик таъсирли
ифода этолмас керак, мана шу шариллаб қуяётган жа-
лада ўзини тиклашга, бирорта панага бориш учун бир
неча қадам ташлашга шунчалар мадорсизлик қилиш —
бу ўзига бўлган энг даҳшатли лоқайдлик эди. Ҳеч бир
мусаввир, ҳеч бир шоир, на Микеланжело, на Данте
чорасиз тушқунликнинг ифодасини ва дунёнинг ожиз-
лигини мана шу арзимас бир ҳаракат қилишга мадори

етмаётган, ночор тирик мурдачалик тасвирлаб беролмаган бўларди.

Мени айнан ана шу ҳолат олға ундади, бошқа ҳеч нарса кўлимдан келмасди. Бир уринишда ёмғирнинг муздек шамширини кесиб ўтдим ва ўриндикда кулча бўлиб, шалаббоси чикиб ётган одамни турткилай бошладим.

— Юринг, кетдик! — Унинг билагидан тутдим. Кўзларида нимадир бир нарса аранг белги берди. Қандайдир бир ҳаракат қилгандай бўлди-ю, аммо ҳеч нарсани англамади. — Юринг, кетдик! — дедим яна жаҳл билан унинг ҳул бўлиб кетган енгидан тортиб.

Шундан сўнг у истамасдан, чайқалганча оҳиста ўрнидан қўзғалди.

— Нима хоҳлайсиз? — сўради у, бу саволга менда ҳали жавоб йўқ эди, чунки у билан бирга қаерга боришимни ҳам билмасдим. Фақат бу ердан, бу жаладан, ажал чангалидан, тушкунлик домидан тезроқ қочиш кетиш керак. Мен ушбу мутлақо хоҳиши йўқ одамнинг билагидан маҳкам тутиб олдим ва уни кўйиб юбориш ўрнига яқингинадаги киоскагача судраб борардим. У ерда кичкинагина айвонча бўлиб, ҳеч бўлмаганда уни жаладан ва шамолдан асрашнинг иложи бор эди. У ёғини эса ўзим ҳам билмасдим, бу ҳақда ўйлашни ҳам истамасдим. Хаёлим фақат бу одамни бирорта қуруқ жойга, бирорта усти ёпиқ жойга олиш эди, ундан кейин нима қилишимни ҳали ўйлаб ҳам кўрмагандим.

Хуллас, шу тариқа иккаламиз торгина бир қуруқ жойда турардик, ортимизда савдо дўкончасининг девори, тепамизда эса энсизгина айвонча, тиним билмай ёғаётган жала эса унинг тагига ҳам етиб келар, бунинг устига тўсатдан туриб қоладиган шамол ёмғир томчиларини биз томонга ҳайдар, муздай томчилар кийимларимизга, юзларимизга уриларди. Вазият борган сари оғирлашиб кетаётганди. Бунинг устига шалаббоси чиққан бир бегона одамнинг ёнида мен узоқ вақт туриб қололмас ҳам эдим. Бошқа томондан эса, мен унга бир оғиз ҳам сўз айтмасдан бу ерга судраб келдимми, уни шундайлигича қолдириб ҳам кетолмасдим. Нимадир юз бериши лозим эди, ҳар ҳолда мен ўзимни аниқ ва тиниқ фикрлашга ун-

дай бошладим. Энг яхшиси уни бирорта фойтунда уйига олиб бориб ташлашим керак, кейин ўзим уйга кетаман. Эртага эса у ўзига-ўзи ёрдам бера олиши мумкин. Шуниятда мен ёнимда кимир этмай бўронли тунга термулиб турган одамдан сўрадим:

– Каерда турасиз?

– Менинг уйим йўқ ... кечкурун эндигина Ниццадан келгандим ... меникига бориб бўлмайди.

Охирги гапини мен бирданига тушунмадим. Бироздан сўнг англадимки, бу одам мени ... мени енгилтак аёллардан бири деб ўйлабди, бу ерда, казино атрофида кечалари уралашиб юрадиган, ўйинда ютганлардан ёки маст-аластлардан яна бироз пул ундириш ниятида санғиб юрадиган жувонлардан бири деб ўйлабди. Колаверса, бошқа нима ҳам деб ўйлаши мумкин, чунки мана hozir, ҳаммасини сизга айтиб бераяпман-у, ўшандаги ахволимни қанчалар аҳмоқона ва мантиққа зид эканлигини энди ҳис қилаяпман, тўғри-да, мен уни ўриндикдан юлқиб олиб, ўзим билан судраб кетган бўлсам, ахир ҳеч бир рисоладаги хоним чиндан ҳам бундай қилмайди-ку. Бу шубҳали тушунмовчилик, яъни мен ҳақимда ёмон хаёлга бориши ҳақидаги фикр бироз кечроқ, йўқ, анча кеч калламга келди. Бўлмаса кейинги сўзларни, яъни ушбу англашилмовчиликни янаям кучайтирувчи гапларни ҳеч қачон айтмаган бўлардим. Тўғрироғи, мана бундай дедим:

– Унда меҳмонхонадан бирорта хона олса бўлади. Сиз бу ерда қолмаслигингиз керак. Бирор жойдан бошпана топишингиз зарур.

Аммо, шундан кейингина, бирданига у мени нотўғри тушунаётганини англадим, чунки у менга бурилиб ҳам қарамади ва ғалати бир пичинг аралаш оҳангда деди:

– Йўқ, менга хона керак эмас, менга умуман ҳеч нарса керак эмас. Бекорга овора бўлма, менда ундирадиган нарсанинг ўзи йўқ. Сен бошқа одамга мурожаат қилдинг, менда пул йўқ.

Бу гап ҳам шунчалар аянчли тарзда, кишини тўлқинлантириб юборадиган бефарқлик билан айтилдики, унинг ёнимда туриши, ивиб, ҳўл бўлиб кетган, ичидан адойи тамом бўлган бир одамнинг шалвираб

деворга суяниб туриши мени таъсирлантириб юборди, арзимас хафагарчилик учун эса менда вақт йўқ эди. Аввал бошданок, яъни уни казинодан гандираклаб чиқиб кетганини кўрганимдаёқ ва мана бу ерда ўтган туганмас бир соат давомида ҳам фақат бир нарсани ўйлардим: бу ерда бир одам, ёш, соғлом, тетик бир йигит ўз ажали олдида турибди ва мен уни қутқаришим зарур. Мен унга яқинроқ бордим.

— Пул ҳақида қайғурманг, юринг! Бу ерда қолишингиз мумкин эмас, мен ўзим сизни жойлаштираман. Ҳеч нарсани ўйламанг, фақат юрсангиз бўлди!

У менга бошини ўғирди, қуюқ жала бизни савалар, шовуллаб оқаётган ёмғир сувлари оёқларимизгача чиқиб келган ва ана шу қоронғулик ичида илк маротаба у менинг юзимга қарашга уриниб кўрди. Унинг вужуди ҳам энди аста-секин ўз уйқусидан уйғона бошлади.

— Майли, ўзинг биласан, — деди у итоаткорона оҳангда. — Менга ҳеч нарсанинг фарқи йўқ ... қолаверса, нима учун бормайин? Кетдик.

Мен соябонимни очдим, у мен томонга ўтди ва билатиндан тутди. Ушбу кутилмаган ишонч менга ноқулай туюлиб кетиб кўнглимга таҳлика солди ва мен ич-ичимдан кўрқиб кетдим. Аммо, унга монелик қилишга ҳаддим сизмасди, чунки мен уни орқага итарган бўлардим, у ҳолда у яна тубсиз жарга қулаган бўларди ва шу пайтгача қилган барча уринишларим зое кетган бўларди. Бир неча қадамдан сўнг биз казино олдида ўтдик. Мен бу одамни нима қилишимни билмаслигимни энди чинакамига тушуниб етгандим. Яхшиси, дея шошиб ўйлай бошладим, мен уни бирорта меҳмонхонага олиб бораман, бугун тунаши ва эртага уйига жўнаб кетиши учун ўша ерда қўлига пул бераман, у ёғини бошқа ўйлаб ҳам ўтирмадим ва шошилганча казино олдида турган фойтунлардан бирини чақирдим ва биз унга ўтирдик. Извошчи қаерга деб сўраган чоғда, аввалига нима деб жавоб беришни ҳам билмадим. Аммо, ёнимдаги шалаббо бўлиб, бутунлай ивиб кетган одам билан бирорта дурустроқ меҳмонхона қабул қилмаслигини эсладим ва бир жиҳатдан бу борада ҳақиқатан ҳам тажрибасиз эканлигимни ҳамда айни

вазият жуда шубхали эканлигини ҳам ўйлаб ўтирмаздан извошчига кичкирдим:

— Бирорта оддийроқ меҳмонхонага!

Извошчи шариллаб қуяётган ёмғирга парво ҳам қилмасдан отларга қамчи босди. Ёнимда ўтирган бегона одам эса миқ этмас, ғилдираклар ғичирлар, тўхтовсиз қуяётган ёмғир арава томини тинмай савалар, хаёлимда мана шу қоронғу, зим-зиё тобутсимон катакда бир жасадни олиб кетаётгандек эдим. Бу ғалати ва қўрқинчли вазиятни бироз юмшатиш мақсадида бирорта гап ўйлаб топмокчи бўлардим-у, аммо миямга ҳеч нарса келмасди. Бир неча дақиқадан сўнг фойтун тўхтади, биринчи бўлиб мен пастга тушдим ва извошчининг ҳақини тўладим, у лоқайдлик билан уйқу аралаш яна қамчисини силкиди. Биз энди кичкинагина бир нотаниш меҳмонхона эшиги олдида турардик. Тепамизда гумбазли шиша айвонча бўлиб, у бизни зим-зиё тунда тинмасдан бир маромда қуяётган ёмғирдан асраб турарди.

Ёнимдаги нотаниш йигит ўз оғирини аранг қўтарганча бир амаллаб деворга суяниб турар, унинг ғижим бўлиб кетган кийимлари ва ивиб кетган шляпасидан шириллаб сув оқарди. У худди дарёда чўкаётганда қутқариб олинган-у, хали ҳушидан кетиб улгурмаган одамга ўхшар, чунки у суяниб турган бурчакда гўё тарновдан окқандек қўлмак ҳосил бўлганди. Аммо у ўзини ўнглашни ҳам, пешонаси ва юзига шляпасидан оқиб тушаётган томчиларни сидириб ташлашни ҳам хаёлига келтирмасди. У мутлақо бепарво турар, ушбу ночорлик менга қанчалик кучли таъсир қилганини сизга ҳозир тасвирлаб беролмайман.

Энди нимадир юз бериши керак эди. Мен сумкамга қўлимни тикдим:

— Мана сизга юз франк, — дедим, — биронта хона олинг-да, эртага Ниццага қайтиб кетинг.

У менга ҳайрон бўлиб қаради.

— Сизни ўйин залида кузатиб тургандим, — дедим мен шошилиб, унинг ҳайрон бўлганини кўриб. — Биламан сиз ҳаммасини бой бериб қўйдингиз ва йўқ жойдан бирорта аҳмоқлик қилиб қўйманг деб қўрқдим. Бировдан ёрдам олиш ахир, уят эмас-ку ... Олинг, мана буни!

Аммо у кутилмаган бир куч билан қўлимни ортга сурди.

— Сен албатта зўр одамсан, — деди у, — аммо пулинг-ни бекорга совурма. Менга энди ҳеч нарса ёрдам беролмайди. Бугун тунда ухлайманми, йўкми, умуман фарқи йўк. Эртага шундок ҳам ҳаммаси тамом бўлади. Менга энди ёрдам бериб бўлмайди.

— Йўк, сиз буни олишингиз керак, — таъкидлардим мен. — эртага бошқача ўйлайсиз. Энди ҳеч бўлмаса юқорига чиқинг-да, тўйиб ухлаб олинг. Кундузи ҳамма нарса бошқача кўринади.

Мен уни яна пулни олишга ундадим, у эса шошилганча қўлимни четга суриб ташлади.

— Қўйсангчи, — такрорлади у яна бўғиқ овозда, — фойдаси йўк буни. Хонани қон билан ифлос қилиб, одамларни безовта қилгандан кўра, яхшиси, мен буни ташқарида қилганим маъқул. Менга юз франк билан ёрдам бериб бўлмайди, минг франк ҳам бефойда. Барибир эртага ҳам яна охирги франкларим билан казинога бориб, сўнгги пулим қолмагунича ўйнаган бўлардим. Яна бошидан бошлашни нима кераги бор, меники энди тамом.

Ушбу бўғиқ оҳанг менинг кўнглимга қанчалар оғир ботганини сиз англай олмайсиз. Ахир ўйлаб кўринг, шундай ёнгинангизда навқирон, келишган, тетик ва эркин нафас олиб турган бир йигит турибди, ўзингизга маълум, агар астойдил ҳаракат қилмасангиз, мана шу фикрлаб турган, сўзлаётган ва нафас олаётган бир навқирон йигит икки соатдан сўнг жасадга айланади, ахир. Хуллас, мана шу бемаъни қаршилиқни кўриб, ҳам ғазабим қўзғади, ҳам нафратим келди ва унинг билагидан тутдим:

— Бас қилинг бу аҳмоқликни! Ҳозироқ тепага чиқасиз-да ўзингизга хона оласиз, мен эрталаб келаманда сизни поездга ўтқизиб юбораман. Бу ердан кетишингиз лозим, эртагаёқ уйга жўнайсиз, ўзим сизга чипта олиб бериб, поездга ўтиришингизни кўрмагунча кўнглим жойига тушмайди. Бор-йўғи бир неча юз ёки минг франк ютқаздим деб, одам ўзининг ёшгина умрини бунчалар оёқ ости қилмайди. Бу ғирт иродасизлик,

алам, васваса. Менинг ҳақ эканлигимни эртага ўзингиз тушунасиз!

— Эртага! — такрорлади у қандайдир ғамгин оҳангда пичинг аралаш, — Эртага! Билганингда эди, эртага мени қаерда бўлишимни, буни ўзим билганимда эди, ҳатто ўзимга ҳам бироз қизиқ кўринаяпти бу нарса. Йўқ, жўна уйингга қизалоқ, ўзингни овора қилма ва пулингни ҳам шамолга совурма.

Бирок, энди мен бўш келмасдим. Бу худди васваса-га ёки телбаликка ўхшарди. Куч билан унинг қўлини очдим-да пулни тутқаздим.

— Пулни олинг-да ҳозироқ юқорига чиқинг, — дедим ва катъий бир ҳаракат билан қўнғироқни чалдим.

— Ана, мен ҳозир қўнғироқ чалдим, ҳозир эшик оғаси келади, юқорига чиқасиз-да бирданига ётиб ухлайсиз. Эртага соат тўққизда меҳмонхона олдида кутаман ва бирданига сизни вокзалга олиб бориб қўяман. У ёғига ташвишланманг, уйгача бўлган ҳамма зарур харажатларингизни ўзим тўлайман. Лекин ҳозир ётиб ухланг, бошқа ҳеч нарсани ўйламанг.

Шу топда эшикдаги калит шарақлаб, хизматчи эшикни очди.

— Кетдик! — деди у кутилмаганда қандайдир қўполроқ ва аламли бир оҳангда. мен билагимда унинг маҳкам қисган панжаларини сездим. Қўрқиб кетдим ... шунчалар қаттиқ қўрқдимки, кутилмаганда фалаж бўлиб қолгандай эдим, барча хаёлларим учиб кетди. ... Мени қаршилиқ қилгим, унинг қўлидан қутулиб чиққим келарди ... Бирок, менинг иродам қотиб қолганга ўхшарди ... ва мен ... сиз буни тушунасиз, мен ... эшик оғасидан уялиб кетдим, чунки у эшик олдида бесабр кутар, мен эса унинг қаршисида бир бегона одам билан қўлтиқлашиб турардим. Хуллас, шу тариқа ... шундай қилиб, кутилмаганда мен меҳмонхона ичига кириб қолдим. Мен бирор нарса дегим, гапиргим келар, лекин бўғзимга нимадир тикилиб қолгандек эди ... унинг бақувват қўллари билагимни қўйиб юбормас ... у мени ғайриихтиёрий тарзда зиналардан юқорига олиб чиқаётганини ҳам аранг тасаввур қилардим ... эшик қўлфи ўтказилди ... охири,

кутилмаганда мен ушбу бегона одам билан ёлғиз ўзим қандайдир бир алмисокдан қолган меҳмонхонада, бир бегона хонада турардим, халигача ўша меҳмонхонанинг номини ҳам билмайман.

К. хоним яна сукутга чўкди ва кутилмаганда ўрнидан турди. Афтидан, овози унга бўйсунмай кўйганга ўхшарди. У дераза томонга юрди, бир неча дақиқа сукутга чўмиб ташкарини томоша қилдими ёки эҳтимол, пешонасини муздек ойнага босганча туриб қолдими, билмадим, ҳар ҳолда унга қарашга ҳаддим сизмади, чунки, кекса бир хонимнинг изтиробини кузатиб туриш мен учун жуда оғир эди. Токи, у яна хотиржам келиб қаршимдан жой олмагунча, мен савол ҳам бермадим, овозимни ҳам чиқармадим, жимгина кутиб ўтирдим.

— Мана, ниҳоят энг оғири ҳам айтиб бўлинди. Умид қиламанки, агар сизга яна бир бор таъкидласам, мен учун муқаддас бўлган нарсалар билан онт ичсам, ному-сим ҳаққи, фарзандларим ҳаққи билан қасам ичадиган бўлсам ишонарсиз деб ўйлайман, яъни ўша лаҳзагача ана шу бегона одам билан ... яқинлашиш деган фикр ҳаёлимга ҳам келмаганди. Ростдан ҳам бу вазиятга ўзим хоҳлаб ёки истаб эмас, балки тўсатдан тушиб қолгандим. Сизга ҳам, ўзимга ҳам ростини гапираман деб қасам ичгандим, яна бир бор такрорлайман, мен бировга чин дилдан ёрдам бераман дедим-у, берилиб кетдим, оқибатда шу саргузаштга ўралашиб қолдим, ҳаёлимда ҳеч қанақа шахсий ҳис-туйғуларим, бирор хуфя ниятим, тасаввурим ҳам йўқ эди.

Ўша хонада, ўша тунда неки юз берган бўлса, сизга гапириб беришимдан мени халос этасиз деган умиддаман, ўзим эса ўша туннинг бирор лаҳзасини ҳам унутганим йўқ ва унутишни ҳам истамайман. Чунки ўша тунда мен бир бегона одамнинг шу ҳаётда тирик қолиши учун курашдим, бу кураш ҳаёт ва мамот кураши эди. Бир бегона одам, яшашдан умидини узган, изтироблар ва эҳтирослар ичида куйиб тамом бўлиб, ажал остонасида турган бир йигит менга худди хасга тармашган чўқаётган одамдек талпинганини мен ўша чоғдаги теран тасавву-

рим билан жуда яхши тушуниб турардим. Бундай он-лар эҳтимол инсон ҳаётида бир марта бўлар, унда ҳам миллиондан бир кишига насиб этиши мумкин, мен ҳам ана шу даҳшатли тасодиф бўлмаганда эди, бир хароб бўлган, ҳаммасидан воз кечган одам қанчалар алангали, қанчалар умидсиз, қанчалар чексиз очкузлик билан яна бир бор ҳаётнинг жонли томчиларини қониқиб симири-шини билмаган бўлардим. Йигирма йил ўтибди, ҳали-гача барча қора кучларнинг қудратидан халос бўлсам-да, бир нарсани ҳечам тушунолмаيمان, қандай қилиб буюк табиат гоҳида шунчалар муъжизакор ва ғаройиб тарзда қисқагина бир нафас ичига иссиқ ва совуқни, ажал ва ҳаётни, шодлик ва тушқунликни жойлаштира олди экан. Ўша тун шунчалар бой эдики, унда кураш ва мунозара, изтироб ва ғазаб, нафрат ва телбалик, кўз ёшли қасамёдлар, барча-барчаси қоришиб кетган, бу тун гўё туганмас, минг йиллар давом этгудек кўринар, биз – икки жон, ўзларини эҳтиросларнинг тубсиз жарли-гига улоқтиришди-ю, бири талваса ичида, бири эса ақл-хушини унутиб, ушбу ҳаёт-мамот курашидан мутлақо бошқа-бошқа одамларга айланиб, бошқа-бошқа орзулар, ҳаёллар ва туйғулар билан чиқиб келдик.

Лекин, бу ҳақда мен гапиришни истамаيمان. Бу нарсаларни тасвирлай ҳам олмайман, истамаيمان ҳам. Фақат эрталаб уйғонишим, унинг илк лаҳзалари ҳақида гапириб бераман. Тубсиз тун қаърида кўрғошиндек қуйилган вужудим қайта уйғонганида, ҳали ҳеч қачон бундай тунни бошдан кечирмаганимни англаб етдим. Кўзимни очиш учун анчагина вақт керак бўлди ва биринчи бўлиб кўзим тушган нарса – бир бегона хонанинг шифти бўлди, сўнгра ҳадиксираганча мутлақо бегона, нотаниш ва жирканч бир хонада эканлигимни англадим. Бу жой менга умуман бегона бўлиб, бу ерга қандай ке-либ қолганимни ҳам тушунолмасдим. Аввалига буни бир туш бўлса керак деб ўйладим, ўша димиққан ва алғов-далғовлар билан тўлиб-тошган кечадан сўнг кўраётган тиниқ бир туш дегандим, аммо деразадан ҳақиқий, ёп-ёруғ қуёш нури, эрталабки ёғду тушиб турар, ташқаридан, кўча томондан эса извошларнинг тарақ-туруғи, трамвай

кўнғироклари ва одамлар овози келаётганди. Билдимки, мен туш кўрмаяпман, аксинча, бу ўнгимда юз берапти. Ҳушимни тўплайин деб бошимни кўтардим, шу чоғ ... шундай ёнгинамга назар ташласам ... қанчалар кўркканимни сизга ҳеч қачон тасвирлаб беролмасам керак, ёнгинамда, кенг кроватда бир бегона эркак ухлаб ётарди ... лекин у менга бегона, умуман бегона, ярим-яланғоч, нотаниш бир одам эди... Йўқ, бу даҳшатни тасвирлаб беришнинг имкони йўқлигини мен яхши биламан, мени шундай бир кўрқув босдики, холсизланиб яна ётиб қолдим. Лекин бу кишига ҳуш ёқувчи холсизлик эмасди, ўйламасликнинг эса сира иложи йўқ эди, аксинча, барча ўтган нарсалар яшин тезлигида ҳаёлимда бирма-бир аниқ тикланди, тўсатдан ўзимни бир бегона одам билан, бегона бир тўшакда, бир фоҳишахонада эканлигимни англаш энди мени ягона истак – бу шармандалик ва жирканчликдан қутулиш учун тезроқ ўлиш истаги чулғаб олганди. Аниқ билиб турардим, юрагим уришдан тўхтаганди, нафасимни ичимга ютдим, бу билан гўё тафаккуримнинг ишлашини тўхтатмоқчи бўлдим, бу лаънати тиниқ тафаккур ҳаммасини билиб турарди-ю, лекин ҳеч нарсани тушуна олмаётганди. Бутун вужудим муз қотиб, шу тарзда қанча ётганимни бундан кейин ҳам билолмасам керак, чунки фақат мурдаларгина тобутда шундай ётишади. Бир нарсани биламанки, булар бари ҳақиқат бўлиб чиқмасин, бу ўнгим бўлмасин, дея мен нафақат худога ва яна қандайдир илоҳий кучларга ҳам илтижо қилардим. Бироқ, менинг ўткирлашаётган тафаккурим энди ҳеч қандай ёлғонга ишонмасди. Қўшни хонада одамларнинг гаплашгани, сувнинг шилдираши, ташқаридаги йўлакда қадам товушлари эшитилиб турар, бу белгиларнинг ҳар бири даҳшат билан ҳушим ўзимда эканлигини исботлаётганди.

Ушбу жирканч ҳолат қанчага чўзилганини айтолмайман, одатда бундай лаҳзалар бутун умр билан тенг бўлиб кетади. Шу пайт кутилмаганда мени яна бошқа бир кўрқув эгаллади, бу этни жунжиктирувчи, таъқиб этувчи, даҳшатли кўрқув эди, чунки ёнимда ётган ва мен ҳатто исмини ҳам билмайдиган одам энди уйғониб

колиши ҳамда мен билан гаплашиши мумкин эди. Токи у уйғониб қолмагунча кийиниш ва бу ердан тезроқ кетишдан бошқа чорам йўқлигини тушундим. Энди ҳеч қачон унинг кўзига кўринмайман ва бошқа у билан гаплашмайман ҳам. Вақтида ўзимни қутқаришим, олисга, олисга, олис-олисларга, қандай қилиб бўлса ҳам ўз ҳаётимга қайтишим, ўз қўналғамга, навбатдаги биринчи поезд билан, дарҳол ушбу лаънат теккан жойдан, бу мамлакатдан олисга кетишим керак, уни бошқа учратмаслик, унга бошқа кўзим тушмаслиги учун, гувоҳлар ҳам, айбловчилар ҳам, холислар ҳам йўқ жойларга. Бу фикр мендаги ҳолсизликни ҳайдаб, ҳушимни ўзимга қайтарди ва мен ўта эҳтиёткорлик билан, худди ўғриларга ўхшаб шовқин қилмаслик учун бир амаллаб каравотдан тушдим ва кийимларимга яқинлашдим. Жуда эҳтиёткорлик билан кийимларимни кийдим, мана, кийиниб ҳам бўлдим, бунинг уддасидан чиқдим. Фақат менинг шляпам қарши томонда, каравотнинг оёқ томонида ётарди. Уни олиш ниятида астагина энгашган чоғимда, айнан шу лаҳзада, бошқа иложим ҳам йўқ эди, мана шу бегона одамнинг, умрим қасрининг пештоқидан бир ғиштни кўпориб юборган кимсанинг юзига яна бир бор назар ташлашимга тўғри келди. Бор-йўғи арзимас бир назар ташламоқчи бўлдим, аммо ... у, мен лол бўлиб қолдим, чунки тинчгина ухлаб ётган бу йигит ҳақиқатан ҳам мен учун бегона одам эди, бир қарашда мен кечаги чехрани таниб ололмадим. Чунки изтироблар билан тўлиб-тошган, буришган, асабийлашган ва даҳшат акс этиб турган чизгилар гўё энди ўчиб кетгандек эди. Бу йигит мутлақо бошқача эди, бу ёшгина гўдакнинг, ёшгина ўсмирнинг юзи бўлиб, унда тиниқлик ва тириклик балқиб турарди. Кеча тишлар орасида қисилган, тишланган лаблар энди бир-бирига майин туташганча ярим жилмайишиб ором олишарди. Малларанг сочлари кенг пешонасига ёйилиб тушган, хотиржам нафас олар, бутун вужуди ширин уйқуда эди.

Эсингизда бўлса, аввал ҳам айтганимдек, мен хали ҳеч қачон ўйин столи атрофидаги одамларнинг бирортасида хиёнаткорона ҳирс ва эҳтироснинг бунчалар чексиз ифодасини учратмагандим. Сизга айтсам, ухлаб ётганда

унга караб туриб, унинг юзида тиниқлик ва самимийлик аксини сездим, унда фақатгина норасида гўдакларда учрайдиган фаришталар беғуборлиги балкиб тургандек эди. Бу чехрада бир вақтнинг ўзида барча ёрқин туйғулар мужассамлашган эди, у энди эркин, беғам ва барча хавотирлардан холи бўлиб, гўё биҳишт боғларида ором оларди. Ана шу мени хайратга солган биргина назар кўнглимдаги кўрқув ва дахшатларнинг барча хира пардаларини юлиб ташлади, энди мен ортик уялмай кўйгандим, аксинча, қувона бошладим. Мени дахшатга солаётган ва юрагимда ваҳима уйғотаётган нарсалар энди тўсатдан ўз мазмунини йўқотганди. Хаёлимга келган фикрдан хурсанд бўлиб, фахрлана бошлагандим, чунки агар мен ўзимни қурбон қилмаганимда эди, мана шу олдигинамда гўё бир нозик чечак каби ҳузур қилаётган бу навқирон ва хушбичим йигит ҳозир аллақачон топтаб ташланган, қонига беланган, юзлари ёрилиб кетган, кўзлари дахшатдан олайиб, котиб қолган бир ахволда қайсидир бир қоя тагидан топилган бўларди. Мен уни қутқардим, у энди қутқарилган эди. Хуллас, мен унга шундай термулиб турардимки, — бунини бошқача тасвирлаб бўлмайди, — мен ухлаётган йигитга ўзимдаги оналик меҳри билан термулаётгандим, уни мен ўз фарзандларимдан ҳам кўпроқ оғриқ ва изтироблар билан қайтадан дунёга келтиргандим. Ва ана шу жандаси чиққан, ифлос бир хонанинг ўртасида, қок ўртасида турган ҳолимда, хароб ва искирт меҳмонхона ичида туриб, қалбимни шундай бир муқаддас туйғу қамраб олганди, — сиз балки бунини кулгили бир ҳол деб ўйларсиз, — лекин мен ўшанда ўзимни худди черковда тургандек, илоҳий мўъжизадан бахт топгандек ҳис қилаётгандим. Умримдаги энг дахшатли лаҳзалар кутилмаганда ўз-ўзидан энг марокли ва энг ҳаяжонли онларга айланганди.

Бирорта шовқин чиқадиган ҳаракат қилдимми ёки беихтиёр бирор нарса деб юбордимми, билмадим, аммо ухлаётган одам кутилмаганда кўзини очди. Кўркиб кетдим ва ўзимни орқага олдим. У худди менинг бирпас аввалги ахволимга тушди шекилли, хайрон бўлиб атрофга олазрак қаради, у гўё аллақандай тубсиз гирдоб ичидан бош

кўтараётгандек эди. Унинг нигоҳи ушбу бегона, нотаниш хонани асабий кузатиб чиқди-да, менга қадалди. Аммо у хали тилга кириб ёки ўзига келиб улгурмасданок мен ўзимни қўлга олдим. Унга бирортаям сўз гапиртирмаслик, мендан бирор нарса сўрашига, ишонч билдиришига қўймаслик керак, ҳеч нарса қайтадан бошланмаслиги лозим, кечаги кун, ўтган тун ҳақида ҳеч нарса гапирилмаслиги, муҳокама қилинмаслиги лозим.

— Мен кетишим керак, — дедим шошилиб, — сиз шу ерда қолинг-да кийиниб олинг. Соат ўн иккида сизни казино эшиги олдида кутаман, қолган ҳамма нарсани ўша ерда ўзим ҳал қиламан.

У бирор нарса деб эътироз беришга ҳам улгурмасдан, бу хонани ортиқ кўрмаслик учун югуриб чиқиб кетдим ва ўша меҳмонхонани ҳам, унда бир кеча бирга тунаган одамни ҳам номларини билмай, билишни ҳам истамай, орқамга ҳам қарамай югуриб кетдим.

К. хоним бир нафасга ўз хикоясини тўхтатди. Лекин, энди унинг овозида барча изтиробли ва саросимали оҳанглар ғойиб бўлганди, бу гўё автомобилнинг кийналиб, бир амаллаб доvon тепасига чиқиб олиши ва тепаликка етгач, пастга қараб енгилгина тушиб боришига ўхшаб кетар, энди унинг нутқи эркин ва енгил оҳанг касб этганди.

— Хуллас, мен эрталабки ёғдудан яшнаб турган кўчалар бўйлаб ўз меҳмонхонамга шошилардим, худди мендаги таҳликали туйғулар ғойиб бўлгани каби, атрофдаги барча гардларни шамол ўз қанотлари билан супириб кетганди. Чунки, унутмаган бўлсангиз, сизга олдин ҳам айтгандим, турмуш ўртоғимнинг вафотидан сўнг мен ҳаётдан бутунлай совиб кетгандим. Болаларимга энди керагим бўлмай қолган, ўзимни эса бу ёлғончи дунёда яшашдан бирорта аниқ мақсадим ҳам йўқ эди. Мана, ниҳоят илк маротаба менинг зиммамга ўз-ўзидан бир вазифа юкланди: мен бир инсонни қутқариб қолдим, бутун борлигимни, бор куч-ғайратимни ишга солиб, уни тубсиз жар ёқасидан қайтариб қолдим. Яна озгина бардошли бўлсам, бу вазифани охиригача уддалаган бўлардим.

Хуллас, мен шошилганча меҳмонхонамга кириб келдим, эрталаб соат тўққизда ётоғимга қайтганимни кўриб ажабланган эшик оғаси мени хайрон бўлиб қарши олди. Кўнглимда эса энди бўлиб ўтган нарсалардан уялиш ёки асабийлашиш ҳислари қолмаган, аксинча, қутилмаганда мендаги ҳаётга бўлган хоҳиш қайта туғилгандек эди, қандайдир янги ва номаълум бир туйғу, ўзимни кимгадир кераклигимни ҳис этиш туйғуси томиримдаги қонни илита бошлаганди. Хонамга кириб, тезда кийимларимни алмаштирдим, бирорта ёркинроқ кийимга алмаштириш ниятида, эғнимдаги мотам либосини (буни кечроқ англадим) ечиб ташладим, сўнгра ҳисобимдан нақд пул оламан деб банкка бордим, кейин поезд қачон жўнашини билиш учун вокзалга шошилдим, хуллас, ўзимни ҳам лол қолдираётган қатъийлик билан, булардан бошқа яна бир неча юмушлар ва учрашувларни ҳам ҳал қилиб қўйдим. Мана, ниҳоят тақдир томонидан менга юборилган бир инсоннинг жўнаб кетишини ва унинг бутунлай қутқарилишини ниҳоясига етказишдан бошқа ташвишим қолмади.

Ростини айтсам, унга яна шахсан рўбарў келиш учун ирода керак эди. Чунки, кечаги нарсаларнинг ҳаммаси қоронғуда, гўё бир гирдоб ичида юз берган, биз худди тошқин улоқтириб ташлаган икки тош сингари тўкнашиб кетгандик, биз ҳалиям бир-биримизнинг юзимиздан таний олмасдик ва энди ўша бегона одам мени қайта таний олишига ҳам ишончим қомил эмасди. Кеча — бу иккита адашган одамнинг тасодифий тўкнашуви, мастлиги, телбалиги бўлганди, бугун эса — энди унга ошқора баҳо бериш мен учун кечагидан кўра машаққатли эди, чунки энди ҳеч нарсани яшириб бўлмайдиган бешафкат ёруғ бир кунда, мана шу аҳволимда, шу юзим билан, бир тирик инсон сифатида у билан тўкнаш келишим зарур эди.

Бирок, ҳаммаси мен ўйлагандан кўра осонроқ кечди. Келишилган соатда мен казинога яқинлашиб ҳам улгурмагандимки, бир ёшгина йигит скамейкадан сакраб туриб мен томонга шошилди. Унинг шошқалоқ харакатларида маълум бир ҳовлиқиш, болаларга хос қувонч акс этиб турар, шодликдан чакнаган кўзларида эса мин-

натдорлик туйғуси порларди, аммо мендаги саросимани англаши биланок, беихтиёр у кўзларини олиб қочди. Миннатдорлик — ҳа, бу туйғуни одамларда камдан-кам учратасан, миннатдор одамлар эса бу туйғу учун ифода тополмай овора бўлишади, одатда улар саросима ичида сукут сақлайдилар, уялганча туриб қоладилар, гоҳида хатто ўз туйғуларини яшириш учун бўлар-бўлмас нарсаларни ҳам сўзлай бошлашади. Лекин қаршимдаги инсон, ўз қалбидаги барча кечинмалари ва туйғуларини ёрқин рангларда тўла ифода этсин дея, Яратганнинг ўзи уни эринмай чизганди. У ҳозир бутун борлиғи билан, қайноқ, алангали, эҳтиросли ҳаракатлари билан ўз миннатдорлигини акс эттириб турарди. Унинг ўсмирларникидек хушбичим боши қаршимда эгилиб, ўта одоб билан бармоқларимга лабларини тегизди ва қаддини ростлади, кейин ҳадик билан менга қаради ва соғлигимни сўради, унинг сўзларида чексиз одоб-ахлоқ ва ҳурмат акс этиб тургани боис, бир неча дақиқалардан сўнг мендаги охириги саросималар ҳам ғойиб бўлди. Кўнглимдаги туйғулар ёришгани гўё кўзгуда акс этгандек, бирданига бутун борлиқ яшнаб кетди, табиат ҳам гўё ўз тилсимларидан фориг бўлганга ўхшарди: кечагина безовта тўлғонган денгиз энди сокин ва тиниқ жил-валанар, митти тўлқинлар остидан ҳар бир майда тош энди ялтираб кафтдагидек кўринар, казино, яъни мана шу жаҳаннам ботқоғи ҳисобланган бино, энди мавритан услубида қурилган ярқираган томини мовий осмонга чўзиб салобат билан турар, кечагина жала савалаган чоғда биз бориб айвончасига тикилган киоска энди гул дўконига айланган, у ерда эса оқ, қизил, яшил ва ёрқин ранглардаги катта-катта дасталарда аралаш бўлиб атиргуллар, ғунчалар тўп-тўп бўлиб турар ва бугун бу ерда энди ёрқин рангдаги кўйлак кийган бир қиз савдо қилаётганди.

Мен йигитни кичик бир ресторанга тушликка таклиф қилдим, ўша ерда у ўзининг фожиали саргузашти тарихини айтиб берди. Мен уни илк бор кўрган чоғимдаги, яъни у титраган, асабий қўллари билан яшил стол атрофида турган пайтда хаёлимга келган гумонларим унинг

гаплари билан тўлиқ тасдиғини топди. У австриялик полякларнинг зодагон оилаларидан бирининг вакили бўлиб, дипломат бўлиш ниятида ҳозир Венада таҳсил олаётган экан ва армия бош штабида юқори бир лавозимда хизмат қилувчи амакисининг уйида тураркан. Бир ой олдин у биринчи имтихонини зўр муваффақият билан топширади ва амакиси шу кунни нишонлаш учун мукофот тариқасида уни фойтунга ўтқизиб Пратерга сайрга олиб чиқади. Шунда у амакиси билан бирга отчопарга тушади. Амакисининг ўйинда омади келиб, бирин-кетин уч марта ғолиб чиқади ва қаппайган халтачадаги ютуқ пулларни олишиб, кечки овқатни энг асл ресторанларнинг бирида тановул қилишади. Бир неча кундан сўнг имтихондаги ўша муваффақияти учун бўлғуси дипломат отасидан бир ойлик харажат пули миқдоридagi мукофот пулини олади. Икки кун олдин жуда катта сумма бўлиб кўринган бу пул, ўша осонгина ютуқни кўргач, энди унга арзимас ва камгина бўлиб туюлади. Хуллас, тушликдан сўнг у яна отчопарга жўнайди ва кўзига қарамасдан иштиёқ билан пул тика бошлайди. Унинг бахтига, балки бахтсизлигигами, ўша куни охирги пойгадан сўнг у отаси берган сумманинг уч баробари билан отчопарни тарк этади. Қисқаси, у кимор ўйинининг васвасасига гирифтор бўлади ва бу дард уни гоҳ отчопарга, гоҳ қахвахоналарга ёки клубларга судрайди, охир-оқибат бу нарса унинг ҳам вақтидан, ҳам ўқишидан, ҳам асабидан ва энг муҳими, пуллари-дан маҳрум қилади. У энди ўйиндан бошқа ҳеч нарсани ўйлашни ҳам, тинчгина ухлашни ҳам, ҳаммадан ёмони эса, у энди ўзини қўлга олишни ҳам истамай қўяди. Бир куни тунда у ҳамма нарсасини бой бергач, уйга қайтиб келади ва ечинаётган чоғида жакети чўнтагидан унутиб қолдирилган,ғижимланиб кетган пул чиқиб қолади. У хатто ана шу пулни ҳам асраб қолмасдан, қайта кийинади ва кўчага чиқиб қандайдир бир қахвахонадаги домино ўйнаётганларни топмагунча дайдиб юради ва улар билан бирга то тонг ёришгунча қолиб кетади. Бир сафар уни турмушга чиққан опаси қутқариб қолади ва судхўрларга барча қарзларини тўлаб беради. Судхўрлар ҳам бу оқсуяклар оиласининг вакилини алоҳида сахо-

ват билан қарзга ботиришган экан. Шундан кейин уни яна бирмунча муддат ўйинда омади келиб туради, сўнг яна омад туткич бермай қўяди, қанча кўп ютқизгани сари, бош ютукни қўлга киритиш шунчалик муҳим бўла бошлайди, чунки тўланмаган мажбуриятлар ва муддати тугаётган ваъдалар унга тинчлик бермай қўяди. У энди ўзининг соатини, кийимларини аллақачон бой бериб бўлган эди ва ниҳоят, энг дахшатлиси ҳам юз беради: кекса холасининг камдан-кам тақиладиган иккита катта-кон қимматбаҳо гул тўғнағичини ўғирлайди ва улардан бирини каттагина пул эвазига гаровга қўяди, шу кеча бу пул тўрт бараварга кўпаяди. Бориб гаровнинг ҳақини тўлаб қутулиш ўрнига у яна таваккал қилади ва ҳаммасини ютқазиб қўяди. Бу ёққа жўнагунга қадар ҳали ўғирлик ошқор бўлмагани учун, у иккинчи тўғноғични ҳам гаровга қўяди ва калласига келган биринчи ҳаёл билан, яъни орзу қилган пулини казинода ютиб оламан деган фикр билан поездга ўтиради-да, Монте Карлога жўнаворади. Бу ерда у аллақачон чемоданини сотиб улгурган, на соябон, на дурустроқ кийим қолади, хуллас, тўртта патронли тўппончаси билан бриллиант тошли авлодлари тамғаси босилган бутдан бошқа ҳеч нарса-си қолмаганди. Бут унинг боболаридан бирига, графлик оиласига мансуб бўлгани учун ундан воз кечгиси келмаганди. Охири, шу куни кечқурун яна бир марта, сўнгги бор киморнинг хушхўр кайфини татиш, ҳаёт-мамот учун курашиб кўриш ниятида, тушдан кейин ўша крестни ҳам беш франкка пуллаганди.

У буларнинг барисини ўзидаги кишини махлиё қиладиган бир ёқимтойлик билан сўзлаб берди. Мен бундан жуда таъсирланиб кетдим, бутун диққатимни жамлаганча уни берилиб эшитдим, лекин бир сонияга бўлса ҳам, ўзимни қўлга олиш ва олдимда ўтирган одам аслида оддий ўғри эканлигини ўйлаб кўриш ҳаёлимга ҳам келмабди. Агар бир кун олдин кимдир менга, ҳаётини бокиралик билан яшаб келаётган ва ўз даврасида одатдаги ахлоқ меъёрларини сақланишини катъий талаб этувчи мендек бир покдомон аёлни ўғли тенги ғирт бегона, бунинг устига олмос кўзли тўғнағич ҳам ўғирлаган ёшгина

бир йигит билан якин одамлардек бирга ўтирибди дейдиган бўлса, мен бундай одамни аклдан озган деб ўйлаган бўлардим. Лекин, мен унинг бу ҳикоясини эшитиб бир чимдим бўлса-да, кўркув сезмадим, бунинг устига у ўз ҳаракатларини шунчалар ҳаяжон билан, гўё иситмалаганини ёки касаллигини таърифлагандек айтиб бердики, бу менда кўпроқ ачиниш хиссини уйғотди. Бундан ташқари, кимдир агар ўзи ҳам менга ўхшаб кечагидек кутилмаган бир тунни хира туман ичида ўтказиб кўрган бўлса яхши билади, бундайлар учун «бунинг иложи йўқ» деган тушунча ўз маъносини йўқотиб қўяди. Мен оддий бир инсон сифатида яшаб ўтган қирқ йиллик умрим давомида ҳам мана шу ўн соатчалик ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини бошдан кечирмаган эдим.

Шунга қарамасдан унинг бу тавба-тазаррусини эшита туриб, бошқа бир нарса, яъни унинг кўзларининг ўйноқи ялтираши мени саросимага солди, чунки у ўзининг ўйинга бўлган иштиёқи ҳақида сўзлаган чоғида юзидаги барча томирлар гўё ток ургандек асабий титраб кетарди. Қимор ҳақидаги ҳикоянинг ўзиёқ уни тўлқинлантирар ва унинг ҳар бир кечинмаси юзида асабий акс этаётганди. Беихтиёр унинг қўллари, ўша чиройли ва асабий, хушбичим бармоқли қўллари худди ўша ўйин столи атрофида тургандай ўз-ўзидан яна йиртқич ҳайвонга айланиб, ташланишга шайлана бошлади. У гапирар, мен эса унинг қўлларини кузатардим. Кутилмаганда бармоқлар олдинга интилиб титрай бошлади, сўнг бир-бирини қисишиб ғижимланди, кейин яна ташланишга шайланди ва яна бир-бирининг қўйнига кириб қовушиб олишди. У тўғнағичларни қандай ўғирлаганини гапираётганда эса қўллар худди қароқчилардек яшин тезлигида олға ташланди (мен беихтиёр чўчиб тушдим), кўзимга бармоқлар безакка қандай чанг солганию кафтлар уни қандай қилиб ютиб юборишгани кўриниб кетди. Шунда мен бу одам сўнгги томчи қонигача ўзининг ўша эхтирослари билан заҳарланиб бўлганини аллақандай даҳшат ва ҳайрат билан англаб етдим.

Мана шу ёшгина, бегубор ва табиатан беғам йигит ўзидаги биргина дайди ишқибозликка қулдек тобе бўлиб

қолгани беихтиёр кўнглимда ваҳима уйғотди ва азоблай бошлади. Хуллас, ҳақиқий дўст сифатида уни бу йўлдан қайтишга кўндириш менинг бурчим деб ўйладим ва ҳозирок уни Монте Карлодан жўнаб кетиши кераклигини, бу ерда хавф ўта кўплигини, тўғнағичлар йўқолгани фош бўлмасдан, шу бугуноқ ўз оиласига қайтиши лозимлигини, ўз келажагини бутунлигича қутқариши зарурлигини тушунтирдим. Қолаверса, йўл харажатларига ва безакнинг товонини тўлашга ҳам ўзим пул беришни ваъда қилдим, фақат бир шарт билан, бунинг эвазига у шу бугуноқ бу ердан жўнаб кетиши ва бундан кейин ҳеч қачон ҳеч бир картага қўл урмасликка ҳамда қимор ўйнамасликка онт ичиши зарурлигини айтдим.

Бу бегона бир инсон, адойи тамом бўлган бир банда менинг сўзларимни илоҳий бир ўтинч, итоат, миннатдорлик билан тинглар, айниқса ёрдам бериш ҳақидаги сўзларимни худди болдек симирар, стол устида турган қўллари қутилмаганда гўё бир илоҳга ёки маъбудга сиғинаётган каби кўтарилди ва шукроналик ҳиссини шундай ифода қилдики, мен бу ҳолатни ҳеч қачон унутолмасам керак. Унинг яшнаб турган ва одатдагидай бироз ҳадиксираган кўзларида ёш милтирар, бутун жуссаси қувончдан ва ҳаяжондан титрай бошлаганди. Ундаги ҳаракатлар ва қилиқлар қанчалар ифодали эканлигини аввал ҳам сизга тасвирлаб беришга уриниб кўргандим. Айни лаҳзаларда унинг нигоҳи шу қадар маъсум ва мафтункор эдики, бу нарсалар оддий одамга насиб этмаган, агар таъбир жоиз бўлса, сиз гўё туш кўриб уйғонаяпсизу тушингизда кўрган оппоқ фариштанинг нигоҳи тасаввурингизга ўрнашиб қолаяпти.

Яшириб нима қилдим, мен бу нигоҳга бардош беролмадим. Миннатдорлик кишини бахтиёр қилади, чунки бу нарсанинг амалдаги ифодасини камдан-кам учратасан. Айниқса мендек совуққон ва жиддий бир инсонни ушбу зийраклик тўлқинлантириб юборди, қолаверса, бунақа бахт ва қувонч мен учун бир янгилик ҳам эди. Яна бунинг устига мана шу ҳаяжондан титраб турган йигитча билан биргама-бирга атрофимдаги табиат ҳам янгиланганди, кечаги жаладан сўнг бугунга келиб, борлиқ ўзгача

жозибa кашф этганди. Ресторандан чикқанимизда денгиз буткул тинчиб улгурган ва тиниқ зангори тус олган, мовий уфқ қўйнида эса чайкалар чарх уришарди. Сиз Ривьера табиатини яхши биласиз. У доим гўзал кўринади, худди фотосурат каби ўзидаги ёркин ранглар билан кўзингизни қамаштиради, у ташқи назарларга бефарк бўлган жозибаси, нафислиги ва абадий шарқона хусн-малохати билан сизга маҳтал бўлиб турганга ўхшайди. Тўғриси, жуда камдан-кам бўлса-да, шундай кунлар ҳам бўладики, унда бу гўзаллик бор бўйича юзини очади, ташқарига чиқади ва фусункор ранглари билан атрофни чулғаб олади, голибона бош кўтариб борлиқни гулларга кўмиб ташлайди, унинг қўйнида не-не хис-туйғулар чуғланиб, алангалана бошлайди. Хуллас, ўша бўронли, бесаранжом тундан сўнг мафтункор ва ажойиб кун келган бўлиб, кўчалар чиннидек ювилган, феруза осмон, ям-яшил намхуш табиат, ҳамма ёқда яшнаган буталар бош кўтарган ва ранг-баранг гунчалар кўзни қамаштирарди. Қоялар қуёш нурида яшнаб, мусаффо ҳавода кўкрак кериб туришар, улар гўё ялтираб товланаётган шаҳарча атрофига янаям яқинроқ келган ва уни қизиқиш билан қуршаб олишганга ўхшарди. Ҳамма ёқда табиатнинг тетик ва илҳомлантирувчи кучини хис қиласан ва беихтиёр юрагинг ҳаприқиб кетади:

—Келинг, битта фойтун ушлаймиз, — дедим мен, — соҳил ёқалаб айланиб келамиз.

У қувонч билан бош ирғади, афтидан, бу йигит шу ерга келганидан бери илк маротаба табиатга эътибор билан қараётганга ўхшарди. Шу пайтгача у димиққан казино зали, унинг оғир ҳавосидан, тер ҳидидан, у ердаги жирканч ва бужмайган одамларнинг гала-говуридан, шовқинли, қўпол ва совуқ денгиздан бошқа нарсани билмаган эди. Қаршимизда эса қуёшда товланаётган кенг кумлоқ соҳил, унда тўлқинлар мавжланиб ётар, қараган сари бу манзара нигоҳингни олис-олисларга олиб қочарди. Биз ўтирган фойтун шошилмасдан бир текис юриб борар (у пайтлар ҳали автомобиллар йўқ эди), катта йўл ёқалаб эса кўплаб виллалар ва ранг-баранг манзаралар ястаниб ётарди. Шу ховлиларга қараб ту-

риб, мана шу италян карағайлари соясида ям-яшил бўлиб яшнаб турган виллаларни кузата туриб, беихтиёр кўнглининг туб-тубида сирли ва яширин хаёллар уйғонгандек бўлади: шу ерда тинчгина, беғам, бу дунё ташвишларидан холи бўлиб яшасамчи дейсан!

Билмадим, умримда ҳали бир мартагина бўлса ҳам ўша соатлардагидек ўзимни бахтли ҳис қила олдиммикин? Фойтунда, менинг шундоқ ёнгинамда кечагина ҳаёт ва мамот оралиғида гангиб юрган навкирон бир йигит ўтирар, у қуёш нурларидан марокланиб симирар ва гўё ёш болага айланиб қолгандек эди. У худди мурғаккина гўдакка ўхшарди, чиройли, ўйинқароқ қувноқ ва шўх болакай, ҳаммасидан менга ёққани ундаги хушёрлик бўлиб, агар йўл тепаликка ўрмалаб, отлар қийналаётганини сезса, у бирданига сакраб тушиб, фойтуннинг ортидан итаришга тушарди. Бирор-бир гул ҳақида гапирсам ёки йўл ёқасида бирорта чечак учрайдиган бўлса, у югурганча бориб териб келарди. Кечаги ёмғирда шалаббоси чикиб қолган ва бугун йўл ёқасида тимирскиланаётган кичкинагина бақани кўриб қоладиган бўлса, бошқа фойтунлар босиб кетмасин, дея авайлаб ердан кўтарар ва четрокка, ям-яшил ўтлоққа олиб кўярди. Ўзи эса қувонч билан қандайдир кишини кулдирувчи ва ёқимли нарсалар ҳақида тинмай сўзларди. Имоним комилки, мана шу табассум ва қувонч унинг барча ғамлардан холис бўлганининг ифодаси эди, агар иложи бўлганда эди, у қўшиқ қуйлаши, қувончдан сакраши ёки ўйинга тушиши ҳам мумкин эди. Ундаги бу кутилмаган ўзгариш ана шундай қувонч ва шодликка бой эди.

Биз тепаликка кўтарилиб қандайдир бир кичкинагина кишлоқ оралаб кетаётганимизда, у кутилмаганда йўловчиларга бош ирғади ва илтифот билан шляпасини ечиб таъзим қилди. Мен ундан бу ердаги бегона одамларга нима сабабдан салом бераётганини сўраганимда, у саволимдан бироз ийманиб, узр сўрагандек тушунтира кетди, биз ҳозир бир черков олдидан ўтаётганимизни, уларда, яъни Польшада, католик динининг таъсири катта бўлган барча мамлакатлардаги сингари, черков, яъни худонинг уйи ёнидан ўтаётганда бош қийимини ечиб

таъзим қилиш болаликдан одат тусига кириб қолганини айтди. Унинг ана шундай илоҳий нарсалардан ҳайиқиши менга қаттиқ таъсир қилди ва бирданига крест хакидаги гаплари эсимга тушди. Мен ундан худога ишониш-ишон-маслигини сўрадим. Шунда у бироз уялганча ҳа, деган ишора қилиб, албатта Яратганнинг марҳаматига умид қилишини айтганда эса, миямга кутилмаган бир фикр келди:

– Тўхтатинг! – дея кичкирдим аравакашга ва шоши-либ фойтундан тушдим.

У ҳайрон бўлиб менга эргашди:

– Қаёққа бораяпмиз?

– Юринг мен билан, – дея жавоб бердим мен.

Унинг кузатувида мен орқага қайтдим ва пишиқ ғишдан қурилган қишлоқ черковига келдим. Ичкари бўм-бўш, хирагина ёришган, деворлари эса оҳак билан сувалган. Кираверишдаги эшик катта очиқ турар, ундан ичкарига ўткир тигдек нур тушиб турар, тўрда ғира-ши-рада ёришган кичкина меҳроб бўлиб, у ерда иккита шам хирагина нур сочар ва ладан хиди анқирди. Биз ичкари кирдик, у шляпасини бошидан олди, қўлини муқаддас сувга ботириб чўқинди ва тиз чўқди. Ўрнидан турар-тур-мас унинг қўлидан тутдим.

– Олдинроққа юринг, – судрадим мен, – сиз учун муқаддас бўлган меҳробга ёки бирорта икона олдига бо-ринг ва мен сизга айтадиган сўзларни қайтариб тавба қилинг.

У менга ҳайрон бўлиб термулди, кўзларида қўрқув бор эди. Аммо, бирданига ҳаммасини тушунди ва бир бурчакка бориб муқаддас бут қаршисида жимгина тиз чўқди.

– Айтганларимни такрорланг, – дедим мен ҳаяжон-дан титраб, – менинг айтганларимни такрорланг. Онт ичаман.

– Онт ичаман, – дея такрорлади у.

Мен давом этдим:

– Бундан кейин пул учун бирортаям ўйинга аралаш-майман, нима бўлишидан қатъи назар, энди ҳеч қачон мана шу ишқивозлик учун таваккал қилмайман.

У титраганча сўзларни такрорлади, бўш бино ичида сўзлар аник ва равшан жаранглади.

Шундан сўнг бир зумга сукунат чўкди, шунчалар жимлик чўкдики, хатто ташқарида баргларини шамол силкиётган дарахтларнинг шивирлаши ҳам эшитилди. Кутилмаганда у худди хакикий тавба қилаётган одамдек ўзини ерга ташлади ва телбаларга ўхшаб шоша-пиша поляк тилида нималарнидир тез-тез гапира бошлади. Бу менимча унинг шукронасини, тавбасини ифода этувчи илохий бир дуо бўлса керак, чунки сўзлаётиб тинмай хочга бошини эгиб таъзим қилар, тобора хаяжон билан нотаниш сўзларни қайтарар ва бир дуони ўта ички бир изтироб билан қайта-қайта такрорларди. Бундан аввал ҳам, бундан кейин ҳам, ҳеч қачон бирор-бир черковда бундай сажда қилинганини қайтиб эшитмадим. Унинг қўллари ёғочдан ясалган меҳроб тахтасини маҳкам қучиб олган, бутун вужуди ички бир изтироб бўронидан силкинар, у гоҳ инграр, гоҳида эса мунгли охангда нола қиларди. У ҳеч нарсани кўрмас, ҳеч нарсани англамасди, унинг борлиғи гўё бошқа бир оламда эди, у қандайдир рухий покланиш алангаси ичида тобланар ёки илохий бир маконда сузиб юргандек эди. Ниҳоят у ўрнидан турди, яна бир бор чўкинди ва оғир уриниш билан орқага ўгирилди. Унинг тиззалари қалтирар, ранги оқариб кетган, худди оғир дарддан турган одамга ўхшарди. Лекин менга назари тушиши биланок, яна унинг кўзлари яшнаб кетди, изтиробли чехрасини бокира ва чинакам илохий табас-сум ёритди. Сўнгра у яқинроқ келди, русчасига чуқур таъзим бажо келтирди, иккала қўли билан қўлларимни олди ва чуқур ҳурмат билан лабларига босди:

– Сизни менга Яратганнинг ўзи юборди. Бунинг учун Унга мен шукрона айтдим.

Мен нима дейишни ҳам билмасдим. Мен ҳозир кутилмаганда мана шу ўриндиқлар узра тантанали орган садолари янграшини истардим, чунки мен бу одамни бутунлай қутқариб олишнинг уддасидан чиққанимни ҳис қилаётгандим.

Биз черковдан қайтиб чикдик, ташқари яшнаб кетган, қуёш хакикий бахорий ёрқин нурларини сочар,

ҳали ҳеч қачон кўзимга бу дунё бунчалар гўзал бўлиб кўринмаганди. Ҳар бир муюлишида янги бир манзарани ҳадя этаётган йўл билан тепалик ёқалаб, шошилмасдан яна роса икки соат фойтунда сайр қилдик. Бирок, энди биз ҳеч нарса гапирмасдик. Ҳиссиётларнинг бунақа тошқинидан сўнг ҳар қандай сўз ортиқчага ўхшаб кўринарди. Нигоҳим тўсатдан унинг нигоҳи билан дуч келиб қоладиган бўлса, мен ўз-ўзимдан уялганча кўзимни олиб қочардим ва ўзимдаги бу фаройиб ҳолатдан тўлқинланиб ҳам кетардим. Кечки соат бешларда биз яна Монте Карлога қайтиб келдик. Мен энди қариндошларим билан учрашишим керак бўлиб, ундан воз кечишнинг ҳечам иложи йўқ эди. Ростини айтсам, кўнглим энди бирозгина бўлса-да, осойишталик истар, туйғулар тошқинининг босилиши учун эса бироз вақт керак эди, чунки бахтнинг жудаям кўпайиб кетиши мени озроқ толиқтирганди. Шу пайтгача ҳаётимда бирор мартаям бошимдан кечмаган бунақа ортиқча қайноқ ҳиссиётлар, телбаликлардан сўнг бирозгина нафас ростлашим зарурлигини сезиб турардим. Шу ниятда мен йигитга ўзим турган меҳмонхонага бир неча дақиқага бўлса ҳам кириб ўтишни таклиф қилдим. Ўша ерда мен унга йўл харажатлари ва ўғирланган безакнинг бадали учун етарли бўлган суммани топширдим. Мен учрашувга бориб келгунимча, у поездга билет олишини, кейин биз соат еттида, яъни уни Генуя орқали уйига элтувчи поезд жўнаб кетишидан ярим соат олдин, вокзалнинг қириш залида учрашишни келишиб олдик. Мен унга беш дона қоғоз пулни бермоқчи бўлиб узатаётганимда, унинг лаблари докадек оқариб кетди:

— Йўқ ... йўқ ... пул ... ўтинаман сиздан ... пул керак эмас! — деди у тишини-тишига босиб ва бармоқлари асабий қалтирай бошлади. — Ҳеч қандай пул ... ҳеч қанақа пул ... мен унга қарай олмайман, — яна такрорлади у ва нафратданми ёки қўрқувданми ўзини ўнғайсиз тута бошлади. Лекин мен унинг уятини енгиллатишга уриндим ва бу шунчаки қарзга берилаётганини, у ўзини ноқулай сезмаслигини, агар истаса, менга тилхат ёзиб бериши мумкинлигини тайинладим.

— Ҳа ... ха ... тилхат, — минғирлади у тескари қараб ва гўё қўлига ифлос бир шилимшиқ нарсани ушлаётгандек пулларни ғижимлади-да, санамасдан чўнтагига солди ва битта вараққа апил-тапил ҳаракатлар билан бир нечта сўз ёзди. У бошини кўтарганда эса пешонасини қалин тер босган, кўнглида гўё нимадир уни тўлқинлантириб юборганга ўхшарди, чунки менга қўлидаги варақни узатиши билан кутилмаганда калқиб кетди, мен беихтиёр қўрқиб кетдим ва ортга тисарилдим, у эса тиз чўкди-да менинг этагимни ўпди. Бу ҳаракатларни тасвирлашга тил ожизлик қилади, қандайдир кучли бир туйғудан бутун вужудим титраб кетди. Бошқача бир ғалати титроқ бутун вужудимни чулғаб олди, ганғиб қолдим.

— Бунчалар миннатдорлигингиз учун раҳмат сизга. Лекин энди сиз боришингиз керак! Кечқурун соат еттида вокзалнинг кириш залида хайрлашамиз, — дея олдим, холос.

У менга қаради, хаяжондан кўзларида ёш милтирарди, бир лаҳза у менга нимадир демоқчи бўлди, тушда кечгандек ўша бир лаҳза, гўё у ҳозир ўзини қучоғимга ташлайдигандек туюлиб кетди. Бирок, у тўсатдан яна таъзим қилди, чуқур, ўта чуқур таъзим қилди-да хонадан чиқиб кетди.

К. хоним яна хикоясини бўлди. У ўрнидан турди ва дераза ёнига борди, ташқарига термулди-да, узок туриб қолди, унинг маъбудалар ҳайкалини эслатувчи қоматида мен енгилгина бир титроқни англадим. Бирданига у қатъийлик билан менга ўгирилди, шу пайтгача тинчгина, суҳбатда иштирок этмай турган қўллари тўсатдан кескин ва бир нарсани йиртиб ташламоқчи бўлгандек ҳаракат қилди. Сўнгра у менга қатъий, тўғрироғи совук қаради ва алоҳида шижоат билан сўзлашга тушди:

— Мен сизга бутунлай ошкора бўлишга ваъда бергандим. Ана шу ваъданинг қанчалар зарур эканлигини энди билаяпман. Чунки ҳозир ўша соатларда бўлиб ўтган воқеаларни бир бошидан хикоя қилишга ўзимни мажбурлай туриб, бир-бирига қоришиб, алғов-далғов бўлиб кетган ҳиссиётларимни чиройли сўзлар билан

безатаётиб, ўша пайтда билмаган ёки эҳтимол билишни истамаган кўп нарсаларни мана энди аниқ тушуна бошладим. Сизга ҳам, ўзимга ҳам ҳақиқатни рўй-рост гапираман деган эканман, демак, қатъий ва совуққонлик билан сўзламоқчиман. Ўша сонияларда, яъни йигит бир ўзимни ёлғиз қолдириб, хонадан чикиб кетиши билан, мени қандайдир бўғик бир ҳолсизлик босди, юрагимда нимадир бир нарса кучли зарба бергандек бўлди. Нимадир бир нарса менга шафқатсиз оғриқ бераётганди, бунинг сабаби нимадалигини билолмадимми ёки билишга юрагим бетламадими, билмадим, нахотки йигитнинг одоб ва ҳурмат билан ўзини тутиши мени шунчалар изтиробга солган бўлса.

Аммо ҳозир, бу ерда мен ўз ичимдагиларни худди бир бегона одам каби ҳолисона жиддий ва қатъий тарзда ошкор этишга мажбурлай туриб, бундан ташқари сизнинг гувоҳлигингиздан ҳеч нарсани, бирор сирни ёки уятли туйғуни яширмасликка уринаётиб, ўшанда менга оғриқ берган нарса нима эканлигини тушуниб етдим, бу менинг умидларим пучга чиқиши ... умидсизлик эди, ахир бу йигит мени ушлаб қолишга, мен билан қолишга ... бир марта бўлса ҳам уриниб ҳам кўрмасдан, итоаткорлик билан кетиб қолганди, у мени ўзиники қилиб олиш ўрнига, мени ўз тақдири йўлида учраган бир илоҳий малак дея улуғлаганди ... ва у мени ... у мени бир аёл сифатида ҳис қилмаганди.

Бу ўша умидсизлик ... мен учун, ўшанда ўзим тан олмаган, кейинчалик ҳам тан олишга бўйним ёв бермаган ҳафсаламнинг пир бўлиши эди. Ахир аёл туйғуси ҳеч қандай сўзсиз ва ақл-идроксиз ҳам барчасини билиб туради. Чунки ... энди мен ўзимни ортиқ алдаб юришни истамайман, агар шу йигит ўшанда мени кучоғига босганида, мендан талаб қилганида эди, мен у билан дунёнинг нариги чеккасига ҳам кетган бўлардим. Мен ўз номимни булғаган, фарзандларимни номусга қолдирган бўлардим ... одамларнинг гап-сўзларига ҳам, ичимдаги соғлом ақл-идрокимга ҳам эътибор қилмасдан, худди бир кун олдин исмини ҳам билмаган ёшгина француз йигити билан кетиб қолган Ҳенритта хоним каби мен

хам у билан жунаб кетган бўлардим. Мен ундан хатто қаёққа, қанчалик олисга кетаяпмиз, деб сўрамасдим ҳам, ўтган олдинги ҳаётимга бурилиб ҳам қарамасдим ... мен пулларимни, номимни, бутун бойлигимни ва номусимни ҳам мана шу йигит учун қурбон қилган бўлардим ... тиланчилик қилган бўлардим ... эҳтимол, у мендан илтимос қиладиган бўлса, бу дунёнинг ҳар қанча ҳурлигига чидаган бўлардим. Менга бир оғиз сўз айтишга, мен томонга бир қадам ташлашга, мени тутиб қолишга, ҳеч бўлмаганда уриниб кўрганда эди, одамлар уят ва андиша деб атайдиган барча нарсаларни улоқтириб ташлаган бўлардим, ўша сонияларда мен бутунлай унинг иродасига бўйсуниб тургандим.

Аммо сизга айтганимдек, бу савдойи йигит энди мени кўриб турса-да, менинг кўнглимда ҳам бир аёл борлигини кўрмасди. Қанчалар, мен қанчалар уни деб ёнганимни фақат ёлғиз қолганимдагина англадим, ишқий эҳтирослар чиндан ҳам унинг илохий ва ёрқин чехрасида бир бора белги бердию яна қайтиб ўша бўмбўш, ташландиқ юракни эзғилай бошлади. Мен минг бир машаккат билан бўлса-да ўзимни ўнглай бошладим, унга берган ваъдам эса янаям жирканч кўрина бошлади. Гўё бошимни пўлатдан ясалган оғир дубулға босиб турар, унинг юки остида эса оёққа туролмай чайқалардим, охири чорасиз гандираклаганча бошқа меҳмонхонада турган қариндошимнинг олдига кетаётган чоримда ҳаёлларим худди қадамларим сингари таркок эди. У ерда одамларнинг қизғин суҳбатлари ичида бошим гангиб ўтирар, вужудимни эса қайта-қайта даҳшат қамраб олар, вақти-вақти билан атрофдагиларнинг ҳеч бир маънони англатмайдиган юзларига термулиб қолардим, бу чехраларни йигитнинг ўша нур ва соя каби ўзгарувчан чехраси билан қиёсланганда, булар гўё бир ниқобга, муз қотган башараларга ўхшарди. Мен ўзимни гўё шовқин солиб сўзлашаётган мурдалар орасида ўтиргандек ҳис қилардим, бу қизғин давра менга жонсиздек кўринарди. Олдимдаги чашкага қанд ташлаб, паришонхотирлик билан даврадаги суҳбатга қўшилган киши бўлиб турсам-да, юрагим нотинч депсинар, кўз ўнгимда эса унинг сиймоси

гавдаланар, гарчи бу чехрани кузатиш ўзгача бир бахт бўлса-да, яна бир ёки икки соатдан кейин уни сўнгги марта кўришим мумкинлиги ҳақидаги ҳаёллар кўнглимга ваҳима соларди. Мен беихтиёр эснадимми ёки ножўя гапирдимми, кутилмаганда жиянимнинг турмуш ўртоғи мен томонга ўгирилди ва менга нима бўлганини, ўзимни ёмон ҳис қилмаяпманми, бирор ташвишим борми, нимагадир рангим оқариб кетганини айтиб, ҳол сўрай бошлади. Ана шу кутилмаган савол осонгина баҳона топишимга туртки бўлди ва мени аслида бош оғриғи безовта қилаётгани, агар имкони бўлса мени ҳозироқ кетишимга рухсат беришларини сўрадим.

Хуллас, энди яна ихтиёрим ўзимда эди ва мен тўппатўғри меҳмонхонага шошилдим. У ерда ёлғиз қолишим биланок, мени бўшлиқ ва ташлаб кетилганлик туйғуси чулғаб олди, қандайдир бир ички туйғу унинг ортидан боришимни, бугун мени ташлаб кетаётган йигитнинг олдига боришимни талаб қилаётганди. Мен хонада у ёқдан-бу ёққа юрар, ҳеч бир мақсадсиз стол тортмаларини очиб-ёпар, кийимларим ва соч турмакларимни алмаштирар, ўзимни баҳолаш учун ойнага солиб кўрардим, балки мен шундай безансам унинг эътиборини тортарман, деган ҳаёл кечарди кўнглимдан. Тўсатдан мен ўзимнинг асл ниятимни тушуниб етгандай бўлдим, нима бўлса бўлсин, лекин уни қўйиб юбормаслик керак! Дахшатли бир сония ичида бу истак қарорга айланди. Пастга, портъе олдига югурдим ва бугун кечки поезд билан жўнаб кетишимни унга маълум қилдим. Хуллас, энди шошилиш керак: нарсаларимни тахлашимга ёрдам берсин дея хизматкор кизни чақирдим, ҳақиқатан ҳам вақт жуда оз қолаётган эди, биз биргаликда қуйиб-пишиб кийимлар ва майда-чуйда нарсаларни чемоданга жойлаётган чоғимизда ҳам мен у билан поездда қандай бирга кетишимни ҳаёл қилардим, айнан сўнгги, энг сўнгги сонияда, яъни у менга хайрлашув учун кўлини чўзган чоғида, уни лол қолдираману вагонга ўтираман, у билан шу кеча, эртаси куни ва умуман у канча хоҳласа шунча бирга бўлиш учун. Томирларимдаги қон ўзига хос тўлқинлантирувчи, хаяжонлантирувчи мастоналик би-

лан оқа бошлади. Кийимларимни чемоданга ташлай туриб, хизматкорни лол қолдирган ҳолда, беихтиёр баланд овозда кулиб юбордим — ақлим оза бошлаганини сезиб турардим. Юк ташийдиган хизматчи чемоданларимни олиб кетиш учун келганида эса, мен унга аввалига бирпас хайрон бўлганча бақрайиб қараб қолдим, ахир ичимдаги хаяжон шундай куч билан тўлиб-тошаётган бир пайтда бу дунё ташвишлари ҳақида ўйлаш жуда кийин эди.

Вакт шоширар, соат роппа-роса етти бўлган, поезд жунашига эса яна кўпи билан йигирма дақиқа қолганди, ростини айтсам, кетишга қарор қилган сониядан бошлаб, мен энди у билан хайрлашгани бораётганим йўқ-ку, бу хайрлашув эмас, уни йўлда кузатиб бораман-ку, токи у мендан безор бўлгунга қадар бирга бўламан-ку, дея ўзимни ўзим оутардим. Хизматкор чемоданларни ташқарига олиб чиқди, мен ҳисоб-китоб қилиш мақсадида меҳмонхона кассасига шошилдим. Иш бошқарувчи менга қайтимни узатди ва мен эндигина йўлимда давом этмоқчи бўлаётган ҳам эдимки, бир қўл эҳтиётлик билан елкамдан тутди. Чўчиб тушдим. Бу менинг жияним эди. Мен ўзимни ёмон хис қилганим учун безовта бўлиб, кўргани келибди. Кўз олдим қоронғулашиб кетди. Мен учун ҳозир унинг умуман кераги йўқ эди. Имиллаган ҳар бир дақиқа кечириб бўлмас пушаймонга айланиши мумкин. Лекин, илтифот юзасидан бирмунча вақт унинг саволларига жавоб беришга мажбур эдим.

— Сен тезда тўшакка ётишинг лозим, — кистарди у, — аниқ иситманг бор сени.

Шундай бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасди, чунки манглайимда томирларнинг уриши сезилиб турар ва ҳолсизликдан кўз олдим қоронғулашиб борар, йиқилишим ҳам ҳеч гап эмасди. Мен эса ҳаммасини инкор этар, ўзимни ундан миннатдор қилиб кўрсатишга уринар, айтилаётган ҳар бир сўз ичимни ёндирарди, бевақт келган бу ҳамдardни меҳрибончилиги билан бирга қўшиб ҳайдагим келарди. Аммо, кутилмаган дardкашим тураверди, тураверди, тураверди, бу орада у менга одеколон тавсия қилди, рад этганимни кўриб, эринмасдан ўзи совуқ тер

босган пешонамга суртиб ҳам қўйди, мен эса ҳар бир ўтган дақиқани санар ва у ҳақда ўйлардим. Ҳаммадан ҳам муҳими, мана бу менга азоб бераётган ҳамдардликдан қутулиш учун қандай баҳона топсам экан, деб ўйлардим. Мен безовталанганим сари, унинг кўзига гумонли бўлиб кўринаётгандек эдим. Қўйиб берса у мени мажбурлаб ўз хонамга олиб кириб, тушакка ётқизишга ҳам тайёр эди. Унинг кистовлари орасида тўсатдан фойенинг ўртасида осилган соатга кўзим тушди: еттидан йигирма саккиз дақиқа ўтди, соат 7.35 да поезд жўнайди. Бирданига, ҳовликиб, совуққонлик билан жиянимга қўлимни узатдим:

— Ҳайр, мен кетишим керак!

Унинг бақрайиб туришига эътибор ҳам бермадим, ортимга ҳам бурилиб қарамадим, ҳайрон бўлиб турган хизматчилар олдидан ўтиб, эшикдан ташқарига чиқдим, у ердан кўчага отилдим ва вокзалга югурдим. Юк ташувчи аллақачон перронда кутиб турар, унинг ҳовлиққанча қўл силташидан билдимки, ҳозир айна вақти. Шошилганча тўсиқ олдига чопдим, аммо назоратчи йўлимни тўсди. Мен чипта олишни унутгандим. Бор кучимни ишга солиб, мени перронга ўтказиб юборишига кўндираман деб овора бўлиб турган бир вақтимда эса, поезд жўнаб кетди. Барча аъзоларим қалтираб, бирорта вагон деразасидан унинг нигоҳини, бирор ишорасини, ҳеч бўлмаганда кичик бир табассумини кўриб қоларманми, деган умидда термулиб туриб қолдим. Лекин мен энди бу шошилиб ўтаётган қатор деразалардан унинг чехрасини ажратиб ололмасдим. Поезд тобора тезлашиб бориб, бир дақиқадан сўнг гангиб қолган нигоҳларим олдида қорамтир тутунлардан бошқа ҳеч нарсаси қолмади.

Шу туришда, тошдек қотиб қолгандим, қанча вақт турганим фақат Яратганга аён, чунки юк ташувчи, афтидан, бир неча бор менга гапириб кўрган шекилли, охири билагимдан ушлаб турткилаб ўзимга келтирмоқчи бўлаётганди. Шундагина чўчиб ўзимга келдим. У юкларимни меҳмонхонага олиб бораётганини, йўқми дея сўраётганди. Бўлиб ўтган воқеаларни англаб етишим учун ҳам бир неча дақиқа керак бўлди, бунақа шар-

мандаларча ховлиқиб жунаб кетишдан кейин, ортга қайтишнинг имкони йўқ эди, қолаверса, буни ўзим ҳам истамасдим, ҳеч қачон. Бирпас ёлғиз қолайин дея, унга юкларни саклаш хонасига топширишини буюрдим. Шундан кейингина ҳаммасини бир ўйлаб кўришга, ҳушимни йиғиб олишга уриниб кўрмоқчи бўлдим. Вокзал биноси ғала-ғовурга тўла бўлиб, гоҳ оломон билан тўлиб-тошар, гоҳо бўшаб қоларди. Ичимни куйдираётган, азоб бераётган аччиқ алам, афсус ва надоматнинг қонли панжаларидан ўзимни халос этишим зарур эди. Яшириб нима қилдим, сўнгги учрашувни ўз айбим билан бой берганим ҳақидаги пушаймонларим энди мени алангали нигоҳлари билан тинимсиз ва шафқатсиз таъқиб қилар, чўғдек ловуллаб куйдирар, ханжардек аёвсиз санчилар, калбимдаги оғриқ борган сари даҳшатли тус олар, беихтиёр ўкириб-ўкириб йиғлагим келарди. Ахир, фақатгина эҳтирос нималигини билмайдиган ва ундан бегона бўлган одамларгина умрининг мана шундай биргина лаҳзасига келиб, эҳтирослар вулқонининг шу каби кутилмаган алангали портлашини бошдан кечирадилар. Шунда йиллар давомида калбингдаги қайсидир бурчакда бесамар, бекерак бўлиб ётган бир қудрат уйғонадию бутун адоватини тўкиб, юрагингни азоблаб беадад эзғилайверади-эзғилайверади. Ўша сонияларда бошимдан кечган алам билан тўлиб-тошган ночорлик ва тушқунлик ҳолига ҳали умрим бўйи ундан олдин ҳам, кейин ҳам дуч келмаганман. Бутун умр асраб-авайлаб келганим, сокин ва зерикарли ҳаётимни мана энди бир уринишда итқитиб ташлаш учун ўзимда журъат топдим деган бир чоғимда, қаршимда шундай бир бемаъни тўсиқ пайдо бўлгандики, уни кўриб мендаги эҳтирослар ҳолдан тойган ва нақ пешонаси билан шу тўсиққа урилганди.

Кейин нима қилдим денг, биласизми, бир вақтнинг ўзида яна нима ҳам шунчалик бемаъни, шунчалик телбанамо, шунчалик ахлоқона бўлиши мумкин, буни гапиришга ҳатто ҳозир ҳам уятдан юзим бетламайди. Аммо биласиз, мен сизга ҳам, ўзимга ҳам ҳеч нарсани яширмасликка сўз берганман, ҳуллас, мен ... мен уни яна изладим, ... у билан бирга ўтган ҳар бир лаҳзани

қадам-бақадам ортга қайтариб уни изладим, ... бу нарса мени хаёлан у билан бирга бўлган кечаги жойларга мажбуран етаклаб борди: мен уни олиб кетган хиёбондаги ўриндикка, уни илк бор учратган казино залига, ҳа, ҳеч бўлмаганда ўша хароба меҳмонхонага, ўтган лаҳзаларни яна бир бор ҳис қилиш, бошдан кечириш учун. Хаёлимда эртага яна фойтун оламан-да, ўша йўлдан сохил бўйлаб сайр қиламан, унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракатини қайта туяман деб ўйлардим, — ҳа, гангиб қолганим учун ана шундай беҳуда, шундай болаларча дайди хаёлларга берилиб қолгандим. Аммо ўзингиз ўйлаб кўринг, бўлиб ўтган воқеалар мени шунчалар тўлқинлантириб юборгандики, мен ўзимни худди туганмас тўфон ичида қолгандек ҳис қилардим. Хуллас, мени гангитиб қўйган ўша туйғулар бўронидан сўнг бироз ўзимга келдиму ўша биз ўзимизни алдовчи ва сеҳрли бир туйғу, яъни биз хотира деб атайдиган туйғу ёрдамида бошимдан ўтган ҳар бир лаҳзани мисқоллаб қайта тиклаб кўришга уриндим. Дарҳақиқат, буни тушуниш учун ўтли юрак керак бўлади.

Шундай қилиб, биринчи навбатда у ўйнаган столни топиш, у ердаги қўллар ичида эса унинг қўлларини эслайман деган умидда казинога бордим. Ичкари кирдим, эсимда бор, мен уни илк бор иккинчи залнинг чап томонидаги стол ёнида кўргандим. Бу ҳол хотирамда шундай ёрқин ўрнашиб қолгандики, мен кўзларимни юмиб ҳам у турган жойни топа олардим. Хуллас, ичкарига кирдим ва зални кесиб ўтдим. Шунда ... эшик олдида туриб ичкаридаги авжига чиққан ўйинга кўзим тушиши билан, ... хаёлимда мутлақо бир ғаройиб ҳол юз бергандай бўлди, ... ўша жойда, айнан мен хаёлимга келтирган жойда, ... худди иситма аралаш туш каби ... у ... ҳақиқатан ҳам ... У ... У ... худди мен орзу қилгандек ... худди кечাগидек, кўзларини соққага қадаганча, арвоҳдай оқариб, У ... У ... айнан унинг ўзи эди ...

Шунчалар кўрқиб кетдимки, бақириб юборишимга бир баҳя қолди. Лекин бу бемаъни сахна олдида кўрқувимни ичимга ютдим-да кўзимни юмдим: «Сен ақлдан озияпсан, сен туш кўраяпсан, сен алахсираяпсан»,

дердим ўзимга-ўзим. «Бўлиши мумкин эмас, сени хаёлларинг олиб қочаяпти ... У ахир ярим соат олдин бу ердан жўнаб кетган». Сўнг яна кўзларимни очдим. Аммо не кўргуликки, у худди аввалгидек ўша ерда ўтирарди, адашишим мумкин эмасди ... бу қўлларни мен миллионта қўлнинг орасидан ҳам ажрата олардим ... йўқ, мен туш кўраётганим йўқ, бу ҳақиқат эди. У қасам ичиб, менга ваъда қилганидек, жўнаб кетмаганди. Бу ҳуши оғиб қолган жинни шу ерда ўтирарди. Мен унинг ортидан бутун борлигим билан, қалбимни бериб, интиқиб, чопиб юрган бир пайтда, уйга кетиш учун мен берган пулларни у бу ерга олиб келган, бор дунёни унутгану иштиёқ билан ўйинга киришиб кетганди.

Бутун вужудим аланга ичида қолганга ўхшарди, қаҳр ва ғазабим тошиб кўзларим қонга тўлди, ишончимни, туйғуларимни, садоқатимни мана шундай шармандаларча оёқ ости қилган қасамхўрнинг бўғзига ташлангим келарди. Лекин, яна шайтонга ҳай бердим. Минг бир машаққат билан ўзимни мажбурлаб, хотиржам (бунга қанчалар куч сарфламадим дейсиз) столга, унинг қаршисига келдим, бир жаноб бирданига менга жой бўшатди. Орамизни икки метр яшил мато ажратиб турар, мен худди театр балконида туриб томоша кўраётгандек унинг юзига термулдим, бундан икки соатгина аввал миннатдорликдан яшнаган ўша юзга, Яратганнинг иноятига сажда қилиб, нурга тўлган ўша чехра энди яна эҳтиросларнинг дўзахий ўтида алангаланаётган эди. Қўллар, боягина, тушликдан сўнг черковдаги муқаддас тавба курсисини чангаллаган ўша қўллар, энди яна қонхўрлардек бир-бирини эзғилаганча пулнинг изини пойлаш билан овора эдилар. Кўринишидан унинг омади чопганга ўхшайди, афтидан кўп, жуда кўп пул ютиб олганди, чунки унинг олдида бир уюм жетонлар, луидорлар¹ ва қоғоз пулларнинг каттагина уюми бўлиб, бармоқлари, ўша асабий, титроқ бармоқлар, уларнинг ичида бахтиёр қоришар, чўмилишарди. Улар қоғоз пулларни силаб-сийпалар, маҳкам тутар, букиб кўрар, тан-

¹ Кадимий француз танга пули (*тарж.*).

галарни айлантириб ўйнар, маҳкам бағрига босар ва мана, тўсатдан янги ўйин бошланиб, унга тикиш учун бирданига чангали пулга тўлдию бир катакка қараб ирғиди. Мана энди яна бурун катакларининг беўхшов учиши бошланди, крупьенинг товушини эшитиб кўзлари косасидан чиккудай олазарак боқар, бемаъно ялтираган нигоҳлар энди пулларни қўйиб, чарх уриб айланаётган соққага термулади, беихтиёр бутун гавда олдинга эгилади, тирсақлари яшил столга михлаб қўйилгандек чайқала бошлайди. Унинг бутун борлиғи кеча тундагидан ҳам даҳшатлироқ, ундан-да аянчлироқ манзара кашф этганди, у бугунги ҳар бир ҳаракати билан мен кеча меҳр билан қалбимга муҳрлаб олган муқаддас суратларни битталаб эзгилаб ташлаётган эди.

Шундай қилиб, бор-йўғи икки кадам масофада туриб иккимиз ҳам хўрсинардик, мен унга термулиб қолгандим, у эса менинг борлигимни пайқамасди ҳам. У менга қиё ҳам боқмасди, йўқ, у ҳеч кимга қарамасди, унинг нигоҳи фақат пулга қадалган, кўзларидан аланга сачраб, айланишдан тўхтаётган соққани кузатарди, ана шу чархпалак бўлиб айланаётган яшил доирачада унинг бутун фикру хаёли жамланган, у таҳлика ўтида ёнарди. Бутун башар, бутун инсоният бу ашаддий ишқивоз учун ана шу тўртбурчак яшил мато билан битта бўлиб, қоришиб кетганди. Мен шу ерда соатлаб турсам ҳам, у менинг борлигим ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаслигини жуда яхши англаб турардим. *

Лекин, бунга ортиқ бардошим етмади. Кутилмаганда кескин бир қатъийлик билан столни айланиб ўтдим-да, орқасидан келиб, қўлларим билан унинг елкасини маҳкам тутдим. Унинг нигоҳи бир лаҳзага қалқиб кетди, хайрон бўлиб шишадай қорачиқларини менга тикканча бақрайиб қолди. У худди минг бир машаққат билан уйкудан уйғотилган маст одамга ўхшар, нигоҳларида эса ички изтироблари ва аламлари акс этиб турарди. Кейин у мени таниди шекилли, лаблари титраганча нимадир пичирлади, қандайдир тушуниб бўлмайдиган қувонч билан менга қараб қолди ва аллақандай сирли гангиш билан кўнглини ёрди.

– Зўр, жудаям яхши ... Келишим билан бирдан билдим, у шу ерда эканлигини бирданига сездим ...

Мен уни умуман тушунмадим. Фақат унинг ўйиндан маст эканлигини сездим, холос, бу телба ҳаммасини унутганди, ўз қасамини, ваъдасини, мени ва бутун дунёни ҳам унутганди. Аммо шу алғов-далғов ичида унинг телбалиги менга шунчалар таъсир қилдики, унинг гапига берилиб кетиб, беихтиёр ким бу ерда эканлигини сўрадим.

– Ана, у ерда, бир қўли йўқ кекса рус генерали, – шивирлади у худди бу ғаройиб сирни биров эшитиб қоладигандек менга жудаям яқин келиб. – Ана оқ бакенбардли, орқасида хизматкориям турибди. У ҳар доим ютади, буни кеча пайкагандим. У қандайдир махсус коидалар тизими асосида ўйнаса керак. Шунинг учун мен доим у билан бир хил жойга тикаяпман¹ ... Кечаям у фақат ютганди ... аммо, менинг хатоим, кеча у кетгандан кейин ҳам мен ўйинни давом эттиравердим ... кеча у нақ йигирма минг франк ютди-ёв ... бугун ҳам у ҳар бир юришида ютаяпти ... энди мен ҳам унга таклид қилиб ўйнаяпман ... мана ҳозир ...

Гап орасида у кутилмаганда тўхтаб қолди, чунки крупье баланд ва дўриллаган овозда, – *Faites votre jeu!*¹ – дея қичқирди. Унинг кўзлари олазарак бўлиб аллақачон оқ бакенбардли генерал ўтирган жойга қараб турарди, генерал эса салобат билан шошилмасдан аввал битта тилло танга, сўнг бироз иккиланиб турди-да иккинчисини ҳам олиб, тўртинчи катакка қўйди. Шу заҳотиёқ олдимда турган ховлиқма қўллар пул уюмига чанг солди-да, бир ховуч тилло тангани олиб, худди ўша жойга ташлади. Бир дақиқадан сўнг крупье «*Zéro!*»² деб эълон қилди ва куракчасининг бир ҳаракати билан бутун столни шипшийда қилиб йиғиб олди. У эса бой берилган пулларга худди ғаройиб нарсага қарагандай термулиб қолганди. Ўйлайсизки, у менга бурилиб қарадими, йўқ, у мени бутунлай эсдан чиқарганди, мен унинг ҳаётидан итқитиб

¹ Марҳамат, пул тикишингиз мумкин! (франц.)

² Ноль (франц.).

ташланган, йўқ қилинган, ўчириб ташлангандим. Унинг бутун диққати янада таранглашиб, яна ўша рус генералига қадалганди. Генерал эса мутлақо бепарво тарзда яна иккита тилло танга олди-да қайси рақамга тиксам экан дея иккиланиб, тангаларни ўйнаб турарди.

Сизга мен кўнглимда кечган аламларим ва афсусу надоматларимни тасвирлаб беролмайман. Ўша пайтдаги менинг туйғуларимни бир тасаввур қилинг-а, бутун ҳаётингни бағишлаган одамнинг учун энди сен бепарво қўл силтаб ҳайдаш мумкин бўлган чивинчалик қадринг бўлмаса. Мени яна ўша ғазаб тўлқинлари қамраб олди. Қатъий бир шижоат билан унинг билагидан тутдим.

— Ҳозироқ ўрнингиздан туринг! — шивирладим буйруқ оҳангида. — Бугун черковда нима деб қасам ичганингизни эсланг, сиз бир қасамхўр, пасткаш экансиз-ку.

У худди айб устида қўлга тушган одамдек докадек оқариб, менга қараб бакрайиб қолди. Кўзларида худди калтакланган итнинг қарашлари акс этар, лаблари эса титрарди. Афтидан у бирданига ҳамма ўтган воқеаларни эсга олганга ўхшарди, гўё бутун вужудига титроқ киргандек эди.

— Ҳа ... ҳа ... , — минғирлади у , — эй худойимей, эй худойимей ... Ҳа ... ҳозир бораман, афу этинг ...

Олдинига унинг қўллари шошилганча бир сапчиб, очкўзлик билан олдида турган пулларга чанг солди, кейин қандайдир ҳаёл кучи таъсир қилди шекилли, аста-секин имиллай бошлади. Унинг нигоҳи яна эндигина пул тикмоқчи бўлиб турган генералга тушиб қолди.

— Ҳозир, яна бир дақиқа ..., — у тезда бешта тилло тангани олди-да, ўша катакка ташлади. — Бор-йўғи яна битта, мана шу биргина ўйин ... Онт ичаман, ҳозироқ сиз билан кетаман ... бор-йўғи шу ўйин ... фақат яна бир марта ...

Яна унинг товуши ўчиб қолди. Соққа айлана бошлади, у йигитни ҳам ўзи билан қўшиб чархпалак қилиб юборганди. Ҳаёлимда ёнимда турган телба ҳам соққага қўшилиб рулетканинг силлиқ доирасига сирпаниб тушиб олгану сакраб-сакраб айланаётган тошга ҳамоҳанг бўлиб кетганди. Крупье яна қичқирди, унинг куракчаси яна

қўйилган бешта тилло тангани қўшиб супуриб кетди, у яна ютқизди. Аммо у бурилиб ҳам қарамади. У қасамини ҳам, бир дақиқа аввал берган ваъдасини ҳам унутганди. Мана унинг очқўз қўллари яна пул уюмига чанг солди, ишкибозликдан маст бўлган нигоҳлар қаршисидаги омад келтирувчи оҳанрабога аланглаб термуларди.

Сабр косам тўлиб бўлди. Мен уни яна туртдим, бу сафар энди мажбурлай бошладим:

— Ҳозирок ўрнингиздан турасиз! Шу заҳотиёқ! ...Айтдингиз-ку, бу ўйин охиргиси ...

Бироқ, шу пайт умуман кутилмаган хол юз берди. Тўсатдан у менга ўғирилди, лекин бу юз, менга қараб турган юз энди телбанамо ва гангиган одамнинг юзи эмасди, балки у ғазабдан ёнар, кўзлар қахрга тўла, лаблар аламдан титрарди.

— Мени тинч қўйинг! — пишқирди у менга қараб. — Кетинг бу ердан! Сиз менга омадсизлик келтирасиз. Доим, сиз менинг ёнимда турсангиз, мен ютқизиб қўяман. Кеча ҳам худди шундай қилгандингиз, мана бугун яна шу ахвол. Боринг, бу ердан нари кетинг!

Мен бир лахзага бақрайиб қотиб қолдим, унинг жинилиги олдида менинг ғазабим сўниб борарди.

— Мен сизга омадсизлик келтираманми? — сўрадим мен ундан жаҳл билан. — Сиз ёлғончисиз, ўғрисиз, менга қасам ичгандингиз...

Аммо мен бошқа давом этолмадим, чунки бу телба ўрnidан сакраб туриб кетди, кизикиш билан атрофни ўраб турган оломонга ҳам қарамасдан менга ўшқирди:

— Мени тинч қўйинг, — қичқирди у юзсизларча баланд овоз билан, — мен сизнинг қарамоғингизда эмасман ... мана ... мана ... мана пулингиз, — деди ва олдимга бир нечта юз франклик пулни ирғитди, ... — энди аммо, мени тинч қўйинг!

У баланд овозда, атрофда турган юзлаб одамларга эътибор ҳам бермасдан, худди ақлдан озган одамдек бақирарди. Атрофда ҳамма хайрон бўлиб қарар, пичирлашар, пичинг қилишар, кулишар ва қўшни залдагилар ҳам қизиқсиниб биз томонга кела бошлаганди. Гўё устимдан кийимларим юлқиб олингану кизикиб

қараб турганлар ўртасида мен қипяланғоч турганга ўхшардим.

Silence, Madame, s'il vous plaît!¹ — деди крупье баланд ва буйруғона оҳангда ва куракчаси билан столни тақиллатди. Бу менга қаратилган эди, мана шу бир бечора боланинг гапи менга қаратилган эди. Бошим эгилган, уятдан кизарганча, зўр иштиёқ билан пичирлашаётган одамлар олдида худди башарасига пул ирғитишган фоҳишадек титраб турардим. Айни чоғда менинг юзимга икки юзта, йўқ, уч юзта орсиз кўз термуларди. Мен бу жирканч шармандалик ва таҳқирланишдан қаддим букилиб, эндигина ўзимни олиб қочаман деб юзимни четга бурган ҳам эдимки, менга лол бўлиб, тешиб юборгудек термулиб турган бир жуфт кўзга дуч келдим — бу менинг жияним эди. У ранги оқариб, оғзи очилганча даҳшатли нарсани кўргандек қўлларини кўтариб менга хайрон қараб турарди.

Шу чоғ ичимда нимадир титраб кетди, у хали ўзига келмай туриб, ҳушини йиғиштиришга улгурмасдан, мен залдан ташқарига отилдим. Ўзимни аранг судраб тўғри боғдаги ўриндикқа бордим, бу ўша, кеча мен анави телбани турғизиб олган ўриндик эди. Мен ҳам энди худди ўшандай ҳолсиз, мадорсиз, яксон бўлиб ўша шафқатсиз ва тақир ёғоч устига йиқилдим.

Мана йигирма тўрт йил ўтди, лекин ҳалиям ўша мен ҳайдаб солинган лаҳзани, унинг таҳқирлаши остида минглаб одамлар олдида турганимни эсласам, томирларимдаги қон ҳам музлаб кетади. Мени яна ваҳима босади. Биз ўзимизча ғурурланиб кўнгил, руҳият, ҳиссиёт деб атовчи, оғриқ деб атовчи нарсалар ҳаммаси биргаликда қўшилиб, биргина изтироб чекаётган жисмни, азоб ичида ёнаётган танани парчалаб, титиб юбора олмагач, бу туйғуларнинг қанчалар ожиз, ночор, хор, хўрланган эканлигини англадимۇ даҳшатга тушдим. Чунки ҳозир яшин урган бир дарахт мисол қулаб тушиш ўрнига, ҳалиям томиримда пишқириб қон оқарди. Мана шу оғриқнинг бор-йўғи бир лаҳзаси мени ҳолдан

¹ Илтимос, хоним, секинроқ! (франц.)

тойдириб, ўриндикка йикитиши ва мен жон талвасасида ажалимни кутиб ётишим керак эди. Бироқ, хозиргина айтганимдек, ҳар қандай оғриқ ҳаёт деб аталмиш неъматнинг олдида ортга чекинади, жисмимиздаги яшаш ишки, рухимиздаги ўлим туйғусидан устун келади. Шунча ҳиссиётларнинг барчаси бирпасда парчаланиб кетиши эса мени лол қолдирганди. Мен яна ўрнимдан турдим, ростини айтсам энди нима қилишимни ҳам билмасдим. Бирданига юкларим вокзалда тайёр тургани ёдимга тушди ва бу фикр мени ўша ёққа етаклай бошлади, ичимда бир нарсаси кет, йўқол, йўқол, бу ердан фақат кетиш керак, бу дўзахдан олисроққа йўқол, дея ундарди. Ҳеч кимга эътибор ҳам бермасдан тўғри вокзалга чопдим, Парижга кетадиган навбатдаги поезд қачон жунашини сўрадим, хизматчи соат ўндалигини маълум қилди. Мен дарҳол юкларимни ўшанга юклашларини буюрдим. Соат ўн бўлди ва айнан ўша дахшатли учрашувга йигирма тўрт соат бўлади, туйғуларнинг қарама-қарши тўфони билан тўлиб-тошган, менинг кўнглимдаги дунёни вайрон қилган, парчалаб ташлаган йигирма тўрт соат. Бошида мен бу таҳликали дақиқалар учун арзигулик сўз тополмадим: фақат кетиш, кетиш, кетиш! Миямга бир козиқ қоқилгандай, фикримга тинчлик бермас, тинмай бир нарсани такрорларди: кет! кет! кет! Бу шаҳардан олисроққа, ўзимдан ҳам олисроққа кетишни, уйимга, ўз яқинларимнинг олдига, аввалги ҳаётимга, ўз шахсий ҳаётимга қайтишимга ундарди. Тун бўйи йўл юриб Парижга бордим, у ерда бир вокзалдан бошқа вокзалга алмашиб тўғри Булонга, Булондан Дуврга, Дуврдан Лондонга, ўғлимнинг олдига кетдим. Шунча йўл юриб бир лаҳзага бўлса ҳам нафас ростламадим, ҳеч нарсани ўйламадим ҳам, қирқ саккиз соат мижа коқмасдан, бир оғиз сўз ҳам демасдан, бир бурда нон ҳам емасдан, шу қирқ саккиз соат давомида гилдираклар фақат бир сўзни такрорлади: кет! кет! кет! Ниҳоят кутилмаганда, ҳеч нарсадан хабари йўқ ўғлимнинг уйига етиб келганимда, ҳамма менга дахшат билан қараб турар, афтидан кўринишимда нимадир бир нарсаси аҳволимни фош қилаётгандай эди. Ўғлим бағрига босиб ўпмоқчи бўлди.

Мен эса уни рад этдим, чунки хаёлимда бу шарманда лаблар бунга лойиқ эмас, деган фикр чарх урарди. Саволларнинг бирортасига ҳам жавоб бермасдан, фақат менга ванна ҳозирлашларини буюрдим, чунки йўл гарди билан бирга жисмимдаги барча кирлардан, ўша телбанинг хотираларидан халос бўлишни истардим. Сўнгра бир амаллаб хонамга кирдим-да, ўн икки, йўқ, ўн тўрт соат тошдай қотиб ухладим, бундай уйқуни мен унғача ҳам, ундан кейин ҳам кўрмадим, бу шундай уйқу эдики, ўшанда биринчи марта ўлик одам тобутда қандай ётиши мумкинлигини тушуниб етдим. Яқинларим худди беморга қарагандек қайғуришарди, лекин уларнинг меҳри менга азоб берар, уларнинг ҳамдардлигидан, дилгирлигидан мен уялиб кетардим, бир лаҳзалик дийдор учун уларга хоинлик қилганимни, уларни унутганимни, уларни ташлаб кетганимни айтиб, кутилмаганда бакириб юборишдан аранг ўзимни тиярдим.

Сўнгра мен ҳеч бир мақсадсиз ҳеч ким мени билмайдиган, танимайдиган кичик бир француз шаҳарчасига жўнадим, чунки хаёлимда кимки мени учратса кўзларимдан менинг шармандалигимни ўкиб оладиганга, ўзгарганимни фош этаётганга ўхшар, калбимнинг тубтубидан ўзимни шунчалар шармандаю шармисор ҳис қилардим. Гоҳида эрталаблари уйғониш олдидан мени даҳшатли хаёллар қоплар, гўё яна ўша тўшакда ётгандек, кўзимни очишга кўрқардим. Ўша тун, ёнимда бир бегона эркак, яримьяланғоч, тўсатдан кўзимни очганим, қайта-қайта хаёлимга келаверарди. Шунда яна менинг бутун борлигимни ягона истак, шу заҳотиёқ ўлиб кетиш истаги қамраб оларди.

Лекин, вақт энг олий ҳакам, умр ўтган сари унинг ғаройиб қудрати барча туйғуларни ўз назоратига олар экан. Ўлимнинг ҳақлигини тобора яқиндан ҳис қила бошлайсан, унинг сояси йўлингга туша бошлагач, бу дунё ташвиши чекина бошларкан. Энди руҳинг ўткинчи нарсаларга берилмайди, даҳшатли кечинмалар биринкетин қудратини йўқота борар экан. Аста-секин мен ҳам ўша тақдир зарбасини унута бошладим, орадан анча йил ўтиб, бир даврада Австрия элчихонасининг атташеси

лавозимида хизмат килаётган ёшгина бир поляк йигит суҳбат чоғида бир амакисининг ўғли ўн йилча олдин Монте Карлода ўзини отиб қўйганини айтганида эса, бу нарса энди мени хатто заррача ҳам раҳмимни қўзғамади. Бу нарса нимагадир кўнглимга оғир ҳам ботмади, афтидан, хуллас, ўз худбинлигимни яшириб нима қилдим, мен аксинча энди ўзимни эркин ҳис қилдим, чунки ун яна бирор кун учратиб қоларман деган кўрқув энди йўқолганди. Энди ўз хотирамдан бошқа гувоҳим йўқ эди. Ўшандан буён хотиржам бўлиб қолдим. Кексайиш дегани – бу ўтмишдан кўрқмай қўйиш дегани, холос.

Ўшанда нима сабабдан сиз билан ўз тақдирим ҳақида гаплашишни истаганимни энди тушунгандирсиз. Сиз ўшанда Ҳенритта хонимни самимий ҳимоя қилиб, йигирма тўрт соат ҳам аёл тақдирини буткул белгилаб бера олиши мумкин деганингизда эса, худди гап мен ҳақимда кетаётганга ўхшаганди. Сиздан миннатдорман, чунки ўшанда илк бор мен ўзимни оқланган одамдек ҳис қилгандим. Сўнг ўйланиб қолдим, кўнглимдагини ҳеч бўлмаганда бир мартагина бўлса ҳам бировга тўкиб солсамчи, балки бу нарса ўтмишимдан узилолмай азоб чекаётган кўнглимни дардлардан фориғ қилармиди ва мен эртага яна ўша залга, ўша ўз тақдирим билан тўқнаш келган залга, унга нисбатан ҳам, ўзимга нисбатан ҳам нафратсиз кира олармидим. Шунда балки қалбимдаги дарддан фориғ бўларман, оғриқлар ўтмишда қолар ва бошқа мени безовта қилмасмикин деб ўйладим. Буларнинг ҳаммасини сизга айтиб берганим, мен учун жуда яхши бўлди, кўнглимдан тоғ ағдарилгандай бўлди, анча енгилман, салкам қувонаяпман ҳам ... бунинг учун сиздан миннатдорман.

Шу сўзлар билан у ўрнидан қўзғалди, мен унинг хикоясини тугатганини тушундим. Унинг кўнглини кўтариш ниятида бирорта ширин сўз кидириб тараддудландим. Лекин у менинг ниятимни англади шекилли, бирданига инкор қилди.

– Йўқ, илтимос, гапирманг, сиз менга жавоб беришингизни ёки бирор нарса дейишингизни хоҳламайман.

Мени тинглаганингиз учун ўта миннатдорман, энди жунаб кетсангиз бўлади.

У қаршимга келди ва хайрлашиш ниятида қўлини узатди. Мен беихтиёр унинг юзига қарадим, бу нуроний хонимнинг чехраси нурга тўла, ундан ризолик шуъласи тараларди. Шу билан бирга у қаршимда бироз иймангандек турарди. Ўтмишдаги эхтирослар сояси, тараддудми билмадим, ҳар ҳолда кутилмаганда унинг яноқларидаги аланга оқ оралаган сочлар томиригача етганга ўхшарди. У хотиралар оғушида худди қиз боладек ийманиб, ўз ҳолидан хижолат чекарди. Беихтиёр унга бирор сўз дегим, унга бўлган ҳурматимни нимадир деб изҳор қилгим келди. Аммо нафасим бўғзимга тикилиб қолганди. Шунда мен унга чуқур таъзим қилдим ва ҳазонрезги япроқлар мисол титраётган сўлғин бармоқларига лабимни босдим.

ШАХМАТ НОВЕЛЛАСИ

Новелла

Ярим тунда Нью-Йоркдан Буэнос-Айресга жўнаб кетиши лозим бўлган баҳайбат пароходда ҳар доимгидек сафар олди югур-югури ва безовталиқ ҳукмрон. Кузатувчилар яқинларини тезроқ жўнатиш илинжида куйиб-пишишади, кепкалари қийшайган телеграф ташувчи ўсмирлар дўконлар оралаб йўловчиларнинг номларини айтиб жар солишади, қандайдир гулдасталар, жомадонлар, судра, торт, кизиқувчан болақайлар эса шўхлик қилиб шовқин солишар, зиналарда югуришар, юқоридаги палубада эса кема оркестри тинимсиз сафар маршини чаларди. Мен бир оғайним билан палубада, мана шу ғала-ғовурлардан бироз четроқда турардик. Шу пайт ёнгинамизда сураткашнинг чироқлари олдинма-кейин бир неча марта яраклади. Афтидан, қандайдир доврўғи чиққан кимса йўлга чиққан шекилли, репортёрлар сўнгги лаҳзаларда интервьюга қўшиб унинг суратини ҳам олишаётган кўринади. Оғайним уларга бир каради-да, истехзоли жилмайиб қўйди.

— Улар бортга ноёб қушни қўндиришибди, Чентовични. Гап нимадалигини англай олмай бақрайиб турганимни кўриб, у изох тариқасида қўшимча қилди: — Мирко Чентович, шахмат бўйича жаҳон чемпиони. У бутун Американинг ғарбидан шарқиғача мусобақалар ўтказиб, ҳаммасининг пўстагини қоқиб чиқди, энди Аргентинага, янги зафарлар сари ошиқаяпти.

Чинданам шунақа бир ёшгина жаҳон чемпиони борлиги ва унинг яшин тезлигида эришган мартабаси билан боғлиқ айрим икир-чикирлар ёдимга тушди. Оғайним

менга караганда хушёррок газетхон бўлгани учун, мен билган тафсилотларга у яна бир талай хангомаю латифалар қўшиб, янаям бойитиб берди. Хуллас, Чентович бир йилча олдин бир уринишда Алехин, Капабланка, Тартаковер, Ласкер, Боголюбов каби шахмат санъатининг дарғалари каторидан ўрин олганди. Бир минг тўққиз юз йигирма иккинчи йили Нью-Йоркдаги турнирда етти яшар вундеркинд Решевский пайдо бўлганидан буён, хали бунақа мутлақо номаълум бир кимсани машҳурлар дунёсига бостириб кирганини ва бунақанги катта шовшувларга сабаб бўлганини шахмат оламида ҳеч ким эслай олмайди. Гап агар Чентовичдаги ақлу заковатга бориб тақаладиган бўлса, унинг дунёга бундай донг таратиши ва обрў-эътиборга эришишини олдиндан башорат қилиш даргумон бўлур эди. Вакт ўтиб тез орада чемпионнинг шахсий ҳаётидаги тилсимлар ҳам бодрокдай биринкетин очила бошлади. Ахир бу шахмат устаси дунёнинг ҳеч бир тилида имло хатосиз, ҳатто бирорта жумлаям бита олмас, унинг бир ҳамкасби жаҳл ва киноя аралаш таъкидлаганидек, «унинг чаламуллалиги барча соҳалар учун бир хил — универсал» эди. У аслида югославиялик кашшок бир Дунай қайикчисининг ўғли бўлиб, бир куни тунда отасининг мўъжазгина елканли қайиғи дон ташийдиган бахайбат пароход тагида қолиб кетади, отасининг вафотидан сўнг, ўшанда эндигина ўн иккини коралаган болакай шу яқин атрофдаги бир руҳоний томонидан раҳм-шафқат юзасидан ғараб олинади.

Меҳрибон руҳоний бу бефаҳм, тор пешона, оғзидан сўз олиб бўлмайдиган, қишлоқдаги мактабда савод чиқаришдан ҳам воз кечган болакайни тарбиялайман, деб роса куйиб-пишади ва бор кучини ишга солиб кўради. Бироқ, барча уринишлар зое кетади. Мирко олдиндан юз маротаба тушунтирилган имло белгиларига, ҳар сафар, худди биринчи марта кўраётгандай бакрайиб тураверар, имиллаган миясининг эса жўнгина сабоқларни ҳам эслаб қолишга қурби етмасди. Ҳатто ўн тўртга кирганидаям, мабодо бирор нарсани санашга тўғри келиб қоладиган бўлса, ҳар сафар у, албатта, бармоқларидан ёрдам олар, бирорта китоб ёки газета мутолаа қилиш эса шундай

бир ўсмир учун алоҳида машаққат талаб этарди. Аммо шундай бўлса-да, Миркони ишёқмас ёки қулоқсиз деб бўлмасди. У ўзига буюрилган нарсаларни бажону дил бажарар, сув ташир, ўтин ёрар, ҳамма қатори далада ишлар, ошхонани йиғиштирар, хуллас, талаб қилинган ҳар бир юмушни, одамнинг гашига тегадиган даражада имиллаб бўлса ҳам, пухта бажарарди. Саховатли қариянинг энг кўп хунобини чиқарадиган нарса — бу қайсар болакайнинг ҳамма нарсага мутлақо бефарқлиги эди. Агар алоҳида талаб қилинмайдиган бўлса, у умуман ҳеч нарса қилмас, ҳеч қачон савол ҳам бермас, бошқа болалар билан ҳам ўйнамас, токи буюришмагунча, ўздан билиб бирор юмушга қўл ҳам урмасди. Одатга кўра, Мирко кундалиқ уй ишларини уddалагач, худди отарига термулиб хаёл сураётган чўпонга ўхшаб, бўм-бўш нигоҳи билан хонанинг бир бурчагида жимгина ўтирар, атрофдаги воқеаларга эса заррача ҳам эътибор қилмасди. Кечкурунлари қария ўзининг узун ёғоч трубкасини сўрганча жандармерия вахтмайстери билан одатдаги уч партиялик шахматини ўйнаётганда эса, бу малласоч болакай уларнинг даврасига яқин жойда чўккалаб олар ва оғир қовоқларини осилтириб, ўйқусираганча бефарқлик билан чизикли тахтага термулиб ўтирарди.

Аёзли қиш кечаларининг бирида иккала шерик кундалиқ партияларига эндигина киришиб, завқ билан ўйнашаётган ҳам эдики, қишлоқ йўлида чананинг кўнғироқлари эшитилиб қолади. Кўнғироқлар жаранги борган сари яқинлашиб келиб, уларнинг яқинида тўхтади. Кўп ўтмай телпагини қор босган бир дехқон ҳовлиқиб кириб келади ва қари онаси ўлим тўшагида ётганини, руҳоний ўз вақтида зарур бўлган сўнгги маросимни бажо этиш учун шошилиши лозимлигини маълум қилади. Руҳоний шу захотиёқ у билан бирга жўнаб кетади. Жандармерия вахтмайстери эса ҳали пивосини ҳам ичиб улгурмаганди, шунинг учун кетиш олдидан трубкасини яна бошқатдан ўт олдиради ва эндигина мўйнали этигининг кўнжига оёқ тикмокчи бўлиб турганида, Миркони тугалланмаган партия терилган шахмат тахтасига диққат билан термулиб турган нигоҳини сезиб қолади.

— Хўш, ўйинни охирига етказиб қўйишни хоҳлайсанми? — дейди у ҳазил қилиб, чунки бу уйқусираб турган, қарахт болақай тахтадаги бирорта сипоҳни тўғри силжитишга ҳам ақли етмаслигига унинг ишончи комил эди. Бола журъатсизлик билан нигоҳини кўтаради ва «ха» деган маънода бош ирғайди ва руҳонийнинг ўрнига ўтиб ўтиради. Ун тўртинчи юришдан кейин жандармерия вахмайстери мағлуб этилади, тан олиш керак, унинг бу мағлубияти шунчаки тасодифий бой беришларнинг натижаси эмасди. Иккинчи партия ҳам худди шундай тугалланади.

Қайтиб келиши билан бу хабардан ёқа ушлаган руҳоний «Валаамнинг эшаги» бўлибди-ку, дея қичқириб юборади ва инжилни унча чуқур билмайдиган жандармерия вахтмайстерига ўгирилиб, бундан икки минг йил олдин ҳам шундай мўъжиза юз берганини, гунг ва соқов бир жонзот кутилмаганда тилга кириб кетиб, ҳатто унга ақл ҳам битганини тушунтириб ўтади. Анча кеч бўлиб қолганига қарамасдан, руҳоний бу чаласавод ёрдамчиси билан бир қўл куч синашишдан ўзини тийиб туролмайди. Мирко эса уни ҳам осонгина ютиб қўяди. У ўйнаганда сабр-тоқат билан, шошилмасдан, бутун диққатини жамлаб, торгина пешонасини шахмат доскасидан бир марта ҳам кўтармасдан ўйнади. Шу билан бирга, у ўта ишонч ва бамайлихотирлик билан ўйнади, ҳатто кейинги кунлардаги ўйинларда ҳам уни мағлуб этишга жандармерия вахтмайстерининг ҳам, руҳонийнинг ҳам қурби етмайди. Ўзининг калтафаҳм шогирдининг аҳволини ҳаммадан яхши биладиган руҳоний беихтиёр шу бир ёқлама ривожланган ғаройиб иқтидор жиддийроқ синовларга дош бера олармикин, деб ўйланиб қолади.

Қария Миркони сал эпакага келтириб, одамбашара қилиш мақсадида, унинг сарғиш пахмоқ сочларини қишлоқ сартарошига олдиргач, чанага ўтқизади-да, шу якин атрофдаги қўшни шаҳарчага жўнайди, чунки ўша ердаги бош майдон ёнида бир қахвахона бўлиб, унинг бурчагида ишқивоз шахматчилар йиғилишини у яхши билар, қолаверса, чолнинг ўзи ҳам ҳали уларнинг даражасига етмаган эди. Ушбу муқим даврада руҳонийнинг ўн

беш яшар, шолғомдай кизарган, малласоч бир ўспирин билан пайдо бўлиши, ҳамманинг қизиқишини уйғотди. Боланинг эғнида яғири чиккан пўстин, оёғида баланд кўнжли эски этик бўлиб, токи уни шахмат тахталаридан бирига чакиришмагунча, у бир чеккада ерга термулганча, бегонасираб тураверади. Ниҳоят ўйин бошланиб, биринчи партияда Мирко мағлуб этилади, чунки у хали сицилияча химоя усулини меҳрибон руҳонийнинг ўйинида ҳечам учратмаган эди-да. Аммо, иккинчи партиянинг ўзидаёқ у энг зўр ўйинчи билан дуранг курашди. Учинчи ва тўртинчи партиялардан бошлаб эса у ҳаммасини бирин-кетин йиқитиб ташлайверади.

Жуда камдан-кам бўлса-да, Югославиянинг провинциал шаҳарчаларида ҳам оламшумул воқеалар бўлиб туради. Шу қишлоқи чемпионнинг пайдо бўлиши ҳам маҳаллий зодагонлар учун ҳақиқий шов-шувга айланади. Хуллас, бу ғаройиб болакай сўзсиз яна бир неча кунга шаҳарчада қолиши керак, деган қарорга келинади, чунки шахмат клубининг бошқа аъзоларига, айниқса, шу яқин атрофдаги қасрнинг эгаси ҳамда шахмат ўйинининг ҳақиқий ишқибози кекса граф Зимчиг ҳам бу хабардан огоҳ қилиниши зарур эди. Руҳоний энди ўзининг шогирдига бошқача бир ғурур билан қарай бошлайди, аммо у ўзининг бу кашфиётчилик қувончи билан овора бўлиб, черковдаги якшанбалик маросимларини ўтказиб юборишни ҳам хоҳламайди. Шу сабабдан ҳам Мирко-ни кейинги синовлар учун бу ерда қолдириб кетишга тайёр эканлигини маълум қилади. Чентович шахмат ишқибозлари ҳисобидан меҳмонхонага жойлаштирилади ва шу куни биринчи марта ҳақиқий туалет нималигини кўради. Эртаси куни, яъни якшанба куни тушдан сўнг, шахмат ишқибозларининг бурчаги одам билан тўлиб кетади. Шахмат тахтаси олдида тўрт соат қимир этмай ўтирган Мирко бир оғиз сўз демасдан, ҳатто нигоҳини ҳам кўтармасдан, рақибларнинг ҳаммасини бирин-кетин енгиб бўлгач, ниҳоят симулант, яъни умумий партия ташкил этилади. Аммо, бу мактаб кўрмаган боланинг бунақанги бир вақтнинг ўзида бир кишининг кўпчиликка қарши ўйинини тушуниб олиши учун ҳам унчалик кўп

вакт керак бўлмайди. Мирко тез орада бу алифбони ҳам эгаллаб, ғайрат билан муаммонинг ечимига киришиб кетади. У ўзининг оғир ботинкасини ғирчиллатиб, шошилмасдан у столдан-бу столга судралиб ўтавериб, охири саккиз партиядан еттитасида ғолиб чиқади.

Хуллас, жиддий маслаҳатли кенгашлар бошланади. Гарчи ушбу янги чемпион тор маънода мазкур шахарга тааллуқли бўлмаса-да, маҳаллий миллий ғурурни яхшигина алангалантириб қўйганди. Мамлакат харитасида мавжудлиги шу пайтгача бирор кимса томонидан эътироф этилмаган бу кичкинагина шахарча ниҳоят, биринчи марта дунёга шундай бир машҳур инсонни чиқариб бериб, донг таратиши мумкин-ку. Маҳаллий гарнизоннинг ресторанига раққоса ва хонанда кизлар етказиб бериш билан шуғулланувчи Коллер исмли бир ишбилармон, агар унинг харажатлари кейинчалик қопланадиган бўлса, ушбу ўсмирни бир йилга веналик ажойиб бир уста шахматчи танишининг қўлида махсус таълим олишини таъминлашга тайёр эканлигини маълум қилади. Олтмиш йилдан бери шахматда ўзига муносиб рақиб кўрмаган граф Зимчиг дархол лозим бўлган бадални тўлашга розилик билдиради. Худди шу кундан эътиборан қайикчи ўғлининг ҳаётида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган муваффақиятлар бошланиб кетади.

Ярим йил деганда Мирко шахмат техникасининг деярли барча сирларини эгаллаб олади. Аммо, унда ғалати бир камчилик бор эди, бу ҳол кейинчалик ҳам мутахассислар томонидан кўп марта кузатилиб, уларнинг кулгуларига сабаб бўлади. Аслини олганда, Чентович бирортаям шахмат партиясини ҳаёлан қайта тиклай олмас, мутахассислар тили билан айтганда, кўзини юмиб ўйнолмасди. Шахмат тахтасини кўрмасдан туриб, уни ҳаёлан тасаввур қилиш қобилияти унга насиб этмаганди. Унинг олдида доим шу олтмиш тўрт хона ва ўттиз икки сипохи турган тўртбурчак оқ-қора тахта бўлиши шарт эди. У ҳатто мана шундай дунёга машҳур шахматчи номини олгандан кейин ҳам, агар унга бирорта мураккаб партияни ёки муҳим масалани ечиш зарур бўлиб қолса, сипоҳларнинг жойлашувини кўз ўнгида тасаввур

килиш учун, ўзи билан бирга тахланадиган миттигина чўнтак шахматини олиб юрарди. Аслини олганда, бу арзимас камчилик бўлса-да, у одамнинг тасаввур қилиш қобилияти йўқлигидан далолат берар, тор давраларда эса бу ҳол тез-тез турли хангомаларга сабаб бўларди, бу ҳол гўё уста созанда нота дафтарисиз ҳеч нарса ижро эта олмагандек эди. Лекин, бу камчилиги Миркoning омадли парвозига мутлақо ҳалақит бермасди. Ун етти ёшга етганда у ўнлаб шахмат совринларини қўлга киритади, ўн саккиз ёшида Венгрия, йигирмада эса жаҳон чемпиони бўлишга эришади. Худди Наполеон имиллаган Кутузовга, Ганнибал Фабиус Кунктаторга жангги бой берганидек, ақл-заковат, тасаввур ва журъат борасида ундан бир неча марта устун бўлган довюрақ чемпионлар ҳам Миркoning ўжар ва совуққон мантиғига қарши курашда қурбон бўлаверишади, қолверса, Ливиуснинг таърифига кўра, ўша Кунктатордаги лоқайдлик ва ақли ожизлик белгилари анча илгари, яъни унинг болалик чоғларидан бошлаб маълум бўлган экан. Хуллас, турли хил иктидор эгаларини, файласуфлар, математиклар, бадий ижод вакиллари кабиларни бирлаштирган уста шахматчилар галереясига маънавий олам учун мутлақо бегона бўлган, камгап, оғиртабиат қишлоқи бир болақай бостириб кириб келганди. Унинг камгаплигидан, ҳатто энг олғир журналистлар ҳам ундан бир оғиз гап суғуриб олишолмасди. Аммо, Чентовичнинг газеталардаги шовшувлардан яширган нарсаларининг ўрнини тез орада у ҳақдаги бир талай латифалар тўлдирарди. Гарчи шахмат столи атрофида тенги йўқ уста ўйинчи бўлса-да, у ердан кўзғалиши биланок, Чентович антиқа ва кулгили бир одамга айланиб қоларди. Устида қора силлиқ костюм, дур қадалган қистиргич тақилган дабдабали бўйинбоғи ва иштиёқ билан маникюр қилинган бармоқларига карамасдан, у ўзини тутиши ва қилиқлари билан ҳалиям ўша қишлоқда руҳонийнинг кулбасини супуриб юрган содда болақай бўлиб қолганди. У ўзининг шундай иктидори ва машҳурлиги ёрдамида иложи борица кўпроқ пул топишга интилар, бу мақсад йўлида эса, гоҳида ўта кўпол ва беўхшов зикналиклар ҳам қиларди. Бу нарса эса

хамкасбларининг гашига тегар ҳамда уларнинг пичингларига сабаб бўларди. У шахардан бу шахарга саёҳатлари чоғида бу чемпион энг арзон меҳмонхоналарда тўхтар, агар гонорар тўлашадиган бўлса, у энг ночор клубларда ҳам ўйнайверар, ҳатто ўзининг суратини арзимас совун рекламасига ҳам сотаверарди. Гарчи ракиблари унинг учта гапни қовуштириб ёза олмаслигини яхши билишса-да, уларнинг пичингларига эътибор ҳам бермасдан, у ўз номидан «Шахмат фалсафаси» деган китоб ҳам чикартирганди. Китоб аслида қандайдир тадбиркор нашриётчининг буюртмасига асосан галициялик бир қашшоқ студент томонидан ёзилган эди. Барча ўжар ва калтафаҳм табиатли одамлар сингари Чентович ҳам ҳазил нималигини тушунмас ва халқаро турнирда голибликни қўлга киритганидан буён у ўзини дунёдаги энг муҳим инсон деб ҳисобларди. Айниқса, у мана бу доно, зиёли, зукко нотиклару ёзувчиларнинг майдонларида туриб, уларнинг ўзларини мағлуб этгач ва чиндан ҳам улардан кўра кўпроқ пул топаётганини англаб етганидан кейин, ундаги аввалги бечоралик билан безовталиқ энди совуққон ҳамда бачкана ғурурга айланганди.

— Ахир, шундай тез келган шон-шуҳрат ушбу бўм-бўш каллани маст қилиб қўямасинми?, — деди дўстим ва изох тарзида Чентовичнинг болаларча манманлик билан жамиятда обрў топомқчи бўлганлиги билан боғлиқ яна бир-иккита қизиқ мисоллар келтирди. — Йигирма бир яшар қишлоқ ўсмири ўзига бино қўймай нима қилсин, ахир у ёғоч тахта устида бир тўп сипохларни у ёқдан-бу ёққа суриш билан шундай кўп даромад қилмоқдаки, бу пулни унинг ҳамқишлоқлари ҳаммаси бир бўлишиб, ўлиб-тирилиб бир йил ёғоч кесишса ҳам топиша олмайди. Бундан ташқари, агар калласида бир вақтлар Рембрант, Бетховен, Данте, Наполеон каби буюк сиймолар яшаб ўтганлиги ҳақида заррача тасаввур бўлмагандан кейин, одам ўзини буюк инсонлардай тутиши ҳам унчалик осон вазифа бўлмас экан. Унинг данакдай кичкина мияси фақатгина бир фикр билан банд, яъни бир неча ойдан буён у бирортаям партияни бой бермаганини ўйлайди, унинг учун дунёда шахмат ва пулдан бошқа

бирортаям кимматли нарса бўлмагандан кейин, албатта унинг ўз қилмишларидан мағрурланишига асоси бор-да.

Оғайнимнинг бу гаплари мендаги ўзига хос қизиқишнинг янаям ортишига ва алангаланишига туртки бўлди. Мономания билан, яъни ягона бир ғоя билан боғланиб қолиб, унинг чегарасидан чиқа олмайдиган одамларнинг турли хиллари анчадан бери мени қизиқтириб келар, чунки инсон бир томондан, қанчалик кўп чекланган бўлса, иккинчи томондан эса, у чексизликка шунчалар яқин бўлади, айнан ана шундай инсонлар ўзларининг ҳаёлий оламидаги махсус маконда худди термит чумолилар сингари ўз дунёларини яратишади. Мен ушбу антика мавжудотни Рио-де-Жанейрогача бўлган ўн икки кунлик саёхатим давомида яқиндан ўрганиш ниятим борлигини оғайнимга маълум қилдим.

— У холда, сизда имконият жудаям кам бўлади, — дея огоҳлантирди оғайним, — чунки, билишимча, ҳалигача бирор кимса Чентовичдан психологик тасвирга арзигулик ҳеч нарса суғуриб ололмаган. Бу одам ўзидаги бирёкламалик ва чегараланганлик билан бир қаторда, ўта ақлли ҳамдир, чунки у фақатгина ўзига яқин одамлар билан кичкинагина меҳмонхоналарда учрашувини ҳисобга олмаганда, бошқа ҳамма билан гаплашишдан ўзини олиб қочади. Агар у ўз ёнида билимли одам турганини сезиб қолса, шу захотиёқ худди шилимшиқ қуртдай ўз чиғаноғига кириб олади, шунинг учун ҳам ҳеч ким ундан ҳали бирорта аҳмокона сўз эшитгани ва дарҳақиқат, унинг калтафаҳмлигини баҳолай олганлиги билан мактана олмайди.

Бу маънода дўстим чиндан ҳам ҳақ бўлиб чиқди. Океан бўйлаб бошланган саёхатнинг биринчи кунларида Чентовичнинг ёнига қўполлик ишлатмасдан яқинлашиб бўлмасди, қолаверса, бунақа усул қўллаш мен учун умуман ёт эди. У гоҳида кема палубасида сайр қилар, худди ўша машҳур суратдаги Наполеон сингари қўлларини орқасига қилиб, ўйчан тарзда оғир қадам ташлар, аммо кимдир унга мурожаат қилиш учун зинадан кўтарилаётганини пайқаши билан палубадаги сайр кутилмаганда тўхтатиларди. Оммавий жойларда,

бар ва чекиш хоналарида уни ҳечам учратиб бўлмасди. Мен ишончига кириб улгурган бир кема хизматчиси, яъни бир стюарднинг маълум қилишича, у куннинг асосий қисмини каттакон шахмат тахтаси олдида турли ўйинларни таҳлил қилиш ва муаммоли масалаларни ҳал қилиш билан ўтказар экан.

Уч кундан кейин унинг химоя тактикаси менинг унга яқинлашиш истагимдан устун эканлигини тушуниб етиб, хунобим оша бошлади. Умримда ҳали менга ҳеч қачон бирорта шахмат устаси билан яқиндан танишиш имкони насиб этмаганди. Мана ҳозир мен шундай турдаги инсонни моҳиятан тушунишга қанчалик интилганим сари, бутун умрини фақатгина ана шу олтмиш тўрт катакдан иборат маконда ўтказадиган одамнинг фикрлаш усулини шунчалик ақлимга сиғдирилмаётган эдим. Ўз тажрибамга таяниб айтишим мумкинки, ушбу «шоҳлар ўйини»нинг мафтункорлик сирларини мен яхшигина тушунардим, чунки шахмат инсон ихтиро этган ўйинлар ичида вазият таъсиридан энг ҳоли ўйинлардан ҳисобланади. Ундаги ғолиблик гултожи фақатгина руҳиятга, тўғрироғи, руҳиятдаги биргина иқтидорга насиб этади, холос. Ахир, шахматни бор-йўғи «ўйин» деб аташ, эҳтимол, уни бироз таҳқирлаш билан тенг эмасмикин? Уни фан ҳам, санъат ҳам деб бўлмайди, у худди муқаддас Каъба тоши ер билан осмон ўртасида муаллақ тургани каби, унинг ўрни ҳам юқоридаги икки категория ўртасида қалқиб туради ва ўз моҳиятида бир-бирини инкор этувчи жуфт тушунчаларни мужассам этади: у ўта қадимий, лекин унинг охори абадий тўқилмайди, унинг қурилмалари механик бўлса-да, ўзи тасаввур оламини нурафшон этади, геометрик маконда чегараланган бўлса-да, ундаги комбинациялар чексиздир, тинимсиз такомиллашса-да, мутлақ ўзгаришсиз қолаверади, у шундай бир тафаккурки, унинг оқибатида ҳулоса кўринмайди, бу шундай математикаки, у ҳеч нарсанинг ҳисобини чиқариб беролмайди, бу шундай санъатки, унда шоҳ асарнинг ўзи йўқ, бу шундай меъморчиликки, унда девор йўқ. Аммо, у ўзининг борлигини ва борлигини ҳар қандай асарлару китоблардан ҳам кўра кўпроқ исбот этган, у барча за-

монларга ва барча халқларга тегишли ягона ўйиндир, зерикаш балосидан қутулиш, ақл тигларини чархлаш, эхтиросларни алангалантириш учун уни бу заминга қайси бир худо олиб тушганини ҳам ҳеч ким билмайди. Унинг ибтидоси қаерда-ю, интиҳоси қаерда, ҳар қандай болақай унинг асосий қоидаларини ўргана олади, ҳар қандай ҳаваскор ўзини бу ўйинда синаб кўра олиши мумкин, аммо мана шу ўзгармас тор катакларда шундай ўзига хос уста шахматчилар юзага келадики, уларни ҳеч ким билан тенглаштириб бўлмайди. Бундай одамларнинг фақат шахматга бағишланган иқтидори бўлади. Улар ўзига хос илми уммонлар бўлиб, улардаги иштиёқ, сабр-тоқат ва моҳирликнинг самараси математиклар, шоирлар ва мусиқачиларникидан кам бўлмайди, аммо бу бошқа даражада ва бошқача уйғунликда амалга ошади, холос. Бир замонлар, яъни физиогномик тадқиқотлар авж олган даврларда Галлга¹ ўхшаш бирортаси шахмат усталаридан бирининг миясини ўрганиб, уларнинг миясидаги ўша кулранг бўтқа ичида бошқа томирлардан кўра фаолроқ бўлган алоҳида бурама томирчами, шахмат мускулими ёки ғуррачасими борлигини аниқлашга уриниб кўрганда эди, уни масалан, Чентович албатта қизиқтирган бўларди. Чунки бекерак тоғ жинслари орасида олтин қони бекиниб ётганидек, унинг мутлақо тош қотган миясининг бир четида буюк бир истеъдод яшириниб ётарди. Умуман олганда, бунга ўхшаш буюк ўйин ўзига хос иқтидорларни юзага келтириши мумкинлигини мен яхши тушуниб турсам-да, бироқ руҳан соғлом бўлган одамнинг бутун умри давомида ўттиз икки сипоҳини шу торгина оқ-қора қизиклар орасида у ёқдан-бу ёққа, олдинга ва орқага бесамар силжитиш йўли билан ном таратишни хоҳлаши, бор-йўғи шахмат ўйини учун ёзилган қўлланманинг иловасидаги арзимас бир бурчакда исмини ўчмайдиган қилиб қолдириш истаги билан ёниши мени лол қолдирарди. Агар одамнинг

¹ Галль Франц Иосиф (1758–1828) – немис врач, френология деб аталган сохта фан асосчиси, у инсоннинг бош суягидаги шакл ва кабарик жойларга қараб, унинг қобилиятларини аниқлаш мумкин, деган тахминни илгари суради. (тарж.)

хаёли жойида бўлиб, ақлдан озмаган бўлса, у умрининг ўн, йигирма, ўттиз, қирк йили давомида тафаккурининг бор қувватини қайта-қайта фақатгина шу кулгили юришларга, яъни ёғоч қиролни шу ёғоч тахтанинг бир бурчагига тикиб қўйишга сарфлаши мумкинлиги тасаввуримга сиғмасди.

Хуллас, шундай бир феномен, шунака бир гений ёки ғаройиб бир мавжудот илк маротаба менинг шундоққина ёнгинамда, мен билан бир кемада, яна бор-йўғи олтита каюта нарида турар, мен эса унга яқинлашишга чора тополмасдим, оқибатда эса ушбу антиқа руҳий ҳолатга қизиқишим борган сари ортар, гўё бу иштиёқ ўз чегарасидан чиқиб кетаётганга ўхшарди. Ўзимча унга яқинлашишнинг ҳар хил йўларини кидира бошладим: унинг манманлигидан фойдаланиб, ўзимни фалон бир газетанинг муҳбири, деб таништираман ва ундан ўта бир муҳим интервью сўрасамчи ёки Шотландия бўйлаб саёҳат таклиф этиб, унинг очкўзлигини уйғотсам-чи. Шу пайт ёдимга овчиларнинг ўрмон қарқуроғини тузукқа илинтириш учун қўллайдиган бир айёрлиги тушиб қолди, улар бу қушни чорлаш учун модасининг овозини қилиб чақиривади. Мен ҳам ўзимни шахматчи деб эълон қилсам, балки бу уста шахматчининг эътиборини тортишим мумкиндир.

Мен шу пайтгача бирор марта ҳам шахматга жиддийроқ эътибор қилмагандим. Бунинг сабаби жуда оддий эди, чунки мен шахматга ўта енгил назар билан қарардим ва қолаверса, уни бир кўнгилочар ўйин деб ҳисоблардим. Мабодо шахмат тахтаси ёнида бир-икки соат қолиб кетадиган бўлсам ҳам, буни мен ўзимни зўрлаб эмас, балки ўзимдаги руҳий чарчокдан қутулиш учунгина қилардим. Бошқалар, яъни ҳақиқий шахматчилар шахматга жиддий ва илоҳий ўйин деб ёндашадиган бўлишса, мен шахматни тўғри маънода, яъни оддий ўйин деб «ўйнардим». Умуман, шахматда ҳам ишқ-муҳаббатда бўлгани каби битта шерик бўлиши талаб қилинади. Мен эса ҳали кемада мендан бошқа шахмат ишқибози борлигини ҳам билмасдим. Ана шундай ишқибозларни инларидан суғуриб чиқариш ниятида, мен чекиш залида сод-

дагина бир тузок қўйдим, яъни у ерга шахмат тахтасини олиб чиқдим-да, хотиним билан бирга ўйнай бошладим, энг кизиғи, рафикам бу борада мендан ҳам нўноқрок эди. Дархакикат, хийла иш бериб, биз ҳали беш-олти қўл юриб улгурмасимиздан, кимдир ўтиб кетаётиб тўхтади, яна бир киши ўйинни томоша қилишга рухсат сўраган бўлди, ниҳоят биттаси мен билан бир партия ўйнашни таклиф қилди. Бу айнан мен кўзлаган шерик эди. Унинг исми Мак Коннер бўлиб, у шотландиялик бурғуловчи инженер эди. Маълум бўлишича, у Калифорниядаги нефть бурғулаш ишларида яхшигина бойлик орттирган бўлиб, кўринишидан юзлари узунчоқ ва бўртиб чиққан, тишлари мустаҳкам, ўта пишиқ гавдали одам эди, тўлишган юзларининг ранги, яъни улардан қон томиб туриши эса, тахминимча, уни вискидан кўпроқ роҳатланишидан дарак бериб турарди. Унинг ўта кенг, худди полвонларникидек елкаси ўйин чоғида ҳам уни бесўнақай қилиб кўрсатарди. Мак Коннер табиатан шундай ўзига ишонган ва омадли одамлар тоифасига кирарди-ки, ўйиндаги хатто арзимас бой беришни ҳам, у гўё унинг ғурурини ерга уриш деб қабул қиларди. Ҳаётда ҳамма нарсага ўз кучи билан эришиб, ўз ютуқларидан роҳатланишга ўрганиб қолган бу одам ўз ҳаёлида ҳар қандай мақсадга ета оламан, деб ўйлар ва олдидаги ҳар қандай тўсиқни ноўрин бир нарсаси ёки салкам ҳақорат, деб ўйларди. У биринчи партиyani ютқазиб қўйиши биланок, тумтайиб қолди ва зўр бериб буйруқ оҳангида, бу унинг арзимаган эътиборсизлиги оқибати эканлигини батафсил тушунтира бошлади. Унинг учинчи партияда бой беришига эса қўшни хонадаги шовкин айбдор бўлди. У бирортаям партиyani бой беришни хоҳламас, бой берилган партияларни эса жавобсиз қолдирмасди. Аввалига унинг бунақа иззатталаблик билан жahl қилишларидан завқланган бўлсам, кейинчалик унга анча ўрганиб қолдим ва бу ҳолни ўзимнинг асл мақсадимга эришиш, яъни жаҳон чемпионининг эътиборини ўз столимизга тортиш учун зарур бўлган ва инкор этиб бўлмайдиган ҳолат, деб қабул қилдим.

Учинчи куни келиб мақсадим амалга ошди, тўғрироғи, фақат ярмигина амалга ошди. Чентович бизни

шахмат тахтаси олдида ўтирганимизни палубадаги ойналардан кўриб кузатганми ёки ўзининг иштироки билан чекиш залига эътибор қаратмоқчи бўлдим, ҳар ҳолда у кутилмаганда залга кириб келди. Унинг санъатига биздай нўноқларни қўл урганимизни кўриб, яқинроқ келди ва обрў сақлаган бўлиб узоқроқдан туриб бизнинг ўйинимизни билимдонларча кузатиб турди. Шу пайтда юриш навбати айнан Мак Коннерники эди. Аммо Чентович учун шу биргина юришнинг ўзи, бизнинг хаваскорларча уринишларимиз унинг мохирона иқтидори олдида арзимас эканлигини тушуниб етишга кифоя қилди. У худди китоб дўконида унга таклиф этилган ёмон детектив романи варақлаб ҳам кўрмасдан қайтариб жойига қўйган одамга ўхшаб, бепарво бир ишора билан столимиздан нари кетди ва чекиш залини тарк этди. «Кўрди-ю, дарҳол юзини бурди», дея ўйладим. Унинг бундай совук ва менсимай қарашидан бироз жаҳлим ҳам чиқди ва но-чорлигимни бироз юпатиш учун Мак Коннерга дедим:

— Юришингиз чемпионни унчалик завқлантирмади шекилли.

— Қанақа чемпионни?

Мен унга, ҳозиргина ўйинимизга менсимайроқ қараб, ёнимиздан ўтиб кетган одам шахмат бўйича жаҳон чемпиони Чентович эканлигини тушунтирдим. Биз иккаламиз унинг кибрини деб ғам чекмаслигимиз керакку, камбағалга ёвгон атала ҳам бўлаверади, дея қўшиб қўйдим. Аммо, менинг бу эҳтиётсизлик билан айтган гапим Мак Коннерга бутунлай бошқача таъсир қилди. У шу заҳотиёқ қизишиб кетди, ўйнаётган партиямиз ҳам эсидан чиқиб, ундаги шухратпарастлик хисси жўш ура бошлади. Унинг Чентович бортда эканлигидан хабари ҳам йўқ экан, энди Чентович албатта у билан битта партия ўйнаши лозим эди. У ҳали ҳаётида ҳечам жаҳон чемпиони билан ўйнамаган, фақат бир марта, унда ҳам қирқ киши бирварақайига ўйнаган, лекин ўшанда ҳам роса зўр ўйин бўлгани, ютишига бир баҳя қолганини эс-лади. Мен шу жаҳон чемпионини шахсан танийманми? Мен инкор этдим. Мен ундан бизнинг столимизга кели-шини илтимос қила оламанми? Мен Чентовичнинг янги

танишувларни унчалик хушламаслигини бахона қилиб, бу таклифни ҳам рад этдим. Ундан ташқари, биздек бир учинчи табақали ўйинчилар билан ўралашиб юриш, шундай бир чемпионга унчалик завқ бағишламаса керак, дея қўшиб қўйдим.

Умуман олганда, Мак Коннердек бир иззатталаб кимсага учинчи табақадаги ўйинчилар, деган гапни айтмасам бўларкан. У жаҳл билан гапларимни инкор этди ва қатъий тарзда, бу гапга унчалик ишонмаслигини айтди. Чентович зиёли бир жентельменнинг одоб билан қилинган таклифни рад этмаса керак, ҳарҳолда, масаланинг бу томонини у ўз бўйнига оладиган бўлди. Унинг бу ниятидан кейин, мен унга ушбу жаҳон чемпионининг шахси ҳақида бироз тушунтириш бердим. Мак Коннер бизнинг шахмат тахтамизга қўл силкиди-да, ховлиққанча палубада Чентовични қидириб кетди. Агар бунақа елкадор, баҳайбат одам бирор нарсага қарор қилса, уни бу фикрдан зўрлаб қайтариб қолиш амримахол эканлигини мен яна бир бор ҳис этдим.

Мен уни сабрсизлик билан кута бошладим. Ўн дақиқалардан кейин Мак Коннер бироз кайфияти тушган ҳолда қайтиб келди.

— Ҳуш, — сўрадим мен.

— Ростдан ҳам ҳақ экансиз, — деди у ғазабини босолмай. — Унчалик хушмуомала одам эмас экан. Бориб саломлашдим, ўзимни таништирдим, кимлигимни айтдим. У эса менга қўлини ҳам узатмади. Мен унга, агар у биз билан биттагина симултант партия ўйнаб берса, биз кемадаги ҳаммамиз ундан миннатдор бўлиб, фахрланган бўлардик, дедим. Аммо у пинагини ҳам бузмади ва ўзини жуда афсусдалигини, чунки унинг турнир ташкилотчилари билан тузган шартномасидаги мажбуриятларига биноан, у бутун саёҳат давомида гонорарсиз бирорта-ям ўйин ўйнаши мумкин эмаслигини, гонорарининг эса бир партия учун энг кам миқдори икки юз эллик доллар эканлигини айтди.

Мен кулдим.

— Ҳаёлимга бундай фикр умуман келмаган экан, қандай қилиб сипоҳиларни оқ катакдан қорасига су-

риш билан пул ишлаш мумкин. Сиз, албатта бу таклифни мулойимгина қилиб, рад этган бўлсангиз керак.

Аммо, Мак Коннернинг кўриниши жиддий эди.

— Партия эртага тушдан кейин соат учга белгиланди. Шу ерда, чекиш залида. Умид қиламанки, биз ўзимизни осонгина лойга булашларига йўл қўймаймиз.

— Қанақасига? Сиз унга икки юз эллик доллар беришга рози бўлдингизми, — дея бақирдим бу ҳолдан ҳайрон бўлиб.

— Нима бўпти? *C'est son métier.*¹ Агар менинг тишим оғриб қолса ва бортда тиш доктори топилса, мен ундан тишимни текинга суғуриб ташлашини илтимос қилолмайман-ку. Қиммат нарх қўйиб тўғри қилади. Ҳар қандай соҳадаям зўр усталар доим ишбилармон бўлишади. Менга ёққани, савдо қанча ошқора бўлса, шунча яхши. Қандайдир бир жаноб Чентовичнинг марҳаматига бош эгиб, охирида яна унга таъзим қилгандан кўра, мен унга нақдини тўлайман. Қолаверса, ўзимизнинг клубда, гарчи мен ҳеч қандай жаҳон чемпиони билан ўйнамаган бўлсам ҳам, бир кечанинг ўзида икки юз эллик доллардан ҳам кўпроқ ютқизганман. «Учинчи табақадаги» ўйинчи учун қандайдир Чентовичдан енгилиш унчалик уяларли ҳол ҳам эмас.

Арзимаган «учинчи тоифа» деган сўз билан Мак Коннернинг иззат-нафсига қанчалар озор бериб қўйганимни энди англай бошладим. Аммо, ушбу қимматга тушган ҳазилимнинг харажатини у тўламоқчи экан, унинг бу ноўрин манманлигига монелик қилгим келмасди, қолаверса, ниҳоят мен режа қилган ўша ғаройиб танишувни ҳам ваъда қилмоқда. Биз тезлик билан шу атрофдаги ўзларини шахматчи деб маълум қилган жанобларни кутилаётган тадбирдан хабардор қилиб чиқдик. Бундан ташқари, ўйин чоғида нафакат ўзимизнинг столимизни, балки бошқа столларни ҳам банд этмасликларини ва ўтган-кетган одамларни ўйинга халакит бермаслигини ҳам илтимос қилдик.

¹ Бу унинг касби-ку (франц.).

Эртаси куни келишилган соатда бизнинг кичкина гурухимиз жамулжам бўлди. Чемпионнинг каршисидаги марказий жой, табиийки, Мак Коннерга ажратилди. У асабийлашмасликка ҳаракат қилиб, аччиқ сигарадан бирининг кетидан иккинчисини тутатар ва безовталаниб тинмай соатига қарарди. Аммо чемпион, роппа-роса ўн дақиқага ушланиб қолди. Оғайнимнинг хикояларидан хулоса қилиб, мен ҳам ундан шунга ўхшаш бирорта қилиқ кутган эдим, ўйлаганимдай бўлиб чиқди. Ўзини ўн дақиқа куттирган Чентович, кўзлаганидек, ўз қимматини янада оширган бўлди. У ўта салобат билан, битта-битта босиб столга яқинлашди. Манмансираб, ҳатто ўтирганларга салом ҳам бермади ва ҳақиқий усталардек совуққонлик билан ўйин шартларини тушунтира бошлади.

— Менинг кимлигимни биласизлар, менга эса сизларнинг кимлигингизни қизиғи йўқ.

Кемада симултант партия ўйнаш учун етарлича шахмат тахталари топилмагани учун, у ҳаммамизни биргаликда келишиб унга қарши ўйнашимизга рухсат берди. Ўз навбатини юриб бўлгач, бизнинг мунозарамизга ҳалакит бермаслик учун, у хонанинг нариги четига бориб ўтириб турадиган бўлди. Биз ўз юришимизни амалга ошириб бўлгач, кемада зарур кўнғироқча йўқлиги туфайли, бир шиша идишга қошиқ билан чертиб, уни огоҳлантиришимиз лозим эди. Ўйлаш учун энг кўпи билан, агар бошқа таклиф бўлмаса, ўн дақиқа вақт берадиган бўлди. Биз худди ақлли ўқувчилардек унинг ҳамма шартларини қонда сифатида қабул қилдик. Ранг танлашга келганда, Чентович бизга ён берди ва қоралар билан ўйнайдиган бўлди. У тик турган жойида биринчи жавоб юришини тугатди-да, шу заҳотиёқ ўзига ажратилган кутиш жойига ўтиб ўтирди ва хотиржамлик билан қандайдир рангли журнални варақлай бошлади.

Партиянинг ахволини гапирмаса ҳам бўлади. У қандай тугаши лозим бўлса, худди шундай тугади, тўғрироғи, йигирма тўртинчи юришда бизнинг гуруҳ ер билан яксон қилинди. Гарчи, бутун бошли жаҳон чемпионининг беш-олтита чаласавод шахматчини бир уринишда йиқитиши одатий ҳол бўлса-да, бизга алам қиладигани Чентович-

нинг калондимоғлиги эди. У хар сафар тахтага менсимасдан кўз югуртирар, бизга эса эътибор ҳам қилмасдан ўтиб кетар, унинг назарида биз ҳам ёғочдан ясалган фигураларга ўхшардик, унинг бу қиликлари, худди дайди кўтир итга ювинди ташлаётган одамнинг ҳаракатини эслатарди. Менимча, унда агар озгина бўлса ҳам ширин муомала бўлганда эди, ўйин чоғида у бизнинг арзимас хатоларимизни кўрсатиши, ҳеч бўлмаганда, бир-икки оғиз гап билан бизни руҳлантириб қўйиши мумкин эди. Аммо ушбу шахмат автомати, ҳатто ўйинни тугатиб, «мот» деган сўзни айтганидан кейин ҳам, яна бирор киши у билан бир-икки партия ўйнашни хоҳлармикан, деган маънода стол олдида миқ этмай қотиб турарди. Мен бу беўхшов қўполликдан ранжиб, бир қўл силташ орқали ушбу танишув тадбири тугаганини эндиgina намойиш қилмоқчи бўлиб, ночор ўрнимдан тураётган ҳам эдим, бахтга қарши, қутилмаганда Мак Коннернинг «рванш», деган хайқириғи эшитилди.

Бундай талабкор оҳангни эшитиб кўрқиб кетдим. Айни чоғда у одобли жентельмендан кўра, рақибига ҳал қилувчи зарба беришга шайланган боксчига кўпроқ ўхшаб кетарди. Чентовичнинг бизга қилган беҳурмат муомаласиданми ёки ўзининг чегарадан чиқиб кетадиган ғазабиданми, хар ҳолда, Мак Коннернинг ҳолати мутлақо ўзгарган эди. Унинг юзлари, ҳатто мўйловининг томирларигача қизариб кетган, бурун катаклари таранг тортган, пешонасини тер босган, ғазаб билан лабларини қаттиқ тишлаганидан, олдинга туртиб чиққан иягида чизиқча ҳам пайдо бўлганди. Унинг кўзларида ёввойи эҳтирос учқунини кўриб, бироз саросимага тушдим. У худди олти-етти сафардан буён керакли ранг тушмаётган, лекин тиккан пуллари икки баробарга ортиб кетган рулетка ўйнаётган ишқивозни эслатарди. Айни чоғда ушбу фанат бир марта бўлса ҳам, шу шуҳратпараст Чентовични ютиш учун бутун бойлигини тикиб, қайта-қайта ўйнашга тайёр эканлиги кўриниб турарди. Агар Чентовичнинг сабри чидаса эди, Буэнос-Айресгача Мак Коннердай олтин ўрадан икки-уч минг доллар кавлаб олган бўларди.

Чентович пинагини ҳам бузмади.

— Марҳамат, — деди у ширинсўзлик билан, — жаноблар энди қора билан ўйнашади.

Агар бир-иккита иштиёқмандлар хисобига бизнинг даврамиз нафақат кенгайгани, балки сал-пал жонланганини ҳисобга олмаганда, иккинчи партияда ҳам деярли ўзгариш сезилмасди. Мак Коннер шахмат тахтасига шундай бир ўткир назар билан боқардики, ғолиб чиқиш учун у гўё нигоҳи билан шахмат сипоҳларини сеҳрламоқчига ўхшарди, у қаршисидаги рақибнинг башарасига «мот», деб қувонч билан хайқириш учун минг доллардан воз кечишга ҳам тайёр эканлигини сезиб турардим. Аввалги партияга қараганда энди ҳар бир юриш ўта иштиёқ билан муҳокама қилинар, Чентовични столимизга чақиришдан олдин, сўнгги лаҳзаларгача у ёки бу йўлни ўйлаб кўрардик. Ун еттинчи қўлга келиб, ўзимиз ҳам билмаган ҳолда, бизни биров шошириб қўядиган қулай бир вазиятга тушиб қолдик, чунки биз с қаторидаги пиёдани с1 катаккача олиб боришга муваффақ бўлгандик, энди фарзинни қўлга киритишимиз учун, уни с1 катакка сурсак кифоя эди. Умуман олганда, ушбу бизни қизиқтираётган устунлик ва яққол кўзга ташланиб турган имкониятдан биз ўзимизни унчалик бемалол ҳис этмасдик, чунки бу вазиятни анча олдиндан била оладиган Чентович томонидан атайлаб, бизни чалғитиш учун қўйилган кўринмас тузоқ бўлса керак, деб гумон қилардик. Аммо биргалашиб қанча музокара қилмайлик, йўл қидирмайлик ушбу айёрликни жиддий қабул қилгимиз келмасди. Ниҳоят, ўйлашимизга ажратилган вақт тугашига бир неча лаҳза қолганида, биз шу юришни амалга оширишга қарор қилдик. Мак Коннер пиёдани охириги катакка сураман деб, эндигина қўл чўзган ҳам эди-ки, кимдир астагина, лекин қатъий оҳангда шивирлади:

— Худо хайрингизни берсин! Йўқ!

Беихтиёр ҳаммамиз унга қарадик. Бу тахминан қирк беш ёшлардаги бир жаноб бўлиб, олдин ҳам палубада унинг озғин, жиддий ва бўрдай оппоқ юзига кўзим тушгандай эди. У даврамизга кечроқ, яъни биз қизишиб

муҳокама қилаётган чоғда келиб қўшилганга ўхшайди. Бизнинг эътиборимизни сезгач, у катъий оҳангда тушунтира бошлады:

—Агар ҳозир фарзинни олсангиз, у *c1* катакдаги фил билан уради, уни сиз от билан йикитасиз. Аммо у ўзини эркин турган пиёдаси билан *d7* катакка юради-да, рухга таҳдид қила бошлайди. Сиз шунда от билан «шоҳ» берсангиз, тўққиз ёки ўнинчи юришдан кейин ўйинни бой берасиз. Худди шундай вазиятни 1922 йилда Пестье-нидаги катта турнирда Алехин Боголюбовга қарши қўллаган эди.

Мак Коннернинг хайрати ҳам бизникидан кам эмасди. У беихтиёр пиёдани қўйиб юборди ва кутилмаган нажот фариштаси каби осмондан тушган бу одамга бақрайиб қолди. Тўққизта юришни олдиндан ҳисобини ололган одам, албатта, олий тоифали мутахассис бўлиши керак. Менимча, у чемпионнинг рақиби, у ҳам айнан ана шу турнирга кетаётгандир. Унинг кутилмаганда келиб қолиши ва айнан оғир лаҳзаларда вазиятни қўлга олиши қандайдир нотабий ҳол эди. Биринчи бўлиб Мак Коннер ўзини ўнглаб олди.

—Сиз нима маслаҳат берган бўлардингиз, — деди у хаяжон билан шивирлаб.

—Ҳозир буни юрманг, унинг ўрнига чап бериб кўринг! Энг аввал шоҳни мана бу хавфли *g8* катакдан *h7* га ўтказинг. Шунда, менимча, у хужумни бошқа қанотга ташлайди. Бироқ, сиз ў ҳолда фарзинни *c8* дан *c4* га ўтказиб қаршилиқ қиласиз. Шунда у иккала қанотдаги имкониятини ҳам йўқотади ва бир пиёдадан ҳамда буткул устунликдан воз кечишига тўғри келади. Ундан кейин эркин пиёдага қарши эркин пиёдангиз бўлади, агар химояни тўғри ташкил эта олсангиз, ҳалиям бўлса, дуранг қилишингиз мумкин. Бу ерда бошқа нарса ўйлаб топишнинг иложи йўқ.

Биз яна бақрайганча унга термулиб қолдик. Ундаги ҳисоб-китобларнинг тезкорлиги ва аниқлиги бизни лол қолдирганди, у гўё ушбу юришларни қандайдир бир рисоладан ўқиб бераётгандай эди. Нима бўлганда ҳам, унинг ўйинга аралашиши эвазига бизнинг бутун бошли

жахон чемпиониға қарши партиямизда дуранг имкониятини пайдо бўлиши, худди тушга ўхшарди. У шахмат тахтасини бемалол кўрсин, деган ниятда ҳаммамиз дарҳол четроққа сурилдик. Мак Коннер яна бир бор сўради:

– Шундай қилиб, шохни *g8* дан *h7* га?

– Худди шундай! Биринчи бўлиб четга ўтиш керак!

Мак Коннер у айтгандек қилди ва биз стаканни чертдик. Чентович одатдагидай бепарво қадамлар билан столимизга яқинлашди ва бир қарашдаёқ жавоб юришини баҳолади. Сўнг, худди бизнинг нотаниш халоскоримиз айтганидай, шох турган қанотдаги пиёдани *h2* дан *h4* га юрди. Халоскоримиз эса, ҳаяжон билан яна шивирлай бошлади:

– Фарзинни олдинга, фарзинни олдинга, *c8* дан *c4* га. Шунда у аввал пиёдани ҳимоя қилишга мажбур бўлади. Аммо, бу унга ёрдам бермайди! Сиз унинг эркин пиёдасига эътибор ҳам қилмасдан *d3* даги от билан *e5* га урасиз, қарабсизки, мувозанат қайта тикланади. Ҳимоя қилиш ўрнига бор ғайрат билан ҳужумга!

У нимани ўйлаётганини биз тушунмасдик. У айтаётган нарсалар биз учун хитойчага ўхшарди. Аммо, Мак Коннер сеҳрлаб қўйилгандек, ўйлаб ҳам ўтирмасдан у айтган томонга тош суларди. Чентовични чақириш учун биз яна стаканни чертдик. Бу сафар у биринчи марта бепарволик билан эмас, балки диққат билан тахтага термулди. Беихтиёр қошлари тугилди. Сўнгра, худди нотаниш кимса айтгандай юрди-да, кетишга шайланди. У эндигина ўтирган жойига қайтиб кета бошлаган ҳам эдики, биз умуман кутмаган ва янги бир ҳол юз берди. Чентович беихтиёр нигоҳларини кўтарди ва диққат билан бизнинг сафимизни кўздан кечириб чиқди. Афтидан, у бундай қаршилиқ қуввати кимдан чиқаётганини аниқламоқчиға ўхшарди.

Шу лаҳзадан бошлаб биздаги қувончнинг чегараси йўқ эди. Шу пайтгача биз бирор нарсага жиддийроқ умид ҳам қилмасдан ўйнаётган эдик. Ниҳоят Чентовичнинг совуқ манманлигини синдириш мумкинлиги ҳақидаги фикр томиримиздаги қонни илита бошлаганди. Мана, янги шеригимиз навбатдаги юришни ниҳоясига

етказди, энди Чентовични чакирсак бўлади, қошиқни стаканга ураётган чоғда, ҳатто бармоқларим ҳам титраб кетди. Нихоят, бизнинг биринчи тантанали қувончимиз. Шу чоккача факат тик туриб ўйнаётган Чентович бу сафар асабийлашаверди, асабийлашаверди ва ниҳоят, ўтириб қолди. У жуда секин ва оғир юк билан тиз чўкди, шу билан унинг манманлигига ҳам чек қўйилди, ташкаридан қараганда эса, энди бизнинг у билан тенг эканлигимиз тан олинганди. Бу нарса ҳеч бўлмаганда, инсон сифатида бизнинг у билан бир хил даражада эканлигимизни эътироф этишимиз учун ҳам жуда муҳим эди. У узоқ ўйлади, унинг нигоҳлари гўё шахмат тахтасига сингиб кетгандай эди. Қорайган ковоклари остидаги кўз қорачиқлари гўё ғойиб бўлган, қаттиқ ўйлаганидан унинг оғзи бироз очилган бўлиб, бу унинг думалоқ юзига қандайдир лакмалик соясини ташлаб турарди. Чентович яна бир неча дақиқа ўйлаб кўрди-да, тошни юриб ўрнидан кўзғалди. Дўстимиз яна шивирлай бошлади:

— Вақтдан ютмоқчи бўлаяпти! Яхши ўйланган! Аммо бунга чув тушманг! Тош бериб хужум қилинг, албатта тош бериб, ўшанда дурангга эришамиз ва унга энди ҳеч қайси худоси ёрдам беролмайди.

Мак Коннер унинг айтганини қилди. Кейинги юришларда улар иккаласининг ўртасида бизга тушунарсиз бўлган у ёқдан-бу ёққа тош суришлар бошланди, иккаласи ўртасида деганимга сабаб, биз аллақачон ҳеч нарсани тушунмайдиган бўм-бўш ҳисобчиларга айланиб қолгандик. Тахминан еттита юришдан сўнг Чентович узоқ ўйлаб кўриб, «дуранг», деб эълон қилди.

Бир дақиқа ўртага ўлик сукунат чўкди. Бирданига тўлқинларнинг шовуллаши ва радиодаги жаз оҳанглари эшитила бошлади, палубадаги ҳар бир қадам ва ҳатто дераза тиркишларидан кираётган шабаданинг ўта майин шивирлаши ҳам сезила бошлади. Ҳаммамиз нафасимизни ичимизга ютгандик, бу ахир умуман кутилмаганда юз берди-да, қолаверса, кўз кўриб қулоқ эшитмаган бу ҳолдан бироз кўрқиб ҳам кетгандик. Ахир бир нотаниш кимса нақд ярми бой берилган партияда жаҳон чемпиони ўз ҳукмига бўйсундирган бўлса. Мак Коннер

биринчи бўлиб қаддини ростлади, унинг ичига тушиб кетган нафаси лабларидан завқ билан айтилган «эх» деган сўзга айланиб чиқди. Мен эса тинмай Чентовични кузатардим. Назаримда, сўнгги юришлар вақтида у докадай оқариб кетганди. Бироқ, у ўзини тутишни яхши билар, шунинг учун ҳам ташки хотиржамлиги ва совуқконлигини сақлаб қолганди. У шахмат тахтасидаги сипоҳларни бамайлихотир четга сура туриб, куруқкина оҳангда сўради:

— Жаноблар яна учинчи партияни ҳам хоҳлайдиларми?

У бу саволни ўта расмий ва ўта катъий оҳангда ўртага ташлади. Аммо, энг эътиборлиси шунда эдики, у бу пайтда Мак Коннерга эмас, балки тўппа-тўғри бизнинг халоскоримизга термулиб турарди. Худди айғирлар узангининг зўрлигига қараб ҳақиқий чавандозни англашгани каби, у ҳам охириги юришлар чоғида ўзининг чинакам жиддий рақибини аниқлаб олганга ўхшарди. Биз ҳам беихтиёр унга қўшилиб, ҳаяжон билан нота-ниш кишига қараб қолдик. У киши ҳали ҳушини йиғиб олиб, жавобга оғиз очишга ҳам улгурмасдан, Мак Коннер кўтаринки бир иштиёқ билан тантанали тарзда гап бошлади:

— Албатта, бу табиий ҳол! Бироқ, энди бир ўзингиз у билан ўйнайсиз! Ёлғиз ўзингиз Чентовичга қарши!

Шу пайт бирданига умуман ҳаёлга келмаган бир ҳолат содир бўлди. Нотаниш киши, афтидан, боядан буён йиғиштириб олинаётган шахмат тахтасига термулиб, ҳаёл суриб турган экан шекилли, ҳамманинг унга қараб турганини ва қизиқиш билан мурожаат қилаётганини кўрди-ю, эсанкираб қолди. Ҳатто, бутун гавдаси қандайдир ўнғайсиз ҳаракатлар қилгандай бўлди.

— Ҳеч ҳачон, жаноблар, — дея дудукланди у хижолат тортиб. — Бу мутлақо мумкин эмас ... Мени умуман ҳисобдан чиқариб ташланг ... мен ахир йигирма, йўқ йигирма беш йилдан бери бирортаям шахмат тахтасига яқинлашмаганман ... Ўйинингизга берухсат аралашиб, қанчалар аҳмоқлик қилиб қўйганимни энди тушунаяпман. Илтимос, шошқалоқлигимни кечиришин-

гизни сўрайман. ... Табиийки, бу ёғига умуман халақит қилмайман, — деди у ва биз ҳали ўзимизга келиб улгурмасданок, шоша-пиша зални тарк этди.

— Ахир, бунака бўлиши мумкин эмас, — дея бақирди қизиққон Мак Коннер ғазаб билан столни муштлаб. — Бу одамнинг йигирма беш йилдан бери шахмат ўйнамагани, мутлако мумкин эмас! У ахир, ҳар бир юришни, ҳар бир қарши фикрни беш-олти қўл олдиндан билди-ку. Бундай иш хамманинг ҳам қўлидан келмайди. Бу мутлако мумкин эмас, мутлако, тўғрими?

Сўнгги савол билан Мак Коннер беихтиёр Чентовичга мурожаат қилди. Аммо, чемпион мик этмасдан совуққонлигини сақлаб турарди.

— Мен бу ҳақда гаплашишни истамаган бўлардим. Аммо, ҳар ҳолда бу жаноб анчагина бошқача ва қизик ўйин кўрсатди, шунинг учун ҳам мен унга атайлаб яна бир имконият бердим.

У хотиржам ўрнидан тураётиб, ўзига хос расмий тарзда қўшиб қўйди.

— Мабодо ушбу жаноб ёки шу ердаги жаноблардан бирортаси яна янги партия ўйнашни ният қилишса, эртага соат учдан кейин мен сизнинг ихтиёрингиздаман.

Биз эса шу лаҳзаларда мағрур жилмайишдан ўзимизни тутиб тура олмасдик. Чунки Чентович бизнинг нотаниш халоскоримизга мурувват юзасидан имконият бермаётгани, бу гапларни эса у ўзининг ночорлигини яшириш учун, бир ниқоб сифатида айтаётганини ҳар биримиз яхши англаб турардик. Димоғдор ва совуққон бир такаббурни энди шундай чорасиз ҳолатда кўриб туриш, биздаги иштиёкни янада ошира бошлаганди. Кемада хотиржам ва тинчгина кетаётган йўловчиларни тўсатдан ёввойи бир жўшқин кураш иштиёки камраб олганди, чунки айнан бизнинг кемамизда, океаннинг қок ўртасида, шахмат чемпиони голиблик гултожидан айрилиши мумкинлиги, янги рекорд ўрнатилиши ва дунёнинг барча телеграф идоралари бу хабарни бутун жаҳонга яшин тезлигида тарқатиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар бизга тинчлик бермаётган ва ҳаракатга ундаётганди. Ундан ташқари, бу ерда қандайдир сирли жумбок

хам бизни ўзига тортарди, чунки энг оғир вазиятда кутилмаган тарзда бизга халоскор етиб келиши ва ундаги ҳақиқий шахмат усталаридек ишонч билан бирга ғалати ҳадиксираш ва камтарликнинг бир-бирига мос келмаётгани ҳам бизни қизиктириб қўйганди. Бу нотаниш одам аслида ким экан-а? Бу ерда балки, ҳали кашф этилмаган шахмат генийси пайдо бўлдимикин? Балки, машҳур бир шахмат устаси номаълум сабабларга кўра ўз номини биздан яширдимикин? Шунга ўхшаш мулоҳазаларни ҳаммамиз шоша-пиша ўртага ташладик, лекин ушбу курук тахминлар нотаниш кимсанинг кишини лол қолдирувчи билимлари ва қойилмақом ўйинининг сабабини ойдинлатиш учун камлик қиларди. Лекин ҳаммамиз бир қарор устида, яъни кутилаётган янги шахмат курашидан воз кечмаслик фикрида яқдил эдик. Эртага Чентовичга қарши бўладиган партияда халоскоримизнинг ўйнаши учун ҳар қандай усулни қўллаб бўлса ҳам, уни кўндиришга уриниб кўришга қарор қилдик. Масаланинг моддий жиҳатини эса Мак Коннер ўз бўйнига оладиган бўлди. Бу орада кема стюардидан суриштирилиб, унинг австриялик эканлиги аниқланди ва у менинг ҳамюртим бўлгани учун ҳам, илтимосимизни унга етказиш менга топширилди.

Шошилинч кетиб қолган ҳамюртимни палубадан кидириб топиш учун кўп вақтим кетмади. У палубадаги йиғма креслода чалқанча ётиб олиб, ўқиш билан машғул эди. Яқинроқ боргач, мен уни яхшироқ кузатиш имконига эга бўлдим. Сочлари силлиқ таралган, боши ёстиққа ҳорғин чўккан, оппоқ сочлари ковокларини ёпиб турар, рангпар, аммо навқирон кўринадиган юзи эса яна эътиборимни тортди. Нима сабабданлигини билмадим-у, лекин бу одам тўсатдан кексайиб қолгандек таассурот уйғотарди. Яқинига боришим билан у ўрнидан турди ва ҳурмат билан ўзини таништирди. Исми-шарифидан бу одам Австриянинг обрўли оилаларидан эканлиги маълум бўлди. Мен шундай фамилия эгаларидан бири Шубертнинг энг яқин дўстларидан эканлигини, яна бири эса ўша даврда қирол табибларидан бири бўлганлигини эсладим. Мен доктор Б.га илтимосимизни етказишим би-

лан у саросимага тушиб қолди. Бу ҳол унинг шундай машхурликка эришган жаҳон чемпиони билан бўлган ўйиндан мутлақо хабари бўлмаганидан дарак берарди. Билмадим нима сабабдан, аммо мен айтаётган гаплар уни кизиқтира бошлади ва ўзининг рақиби ҳақиқатан ҳам машхур жаҳон чемпиони эканлигига ишонч ҳосил қилди. Бу эса, ўз навбатида, менинг вазифамни анча енгиллаштиргандай бўлди ва масаланинг моддий томони Мак Коннер томонидан ҳал этилиши ҳақида атайлаб гапирмадим. Доктор Б. бирмунча вақт ташвишланиб турди ва охири битта ўйин ўтказишга тайёрлигини маълум қилди. Аммо, жаноблар унинг имкониятига унчалик катта умид боғламаса ҳам бўлишини айтиб илтимос қилди.

— Чунки, — деди у паришон жилмайиб, — мен аслида ҳақиқий шахмат партиясини барча қонун-қоидалари билан ўйнашни ростдан ҳам билмайман. Илтимос, менга ишонишингизни истардим, бу ортиқча камтаринлик эмас, ростдан ҳам мен гимназия давримдан, тўғрироғи, йигирма йилдан кўпроқ даврдан бери бирор мартаям шахмат тошига қўл ҳам тегизмаганман. У пайтларда эса ўзим ҳам ҳали шахматни дурустроқ ўйнай олмасдим.

У бу гапларни шундай табиий тарзда айтардики, менда уларнинг самимийлигига заррача ҳам шубҳа туғилмади. Шунга қарамасдан, мени лол қолдирган ҳолнинг, яъни у чемпионларнинг ҳар бир комбинацияларини алоҳида-алоҳида эслаб қолиш учун, ҳеч бўлмаганда шахмат назарияси билан кўп шуғулланган бўлиш кераклигини айтдим. Доктор Б. яна бир бор ўзига хос бир завқланиш билан жилмайди.

— Ҳа, кўп шуғулланганман! Худо шоҳид, шахмат билан кўп шуғулланганман, деб бемалол айтишим мумкин. Аммо бу ҳол мутлақо бошқача, фақатгина бир марта бўладиган, бошқа қайтарилмайдиган шароитда юз берган. Бу ўта оғир ҳикоя, аммо у ҳозирги фаровон кунларимиз учун озгина бўлса ҳам фойда келтирган бўлса ажаб эмас. Агар, ярим соатлик сабр-тоқатингиз бўлса ...

У ёнидаги креслога ишора қилди. Мен эса унинг таклифини бажону дил қабул қилдим. Атрофимизда ҳеч

ким йўқ эди. Доктор Б. кўзидан ойнагини олиб, бир четга қўйди-да ҳикоясини бошлади.

— Сиз оиламнинг номини веналиклар сифатида ўта хурмат билан тилга олдингиз. Аммо бир вақтлар отам билан иккаламиз бошқарган, кейинчалик мен раҳбарлик қилган адвокатлик идорамиз ҳақида, албатта эшитмаган бўлсангиз керак. Чунки биз газеталарда шов-шув бўладиган ишлар билан шуғулланмаганмиз ва анъанамизга кўра янги мижозлар ҳам олмасдик. Аслини олганда биз одатдаги адвокатлик амалиётини юритмасдан, асосан, катта черковларнинг мол-мулкани бошқарар ва уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш билан чегараландик. Сабаби, отамиз бир вақтлар депутат бўлганлар ва у кишининг диний партиялар билан алоқаси яхши эди. Бундан ташқари, — энди монархия тарихда қолди-ку, бу ҳақда бемалол гапириш мумкин, — бизга қишлоқлик оиласининг айрим аъзолари тузган фондларни бошқариш ҳам ишониб топширилганди. Оиламизни ҳам қишлоқликка, ҳам диндорларга боғлиқлиги икки авлод нарига бориб тақалади, шунинг учун ҳам бир амаким қишлоқнинг шахсий врач бўлса, яна бошқаси эса Зайтентеттида руҳоний эди. Биздан талаб қилинадиган асосий нарсана ана шу алоқаларни сақлаб қолиш бўлиб, бу иш анча осойишта ва шов-шувсиз вазифа эди. Мерос бўлиб ўтган мажбуриятларимиз биздан асосан камтар ва содиқ бўлишни талаб этар, ушбу иккала сифатни ҳам раҳматли отамга худонинг ўзи берганди. Чунки, у ўша инфляция даврларининг алғов-далғов кунларида мижозлардаги мол-мулкларининг қийматини сақлаб қолишга эришганди. Аммо Германия ҳукумати тепасига Гитлер келиб, черковлар ва монастирларнинг мол-мулкани талон-торож қила бошлагач, ҳеч бўлмаганда черковларнинг олиб чиқиб кетиш мумкин бўлган мол-дунёсини қутқариш учун хориждагилар билан айрим музокаралар бўлган эди. Рим папаси вакиллари ва император оиласи ўртасидаги махфий сиёсий музокаралар биз орқали амалга оширилиб, ўшанда биз отам иккаламиз расмий ҳукумат вакилларида кўра кўпроқ нарсаларни билардик. Идорамизнинг ташқаридан кўзга ташланмаслиги,

хатто унинг эшигида ёзуви ҳам йўқлиги ва отам иккала-мизнинг бошқа монархия тарафдорлари билан мулоқот қилмаслигимиз, бизни ортикча гап-сўзлардан, суриштиришлардан асраб турарди. Аслини олганда, шунча йиллардан буён Австрия амалдорларидан бирортаси император оиласининг махфий чопарлари бизнинг ўша тўртинчи каватдаги идорамизга энг муҳим ҳужжатларни олиб келиши ва уларнинг жавобларини олиб кетишини хаёлларига ҳам келтирмаганди.

Аммо, фашистлар ҳали ўз қўшинини бутун дунёга қарши қўймасларидан анча олдин, улар қўшни мамлакатларда ҳукуматдан норози бўлганлар, домонгирлар ва сафлардан чиқариб ташлаганлардан иборат ўта хавфли, яхшигина мактаб кўрган ёлланма қўшин ташкил қилишган эди. Ҳар бир идорада, ҳар бир корхонада уларнинг «уялари» бўлиб, ҳар қандай жойда, ҳатто Шушнинг ва Дольфусларнинг хонадонларигача уларнинг хуфялари ва «қулоқлари» ўрнашиб олганди. Бизнинг ўша кўзга ташланмайдиган идорамизда ҳам уларнинг одами бор экан, афсуски, мен бунга анча кеч англадим. Умуман олганда, у унчалик қобилятли ва ҳаракатчан хизматчи ҳам эмасди. Аслини олганда, мен идорамиз ташқаридан қараганда ростмана ишхона бўлиб кўринсин, деган ниятда бир руҳонийнинг тавсияси билан ўша одамни ишга олгандим. Биз унга чиндан ҳам деярли ҳеч қандай муҳим нарсани ишониб топширмасдик, у унчалик аҳамиятли бўлмаган топшириқларни бажарар, телефонларга жавоб берар, ҳужжатларни жўнатар, яъни мутлақо холис ва оддий ҳужжатлар билан ишларди. Келадиган почтани очишга унинг рухсати йўқ эди. Ҳамма муҳим хатларни машинада ўзим бир нусхада тайёрлар, бошқа ўта аҳамиятли бўлганларини эса ўзим билан уйга олиб кетиб ёзардим. Махфий музокараларни эса фақатгина черковнинг ҳужраларида ёки амакимнинг шифохонасидаги махсус хоналарда ўтказардим. Ана шундай эҳтиёт чоралар туфайли «қулоқлар» ишимизнинг асл моҳияти ҳақида арзигулик ҳеч нарса била олмаган. Аммо, қандайдир бир омадсиз вазият юз бергандирки, ушбу писмиқ ва пасткаш бола бизнинг унга ишонмаётганимизни, унинг кўзидан панада

жуда қизик нарсалар бўлаётганини сезиб қолган. Менимча, чопарлардан бири мен йўқлигимда унинг олдига келган бўлса, келишилгандай «Барон Ферн» дейиш ўрнига «ҳазрати олийлари» деб юборганми ёки бу аблахнинг ўзи яширинча хатларни очиб ўқиганми, билмадим, ҳар ҳолда, мен гумондор бўлиб қўлга олинишимдан салгина олдин бу ярамас Мюнхенданми ёки Берлинданми бизни пойлаш ҳақида буйруқ олгани аниқ. Мен буни анча кейин, яъни қамоқда ўтирган чоғимда тушуниб етдим, чунки охириги ойларга келиб, илгарилари хизматга бефарқ бўлган одам тўсатдан қизиқувчан бўлиб қолганди, ҳатто ҳужжатларни почтага олиб боришни ўзи сўрай бошлаган эди. Мен айнан қаерда эҳтиётсизлик қилганимни айтилмайман, қолаверса, гитлерчилар хуфя ўйинлар бобида не-не буюк дипломатларни ва қўмондонларни доғда қолдиришмади, тўғрими? Гестапонинг қанчалик аниқ ишлаганини, мени анчадан бери кузатиб юрганини яна бир аниқ далил исботлади. Чунки Шушнинг тахтдан воз кечган куни кечқурун, яъни Гитлер Венага бостириб кириши биланоқ, мени «SS»нинг одамлари қамоққа олиб улгуришганди. Бахтимга, ҳамма ўта муҳим бўлган ҳужжатларни Шушнингнинг хайрлашув нутқини радиодан эшитишим билан ёқиб юборгандим, босқинчилар эшигимни муштлаётган чоғда эса, қолган ҳужжатларни, яъни иккала эрцхерцог¹ ва монастирларнинг хориждаги мол-мулки билан боғлиқ тилхатлар билан қўшиб, уйдаги ифлос кийимларнинг ичига яшириб, кирсаватни содик оқсоч кампирдан амакимникига жўнатишга улгурдим.

Доктор Б. сигарасини ёндириб олиш мақсадида ҳикоясини тўхтатди. Аланга шуъласида унинг чап юзи асабий учаётганига кўзим тушди, бу ҳол ҳар икки-уч дақиқада такрорланар, шунинг учун ҳам бу сал илгарироқ менинг эътиборимни тортганди. Бу кўз илғар-илғамас ҳаракат бўлса-да, унинг бутун чехрасини ўта безовта қилиб кўрсатарди.

¹ 1918 йилгача Австрия қироли саройидаги шахзодаларнинг мақоми (*тарж.*).

— Сиз hozир, эхтимол, мени ўша қадимий Австриянинг садоқатли вакиллари ташланган босқинлар, кийноқлар ва азобларга тўла концлагерлар ҳақида гапирса керак деб ўйлаётгандирсиз. Аммо мен билан умуман буларга ўхшамаган ҳол юз берди. Мен ўшандай ҳам жисман, ҳам руҳан қийноқларга солинадиган нафратга тўла жойга эмас, балки алоҳида кичкина бир гуруҳдагилар каторига тушган бўлиб, фашистлар одатда ундайлардан ёки пул, ёки ўта муҳим маълумотларни сиқиб олишган. Шахсиятимнинг гестапо учун умуман қизиғи йўқ эди. Аммо менга ўхшаганлар уларнинг ашаддий душманлари учун ишонган кишилар, мулк бошқарувчилари, содиқ одамлари бўлганмиз. Улар мендан билиб олмоқчи бўлган нарса, бу черковлар ва уларнинг мол-мулкини фош этувчи хужжатлар, қироллик оиласига қарши маълумотлар, умуман эски монархияга қарши қўллаш мумкин бўлган ашёвий далиллар эди. Уларнинг гумон қилишларича, — умуман олганда гумонлари асоссиз эмасди, — ўша фондлар ва қимматли ашёлар мукамал тарзда бекитилган ва уларга насиб этмаслиги ҳам мумкин эди, шунинг учун ҳам улар мендан ўзларининг синалган усуллари ёрдамида ушбу сирларни сиқиб чиқариб олиш учун мени биринчи кунёқ хибсга олишганди. Шу сабабдан ҳам менга ўхшаш турдаги одамлар, яъни улардан пул ёки маълумот ундириш мумкин бўлганлар, концлагерларга жўнатилмас, балки махсус эҳтиёт чоралари билан сақланарди. Сиз менимча, канцлеримизни ва Барон Ротшильдни эсласангиз керак, уларнинг қариндошларидан ҳам миллионлар умид қилишганди, шунинг учун ҳам улар тиканли сим билан ўралган қамоқхоналарга ташланмади, балки махсус шароит яратилиб, меҳмонхоналарга жойлаштирилди, жумладан, ўша «Метрополь» меҳмонхонасида ҳар бирига алоҳида хона ажратилганди. Бу ер билсангиз, ўшанда гестапонинг штаб-квартираси бўлганди. Мен гарчи арзимас одам бўлсам ҳам, менга ҳам шундай марҳамат насиб этганди.

Бир меҳмонхонанинг алоҳида хонаси — ташқаридан жуда инсонпарвардек эшитилади, тўғрими? Аммо, менга ишонаверинг, улар бизга ўхшаган «обрули одамлар»ни

йигирма кишилик музлаган баракларга эмас, сал-пал иситилган алоҳида хоналарга жойлаштириб, инсон-парварлик ҳақида умуман ўйлашмаган, балки ўта но-зик бир усулни қўллашганди. Зарур «материал»ни сиқиб олувчи босим ўтказиш усули бу ерда ҳақорат ва сўқишлар, жисмоний қийноқларга қараганда, ўта зий-раклик ва муғомбирлик билан, бутунлай ажратиб, як-калатиш йўли билан ўтказилиши керак эди. Улар биз-га ҳеч нарса қилишмади, бор-йўғи бутунлай бўшлиққа ташлаб қўйишди, холос. Ахир ер юзида инсон руҳига ёлғизликчалик ҳеч нарса кучли босим ўтказолмайди. Бундай вазиятда одам ташқи дунёдан буткул ажратилиб, тубсиз бўшлиққа тушиб қолади, чексиз танҳолик домига чўкади. Уларнинг фикрича, айнан ана шундай аҳволда инсоннинг ичидан қайнаб чиқадиган руҳий босими уни ҳақоратлар ва аёзли совуқлардан кўра тезроқ тилга ки-ритиши керак эди. Менга ажратилган хона бир қарашда шинам кўринарди. Унда битта эшик, битта кроват, бит-та кресло, ювиниш учун битта тоғора ва битта панжа-ра тортилган дераза бор эди. Аммо эшик кечаю кундуз берк турар, стол устида бирортаям китоб, газета, бир варақ қоғоз ёки қалам бўлиши мумкин эмас, дераза эса ўт ўчирувчилар учун мўлжалланган ёндеворга тақалар, бутун борлиқда ёлғиз Мен ва ўз вужудим бўлиб, биз танҳоликка маҳкум этилгандик. Ҳамма нарсамни олиб қўйишганди, вақтни билмасин дея соатимни, бирор нар-са ёзолмасин дея қаламимни, томирини кесиб қўймасин дея қаламтарошимни, ҳатто, наркози бор, дея сигарет ҳам тақиқланганди. Ташқарида сокчидан бошқа ҳеч ким кўринмас, у бир оғиз ҳам сўз гапирмас, бирортаям саво-лимга жавоб бермасди. Бирорта бошқа одамнинг юзини ҳам кўрмас, овозини ҳам эшитмас эдим. Эшитиш, кўриш, хуллас, барча сезгилар тонгдан тунгача, тундан тонггача ташқаридан заррача озуқа ололмасди, фақат бир ўзинг, ўз жуссанг билан, нари борса тўрт-беш ашё билан — стол, кроват, тоғора, дераза ва ёлғизлик сиртмоғи. Сен гўё сукунат уммони тубидаги шиша қалпоқда умидсиз қолиб кетган ғаввосга ўхшайсан. Ғаввоски, уни ёруғ дунё билан боғлаб турган арқон узилиб кетган ва у энди

ушбу жим-жит уммон тубида, тубсизлик қаърида абадий қолишга маҳкум эди. Бирор иш қилмоқлик, бирор нарса эшитмоқлик, бирор нарса кўрмоқлик эса даргумон, атроф йўқлик қаърига чўккан, мутлақо бемакон ва безамон бўшлик. Ёлғиз ўзинг наридан-берига юрасан, юрган сари фикрларинг ҳам наридан-берига бориб келаверади, қайта-қайта наридан-берига, наридан-берига. Фикрларинг ҳам мазмунини йўқотган, уларга таянч нуқтасини кидирасан, бўлмаса ҳаёлларинг бемазмун бир жойда, ўз атрофида айланаверади, айланаверади, гирдобга айланади, бемазмун йўқликка фарқ бўлади. Эртадан-кечгача нимадир юз беришини кутасан, ҳеч нарса юз бермайди. Яна ва яна кутаверасан. Ҳеч нарса юз бермайди. Кутаверасан, кутаверасан, кутаверасан, ўйлайверасан, ўйлайверасан, ўйлайверасан, қовоқларинг зиркираб оғрий бошлайди. Ҳеч нарса юз бермайди. Ёлғизлигингча қолаверасан. Ёлғиз. Ёлғиз.

Бу ҳол ўн тўрт кун давом этди, ёруғ оламдан ташқарида, замондан ташқарида яшадим. Шу орада агар янги уруш бошланганда ҳам, мен уни билмаган бўлардим. Менинг дунём бор-йўғи ўша стол, эшик, кроват, тоғора, кресло, дераза ва девордан иборат бўлиб, доим ўша бир хил гулқоғозга, ўша бир хил деворга термулиб куним ўтар, шунчалик кўп термулганимдан, ҳатто, улардаги ҳар бир нақшнинг чизиқлари, кирралари тасаввуримнинг туб-тубигача сингиб кетганди. Сўнгра қандайдир товушлар эшитила бошлади. Тўсатдан чақириб қолишди, тунми ёки кун эканлигини англаш мушкул эди. Чақиришди, бир-иккита йўлақлардан ўтказишди, қаёққа олиб кетаётгани номаълум, қаердадир бир ерда кута бошладик, тўсатдан бир стол олдида туриб қолдим, унинг атрофида бир-иккита ҳарбий кийимдаги одамлар ўтиришарди. Столда бир тўда қоғоз ётар, булар ҳужжатлар эди, уларда нима ёзилганини ҳам билмайсан. Сўнгра сўроқлар бошланди, тўғри саволлар, нотўғри саволлар, аниқ саволлар, муғамбир саволлар, чалғитувчи саволлар, тузук саволлар, уларга жавоб бераётганингда эса бегона ва маккор бармоқлар ҳужжатларни варақлайди, уларда нималар битилганини билмайсан, бегона ва маккор

бармоқлар баённомага нималарнидир ёзади, нима ёзаётганини эса сен билмайсан. Ушбу терговлар давомида мен учун энг дахшатлиси шунда эдики, гестапочилар менинг идорамдаги ишлардан шу пайтгача қанчасини билишади-ю, энди мендан нималар хоҳлашини англолмаслигим эди. Сизга аввал ҳам айтганимдек, энг муҳим ҳужжатларни сўнгги дақиқаларда оқсоч кампирдан амакимга бериб юборгандим. У ҳужжатларни олдимикин? У ҳужжатларни ололмадимикин? Ўша хизматчи қанча нарсани фош этди экан? Хатлардан нечтаси уларнинг қўлига тушди экан, биз ишини юритган монастирлардан нечта нўноқ руҳонийни сиқувга олишди экан? Мен ўша монастирлар учун қандай қимматли қоғозлар сотиб олганман, қайси банклар билан хат ёзишганман, қандайдир жаноб Саундсонни танийманми, йўқми, Швейцариянинг қандайдир Штейнокерцел деган жойидан хат олганманми? Уларнинг қанчалик маълумотга эгалигини билмаганим учун ҳам ҳар бир жавоб ўта улкан масъулият талаб қиларди. Агар уларга номаълум бўлган бирор нарсани гуллаб қўйсам, демак, ортиқча қимнидир дорга тортган бўлардим. Мен жуда кўп нарсаларни инкор этар, кўпларидан юз ўгирардим, бундан ўзимга ҳам зиён келтирардим.

Аммо тергов хали энг дахшатлиси эмасди. Энг дахшатлиси терговдан сўнг хонага қайтиш эди, яна ўша йўқликка, яна ўша стол, ўша кроват, ўша тоғора, ўша гулқоғози бор ғариб хонага қайтиб кириш эди. Чунки бу ерда ёлғиз ўзимдан бошқа ҳеч ким менинг жавобларимни муҳокама қилмасди, яъни қайси бир саволга ақл билан жавоб беришим мумкинлиги, билмасдан айтиб қўйган жавобларимдан туғилган гумонлардан қутулиш учун кейинги сафар нима дейишим кераклигини ўйлаб кўриш учун менга ҳамдарад йўқ. Ҳаммасини ўзим хотирамда тиклардим, ўзим битталаб чамалаб чиқардим, ўзим битталаб ўрганиб чиқардим, терговчининг ҳар бир саволига берган ҳар бир жавобимни ўзим битталаб қайта текшириб чиқардим. У берган ҳар бир саволни ва мен берган ҳар бир жавобни тасаввуримда қайта-қайта тиклардим. Гарчи аниқлашга мутлақ кўзим етмаса-да, ба-

ённомага нималар киритилганини англашга уринардим. Бирок, ана шу бўм-бўш хонада фикрлар бошимда тинимсиз айланар, тасаввурим ҳар сафар қайта-қайта янгидан-янги тафсилотлар билан тўлиб бораверар, ниҳоят бошим ғувиллаб ухлаб қолардим. Шу тариқа гестапонинг ҳар бир терговидан кейин хаёлларим менга тинчлик бермас, саволлар, таҳлиллар, изтироблар исканжасида қоврилардим. Гарчи ҳақиқий тергов бир соат деганда тугаса-да, ёлғизлик сабаб туғиладиган изтиробларнинг ниҳояси кўринмасди. Кўз олдимда ҳамон ўша стол, ўша шкаф, ўша кроват, ўша гулқоғоз, ўша дераза, фикримни чалғитишга арзигулик ҳеч нарса, на бир китоб, на бир газета, на бир янги чехра топилар, бирор нарса ёзай десам на бир қалам, ўйнаб овуниш учун атиги на бир қути гугурт ҳам, ҳеч нарса, ҳеч нарса, ҳеч нарса топиб бўлмасди. Меҳмонхонадаги хоналар тизими қанчалар иблисона қилиб, кишининг руҳини ўлдиришни кўзлаб топилганлигини энди тушуна бошлагандим. Концлагерда, балки тошлар таширсан, ундан қўлларинг қонаб кетар, оёқларинг муз котар, ўн беш-йигирмата одам бир бўлиб фитналар ичида қолар ёки аёзларга ташланар. Аммо, у ерда одамларни кўрган бўлардинг, қарай десанг ҳеч бўлмаганда бирорта дала, бирорта тошлок, бирорта дарахт, бирорта юлдуз топардинг, бу ердачи — ўша ўзгармас бир хиллик, доимий бир хиллик, дахшатли бир хиллик. Бу ерда хаёлларимдан, кўркинчли тасаввурларимдан, шикаста туйғуларимдан чалғита оладиган ҳеч нарса йўқ эди. Улар эса айнан шу нарсани режалаштиргандилар, яъни мен ўз хаёлларим ичида бўғилавериб, бўғилавериб, шу даражага бориб қолишим керак эдики, ниҳоят ўзимга ўзим гапира бошлашим ва улар нимани хоҳласа шуни айтишим ва охир-оқибат, барча ҳужжатларни, одамларни ҳам сотиб қўйишим керак эди. Бўшлиқнинг ваҳимали босимлари натижасида аста-секин асабларим панд бера бошлаганини сеза бошладим ва бу хавфдан, яъни асабларим панд бериб қўйишидан қочиб қутулиш имкони йўқлигини англагач, ўзимни нимадир бир нарса билан чалғитиш йўлини қидиришга тушдим. Ўзимни ҳеч бўлмаганда бирор нарса билан банд қилиш

максадида, бир вақтлар ёд олган ҳамма нарсаларимни эслаб чиқдим, билган барча машҳур ибораларни ёддан айтиб чиқдим, гимназиядаги Гомер асарларини, болаликдаги ўйинларимни, фуқаролик кодексининг бобларини бирин-кетин қайтариб чиқдим. Кейин яна энг сеvimли сонларни қўшиш ва кўпайтиришга уриниб кўрдим, аммо хотирам ушбу бўшлиқда ўзига таянч нуктаси топа олмади. Фикримни нимага жамлашни билмасдим. Бошимда доим ўша бир хил саволлар айланарди: Улар нимани билишади? Кеча мен нима дедим, кейинги сафар нима дейишим керак?

Мана шу тасвирига тил айланмайдиган ҳол роппа-ро-са тўрт ойга чўзилди. Атиги тўрт ой, бу ёзишга осон, ол-тита ҳарф. Айтишга осон, икки бўғиндан иборат жумла. Тўрт ой, чорак сония ичида лаблар бу жумлани талаффуз қила олади. Аммо маконсиз ва замонсиз бўшлиқда вақт тушунчасини унутасан. Бунда на бировнинг ҳолини тасвирлай оласан, на ўзингникини, на баҳо бера оласан, на кузата оласан. Мана шу йўқлик, бўшлиқ, тубсизлик сени қанчалар емиришини, вайрон қилишини ҳеч кимга тушунтириб ҳам беролмайсан. Фақат ўшалар – стол, кроват, тоғора, гулкоғоз ва доимий жимлик, сенга бурилиб ҳам қарамайдиган, овқатни суриб қўйишдан бошқасига ярамайдиган ўша битта соқчи, токи ақлдан озмагунингча бўшлиқда тўхтамай чарх урадиган ўша бир хил хаёллар. Асабларим аста-секин издан чиқиб, арзимас нарсага ҳам безовта бўла бошладим. Аввалига тергов чоғида мен ўзимни руҳан тетик тутардим. Саволларга вазминлик билан ўйлаб жавоб берардим. Нимани гапиришим мумкин-у, нимани гапиришим мумкин эмаслигини назорат қилувчи сезгиларим ҳали ишлаётган эди. Энди эса, мен оддийгина гапларни ҳам тутилиб талаффуз қилар, гапираётган чоғда гипноз қилингандек, гўё ёзилаётган ўз сўзларим ортидан эргашиб кетмоқчи бўлгандек баённома варағи устида югураётган қаламга термулиб қолардим. Аста-секин мени куч-қувват тарк этаётганини сеза бошладим. Ўзимни қутқариш, бу бўшлиқ сиртмоғидан қутулиб чиқиш учун, мен ҳамма билганларимни, балки ундан ҳам кўпроқ нарсаларни гапи-

риб берадиган лахзалар тобора якинлашиб келаётганини хис этардим. Шунда мен ўн икки кишини ва уларнинг сирларини қўшиб сотган ва бунинг эвазига эса бирозгина нафас ростлашдан бошқа нарсага эришмаган бўлардим. Бир куни кечқурун асабларим панд бериб, ахволим шу даражагача бориб етдики, менга овқат олиб келган соқчига қараб тўсатдан қичқира бошладим:

— Мени терговга олиб бординг! Ҳаммасини айтмоқчиман! Ҳаммасини айтмоқчиман! Ҳужжатлар қаерда эканлигини, пуллар қаерда ётганини айтмоқчиман! Ҳаммасини айтаман, ҳаммасини!

Бахтимга у мени эшитмади. Балки у мени бошқа эшитишни ҳам истамагандир.

Ана шундай дахшатли азоблар чоғида, ниҳоят, кутилмаган бир ҳол юз берди, ниҳоят, нажот илинжи кўрингандай бўлди, бир илинжки, ҳеч бўлмаганда у мени вақтинча бу азоблардан қутқариши мумкин эди. Ўшанда июлнинг охири эди, жуда қоронғу, булутли ва ёмғирли кун эди. Ушбу тафсилотларнинг ёдимда қолганига сабаб, ўшанда мени терговга олиб кетишгаётган йўлакдаги дераза ойналарини ёмғир томчилари саваларди. Терговчининг қабулхонасида кутиб туришга тўғри келди. Ҳар доим сўроқдан олдин албатта кутиш керак эди, чунки куттириб қўйиш ҳам тергов техникасининг бир қисми эди. Кутилмаганда қоқ ярим тунда эшик қўнғироғи жиринглайди ва сени тўшагингдан суғуриб олиб кетишади, ундан кейин терговга олиб киришади-да, эндиgina ақлинг ва ироданг қаршилиқ қилишга чоғланган пайтда тергов олдида бир соат, икки соат, уч соат мазмунлими, бемазмунми, балки шунчаки, жисмингни ҳоритиш ва руҳингни сўндириш мақсадида кутишга мажбур қилишади. Ўша куни, яъни 27 июль чоршанба куни мени роппа-роса икки соат қабулхонада тик оёқда машаққат билан кутишга мажбур қилишди. Бу кунни бунчалар аниқ эслаб қолишимга яна бир сабаб, тик оёқда туравериб девордаги келендарда 27 июль деган ёзувга термулавердим, термулавердим, сизга қандай тушунтирсам экан, мен гўё оч қолгандай, ёзилган нарсани ўқишни, тушунишни шундай қўмсаган эдимки, мен ушбу сана-

ни бутун фикрим, онгим билан ютиб юборгандай эдим. Сунг яна эшикка термулиб, қачон у очиларкан деб ку-тавердим, кутавердим. Инквизиторлар бу сафар мендан нимани сўраркан деб ўйлардим, улар барибир олдиндан жавоб тайёрлаб қўйган нарсаларни эмас, умуман бошқа нарсаларни сўрашини сезиб турардим. Бирок, ушбу ку-тиш ва тик туриш азобларига қарамасдан бу ерда мен ўзимни анча эркин ва хотиржам ҳис қилардим, чунки бу хона меникига қараганда анча бошқача эди, у бироз каттарок, иккита деразаси бор, кроватсиз, тоғорасиз, ўша мен миллион марталаб томоша қилган дераза пан-жараларисиз эди. Эшик ҳам бошқа рангга бўялган, де-ворга суялган кресло ҳам бошқача эди. Чап томонда эса хужжатлар тўла шкаф турар, унинг ёнида эса кийим ил-гак бўлиб, унда менинг жаллодларимга тегишли бўлган уч-тўртта ёмғирда ивиб кетган пальто осиглиқ турар-ди. Мен очиққан кўзларим билан бир марта бўлса ҳам ниҳоят янги нарсаларни, қандайдир бошқачарок нар-саларни кўздан кечиардим, улар эса ўз-ўзидан тезлик билан яна майда-майда деталларга ажралиб кетаверар-ди. Мен пальтоларни, уларнинг ҳар бир ғижимини, ҳар бир қатламини битталаб кўздан кечириб чикдим. Мисол учун, сизга балки жуда кулгили бўлиб туюлар, лекин ўшанда мен ҳўл ёқада осилиб турган митти бир томчини кўриб қолдим ва томчи ёқадан пастга думалаб тушиб кетадими ёки тортиш кучини инкор этиб, ўз жойида узоқроқ осилиб турадими деган хаёлда, худди менинг хаётим шу томчи билан боғлиқдек, қандайдир бир бе-маъни қизиқиш билан интизор кута бошладим. Ниҳоят, томчи пастга думалаб кетди, кейин мен пальтодаги туг-маларни санай бошладим, биринчисида саккизта тугма, иккинчисида саккизта тугма, учинчисида ўнта, кейин яна ҳамма букланган ғижим жойларни бир-бирига қиёслаб чиқаман. Бу ҳақда гапиришни ҳам хоҳламайман-у, ле-кин мана шундай ҳамма бачкана, бемаъни икир-чи-кирлар менинг очиққан кўзларимни ёндириб, ўзларига тортаверади, ўйнатаверади, олиб қочаверади. Тўсатдан нигоҳларим бир нарсага қадалиб қолди. Пальтоларнинг бирида, аниқроғи унинг ён чўнтагида нимадир бир нар-

са каппайиб турарди. Бу осилиброк турган чўнтакка яширинган тўртбурчак нарса нима эканлигини билиш ниятида мен унга бироз яқинроқ силжидим. Бу китоб эди! КИТОБ! Ҳатто тиззаларим титраб кетди. Тўрт ойдан буён қўлимга бирорта ҳам китоб ушламагандим. Китоб нималиги, унда бирин-кетин тартиб билан терилган сўзларни қўриш мумкинлиги, китобдаги қаторлар, бетлар, варақлар, уларда эса бошқа, янги, чалғитувчи фикрларни ўқиш, қидириш, миянгга жойлашинг мумкинлиги ҳақидаги ҳаёллар ақлимни олган ва қолаверса, бундай иштиёқда қандайдир кишини маст қилувчи ҳамда сеҳрловчи нимадир бир нарса бор эди. Мен гўё гипноз қилингандек ўша китоб солинган чўнтакнинг дўппайган жойига термулиб қолдим. Нигоҳларим гўё ҳозир пальтонинг ўша ерини қуйдириб, тешиб юборгудек эди. Хуллас, қизиқишимни жиловлай олмадим ва беихтиёр янада яқинроқ бордим. Пальтонинг чўнтагидаги китобни қўлларим билан пайпаслаб қўриш, унга қўл тегизиш фикрининг ўзиёқ бармоқларим, ҳатто тирноқларимнинг учигача асаб толаларимни ловуллата бошлади. Ўзимни деярли ирода қилолмасдан, борган сари ўша томонга яқинлашавердим. Бахтимга, менинг бу ғалати ҳаракатимга соқчи ҳам унчалик эътибор бермасди. Менимча, бир одам икки соат давомида тик оёқда туравергач деворга суяна бошлаши унга ҳам табиий ҳол бўлиб қўрингандир. Мана, ниҳоят пальтога яқин келиб олдим ва уни титкилаётган чоғимда қўлларим кўзга ташланмасин дея уларни орқамга яширдим. Матони пайпаслаб қўриб, у ерда қандайдир тўғри бурчакли, бироз букилувчан ва варақлари шиқирлаётган нарса борлигини сездим. Бу – китоб! Ҳа, бу китоб эди! Шунда бир фикр мени худди ток билан ургандай чўчиб тушдим: ўғирла шу китобни! Балки омадинг келар, уни хонангга бекитиб қўясан, кейин ўқийверасан, ўқийверасан, ўқийверасан, ниҳоят ўқиш бахтига муяссар бўласан! Бу фикр худди ўткир захар каби аввалига миямни, кейин қулоқларимни, юрагимни қуйдириб ўтди, қўлларим гўё музлаб қолгандек иродамга бўйсунмай қўйишди. Дастлабки гангишларим бироз тарқалгач, эҳтиёткорлик билан пальтога янада

яқинроқ келдим, соқчидан кўз узмаган холда қўлимни орқага чўздим ва чўнтакнинг устидан китобни аста-секин тепага сура бошладим, ниҳоят, мана ушладим, секингина тортдим, кутилмаганда қўлимда кичкинагина, унчалик калин бўлмаган китоб пайдо бўлди. Бу қилмишимдан чиндан ҳам энди қўрқиб кетдим. Аммо энди уни жойига қайтариб қўйишнинг иложи йўқ эди. Китобни энди эҳтиёткорлик билан орқамга, шимимнинг белига тикдим, у ердан бир амаллаб биқинимга қараб сурдим. Ниҳоят, юрганда қўлларимни ҳарбийларникидек ёнимга қисиброқ юрсам, китобни тушириб юбормаслигим мумкин эди. Хуллас, бир амаллаб биринчи уринишда буни уддаладим. Аста-секин пальтолардан узоклаша бошладим, бир кадам, икки кадам, уч кадам. Ҳаммаси жойида. Агар билагимни биқинимга қисиброқ юрадиган бўлсамгина, китобни тушириб юбормасликнинг имкони бор эди.

Ундан сўнг яна тергов бўлиб ўтди. Бу сафар мен аввалгиларига қараганда кўпроқ диққат бўлишимга тўғри келди, жавоб бераётганда эса бутун иродамни терговчига бераётган жавобларимга эмас, балки китобни тушириб юбормасликка сарфладим. Бахтимга бу сўроқ анча тез тугади ва китобни хонамга беэиён етказиб олдим. Шу орада бўлиб ўтган барча иқир-чикирлар билан сизнинг вақтингизни олмасам ҳам бўлади, аммо терговчининг олдидан қайтаётиб, йўлакда тўсатдан китоб қисилиб турган жойидан пастга силжий бошлади, уни шимимнинг ичидан яна жойига қайтариш учун ўзимни каттик йўтал тутиб қолганга солишга тўғри келди. Бироқ кулбамга қайтиб келишим, ниҳоят ёлғиз қолишим мумкинлиги, аниқроғи, энди ёлғиз ўзим эмаслигимни ҳис этиш жуда ҳаяжонли лаҳзалар эди.

Сиз балки бу одам китобни бирданига очган, томоша қилган, ўқиб ташлаган, деб ўйлаётгандирсиз. Йўқ, мутлақо! Мен олдимдаги ушбу қувончли онлардан лаззатланишни истардим, ахир энди қўлимда бутун бошли китоб бор эди, бундан роҳатланаётган асабларимни атайлаб эркин қўйиб бергим ва шу ёқимли онларда ширин орзулар уммонида сузгим келарди. Менга қолса, мана шу

ўғирлаганим шундай китоб бўлишини истардимки, энг аввало, у майда ҳарфлар билан зич қилиб ёзилган бўлсин, унда жуда-жуда кўп ҳарфлар ва жуда-жуда кўп варақлар бўлиши лозим, чунки мен уни роса кўп ва узок ўқишим зарур. Яна бу китоб бир асар бўлсин, кўнглимни ром этсин, у юзаки ва жўн асар бўлмасин, балки уни ўқиш, ёд олишим мумкин бўлсин, дея орзу қила бошладим. Агар шеърӣ мисралар бўлса ундан ҳам яхши – қандай зўр орзу-а! Гёте ёки Гомер! Аммо ичимдаги алангани ортик тутиб туришга, жиловлашга сабрим етмади. Мабодо сокчи кузатиб турган бўлса, кўриб қолмасин дея эҳтиёткорлик билан кроватга чўзилдим ва қўлларим қалтираб китобни аста жойидан суғуриб олдим.

Тўғриси айтсам, бошида китобни кўришим билан ҳафсалам пир бўлди, ҳатто каттиқ газабландим ҳам: ахир, жонимни шундай даҳшатли хатарга қўйиб ўғирлаб келганим, шунчалик ўтли иштиёқ билан кутган китобим бор-йўғи шахмат ўрганувчилар учун қўлланма бўлиб чиқди-да. Унда жаҳон чемпионларининг энг зўр бир юз элликта ўйини тўпланганди. Агар мен тутқунда, яъни қамокда бўлмаганимда эди, биринчи жаҳлдаёқ бу китобни деразадан улоқтирган бўлардим, ахир мен бу бекерак нарсани нима ҳам қилишим мумкин? Гимназияда ўқиб юрган кезларим бошқа болаларга ўхшаб мен ҳам зерикканимда шахмат тахтаси олдида сал-пал ўзимни синаб кўрганман. Аммо ҳозир, менга бу назарӣ қўлланманинг нима кераги бор? Ахир шеригинг бўлмаса, шахмат ўйнай олмасанг, бунинг устига тошлар ҳам, шахмат тахтаси ҳам йўқ. Бутунлай тушқун кайфият билан, бирорта ўқишга арзигулик нарса топиш истагида бетларни варақлаб кўрдим, битта кириш сўзи ва битта ўйин қондасидан бошқа нарса топилмади. Китобда ҳар бир чемпионнинг ўйинини тасвирлаш учун бўш катак чизиқлар, уларнинг орасида эса тушуниб бўлмайдиган $a2-f3$, $f1-g3$ каби белгилар бор эди. Буларнинг ҳаммаси мен учун ўзига хос алгебра бўлиб, мен уларнинг ечими-га калит тополмасдим. Аввалига мен a , b , c ҳарфларини шахмат тахтасининг бўйига қараб жойлашганлигини, 1 дан 8 гача бўлган рақамларни эса унинг энини англати-

шини топдим ва улар ёрдамида тошларнинг турган жойини аниқлаш мумкинлигини тушуниб олдим. Окибатда тушунарсиз чизиклар аста-секин тилга кира бошлади. Ўзимча хонамда шахмат доскаси ясаш ва ушбу партияларни қайта ўйнаб кўриш истаги туғилди. Шунда, гўё Яратганнинг тухфаси каби, ўзим ётган чойшаб жонимга оро кирди. Унда дағалроқ бўлса-да тўртбурчак чизиклар бўлиб, агар чойшабни қулайроқ қилиб тахланадиган бўлса, олтмиш тўрт катакли шаклни ҳосил қилиш мумкин эди. Мен аввалига китобни тўшагимнинг тагига яширдим ва ундан фақатгина битта бетни йиртиб олдим. Сўнгра ейдиган нонларимдан тежаб қолган ушоқлардан шахмат фигураларини – шох, фарзин ва бошқаларни ясай бошладим. Ясаган сипоҳларим ўта кулгили ва беўхшов чиқаётган бўлса-да, машаққатли уринишлардан сўнг ниҳоят китобда тасвирланган позицияларни чизикли чойшабнинг устида қайтадан тиклашга эришдим. Аммо, ўша партияни охиригача ўйнамоқчи бўлиб ҳаракат қилиб кўргандим, мен ясаган кулгили ва қийшиқ фигуралар бунга ярамади, рангларни фарклаш учун мен ҳатто уларнинг ярмини тупроққа булаб, қорайтириб ҳам олгандим. Дастлабки кунларда жуда кўп адашдим ва тинка-мадорим қуриди, мен битта партияни беш, ўн, йигирма марталаб бошидан бошлаб қайта ўйнардим. Аммо бу ёруғ дунёда мендек бир йўқлик ва бўшлиқнинг асиридан бошқа яна кимда ҳам шунчалик кўп, бефойда, бесамар бўш вақт, чексиз иштиёқ, ирода ва сабр-тоқат бўлиши мумкин? Олти кун деганда ниҳоят, мен партияни охиригача ўйнаб тугатдим, яна саккиз кундан кейин эса китобда баён этилган шахмат тошларининг жойлашувини тасаввуримда тиклаб олишим учун чойшаб устидаги қийшиқ фигураларнинг кераги ҳам бўлмай қолди, кейинги саккиз кун давомида эса чойшаб ҳам кераксиз нарсага айланди, чунки бошида мавҳум бўлиб кўринган *a1, a2, c7, c8* каби позициялар энди ўз-ўзидан миядаги тасвирларга айланиб улгурганди. Энди барча тошларни тасаввуримда тўла қайта жойлаштира олардим. Мен ўша бемаъни формулалар ёрдамида ўзимни шахмат тахтасининг ичида юргандек тасаввур қилардим ва

хатто, керакли позицияларни ҳам ясай олардим. Бу худди барча оҳанглар ва уларнинг жўрлигини англаб олиш учун уста созанда ноталар ёзувига арзимаган бир назар ташлаш билан кифояланишига ўхшаб кетарди. Яна ўн тўрт кундан кейин эса, мен китобдаги ҳар бир партияни ҳеч бир машаққатсиз ёддан қайта ўйнай бошладим ёки мутахассислар тили билан айтганда, «кўзимни юмиб» ўйнардим. Ўша жасурлик билан қилган ўғирлигим менга қанчалик катта фойда келтирганини энди тушуна бошлагандим. Чунки бу билан мен ўшанда бирданига аниқ бир машғулотга эга бўлгандим-да, майли у беазмун ва беазмар бўлса ҳам. Аммо бу билан ўша йўқлик ва бўшлиқ мени эзғилаб ташлашининг олдини олгандим, чунки имиллаган вақт ва хонадаги ёлғизликнинг босимига қарши энди қўлимда юз элликта чемпионнинг ўйини тасвирланган гаройиб қуролим бор эди-да. Янги машғулотнинг иштиёқини сўндирмаслик ва унинг давомий бўлиши учун мен ҳар бир кунимни аниқ бўлақларга бўлиб чиқдим. Эрталаблари икки партиядан, тушликдан кейин яна икки партия ўйин, кечқурун эса барчасини тезгина таҳлил қилиб чиқардим. Шу билан менинг беазмун куним ўзгача бир шакл ва мазмунга тўлар, ўзимни ҳоритмасдан кун бўйи банд бўлардим. Чунки шахмат ўйинининг шундай афзал томони борки, унда руҳий қувватни чегараланган бир маконга жамлайсан-у, лекин миянг фикрлашдан чарчамайди, балки тафаккуринг чархланиб, тасаввуринг уйғонади. Аввалига чемпионларнинг партияларини шунчаки таклид қилиб ўйнаган бўлсам, аста-секин ўзимда уларнинг мафтункор жиҳатларини тушунишга иштиёқ сеза бошладим. Мен ҳужум ва химоянинг нозик тарафлари, энг қалтис турлари, айёрликларини ўргандим. Олдиндан ўйлаш, комбинациялар тузиш, позицияларни қайта яратиш техникасини кашф этдим. Тез ўтмай мен шу даражада киришиб кетдимки, худди мухлислар бир шоирнинг шеърини бир-икки мисраларда билиб олганидек, мен ҳам ҳар бир чемпионнинг ўйинидаги ўзига хос, алоҳида усулларини бир қарашда англайдиган бўлдим. Ушбу мароқли машғулотлар бошланиши билан Алехин, Лас-

кер. Боголюбов, Тартаковер каби шахмат даҳоларининг сиймолари ёлғизлигимдаги энг якин оғайниларимга айланишди ва менга таскин бера бошлашди. Тасаввурнинг чексиз ўзгаришлари жимжит қафасга ҳар куни янги руҳ бағишлар, ҳаётимда маълум бир меъёр пайдо бўлиши эса тафаккуримни тетиклаштириб, руҳимга осойишталик ато этганди. Бир маромдаги тартибли фикрлаш оқибатида тафаккурим тозаланиб, аклим чархлангандек эди. Аниқ ва мукаммал фикрлай бошлашим, энг аввало терговларда кўрина бошлади. Ўзим билмаган ҳолда шахмат тахтаси ёрдамида мен ёлғон тахдидлар, айёрона хужумлардан ҳимояланиш борасида малакамни оширган эканман. Шу кундан бошлаб мен тергов чоғида бўлар-бўлмас нарсаларни гапирмай қўйдим, ҳаёлимда гўё гестапочилар ҳам борган сари менга қандайдир ҳурмат билан мурожаат қилаётгандек туюларди. Менимча, улар ҳам бошқаларнинг иродаси бирин-кетин синаётганини кўриб туриб, бунчалик сабот билан қаршилиқ кўрсатиш учун бу одам қайси бир яширин манбадан қувват олаётган экан, деб ўйлашган бўлса керак.

Хуллас, менинг китобдаги юз элликта партияни кунма-кун, қайта-қайта ўйнаб ўтказган бахтли онларим тахминан икки ярим ойга чўзилди. Кейин ўзим билмаган ҳолда қандайдир бир ўлик нуктага тақалиб қолдим. Кутилмаганда мен яна ўша йўқлик қаршисида турардим. Чунки ҳар бир алоҳида партияни йигирма, ўттиз марта қайта ўйнаганимдан кейин, мен учун улардаги янгилик ва мафтункорлик йўқолиб, улардаги аввалги ўзига тортувчан ва кизиқтирувчан қувват тугаб қолганди. Ахир, ҳар бир юришини ёддан биладиган партияларни қайта-қайта ўйнашдан қандай маъно бор? Биринчи дебютни амалга ошириб улгурмасимданок, ундаги барча жараён ўз-ўзидан ёдимга тушаверар, мен учун ҳеч қанақа ажабланиш, диққат бўлиш ва ҳеч қандай муаммо йўқ эди. Мендаги ўша кизгин иштиёқ ва чалғишларни яна тиклаш учун, балки менга бошқа ўйинлар баён этилган янги китоб керак бўлгандир. Бу эса мутлақо мумкин эмас эди, демак, бу тузоқдан чиқишнинг ягона йўли — мен ўзим янги партиялар яратишим керак эди. Мен ўзим

билан ўзим ёки ўзимга қарши ўйнашга уриниб кўришим зарур эди.

Сиз ҳозир бу ўйинлар шохининг инсон рухиятига таъсири қай даражада бўлишини тушундингизми, йўқми, билмадим-у, аммо ўзингга қарши ўзинг ўйнасанг — бу оддий мантиқ жиҳатидан ҳам бемаънилик ҳисобланади. Чунки, шахмат фақатгина тафаккур ўйини бўлиб, у ташқи муҳит ёки вазият таъсиридан холи бўлади. Шахматнинг мафтункорлиги ҳам аслида ундаги стратегияни икки хил тафаккур асосида турлича ривожланишидандир. Бу мантикий кураш бўлиб, унда қоралар оқларнинг қандай юриш қилишини билмайди ва доим уни олдиндан топишга ҳамда йўлини қирқишга ҳаракат қилади. Ўз навбатида, оқлар ҳам қораларнинг режаларини илғаб олишга ва уларга чап беришга интиладилар. Агар оқ ва қора битта шахс бўлганида эди, бу умуман мантиққа зид ҳолат бўларди, чунки битта тафаккурнинг ўзи бир вақтда ниманидир билиши ҳамда гўёки билмай туриши керак бўларди. Яъни, у оқ билан ўйнаётганда бир дақиқа олдин қора билан ўйнагандаги режаларини унутиб юбориши керак. Бу тариқа икки хил фикрлаш худди оддий механик ускунада бўладиган ўчириш ва ёкиш функциялари сингари тафаккурнинг тўлиқ икки қисмга бўлинишини талаб этади. Шахматда ўзингга қарши ўзинг ўйнасанг — бу худди ўз соянгни қувиб ўтишга ўхшаш парадокс ҳисобланади. Хуллас, қисқасини айтадиган бўлсам, мен ўша чорасиз кунларимда мана шу имкони йўқ, бемаъни нарсани бажаришга ойлаб уриниб кўрганман. Аммо менда ўша пайтда ошқора жинни бўлишдан ёки бутунлай рухий тушкунликка тушиб қолишдан қутулиш учун мана шу мантиқсизликдан бошқа чора қолмаган эди. Ўша ачинарли ҳолатимдаги дахшатли бўшлиқнинг босимидан чиқиб олиш учун ҳеч бўлмаганда, оқ Мен ва қора Менга айланишга, иккига бўлинишга уриниб кўришим керак эди.

Доктор Б. бироз тин олиб, ўзини кресло суянчигига ташлади ва бир дақиқага кўзларини юмди. У гўё ўзини безовта қилаётган хотираларни куч билан бостиришга

уринаётганга ўхшарди. Унинг чап жағидаги ўша беўхшов ва унинг иродасига бўйсунмайдиган учиб тушиш яна такрорланди. Сўнгра у яна қаддини ростлаб ўтирди.

— Хўп, умид қиламанки, шу жойгача ҳаммасини сизга анча тушунарли тарзда хикоя қилдим. Аммо, сизга давомини ҳам худди шундай аниқ баён қила олишимга унчалик ишона олмаяпман. Чунки энди бу янги машғулот тафаккуримдан шундай қатъий куч талаб қилардики, бунда бир вақтнинг ўзида ўзингни қанча назорат қилишга уринма, барибир бефойда эди. Аввал айтганимдек, менинг фикримча, ўзингга қарши ўзинг шахмат ўйнашинг мутлақо бемаънилик ҳисобланади. Аммо бу бемаънилик агар бирорта шахмат тахтасининг олдида бўлганида эди, балки бир чимдим бўлса ҳам имконга эга бўлиши мумкин эди, чунки шахмат тахтаси ўзининг реаллиги билан ҳар ҳолда маълум бир масофа пайдо қилади ва маълум бир ҳудудни яратади. Жумладан, ҳақиқий фигуралари бор ҳақиқий шахмат тахтасининг олдида одам ҳар ҳолда ўйлаб кўриш учун маълум бир танаффусга эга бўлади, яъни жисман гоҳо столнинг бир томонига ўтишинг, гоҳо бошқа томонига ўтишинг мумкин. Оқибатда, вазиятни бир сафар оқлар томонидан туриб, бошқа сафар эса қоралар томонидан, уларнинг нуктаи назаридан туриб тасаввур қилишинг мумкин. Аммо, мен ўзимга қарши курашни ёки ўзим билан ўзим ўйнашни, қолаверса, онгимдаги маълум бир ҳаёлий маконда ташкил этишим ва олтмиш тўртта катакни ҳаёлимда тутиб туришим керак эди. Бундан ташқари, мен фигураларнинг нафакат бир марталик жойлашувини эсда тутишим, балки ҳар иккала томоннинг кейинги юришларини ҳам ҳисоблаб чиқишим зарур эди. Тўғри, гапларим қанчалик бемаъни эканлигини тушуниб турибман, лекин чиндан ҳам мен ўша вазиятда икки, уч баробар кўпроқ ҳаёлпарастликка берилишим, йўқ, тўғрироғи олти, етти, саккиз марта кўпроқ фикрлашим ва ҳар сафар ўша оқ Мен ва қора Мен учун тўртта, бешта юришни олдиндан кўра олишим керак эди. Ушбу телбалик билан бошингизни қотираётганим учун узр сўрайман албатта, аммо бу тарзда ўйнаш учун мен ҳаёлий маконда оқ ўйинчи бўлиб тўртта ёки бешта

юришни олдиндан режалаштирадиган бўлсам, худди шу тарика қора ўйинчи ҳам бўлардим ва ораликдаги барча вазиятларни ҳам оқ ўйинчининг миясида, ҳам қора ўйинчининг миясида таҳлил қилиб чиқишим зарур эди. Бунақа иккига бўлинишим хали ушбу бемазмун тажрибамда энг хавфлиси эмасди, айнан ана шундай қилиб ҳар бир партияни алоҳида тасаввур этаверишим оқибатида, оёғим остидаги ерни, яъни таянч нуктамни йўқота бошладим ва гуё ҳар сафар тубсизликка тушиб қолаётганга ўхшардим. Ўтган ҳафталар давомида чемпионларнинг партияларини шунчаки қайта ўйнаб чиқиш, умуман олганда, бу бор-йўғи оддий қайта ишлаш жараёни эди, яъни каллани каттиқ ишлатмасдан, мавжуд материяни қайта тиклаш эди. Бу худди шеър ёдлаш ёки қонун бобларини эслаб қолиш каби маълум бир чегарага эга бўлган ва тартибга келтирилган фаолият эди, шунинг учун ҳам бу мен учун ажойиб тафаккур машқи саналарди. Ҳар кун иш тушликкача ва тушликдан кейин ўйнаган иккитадан партияларим менга ўзига хос сабоқ бўлганди, шунинг учун ҳам бу ерда мен ўзимни қийнамасдан туриб бош оғриғини енгардим. Ўша ўйинлар мен учун одатдаги меъёрий фаолиятнинг ўрнини босаётган эди. Чунки мен ўйин давомида адашиб кетсам ёки нима қилишни билмасам ҳар доим китобга ёпишардим. Шунинг учун ҳам бу асабларим учун шифобахш ва ором берувчи фаолият эди, чунки бировнинг ўйинини қайта ўйнаш дегани — ҳали бу ўзим ўйинга киришдим дегани эмасди. Бу ерда оқ ёлиб чиқадими, қора ёлиб чиқадими, мен учун фарқи йўқ эди. Ахир ўйнаётганлар мен эмас, балки ёлиблик гултожи учун курашаётган Алехин ёки Боголюбовлар эди, менинг ўз шахсим, онгим ва руҳиятим эса ҳар бир партиянинг жозибасини ва гўзаллигини яхши тушунадиган томошабин сифатида иштирок этарди. Аммо, ўзимга қарши ўйнашга ҳаракат қилган лаҳзалардан эътиборан, ўзим билмаган ҳолда азоблана бошладим. Ичимдаги ҳар иккала Мен ҳам — оқ Мен ва қора Мен бир-бирига қарши кураша бошлар, уларнинг ҳар бири ўз иштиёки ва сабрсизлиги билан ёлиб бўлишга, ўйинда ютишга интилишар, мен эса қора Мен бўлиб юришни тугатгач, энди оқ

Мен нима қилар экан, дея саросимага тушардим. Агар улардан бири хато қиладиган бўлса, иккинчиси тантана қилар ёки қилган хатоси учун изтироб чекарди.

Аслини олганда, бунақа сунъий тарзда шизофрения бўлиш, тафаккурни иккига бўлиш бемаъниликка ўхшаб кетади ва акли расо одамнинг меъёрдаги ҳолати учун бунинг таъсири ўта хавфли телбаликка олиб келиши мумкин. Бироқ, сиз шуни ҳам унутмангки, мен барча меъёрдаги нарсалардан мажбуран юлқиб олинган, айбсиз панжара ортига ташланган, ойлар давомида қийноққа, ёлғизлик қийноғига маҳкум этилган бир маҳбус эдим. Анчадан буён тўпланиб, тўлиб-тошаётган қаҳримни эртами-кечми нимадир бир нарсага бўшатишим керак эди. Менинг ана шу бемаъни ўйинда ўзимга қарши ўйнашдан, барча ғазабларим ва ўч олиш иштиёқимни шу ўйинга сарфлашдан бошқа чорам ҳам йўқ эди. Ичимда нимадир бир нарса ўз ҳақлигини талаб қилар, унинг курашиши ва енгиши учун эса ичимдаги иккинчи Мендан бошқа нарса йўқ эди. Шунинг учун ҳам ўйин чоғида салкам телбалик даражасигача борардим. Бошида анча тинч ва хотиржам ўйлаб иш кўрар, қаттиқ фикрлашлардан толиксам биров дам олиш мақсадида партиялар оралиғида танаффус ҳам қилардим. Аммо аста-секин тутоқиб кетган асабларим менга кутиш учун имкон бермай қўйишди. Оқ Мен ҳали юришни тугатмасданок, қора Мен сабрсизлик қилиб тинчлик бермас, бир партия тугаб улгурмасданок бошқасини бошлашга шошилардим. Чунки ҳар сафар Менлардан бири бошқасидан мағлуб бўлиши биланок, дарҳол реванш талаб қиларди. Ўша сўнгги ойлар давомида қафасда ўтириб шу тарика телбаларча очқўзлик билан ўзимга қарши нечта партия ўйнаганимни ҳатто тахминан ҳам айта олмасам керак, балки мингтадир, балки ундан ҳам кўпроқдир. Бу шундай бир телбалик эдики, уни енгишга менинг қурбим етмасди, эртадан то ярим тунгача мен фақат филлар, пиёдалар, қироллар, фарзинлар, *a* қатор, *b* қатор, *c* қатор, рокировкалар ва мотлар ҳақида ўйлардим, бу нарса менинг бутун вужудим ва руҳимни ана шу катак чизиқли тахтага кишанлаб ташлаганди. Ўйинга бўлган

хавасим қизиқишга айланди, қизиқишим эса мажбуриятга айланди, унга тобелик ва ёввойи васваса нафақат кундузги оромимни бузди, балки аста-секин тушларимга ҳам сингиб борарди. Энди мен фақат шахматчасига фикрлардим, фақатгина шахматдаги юришлар, шахматдаги масалаларни ўйлардим. Гоҳида совуқ терга ботиб ўйғониб кетсам ҳам, ўйқумда ҳам шахмат ўйинини давом эттираётганимни англаб қолардим. Агар одамлар ҳақида ўйлайдиган бўлсам ҳам фақат фил ёки фарзиннинг ҳаракати асосида фикрлардим. Терговга борадиган бўлсам ҳам энди фикримни бир жойга қўйиб, ўз жавобгарлигим ҳақида ўйлай олмасдим. Терговчилар ҳам ундан олдинги сўроқлардаги аниқ жавобларимни эшитганликлари учун гоҳида менга ҳайрон бўлиб қараб қолишарди. Аслини олганда эса, улар сўроққа тутиб сирларимни фош қилишаётган бир пайтда мен ҳамон ўша лаънати иштиёқ чангалидан чиқолмасдим ва тезроқ мени ўз катгимга қайтаришларини, ўша телбаларча ўйинни давом эттиришни, яна ва яна янги партияларни ўйнашни орзу қилардим. Энди менга ҳар қандай танаффус ҳалақит бера бошлаганди. Соқчининг ҳатто ўн беш дақиқага хонамни йиғиштириши ёки овқат олиб келгандаги икки дақиқалик танаффус ҳам мен учун азобга айланарди. Гоҳида кечқурунлари косадаги овқатга қўл ҳам тегизилмасдан қолиб кетар, чунки мен ўйинга берилиб кетиб тамадди қилишни ҳам унутиб қўярдим. Бироқ, энди менинг жисмимни қийнаётган ягона нарса – бу даҳшатли чанқоқ бўлиб, бу менимча, тинимсиз ўйлаш ва ўйнаш натижаси бўлса керак, чунки икки юришдаёқ олдимдаги бир шиша сувни ичиб қўярдим ва яна сув сўраб соқчини ҳол-жонига қўймасдим, бирпас ўтмасдан яна томоғим қақраб, тилим танглайимга ёпишиб қолаверарди. Охиروқибат, ўйин чоғида жазавам қўзий бошлади, энди эртадан кечгача бошқа ҳеч нарса қилмасдим, бир лаҳза ҳам тинч ўтиришни истамас, партияларни режалаштира туриб, тўхтовсиз у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа, янада тезроқ, янаям тезроқ, у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа юраверардим, ўйиннинг якуни яқинлашган сари эса ҳаракатим янада тезлашар, ютиш, қолиб чиқиш, ўзимни

ўзим мағлуб этиш иштиёки аста-секин ўзига хос бир ўткир қаҳрга айланиб борар, ичимдаги Менлардан бири иккинчисидан кўра имиллаб ҳаракат қилганда эса, мен сабрсизликдан титрай бошлардим. Бири иккинчисини тезроқ ҳаракат қилишга ундарди, менимча, бу сизга қулгули туюлаётган бўлса керак, лекин ичимдаги менлардан бири иккинчисига тезроқ навбат бермаётган бўлса, мен ўзимни ўзим уриша бошлардим – «тезроқ, тезроқ!» ёки «олдинга, олдинга!» Албатта, бугун мен аниқ биламанки, менинг ўша пайтдаги ҳолатим рухий талвасанинг ўта кучли патологик шакли бўлган ва мен уни ҳали тиббиётда ўрганилмаган шахмат билан заҳарланиш деган номдан бошқа ном билан атай олмайман. Охиरोқибат, ушбу телбаларча жазава нафақат тафаккуримни эгаллади, балки жисмимга ҳам ҳужум қила бошлади. Мен бутунлай озиб, тўзиб кетдим, кечалари тез-тез чўчиб тушиб, безовта ухлардим, уйғонишим учун, яъни қўйма кўрғошиндек ёпишиб қолган қовоқларимни бири-биридан ажратиш учун эса алоҳида машаққат талаб этиларди. Гоҳида ўзимни шу қадар бедармон сезардимки, қўлларим шундай қаттиқ қалтирардики, бир стакан сувни аранг лабларимгача олиб келардим. Аммо, шахмат ўйини бошланар-бошланмас қандайдир бир ёввойи куч қўйилиб келар, муштимни маҳкам қисганча у ёқдан-бу ёққа югура бошлардим. Гоҳида ўзимга ўзим қаҳр ва ғазаб билан «шоҳ» ёки «мот» деб бақирган овозимни эшитиб қолардим, овозим худди тўфонли қуюн ортидан келаётганга ўхшаб кетарди.

Бу даҳшатли ва тасвирлаб бўлмайдиган ҳолат қандай қилиб инқироз даражасига етиб келганини сизга аниқ айтиб бериш имконига эга эмасман. Бу ҳақда билганларимнинг ҳаммаси шундан иборатки, бир куни эрталаб кўзимни очдим, бу уйғониш аввалгиларидан мутлақо бошқача эди. Бутун жисмим бўм-бўш ва пардай енгил эди. Кўнглим жуда осойишта, қовоқларимни эса шундай бир ширин ҳорғинлик босиб турардики, бунақасини мен неча ойлардан буён хис қилмагандим. Шундай бир илиқлик қўйнида роҳатланиб ётардимки, кўзимни очишга ҳам ҳаддим сифмасди. Шу тариқа яна бирмунча

вакт ўша ширин холсизлик ва осойишталикдан лаззатланиб ётдим. Тўсатдан ёнгинамда қандайдир овозлар, ҳақиқий тирик одамларнинг овозларини, сўзларни эшитдим. Сиз менинг ўша қувончимни тасаввур ҳам қила олмайсиз, чунки қанча ойлاردан, билмадим, балки бир йилдан буён, мен тергов хонасидаги қўпол, зардали ва тахкирли сўзлардан бошқасини эшитмагандим-да. «Туш кўраяпсан», — дедим мен ўзимга ўзим, «Сен туш кўраяпсан! Умуман кўзингни оча кўрма! Унинг давом этишига имкон бер, бўлмаса ўзингни яна ўша панжара ортида кўрасан, яна ўша стул, ўша тоғора, ўша стол, ўша сийқаси чиқиб кетган нақшли гулқоғоз. Сен туш кўраяпсан — тушингни давом эттиравер!»

Аммо кизиқиш ҳаммасидан устун келди. Ўта эҳтиёткорлик ва секинлик билан кўзимни очдим. Во ажабо, мен ётган хона меҳмонхонадаги катагимдан бошқача бўлиб, ундан кўра кенгроқ ва шинамроқ эди. Панжараси йўқ деразадан ичкарига енгилгина нур тушиб турар. ташқарида менинг ўша тош қотган ёнғиндан қутқариш деворим эмас, унинг ўрнига кўм-кўк дарахтлар шамолда тебранишар, деворлар оппоқ, теп-текис ва ёруғ эди, устимга ҳам оппоқ чойшаб ёпилган, бегона бир кроватда ётардим. Бу дарҳақиқат туш эмасди, чунки тепамда кимлардир секин шивирлашарди. Ҳаяжонда беихтиёр қимирлаб кетдим шекилли, кимнингдир қадам товушлари яқинлашгани эшитилди. Мен томонга оқ рўмол ёпинган бир аёл енгил қадамлар билан яқинлашаётган эди. Бу менга қараб турган ҳамшира экан. Ҳаяжондан бутун вужудим музлаб кетди. Мен ахир бир йилдан буён аёл зотини кўрмагандим. Бу фариштасимон аёлга бақрайиб термулиб қолдим. Менимча, қарашим ўта ёввойи ва кескин бўлди шекилли:

— Тинчланинг, қўзғалманг, хотиржам ётаверинг! — деди ҳамшира мени тинчлантириб. Мен эса фақат унинг овозига қулоқ тутардим: — нахотки шу гапирган инсон бўлса? Шу ер юзида мени тергов қилмайдиган, қийнамайдиган одамлар нахотки ҳали ҳам бор бўлса? Яна бунинг устига, бу қандай мўъжизаки — бу мулойим, илиқ ва нафис аёл товуши эди! Мен интиқиш билан

унинг лабларига термулдим, чунки дўзах ичида ўтган бир йил ичида мен одам одамга шунчалар меҳр билан гапириши мумкинлигини унутиб юборгандим. У менга жилмайиб турар, ҳа у жилмаярди, нахотки ҳали ҳам меҳр билан жилмаювчи одамлар бор бўлса, кейин у бармоқларини секин лабларига босиб жим дегандек сал нарига кетди. Аммо, мен унинг айтганини бажаришни умуман хоҳламасдим, чунки мен ҳали ушбу мўъжизага тўйиб, қониқиб улгурмагандим. Инсон деб аталмиш ушбу мўъжизага яна бир бор боқиш, меҳридан қониш ниятида мен бор кучим билан жойимдан туришга уриниб кўрдим. Аммо, кроват четини ушламоқчи бўлиб ҳаракат қилгандим, бунинг иложи бўлмади. Ўнг қўлим, билакларим, бармоқларим, ҳаммаси қандайдир катта, қалин, оқ нарсанинг остида эди. Қўлларимни босиб турган ушбу оппоқ, қалин ва нотаниш нарсаларни кўздан кечира бошладим, аста-секин ўзимга келиб, қаерда эканлигимни ҳамда нима бўлганини тушунишга ҳаракат қила бошладим. Балки кимдир мени жароҳатлаганми ёки ўзимни ўзим ярадор қилганманми, билмадим, аммо қўлларим жароҳатланган ва мен қандайдир бир госпиталда ётардим.

Тушга яқин врач кириб келди, у ёши улуғ, хушмуомала жаноб экан. У менинг оиламни яхши танир экан, қироллик саройининг врачлари бўлган амакимни жуда ҳурмат билан тилга олди. Бирданига ҳушим ўзимга кела бошлади. Унинг фикрича, менинг аҳволим ҳозир анча яхши эмиш. Сўнгра у, ҳар эҳтимолга қарши, касбим математик ёки химик эмасми, дея қизиқиб кўрди. Мен рад жавобини бердим.

— Ғалати, — деди у, — иситмалаб ётганингизда ҳадеб *с3*, *с4* деган жуда ғалати формулаларни айтиб бақирдингиз. Биз ҳаммамиз бу ерда ҳеч нарсани тушунолмадик.

Ўзимга нима бўлганини суриштирдим. У жимгина маъноли қулиб қўйди.

— Айтарли, жиддий ҳеч нарса бўлгани йўқ. Кучли асаб бузилиши, холос, — кейин эҳтиёткорлик билан атрофга бир қараб олди-да, қўшиб қўйди, — ҳуллас, бу тушунарли ҳолат. Сиз ахир 13 мартдан буён ўша ердасиз-ку.

Мен бош ирғадим.

—Бунақа усуллардан кейин ажабланмаса ҳам бўлади, — дея ғудранди у. — Сиз бу ерда биринчиси эмас. Аммо кайғурманг.

Унинг бундай тинчлантирувчи шивирлашларидан ва меҳрга тўла нигоҳларидан тушундимки, у менга жуда авайлаб караган.

Орадан икки кун ўтгач, ушбу меҳрибон врач менга нима бўлганини ўзи айтиб берди. Хуллас, соқчи хонада мени каттиқ бақираётганимни эшитибди ва аввалига бирортаси олдига кирган бўлса, ўша билан жанжал қилаётган бўлса керак, деб ўйлабди. Аммо у эшикни очар-очмас, уни турткилаб, бор овозим билан:

—Сен, ярамас, кўрқок, юрсангчи тезроқ, — деб қичира бошлабман ва бўйнидан бўғмоқчи бўлиб унга ташланибман. У эса ёрдам чақиришга мажбур бўлибди. Шундай талваса ичида мени врач кўригига судраб келишаётганда эса, бутунлай жазавага тушибман. Ўўлакдаги деразага ўзимни уриб, ойнани синдирибман ва ўша ерда кўлим жароҳатланибди. Мана ҳозир ҳам ўша жойимда чуқур чандиқ қолган. Госпиталдаги биринчи кечаларда мен ўзига хос асаблар иситмасини бошдан кечирган эмишман, аммо унинг фикрича, энди менинг сезги органларим мутлақо тиниқ ишлаётган эмиш.

—Хотирингиз жам бўлсин, — деди у пичирлаб, — мен бу нарсаларни хўжайинларга айтмайман, бўлмаса улар сизни яна ўша ерга қайтариб олиб кетишади. Менга ишонаверинг, кўлимдан келган барча яхшилиқни қиламан.

Ушбу жонкуяр табиб менинг ситамгарларимга нима деганини билмадим-у, аммо ҳар ҳолда у ваъдасининг устидан чиқа олди ва мен озод қилиндим. У балки мени ақлдан озган деб тушунтиргандир, ёки билмадим, бу орада мен ёки гестапо учун аҳамиятсиз бўлиб қолдимми, чунки ўтган вақт ичида Гитлер чехлар томонга ўтиб, бутун Богемияни ишғол қилган ва Австриянинг иши энди аллақачон ҳал бўлганди. Мен учун эса ўн тўрт кун ичида юртимни ташлаб чиқиб кетиш ҳақидаги мажбуриятга имзо чекиш қолганди, холос. Бироқ, шу ўн тўрт кун ҳам минг хил қорозни расмийлаштириш ташвиши билан тўла

бўлди. Чунки бизнинг давримизда чет элга чиқаман деган фуқаро озмунча ҳужжат тўғрилаши керакми — ҳарбий ҳукуматнинг, полициянинг, солиқ маҳкамасининг рухсатномалари, паспорт, виза, тиббий далолатномалар олиш керак. Шулар билан овора бўлиб, бошимдан ўтган нарсаларни ўйлаб кўришга ҳам вақт тополмагандим. Афтидан, инсон миясини қандайдир тилсимли бир куч бошқариб турса керак ва руҳингга нимаики ёкмаса ёки ўта оғир ботса, ўша нарсани у ўз-ўзидан ўчириб ташласа керак, чунки мен ҳар сафар ўша ҳибсда ўтказган кунларимни эслашга ҳаракат қиладиган бўлсам, хотирам ўз-ўзидан хиралашиб, зулматга айланади. Мана энди, орадан қанча ҳафталар ўтгач, аниқроғи мана шу ерда, яъни пароходда бошимдан ўтган нарсаларни ўйлашга ва қайта тасаввур қилишга ўзимда куч топа олдим.

Хуллас, нима учун сизнинг ҳамроҳларингизга кулоқ солмаганим ва уларга ғалати муомала қилганимни энди тушунгандирсиз деб ўйлайман. Ўшанда шунчаки чекиш залидан ўтиб кетаётгандим. Ҳамроҳларингизни шахмат тахтаси олдида тортишиб турганини кўрдим-у, ўзим ҳам билмаган ҳолда худди ерга михлангандай нари кетолмай қолдим. Чунки мен шахматни мана шундай ҳақиқий шахмат тахтаси устида, ҳақиқий шахмат тошлари билан ҳам ўйнаш мумкинлигини ва бу ўйинда мутлақо бошқа-бошқа одамлар бир-бирига қарши ўтиришини умуман унутиб юборган эдим. Мен чиндан ҳам ўша ночор кунларимда ўйнаган шахматларимни эслашим учун бор-йўғи икки дақиқа кифоя қилди, аслини олганда бу айнан ўша, мен ўзимга қарши ўзим ўйнаган ўйин эди. Ачинарли вазиятимда менга ёрдам берган рақамлар бор-йўғи ҳақиқий фигураларнинг рамзи эди. Мени лол қолдирган нарса эса тахта устидаги фигураларни суриш худди менинг хаёлимдаги каби эканлиги эди. Тасаввур қилинг, буни худди бир астрономнинг холига қиёслаш мумкин, масалан, аввалига у ўта мураккаб илмий усуллар ёрдамида, яъни фақат қоғозларда янги бир планетанинг мавжудлигини ҳисоб-китоб қилиб, кашф этди, орадан бирмунча вақт ўтгач унга ҳақиқий осмонга, оппоқ, тиниқ ва юлдузли самога қараш бахти насиб

этди. Мен ҳам ўшанда худди жоду қилингандек шахмат тахтасига термулиб қолгандим, у ерда эса ўша менинг қизикларим, от, фил, қирол, фарзин, пиёдалар – ҳаммаси ёғочдан ясалган бўлиб, ҳақиқий эди. Ўйиндаги асл ҳолатни англаб олиш учун эса тасаввуримдаги мавҳум рақамлар дунёсини тахтадаги тошларга кўчириб олишим керак эди, холос. Шу тарика менда аста-секин икки томон ўртасидаги ҳақиқий ўйинни кузатишга қизиқиш уйғона бошлади. Худди ана шу пайтда ҳаммаси издан чиқиб кетди ва мен одоб нималигини ҳам унутиб, сизнинг ўйинингизга аралашиб кетдим. Аммо, ўртоғингиз нотўғри юргани ҳаммасидан юрагимга оғир ботди. Дўстингизни тўхтатиб қолганим, ростдан ҳам, бу бор-йўғи беихтиёр ўзим билмаган тарздаги ҳаракат эди, худди панжарадан ошиб йиқилишига бир баҳя қолган болани тутиб қолгандек. Бу ишим билан ўта одобсизлик қилиб қўйганимни эса анча кейинроқ тушуниб қолдим.

Мен дарҳол доктор Б.ни тинчлантиришга тушдим, биз ҳаммамиз бу қутилмаган воқеадан жуда мамнун эканлигимизни ва ана шу учрашув сабаб мен у билан танишганимни, унинг менга ишониб бошидан кечирганларини гапириб бергани эса янада қизиқарли бўлганлиги ҳамда агар у эртанги ўйинда иштирок этадиган бўлса, барчамиз ундан миннатдор бўлишимизни таъкидлаб ўтдим. Доктор Б. бироз саросимага тушди.

– Йўқ, чиндан ҳам мендан кўп нарса умид қилманг. Бу, менимча, бир синов бўлади ... ҳа, ростдан ҳам бир синов – оддий шахмат партиясини ҳақиқий шахмат тахтасида, ростакам шахмат тошлари билан, жонли рақибга қарши ўйнай олармикинман ... мен ўзим ўйнаган ўша юзлаб, балки минглаб партиялар гоҳида туш билан ўнгим оралиғида бўлиб ўтганга ўхшаб туюлади, ростдан ҳам улар рисоладагидек партиялар эканлигига, уларни тушда кўрмаганимга, иситма аралаш «шоҳ» деб бақирмаганимга ҳам иккилана бошляпман. Яна сиз мени жаҳон чемпиони деган унвонни олишга, ном чиқаришга уринаяпти деб жиддий ўйламассиз, деган умиддаман. Мени бунга ундаётган нарса – бор-йўғи арзимас қизиқиш бўлиб,

ўшанда, яъни хибсхонадаги ўйнаганим шахмат ўйини бўлганми ёки телбаликми, мен ҳақиқатан ҳам даҳшатли жар ёқасига бориб қолганмидим ёки йўқми, фақатгина ана шуни аниқлаш, холос.

Шу пайт кеманинг нариги томонида кечки овқатга жом урилди. Биз салкам икки соат суҳбатлашибмиз. Доктор Б. бу ерда баён қилганимдан ҳам батафсилроқ ҳикоя қилганди. Унга миннатдорчилик билдирдим у тезда хайрлашдим. Бироқ, мен ҳали палубадан ўтиб ҳам улгурмагандимки, у ортимдан етиб келди ва бироз дудукланиб, асабий оҳангда илова қилди:

Яна бир нарса! Жанобларга олдиндан айтиб қўйсангиз, кейин яна беҳурматлик бўлмасин, мен фақат биттагина партия ўйнайман ... бу янги ўйин деб эмас, балки аввалги ўйиннинг давоми деб ҳисобланса яхши бўларди. Мен иккинчи марта ўша изтиробли ўйин талвасасига тушиб қолишни истамаган бўлардим, чунки ўша кунлар ҳақида менда даҳшатли хотиралар сақланиб қолган ... умуман олганда ... умуман олганда, менга буни врач ҳам ман этганди ... ҳа, жиддий тақиқлаган. Кимки ҳаётида бир марта васвасага тушган бўлса ёки савдойиликни бошдан кечирган бўлса, унда бутун умр ўша ҳолатнинг жароҳати қолади. Шахмат билан заҳарланган одам, ҳатто даволаниб чиққандан кейин ҳам, яхшиси шахмат тахтасига яқин йўламагани маъқул ... Хуллас, сиз тушундингиз-а, бу бор-йўғи менинг ўзим учун биттагина синов ўйини бўлади, бошқа ҳеч нарса эмас, ҳўпми.

Эртаси куни роппа-роса соат учда ҳаммамиз чекиш залида жамулжам бўлдик. Бу шоҳона санъатнинг ишкибозлари гуруҳи яна икки кишига кўпайибди. Булар шу кема офицерлари бўлиб, улар ушбу ўйинни томоша қилиш учун хизматларидан алоҳида рухсат ҳам сўрашибди. Чентович ҳам бу сафар кечагидек куттириб қўймади. Ранглар тезгина аниқлаб олингач, Номо *obscurissimus*¹ ва машҳур жаҳон чемпиони ўртасидаги ғаройиб ўйин бошланди. Худди Бетховеннинг пианинодаги мусиқий машқлари ҳеч қандай ёзма из қолдирмагани

¹ Номалум одам (лот.).

каби, минг афсуски, бу ўйин ҳам бизга ўхшаган бесавод томошабинлар учун ўйналган бўлиб, унинг батафсил баёни шахмат санъатининг солномачилари учун номаълумлигича қолмоқда эди. Тўғрироғи, биз ҳаммамиз эртаси кунни тушдан кейин ўша ўйин жараёнини ҳаёлимизда батафсил қайта тиклашга уриниб кўрдик, аммо самарасиз, менимча, ҳаммамиз ўйин чоғида юришларни қандай амалга оширилаётганига эмас, балки иккала ўйинчига кўпроқ ишқивоз бўлганга ўхшаймиз. Чунки, ҳар иккала партнёрнинг аклий рақобати ўйин давомида улардаги жисмоний ҳаракатларга кўпроқ таъсир эта бошлаганди. Чентович, ҳақиқий заҳматкаш сифатида, бутун ўйин давомида кўзларини шахмат тахтасидан узмасдан, мустаҳкам қоядек туриб берди. Унинг бутун вужуди гўё диққатга айлангандек эди. Аммо доктор Б. анча эркин ва бемалол ҳаракат қиларди. Ҳақиқий ҳаваскор сифатида, яъни ҳаваскор сўзининг энг гўзал маъносида ифода этилгандек, унга ўйин давомида фақатгина «ўйиннинг» ўзи қувонч бағишларди. У ўзини жисман эркин хис этар, танаффуслар оралиғида бизга ўйинни тушунтиришга уринар, тез-тез сигра тутатар, унинг навбати келганда эса шахмат тахтаси тўғрисида келиб термулганча бир дақиқа туриб қоларди. У гўё рақибининг юришини ҳар сафар олдиндан кутиб турганга ўхшарди.

Ўйин бошидаги дебют жуда тез ўйналди. Еттинчи ёки олтинчи юришга келиб, маълум бир режалар шакллана бошлади. Чентович ўйлаш вақтини анчага узайтирди, демак биз билдикки, ўйиндаги ташаббус учун кураш бошланди. Аммо, ростини айтадиган бўлсам, ҳар қандай жиддий мусобақада вазиятнинг ўта секинлик билан ривожланиб бориши биздек чаласаводларнинг ҳафсаласини пир қилиши табиий. Чунки фигуралар бир-бири билан чалкашиб, қанчалик мураккаб кўриниш кашф этгани сайин, ўйиндаги асл вазиятни аниқлаш биз учун шунчалик муаммога айланаётганди. Биз қайси бир ўйинчи бошқасига қарши нимани режалаштираётганини, улардан қай бири айнан устунликка эга бўлаётганини тушунолмай овора эдик. Биз бор-йўғи айрим фигуралар рақибнинг олдини тўсиш учун худди

ричаглардай у ёқдан-бу ёққа сурилаётганини кўриб турардик, холос, афсуски, ҳар бир ўйинчининг ҳаракатида бир қанча юришлар олдиндан ҳисобга олинаётгани, оддийгина фигурани суриш орқали стратегик режалар амалга ошаётганини англай олмасдик. Бунинг устига бизни аста-секин оғир чарчоқ боса бошлади. Бунга Чентовичнинг узундан-узок ўйлашлари сабаб эди, бу нарса ҳатто бизнинг дўстимизни анчагина ичини қиздираётган эди. Чунки, юриш навбати қанчалик узок чўзилгани сари, у ўтирган жойида безовталанар, гоҳида сигарет кетидан сигарет тутатар, гоҳида бир нарсаларни ёзиб қўйиш учун қаламга тармашар, мен саросима ичида буларнинг ҳаммасини кузатиб турардим. Сўнгра у яна маъданли сув буюрар, стакан кетидан стаканни бўшатар, уни Чентовичдан кўра юз баробар тезроқ фикрлаётгани шундоққина кўриниб турарди. Ҳар сафар рақибнинг чексиз фикрлаши ниҳоясига етиб, имиллаган қўллар бир фигурани илгари суриши биланок, дўстимиз худди узок кутилган нарса содир бўлгандек қувонар ва тезда қарши юришни бажариб қўярди. Менимча, у ўзининг тезкор тафаккури билан калласида рақибнинг ҳамма имкониятларини олдиндан ҳисоблаб чиқаётган эди. Чентович қарор қабул қилишни қанчалик орқага сургани сайин, унинг сабрсизлиги ортиб борар, рақибнинг юришини кута туриб, у жаҳлдан ҳатто лабларини тишлаб оларди. Аммо, Чентович мутлақо шошилмасди. Майдонда фигуралар қанчалик камайгани сари, у мум тишлагандек мик этмас ва қайсарлик билан узокроқ ўйларди. Навбат қирк иккинчи юришга келганда, яъни роса икки соатдан сўнг ҳаммамиз аллақачон холдан тойиб, ўйинга ҳам бефарқ ўтирардик. Офицерлардан бири аллақачон кетиб бўлган, иккинчиси эса қўлига китоб олиб ўқишга киришган ва ҳар сафар ўйиндаги вазият ўзгарганда бир назар ташлаб қўярди. Чентович энди юраман деб турган пайтда, умуман кутилмаган бир ҳол юз берди. Чентовичнинг отни юришга ҳозирланаётганини кўрган доктор Б. худди мушукдек бир сапчиб тушди. Унинг бутун вужуди титрай бошлаганди. Чентович отни юрар-юрмас, у фарзинни илгари сурди-да, тантанали равишда эълон қилди:

– Ниҳоят, тугади!

У гавдасини орқага ташлаб, қўлларини кўкрагида ча-
лиштириб олди ва мағрурона нигоҳ билан Чентовичга
қаради. Унинг қорачиғларида илиқ бир нур таралгандай
бўлди.

Шунчалар тантана билан эълон қилинган юришни
тушуниб олиш учун биз ҳаммамиз беихтиёр шахмат
тахтасига қарадик. Бир қарашда ҳеч қандай тўғридан-
тўғри хавф кўзга ташланмасди. Дўстимизнинг қувончи,
менимча, кейинги юришларга мўлжалланган бўлса ке-
рак, аммо калта ўйлайдиган бизга ўхшаш хаваскорлар
бунини ҳали ҳисоблаб чиқа олмасдик. Ичимиздан фақат
Чентовичгина ушбу ошкора тантанага эътибор ҳам бер-
мади. У шунчалик қатъият билан ўтирардики, гўё у «ту-
гади» деган шикаста ҳайкирикни умуман эшитмаганга
ўхшарди. Биз ҳаммамиз беихтиёр нафасимизни ичи-
мизга ютдик, бирданига стол устидаги вақт белгиловчи
соатнинг чиқиллаши ҳам эшитила бошлади. Орадан уч
дақиқа, етти дақиқа, саккиз дақиқа ўтди ҳамки, Ченто-
вич миқ этмасди, менимча, қаттиқ ўйлаганидан унинг
шундоқ ҳам катта бўлган бурун катаклари янада кен-
гайгандек эди. Ушбу бесамар кутиш худди бизга ўхшаб
дўстимиз учун ҳам ўта оғир кечаётган эди. Кутилма-
ганда у ўрнидан сакраб турди ва зал бўйлаб у ёқдан-
бу ёққа бориб кела бошлади, аввалига секин, кейин
тезроқ ва янаям тезроқ юра бошлади. Ҳамма ҳайрон
бўлиб уни кузатиб турар, лекин ўтирганлардан ҳеч ким
менчалик безовта эмасди, чунки у қанчалик ўнғайсиз
қадам ташламасин, барибир бир хил катталикидаги май-
донда у ёқдан-бу ёққа ҳаракат қилар, гўё бўм-бўш зал-
нинг ўртасида қандайдир кўринмас шкаф турибди-ю, у
ҳар сафар юрганда ўша шкафга тўқнашади ва орқага
қайтишга мажбур бўлаётгандек эди. Мен саросима ичи-
да шу нарсани англаб қолдимки, у мана шу у ёқдан-бу
ёққа юришида беихтиёр бир кишилиқ қамоқ камераси-
нинг ҳажмини такрорлар, менимча у ўша қамокда ётган
пайтларида худди қафасга тушган ҳайвон сингари ойлаб
худди шу тариқа қўлларини олдига чалкаштириб олиб,
елкаларини қисганча у ёқдан-бу ёққа юрган бўлса керак.

Ҳа, айнан шундай титрок аралаш, кўзлари косасидан чикиб кетгудек бўлиб, минглаб марта у ёқдан-бу ёққа чопган бўлиши керак. Аммо, унинг хаёли хали жойидага ўхшар, чунки у вақти-вақти билан Чентович бу орада масалани хал қилдимикин, дея стол томонга ўгирилиб қараб кўярди. Нихоят тўққиз, ўн дақиқа ҳам ўтди ва умуман ҳеч биримиз кутмаган воқеа юз берди. Чентович шу пайтгача столда қимирламай турган оғир қўлларини юқори кўтарди. Биз ҳаммамиз сабрсизлик билан унинг қарорини кутардик. Бирок Чентович бошқа юрмади, балки қатъий тарзда қўлларининг орқаси билан тахта устидаги ҳамма тошларни секин четга супуриб ташлади. Биз шундагина Чентовичнинг ўйинни бой берганини тушуниб етдик. У бизнинг олдимизда мот бўлмаслик учун ўйинни тугатганди. Кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ҳол юз берди, жаҳон чемпиони, сон-саноксиз мусобақалар ғолиби бир номаълум одам олдида, яна йигирма ёки йигирма беш йилдан буён бирортаям шахмат тахтасига қўл теккизмаган инсон олдида ғолиблик байроғини бой берди. Бизнинг дўстимиз – мутлақо номаълум одам эса ошкора курашда ер юзидаги энг кучли шахматчи устидан ғолиб чиқди!

Ҳаммамиз ўзимиз билмаган ҳолда бирин-кетин ўрнимиздан туриб кетдик. Ҳар биримиз ичимиздаги қувонч ва кўркувни чиқариб юбориш учун нимадир дейишимиз ёки қилишимиз керакдек эди. Орамизда тошдай қотиб, қимир этмасдан ўз тинчлигини сақлаб қолган ягона одам – Чентович эди. Бирмунча вақт танаффусдан кейин у дўстимизга қаҳрли бир нигоҳ билан қаради ва:

– Яна битта партиями? – дея сўради.

– Ҳа, албатта, – жавоб берди доктор Б.

Унинг бу ҳаяжони менга унчалик ёқмади. Мен хали унга яқинлашишга ва ўйиндан олиб чиқишга улгурмасимдан, у шошилиб жойига ўтирди ва апил-тапил тошларни янгитдан тахлай бошлади. У тошларни шунчалик шошиб-пишиб тахлардики, ҳатто битта пиёда икки марта қўлидан тушиб кетди. Унинг ноқулай ҳаракатларини кўриб, мендаги аввалги саросима энди кўркувга айланди. Чунки бирпас олдин ўзини хотиржам ва босик

тутган одам энди каттик хаяжондан тўлиб-тошган, жанининг учиб-тушиши ҳам тезлашган, бутун вужуди совук титроқ билан қопланаётган эди.

— Йўқ! — дедим мен унга астагина шивирлаб. — Ҳозир эмас! Қўйинг, бугунга етарли! Бу сизга оғирлик қилади.

— Оғирлик қилади! Э-ҳе! — деди у ва баланд овозда асабий кулди. — Бунақа лақиллаб ўтиргунча, мен ўн етти партия ўйнаган бўлардим! Бундай тезликда менга оғирлик қилаётган ягона нарса — бу уйқуга тўймаётганим, холос! Қани! Бошласангизчи!

Охирги сўзни у Чентовичга қараб анчагина қўпол охангда айтди. Чентович эса унга хотиржам ва қатъийлик билан қараб турар, бу қарашларда яширин бир ғазаб акс этганди. Иккала ўйинчи ўртасида бирданига қандайдир янги бир нарса — хатарли асабийлашув ва кучли бир нафрат пайдо бўлганди. Улар энди ўз имкониятларини ўйинда синаб кўрмоқчи бўлган шериклар эмас, балки бир-бирини йўқ қилишга онт ичган ҳақиқий душманлар эди. Чентович биринчи юришни бошлашдан олдин анча иккиланиб турди, кўринишдан у атайлаб вақтни чўзаётганди. Бу тактика устаси учун энди ҳаммаси аён эди, ўзининг айнан имиллаши билан рақибни холдан тойдириб, жинни қилади. Масалан, энг оддий ва осон юришни, яъни шохнинг пиёдасини икки катак олдинга суриш учун у тўрт дақиқача вақт сарфлади. Бизнинг дўстимиз эса шу захотиёқ пиёдани илгари сурди, Чентович эса яна охири кўринмайдиган танаффусни танлади, бу танаффусга эса чидаб бўлмасди, худди кучли бир чакмоқ чакиб ўтди-ю, сен энди юрагинг безовта бўлиб момақалдирокни кутишинг керак, аммо момақалдирокдан эса дарак йўқ. Чентович миқ этмасди. У бемалол, хотиржам ва менимча, меъдага тегадиган даражада имиллаб ўйларди, аммо бу билан у менга доктор Б. ни кузатиш учун яхшигина вақт ажратиб бераётганди. Бизнинг дўстимиз эса бу орада учинчи стакандаги сувни бўшатишга улгурди, беихтиёр унинг қамокдаги даҳшатли чанқоғи ҳақидаги гаплари ёдимга тушди. Рухий безовталиكنинг барча белгилари шундоқ кўриниб турарди, унинг пешонасини тер қоплаб келар, қўлидаги чандиқ эса кизариб аввалгидан ҳам

аниқрок кўзга ташланаётганди. Аммо, у хали ўзини идо-
ра қилиб турарди. Тўртинчи юришга келиб, Чентович
яна узок танаффус қила бошлади, у эса бу сафар ўзини
тутиб тура олмади ва кутилмаганда ракибига дўк урди:

— Умуман ўйнайсизми, йўқми!

Чентович унга совук назар ташлади.

— Агар ақли ожизим панд бермаётган бўлса, биз
ўйлаш учун ўн дақиқага келишгандик, шекилли. Ана шу-
нинг учун мен атайлаб тўлиқ вақтдан фойдаланаяпман.

Доктор Б. лабини тишлаб қолди. Аммо, стол ости-
да унинг оёқлари безовта кимирлаётганини сездим,
оёқларнинг қалтираши тобора кучайиб, охири у пол-
ни тепкилай бошлади ва беҳуда кутишдан бесаранжом
бўла бошлади. Кўринишидан унинг ичида қандайдир
бир ақлга сиғмайдиган ҳол юз бераётганди. Дарҳақиқат,
саккизинчи юришга келиб иккинчи марта ғалати вази-
ят бўлди. Сабрсизлик билан кутавериб чарчаб кетган
доктор Б. беихтиёр гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга бури-
либ қараганча, беихтиёр бармоқлари билан столни чала
бошлади. Чентович яна ўзининг каттакон дехқонча кал-
ласини кўтарди.

— Столни чертмай туришни илтимос қилсам бўладими?
Менга ҳалақит бермоқда. Бунақада мен ўйнолмайман.

— А-ҳа, — дея зардали кулди доктор Б. — кўриниб ту-
рибди.

Чентовичнинг пешонаси кизариб кетди.

— Бу билан нима демокчисиз? — деди у катъий оҳангда
жаҳл билан.

Доктор Б. яна қисқа ва қаҳрли кулди.

— Ҳеч нарса. Фақат айтмоқчиманки, сиз афтидан
жуда асабийлашаяпсиз шекилли.

Чентович ҳеч нарса демади ва яна тахтага термулди.
Нақд етти дақиқа деганда, у кейинги юришни амалга
оширди ва ўйиннинг давоми худди шундай имиллаган
тарзда давом эта бошлади. Чентович борган сари тошга
айланиб борар, ниҳоят у ўйлашга келишилган энг кўп
вақтни қўллай бошлади, бир юриш билан иккинчисининг
оралиғидаги вақтда эса дўстимизнинг қилиқлари
борган сари ғалати тус олаётганди. Кўринишидан, у

гўё ўйинда умуман иштирок этмасдан, қандайдир бир бошқа нарсалар билан машғул одамга ўхшарди. У энди михлангандек бир жойда ўтирар, у ёкдан-бу ёкка бориб келишлари тўхтаган, тешиб юборгудек, тўғрироғи телбаларникидек бир назар билан бўшлиққа термулиб қолган ва қандайдир узук-юлуқ тушуниб бўлмайдиган сўзларни айтиб, ўзи билан ўзи сўзлашаётганди. Сезишимча, у ёки чексиз комбинациялар ичида адашиб қолган ёки умуман бошқа партияларни таҳлил қилаётган эди, чунки ҳар сафар Чентович ўз юришини тугатгач, унинг эътиборини кимдир яна ўйинга жалб этишга мажбур бўлаётганди. Шундан кейин унинг яна вазиятга қайтиши учун маълум бир муддат керак бўларди. Менимча, у телбаликнинг изғиринли даштларида улоқиб кетиб, Чентовични ҳам, бизни ҳам аллақачон унутиб юборган ва бу нарса охири бориб бир жазава билан тугаши мумкин-ку, деган гумоним тобора кучайиб борарди. Ҳақиқатан ҳам, ўн тўққизинчи юришга келиб фалокат юз берди. Чентович ҳали ўз тошини юриб ҳам улгурмасдан, доктор Б. шахмат тахтасига яхшироқ ҳам қарамасдан отни уч катак олдинга юрди-да, шундай қаттиқ бақирдики, биз ҳаммамиз чўчиб тушдик:

— Шох! Қиролга шох!

Ҳаммамиз қандайдир ғайриоддий юришни кўриш ниятида шахмат тахтасига термулдик. Аммо бир дақиқа ўтмасданок мутлақо кутилмаган ҳол юз берди. Чентович секин, жуда секинлик билан бошини кўтарди ва даврадагиларга бирма-бир қараб чикди, у авваллари ҳечам бундай қилмаганди. Кўринишидан у нимадандир чексиз қувонаётган эди, чунки аста-секин унинг лабларида заҳарханда мамнунлик табассуми пайдо бўлди. Ушбу тушунарсиз тантанадан қониқиб ҳузур қилгандан кейингина, у бизнинг даврамизга қараб муғамбирона илтифот билан деди:

— Шошилманг, сабр қилинг, ахир мен бу ерда шохни кўрмайпман. Балки, жаноблардан бирортаси менинг қиролимга нисбатан шохни кўраётгандир?

Ҳаммамиз беихтиёр тахтага ўғирилдик ва безовталиқ билан доктор Б.га қарадик. Чентовичга тегишли бўлган

шоҳнинг атрофи ҳақиқатан ҳам отга қарши пиёда билан пухта ҳимоя қилинган бўлиб, бунга ёш бола ҳам аниқлай оларди. Бизни саросима босди. Дўстимиз қизиқ устида бирорта тошни бошқа жойга, бир катак наригами ёки берига юриб юбордимикин? Нафасимиз чиқмай қолганини кўрган доктор Б. ҳам беихтиёр эътиборини шахмат тахтасига қаратди ва безовталиқ билан нималарнидир тушунтира бошлади.

— Аммо, бу ерда турган қирол f7 катакда бўлиши керак ... у нотўғри турибди, мутлақо нотўғри. Сиз хато юргансиз! Бу тахтанинг устида ҳаммаси умуман нотўғри турибди ... пиёда ҳам g4 катакда эмас, g5 да туриши керак ... бу, бу ахир умуман бошқа партия-ку. Бу ахир ...

Тўсатдан у тарашадек қотиб қолди. Мен шоша-пиша унинг биллагидан тутдим, тўғрироғи, ушбу телбалиқ ҳолатида қўлларимни сезиб, сал ўзига келармикан деган ниятда, биллагини маҳкам қисдим. У худди тушида алаҳсираётгандек менга бақрайди.

— Нима ... сизга нима керак?

Мен унинг чандиғини кўрсатиб,

— Эсласангизчи! — дедим ва бармоқларим билан унинг чандиғини силадим. У беихтиёр менинг ҳаракатимга бўйсунди ва жигарранг чандиққа термулиб, туриб қолди. Бирпасдан сўнг у қутилмаганда титрай бошлади ва ушбу совуқ титроқ бутун баданини қоплади.

— Эй худойим, нақадар даҳшат, — шивирларди у лабларининг ранги қочиб. — Наҳотки мен бирорта бемаъни нарсга деган ёки қилган бўлсам ... мен охирида, яна қайтадан ...

— Йўқ, — дедим мен секин шивирлаб. — Аммо, сиз ҳозироқ ўйинни тўхтатишингиз лозим, ҳозир айни вақти. Врач сизга нима буюрганини эслаб кўринг!

Доктор Б. шошиб ўрнидан турди.

— Ушбу аҳмоқона хатойим учун мени кечиришингизни сўрайман, — деди у ўзининг ўша аввалги илтифотли оҳангида ва Чентовичга эгилиб таъзим қилди. — Дарҳақиқат, айтганларим ҳаммаси бемаънилик. Албатта, бу партия сизники бўлиб қолади. Сўнгра у биз томонга ўгирилди. — Жаноблар ҳам мени кечиришларини

илтимос қиламан. Ахир, мендан унчалик кўп нарса кутмаслик лозимлиги ҳақида олдин ҳам огоҳлантиргандим. Бу шармандаликни афв этинг, шахмат ўйнашга уриниб кўришимнинг бу энг сўнггиси эди.

У таъзим бажо қилди ва дастлаб қандай пайдо бўлган бўлса, худди шундай илтифотли ва сирли тарзда ғойиб бўлди. Биргина мен бу одамнинг нима сабабдан энди ҳеч қачон шахмат тахтасига қўл тегизмаслигини тушуниб турардим, бошқалар эса қанақа ақл бовар қилмайдиган ва хатарли вазиятга дуч келганликларини билиш илинжида гангиб туриб қолишганди.

— Жин урсин ҳаммасини! — мингирлади Мак Коннер ҳафсаласи пир бўлиб. Охирги бўлиб Чентович ўрнидан турди ва ярим тугалланган ўйинга яна бир назар ташлади.

— Афсус, — деди у самимий оҳангда. — Ҳужум умуман олганда ёмон ташкил қилинмаганди. Бир ҳаваскор сифатида бу жаноб дарҳақиқат нодир қобилият эгаси экан.

1912

йилнинг мартада Неаполь портида турган океан пароходининг юклари туширилаётган чоғда фалати бир бахтсиз воқеа юз берганди. Ўшанда газеталар бу ҳақда жуда батафсил ва жимжимадор хабарлар ҳам тарқатишганди. Гарчи ўзим ҳам ўша «Океания»нинг йўловчиси бўлсам-да, менга бошқалар каби бу воқеанинг гувоҳи бўлиш насиб этмаганди, чунки воқеа тунда, кемадаги кўмир ва бошқа юкларни тушириш чоғида содир бўлиб, одатга кўра бу пайтда биз гала-ғовурдан қутулиш учун қирғоқдаги бирорта қаҳвахона ёки театрда вақт ўтказишни афзал кўргандик. Шундан буён бу ҳақда айрим нарсаларни гумон қилиб юрсам-да, бу ҳақда расман гапирмаганман ва шахсан менинг фикримча, ана шу тахминларим ўша мудҳиш бахтсизликнинг асл сабаблари ва айрим лавҳаларини ёритишга ёрдам беради. Бундан ташқари, ўтган йиллар армони ва айнан ўша воқеа арафасида юз берган бир суҳбат чоғида менга билдирилган ишонч туфайли ҳам бунга ҳаққим бор деб ўйлайман.

Мен Европага қайтиш учун Калькуттадаги кемалар ваколатхонасига «Океания»дан битта жойга буюртма бермоқчи бўлганимда, хизматкор иккиланиб елка қисди, чунки бу кемадан айни чоғда жой топиш мушкул бўлиб, одатда ёмғирлар фасли олдидан пароходдаги ҳамма ўринлар Австралиядаёқ сотиб бўлиниши ва у энди Сингапурдан телеграмма кутиши лозимлигини маълум қилди. Ниҳоят эртаси куни у анча хурсанд бўлиб менга битта жой топилиши мумкинлигини, лекин бу кеманинг қоқ ўртасидаги, яъни палубанинг шундоқ тагидаги каю-

талардан бири эканлигини айтди. Уйга кайтишга сабрим чидамай турганлиги сабаб, узок ўйлаб ўтирмасдан, ўша жойни ўзимга ёздириб қўйдим.

Хизматчи чиндан ҳам тўғри айтган экан. Кема лик тўла ва каюта анча ночор эди. Бу пар машинаси яқинидаги тўртбурчак катак бўлиб, унга ягона бир шиша туйнукдан хира нур тушиб турар, ундаги ҳаво туриб қолган, ёғ ва ачқимтил зах ҳиди анқир, электр вентилляторидан эса ўзингни олиб қочолмайсан, у кафасга тушган пўлат кўршапалакдек нак пешонангда тинмай айланарди. Пастдан кема моторининг худди кўмир тўла аравани бир зинадан тўхтовсиз судралишига ўхшаш тарақлаган шовқини келар, тепадан эса палубадаги тинимсиз дупур-дупур қадам товушларининг бориб-келиши тинчлик бермасди. Жомадонларимни бурчакдаги димиққан юкхонага жойладиму дарҳол палубага қочиб чиқдим ва қирғоқдан тўлқинлар оралаб эсаётган тотли ва майин шабадани худди мушк-анбардек тўйиб симирдим.

Палуба ҳам тўлиб-тошган ва нотинч эди. Одамлар чорасиз бекорчиликдан зерикиб, асабий гап сотишар ва тинимсиз у ёқдан-бу ёққа ўтишар ёки пастдан тепага чиқиб тушишарди. Аёлларнинг ҳиринг-хиринги, танг палубадаги бетўхтов ҳаракатлар, палубадаги креслолар олдида тўпланган ва тер ҳиди анқиб ётган одамлар тўдасида туриш нима учундир дилимни сиёҳ қилди. Мен яқиндагина янги бир дунёга тўқнаш келгандим, ундаги чакмоқдек ўрин алмашаётган суратлар ақлимни шоширар, ҳаловатимни ўғирларди. Хуллас, эътиборимни тортган тасвирлар ҳақида ҳаёл сургим, уларни бўлақларга бўлгим, тартибга келтиргим, навбатдаги асаримга чизгилар яратгим келарди. Аммо, бу тор палубада бир дақиқа ҳам ҳузур-ҳаловат йўқ бўлиб, мен ўйлаётган сатрлар ушбу тинимсиз ғала-ғовурлар билан қоришиб кетаётганди. Кеманинг мана шу нотинч ва офтоб қиздирган йўлагига бир ўзинг ёлғиз қолишнинг ҳечам имкони йўқ эди.

Бунга уч кун уриндим, охири тақдирга тан бериб, одамларни ва океанни томоша қила бошладим. Аммо, океан ҳар доимгидек ўзгармай турар, кўм-кўк ва бўм-

бўш, фақатгина куёш ботиши арафасида тўсатдан камалнинг барча ранглари билан тўлиб-тошарди. Одамларни эса етмиш икки соатдан бери ҳадеб кўравергач, ҳаммасининг кўриниши ёдимда сақланиб қолганди. Ҳар бир башара энди кўнглимни айнитар даражада таниш бўлиб қолган, аёлларнинг қаҳқаҳаси энди кайфиятимни бузмас, кўшни хонадаги икки голланд офицерининг бемаъни тортишувлари ҳам ғашимни келтирмасди. Мен учун ягона йўл — буларнинг ҳаммасидан қочиб кетиш бўлиб, бундан қутулишнинг бошқа иложи қолмаганди. Аммо, каютага кирай десам, у ер жуда иссиқ ва дим, залда эса нўноқ инглиз хонимчалар пианинода миси чиқиб кетган бир вальсни чалгани-чалган эди. Охири, кун тартибимни мутлақо ўзгартиришга қарор қилдим. Тушлик тугаши биланоқ каютага шўнғидим, кечки овқат ва кўнгилочар соатларни ухлаб ўтказиш ниятида бир-икки бокал пиво ҳам симириб олдим.

Ўйғониб кетганимда эса менинг торгина тобутим зим-зиё ва жимжит эди. Вентиляторни ўчириб қўйганим учун намхуш ва ёғли ҳаво киприкларимга ёпишиб қолганди. Бошим ғувиллаб ётар, ўзимга келиб, вақт ва замон тартибини ўнглаб олишим учун бир неча дақиқа керак бўлди. Нима бўлганда ҳам вақт ярим тундан ўтган бўлиши керак, чунки менга на мусиқа товушлари, на тўхтовсиз қадамлар дупури эшитиларди, фақат моторгина худди Левиафаннинг пишқирган юраги сингари депсиниб, кеманинг ғичирлаган жуссасини олдинга, сирли дунёлар сари судраб борарди.

Тимирскиланиб палубага чиқдим. У бўм-бўш эди. Беихтиёр юкорига назар ташладим, кема пархонаси қузури ва мачталар тепасидан қандайдир сеҳрли бир ёрқин шафақ кўзимни қамаштирди. Осмон яшнаб турарди. Юлдузларни қандайдир ёрқин оқ туман пардаси қоплаб олган, аммо улар ушбу парданинг тешикларидан милтираб термулишар, турли рангдаги нурлар ўзаро қоришиб кўзни қамаштирувчи бекиёс гўзаллик кашф этганди. Мен ҳали фалакнинг ўша тундагидек ёрқин бўлишини ҳечам кўрмагандим, у ой ва юлдузлар ёғдуси билан тўлиб-тошган, тубсиз, кулранг, совуқ, аммо ялти-

рок, гўё ой фонуси юлдузларни тўсиб қўйгану фалакнинг каеридадир сирли бир ички аланга нур таратаётгандек эди. Ойдан таралаётган кумуш нур океаннинг қора сиёхи билан қоришиб, кема бортининг четларини, арконларни, елкан ёғочларини ёритиб турарди. Мачта тепасидаги кема кузатувчисининг чироқлари фалакнинг шаффоф ёғдулари орасидан сарик юлдузчалардан ясалган митти кўзлардек осилиб туришарди.

Шундоқкина каршимда фусункор юлдузлар мажмуи – Жанубий Бут турарди, у гўё милтираган олмос ниналар билан кўринмас деворга осиб қўйилганди, кема эса оҳиста чайкалиб, гоҳ пастга, гоҳ юқорига шўнғир, улкан наханг сингари оғир хўрсиниб, кўкраги билан мавжли тўлқинларни ёриб борарди. Мен тик турганча тепамдаги осмонга махлиё бўлиб қолгандим. Ўзимни худди душ тагида тургандек ҳис қилар, тепамдан илиқ сув қўйилар, фақат бу сув эмас, илиқ ёғдулар эди, улар оппоқ бўлиб қўлларим, елкаларим ва бутун жисмимни майин томчилари билан ювиб ўтар, гўё ичимдан нимадир бир нарсаларни ҳайдаётгандай эди, чунки мени бўғаётган нарсалар кутилмаганда изсиз йўқолиб бораётганди. Эркин ва енгил нафас олдим, озод қушдай тўйиб-тўйиб нафас олдим, енгил энтикиш билан лабларимда шу яқин атрофдаги ороллардан келаётган меваларнинг майин ва маст қилувчи шаффоф майдек тотли ифोरини сездим. Кемага кадам қўйганимдан буён биринчи марта менда ҳаёллар уммонига фарқ бўлиш истаги туғилди ва бутун вужудим мени ўраб олаётган ширин орзулар қучоғида роҳатлана бошлади. Осмонга, ундаги оқ иероглифларга термулганча чўзилиб ётгим келди. Аммо, палубадаги чилвир креслолар ва ўриндиқлар йиғиштириб кетилганди, бўм-бўш палубанинг ҳеч қаерида ҳаёл суриб хордиқ чиқариш учун қулайроқ жой топилмади.

Атрофдаги нарсаларда акс этган ёғдулардан кўзим камшиб, қоқилиб-туртиниб, аста-секин кеманинг олд қисмига қараб юра бошладим. Кумушдек яшнаган ёнар юлдузлар ёғдуси кўзларимни деярли кўр қилиб қўйган, шунинг учун мен бирорта бир соя жой топиб, худди

коронғу хонадан ёруғ далани кузатган сингари атроф-ни томоша қилгим келди. Ниҳоят, кокила-сукила турли пўлат тўсиқларга урилиб кема арконлари оралаб, унинг тумшуғига етиб келдим. У ердан тўлқинларнинг кемага урилиши, ой нуруни кемага урилиб, худди тўлқинлардай иккига бўлиниб кетишини томоша қилдим. Кема тумшуғидаги ўткир қирралар қора тўлқинларни парчалаганча худди омов сингари гоҳ кўтарилар, гоҳо пастга шўнғирди. Мен ушбу манзарада инсон кучининг кудратини кўриб завқим кўзғаб кетди. Атрофга махлиё бўлиб, қанча вақт ўтганини ҳам унутиб қўйибман. Мен шу аҳволда бир соат турдимми ёки бир неча дақиқами билмадим, мени гўё кеманинг улкан беланчаги тебратганча олис-олисларга замондан ташқарига олиб кетгандек эди. Мени қандайдир ширин чарчоқ босиб кела бошлади. Бу жозибали оламдан ўз катагимга қайтгим келмас, шу ерда ухлагим, кўзларимни юмганча хаёлларга берилгим келди. Беихтиёр оёқларим билан ерда ётган бир тўда кема арконини топиб олдим. Ўша ерга ўтирдим ва кўзларимни юмдим, бутун вужудим ўша юлдузлар ёғдуси ва кумуш нурлар қўйнида эди. Пастдан сувнинг майин шилдирашини эшитдим, тепамда эса ёғдулар оламининг оппоқ нурлари оқарди. Аста-секин ушбу шилдирашни мен ўз томирларимдан ҳам эшита бошладим ва ўзимни бутунлай унутдим, энди бу ерда мен нафас ола-япманми ёки юраги гуппилаётган кема хўрсинаяптими, билолмасдим. Бу тунги олам қўйнида тинимсиз шивирлаган оҳанглари ичида сузавердим, сузавердим. Енгилгина куруқ бир йўтал хаёлимни бўлди. Ўзимнинг бунақа мастона хаёлпарастлигимдан чўчиб тушдим. Оппоқ шуъладан қамашиб қолган кўзларимни аста очдим. Шундайгина қаршимда кема деворининг панасида бир жуфт кўзойнак ва трубканинг чўғи ялтираб кўринди. Мен тепамдаги Жанубий Бут юлдузларининг жозибасига ва кема тумшуғидаги мавжларга мафтун бўлиб, шунча вақтдан буён қимир этмай ўтирган қўшнимни сезмаган эканман. Ҳали хаёлларимдан бутунлай фориг бўлмасдан, беихтиёр немис тилида мурожаат қилдим:

— Узр, кечирасиз!

— Ох, марҳамат..., — дея жавоб берди кимдир қоронғулик ичидан немис тилида.

Қоронғуда ёнма-ён миқ этмасдан ўтириш қанчалик оғир эканлигини мен ҳали тасаввур қилолмасдим. Ҳаёлимда мен бу одамга қанчалик термулиб турган бўлсам, у ҳам менга шундай қараб тургандек эди. Аммо, ёғду шунчалар кучли эдики, иккаламиз ҳам шафақда бир-биримизни кўролмаётгандек эдик. Ниҳоят, тамаки тутунининг пуфлангани эшитилди.

Ўртага тушган бу жимликка эса чидаб бўлмасди. Жон деб нари кетган бўлардим-у, аммо бу қутилмаганда ўта қўполлик бўлиб кўриниши мумкин эди. Мени биров саросима босди, беихтиёр чўнтагимдан сигарет чиқардим. Гугуртнинг ёнгани эшитилди, бу торгина майдон бир неча лаҳзага ёришди. Кўзойнақлар ортидан менга қараб турган умуман нотаниш бир чехрага кўзим тушди. Уни кемада олдин ҳечам учратмагандим, на овқатланиш чоғида, на йўлақларда. Қутилмаган ёрқин нурлар кўзини камаштирганми ёки менга шундай кўриндими, ҳар ҳолда, унинг юзи даҳшатдан қорайиб кетган, бўжмайган ва арвоҳсифат эди. Аммо, мен ҳали батафсилроқ кўриб улгурмасимдан бир лаҳзага ёришган чизгиларни яна қоронғулик ютиб юборди, мен энди фақат қоронғулик ичида қорайиб турган жуссани аранг илғаб турардим, трубканинг чўғи эса товланиб, худди бўшлиқдаги алангали ҳалқани эслатарди. Ҳеч биримиз гапирмасдик, ўртадаги жимлик худди тропик ҳаво сингари оғир ва диққинафас эди.

Охири бунга бардошим етмади. Ўрнимдан турдим-да, кета туриб илтифот билан:

— Хайрли тун, — дедим.

— Хайрли тун, — деди қоронғуликдан аламли ва хорғин бир товуш.

Мен бир амаллаб кема арқонлари ва ёғочларига қокила-сукила нари кетдим. Тўсатдан орқамдан безовта ва шошилишча қадам товушлари эшитилди. Бу ҳозиргина ёнимда ўтирган ҳамроҳим эди. Беихтиёр жойимда туриб қолдим. У менга унчалик яқин келмасдан тўхтади, қоронғулик ичида уни нимадандир ҳадиксираётгани, са-

росимада эканлигини кадам босишларидан сезиб турардим.

— Кечирасиз, — деди у шошилиб, — агар сиздан бир нарсани илтимос қилсам. Мен... мен ... — хижолатдан кўнглидагини бирданига айтолмай тутилиб қолди, — мен ... мен ўзимни олиб қочишимга ... мутлақо шахсий сабабим бор ... бу бир қайғули ҳол ... мен кемадаги одамларни кўргим келмайди. Йўқ ... йўқ ... сизни айтмаяпман. Фақат илтимос қилмоқчийдим... Агар мени бу ерда кўрганингизни кемадагилардан ҳеч кимга айтмасангиз, сиздан ўта миннатдор бўлардим... Бунга... умуман у ерга боролмаслигимга шахсий сабабим бор, агар сиз тунда бу ерда кимнидир кўрганингизни айтадиган бўлсангиз ..., яъни мени бу ердалигимни...

Унинг гапи яна томоғига тикилиб қолди. Мен дарҳол унинг истагини бажаришга ваъда бериб, уни хижолатдан қутқаришга тиришдим. Иккаламиз бир-биримизга қўл бердик. Сўнгра мен ўз каютамга қайтдим ва жуда нотинч ҳамда алғов-далғов тушлар кўриб ухладим. Сўзимнинг устидан чиқиб, гарчи ичим кизиби кетса ҳам, кемадагилардан ҳеч кимга ғаройиб учрашувим ҳақида гапирмадим. Чунки денгиз саёҳатида кичик нарсалар ҳам катта воқеага айланади, масалан, уфқдан кўринган бир елкан, сакраб чиққан бирорта дельфин, енгил хангома ёки арзимас ноз-карашма ҳам. Аммо, мени ҳамон ўша ғайриоддий йўловчи ҳақида кўпроқ нарса билиш иштиёки тинч қўймасди, бирорта исм унга тегишли бўлса керак деган ниятда кемадагиларнинг рўйхатини титиб чиқдим, бирортасининг ўша одам билан алоқаси бордир деб одамларни синчиклаб кузатиб ҳам чиқдим, хуллас, кун бўйи ичимдаги асабий бесабрликни бостириш билан овора бўлдим, аслини олганда эса, уни яна учратиш умидида кеч бўлишини кутардим. Ростини айтсам, шунақа жумбоқли ва руҳият билан боғлиқ нарсалар олдида мен ўзимни тутиб туролмас, улардаги ўзаро боғлиқликни англаш мени қон-қонимгача қизиқтирар, ғайриоддий одамлар ўзларининг биргина туришининг ўзи билан мендаги жўшқин қизиқишни кўзғатиб юборарди. Бу иштиёқ эркак кишининг аёл олдида ўзини йўқотиб

кўйишидан кам эмасди. Шу куним умуман самарасиз ва бефойда ўтиб кетди. Жуда эрта ухлагани ётдим, чунки бу нарса мени ярим тунда уйғотишини аниқ билардим.

Дархақиқат, мен айнан кечаги вақтда уйғониб кетдим. Соатнинг радиум циферблатидаги иккала кўрсаткичлар ҳам бир нуқтада турарди. Шошилганча димиккан каютадан чикиб, ўзимни ундан ҳам димрок тун кучоғига урдим.

Худди кечагидек юлдузлар чарақлаб турар, титраб турган кема тепасини яна ўша қоришган ёғду қоплаган, юқорида эса Жанубий Бут яшнаб турарди. Ҳамма нарса худди кечагидек эди, тропик ўлкаларда биз тарафлардан фарқли ўлароқ, кун ва тун эгизакларга ўхшайди, фақат энди мендаги ёқимли ва мулойим хаёлларга тўла ҳолат энди кечагидек эмасди. Нимадир бир нарса мени тортқилар, чалғитар ва у мени қаёққа тортаётганини мен билиб турардим, ўша ёққа, кеманинг зим-зиё бўлиб турган тумшук томонига чорлар, ўша сирли мавжудот ҳалиям жойидамикин, деган хаёл тортқиларди. Юқорида кема соати бонг урди. У мени дадиллантириб олға чорлади. Аста-секин, кадам-бакадам, истар-истамас ўша томонга ўтиб бордим. Ҳали супачага етиб келмасимданок, тўсатдан нимадир бир нарса худди чўғдай ёнаётган кўз сингари яшнаб кўринди, бу трубка эди. У шу ерда ўтирганди.

Мен беихтиёр сесканиб кетдим ва туриб қолдим. Энди қайтиб кетмоқчи бўлгандим, қаршимдаги коронғуликда нимадир ғимирлади ва ўрнидан турди, мен тарафга бирикки кадам ташлади ва кутилмаганда шундоқ олдимда унинг илтифотли ва бўғиқ овозини эшитдим.

— Кечирасиз, — деди у, — менимча сиз яна ўз жойингизга ўтмоқчисиз, хаёлимда мени кўриб, қайтиб кетмоқчи бўлдингиз. Илтимос, ўтираверинг, мен ҳозир кетаман.

Мен, ўз навбатида, уни шу ерда қолиши кераклигини, орқага қайтмоқчи бўлганим, — бу бор-йўғи унга ҳалакит бермаслик эканлигини тушунтирдим.

— Менга ҳалакит бермайсиз, — деди у қандайдир ялинчоқ оҳангда, — аксинча, бир марта бўлса ҳам ўзим

ёлгиз эмаслигимдан хурсандман. Ўн кундан бери бирортаям сўз гапирганим йўқ ... тўғрироғи, бир неча йиллардан бери ... ва бу ҳолат жуда оғир, айниқса одам ҳаммасини ичига ютавериб бўғилиб кетса ... Каютада ортиқ ўтира олмайман ... ўша ... ўша лаҳад ичида, мен ортиқ ... ортиқ одамларни кўришга мадорим йўқ, чунки улар кун бўйи қаҳқаҳа отишади ... мен энди буларни кўтара олмайман ... уларнинг овози пастга, менинг каютамгача етиб боради, қулоқларимни бекитиб оламан... умуман олганда, сиз ҳали билмайсиз, ростдан ҳам бировнинг ташвишини биров қаердан ҳам билсин ...

У тўхтаб қолди. Кутилмаганда у шоша-пиша яна гап бошлади.

– Бироқ, мен сизнинг бошингизни қотирмоқчимасман... кўп гапириб юбордим шекилли, узр ...

У таъзим қилди ва кетишга шайланди. Аммо мен шовилганча уни шаштидан қайтаришга тушдим.

– Қўйсангизчи, сиз ҳечам менга юк бўлаётганингиз йўқ. Аксинча, шу ерда бир-икки оғиз хотиржам суҳбатлашишдан мен ҳам хурсандман ... Марҳамат, сигарет чекасизми?

У битта сигарет олди. Мен олов тутдим. Яна унинг юзи ёришиб, коронғуда кема бортидан қалқиб, ажралиб чиқди, бу сафар у менга қараб турарди. Кўзойнақлар ортидаги кўзлар қандайдир бир оч ва телбаларча шижоат билан менинг юзимни синчиклаб ўрганаётгандек термулиб қолганди. Беихтиёр этим жунжикиб кетди. Бу одам гапиришни хохлаётганини, ва у албатта кўнглини ёриши лозимлигини ҳис қилдим. Унга ёрдам бериш учун эса мен фақат сукут сақлашим кераклигини англадим.

Иккаламиз ҳам ўтириб олдик. Унинг олдида яна бир кресло бўлиб, у менга шуни таклиф қилди. Биз чекишда давом этдик, унинг сигаретисидаги чўғ митти доирача бўлиб титраётганидан кўриниб турардики, унинг қўллари қалтираётганди. Мен миқ этмасдан жим турардим, у ҳам жим эди. Сўнгра у секингина сўради:

– Сиз жуда толиқдингизми?

– Йўқ, умуман чарчаганим йўқ.

Зулмат ичида унинг товуши яна тинчиб қолди.

– Сиздан бир нарсани сўрамоқчиман ... яъни, тўғрироғи, сизга бир нарсани айтиб бермоқчийдим. Билиб турибман, дуч келган биринчи одамга мурожаат қилиш, канчалик бемаънилик эканлигини яхши биламан ... аммо ... мен ... шундай бир аянчли рухий ҳолатданманки, мен ҳозир жар ёқасидаман, ким биландир албатта гаплашишим зарур, йўкса нобуд бўлишим аниқ Сиз буни албатта тушунасиз ... албатта, ҳозир сўзлаб берганимдан сўнг, албатта тушунасиз. Биламан, менга ёрдам бера олмайсиз ... аммо, нима десам экан, мен шу сукут билан касалланганман ... ва беморлар, биласизки, бошқалар учун кулгили кўринади ...

Мен унинг гапини бўлиб, ўзини бунчалар қийнамаслигини илтимос қилдим. У менга бемалол сўзлаши мумкинлиги ... албатта, мен ҳеч нарса ваъда қила олмайман, аммо ҳар бир одам учун бошқаларга ёрдам бериш, бу унинг бурчи-ку. Агар кимнидир ночор ҳолда кўрса, унга ёрдам бериш албатта бурч ҳисобланади, дедим.

– Бурч ... ёрдам беришга шай туриш бурчи ... уриниб кўриш бурчи ... Демак, сиз ўйлайсизки, сиз ҳам одамнинг бурчи бор деб ўйлайсиз ... Бурч ... ёрдам беришга шай туриш бурчи.

У бу гапни уч марта такрорлади. Бунақа бемаъно ва аламли такрорлашдан этим жунжикиб кетди. Бу одам ақлдан оздимикин? У балки мастмикин?

Мен худди хаёлимдагини овоз чиқариб айтгандек, у гумонимни англади шекилли, кутилмаганда мутлақо бошқа овоз билан деди:

– Сиз, эҳтимол, мени ҳозир ё жинни деб ўйлаяпсиз ёки маст. Йўқ, мен унақа эмасман – ҳар ҳолда ҳали унақа бўлганим йўқ. Фақат, сиз айтган сўз ғалати туюлди ... шунчалик ғалати туюлдики, чунки айни чоғда худди шу нарса мени қийнамоқда, яъни бурч борлиги ... одамнинг бурчи бўлиши.

У яна тутила бошлади. Кейин, бир муддат жим бўлиб қолди ва яна янги бир ҳафсала билан сўзлай бошлади.

– Ростини айтсам, мен врачман. Тиббиётда шундай қалтис вазиятлар бўладик ... Тўғрироғи, ҳал қилувчи ҳолатлар, шундай ҳолларда қанақа бурчлигини ҳам бил-

май қоласан. Ахир, бурч бу битта нарсa эмас-ку, бировга хамдардлик бурчи, уз виждонинг олдидаги бурч, давлат олдидаги бурч, илм-фан олдидаги бурч Тўғри, бировга ёрдам бериш керак, биз шунинг учун ҳам яралганмиз ... аммо, бу ақидалар назарий томондан яхши ... Хўш, қанчалик даражада ёрдам бериш керак? Мана, масалан, сиз бир бегона одамсиз, мен ҳам сизга бегонаман, сиздан бу ерда мени кўрганингизни ҳеч кимга айтманг деб сўрасам ... хўп, сиз жим юрасиз, сиз ушбу бурчингизни бажарасиз. Ёки, сиздан мен билан гаплашинг, деб илтимос қиламан, чунки мен бу жимликдан бўғилиб кетдим ... Сиз мени эшитишга тайёрсиз ... бу яхши ... Ахир, бу ҳаммаси жуда осон ... Аммо, сиздан оёқ-қўлимни боғланг-да, мени кемадан улоқтиринг десам ... унда барча илтифотлар, ёрдамга тайёр туришлар йўқолади-қолади. Ахир бу нарсa қаердадир ... тугайди-ку, қайсидир даражага етгач, ўзингдаги кўркувданми, уз жавобгарлигинг туфайлими ... умуман, қандайдир бир чегарага етгач ушбу бурч тўхташи керак-ку. Балки, врач учун эҳтимол, бунинг чегараси бўлмас? Балки у халоскор бўлиши, бу ёруғ оламда ҳаммага мадад бериши керакдир, нима учун ахир, бор-йўғи лотинча сўзлар битилган дипломи борлиги учунми, агар кимдир ... кимдир унинг олдида ёрдам сўраб келса, у эҳтимол, ҳаётини гаровга қўйиб, қон кечиb бўлса ҳам виждонли бўлиши, ёрдам бериши керакми? Ҳа, бурч деганлари қаердадир яқун топади-ку барибир, эҳтимол бизнинг имконимиз, кучимиз тугаган жойда у тўхтаб қолар ...

У бирпас тин олди ва яна давом этди.

— Узр сўрайман ... мен ҳозир қизишиб кетаяпман шекилли ... аммо мен маст эмасман ... ҳар ҳолда ҳали маст бўлганим йўқ ... бу жаҳаннам суқунатига дош беришнинг иложи қолмаганда шунақаси ҳам тез-тез бўлиб туради. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен етти йил фақат маҳаллий одамлар ва ҳайвонлар ичида яшадим ... бундай вазиятда тўғри гапиришни ҳам ёддан чиқариб юборасан. Кейин сўзламоқчи бўлсанг ҳаммаси аралашиб кетади ... Аммо, тўхтаб туринг ... ҳа, ёдимда ... сиздан бир нарсани сўрамоқчийдим, ҳуллас, шундай бир вазият бўлса, ёрдам

бериш эса сизнинг бурчингиз бўлса... Фақат чин дилдан, фаришталар каби поклик билан, самимий мадад бўлиш ... Умуман, ҳикоям чўзилиб кетади деб қўрқаман. Сиз ростдан ҳам толиқмадингизми?

– Йўқ, умуман толиққаним йўқ.

– Мен ... мен сиздан миннатдорман ... кўнглингизга олмадингизми?

У ерга эгилиб орқада – қоронғуликда ниманидир пайпаслаб кидира бошлади. Нимадир шикирлади, бу унинг ёнидаги икки-учта, балки ундан ҳам кўпроқ шишалар бўлиб, афтидан, уларни ёнгинасига териб қўйганди. У менга бир стакан виски таклиф қилди, мен номигагина хўплаб қўйдим, у эса бир кўтаришда ичиб юборди. Ўртамизда бирпасга жимлик чўкди. Шу пайт кема соатининг қўнғироғи эшитилди – соат ўн икки ярим бўлганди.

– Хуллас, ... мен сизга бир воқеани сўзлаб бермоқчийдим. Тасаввур қилинг, бир врач ... кичик бир шаҳарда ... тўғрироғи, бир мамлакатда ... бир врач ... бир врач, қайсики ...

У яна жим бўлиб қолди. Сўнг бирдан креслосини менга яқинроқ сурди.

– Бунақаси бўлмайди. Мен сизга ҳаммасини бошидан сўзлаб беришим керак, акс ҳолда сиз ҳеч нарсани тушунмайсиз ... Бу ҳолни мисол тариқасида сўзлаш, яъни бир назария сингари баён этишнинг иложи йўқ ... мен сизга ўзимнинг бошимдан кечган нарсани айтиб бераман. Бу ерда уялиш йўқ, ҳаммаси ошқора бўлсин ... ахир менинг олдимда ҳам одамлар қипяланғоч бўлиб ечинишади, яраларини, пешоб ва ахлатларини кўрсатишади ... агар одам ёрдам олишни истаса гапни чўзмаслиги, яширмасдан ҳаммасини очиқ айтиши керак бўлади ... Хуллас, сизга қандайдир бир ҳаёлдаги врач ҳақида гапирмайман, балки олдингизда бор-будимни ечиб ташлайман, сизга айтсам, ушбу телбасимон ёлғизликда, одамни ич-ичидан кемирадиган, иликларинггача сўриб оладиган ушбу лаънати юртда шарм-хаё нималигини ҳам унутиб қўйгандим.

Мен қандайдир ноқулай ҳаракат қилдим шекилли, у гапиришдан тўхтаб қолди.

— Ах-ха, эътироз билдираяпсиз ... фахмлаб турибман, сиз ҳозир хиндлар ўлкасига, ибодатхоналарга, пальмаларга ва умуман, икки ойлик саёҳатдаги романтик оламга маҳлиё бўлиб турибсиз. Ҳа, агар сиз автомобилда, поездда ёки бирорта рикшанинг ғалтагида кезиб чиксангиз, бу тропик ўлкалар чиндан ҳам мафтункор бўлиб кўринади, мен ҳам етти йил аввал бу ерга илк бор қадам босганимда ўзимни худди шундай ҳис қилгандим. Ўшанда нималарни орзу қилмагандим дейсиз, тилини ўрганиш, қадимий матнлардаги муқаддас китобларни ўқиш, касалликлар тадқиқоти, илмий ишлар қилиш, ерлик аҳолининг рухий оламини тадқиқ этиш... яъни, европача жаргонда айтадиган бўлсак — инсонпарвар тамаддуннинг миссионерларидан бири бўлишни истагандим.

Кимки бу тарафларга қадам босадиган бўлса, ҳаммаси шунақанги бир хил хаёллар орзусида бўлади. Бирок, эҳ-хе, бу лойка кўлмакда бирининг дармони қурийд, бошқасининг эса иссиғи чиқади, иликлари қуриб, безгакнинг ҳапдорисини шунчалар кўп ютадики, охир-оқибат бу ердаги азоблардан мадори қуриб, лоҳас бўлиб, бўшашиб қолади. Агар нимадир сабаб бўлиб, бирорта европалик фаровон турмушидан ажралиб, шаҳру азимдан ушбу ғайитопмас ботқоқдаги бир станцияга келиб қоладиган бўлса, ким бўлмасин — ҳаммаси эртами-кечми, ўзининг асл башарасини йўқотиб қўяди, — бири ичкилик қурбони бўлса, бошқаси бангига айланади, яна бири ваҳшийлашиб кетади, хуллас, ҳар қандай одамни бир фалокат ютади. Бу ерда Европани қўмсайсан, бир кунгина бўлса ҳам ҳақиқий қўчаларда сайр қилгинг, ростмана ғиштли, нурафшон уйларда ёқ одамлар даврасида ўтиргинг келади, йиллар ўтаверади, сен орзу қилаверасан, ва ниҳоят, бир кун келиб истеъфога чиқиш вақти етганда эса, бу жойларни ташлаб кетиш ҳам бир азоб. Чунки биласанки, сен аллақачон унутилиб бўлгансан, ҳаммага бегонасан, худди уммон чиқариб ташлаган кичик бир чиганокдек сени ҳар қандай одам босиб ўтиши мумкин. Шу тариқа балчиққа қоришиб, мана шу иссиқ ва намхуш ўрмонлар ичида нобуд бўласан. Мана шу ботқоқларга ўзимни сотган кунимга мингдан-минг лаънат ...

Аммо-лекин, бунга мен умуман ўз ихтиёрим билан рози бўлмаганман. Германияда ўқиганман, ростмана табиб, яъни яхшигина врач эдим, Лейпцигдаги клиникада лавозимим ҳам бор эди. Ўша йиллари мен бир янги инъекцияни илк бор амалиётда қўллаб ҳам кўрганман, бу ҳақда тиббий журналларда роса шовшув ҳам кўтаришганди. Шундан кейин бошимдан бир ишқий саргузашт ўтди. Ўша аёл билан клиникада танишгандим, у ўзининг олдинги ошиғини шунчалар ақлдан оздиргандики, охирида йигит уни тўппончадан отиб ҳам қўйганди, тез орада мен ҳам худди шундай ақлу ҳушимни йўқотдим. Унинг шунақа бир такаббур ва совук қилиқлари бор эдики, бу ҳол менинг қонимни қайнатиб, ҳушимни ўғирларди, умуман шунақа эркак-табиат ва дағалроқ аёллар мени тезда қўлга олишарди, аммо буниси мени чангалида шунчалар қаттиқ қисдики, ақлу ҳушимдан айрилдим. У нима буюрса, ҳаммасини қилардим, — мен, ҳуллас, яшириб нима қилдим, шунча йил ўтиб кетди-ку. — ўша аёл учун касалхонанинг пулларига ҳам чанг солдим, бу иш фош бўлгач, бошимга итнинг куни тушди. Ҳалиям бир амаким зиён қилинган суммани тўлади, бироқ энди мартаба қўлдан кетганди. Худди шу пайтларда Голландия ҳукумати колониялари учун врачларни ёллаётгани ва олдиндан яхшигина нақд пул ваъда қилаётганини эшитиб қолдим. Ҳуллас, мен ҳам ўзимча чамалаб кўрдим, олдиндан пул тўлашаяптими, демак, унчалик тоза иш бўлмаса керак, қолаверса, ушбу безгак плантацияларида қабрлардаги хочлар биздагига қараганда уч баробар тезроқ ўсиб чиқишини яхши билардим, аммо одам ёш бўлгач, безгак ва ўлим ҳақида гап кетадиган бўлса, уларни сенга эмас, бошқаларга алоқаси бордек туюлаверади, қолаверса, ўзимда ҳам танлаш учун унчалик кўп имкон йўқлиги учун Роттердамга жўнадим ва бирданига ўн йилга ёзилдим, яхшигина бир тугун пул олдим. Пулни олдимۇ ярмини уйга, ўша амакимга жўнатдим, қолган ярмини эса ўша ерда, порт яқинидаги кулбаларнинг бирида бир хонимча битта қўймай шилиб олди, бунга ҳам ягона сабаб, уни ўша лаънати урғочи мушукка жуда-жуда ўхшагани эди. Пул-

сиз, соатсиз ва хомхаёлларсиз Европадан жўнавордим, хатто кема бандаргоҳдан чиқаётганда ҳам унчалик хафа бўлганим йўқ. Шундан сўнг мен ҳам худди сизга ва бошқаларга ўхшаб, палубада ўтириб олиб Жанубий Бут юлдузларини, пальмаларни томоша қилдим, юракларим ўйноқлаб кетганди — эҳ, ўрмонлар, ёлғизлик, сукунат, орзуларим осмон эди. Хуллас, шулардан менга энг кўп насиб қилгани — ёлғизлик бўлди. Мени на Батавия, на Сурабияга жўнатишди, яъни одамлар, клублар, гольф ва китоблар, газеталар бор шаҳарга эмас, балки — эй, номини бу ерда ҳечам қизиги йўқ, — энг яқин шаҳаргача икки кунлик йўл бўлган бир тумандаги постга тайинлашди. Уч-тўртта одамнинг ёшига тегадиган, буришган амалдорлару бир неча маҳаллий аҳолидан чиққан ярим европалашганлар — менинг жамоам бор-йўғи шулардан иборат эди, қолгани эса бепоён ва тубсиз ўрмонлару плантациялар, чангалзорлару ботқоқликлар эди.

Бошида ҳали чидаса бўларди. Мен бутун борлигим билан тиббиётга берилгандим, хатто бир сафар ўша ердаги вице-резидент машинаси билан ағдарилиб кетиб, оёғини синдириб қўйганда, ёрдамчиларсиз бир ўзим операция ҳам қилгандим, бу ҳақда кейин роса гапириб юришганди. Турли оғуларни, ерлик аҳолининг қуроолларини тўпладим, ўзлигимни йўқотмай деб минглаб майда-чуйдалар билан шуғулланиб кўрдим. Аммо, буларнинг ҳаммаси токи мендаги Европадан олган қувватнинг кучи тугагунгача давом этди, холос, ундан сўнг холдан тойдим. Мен учун ўша ердаги тўрт-бешта европаликлар зерикарли бўлиб қолди, улар билан борди-келдини ҳам тўхтатдим, ҳар кун ичиб олиб, ўз хаёлларим билан ўзим овора бўлиб ўтирардим. Менда бор-йўғи яна икки йил қолган, ундан кейин нафақага чиқишим, Европага қайтиб, янгидан хаёт бошлашим мумкин эди. Тўғриси айтганда кутишдан, тинчгина ётишдан ва яна кутишдан бошқа ҳеч нарса қилмасдим. Агар у ... агар ўша келмаганда эди, мен ҳозир ҳам шу тарика ўтирган бўлардим.

Қоронғулик қўйнидаги овоз энди тинчиб қолганди. Энди трубка ҳам яшнамаётганди. Шунчалар кучли жим-

лик чўкдики, мен тўсатдан кема тумшугига урилаётган сувнинг парчаланишини, моторнинг бўғиқ дупиллашини ҳам эшита бошладим. Ҳозир жон деб битта сигарет чеккан бўлардим-у, аммо гугурт чакмоғининг шуъласи унинг юзига урилиб, чўчитиб юборади деб кўрқардим. У эса гапирмас, овоз ҳам чиқармасдан ўтирарди. Унинг сукути шунчалар чуқур эдики, ҳикоясини тугатдим, мизғияптими, билиб бўлмасди.

Шу чоғ кема соати кучли зарб билан бонг урди, соат бир бўлди. У яна қимирлади, яна шишаларнинг овози эшитилди. Афтидан, у вискини топиш учун қўллари билан полни пайпасларди. У яхшигина бир қултум ютди, сўнг кутилмаганда яна сўзлай бошлади, аммо бу сафар унинг овози бир маромда, қатъий ва эҳтирослироқ эди.

«Хўп, шундай қилиб ... шошмай турунг ... хўш, воқеа бундай бўлди: шундай қилиб, бир неча ойлардан бери мен тепаликда, ўзимнинг ўша жирканч инимда худди ўлжа кутган ўргимчакдек миқ этмасдан ўтирардим. Ўшанда ёмғирлар фасли эндигина тугаган ва бир неча ҳафта давомида том тепасини жала савалаган, олдимга ҳеч ким келмас, бирортаям европалик қорасини кўрсатмас, мен ҳар куни эртадан-кечгача сарик юз аёлларим ва зўр виским билан уйда ўтирарим. Ўша пайтда мен бутунлай тушқунликка тушган, бутун борлиғим билан Европа дардига чалингандим, агар ёруғ кўчалар ва оқбадан хонимлар ҳақида бирорта роман ўқийдиган бўлсам, ҳатто бармоқларим ҳам титрай бошларди. Сизга бу ҳолатни тўлалигича тасвирлаб беролмайман, бу ўзига хос тропик касаллик бўлиб, унда одам ўта қаттиқ ва титратувчи, шу билан бирга тинкани қуритадиган юрт соғинчини бошдан кечирази, у вақти-вақти билан айрим одамларни ўз домига ҳам тортиб туради. Ўшанда мен худди шундай аҳволда ўтиргандим, янглишмасам, олдимда битта дунё харитаси ҳам бўлиб, қандайдир саёҳатларни орзу қилаётгандим. Шу чоғ кўча эшик қаттиқ тақиллаб қолди, эшик олдида хизматкор бола билан аёллардан бири турарди. Иккаласининг ҳам таажжубдан кўзлари олайиб кетганди. Улар ташқарида мени бир хоним, бир

леди, бир оқ танли аёл сўраётганини бир-бирига навбат бермасдан тушунтира кетишди.

Мен сакраб ўрнимдан турдим. Ахир, бирорта машина ёки араванинг шовкинини эшитмадим-ку. Оқ танли хоним, ушбу гадойтопмас овлоқда-я.

Зинадан югуриб тушгим келди, аммо ўзимни қўлга олдим. Кўзгуга бир назар ташлаб, шоша-пиша ўзимни сал тартибга келтирган бўлдим. Асабларим таранглашиб, бироз саросима босди ва ичимда қандайдир ёкимсиз бир туйғу пайдо бўлди, чунки бу дунёда ҳеч ким дўстлик юзасидан менинг олдимга келмаслигини яхши билардим. Ниҳоят, пастга тушдим.

Кираверишдаги хонада бир хоним кутиб турарди, у мени кўриши билан шошилганча мен томон юрди. Унинг юзини кўчаларда юрганда тақиладиган қалин чачвонсифат тўр тўсиб турарди. Эндигина унга илтифот билан салом бермоқчи бўлгандим, у дарҳол оғзимдан сўзимни олди.

– Салом, доктор, – деди у равон (афтидан, олдиндан машқ қилинган) инглиз тилида, – гапингизни бўлганим учун узр сўрайман. Аммо, биз бу станцияга ҳозиргина етиб келдик, машинамиз шундоқ унинг қаршисида турибди, – шунда миямга яшин тезлигида, унда нимага у тўғридан-тўғри уй олдига келавермади, деган бир фикр келди, – ўтиб кетаётиб сизнинг шу ерда яшашингиз ёдимга тушди. Мен сиз ҳақингизда жуда кўп эшитганман, сиз ҳақиқатан ҳам вице-резидентни ғаройиб бир операция қилгансиз, унинг оёқлари яна нуқсонсиз тикланибди, у худди аввалгидек гольф ўйнамоқда. Эҳ-хе, биз томонда ҳамма шу ҳақда гапиради, умуман, агар сиз биз томонларга келганингизда эди, эвазига ўзимизнинг вайсақи врачимиз ва унга қўшиб яна иккитасини берган бўлардик. Нимагадир сиз умуман кўринмайсиз, яшашингиз ҳам йогларникига ўхшайди ...

У шу тарика бидирлашда давом этар, гаплари борган сари тезлашар, оғиз очишимга имкон бермасди. Бу вайсақиликнинг тагида қандайдир асабийлик ва саросима яшириниб ётарди, ундан хатто мен ҳам безовталана бошладим. Бу аёл нима учун бунча кўп гапиради, дея

ўйладим ичимда, нимага ўзини таништирмаяпти, нима сабабдан юзидаги тўрни ечмаяпти? Иситмаси бормикин? Ёки бетобмикин? Аклдан оздимикин? Унинг бунақа потирлаб вайсаши олдида мени шу тариқа мум тишлаб, қотиб туришим ўзимга кулгили туюлар, бундан эса борган сари асабим бузилаётганди. Охири у бирпасга тинчланди ва мен уни ичкарига таклиф қилдим. У хизматкор болага, шу ерда қолавер, деган ишора қилди-да, зинадан юқорига кўтарилди.

— Уйингиз жуда шинам экан, — деди у хонамни томоша қила туриб. — Ох, ажойиб китоблар! Ҳаммасини ўқиб чиккан бўлардим.

У жавон ёнига бориб, китобларни кўздан кечира бошлади. Ва кириб келганидан буён биринчи марта бир неча сонияга жим бўлиб қолди.

— Рухсатингиз билан, чой буюрсам бўладими, — сўрадим мен.

У менга бурилиб ҳам қарамади, балки китоб жилдларини томоша қилишда давом этди.

— Йўқ, доктор, ... биз ҳозир яна жўнаб кетишимиз керак ... вақтим унчалик кўп эмас ... мен шунчаки, бирровга киргандим ... Ох, Флобер ҳам бор экан, мен роса яхши кўраман, ажойиб, унинг «Education sentimentale¹» асари ростдан ҳам ажойиб, афтидан французча ҳам ўқийсиз шекилли ... Ҳамма тилларни биласиз-а! ... Ҳа, немислар, улар ҳаммасини мактабда ўрганишади ... Кўп тилларни билиш... чиндан ҳам қойил қолиш керак! Вице-резидент доим сизни мактаб юради, кўзимни юмиб, пичоғи остига бемалол ётишим мумкин бўлган ягона жарроҳ — шу одам, дейди. Биздаги қари доктор бридже ўйнашдан бошқасига ярамайди. Қолаверса, биласизми — (у ҳамон мен томонга бурилиб қарамасди) бугун ўзимнинг ҳам хаёлимга шундай фикр келди, сиздан бир маслаҳат олсам дедим, чунки йўлим шундоқ ёнгинангиздан ўтиб кетаётган бўлса, менимча ... ҳозир ишингиз кўп шекилли... балки мен бошқа сафар кирарман.

«Ниҳоят, картангни очаркансан-ку», — деган фикр келди хаёлимга бирдан. Аммо, ўзимни билмаганга сол-

¹ «Хиссиётлар тарбияси» (франц.).

дим ва унга қулай бўлган ҳар қандай вақтда хизмат кўрсатиш мен учун катта шараф эканлигини таъкидладим.

— Унчалик жиддий нарсасиз эмас, — деди у ярим бурилган ҳолда жавондан олган бир китобни варақлай туриб, — жиддий эмас, шунчаки арзимас нарсалар ... аёлларнинг дарди ... бош айланиш ... ҳолсизлик. Бугун тонгда, машина муюлишда бурилаётганда кўнглим айнаиб, ҳушимдан кетибман ... хизматкор машинада мени суяб қолган ва кейин сув олиб келган кўринади, ҳуллас, эҳтимол ҳайдовчи жуда тез ҳайдагандир ... сиз нима деб ўйлайсиз, доктор?

— Мен бундай деб ўйламайман. Авваллари ҳам шунақа ҳушингизни йўқотганмисиз?

— Йўқ ... яъни, ҳа, сўнгги пайтларда ... айнан энг сўнгги кунларда ... ҳа ... ҳушимдан кетишлар, кўнглим айнаши.

У ҳалиям жавон олдида турар, бир китобни қўйиб, бошқасини олар ва варақлашга тушарди. Жуда ғалати ... нима учун у бундай асабий варақлаяпти ... нима учун тўр остидан чиқмайди? Атайлаб унга ҳеч нарсасиз демай тураман. Менга уни куттириш завқ беради. Ниҳоят, у яна ўзига хос бидирлашда давом этади.

— Тўғрими доктор, бу унчалик ўйлайдиган нарсасиз эмас-а? Ҳеч қанақа тропик дард эмас ... ҳавфли ҳам эмас, тўғрими?

— Мен, авваламбор бир текшириб кўришим керак, иссиғингиз борми, йўқми. Томирингизни эшитиб кўрсам бўладими ...

Мен у томонга яқинлашаман. У секин ўзини четга тортади.

— Йўқ, йўқ, иссиғим йўқ менинг ... бу аниқ, бунга мутлақо ишончим комил ... ҳар куни ўзим ўлчаб тураман, мана шу ноҳушлик бошлангандан буён. Ҳечам иссиғим чиққани йўқ, доим 36,4. Ошқозоним ҳам соппасоғ.

Мен бирпас жим туриб қоламан. Вақт ўтган сари ичимдаги гумон ортиб бораверади: бу аёл мендан нимадир хохлаяпти ўзи, ахир, шунча чангалзор оралаб Фло-

бер хакида гаплашгани келмайди-ку. Уни яна бир-икки дакика куттириб кўяман.

– Афу этасиз, – дейман мен бирданига, – рухсат этсангиз, бутунлай очикчасига сўрасам майлими?

– Ҳа, албатта, доктор! Ахир сиз врачсиз-ку, – дея жавоб беради у. Лекин ўзи яна тескари қараб олади-да, китобларни титкилай бошлайди.

– Аввал ҳам фарзанд кўрганмисиз?

– Ҳа, бир ўғил.

– Аввал ҳам ... яъни, айтмоқчиманки, ўша пайтда ҳам шунга ўхшаш ҳолат бўлганми?

– Ҳа.

Унинг овози энди умуман бошқача эди. У бутунлай тиник ва аниқ сўзлар, энди у тутилиб қолмас ва асабий ҳам эмасди.

– Бўлиши мумкинми, яъни ... саволим учун узр сўрайман, яъни ҳозир ҳам ўшандай ҳолат бўлиши мумкинми?

– Ҳа.

У бу сўзни чўрт кесиб айтди. Ҳатто юзидаги бирорта туки ҳам кимирамлади, мен буни атайлаб ён тарафдан кузатиб турдим.

– У ҳолда, эҳтимол, энг яхшиси ҳурматли хоним, агар рухсат берсалар умумий анализ олишим керак бўлади, эҳтимол ... у ҳолда марҳамат қилиб бошқа хонага ўтсангиз бўладими?

– Йўқ ... бунинг ҳоҷати йўқ ... мен ўз ҳолатим ҳақида тўла ишончга эгаман.

Унинг товуши яна бир лаҳзага жим бўлиб қолди. Қоронғуда яна тўла шишанинг қултилагани эшитилди.

– Хуллас, кулоқ солинг ... аммо олдин бир лаҳзага тасаввур қилишга уриниб кўринг. Ёлғизликдан адо бўлаётган бир шўрликнинг олдига бир аёл бостириб кириб келса, яна у неча йиллардан буён бу хонага кирган биринчи европалик аёл бўлса ... мен шу заҳотиёқ бу хонада шайтоннинг шарпаси пайдо бўлганини, қандайдир бир фалокатнинг хиди келаётганини сездим. Бутун вужудим жимирамлаб кетди, бу аёлнинг пўлатдек қатъийлиги

олдида мени беҳосдан қўрқув босди. У аввалига сафсата билан бидирлаганча бостириб кириб келса-ю, энди гўё шамшир билан чўрт кесган каби, менга ўз талабини қўйса. Аслида, у мендан нима хоҳлаётганини билиб турардим, ҳа, шу заҳотиёқ билгандим – аёлларнинг мендан бунга ўхшаш нарсаларни сўраб келиши – биринчи марта эмасди, аммо улар мутлақо бошқача тарзда келишарди, улар уялишар ва ялиниб келишарди, кўз ёши тўкишар, ёлворишарди. Аммо бу ерда ... шунақа бир совуқ, ҳа, эркакча чўрткесарлик турардики ... ҳа, мен буни ... бу аёл мендан кучли эканлигини, у мени ўзи хоҳлагандек иродасига бўйсундира олишга қодир эканлигини дастлабки сонияларданоқ сезгандим. Аммо ... аммо ... менинг ичимда ҳам бир шайтон тинчлик бермасди, бир эркак суратидаги иблис ичимда туриб олиб, қандайдир эски хусуматни қурол қилиб олганди, чунки ... аввал ҳам айтгандим, ҳа ... дастлабки сонияданоқ, ҳа, уни кўришим биланоқ, уни ғаним сифатида қарши олгандим.

Аввалига мен жим туриб бердим. Қаҳр билан астойдил сукут сақладим. У тўр остидан менга қараб турганини, талабгорона қараётганини, мени гапиришга мажбур қилмоқчи бўлаётганини бошиданоқ сезиб турардим. Бирок, мен ён бермадим. Аммо ... кейин гапира бошладим ... беихтиёр ўзим билмаган ҳолда, унинг сафсатаси ва совуқ оҳангини қабул қилган ҳолда ... мужмал қилиб ... гапира бошладим. Ўзимни гўё тушунмаганга солдим, чунки – билмадим, сиз буни тушуна оласизми, йўқми, мен уни очикроқ сўзлашга мажбурламоқчи бўлдим, унга буни ўзим таклиф этишни эмас, балки унинг ўзи буни илтимос қилишини хоҳладим ... айнан ундан, чунки у шунақа, ҳукмдорларча кириб келгани учун ... чунки бунақа димоғдор ва совуққон аёлларнинг ҳукми олдида ўзимнинг ожиз эканлигимни яхши билардим.

Хуллас, мен ноаниқ нарсалар ҳақида сўзлардим, бунақа хушдан кетишларни мутлақо ўйламаслик кераклигини, улар бундай вазиятда одатий ҳол эканлигини, аксинча, бу нарсалар ҳомиланинг ўз меъёрида ривожланишида муҳим эканлигини гапира бошладим. Тиббий газеталарда баён қилинган шунақа ҳолатлардан мисоллар

келтирдим ... унинг холсизлиги оддий хол эканлигини таъкидлаб, жиддий ва хотиржам гапиравердим ... ва у мени тўхтатармикин, дея охирини кутиб гапиравердим. У бунга дош беролмаслигини билиб турардим.

Дархақиқат, у худди бу тинчитувчи гапларимни бир силташда четга суриб ташламоқчи бўлгандек, қўлларини кескин силтаганча сўзлашга тушди.

— Йўқ, доктор, мени безовта қилаётган нарсa бу эмас. Ўша пайтда, яъни олдинги фарзандимда, ахволим жуда яхши эди, аммо энди мен унақа тетик эмасман ... менда юрак хуружи бор ...

— Эй, шунақами, юрак хуружи, — дея такрорладим ва гўё росмана безовта бўлгандек, — унда хозирок эшитиб кўришим зарур, — дедим ва худди эшитиш найчасини олмоқчи бўлган одамдек ўрнимдан қўзғолдим.

Лекин у аллақачон гапиришга тушиб кетганди. Унинг овози энди ўта кескин ва тиниқ эди — худди ҳарбий буйруққа ўхшарди.

— Менда юрак хуружи бор, доктор, сиздан менинг айтганларимга ишонишингизни илтимос қиламан. Мен бу текширишлар билан бўлиб, кўп вақт йўқотишни ис-тамайман. Фикримча, менга кўпроқ ишонч билдирсан-гиз бўларди. Мен ўз ишончимни сизга етарли даражада кўрсата олдим, деб ўйлайман.

Энди росмана жанг бошланганди, бу очикчасига қилинган таҳдид эди. Мен буни қабул қилдим.

— Ишонч ошкоралиқни талаб этади, мутлақ ошко-раликни. Очик гапиринг, мен врачман. Авваламбор, юзингиздаги пардани ечинг, мана бу ерга ўтиринг, ки-тобларни эса жойига қўйинг ва мужмал гапларни ҳам йиғиштиринг. Врачнинг олдига тўр тутиб келмайдилар.

У менга мағрур ва тик боқиб турарди. Бирпасга жим туриб қолди. Кейин ўтирди ва юзидаги тўр пар-дани кўтарди. Мен айнан дуч келишдан чўчиб турган, бир қарашда тушуниш мушкул бўлган нигоҳни кўриб турардим, бу шундай чехра эдики, унда шафқатсизлик, вазминлик ва инсон ёшини тан олмайдиган гўзаллик акс этиб турарди, бу шундай чехра эдики, ундаги инглиз хонимларига хос мовий кўзлар тубида эҳтирослар алан-

гаси шуъла таратиб турарди. Мана бу нафис ва заргарнинг «исканжа»сидек махкам кисилган лаблар, агар улар ўзлари исташмаса, ҳеч бир сирни ошкор қилишмасди. Биз бир дақиқа бир-биримизга термулиб қолдик, унинг нигоҳи совуқ ва аёздек қаҳрли эди. Ниҳоят, мен бу нигоҳларга дош беролмадим ва беихтиёр кўзларимни олиб қочдим.

У тирноқлари билан секин столни чертарди. Унда ҳам саросима бор эди. Сўнгра у кутилмаганда тез-тез гапира бошлади:

— Нима хоҳлаётганимни англадингизми, доктор, ёки тушунмадингизми?

— Менимча, тушундим шекилли. Аммо, келинг аниқроқ гаплашайлик. Сиз бу ҳолатингизга яқун ясамоқчисиз ... Мана шу ҳолсизликдан, ҳушдан кетишлардан, кўнгил айнишлардан озод бўлмоқчисиз, яъни мен ... мен бунинг сабабларини бартараф этишим керак бўлади, тўғрими?

— Ҳа.

Бу сўз худди болта зарбидек кесиб тушди.

— Бунақа амалиёт ҳар иккала томон учун ҳам ўта хавфли ҳисобланишини ... биласизми?

— Ҳа.

— Буни қонунан тақиқланганини ҳам-а?

— Шундай ҳоллар бўладики, бу нарса тавсия этилади.

— Бирок, бунинг учун врачнинг хулосаси керак бўлади.

— Ҳўп, ўша хулосани сиз топинг, сиз ахир врачсиз.

Унинг кўзлари менга очиқ ва қатъий термулиб турарди. Бу энди буйруқ эди, унинг сеҳрли иродасининг ҳукми олдида мен ожизлик билан саросимага тушиб, тимирскилана бошладим. Аммо, мен ҳали осонликча таслим бўлишни истамасдим, ўзимни мағлуб эканлигимни кўрсатмаслигим керак эди. «Фақат бунчалар тезлик билан эмас! Пайсалга солиш керак! Уни ёлворишга мажбур этиш лозим!», — дерди ичимда қандайдир бир иштиёқ.

— Бу нарса ҳар доим ҳам врачнинг хоҳишига боғлиқ бўлавермайди. Аммо, мен касалхонадаги бир дўстим билан ... буни ҳал этишга тайёрман.

– Менга сизнинг ҳамкасбингизни кераги йўқ ... мен сизнинг олдингизга келдим.

– Билсам бўладими, нима сабабдан айнан менинг олдимга?

У менга ўта совуқ термулди.

– Сиздан бунинг сабабини яшириш ниятим йўқ. Сабаби, сиз чекка ҳудудда яшайсиз, чунки сиз мени танимайсиз – чунки сиз жуда яхши врачсиз, чунки, сиз ... – у биринчи марта ўйланиб қолди, – бу ерларда энди узоқ ушланиб қолмайсиз, айниқса агар сиз ... агар сиз ўзингиз билан мўмайгина пул билан уйга қайтадиган бўлсангиз.

Бошимдан муздек сув қуйгандек бўлди. Бунақа совуқкон ва савдогарларникидек ҳисоб-китоб мени лол қолдирганди. Шу пайтгача илтимос ҳақида оғиз ҳам очмаганди, аммо у ҳаммасини аллақачон ҳисоблаб чиққан, кейин мени синчиклаб кузатган, охирида ўққа тута бошлади. Унинг иродасидаги иблисона руҳ мени чирмаб олаётганини сездим, лекин бор кучим билан химоялана бошладим. Яна бир бор ўзимни расмий қилиб кўрсатишга мажбурладим, тўғрироғи, кинояли бир қараш қилдим.

– Демак, сиз менга мўмайгина пул ... тўламоқчи бўляпсиз?

– Сизнинг кўрсатадиган ёрдамингиз ва шу заҳотиёқ бу ердан жўнаб кетишингиз эвазига.

– Биласизми, бу билан мен ўз нафақамни йўқотаман.

– Бунинг зиёнини сизга мен қоплаб бераман.

– Сиз жуда аниқ гапирдингиз ... Аммо, мен яна-ям аниқроқ билмоқчийдим. Гонорар сифатида қанақа миқдордаги сумма назарда тутилмоқда?

– Йигирма минг гульден, чек орқали Амстердамда олиш шарти билан.

Мен... титраб кетдим... мен ғазабдан ва лол қолганим учун титраётгандим. У ҳаммасининг ҳисобини олганди, сумма ва тўлов шарти, – бу нарсалар мени бу ердан жўнаб кетишга мажбур қиларди, у менга нарх қўйган ва сотиб олганди. Қаранг, хали буни билмасдан туриб, у ўзи хоҳлаган-у, менга эгалик қилган-қўйган. Жон деб унинг юзига тарсаки туширган бўлардим ... Аммо, мен

газабдан титраб ўрнимдан туришим билан у ҳам ўрнидан кўзғолди, кўзлар кўзларга тик боқарди. Шунда, ўша ёлворишни истамайдиган, маҳкам кисилган лабларга, эгилишни истамаган такаббур пешонага қараб туриб, кутилмаганда ... мени қандайдир бир ... қасос хисси, уни мажбурлаш хисси чулғаб олди. У ҳам нимадир бир нарсани сезди шекилли, худди шилқимнинг таъзирини бериб қўймоқчидек, кошларини чимирди, кутилмаганда ўртамиздаги нафрат ошқора тус олди. У мендан нафратланарди, чунки мен унга керак эдим, мен ундан нафратланардим, чунки ... чунки у бош эгиб ялинишни истамасди. Шу бир лаҳза, айнан шу биргина лаҳза ичида биз илк бора бир-биримизга ошқора сўзладик. Сўнгра тўсатдан миямга бир фикр худди шилимшиқ қуртдай ёпишиб олди ва мен унга дедимки ... мен унга дедимки...

– Ҳозир, шошмай туринг, бу аҳволда нима қилганимни ... мен нима деганимни ... сиз мени нотўғри тушунасиз, ушбу телбанамо фикр миямга қандай келиб қолганини сизга тушунтириб беришим лозим ...

Қоронғуда яна шишанинг шиқирлагани эшитилди ва яна унинг ҳаяжон тўла овози давом этди.

– Йўқ, ўз гуноҳи учун узр сўрамоқчи, айбини тўриламоқчи ёки ўзини окламоқчи деб ўйламанг. Аммо, бусиз ҳеч нарсани тушунмайсиз ... Билмадим, авваллари озгина бўлса-да яхши одам бўлганманми, йўқми, аммо ишончим комил, мен доим одамларга жон деб ёрдам берганман. У ердаги дайди ҳаётимда бу нарса, яъни бир сиқимгина илмни миямга жойлаб олиб, кимнингдир ҳаётини сақлаб қолиш, мен учун ўзига хос бахт саналарди, ўзимни худо деб билардим ... ростдан ҳам, бу мен учун энг гузал онлар эди. Агар, масалан, бирорта сарғиш ўсмир оёғини илон чақиб, шишиб кетган, қўрқувдан ранги кўкариб, оёғини кесиб ташламасликларини сўраб ёлвориб турган пайтларда ҳам бунинг уддасидан чиқардим, уни қутқариб қолардим. Агар бирорта аёл безгақдан қалтираб ёрдам сўраса, мен соатлаб йўл босиб етиб борардим, илгарилари, яъни Европада, клиникада ишлаган

кезларим ҳам ёрдам керак бўлганда шундай қилганман. Аммо, у пайтда сен кимгадир кераклигингни, кимнидир ўлим оstonасидан ёки фалокатдан қутқариб олаётганингни ҳис қилиб турасан, қолаверса, ўзинг ҳам бошқаларга керак бўлиш туйғусига мухтожсан-ку.

Лекин, бу хотин — билмадим, сизга буни тушунтира оламанми, — ҳузуримга совуққонлик билан кириб келишиданоқ, ўзининг манманлиги билан мендаги ички бир аламни, ёвликни қўзғатиб юборди, у — нима десам экан, — у мендаги барча йиғилиб ётган аламларни, унга ғаним саналган ва ичимда мудраб ётган бир иблисни уйғотиб юборганди. Яна шундай бир лаҳзада, яъни гап ҳаёт ва мамот ҳақида кетаётган бир пайтда-я, мен ана шу нарсга чидай олмай телба бўлаётгандим. Ундан ташқари ... ундан ташқари ... қолаверса, одам гольф ўйинидан ҳомиладор бўлмаслигини ҳам яхши биламан-ку, яъни ... тўсатдан даҳшат билан бир нарсани аниқ эсладим, — ҳа, бу ўша фикр эди, — яъни шу хотиржам, димоғдор ва совуққон аёл, мен унга истехзо билан, салкам ҳурмат билан термулиб турган бир пайтда, у олмосдек яшнаган кўзлар устидаги қошларни чимирса. Чунки, ... ўзи икки-уч ой олдин қандайдир бир эркак билан бир ҳайвон каби, ишқдан маст бўлиб инграганча, вужудлари чирмашиб, тўшакда майшат қилган бўлса-ю ... Айнан шу фикр, яъни у худди инглиз офицерига ўхшаб манманлик билан, совуқ термулиб турган чоғда ҳаёлимга келган даҳшатли фикр ана шу эди. Шундан сўнг, ўша жойда ичимдаги барча аламлар юзага отилиб чиқди ... шу лаҳзадан бошлаб бутун борлигимни уни ҳақоратлаш, уни бадном қилиш фикри чулғаб олди ... шу лаҳзадан бошлаб мен унинг танасини либоссиз тасаввур қила бошладим ... шу лаҳзадан бошлаб ҳаёлимда унинг тошдек лабларидан инграшларни сиқиб чиқариб олгим, худди ўша, бегона хуштор сингари ушбу совуққон ва димоғдор хонимнинг ҳушини йўқотишини кўргим келди ... Лекин, мен ҳеч қачон бунчалар тубанликка тушмагандим, яъни врач сифатида ҳеч қачон вазиятдан фойдаланишга уринмаганман ... Аммо, бу сафар, бу бир ҳирс, эҳтирос ёки шахвоният

эмасди, чиндан ҳам ... бу унинг манманлигини яксон этиш ... бир эркак сифатида ундан устун келиш, уни мағлуб этиш иштиёки эди. Адашмасам, мен сизга аввал ҳам айтгандим шекилли, яъни манмансираган, ошкора совуқкон аёллар илгаридан ҳам мени ўз ҳукмига тез бўйсундиришарди ... аммо, буниси ... мен бирорта ҳам европалик аёлни кўрмасдан етти йилдан буён шу ерда яшаётган бўлсам, шунча вақтдан бери бу борада рад этиш нималигини билмагандим ... Чунки, бу ердаги қизлар, сени ҳурмат қилганидан тик қарашга ботина олмайдиган, миттигина чуғурлаган нафис мавжудотлар, агар бирорта оқ танли «жаноб» хоҳлаб қоладиган бўлса, улар жон деб ўзларини фидо қилишар, латиф табассум билан унинг хизматига бош эгишарди. ... Ва, айнанан ана шу асиралардек итоаткорлик туфайли, гоҳида ўзингни тўғиздек ҳис қиласан. Энди тушунаяпсизми, шунча нарсадан кейин бу ҳол менга қанчалар оғир ботганини. Чунки, кутилмаганда бутун вужуди нафратга тўла, тумшугини кўтарган ва тирноқларига тилсимга ўралган бир аёл, шу билан бирга у сирларининг бир учини ошкор этса-ю, ўзи ўтмишдаги эҳтиросларига фарқ бўлиб турган бўлса ... агар шундай бир аёл, шундай бир ёлғизланиб қолган, очиқиб кетган, одамови бўлиб қолган эркакнинг кулбасига дағаллик билан бостириб кириб келса ... Сизга ана шуни тушунтирмакчи эдим, бўлмаса бошқаларини ... яъни, бундан кейинги гапларимни тушуна олмайсиз. Хуллас ... қандайдир аламли туйғуларга тўла, аламли хаёллар билан заҳарланган, ақлан тубанлик сари юз тутган аҳволда бўлсам ҳам дарҳол ҳушимни йиғиб олдим-да, ўзимни бепарволикка солдим.

—Йигирма минг гульденми? ... Йўқ, бунинг эвазига мен ҳеч нарса қилмайман, — дедим совуқконлик билан.

У менга қараб қолди, унинг ранги бироз оқарганди. Бу қаршилиқнинг сабаби фақат пул эмаслигини у сезиб турарди. Бироқ, шундай бўлса-да, яна бир бор сўради.

—Унда нима хоҳлайсиз?

Мен гапни бундай совуқ ва расмий оҳангда давом эттиришни истамасдим.

– Келинг, картамизни очиб ўйнаймиз. Мен савдогар эмасман ... *corrupted gold*¹ эвазига оғу сотган Ромео ва Жульеттадаги кашшок дорифуруш ҳам эмасман ... Тўғрироғи, мен савдогарнинг акси бўлсам керак ... бу усул билан сиз ўз ниятингизга етолмайсиз, деган фикр-даман.

– Демак, бу ишни ҳал қилишни хохламайсиз?

– Пул эвазига эмас.

Ўртамизга бир лаҳзалик сукунат чўкди. Шунчалик жимлик чўкдики, мен кутилмаганда унинг энтикаётганини ҳам эшита бошладим.

– Бошқа яна нима истаган бўлардингиз?

Энди ўзимни ортиқ тутиб тура олмадим.

– Истардимки, авваламбор сиз ... менга қанақадир бир чайковчига эмас, инсонга муносабат қилгандек гапирсангиз ... Агар сизга ёрдам керак бўлса ... мана шу ифлос пулингиз билан эмас ... балки, мендан бир инсондан илтимос қилгандек сўрашингиз, бир инсонга ёрдам бериш кераклигини илтимос қилишингиз керак... Мен нафақат врачман, мен фақат одам қабул қилиш билан банд бўлмайман-ку ... менинг бошқа соатларим ҳам бўлиши мумкин-ку ... менимча, сиз худди шундай, бошқа вақтда келиб қолдингиз шекилли ...

У бир лаҳзага жим туриб қолди. Кейин лабларини бурди, бироз титраганча, шошиб деди:

– Демак, мен илтимос қилганимда эди ... сиз бунни бажарган бўлардингиз, тўғрими?

– Сиз яна савдогарлардек иш тутаяпсиз. Демак, бажаришга ваъда берсамгина, илтимос қилишингиз мумкин. Аввал илтимос қилинг, кейин мен сизга жавоб бераман.

У асов тулпордек бошини орқага ташлади. Қаҳр билан менга термулиб қолди.

– Йўқ, мен сиздан бунни илтимос қилмайман. Ундан кўра ўлганим афзал.

Шунда мени ғазаб қамраб олди, қонимни қайнатадиган бемаъни ғазаб.

¹ Жирканч тилло (ингл.).

– Агар сиз сўрашни истамас экансиз, у холда мен сиздан талаб қиламан. Янаям очикроқ айтадиган бўлсам, сиздан нима талаб қилаётганимни билиб турибсиз деб ўйлайман, ана ундан кейин сизга ёрдам бераман.

У бир неча лахза менга бакрайганча термулиб қолди. Кейин, – оҳ, канчалик дахшатли хол юз берганини тас-вирлаб беролмайман. Унинг юзи асабийлашди ва ... кейин ... менга қараб шундай бир нафрат билан қахқаха отдики, мени тупроққа қориб ташлади ... бир вақтнинг ўзида бу нарса менинг янаям қонимни қайнатди. Ушбу нафрат тўла қахқаха шундай важохатли эдики, у гўё тўсатдан юз берган портлашга ўхшарди. Мен, мен эса хижолатдан тиз чўкким, унинг оёғини ўпиб ялингим келарди. Бу хол бор-йўғи бир лахза давом этди ... худди яшин ургандек, бутун вужудим аланга ичида қолди ... шундан сўнг у тескари ўғирилди ва шошилганча эшикка юрди.

Мен беихтиёр унинг ортидан боргим ... узр сўрагим, ортидан югургим келди, аммо мадорим қолмагани ... тўсатдан у яна орқага қайтди ва шундай деди, йўқ, бу-юрди:

– Орқамдан боришга, таъқиб қилишга уриниб ҳам ўтирманг, кейин афсус қиласиз.

Шу захотиёк орқасидан эшикнинг қарс этиб ёпилгани эшитилди.

Яна саросима. Яна сукут. ... Яна шивир-шивир, ой ёғдуси гўё жилғадек қуйилади. Ниҳоят, овоз яна жонланади.

– Эшик ёпилди ... лекин мен жойимда қимир этмай турардим ... унинг буйруғи мени гипноз қилиб қўйганди... унинг зинадан тушганини ... ташқаридаги эшикнинг ёпилганини ... ҳаммасини эшитиб турардим, бутун иродам унинг ортидан боришга ундар ... уни ... уни ортга қайтаргим ёки тарсаки тортгим, эзғилаб ташлагим келарди... унинг ортидан ... ортидан ... қимирлашга мадорим етмасди. Худди ток ургандек, бир лахзада бутун аъзоларим шол бўлиб қолганди ... унинг қахрли нигоҳидан мен яксон бўлгандим, яксон бўлгандим, бутун борлигим

билан. Билмадим, нима десам экан, буни тасвирлаб бўлмайди, тушунтириш ҳам мушкул ... жуда кулгили туюлади, лекин туравердим, туравердим ... оёғимни ердан узиб олиш учун менга дақиқалар, беш, балки ўн дақиқа керак бўлгандир ...

Оёқларим жонланиши билан, яна томиримга кон югуради ва ... ҳовлиққанча зинадан тушаман. У фақат катта кўча орқали станцияга қараб кетган бўлиши мумкин. Велосипедни оламан деб ўзимни омборхонага ураман, қарасам калит ёнимда йўқ, унутибман шекилли, эшикни ўрнидан юлкиб оламан, бамбук синиқлари қисирлаб кетади ... мен аллақачон велосипедда учиб кетаяпман, унга етиш учун, нима бўлса ҳам машинага ўтириб улгурмасидан етиб боришим керак ... мен у билан гаплашиб олишим зарур. Филдираклар остида кўчанинг чанги кўтарилади, юқорида, яъни хонада қанчалик узок бақрайиб туриб қолганимни энди тушуна бошлайман ... станцияга бир қадам қолганда, шундоқ муюлишда, ўрмон ёнида уни хизматкор кузатувида шахдам қадамлар билан шошиб кетаётганига кўзим тушади. Лекин, у ҳам мени кўриб қолади ва хизматкор болага шоша-пиша нимадир деб тайинлайди, бола ундан орқада қолади, у бир ўзи олдинга кетади ... У нима қилмоқчи? Нима учун у бир ўзи кетади? У мен билан гаплашмоқчими, буни бола эшитмасин деяптими? Кўзларимга ҳеч нарса кўринмайди, бор кучим билан педални тепаман ... Шу пайт кутилмаганда йўлимни кесиб, хизматкор бола югуриб чиқади Мен велосипедни четга бураман ва ағдарилиб тушаман ...

Сўқиниб ўрнимдан тураман ... безорини ураман деб беихтиёр мушт кўтараман, бироқ у четга қочади.... Йўлимда давом этиш учун велосипедимни тўғирлай бошлайман, шунда у ярамас яна сакраб чиқади ва велосипедни маҳкам тутганча, чала инглиз тилида таъкидлайди.

— Сиз шу ерда қоласиз.

Сиз тропик ўлкаларда яшаб кўрмагансиз ... у ерда агар бирорта лаънати хизматкор европалик жанобнинг велосипедини тутиб турадиган бўлса ва ўз хўжайинининг буйруғини шу тариқа етказиб, шу ерда қолинг, деб таъкидлайдиган бўлса, биласизми, бу қанчалар даҳшат. Жа-

воб бериш ўрнига, унинг башарасига мушт тушираман ... у калқиб кетади, лекин велосипедни маҳкам ушлаб тураверади ... Унинг қисик, қийғир кўзлари важоҳатдан ва қулларча даҳшатдан катталашиб кетади ... лекин у велосипедни қўйиб юбормай, ёввойи бир куч билан ушлаб тураверади ...

– Сиз шу ерда коласиз, – минғирлайди у яна икки марта.

Яхшиямки, бахтимга тўппончам ёнимда эмасди. Бўлмаса уни аллақачон отиб ташлардим. Мен фақат, – йўқол кўзимдан, иблис! – деб бақираман.

У менга кўзларини лўқ қилиб тураверади, лекин велосипед рамасини қўйиб юбормайди. Башарасига яна ураман, аммо у барибир қўйиб юбормайди. Шунда ғазабим қайнаб кетади ... қарасам аёл кетиб қолаяпти, балки жўнаб ҳам кетгандир ... ғазаб билан пешонасига ҳақиқий боксчилар зарбасини тушираман, у йиқилиб тушади. Энди велосипед яна менинг қўлимда, лекин энди минаман десам, у юрмайди, куч билан тортқилайвергач филдираклардаги симлар қийшайиб кетганди ... қалтираган қўлларим билан уларни тўғриламокчи бўламан ... Лекин, улдасидан чиқа олмайман ... хуллас, велосипедни шундоқ кўчанинг ўртасига, анави ярамаснинг ёнига улоқтираман, у қонга беланганча ўрнидан туради ва ўзини четга олади ... Шундан сўнг, – йўк, сиз буни тасаввур қила олмайсиз, яъни ҳамманинг кўз ўнгида бирорта европалик ... мана шундай кулгили аҳволда, шармандалик ... хуллас, нима қилаётганимни ўзим ҳам билмайман ... миямда фақат бир фикр айланади: унинг орқасидан бориш, унга етиб олиш ... охири жон-жаҳдим билан югуришга тушаман, тупрок кўчада худди кутурган итдек кулбалар оралаб чопаман, атрофимда эса сарик юзли маҳаллий аҳоли қизиқиш билан оқ одамни, ўзларининг врачини югураётганини томоша қилиб туришади.

Нихоят, терга ботиб станцияга етиб келдим ... Биринчи саволим:

– Автомобиль қани?

– Ҳозиргина жўнаб кетди ...

Одамлар менга хайрон бўлиб қараб туришарди, чунки узокдан саволимни такрорлаганча, ҳаммаёғим терга ва чангга ботиб югуриб келишим, уларга қутурган одамга ўхшаб кўринган бўлса керак ... Анча олисда, катта йўлда машинанинг оқиш тутунига кўзим тушади ... у бунинг ҳам уддасидан чиқди, худди бошқа ўткир ва мураккаб режаларнинг уддасидан чиққани сингари, бу сафар ҳам мақсадига эришганди.

Бирок, унга қочиб кетиш ҳеч қандай наф келтирмайди ... Тропик ўлкаларда европаликлар орасида ҳеч қандай сир яшира олмайсан ... ҳаммаси бир-бирини танийди, арзимас нарса ҳам шов-шувга айланади ... Ахир унинг хайдовчиси маҳаллий ҳукумат идорасининг олдида нақд бир соат бекордан-бекорга турдимиз ... яна бир неча дақиқадан сўнг ҳаммасини билиб оламан ... Унинг кимлигини, яъни у бу ердан саккиз станция наридаги пойтахт шаҳарда яшашини ... яъни у, нима десам экан, бир катта савдогарнинг рафиқаси эканлиги, битиб кетган бой одамнинг, ўзи тарбияли оиладан эканлиги, миллати инглиз эканлиги ... Унинг эри беш ойдан буён Америкада эканлиги, шу кунларда уни ўзи билан Европага олиб кетиш учун келиши кераклиги, ҳамма-ҳаммаси менга аён бўлади. ...

Лекин у, гўё томиримга тушган оғудек, хаёлларимга тинчлик бермас, демак, у икки ёки уч ойдан буён шундай аҳволда бўлиши керак ...

— Шу жойгача ҳаммасини сизга анча тушунарли қилиб айтиб бердим деб ўйлайман ... чунки, шу лаҳзагача мен ҳали ўзимни ўзим тушуниб тургандим ... яъни, врач сифатида ҳар доим ўзимга ўзим ташҳис қўя оламан. Аммо ана шу дақиқадан бошлаб, ичимда нимадир рўй берди, гўё мени иситма босди ... ўзимни ўзим назорат қила олмай қолдим ... яъни, бошқача айтилган бўлсам, қилаётган ишларимнинг барчаси бемаънилик эканлигини аниқ билиб турардим-у, лекин ўзимни бошқара олмасдим ... ўзимни ўзим тушуна олмасдим ... бутун иродам фақат бир мақсадга бўйсунган, тинмай олға чопардим ... Ҳа айтгандай, шошмай туринг ... сизга

буни батафсилроқ тушунтириб беришим мумкин ... Биласизми, амок нима эканлигини биласизми?

– Амок? ... Билишимча, агар янглишмасам ... бу «малай»лардаги мастликнинг бир тури бўлиши керак ...

– Бу мастликдан ҳам кучлироқ нарса ... қутуриш, ит қутуришининг одамлардаги тури дейиш мумкин ... даҳшатли талваса, қонсираган қутуриш, уни арокдан захарланишнинг ҳеч қандай тури билан қиёслаб бўлмайди ... мен ўзим ўша ерда бир неча марта шундай ҳолатларни ўрганиб чиққанман ... Ҳа, гап бошқалар хақида кетадиган бўлса, биз ҳаммамиз албатта жуда ақлли бўлиб қоламиз ва ўйлаб иш қиламиз ... аммо бунинг сабаби, даҳшатли сири халигача очилмасдан қолиб кетмоқда ... Бу қайсидир жихатдан ўша ердаги димиққан, бўғиқ ҳаво билан боғлиқ, чунки бу ердаги ҳаво худди момақалдироқдек асаб тизимларингни бўға бошлайди, охири томирларинг ёрилиб кетади...Хуллас, амок ... ҳа, амок мана бунақа бўлади: бир малай, яъни мутлако оддий ва соддадил инсон, ўтириб олиб ўзини мусалласини ичаверади ... у ҳеч нарса қилмайди, бепарво, жимгина ўтирибди ... яъни, худди мен ўз хонамда ўтиргандай ... ва кутилмаганда ўрнидан сапчиб туради ва ханжарини олиб кўчага югуради ... у фақат тўғрига югуради, тўппа-тўғрига ... қаёққа кетаётганини ҳам билмайди ... унга нима дуч келса фарқи йўқ, одамми ёки ҳайвонми, ўшанга тиг ўради, қон сачраса у янаям баттароқ қизишади ... югуриб кетаётган одамнинг оғзидан, лабларидан кўпик отила бошлайди, худди кутургандек ўкира бошлайди ... сўнгра у югураверади, югураверади, фақат тўғрига, ўнгга ҳам, чапга ҳам бурилмасдан, этингни жунжиктирадиган чинқириғи ва чангалида қонга беланган ханжар билан тўғрига чопаверади ... қишлоқларда одамлар амок бўлиб чопаётган одамни ҳеч қандай куч тўхтатиб қола олмаслигини яхши билишади ва бир-бирини огоҳлантиришиб, «Амок!», «Амок!» деб бакиришади, эшитганларнинг ҳаммаси тум-тарақай қоча бошлайди ... Бироқ у югураверади, ҳеч нарсани кўрмайди ҳам, эшитмайди ҳам, югураверади, нимаики дуч келса пичоқ санчаверади ... бу ҳол токи кимдир уни

худди қутурган итдек отиб ташламагунча ёки оғзидан кўпиги окиб, холдан тойиб, ўзи халок бўлмагунча давом этаверади ...

Бир сафар бу ҳолни ўз кўзим билан кўрганман, мен бунинг уйимнинг деразасидан туриб кузатганман ... ўшанда ўта дахшатли бўлганди ... балки мен бунинг ўшанда кўрганим учун ҳам айтаётгандирман, яъни ўша кунлари менинг ўзим ҳам ўшандай кўзларим ваҳимали чақнаганча, ўнгу сўлимга ҳам қарамасдан, миямдаги биргина мақсадга асир бўлиб қолиб, унинг орқасидан бостириб боравердим, ўша аёлни таъкиб қилавердим... Бу нарсаларни қандай қилиб бунчалар ақл бовар қилмас тезлик билан уддаладим, билмадим, ўзим ҳам тушунолмаймаман ... Ўн дақиқадан, йўқ беш, йўқ икки дақиқадан сўнг, яъни ўша аёл ҳақида, унинг исмини, уйини, тақдирини билиб олгандан сўнг, кимнингдир велосипедини олдим у физиллаб уйга қайтдим, келишим биланок, чемоданимга костюмимни тикдим, пулларимни олдим-да машинамга ўтириб станцияга қараб жўнадим ... мен маҳаллий идорани ҳам огоҳлантирмасдан ... ўрнимга одам ҳам тайинламасдан, ховли-жойни қандай бўлса, ҳаммасини шундайлигича ташлаб жўнавордим ... уйдан чиқаётганимда атрофимни хизматкорлар, хотинлар ўраб олишган, улар хайрон бўлишиб, мендан нималарнидир сўрашар, мен эса уларга бурилиб ҳам қарамасдим ... тезда станцияга етиб келдим ва кейинги поезд билан шаҳарга жўнаб кетдим ... Аёл менинг хонамдан чиққанидан бошлаб, кўпи билан бир соат ичида мен бор-будимдан воз кечиб, худди амок сингари номаълум томонга қараб учиб кетаётгандим ...

Бошимни деворга уриб фақат олға интилардим ... кечки соат олтида шаҳарга етиб келдим ... олтидан ўн дақиқа ўтганда эса унинг дарвозаси олдида келганимни хабар беришларини сўраб турардим ... Бу шундай бир ҳолат эдики ... сиз бунинг албатта тушунасиз ... мен қилмоқчи бўлаётган нарсалар энг катта бемаънилик, аҳмоқликнинг ҳам энг расво кўриниши эди ... бироқ амок бўлиб югуриш, сўқир қарашлар билан, ҳеч нарсани кўрмасдан, қаёққа кетаётганини билмасдан олға чо-

пиш эди ... Бир неча дакикадан кейин хизматкор қайтиб чикди ... илтифот билан ва совуққина қилиб ... хоним ўзини ёмон хис қилаётгани ва қабул қила олмаслигини хабар қилди.

Мен тентираганча кўчага чиқдим ... Яна бир соатча унинг ховлиси атрофида санғиб юрдим. Хаёлимда ҳамон, ҳозир у мени яна қидириб қолиши мумкин деган бачкана бир фикр чарх урарди ... Ундан кейин «Странд-отель»дан ўзимга жой олдим ва хонамга икки шиша виски олиб келдим ... ўша виски ва қўшалок дозадаги веронал менга сал ёрдам берди ... ва ухлаб қолдим. Ана шу оғир ва бўғиқ уйқу ҳаёт ва ажал оралиғидаги пойгадаги ягона ҳордиқ эди.

Кема соати жом урди. Иккита салобатли жаранглаш юқоридаги кимир этмай турган майин ҳавода титраганча бирпас турди-да кейин охиста сўнди, тўлқинлар шивирлаши эса эхтиросли хикоядаги сўзларга қоришиб кетаётгандек эди. Қаршимда қоронғулик кўйнида ўтирган одам кутилмаганда чўчиб тушди шекилли, овози узилиб қолди. Унинг яна шишага қўл чўзгани ва яна секингина бир-икки култум ичгани эшитилди. Шундан кейин у анча хотиржам ва қатъий оҳангда давом этди.

— Шундан кейинги бўлиб ўтган воқеалар ҳақида сизга, эҳтимол, аниқ хикоя қилолмасам керак. Ҳозир ўйлаб кўрсам, ўшанда мени безгак тутган бўлса керак, ҳар ҳолда ўшанда мен ўта хаяжонланган бўлиб, нақд телбаликнинг чегарасига етиб боргандим, яъни худди ўша сизга айтган амок деган нарсага ўхшаб. Аммо, шуни унутманг, мен келган куним — бу сешанба куни тунда эди. Шанба куни эса, — бунимен одамлардан билиб олдим, — «Р&О» пароходида Якахомадан унинг эри етиб келиши керак эди, демак, бундан чикди уч кун, яъни қарор қабул қилиш ва ёрдам бериш учун бор-йўғи уч кун қолганди. Тушунаяпсизми, унга шу заҳотиёк ёрдам беришим зарурлигини билиб турардим, йўқ унга бир оғиз гапирмаган ҳам бўлардим. Айнан ана шу эҳтиёж, ўзимнинг ўша кулгили ва телбаларча қилигим учун узр сўраш эҳтиёжи мени олға ундарди. Мен ушбу

лахзаларнинг канчалик қимматли эканлигини, унинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётганини билиб турардим, аммо унга яқинлашишга, бир оғиз шивирлаб бўлса ҳам, бирор-та имо-ишора билан бўлса ҳам унга яқин боришга имкон тополмаётган эдим, афтидан унинг ортидан телбаларча, бемаънилик билан бостириб келишим уни чўчитиб юборганди. Бу биласизми ... шошмай туринг ... бу худди бир киши иккинчисини огоҳлантириш учун унинг ортидан югуради, у эса бу одамни қотил деб ўйлайди ва ўз ёғида қоврилганча қоча бошлайди, у менда фақат ўша амокни, уни таъқиб этаётган, уни бадном қилмоқчи бўлган амокни кўриб турарди. Менимча ... айнан ана шу нарса бу ердаги энг бемаъни ҳолат эди, ... мен эса бу ҳақда умуман ўйламасдим ... мен бутунлай барбод бўлгандим, мен фақат унга ёрдам бериш, унинг корига ярашни ўйлардим ... мен унга ёрдам бериш учун ҳатто қотиллик қилишим, жиноятга қўл уришим ҳам мумкин эди. Лекин, у бунини тушунмасди. Эрта тонгда ўрнимдан туришим билан яна унинг ўйига югурдим, эшик олдида хизматкор бола, ўша мен юзига мушт туширган бола турарди. Афтидан у ҳам мени кутиб турган шекилли, бир зумда эшик ичкарасига кирди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Балки у менинг келганим ҳақида хабар бергани кетгандир ... балки, эҳ, мана шу ноаниқлик, мени ҳозир ана шу мавҳумлик қанчалар қийнайди, ... балки ўшанда келишимга ҳамма нарса тайёрлаб қўйилгандир, бироқ уни кўришим билан ўша шармандалигим эсимга тушди, мен яна бадном бўлдим, яна бир бор ичкарига киришга ҳаддим сифмади ... Тиззаларим қалтираб кетди. Шундоққина остонадан ортга бурилдим ... ва жўнавордим, балки айнан шу лаҳзаларда у ҳам худди шундай азоб билан мени қутаётган бўлиши мумкин эди-ку.

Бу бегона шаҳарда энди нима қилишимни ҳам билмасдим, кўчалар оёғим остини чўғдек куйдираётганди ... Шу пайт, кутилмаганда миямга бир фикр келди, бир фойтун чақиртирдим-да, ўшанда ўзим ёрдам берган вице-резидентнинг олдида бордим ... ва келганим ҳақида маълум қилишларини сўрадим. Афтидан, кўринишим бироз ғалати эди, чунки у менга бироз тортиниброк на-

зар ташлади, хатто унинг муомаласи ҳам саросимали эди ... балки у ҳам аллақачон мендаги амокни кўриб тургандир ... Унга гапнинг лўндасини айтиб кўя қолдим. яъни мени тезлик билан шаҳарга ўтказиш зарурлигини, у ердаги жойимда бошқа чидай олмаслигимни, мен шу захотиёқ кўчиб ўтишим зарурлигини айтдим. У менга шундай қарадики, ... унинг қандай термулганини сизга тасвирлаб беролмайман, биласизми, худди врач беморга қарагандек.

— Мухтарам доктор, асаблар бузилиши бу, — деди у менга, — мен буни яхши тушуниб турибман. Хўш, буни тўғрилаш мумкин, аммо сиз биров сабр қилинг ... айтайлик тўрт ҳафтача ... мен аввал ўрнингизга одам топишим керак.

— Мен кута олмайман, бир кун ҳам кутолмайман, — жавоб бердим мен. Мен яна ўша ғалати нигоҳга дуч келдим.

— Буни ҳал қилса бўлади, — деди у жиддий, — биз бу станцияни врачсиз қолдира олмаймиз. Аммо мен сизга ваъда бераман, бу масала билан шу бугунок шуғулланаман.

Мен тилимни тишлаганча туриб қолдим ва илк маротаба ўзимни сотилган одамдек, бир қулдек ҳис этдим. Мени эндигина саросима босиб кела бошлаган ҳам эдики, у зиёли бир киши сифатида менга мадад берди.

— Доктор, сиз ҳаммадан узоқлашиб, одамови бўлиб қолгансиз. Буни ўзига хос касаллик деса бўлади. Бу ерда биз ҳаммамиз ҳайрон бўлардик, сиз умуман бу ёққа келмайсиз, таътилга ҳам чиқмайсиз. Сизга яхши одамлар давраси керак, кўнглингизни ёзишингиз лозим. Ҳеч бўлмаса бугун келинг, биз ҳукумат биносида бир кеча ташкил қилганмиз, у ерда сиз бутун колонияни топасиз, айримлар қачонлардан бўён сиз билан танишаман деб юрибди, сизни сўрашади, даврага қўшилишингизни айтишади.

Сўнги гап мени ҳушимга келтирди. Мени сўрашади? Бу агар у бўлсачи? Мен бирданига бошқа одамга айландим: шу захотиёқ унга илтифот билан ташаккур билдирдим ва албатта ўз вақтида келишга ваъда бердим.

Дарҳақиқат, мен ўз вақтида келдим, роса ўз вақтида келдим. Биласизми, сизга айтсам, бесабрлигим мадоримни қуритди, ҳукумат биносининг катта залига биринчи бўлиб келган ягона одам — мен эдим. Сарик рангли хизматкорлар яланг оёқлари билан овоз чиқармасдан у ёқдан бу ёққа тинмай шошилишар, гангиб турган сезгиларим алдамаётган бўлса, улар ортимдан пичинг аралаш кулиб ҳам қўйишарди. Чорак соат давомида кечага тайёргарлик кўраётган шовкинсиз оломон орасида ягона европалик мен бўлдим, шу қадар ёлғиз эдимки, хатто чўнтагимдаги соатнинг чиқиллаши ҳам эшитиларди. Сўнгра бир-икки жуфт амалдорлар рафиқалари билан кириб келишди, ниҳоят губернаторнинг ўзи ҳам келди. У мени анча узоқ гапга солди, мен бор кучимни ишга солиб, унинг саволларига рисоладагидек жавоб беришга тиришардим ... бу ҳол токи ... тўсатдан мени қандайдир сирли бир саросима боса бошлади, мен барча илтифотларни ва тартиб-қоидаларни унутиб қўйдим ва бесаранжом бўла бошладим. Гарчи кириш эшигига тескари турган бўлсам-да, бирданига залга унинг кириб келганини, унинг шу ердалигини хис этдим. Унинг бу кутилмаган ташрифини қандай англаб қолганимни сизга аниқ тушунтириб беролмайман, лекин мен губернатор билан суҳбатлашиб турган чоғимда орқа томонда, қаердадир унинг сўзлари жаранги эшитилгандай бўлди. Бахтимга губернатор ҳам тез орада суҳбатини тугатди, йўқса аниқ айтаманки, мен ўзим тескари ўгирилиб кетган бўлардим, чунки ушбу сирли тортиш кучи асабларимни шунчалар таранглаштиргандики, томиримдаги конни шунчалар қиздираётгандики, мен беихтиёр ҳаммасига қўл силтаб юборардим. Ва ҳақиқатан ҳам бурилиб улгурмасимдан унга кўзим тушди, у айнан мен ҳаёлимда тахмин қилган жойда турарди. Унинг эғнида сарик рангли бал қўйлаги бўлиб, бўртиб турган нозик елкалари чироқлар шуъласида фил суягидек захил товланарди. Унинг атрофи қуршаб олинган бўлиб, қизгин суҳбат авжида эди. У қахқаха отиб кулар, лекин ҳаёлимда унинг юзида асабийлик белгилари ўрнашиб қолгандек эди. Мен унга яқинроқ бордим, аммо у мени кўрмас ёки кўришни ис-

тамасди, унинг жилмайишига яна махлиё бўлиб қолдим, унинг юпка лабларида ўзига ярашган ёқимтой табассум титраб турарди. Ана шу табассум мени яна янгитдан ғашимни келтирди, чунки мен ... чунки мен бу нарсa муғамбирликнинг энг мохирона кўриниши, сохталик эканлигини, санъат даражасидаги айёрлик эканлигини билиб турардим. Бугун чоршанба, шанба куни эса унинг эри ўтирган кема етиб келади, деган фикр кечди хаёлимдан ... у қандай қилиб мана шундай жилмайиши мумкин ... бунчалар хотиржам, бунчалар бамайлихотир қулиш ... қўлидаги елпиғични кўрқувдан ғижимлаш ўрнига, қандай қилиб бемалол ўйнаш мумкин? Мен ... мен бир бегонаман ... ўша соатларни ўйлаб, икки кундан буён мен титраб кетаяпману ... мен, бегона бир инсон унинг кўрқуви, барча таҳликали туйғулари билан яшаяпман ... у эса балда юрар ва жилмаяр, жилмаяр ... жилмаяверарди ...

Оркада, залнинг бир четида мусиқа янгради. Ракс бошланди. Бир каттароқ ёшдаги офицер уни таклиф қилди, у суҳбатлашиб турган даврасидан узр сўради-да, ҳамроҳининг билagидан тутганча шундоқкина ёнимдан қўшни залга ўтиб кетди. Менга кўзи тушиши билан, тўсатдан унинг юзи асабий таранглашди, — аммо бу ҳол бор-йўғи бир лаҳзагина давом этди, холос, сўнгра ҳали мен у билан саломлашсамми, саломлашмасамми деб ўйлаб улгурмасимдан, у худди тасодифий бир танишини кўриб қолгандай илтифот билан бош чайқади ва «хайрли тун, доктор» деди-ю, йўлида давом этди. Мана шу ўткир мовий нигоҳлар остида нималар яширинганини ҳеч ким билмасди, мен, мен ўзим ҳам буни билмасдим. Нима учун у менга салом берди ... нимага ўзини тўсатдан худди мени танийдигандек қилиб кўрсатди ... Бу нима ҳимоями, яқинликми ёки тасодифий хижолатми. Унинг бепарволик билан офицернинг кучоғида ракс тушаётганини, пешонасида хотиржамликнинг совуқ нури ёғилиб турганини кўриб ўзимнинг канчалар асабий ва тўлқинланиб туриб қолганимни сизга тасвирлаб бера олмайман, ҳамма нарсa ўт ичида қолганди, ҳаммаси қоришиб, бўғилиб, портлаш даражасига етиб келганди,

чунки аслида у худди менга ўхшаб фақат ўша нарса ҳақида ўйлаётганини, ҳа, иккимизгина ўша дахшатли сирни биргаликда асраётганимизни мен яхши билиб турардим-да ... у эса рақс тушар, айни лаҳзаларда эса мендаги кўрқув, мендаги иштиёқ, мендаги ҳайрат аввалгидан ҳам ортиқроқ эди. Билмадим, ўшанда мени бирор киши кузатиб турганми, йўқми, чунки мен ўз ҳаракатларим билан янада кўпроқ нарсани ошкор қилаётган эдим. У кўздан ғойиб бўлиши билан, мен бошқа томонга қарай олмас ... ҳа, мен уни кўриб туришим лозим эди. ... унинг юзидаги ниқобни бир лаҳзага бўлса ҳам юлиб олишни, йиртиб ташлашни истардим. У эса менинг бу ўткир нигоҳимда нохушлик сезган бўлса керак. У ҳамроҳининг кучоғидан бўшаб қайтиб келиши билан, менга бир лаҳза шундай ўткир тикилдик, худди яшин чакнагандай, қатъий буйруқ каби, у гўё мени ҳайдамоқчи эди. Яна ўша такаббур ғазаб томирлари таранглашди, унинг боши узра аввал ҳам кўрганим – ўша иблис сояси турарди.

Аммо ... аммо Сизга илгари ҳам айтгандим ... мен амок сингари чопаетгандим, мен на ўнгимга, на сўлимга қарардим. Мен ушбу нигоҳларнинг мазмунини дарҳол англадим. Бу қараш, кўзга ташланма, ўзингни қўлга ол, дерди. Мен буни билиб турардим ... сизга қандай тушунтирсам экан? У мендан мана шу омманинг орасида, залда ўзимни тўғри тутишимни хоҳларди ... агар мен ҳозир уйга кетадиган бўлсам, эртаси куни ишончим комил эди, у мени қабул қиларди ... у фақат ҳозир ... айнан ҳозир ошкора ишонч билдираётганимни у ҳозир истамаётганди ... ва дарҳақиқат, у ҳақ эди ... менинг ноқулай қилиқларимдан бирорта кўнгилсиз шарманда вазият юзага келишидан кўрқаётганди ... кўриб турибсизки, мен буларнинг ҳаммасини жуда яхши англаб турардим, ўша буюрувчи нигоҳларнинг мақсадини яхши тушуниб турардим ... аммо, ичимдаги нарса ўта мустаҳкам ўрнашиб олган ва у билан ҳозироқ гаплашиб олишга ундарди. Шу тариқа тараддудланганча у суҳбатлашиб турган даврага яқинроқ бордим, у ердагилардан бор-йўғи бир-иккитасини таниганим учун, бўш турган бир бурчакдан унинг гапларини эшитишга қизиққаним учунгина

орага суқилдим, аммо унинг ўткир нигоҳи ҳамон менга тинчлик бермас, унинг нигоҳи олдида мен ўзимни худди қувилган итдек ҳис қилардим, агар у мен томонга совуқ бир назар ташлайдиган бўлса, мен худди ҳарир парда шабадада силкинган каби титрардим. Менга бирор нарса дермикан, бир оғиз сўзини эшитармикинман, ҳеч бўлмаганда бирорта розилик аломатини олармикинман деган умидда суҳбатлашаётганлар даврасида туравердим, худди симёғочдек қотиб туравердим. Менинг бу туришим, шубҳасиз, ҳамманинг эътиборини тортди шекилли, улардан ҳеч бири менга бир оғиз ҳам гапирмади, унинг эса менинг бу кулгули ҳолатимга раҳми келди.

Билмадим, мен шу тариқа яна қанча туришим мумкин эди ... балки абадий турардим ... Мен ироданинг бундай жозибасидан қутулиб чиқолмасдим. Мен айнан ўз ғазабимнинг кучлилигидан азобланардим ... Аммо у энди бу ҳолатга бошқа чидаб туролмади ... кутилмаганда у табассум билан атрофида турган жанобларга деди:

— Мен бироз толиқдим ... бугун бироз эртарок ётишим керак ... Хайрли тун!

Мен томонга эса расмий илтифот билан бош чайкадида, ташқарига йўл олди ... Мен унинг қошлари чимирилганини кўриб қолдим. Кейин эса унинг ортидан оппок, мрамардек совуқ елкаларига кўзим тушди. Мен ҳушимни ўнглаб олгунимча, орадан яна бир неча дақиқа ўтди, у эса кетиб борарди ... мен уни энди бошқа кўрмайман, бугун кечқурун бошқа гаплаша олмайман, бу сўнгги тун, уни қутқариш учун бу сўнгги тун эди ... буларнинг ҳаммасини тушуниб етгунимча, шу алпозда бир неча дақиқа бакрайиб туриб қолдим, кейин ... кейин ...

Лекин, сиз шошмай турунг ... шошилманг ... йўкса мен қилган ишларнинг қанчалар бемаъни ва шармандали эканлигини тушунолмайд қоласиз ... Сизга мен аввал залдаги умумий вазиятни тушунтириб беришим керак... Бу ҳукумат биносининг каттакон зали эди, юзлаб чироқлар ёритиб турган, деярли бўм-бўш, ҳайбатли зал эди ... жуфтликлар ракс тушгани кетишган, эркаклар карта ўйини билан овора, фақатгина бир-иккита бурчакда айрим гуруҳлар гап сотиб туришарди ... Хуллас,

зал бўм-буш эди, яшнаб турган чироклар ёғдусида ҳар бир ҳаракат якқол кўзга ташланарди ... у қоматини тик тутиб, атрофдагиларга латофат билан таъзим қилганча, хотиржам ва енгил одимлар билан ана шу хайҳотдек катта зални кесиб ўтди, унинг мағрур ва киборларча ҳаракати мени ўзига махлиё қилиб қўйганди ... Мен ... жойимда туриб қолдим ... сизга айтсам, мен турган жойимда ҳушимни йўқотиб қўйдим, унинг жўнаб кетаётганини кеч англадим Ҳушимни ўнглаб олганимда эса, у залнинг нариги четига етиб борган ва аллақачон эшик олдида турарди ... шу пайт ... оҳ, буни ҳозир ҳам эслашга уяламан, ... тўсатдан мен ўзимга келдим-у, югурдим – эшитаяпсизми, югурдим ... мен юрмадим, югурдим, қадам товушларим залда акс садо берарди ... Ўз қадамларим товушини эшитдим ... бошқаларнинг хайрон бокишларини кўрдим ... уятдан эса ерга кириб кетгим келарди ... югураётган чоғимдаёқ бунинг телба-лик эканлигини англагандим ... аммо ...аммо энди ортга қайта олмасдим. Эшик олдида унга етиб олдим. У менга ўгирилди, унинг нигоҳлари гўё пўлат ханжардек юрагимга санчилди, бурун катаклари ғазабдан титраб кетди ... мен эндигина оғиз очмоқчи бўлгандим ... шу пайт ...шу вақт ... у кутилмаганда баланд овозда кулди ... бу қувноқ, дардсиз ва самимий кулгу эди, сўнг ҳамма эшитадиган қилиб, баланд овозда деди:

– Аҳ, доктор, ўғлимга аталган рецепт энди ёдингизга тушдими ... эҳ, илм аҳли-я.

Яқинроқда турган бир-иккита меҳмонлар ҳам унга қўшилиб самимий жилмайишди. Мен бирданига ўзимни ўнглаб олдим, унинг бунчалар усталик билан вазиятдан қутулиб чиқишини кўриб, қойил қолдим ... Шошилганча чўнтагимни тимирскилаб ёндафтаримни чиқардим ва ундан ҳеч нима ёзилмаган тоза бир варақни йиртиб олдим. У бепарволик билан қўлимдан варақни олди-да ... биласизми ... яна бир бор миннатдорчилик билдирган бўлиб, совуқ жилмайди-да ... нари кетди ... Аввалига унинг усталик билан телбалигимни яшириб, вазиятдан қутқаргани учун ўзимни анча енгил ҳис қилдим ... аммо бироз ўтгач ... бирданига мен энди ҳаммасини бой бе-

риб кўйганимни, бу аёл ана шу ғалати телбалигим учун мендан нафратланишини ... у мендан кўра ажални афзал кўришини Агар мен унинг оstonасига юз марталаб, эшитаяпсизми, юз марталаб бош уриб борганимда ҳам у мени худди дайди итдек хайдаб солишини англаб етдим.

Мен нима қиларимни билмай, залда гандираклаб юрардим ... кўринишим ғалатиروق туюлган шекилли, одамлар менга бошқача қарашаётганини сездим ... Сўнг буфетга ўтдим ва бирин-кетин икки, уч, тўрт рюмка коньяк симиpдим ... ана шу нарса мени бутунлай ҳолдан тойишимдан қутқариб қолди ... асаб томирларим парчала-лана бошлаган, улар энди ҳеч нарсага дош беролмасди ... Ундан сўнг ҳеч ким кўрмасин деб, худди ўғриларга ўхшаб, орқа эшикдан ташқарига чиқдим ... энди мени дунёнинг ҳеч бир кироллиги ўша залга, ҳар бир бурчагида унинг совуқ қаҳқаҳаси акс садо бериб турган залга киришга мажбур қилолмасди ... мен қаёққадир кетиб борардим ... қаёққа борганимни аниқ билмайман ... бириккита майхоналарга кирдим шекилли, охири роса ичдим, шундай ичдимки, гўё бутун борлиқни ичиб тугатадигандай эдим ... лекин ... лекин шунча ичган билан ҳам онгим хиралашмас, миямда унинг кулгиси тошдек ўрнашиб қолган ... ўша кулгу, ўша лаънати кулгидан ҳечам қутула олмасдим ... Сўнг яна кема портида дайдиб юрдим ... тўппончамни уйда унутиб қолдирган эканман, йўкса аллақачон ўзимни отган бўлардим. Биргина шу хаёл билан, ўзимни отиш фикри билан хонамга қайтдим, миямда фақат шу фикр ... столимининг чап томонидаги яшикчада тўппончам турибди ... миямда фақат шу фикр чарх урарди.

Кейин нима учун мен ўзимни отмадим ... онт ичаман, кўрқоқликдан эмас ... аксинча, ўша совуқ тепкини босганимда ҳаммасидан халос бўлардим ... аммо, сизга қандай тушунтирсам экан ... мен ҳалиям ўзимда қандайдир бир бурч борлигини ҳис қилиб турардим ... ҳа, ўша бировга ёрдам бериш бурчи, мен ҳали кимгадир керак бўлишим мумкин деган, бировнинг корига ярайман деган, ўша лаънати бурч мени ақлдан оздираётган эди ... уйга қайтганимда эса аллақачон пайшанба тонги

эди ... шанба эса ... айтдим-у, шанба куни ўша кема етиб келади ва бу аёл, ана шу такаббур ва мағрур аёл эрининг олдида, бутун дунё олдида, бу иснодга дош бера олмасди. Мен буни жуда яхши билардим ... Эҳ, энг киммат онларни бемаъниларча қўлдан бой бераётганим, мана шу телбаларча шошқалоклигим туфайли зарур ёрдамни вақтида кўрсата олмаётганим ҳақидаги фикрлар жигарбағримни тилка-пора қилиб ташлаётганди. Соатлаб, онт ичаман, соатлаб унга қандай яқинлашсам экан, хатоларимни қандай тўғриласам экан, қандай қилиб унга ёрдам беришим мумкин, деган ҳаёллар билан миям ачиб кетди, ҳа, соатлаб хонада у ёқдан- бу ёққа югурардим ... у энди мени уйига яқин йўлатмаслиги аниқ эди ... унинг асабий кулгуси, қаҳр билан титраган лаблари ҳамон кўз ўнгимдан кетмасди ... уч метрлик торгина бир хонада мен соатлаб, чиндан ҳам соатлаб бўзчининг мокисидек у ёқдан-бу ёққа бориб келардим ... мана тонг отди ... мана тушлик вақти келаяпти ...

Тўсатдан столга ўтирдим ... бир даста почта қоғозни юлиб олдим-да, унга хат ёза бошладим ... ҳаммасини ёздим ... калтакланган итдек ёлвориб хат ёзаётгандим, хатда ўзимни телба, жиноятчи деб атадим ... менга ишонишига ялиниб-ёлвордим. Агар у истаса, бир соатдан кейин бу шаҳардан, бу колониядан ... бу дунёдан ғойиб бўлишга қасам ичдим, фақат у мени кечира олса, менга ишонса, сўнгги соатларда, ҳеч бўлмаса энг сўнгги онларда унга ёрдам беришимга ишонса бўлди ... шу тариқа нақд йигирма бет ёзибман ... бу энг бемаъни хат бўлиб, жазава ичида алахсирашга ўхшарди, чунки столдан турганимда, қора терга ботиб кетгандим ... бошим гангиб бутун хона чайқалар, мен бир қултум сув ичмасам бўлмасди ... Кейин ёзган хатимни қайта ўқимоқчи бўлдим, аммо дастлабки сўзларданоқ вужудимга титроқ кирди ... қўлларим қалтираб хатни тахладим, эндигина уни конвертга жойламоқчи бўлиб тургандим ... тўсатдан миямга бир фикр келди. Мен энг тўғри ва ҳал қилувчи сўзни топгандим. Қўлимга яна қайтадан қалам олдим ва охириги қолган вараққа ёза бошладим: «Мен шу ерда «Странд-отели»да гуноҳимдан ўтишингизни кутиб туриб-

ман. Агар соат еттигача сиздан жавоб келмаса ўзимни отиб ўлдираман».

Сўнг хатни олиб, бир хизматкорни чакирдим-да, ёзганларимни зудлик билан элтиб беришини буюрдим. Ниҳоят ҳаммаси айтилди, ҳаммаси!

Ёнимизда нимадир бир нарса шиқирлади ва ялтираб кўринди. У шошиб тимирскилангани учун виски шишаларини ағдариб юборганди. Унинг кўли билан пайпаслаб шиша кидиргани, сўнг шошқалоқлик билан тутгани, сўнггра бўш шишани бортдан ошириб, қулочкашлаб улоқтиргани эшитилди. Унинг овози бир неча дақиқага жим бўлиб қолди, сўнг титроқ оҳангда давом этди, овоз энди аввалгидан ҳам ҳаяжонли ва таҳликали эди.

— Мен энди чинакам христиан эмасман ... мен учун энди на жаннат бор, на дўзах ... агар бирортаси бўлганда ҳам, ўша куни эртадан-кечгача бошдан кечирган соатларим олдида бу нарсалар ҳеч нарсага арзимай қолади ... Ўзингиз тасаввур қилинг, кичкинагина бир хона, чошгоҳнинг ёндираётган қуёши уни тандирдай киздиради ... кичкинагина бир хона, фақат стол, стул ва кроват ... стол устида эса соат ва тўппончадан бошқа ҳеч нарса йўқ, стол олдида бир инсон ... бир инсон-ки, кўзини, стол олдида туриб олиб, кўзларини соатнинг секунд милларидан узмайди ... бир инсонки, на ейди, на ичади, на чекади ва на кимир этади ... у доим ... эшитаяпсизми, уч соат давомида мижжа қокмасдан фақат циферблатнинг оқ доирасига термулиб, милнинг доира бўйлаб айланишини кузатади ... Шундай ... ўша кунни мен шу тариқа интизорлик билан ўтказдим, кутавердим...кутавердим ... яна қандай кутдинг денг ... худди амок бўлган одамга ўхшаб ... бемаъниларча, хайвонларча, телбалик ва қайсарлик билан кутдим.

Хуллас, ўша соатларни сизга тасвирлаб бера олмайман ... уларни тасвирлаб бўлмайди ... телба бўлмасдан туриб, шундай соатларни қандай қилиб бошдан кечириш мумкинлигини ўзим ҳам тушунмайман. Хуллас, шундай қилиб соат роппа-роса учдан йигирма икки дақиқа ўтганда ... буни аниқ эслайман, чунки соатга термулиб

тургандим ... тўсатдан эшик тақиллаб қолди ... мен сап-
чиб турдим ... худди йирткич ўлжасига ташланган синга-
ри сапчидим, бир сакрашда хонани кесиб ўтиб, эшикка
етдим ва уни юлқиб очдим ... кичкинагина бир хитой
боласи ҳадиксираб турар, қўлида икки букланган бир
қоғоз, мен ҳовлиққанча қоғозни олишим билан ортига
ўгирилди-ю, кўздан ғойиб бўлди.

Шоша-пиша варақни очдим ва ўқимоқчи бўлдим ...
ўқий олмадим, бошим айланиб кўз олдим қоронғулашиб
кетди ... тасаввур қилинг, қанчалик машаққат, ниҳоят,
ниҳоят мен ундан жавоб хати олдим ... кўз олдимда
ҳамма нарсa жимирлар, гир айланарди ... Бошимни сувга
тиқдим ... бироз ўзимга келдим ... Яна вараққа ёпишдим
ва ўқий бошладим: «Жуда кеч! Аммо мени хонангизда
кутинг. Менимча, сизни ҳали чақирсам керак!»

Варақда ҳеч қандай имзо йўқ эди, у ғижимланиб
кетган, шошилишда қандайдир эски журналдан йиртиб
олинганга ўхшарди ... қалам билан чатиб ёзилган, лекин
харфлар ишонч билан, босиб ёзилганди ... нима сабабдан
бу варақ мени шунчалар тўлқинлантириб юборди, ўзим
ҳам билмасдим. Варақда қандайдир бир фалокат изи,
бир тилсим борга ўхшар, у ўта шошиб ёзилган, балки
тик турганча бирорта дераза тоқчасидами ёки юриб ке-
таётган фойтунда битилганми ... Ушбу сирли варақчадан
кўнглимга қандайдир тасвирлаб бўлмайдиган бир кўрқув,
нафрат ва ваҳима кўчиб ўтгандай бўлди. Аммо, аммо
шунга қарамасдан ... мен жуда бахтли эдим ... у менга
хат ёзибди-ку ... мен энди ўлмаслигим керак эди, мен
унга ёрдам беришим мумкин ... ҳа, эҳтимол, ҳаққим бор-
дир ... ушбу телбаларча тахминлар ва умидлар оралиғида
ўзимни умуман йўқотиб қўйгандим ... ўша бир парча
варақни балки юз марта, минг марта қайта ўқигандирман,
лабимга босгандирман ... бирорта кўрмай қолган сўз то-
парман деб, битталаб ўрганиб чикқандирман, билмадим
... ҳаёлларим борган сари чуқурлашиб, аралаш-қуралаш
бўлиб кетаётганди, бу очиқ кўз билан ухлаш каби ғалати
бир ҳолат эди. Бу ўзига хос бир фалажлик, бўғиқ, аммо
чалажон, уйқу билан уйғоқлик оралиғидаги бу ҳол тахми-
нан чорак соат, балки бир соат давом этгандир ...

Тўсатдан нимадандир чўчиб кетдим ... Кимдир эшикни тақиллатди шекилли? ... Нафасимни ичимга ютдим ... бир дақиқа ... икки дақиқа қилт этмай турдим ... Мана яна ўша, жудаям секин, гўё сичкон юргандек, охиста, лекин саросимали тақиллаш ... Сакраб турдим, бошим ҳали бутунлай гангиб ётарди, шошилиб эшикни тортдим, остонада хизматкор турарди, бу ўша, мен жағига мушт туширган хизматкор бола эди. Унинг бугдойранг юзи кулдек оқариб кетган, саросимали нигоҳи эса фалокатдан сўзлаётганди ... Мени бирданига қандайдир даҳшат босди ...

– Нима ... нима бўлди? – дедим тутилиб.

– Тез юринг, – деди у ... бошқа чурк этмади ... шу заҳотиёқ зинадан пастга югурдим, у менинг ортимдан чопди ... Ташқарида бир «садо», яъни миттигина бир арава тайёр турарди, биз ўтирдик ...

– Нима, бирор кор-хол юз бердими? – сўрадим мен ундан ... У титраганча менга термулиб турар, лабларини маҳкам тишлаганча миқ этмасди. Яна сўрадим. У миқ этмай тураверди, тураверди ... Жон деб унинг башарасига яна мушт туширган бўлардим, аммо ... шу пайт унинг бекасига бўлган итдек содиқлигидан таъсирланиб кетдим ... хуллас, мен ундан қайтиб ҳеч нарса сўрамадим. ... Миттигина арава худди лабиринтда кетаётгандек йўртиб борар, дуч келган одамлар ўзларини четга олишга аранг улгуришарди, у кирғоқда жойлашган Европа кварталидан чиқиб, пастқам уйлардан иборат тор кўчали хитойликлар шаҳарчасига ўзини урди. Ниҳоят, у жуда чеккада жойлашган хилват бир тор кўчага етиб келди ва пастқамгина бир уй олдида тўхтади ... Уй жуда ифлос бўлиб, худди ертўлага ўхшар, унинг олд томонидаги дўкончада шамчирок ёниб турарди. Одатда бундай дўконлар ортида нашавандларнинг майхонаси, фоҳишахоналар, қароқчилар манзилгоҳи ёки ўғрилар омбори жойлашган бўлади. Хизматкор шошилиб дарвозани тақиллатди ... Эшик тирқишидан бир хириллаган овоз эшитилди ... у очиш ўрнига сўрайверди, сўрайверди... Менинг сабрим чидамади ва ўтирган жойимдан сакраб тушиб, эшикни итар-

дим ... бир қари хитой кампир бақирганча ўзини четга олди ... ортимдан бола кирди ва менга йўлаклар оралаб йўл кўрсатиб борди ... аввалига бир эшикни очди ... сўнгра бошқа бирини, ниҳоят қоронғу хонанинг эшиги очилди, у ердан ароқ ва котиб қолган қон хиди келарди ... ичкарида ниманингдир инграгани эшитиларди, мен пайпаслаганча ичкари кирдим...

Овоз яна жим бўлиб қолди. Лекин бироздан кейин бошланган хикоя, сўзлашдан кўра кўпроқ энтикишни эслатарди.

— Мен ... мен туртина-туртина ичкари кирдим ... у ерда ... у ерда искирт бир кўрпа устида ... оғриқдан буралиб ... бир бурда бўлиб қолган бир одам ... у ётарди ...

Зим-зиё қоронғида унинг юзини кўра олмадим ... Кўзларим зулматга ҳали ўрганолмаганди ... бир амаллаб пайпаслаб ... унинг қўлларини топдим ... улар иссиқ ... куйдирадиган даражада иссиқ эди ... бу ҳарорат, юқори ҳарорат эди ... сўнг этим жунжикиб кетди ... ҳаммасини бирдан тушундим ... у мендан қочиб, шу ерга етиб келганди ... бор-йўғи битта сабаб билан, бу ерда мени ҳеч ким билмайди деган умид билан келган ва, бир искирт хитой кампир уни қонга белашига қўйиб берган ... менга ишонгандан кўра, қандайдир бир жин чалган жодугарга ўзини ўлдиртиришни афзал кўрган ... чунки мен ақлдан озган одамман ... чунки мен унинг ғурурини асрай олмаганим учун, унга дарҳол ёрдам бермаганим учун ... чунки у ажалдан кўра мёндан кўпроқ кўрққан ...

Мен чироқ олиб келишларини буюрдим. Хизматкор сакраб ташқарига чикди, хитой кампир қалтираган қўллари билан тутаб турган керосин чироқ келтирди ... мен шу лаънати сариқ кампирни бўғиб ташлашдан ўзимни аранг тийиб турардим ... у чироқни стол устига қўйди ... сарғиш ва ёруғ чироқ нури азобланган гавдани ёритиб турарди. Сўнг тўсатдан ... тўсатдан мендаги барча ҳовлиқиш ва васвасалар, бўғилиш ва ғазаблар ғойиб бўлди ... мен энди фақат врач эдим, ёрдам берувчи, текшириб кўрувчи, ҳаммасини билувчи бир табибга айлангандим ... бутун борлигимни унутиб ... теран тафаккур ва тетиклик билан фалокатга қарши курашардим. Мен

унинг хаёлларимда ардоқлаган баданини хис этдим, лекин биласизми, энди ... факат энди уни бир унсур, бир организм сифатида сезардим ... мен энди уни аёл сифатида эмас, ўлим билан олишаётган бир тирик жон деб, чидаб бўлмас азоб ичида қийналаётган бир инсон сифатида хис қилаётгандим. Унинг кони, унинг қайнок ва муқаддас кони қўлларим устидан оқиб тушар, аммо мен на сесканар, на хаяжонланардим ... мен энди бор-йўғи врач эдим ... мен факат изтиробни кўриб турардим ... ҳа, кўриб турардим ...

Агар бирорта мўъжиза юз бермаса, ҳаммаси аллақачон қўлдан бой берилганлиги бирпасда аён бўлди, ... у мана шу манфур, нўноқ қўллар билан жароҳатланган ва конининг ярмини йўқотиб бўлганди. Менда эса ... менда эса, ушбу сассиқ мазорда қонни тўхтатиш учун ҳеч нарса йўқ эди, ҳатто тоза сув топилмасди ... нимага қўл урсам, ҳаммаси искирт эди ...

— Дарҳол касалхонага жўнаш керак, — дедим мен. Аммо бу гапни айтар-айтмас, даҳшатли оғриқдан буришиб ётган гавда жонланди.

— Йўқ ... йўқ, яхшиси ўлим ... ҳеч ким билмайди ... уйга ... уйга ...

У ўз ҳаёти учун эмас, ўз сири, ўз номуси учун курашаётганини англадим. Унга бўйсундим ... Хизматкор битта замбил топиб келди ... уни ўраб-чирмаб шунга жойладик ... худди ... бир мурдани жойлагандек ... саросима ичида уни кўтариб ярим тунда уйга элтдик ... кўрқиб кетган ва сўроққа тутган хизматкорларни худди қароқчилардек нари сурганча ... уни ичкарига, ўз хонасига олиб кирдик ва эшикни қўлфладик ... ундан кейин ... кейин кураш, ажал билан бўлган узундан-узок кураш бошланди ...

Тўсатдан қандайдир бир қўл менинг билегимни тутди, мен кўрқув ва оғриқдан бақириб юборишимга оз қолди. Қоронғуда унинг юзи шундоққина қаршимда турар, унинг оппоқ тишларига кўзим тушди, ой нури шуъласида ялтираб турган кўзойнаги гўё каттакон мушук кўзларидек ёниб турарди. У энди хотиржам

сўзламас, балки ғазаб ўтида алангаланиб бақира бошлаганди.

—Биласизми, сиз мана, бир бегона одамсиз, бу ерда креслода қулайгина ёнбошлаб ўтирибсиз, дунёни айланиб сайр қилиб юрибсиз, биласизми, одам жон таслим қилаётганда қанақа бўлишини тасаввур қила оласизми? Бирор марта гувоҳ бўлганмисиз, кўзингиз тушган жасаднинг қандай буришиб тирилишини, кўкариб кетган тирноқлар бўшлиққа қапишиб кетишини, кекирдак хирллаб, ҳар бир аъзо, ҳар бир бармоқ ўша даҳшат билан олиша бошлашини, кўзлар кинидан чиққудек аланглаши, буларни тасвирлашга сўз ожизлик қилишини биласизми? Бирор марта буни бошингиздан кечирганмисиз, сиз, эй, бекорчи сайёҳ, эй, сиз ўша мадад ҳақида сўйловчи, бурч ҳақида сафсата сотувчи инсон? Мен буни врач сифатида кўп кўрганман, амалда кузатганман, бир далил сифатида ўрганганман ҳам, аммо умримда бир марта буни ўз бошимдан ўтказдим, биргаликда бошдан кечирдим, ўша пайтда, ўша кеча кўшилиб жон бердим ... ўша даҳшатли тунда. Унинг бошида бошимни чангаллаб, қонни тўхтатиш учун чора қидириб, бирор нарса топиш умидида, яна иситмага қарши, кўз ўнгимда уни қўйдириб юбораётган иситмага қарши ... тобора бостириб келаётган, унинг тўшаги ёнидан ҳайдаш учун имконим етмаган ажалга қарши чора тополмасдан чарх уриб айланардим. Тушунаяпсизми, врач бўлиш нима эканлигини, ҳамма касалликка қарши курашиш учун зарур бўлган, ҳамма нарсани билиш, сиз доноларча таъкидлагандек, ёрдам бериш учун бурчга эга бўла туриб, жон таслим қилаётган одамнинг олдида чорасиз ўтириш, биласан, лекин ҳукминг ўтмайди. Жисмингдаги барча томирларни парчалаб ташласанг ҳам, биласанки, ўша даҳшатга қарши чиқолмайсан, ёрдам беролмайсан, сен севган вужуднинг аянч билан қонга беланаётганини, оғриқдан тиришаётганини кўриб туриш, ҳозир, бирпасдан сўнг тўхташи, бармоқлар остида сўниши муқаррар бўлган томир уришини сезиб туриш, ... врач бўла туриб ҳеч бир чора билмаслик, ҳеч нарса, ҳеч нарса, ҳеч нарса ... фақатгина унинг ёнида ўтириш, церковдаги мункиллаган бир кампир сингари, қандайдир бир дуони пичирлаб

ўтириш, гохида эса, худога дод солиш ва бунинг бефойдалигини ҳам билиб туриш ... Сиз буни тушунасизми? Сиз буни тушунасизми? Мен ...мен фақат бир нарсани тушунмайман ... қандай қилиб, қандай қилиб шундай лаҳзаларда қўшилиб ўлиб кетмаслик мумкин ... кейин яна эртаси куни уйқудан туриш, тиш тозалаш, яна бўйинбоғ боғлаш ... барчасини биргаликда бошдан кечиргач, яна қандай тирик юриш мумкинлигини, мен нималарни ҳис қилдим, қандай қилиб ушбу нафас, мен ортидан юрган, курашган, қалбим кучи билан ёнимда олиб қолиб, тутиб турмоқчи бўлган биринчи одам қай тарзда қўлимдан сирпаниб чиқиб кетаётганини, борган сари уни тезроқ бой бераётганимни, дақиқа сайин йўқ бўлиб бораёпти, менинг ушбу титроқ босган миямга уни, ушбу инсонни маҳкам тутиб, асраб қолиш учун ҳеч нарса келмайди ...

Шу сабабдан ҳам азобларим икки баробарга ортиб борарди, бунинг устига яна ... Мен унинг кровати олдида ўтирганимда, – мен унга оғриқни енгиллаштириш учун морфей укол қилганман, унинг юзлари оқариб кетган, иситмада ёниб ётибди, ҳа, шу тариқа ўтирган жойимда, орқа томонимдан таҳликали кўркув ичида мижжа қокмай термулиб турган иккита кўзни ҳар доим ҳис қилиб турдим ... Бу хизматкор бола бўлиб, у тиз чўкиб, қандайдир бир дуони оҳиста пичирларди ... Кўзларим унинг нигоҳи билан тўкнашганда эса ... оҳ, буни тасвирлаб беролмайман .. унинг итниқидек содиқ назарида қандайдир илтижо, миннатдорлик кўриниб турарди ... у дархол қўлларини қўкка чўзиб, менга умид билан қарар, кутқаришимни ёлвориб сўрар ... тушунаяпсизми ... у худди бир худога илтижо қилаётгандек менга қўлларини чўзиб ёлворарди ... менга-я .. мендек ожиз бир бандага, ҳаммаси бой берилганини билиб турган одамга-я ... мен у ерда худди оёқ остида ўралашиб юрган чумоли сингари бекерак эдим ... Оҳ, бу нигоҳ, менга, менинг санъатимга жонивордек содиқ ишонч билан умид қилувчи қарашлар мени қанчалар қийнарди, ...мен унга бакириб ташлашим, уни тепкилаб ташлашим мумкин эди, худди у мени тепгани сингари, аммо биз, ҳар иккаламиз ушбу аёлга бўлган муҳаббат туфайли бир-биримизга боғланган эдик

... ана шу сир туфайли ... У худди айёр мушукдек кулча бўлиб менинг ортимда ўтирар, мен бирор нарса сўрасам, у сакраб турар ва яланг оёклари билан овоз чиқармай етиб келар ҳамда титроқ қўллари билан сўраган нарсамни узатарди ... унинг қарашлари ёрдам бериш ва қутқариш умидига тўла эди. Ана шу аёлга ёрдам бериш учун бу бола томирларини кесиб ташлашга ҳам тайёр эканлигини сезиб турардим ... бу аёл одамлар устидан ана шундай ҳокимиятга эга эди ... менда эса ҳеч қандай ҳокимият йўқ эди, қонни тўхтатиш учун ҳатто озгина бўлса ҳам ҳокимият йўқ эди ... ох, ўша тун, дахшатли кеча, адоғсиз, ҳаёт ва ажал ўртасидаги тун!

Тонгга якин у яна ўзига келди ... кўзларини очди ... энди улар аввалгидек мағрур ва совуқ эмасди ... кўзларида ёш милдирар, гўё бегоналардек хонага алангларди ... Кейин менга кўзи тушди, у ўйлаб кўрмоқчи бўлар, менинг юзимни эслашга уринарди ... ва тўсатдан ... мен буни аниқ кўрдим ... у мени эслади ... чунки унинг юзида қандайдир кўрқув, саросима, дахшат ифодаси пайдо бўлди ... у қўллари билан имо-ишора қилар, қочиб кетишга уринарди ... йўқол, йўқол, кўзимдан йўқол ... буни аниқ кўрдим, у айнан ана шу сўзларни айтмоқчи бўларди ... у аввалбошдан ҳам шундай фикрда эди. Аммо бирпас ўтиб ўзига келди ... энди у менга хотиржамроқ боқар ва оғир нафас оларди ... мен унинг нимадир демоқчи бўлаётганини ҳис қилиб турардим, нимадир дегиси келаётганди... қўллари яна асабий безовталана бошлади ... у ўрнидан туришга уриниб кўрди, лекин у жудаям мадорсиз эди ... Мен уни тинчлантирдим ва тепасига энгашдим ... у менга оғриқ тўла кўзлари билан узоқ термулди ... унинг лаблари билинар-билинемас кимирлай бошлади, у гапираётган эди, лекин бу сўнгги ва сўниб бораётган товушлар эди:

— Буларни ҳеч ким билгани йўқми? Ҳеч ким-а?

— Ҳеч ким, — дедим мен бор кучим билан уни ишонтиришга тиришиб, — сизга буни ваъда бераман.

Аммо унинг қарашлари ҳали нотинч эди ... титраган лаблари билан тушунар-тушунмас гапиришда давом этди.

— Онт ичинг менга ... ҳеч ким билмайди деб ... қасам ичинг.

Мен онт ичишга ишора қилиб бармоқларимни кўтардим. У менга қаради ... шундай бир назар билан қарадики, тасвирга сўз ожиз эди ... унинг нигоҳи илик, меҳр ва миннатдорлик нурлари билан тўла эди. ... ха, ха, у миннатдор эди. У яна нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин бу унга оғирлик қилди. Зўриқишлар натижасида у ҳолдан тойиб, кўзларини юмганча узок ётди. Кейин энг даҳшатлиси бошланди ... энг даҳшатлиси ... азоблар билан тўлиб-тошган ўша бир соат давомида у яна ажал билан олишди: факат тонгга яқин ҳаммаси тугади ...

У узок сукут сақлади. Мен буни палубадаги соат оҳиста уч марта бонг ургандагина пайқадим. Соат уч бўлганди. Ой нури хиралашган, лекин тепамизда қандайдир сарғиш ёғду безовта титраб турар, гоҳ-гоҳида енгил шабада эпкини келарди. Орадан яна ярим ёки бир соатлар ўтгач, яна тонг отди, барча даҳшатлар нурафшон кун ёғдусида ортга чекинди. Биз ўтирган бурчакка энди соя тушмасди, мен унинг юзига энди яхшироқ эътибор бердим, у бошидаги кепкасини ечиб қўйди, унинг озиб, қоқсуяк бўлиб кетган юзи изтиробга тўла эди. Аммо, ялтираб турган кўзойнаклар яна мен томонга ўгирилди, у ўзини бироз тартибга келтирди, энди анча истехзоли ва кескин овозда сўз бошлади.

— Унинг учун ҳаммаси, ҳаммаси тугаган эди, аммо мен учун эмас. Мен мурда билан бир ўзим ўтирардим, ёлғиз ўзим, бегона бир уйда, ёлғиз ўзим бегона ва яна ҳеч қандай сирни яшириб бўлмайдиган бир шаҳарда ... ва мен ... бу сирни асрашим шарт эди ... Бир ўйлаб кўринг-а, бутун вазиятни: колониянинг энг обрўли хонадонларидан бирининг аъзоси, мутлақо соппа-соғ, кечагина ҳукумат уйидаги балда ракс тушган бир хоним, тўсатдан ўз тўшагида ўлиб ётса ... унинг ёнида бир бегона врач, гўёки хизматкорлар томонидан чақириб келинган ... уйдагилардан ҳеч ким уни қачон ва қаердан келганини ҳам кўрмаган ... аёлни ярим тунда, замбилда олиб келишган ва эшикларни ичкаридан бекитишган ... эрта-

лаб эса, у ўлиб ётибди ... шундан кейингина хизматкорлар чакирилапти ва бутун уй уввос солиб йиғламоқда ... кўз очиб-юмгунча қўшнилар хабар топишади, сўнг бутун шаҳар ... фақатгина бир одам бор бу ерда, ҳаммасини тушунтириб бериши керак бўлган одам ... мен, яъни бегона бир одам, чекка бир станцияда ишловчи врач ... жуда қувонадиган вазият-а, нима дедингиз, тўғрими?

Мени нима кутаётганини яхши билиб турардим. Бахтимга яхшиям хизматкор бола ёнимда эди, бу бақувват ўсмир менинг ҳар бир ниятимни кўзларимдан ўқиб олар, ҳатто мана шу сариқ онгсиз жонзот ҳам мени бу ерда жиддий бир олишувни бошдан кечиришим зарурлигини билиб турарди. Мен унга бор-йўғи бир оғиз сўз айтдим:

— Хоним нима бўлганини ҳеч ким билмаслигини хоҳлаяпти.

У ёш тўла кўзлари билан менга содиқ итдек каради ва қатъий оҳангда:

— Ҳўп бўлади жаноб, — деди ва бошқа ҳеч нарса демади. Сўнгра у ердаги қон изларини ювиб тозалади, ҳамма нарсани аъло даражада қилиб тартибга келтириб чиқди. Айнан ундаги бу қатъийлик мендаги дадилликни қайта тиклади.

Аниқ биламан, умримда ҳали ҳеч қачон бунчалик шижоатли куч-қувватга эга бўлмаганман ва бундан кейин ҳам эга бўлолмайман. Одам агар ҳамма нарсасини қўлдан бой берса, сўнг у охирги нарса учун ҳеч нарсадан тап тортмай курашади, охирги нарса эса — бу вазият, яъни ўртадаги сир эди. Мен одамларни мутлақо хотиржам кутиб олиб, уларнинг ҳаммасига бир хил ёд олинган воқеани ҳикоя қила бошладим, яъни қандай қилиб хоним хизматкор болани врачни чакириб келишга жўнатгани, бола эса мени кўчада тўсатдан учратиб қолганини баён қилардим. Ўзим бу нарсаларни хотиржам ҳикоя қилиб бераётган бўлсам-да ... аслида энг муҳим нарсани сабрсизлик билан кутаётган эдим, яъни ўлим ҳақидаги хулоса масаласи энди ҳал қилиниши керак эди, ана шундан кейингина биз уни тобутга жойлашимиз, унга қўшиб ўша сирни ҳам дафн этишимиз мумкин эди. Унутманг, бу пайшанба куни эди, шанба куни

эса унинг эри қайтиб келади ... Соат тўққизга бориб, шу ердаги участка врачига хабар етганини эшитдим ва унга одам юбордим. У ўз лавозимига кўра мендан бир поғона юқори бўлиб, бир вақтнинг ўзида у менинг рақибим ҳам эди, аёл айнан ана шу одам ҳақида анчагина ёмон фикр билдирган ва афтидан, у мени бу ёққа ўтмоқчи бўлаётганимдан ҳам хабардор эди. Бир қарашдаёқ у менга душман эканлигини сездим. Аммо, айнан ҳозир бу менга қўшимча куч бераётганди.

Кираверишдаги хонадаёқ у сўрай бошлади:

— (у аёлнинг исмини айтди) хоним қачон вафот этди?

— Эрталаб соат олтида.

— Сизга у қачон одам юборганди?

— Кечқурун соат ўн бирда.

— Мен унинг врачлари эканлигимни билармидингиз?

— Ҳа, лекин бу жуда шошилиш эди ... ундан кейин, у айнан мени сўратган экан. У бошқа врач чақиришни тақиқлаб қўйди.

У менга бақрайиб қолди: унинг рангпар ва бироз ёғ босган юзи қизариб кетди, унга нимадир алам қилаётганини сездим. Менга айнан ана шу нарса керак эди. Бутун куч-қувватим билан масалани тезроқ ҳал этишга тиришардим, чунки асабларим бу ҳолатга узоқ дош беролмасди. У нимадир бир нарса деб эътироз билдирмоқчи бўлди, аммо кейин совуққонлик билан қўшиб қўйди:

— Агар сиз менинг иштирок этишимга зарурат йўқ деб ўйлар экансиз, унда вазифам сифатида ўлимни қайд этишим керак бўлади ... яъни буни қандай содир бўлганлигини.

Мен унга жавоб бермадим ва ичкарига киритдим. Сўнг ўзим орқада қолиб, эшикни кулфладим ва калитни олиб столга қўйдим. У ҳайрон бўлиб қошларини чимирди:

— Буни қандай тушуниш керак?

Мен хотиржамлик билан унинг қаршисига келдим:

— Гап бу ерда ўлимнинг сабабини аниқлаш ҳақида эмас, балки бошқа нарсанинг чорасини топиш ҳақида кетаяпти. Бу аёл мени бу ерга муваффақиятсиз якун

топган бир жарроҳлик операциясининг оқибатини да-
волаш учун таклиф этганди ... менда уни кутқариб
қолишга ортиқча имкон қолмаган эди, аммо мен унинг
номусини кутқариб қолишга сўз бердим ва сўзимнинг
устидан чиқаман. Сиздан эса ана шу нарсада ёрдам бе-
ришингизни сўрайман.

Ҳайрон бўлганидан унинг кўзлари янада катталашиб
кетди:

— Сиз ..., — деди у тутилиб, — мен, яъни расмий врач,
бу ерда бир жиноятни яширишим кераклиги ҳақида га-
пирмаяпсиз деб ўйлайман?

— Ҳа, айнан шуни хоҳлаяпман, шундай қилишим ке-
рак.

— Сизнинг жиноятингиз учун мен ...

— Мен сизга айтдим-ку, мен бу аёлга қўл ҳам тек-
кизганим йўқ, акс ҳолда ... акс ҳолда мен сизга яли-
ниб ўтирмаган бўлардим, аллақачон ўзимни ўлдирган
бўлардим. У ўз гуноҳи учун ўзи товон тўлади, агар сиз
шуни айтмоқчи бўлаётган бўлсангиз, аммо буни оламга
ёйишнинг зарурати йўқ. Ва бу хонимнинг номуси бекор-
дан-бекорга янаям булғанишига чидаб тура олмайман.

Мендаги бу катъийлик оҳанги унинг баттар ғазабини
кўзгади.

— Сиз бунга чидаб тура олмайсиз ... хўш ... сиз менга
бошлиқмисиз ... ёки ҳеч бўлмаганда шундай бўлишни
ўйлаяпсизми ... ва менга буйруқ бермоқчи бўлаяпсизми...
Сизни ўша овлоқдаги жатагингиздан бу ерга чакириб
олишган экан, демак, бу ерда қандайдир бир ифлос ўйин
кетаяпти ... сиз бу ерда жудаям ғаройиб амалиёт бошла-
гансиз, яъни бор-йўғи бир тажриба ... Аммо, энди буни
мен текшириб кўраман, ҳа мен, ва сиз бу ёғини менга
қўйиб бераверинг, мен имзо чекадиган баённома рисола-
дагидек бўлади. Мен ҳеч қандай ёлғон нарсаларга имзо
қўймайман.

Мен мутлақо хотиржам эдим.

— Аммо бу сафар рози бўлишга тўғри келади. Йўкса,
бундан олдин ушбу хонани тарк этолмайсиз.

Шу сўзларни айта туриб мен кўлимни чўнтагимга
узатдим, ёнимда тўппончам йўқ эди. Аммо у чўчиб туш-

ди. Мен у томонга бир кадам олға ташладим ва унга термулдим.

— Кулоқ солинг, сўнги чорани қўллашга тўғри келмаслиги учун ... мен сизга икки оғиз сўз айтишим керак бўлади. Ўз ҳаётимнинг менга заррача киймати йўк ... бошқа бировникини айтмаса ҳам бўлади. Мен олдин ҳам ўзи бундан баттарини ... мени фақат бир нарса — ўз ваъдамнинг устидан чиқиш қизиқтиради, яъни ўлимнинг сабаби сирлигича қолади ... кулоқ солинг, мен сизга сўз бераман, агар хоним кутилмаган тасодиф туфайли вафот этган, деган хулоса ёзадиган бўлсангиз, мен шу ҳафтанинг ўзидаёқ нафақат ушбу шаҳарни, балки бутун Ҳиндистонни ташлаб чиқиб кетаман ... Тобут қабрга қўйилиши билан, яъни ҳеч ким ... эшитяпсизми, ҳеч ким изини суриштира олмаслигига ишончим комил бўлгач, истасангиз тўппончамни оламан-да ўзимни отиб ташлайман. Бу сиз учун етарли бўлса керак, менимча шунинг ўзи сизга етарли.

Афтидан, менинг овозимда анчагина таҳдид, анчагина вазоҳат бор эди, чунки мен унга қанчалик яқинлашган сайин, у шунчалик даҳшат ва қўрқув билан ўзини олиб қочаётганди. Биласизми, бу худди ханжарини силкитиб жон-жаҳди билан қувиб келаётган амокдан қочган одамнинг аҳволини эслатарди ... Бирданига у мутлақо бошқа одамга айланди ... қандайдир ҳорғин ва бўшашган ... унинг қаттиқ иродаси синиб бўлганди. У қолган бор иродасини тўплаб ночор минғирлади:

— Умримда ҳали ҳеч қачон қалбаки гувоҳномага имзо чекмаганман ... барибир, нимадир бир нарса ўйлаб топиш керак бўлади ... ахир ҳар нарса бўлиши мумкин-ку... Аммо, мен бирданига бундай қила олмасдим ...

— Дарҳақиқат, сиз бундай қила олмасдингиз, — унга ўзини ўнглаб олишга мадад бердим. — (қани, тезроқ, бўлсангчи, дея мени шоширарди ичимда бир нарса) Аммо, энди сиз нафақат бир тирик одамга озор беришингиз, балки ўлган одамни ҳам қаттиқ ҳақорат қилишингиз мумкинлигини билгач, албатта жаҳлингиз чикмаслиги керак.

У бошини ирғади. Биз столга ўтиб ўтирдик. Бир неча дақиқалардан сўнг хулоса тайёр бўлди (бу нарса кейин-

чалик газеталарда ҳам эълон қилинди ва унда ишонарли қилиб юрак хуружи ҳақида баён қилинганди). Сўнгра у ўрнидан турди ва менга қаради.

— Сиз шу ҳафта ичида жўнаб кетасиз, тўғрими?

— Бу менинг чин сўзим.

У менга яна бир бор қаради. У ўзини жиддий ва ишбилармон қилиб кўрсатгиси келаётганини англадим.

— Мен хозирок тобут тайёрлашларини буюраман, — деди у ўзидаги саросимани бекитиш учун. Аммо, билмадим, менинг кўринишимда қандайдир кўрқинчми ёки азобланишми, билмадим, у кутилмаганда менга қўлини узатди ва қўлларимни қисиб, чин дилдан самимий силқитди.

— Бардошли бўлинг, омад тилайман, — бу билан у менга нима демоқчи эканлигини англай олмадим. Мен касалмидим? Балки ... ақлдан озгандирман? Уни эшиккача кузатиб қўйдим, эшикни очдим ва сўнгги кучимни тўплаб унинг орқасидан эшикни ёпдим. Сўнг кўзларим яна пирпирай бошлади, атрофдаги ҳамма нарса қалқиб, чархпалак бўлиб айлана бошлади. Ниҳоят, шундоққина унинг тўшаги олдида ерга куладим ... худди, ... худди ... амок сингари, амок бўлиб чопган одам ўз югуришининг ниҳоясида, асаб томирлари ёрилиб кетиб, ерга кулаб тушгани сингари.

У яна нафасини ичига ютди. Вужудим қандайдир музлагандек бўлди, эҳтимол бу кема бўйлаб майин эсаётган тонгги шабаданинг енгил эпкинимикин? Аммо, унинг тонгги ёғдудан бироз ёришиб турган изтиробларга тўла юзи яна асабийлаша бошлади:

— Шу алпозда гиламда чўзилиб қанча ётганимни эслай олмайман. Кутилмаганда кимдир турткилай бошлади. Кўзимни очдим. Бу хизматкор бола эди, у ҳурмат саклаб бироз ҳадиксираганча саросима билан менга қараб турарди.

— Кимдир кирмоқчи ... сизни кўришни хохлаяпти.

— Ичкарига ҳеч ким кирмаслиги керак.

— Ҳа ... лекин ...

Унинг кўзларида кўрқув бор эди. У нимадир демоқчи бўлар, лекин сўзлашга ҳадди сиғмасди. Бу содик ит изтироб ичида ёнаётганди.

— Ким у?

У худди уришимдан кўрққандек, қалтираганча менга термулиб турарди. Кейин у тилга кирди, — у бир исмни тилга олди ... шундай бир саводсиз мавжудодда бунчалик ақл каердан пайдо бўлади экан, қандай қилиб шундай бир қалтис лахзаларда мутлақо саводсиз бандаларга бекиёс сезгирлик ато этилади? Сўнгра у жудаям, жудаям ҳадик ва эҳтиёткорлик билан деди ...

— Бу ўша.

Сакраб турдим, мен шу заҳотиёк тушундим ва менда ўша нотаниш кимсани бир кўриш учун иштиёқ ва сабрсизлик пайдо бўлди. Чунки, кўраяпсизми, қандай ғалати хол ... шунча изтироб, шунча таҳлика, кўркув ва нафрат ичида мен «уни» умуман эсдан чиқариб қўйгандим. Яъни ... бу ўйинда яна бир одам борлигини ... яъни, бу аёл севган одамни, мендан яширган нарсасини унга бутунлай бахшида этганини ... Ун икки соат, йигирма тўрт соат олдин мен бу одамга нафрат билан қараган, уни бурда-бурда қилиб ташлаган бўлардим ... Ҳа, сизга тасвирлаб беролмайман, лекин энди мен уни бир кўриш иштиёқи билан ёнар, уни шу аёл севгани учунгина мен ҳам севгим, яхши кўргим келарди.

Шошилиб ўзимни эшикка урдим. Қаршимда ёшгина, жудам ёш, малласоч бир офицер турар, у жуда озгин, ранги оқариб кетган ва бутунлай саросимада эди. У худди ёш болага ўхшар ... унинг қанчалар эркак бўлиб кўринишга уринаётгани, ўзини тутиб туришга, ҳиссиётларини яширишга интилаётгани мени чексиз ларзага солди. Фуражкасини олишга уринаётган чоғда унинг кўллари титраётганига кўзим тушди. Беихтиёр уни бағримга босгим келди ... чунки бу аёлни забт этолган одам айнан шундай бўлишини хоҳлагандим, яъни бир қаллоб, хотинбоз ёки калондимоғ эмас, балки ... аёл ўзини ҳали гўдаклик ҳиди анқиб турган, беғубор бир зотга ҳадя қилганди.

Қаршимда бутунлай ўзини йўқотиб қўйган йигитча турарди. Мендаги қизиқиш, ҳаяжонли тўлқинланиш уни янаям баттар гангитиб қўйганди. Лаблари устига қўниб турган юпкагина мўйловча унинг аҳволини фош қилиб,

титраб турарди ... бу ёшгина офицер, бу болакай хўнграб юборишдан ўзини аранг тийиб турарди.

— Афу этасиз, — деди у ниҳоят, — мен ... хонимни ... яна бир бор ... кўрсам ... дегандим.

Беихтиёр, ўзим ҳам билмаган ҳолда унинг, бегона бир одамнинг елкасига қўлимни ташладим ва гўё беморни етаклагандек, уни ичкарига бошладим. У ҳайрон бўлиб менга қаради, унинг нигоҳида чексиз меҳр ва миннатдорлик балқиб турар ... дастлабки лахзалардан бошлаб, ўртамизда қандайдир ўзаро ҳамдардлик пайдо бўлганди. Биз жасадга яқинлашдик ... У оқ чойшаб устида оппоқ бўлиб ётарди — ёнида туришим йигитга ноқулай эканлигини сезиб, уни аёл билан ёлғиз қолдириш ниятида, ўзимни орқага олдим. У асталик билан, оёқларини аранг судраганча жасадга яқинлаша бошлади, уни қандай изтироб ва алам қийнаётгани елкаси оша кўриниб турар, у худди даҳшатли довулни қаршилаётган одамга ўхшарди. ... Унинг кроватига етгач, тўсатдан худди мен каби у ҳам тиз чўкди.

Чопиб бориб, уни кўтардим ва креслолардан бирига бошладим. Энди у ортик уялмас, ичидаги изтиробларини кўз ёшига қўшиб тўкаётган эди. Бирор нарса дейишга юрагим бетламас, беихтиёр бармоқларим билан унинг малларанг, болаларникидек мулоғим сочларини силардим. У ўта катта ҳадик ва эҳтиёткорлик билан билан билан ушлади ... тўсатдан унинг менга термулиб турган нигоҳини сездим ...

— Доктор, ростини айтинг, — дея пичирлади, — у ўз жонига қасд қилдими?

— Йўқ, — дедим мен.

— Унда ... бу менинг ... балки кимдир ... унинг ўлимида бирор кишининг айби борми?

— Йўқ, — дедим мен яна, гарчи бўғзимда бир нарса тикилиб, унга қараб, «Мен! Мен! Мен! ... ва Сен! Иккаламиз ҳам! Унинг қайсарлиги! Унинг лаънати қайсарлиги!» — дея бакириб бергим келаётган бўлса ҳам, ўзимни тутиб қолдим ва яна бир бор такрорладим:

— Йўқ, ҳеч ким айбдор эмас, бу аччиқ қисмат!

– Мен хечам бунга ишонолмаяпман, – ингранарди у, – мен бунга ишона олмаяпман. У ўтган куни балга борганди, хурсанд эди, менга бош ирғади. Қандай қилиб бунақа бўлиши мумкин, бу қандай қилиб юз берди?

Мен унга узундан-узоқ бир ёлғонни сўзлаб бердим. Мен ҳатто унга ҳам бу сирни ошкор қилмадим. Икки ҳамдард бизни боғлаб турган туйғудан илҳомланиб, ўтган кунларни бирма-бир эслаб ўтдик ... гарчи бир-биримизга ишонмаётган бўлсак-да, энди бутун ҳаётимиз мана шу аёл билан боғлиқ эканлигини ҳис этиб турардик. Гоҳида нимадир тилимнинг учида турган нарсани айтишимни истар, лекин мен тишимни тишимга қўярдим – аёл ундан ҳомиладор эканлигини, мен эса, мен унинг фарзандини ўлдиришим керак бўлганлигини, энди болани у ўзи билан бирга қабрга олиб кетаётганлигини, у энди ҳеч қачон билолмайди. Биз фақат у ҳақда, унинг шу кунлардаги аҳволи ҳақида суҳбатлашдик, ҳа, сизга айтишни унутибман, кейин мен уникида яшириниб юрдим, мени роса қидиришди... Унинг эри етиб келганида тобут аллақачон ёпилган эди ... у расмий хулосага ишонишни истамади, турли хил миш-мишлар юрарди, ... ва у мени қидирди. Аммо, мен уни кўришни истамасдим, чунки кейинчалик маълум бўлдики, аёл у туфайли кўп изтироб чеккан экан ... мен ўзимни яшириб юрдим ... тўрт кун ховлидан чикмадим, иккаламиз ҳам унинг уйдан ташқарига чикмадик ... мен қочиб кетишим учун аёлнинг суюклиси менга қалбаки ном билан кемадан жой тўғрилаб берди ... ҳеч ким мени таниб қолмасин дея, худди ўғриларга ўхшаб, тунда бир амаллаб кемага ўрнашиб олдим ... Нимаики бўлса, ҳаммасини, етти йиллик изланишларим билан бирга ўз уйим, мол-мулким, ҳаммасидан воз кечдим, ҳаммаси энди ким хоҳласа, ўшанга насиб этади. Ҳукуматдаги жаноблар ҳам аллақачон мени ўз рўйхатларидан ўчиришган, чунки мен рухсатсиз ўз постимни ташлаб кетганман ... Лекин, ҳар бир нарса менга уни эслатиб турувчи ўша уйда, ўша шаҳарда ... ўша борликда мен ортиқ яшай олмасдим ... фақатгина уни унутиш, ундан кутулиш учун, худди ўғрилардек ярим тунда қочиб чикдим ... Аммо ... бортга

чикишим биланок ... тунда ... ярим тунда ... кадрдоним
яна мен билан бирга турарди ... бир пайт кран нимадир
бир нарсани кўтара бошлади ... тўртбурчак, қоп-қора ...
унинг тобути ... эшитяпсизми, ... худди мен уни таъқиб
қилганим каби, унинг тобути ҳам мени шу ергача ор-
тимдан таъқиб қилиб келмокда ... мен ўзимни четга оли-
шим, бегонадек тутишим керак ... чунки у, яъни унинг
эри ёнида эди. У тобутни Англияга олиб кетмокда ...
эхтимол, ўша ерда қайта текширув ўтказдирар ... эри
уни тортиб олди ... энди у яна эрига қарашли ... бизга
эмас, биз иккаламизга ҳам эмас ... Аммо, мен ҳалиям шу
ердаман ... мен у билан сўнгги онларгача бирга бўламан
... эри буни ҳеч қачон била олмайди ... шуни деб, у
ўлиб кетди ... мен унинг сирларини мана шу пасткашдан
химоя қиламан ... у ҳеч нарса ... ҳеч нарса била олмай-
ди ... унинг сирлари фақат менга тааллуқли, ёлғиз бир
ўзимга ...

Тушуняпсизми энди ... тушунаяпсизми энди ...
нима сабабдан мен одамларга қарай олмайман ...
айникса, улар бир-бирининг пинжига кириб, турли
қилиқлар қилишганда, ҳатто уларнинг кулгисини ҳам
эшитгим келмайди ... чунки ана у ерда, ичкарида ...
ичкаридаги юкхонада, чой ўрамлари ва ёнғоқ қоплари
орасида унинг тобути ҳам турибди ... Мен ичкарига
кира олмайман, эшик бекитиб ташланган ... аммо мен
бутун борлигим билан ўтган ҳар бир лаҳзани билиб
турибман, ҳатто бу ерда вальс чалишаётганда ёки тан-
го янграётганда ҳам ... дарҳақиқат, бу аҳмоқлик, ахир
мана шу океан тубида миллионлаб мурдалар ётибди,
ер юзининг ҳар бир қадамида биттадан жасад чириб
тупрокқа айланиб кетмокда, аммо одамлар маскарад-
лар қилишади, қонхўрларча қаҳқаҳа отишади, мен
буларга чидай олмайман ... чидай олмайман ахир ...
Лекин, унинг жасади шу ерда, мен сезиб турибман,
мен аниқ биламан, у мендан нима хоҳлаётганини ...
ҳаммасини биламан ... менинг ҳали яна битта бурчим
бор ... мен ҳали бутунлай тамом бўлганим йўқ ... ҳали
унинг сирини қутқарганим йўқ ... у мени ҳали қўйиб
юбормайди ...

Пароходнинг ўртасида одамлар ғимирлаб қолишди, уларнинг қадам товушлари эшитилаётганди, матрослар палубани юва бошлашди. У худди жиноят устида қўлга тушган одамдай саросимага тушди, консиз юзида қўрқув пайдо бўлди. У ўрнидан турди ва минғирлай бошлади:

— Мен кетишим керак ... мен кетишим керак.

Уни кузатиб туриш жуда оғир эди, унинг нигоҳи бўм-бўш бўлиб қолган, кўзлари шишиб кетган, ичкиликданми, кўз ёшиданми, билмадим, қовоқлари қизариб кетганди. У мендан кўзини олиб қочар, унинг ушбу ночор ахволидан унда ўта кучли бир уят борлигини, менинг олдимда ўтган тундан, фош бўлганидан уялиш, чексиз уят ҳисси кўриниб турарди. Мен беихтиёр дедим:

— Тушдан сўнг олдингизга, каютага келсам бўладими?

У менга истехзо билан қаради, лаблари муғамбирона ва совуқ титради, у ҳар бир сўзни қандайдир бир қаҳр ва алам билан талаффуз этарди:

— А-ха ... бу сизнинг ўша бир тийинга қиммат ёрдам бериш бурчингиз ... а-ха ... ана шу лўқма билан сиз мени шунча вайсашимга сабаб бўлдингиз. Аммо, йўқ, йўқ жаноб, миннатдорман. Ичимдаги ҳаммасини, ичак-чавоғимгача олдингизда сочиб ташлагандан сўнг, бу одам енгил тортгандир деб ўйлаб, хомтама бўлманг. Менинг бу лаънати ҳаётимни энди ҳеч ким бутлай олмайди ... Буюк Голланд ҳукуматига ҳам текинга хизмат қилдим ... Нафақа ... энди ўрни ҳам йўқ. Энди Европага мен худди дайди итдек қайтиб бораяпман ... бир тобут изидан акиллаб кетаётган ит ... амок бўлиб, узоқ югуриб бўлмайди, кимдир барибир эртами-кечми уни ўлдиришга мажбур бўлади, умид қиламанки, ҳаммаси тезда тугайди... Йўқ, йўқ, қадрли жаноб, самимий ҳамдардлингиз учун миннатдорман ... Каютамда ҳам ҳали бир-иккита ажойиб ҳамроҳларим бор ... тўрт-беш шиша асл шотланд вискиси ... улар гоҳида менга таскин беришади ... ундан ташқари, яна бир оғайним, кадрдон тўппончам, афсус мен унга аввалроқ эътибор бермаган эканман, ўз вақтида мурожаат қилмабман, у ҳар қандай бекорчи гап-сўздан кўра кўпроқ ёрдам бера олади. Илтимос сиздан, ўзингизни уринтирманг ... ахир инсонда ҳеч бўлмаса шу-

гина бир нарсага, яъни бошқалар ёрдамидан воз кечиб, ўзи хохлагандек жон таслим қилишга – ўлишга ҳаққи бор-ку.

У менга яна бир бор истехзо билан ... тамали қаради, лекин мен бунинг бор-йўғи хижолат эканини, чексиз хижолат эканини сезиб турардим. Сўнгра у елкаларини қисганча орқасига ўгирилди ва хайрлашмасдан ғалати қийшайганча, оёқларини судраб аллақачон ёришиб кетган палуба бўйлаб каюталар томонга қараб кетди. Уни бошқа умуман учратмадим. Ўша куни тунда ҳам, кейинги кеча ҳам уни одатдаги жойдан кидиришларим зое кетди. У ғойиб бўлганди. Агар, кейинчалик йўловчилар орасида билагига мотам рўмолчасини боғлаб олган машҳур бир савдогарни учратмаганимда эди, буларнинг ҳаммасини бир тушга ёки дайди хаёлларга йўйган бўлардим. Таъкидлашларича, бу одам яқинда қандайдир бир тропик касаллиги туфайли ўз рафикасидан жудо бўлган экан. Мен уни бир чеккада туриб, ўтган-кетган одамларни жиддий ва изтироб билан кузатиб турганини кўрдим, шу аснода унинг сирли ташвишини билиб турганлигим ҳақидаги хаёллар вужудимга ғалати бир титроқ солди. Гўё қарашларим билан унинг тақдири ҳақида унинг ўзидан кўра кўпроқ нарса билишимни ошкор этиб қўядигандек, ҳар сафар унга дуч келиб қолганимда, ўзимни четга олиб қочардим.

Шундан сўнг Неаполда ўша ғалати воқеа юз берди, унинг моҳиятини эса ўша нотаниш кимсанинг ҳикоясидан топса бўлар деб ўйлайман. Чунки кўпчилик йўловчилар кемани тарк этишганди, мен ўзим эса дастлаб операда, сўнг Виа Ромадаги яхши бир қаҳвахонада эдим. Биз эшакли қайиқлар билан пароходга қайтаётганимизда эса, бир неча қайиқларда одамлар машъалалар ва тунги чироқлар ёрдамида кема атрофини ўраб олишган ва ниманидир кидиришаётганди. Тепада, пароходнинг қоронғу бортида эса жандармерия ва карабенирларнинг сирли тарзда у ёқдан-бу ёққа юришганига кўзим тушди. Мен бир матросдан қандай воқеа юз берганини сўрадим. У ғалати тарзда ўзини олиб қочди, мен дархол ҳеч нарса гапирмасликка буйруқ берилганини англадим, кейин-

ги куни эса кема яна осойишталик билан, бўлиб ўтган воқелардан холи тарзда Генуяга жўнаганда эса бортда бу ҳақда ҳеч нарса билиб бўлмади. Кейин мен фақатгина Италия газеталаридан Неаполь портида юз берган ва жимжимадор тасвирлар билан ёритилган бир бахтсиз воқеа ҳақидаги маълумотларни ўқидим. Улар шундай ёзишганди: Ўша кеча, кемада ҳеч ким йўқ бир пайтда йўловчиларни безовта қилмаслик мақсадида Голландия колониясининг олий табақасидан бўлган бир хонимнинг тобути кемадан қайиққа юкланаётган эди, тобут пастга туширилиши чоғида, унинг турмуш ўртоғи ҳам у билан бирга бўлган, шу пайт юкоридан нимадир бир оғир нарса кулаб тушиб тобут ва унинг ёнидаги турмуш ўртоғини ҳам қўшиб, денгиз тубига тортиб кетган. Яна бир газета, бу бир телба бўлиб, у арқонли нарвонни силкитиб юборган, деб тахмин қилса, бошқа бир газета, арқондан қилинган нарвон катта оғирликка дош беролмай ўз-ўзидан узилиб кетган, дея гумон қилади. Нима бўлганда ҳам, кема маъмурияти ҳақиқатни яширишга уринишган. Вафот этган хонимнинг турмуш ўртоғини қайиқлар ёрдамида осонгина қутқаришга муваффақ бўлинган, лекин кўрғошиндан ясалган тобут шу заҳотиёк денгиз тубига чўкиб кетган ва уни топишнинг бошқа имкони бўлмаган. Айни чоғда, яна бир қисқа хабарда маълум қилинишича, қирқ ёшлардаги бир эркак кишининг жасади портдаги қирғоқдан топилган. Бу ҳол одамлар учун жимжимадор тасвирланган ғалати бахтсиз воқеа билан ҳеч қандай боғлиқлик жойи йўқдек эди. Аммо, мен ушбу қисқа сатрларни ўқишим биланоқ, тўсатдан газета варақлари ортидан сутдек оқариб кетган чехра ялтираб турган ойнаклари билан менга муғамбирона термулиб турганини ҳис қилдим ...

НОТАНИШ АЁЛ МАКТУБИ

Машхур романчи Р. уч кун давомида тоғ бағрида ўтказган ҳордигидан сўнг эрта тонгда Венага қайтгач, вокзалдан газета сотиб олди ва ундаги санага кўзи тушиши биланоқ, бугун ўзининг таваллуд куни эканлигини англади. Қирқ биринчиси, — ҳаёлидан ўтказди у, — аммо бу янгилик унга на ҳузур бағишлади, на оғир ботди. У газетанинг шиқирлаб турган бетларини шоша-пиша варақлаб чиқди-да, киракаш автомобиллардан бирини тутиб, уйга йўл олди. Хизматкори унинг уйда йўқлиги чоғида бўлиб ўтган иккита ташриф, бир неча телефон қўнғироқлари ҳақида унга хабар берди ва бир баркашда тўпланиб қолган почтани келтирди. У бепарволик билан қоғозларни кўздан кечирган бўлди, бир-иккита жўнатувчиси муҳимроқ кўринган конвертларни очиб кўрди, хуснихати нотаниш кўринган ва ўзиям бирмунча калинроқ туюлган бир мактубни четга суриб қўйди. Бу орада чой олиб келинди, у креслога қулайроқ ўрнашиб ўтирди-да, яна бир бор газеталарни ва айрим ҳужжатларни титкилаган бўлди, сигара тутатди, сўнгра четга суриб қўйилган мактубга қўл чўзди.

Бу нарса саросима ичида ёзилган, нотаниш бир аёл кишининг хуснихати билан шошиб-пишиб битилган йигирмага яқин варақлардан иборат хат бўлиб, у мактубдан кўра, кўпроқ қўлёзмага ўхшаб кетарди. Бирор-та қўшимча битик бормикин, дея у беихтиёр конвертни яна бир марта пайпаслаб кўрди. Аммо, конверт бўм-бўш бўлиб, унда ҳам, варақларда ҳам жўнатган кимсанинг на манзили, на имзоси кўрсатилганди. Ғалати, ҳаёли-

дан ўтказди у ва яна битикларни қўлга олди. «Сенга, мени ҳеч қачон билмаганга», деган ёзув хат бошида ёхуд даъват, ёхуд сарлавҳа сифатида турарди. У хайрон бўлиб ўйланиб қолди, бу унгамикин, эҳтимол ҳаёлий бир инсонгадир? Кутилмаганда ундаги қизиқиш ва иштиёқ ўйғониб кетди. У ўқий бошлади:

Болам кеча вафот этди — уч кечаю уч кундуз миттигина мурғак бир жон учун ўлим билан олишиб чиқдим, қирк соат давомида грипп унинг ожиз ва қайнок вужудини иситма ичида титратган маҳал мен унинг тўшаги тепасида ўтириб чиқдим. Ёнаётган пешонасига совуқ малҳам босдим, туну кун унинг миттигина титроқ қўлларини тутиб ўтирдим. Учинчи куни кечкурун ортик дош беролмадим. Кўзларимнинг бардоши тугади, улар юмилиб кетавердилар, кетавердилар, менга бўйсунмай қўйдилар. Мен уч соатми, тўрт соатми тошдек ўриндикда ухлаб қолибман, бу орада эса ажал уни олиб кетибди. Мана, у шу ерда ётибди, ширингина ночор бир гўдак, ўзининг торгина тўшагида, гўё ўлмагандек, фақат унинг кўзларини юмиб қўйишди, зийрак ва қора кўзларини, оппоқ қўйлагининг устига митти қўлчаларини қовуштириб қўйишди, тўшакнинг тўрт бурчагида эса тўртта шам ёниб турибди. У томонга қарашга юрагим бетламайди, қимирлашга ҳам қўрқаман, чунки шамлар қимирлай бошлайди ва унинг юзи ҳамда юмилган лаблари узра тушиб турган соялар қалқий бошлайдилар, шунда гўё унинг вужуди қимирлаётгандек туюлади, ва мен уни ўлмаган деб ҳаёл қиламан, яна ўйғониб кетадигандай, ўзининг қўнғирокдек овози билан менга гўдакларга хос аллақандай бир ширин сўз айтадигандай бўлиб кўриनावеради. Аммо, у энди вафот этди, буни биламан, бошқа у томонга қарашни истамайман, чунки яна бир бор умид боғлашни ва ноумид қолишни истамайман. Биламан, биламан менинг фарзандим кеча вафот этган — энди бу дунёда меники бўлган биргина Сен қолдинг: фақатгина Сен, мен ҳақимда ҳеч нарса билмайдиган Сен, дунё беҳабар, эҳтимол айни чоғда қимор ўйнаётган ёки бирор нарса, балки бирор кимса билан қўнглини

чоғлаётган Сен. Факат Сен, мени ҳеч қачон танимаган ва мен ҳар доим севиб келган Сен.

Бешинчи шамни олдим ва Сенга мактуб битаётган стол устига қўйдим. Чунки мен кўнглимдагиларни бўшатмасдан туриб мана шу кўзлари юмуқ жигарбандим билан бир ўзим ёлғиз қола олмайман, мана шу азоб ва изтиробларга тўла соатларда Сенга ёрилмасам, кимга ёриламан, чунки Сен менинг бутун борлигим бўлиб келдинг ва бутун борлигим бўлиб коласан ҳам. Эҳтимол Сенга сўзлаб беришнинг уддасидан чиқа олмаётгандирман, эҳтимол Сен мени тушунмаётгандирсан – ҳа, бошим мутлақо гангиб қолган, қовоқларим титраб-қақшамоқда, аъзойи баданим оғрикка тўла. Ишончим комил, иситмам бор, эҳтимол аллақачон грипп бўлгандирман, чунки ҳозир бу дард у эшикдан бу эшикка санғиб юрибди, агар шундай бўлса эди, унда мен ҳам болам билан бирга кетардим, яхши бўларди, мен рози эдим. Баъзан кўзларимнинг олди ҳам қоронғилашиб кетмоқда, эҳтимол бу хатни охирига етказолмасман – бироқ шу сафар, бир марта бўлса ҳам, кўнглимдагини Сенга айта олиш учун ҳам бор кучимни тўплашни истайман, Сенсан менинг муҳаббатим, мени ҳеч қачон таний олмаган Сен.

Ёлғиз бир Ўзингга сўзлаб бергим келди, илк бора ҳаммасини очиқ-ойдин айтишни истадим: шу кунгача ҳар доим Сеники бўлган ва Сен мутлақо беҳабар бўлган ҳаётимни Сен бошдан-оёқ билишинг керак. Аммо Сен менинг ушбу сирларимни фақат вафотимдан сўнггина билишинг лозим, агар ҳозир вужудимни иссиқ ва совуқ оралиғида қақшатаётган чиндан ҳам ажал силсиласи бўлса, унда Сен менга ҳеч қачон жавоб ёзолмасанг керак. Мабодо яна яшаб қолгудек бўлсам, бу хатни йиртиб ташлайман ва ҳар доимгидек яна жимгина сукут сақлаб яшайман. Бу мактуб қўлингда экан, билгинки, бу дунёдан кўз юмган бир аёл Сенга ўз ҳаётини сўзлаб бермоқда, тириклигининг илк сониялардан токи охиригача Сеники бўлган ҳаёти ҳақида сўзлаб бермоқда. Бу сўзларимдан қўрқма; ахир ўлган киши энди ҳеч нарса истай олмайди, у энди на муҳаббат, на шафқат ва на юпанч истай олади. Сендан фақат бир нарсани истайман: менинг барча

сўзларимга ва Сен учун чеккан изтиробларимнинг баёнига ишонишингни хоҳлайман. Барчасига ишон, биргина илтимосим фақат шу: ахир инсон ёлғиз фарзандининг мурдаси олдида ёлғон гапира олмайди-ку.

Ҳаётимни бошданок Сенга ошкор қилмоқчиман, бу шундай бир ҳаётки, у ўша Сени таниган кунимдан эътиборан чинакамига бошланган эди. Ундан олдин хотирамда қолганлари эса бор-йўғи қандайдир ғира-шира, айқаш-уйқаш нарсалар, қанақадир чанг босган, ўргимчак тўрлари қоплаган хира буюмлар ва одамлар тўла ертўлалар бўлиб, қалбимда улар билан боғлиқ ҳеч нарса қолмаган. Сен пайдо бўлганингда эса мен ўн уч ёшда эдим ва Сен ҳозир яшаб турган уйда яшардим, ўша Сен мактубимни умримнинг сўнгги нишонасини кўлларида тутиб турган ўша уйда яшардим, Сен билан бир йўлакда, эшигининг шундоққина қаршисида яшар эдим. Сен бир ҳисобчининг бевасини (у доим мотам кийимида юрарди) ва унинг озғингина қизчасини эслай олмаслигинг аниқ, чунки биз ўта тинч яшардик, ўзимизнинг майда-чуйда ташвишларимиз уммонига бутунлай фарқ бўлиб яшардик, бизнинг номимиз ҳам ҳеч қачон қулоғингга чалинмаган бўлса керак, ахир эшигимизда номимиз битилган ёзув ҳам бўлмасди, бирортаси бизни сўраб ҳам келмасди. Ҳа, бу воқеаларга анча бўлди, ўн беш, йўқ ўн олти йиллар олдин, Сен буларни аниқ билмайсан, ох Севгилим, аммо мен, ох, мен буларни майда-чуйдасигача эхтиросларга тўлиб хотирлайман, Сен ҳақингда эшитган биринчи куним, йўқ, биринчи соатим қачонлигини ҳалигача билмайман, лекин илк бор Сени учратдим-у, ўша лаҳзалардан бошлаб менинг янги оламим яралди. Сабр қил, азизим, мен Сенга ҳамма-хаммасини бошидан сўзлаб бергунимча, ҳеч бўлмаса чорак соатгина ҳориб қолмасдан қулоқ тут, ахир мен бир умр Сени севишдан чарчамадим-ку. Сен бизнинг уйимизга кўчиб келишингдан бироз олдин, ўша Сен турган уйда ҳеч ким ёқтирмайдиган, жаҳлдор ва жанжалкаш одамлар яшашарди. Улар ўта қашшоқ эдилар ва қўшнилариинг ҳам ночорлигидан нафратланишарди, чунки биз ҳам уларнинг қашшоқлигига ҳамдард

эмасдик. Эри ичкиликка муккасидан кетган бўлиб, тинмай хотинини дўппослар, биз кўпинча тунда стулларнинг тарақлаб тушганию ликопларнинг чил-чил синган шовкинидан уйғониб кетардик, бир марта хатто бечора конга беланган, сочлари тўзғиган аёл зинага кочиб чикқанди, токи одамлар уйларида чикишиб, полиция чақирамиз, деб кўрқитмагунларича маст эрнинг тўполони тўхтамаганди. Онам бошиданоқ улар билан ҳар қандай борди-келдини йиғиштирган ва менга ҳам уларнинг болалари билан гаплашишни тақиқлаб қўйганди, улар эса қулай фурсат топди дегунча бунинг учун менадан ўч олиш пайида бўлишарди. Агар улар мени кўчада кўриб қолгудек бўлишса, оркамдан ёмон сўзлар билан ҳақорат қилишар, бир марта хатто қорбўрон қилишиб, шундай қаттиқ уришгандики, оқибатда пешонам конга беланганди. Бутун уй аҳли ўша одамларни ички бир нафрат билан ёмон кўришарди ва бир куни кутилмаганда нимадир юз берди, ўйлашимча, эри ўғирлик туфайли қамалиб қолди, аёл эса ашқол-дашқолини олиб кўчиб кетишга мажбур бўлди ва биз ҳаммамиз эркин нафас олдик. Уйимизнинг кираверишидаги эшигида бир неча кун ижара ҳақидаги эълонча осилиб турди, сўнг у олиб ташланди ва уй бошқарувчисининг бу хонадонни бир ёзувчи, яъни уйланмаган, босиққина бир жаноб олганлиги ҳақидаги хабари зудлик билан тарқалди. Ўшанда мен илк мартаба Сенинг номингни эшитгандим.

Бир неча кундан сўнг уйни олдинги искирт эгаларидан қолган искирт нарсалардан тозалаш учун бўёқчилар, сувоқчилар, фаррошлар ва дурадгорлар келишди, улар нималарнидир қоқишди, ямашди, тозалашди, қиришди, онам эса ниҳоят қаршимиздаги ифлосликлар барҳам топганидан мамнун бўлдилар. Мен хатто кўчиб кираётган чоғингда ҳам Сенинг юзингни кўролмадим, барча ишларни ўша Сенинг паканагина, жиддий ва сочларига оқ оралаган хизматкоринг тепадан туриб хотиржам ва синчковлик билан бошқариб турарди. У ҳаммамизга жудаям хуш ёққанди, чунки атрофимиздаги уйлarning хизматкорларига қараганда у бошқача бўлиб, ҳамма билан ҳаддан ташқари хушмуомала эди, бошқа

хизматкорлардан ҳам ўзини бир кадам узоқроқ тутар ва ҳеч ким билан дўстлашиб ҳам кетмасди. Биринчи кунданок у онам билан худди аслзода хонимлар билан сурашгандек таъзим қилиб саломлашганди, ҳатто менга, яъни қизалоқларга ҳам жиддий ва самимий муомала қиларди. Аммо у Сенинг номингни тилга олган чоғда ҳар доим алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан сўзлар, бу билан унинг Сенга нисбатан оддий бир хизматкор эмас, балки Сени ўта ҳурмат қилувчи инсон сифатида қараши кўриниб турарди. Гарчи унинг ҳар доим Сенинг ёнингда бўлиши, Сенга хизмат қилиши бировз ғашимни келтирсанда, уни, ўша кекса ва меҳрибон Йоханни мен чин дилдан ёқтириб қолгандим.

Мен Сенга Севгилим, бу нарсаларнинг ҳаммасини, яъни Сенга қулгили кўринаётган майда-чуйдаларнинг барчасини сўзлашимдан мақсадим шулки, Сен мендек бир журъатсиз ва ҳадиксираган қизалоқ учун қанчалар улкан ҳокимиятга эга бўлганлигингни бошиданок англаб олишингни хоҳлайман. Сен ҳали менинг ҳаётимга кириб улгурмасингданок, Сенинг биргина номинг атрофида кишини ўзига ром этувчи бир зиё таралиб тургандек эди, Сен гўё молу давлат, ғайриоддийлик ва антика тилсимлар билан йўғрилган мафтункор бир олам билан ўраб олингандинг, биз Сенинг кўчиб келишингни бесабрлик билан кутардик, биласан-ку, шаҳар четидаги уйларда яшовчи аҳоли бундай янгиликларга қизиқувчан бўлишади, айниқса, бу ҳол уларнинг шундайгина эшиги олдида юз бераётган бўлса. Бир куни мактабдан сўнг уйга келсам, уй олдида мебеллар ортилган машина турибди, буни кўришим билан мендаги қизиқиш янада ортиб кетди. Ҳаммоллар энг оғир ва катта-катта нарсаларни ташиб улгуришган бўлиб, энди майда-чуйда буюмларни ташиб чиқишаётганди, мен бу ердаги ҳеч нарсани кўздан қочирмаслик ниятида кираверишдаги эшик ёнида туриб олдим, чунки Сенинг буюмларинг ҳаммаси бири иккинчисидан ноёб бўлиб, уларнинг орасида ҳинд маъбудлари, итальян хайкалчалари, ёрқин рангли катта-катта суратлар кўп эди ва ниҳоят, охирида шунчалар кўп, шунчалар чиройли китоблар келтиришдики, мен

уларни тасаввуримга ҳам сифдиrolмасдим. Китобларнинг ҳаммаси эшик олдига тахланди, хизматкор уларни битталаб олиб, каттакон елпигич ва кичик таёқча билан ҳар бирига кўнган чангни авайлаб қоқарди. Мен ана шу тобора катталашиб бораётган китоб уюми атрофида ўралашиб юрардим, хизматкор мени ҳайдамас эди ва, ўз навбатида, ҳайрихоҳлик ҳам билдирмасди, айрим китоблардаги мулойим чарм жилдларини ушлаб кўргим келар, лекин уларга тегишга журъатим етмасди. Мен фақат четда туриб қизиқиш билан китобларнинг номларини томоша қилардим, уларнинг орасида инглизча, французча китоблар бор эди, айримларининг қайси тилдалигини ҳатто тушунолмасдим ҳам. Ишончим комил, менга қолса уларни шу тарзда соатлаб томоша қилган бўлардим, аммо кутилмаганда онам мени уйга чақириб қолди.

Шундан сўнг бутун тун бўйи Сени ўйлашимга тўғри келган, ахир Сени эндигина таний бошлагандим-да. Ўзимда эса ўн-ўн бештача варақлари титилиб кетган, картонларга тикилган, арзон-арзон китоблар бўлиб, мен уларни ҳамма нарсадан ортиқ севар ва қайта-қайта ўқирдим. Хуллас, ана шу барча қимматбаҳо китобларнинг эгаси бўлган, уларни ўқиб чиққан, шунча тилларни биладиган, шу билан бирга ҳам бадавлат, ҳам ўқимишли одам аслида қандай инсон экан, деган ҳаёл ичимни тирнарди. Ана шу сон-саноксиз китоблар ҳақидаги фикрлар аллақандай илоҳий бир эҳтиром сифатида кўнглимга ўрнашиб қолганди. Ўшанда мен Сенинг суратингни кўз ўнгимда тасаввур қилиб кўргандим: Сен кўзойнак таққан, оппоқ соқолли бир кекса кишисан, худди бизнинг география ўқитадиган профессоримизга ўхшаган, аммо унга қараганда анча меҳрибонроқ, чиройлироқ ва мулойимроқ бўлсанг керак, билмадим, гарчи Сени бир кекса одам деб ўйласам-да, нима учундир Сени чиройли одам деб тасаввур қилгандим. Ўшанда, ўша тунда, ҳали Сени танимасдан туриб, мен илк бор Сени орзу қилгандим.

Эртаси куни Сен кўчиб келдинг, аммо қанча пойласам ҳам юзингни кўролмадим, бу эса менинг қизиқишимни

баттар ошириб юборди. Нихоят учинчи куни Сени кўрдим ва Сенинг умуман бошқача эканлигингни билиб, хайратдан тошдек қотиб қолдим, чунки Сен мурғак боланинг тасаввуридаги мўйсафидга умуман ўхшамасдинг. Мен ўзимча кўзойнак таққан бир қарияни кўришни орзу қилгандим, шунда Сен пайдо бўлдинг — ўшанда ҳам худди хозиргидек эдинг, Сен ҳамиша бир хил, ўзгармассан, йиллар гўё ёнингдан беэён ўтиб кетаётганга ўхшайди! Эгнингда ўзингга жудаям ярашган чиройли спорт кийими, ўсмирлардек енгил одимлар билан ҳар қадамда иккитадан зинани босиб ўтиб юқори кўтарилаётгандинг. Шляпангни қўлингга олволгандинг, мен Сенинг нурга тўла, тетиклик балқиб турган чехрангга ва майсадек майин сочларингга қанчалар лол бўлиб термулиб қолганимни тасвирлаб ҳам беролмайман, дарҳақиқат, ишонасанми, хайронликдан ҳатто кўрқиб кетдим, чунки Сен шунчалар дидли, навқирон, гўзал, келишган ва хушбичим эдинг-да. Ахир бу жуда камдан-кам учрайдиган ҳол-ку, мен ана шу илк лаҳзаларданок, нафақат мен, балки барчамиз Сендаги кўзга яққол ташланадиган ўзига хос кишини лол қолдирадиган сифатларни кўриб хайрон қолгандик, чунки Сенда қандайдир икки хилдаги инсон мужассам эди, бир томондан Сен жўшқин, енгил-табиат, турли ўйинларга, саргузаштларга ўч эдинг ва бир вақтнинг ўзида Сенинг ижодингда ўта жиддийлик, масъулият бўлиб, Сен ўта ўқимишли ва билимдон эдинг. Шунда мен беихтиёр Сенинг қўшалок умр кечираётганингни ҳис қилдим — бирининг усти ялтироқ бўлиб, бу ёруғ дунё учун аталган, иккинчиси эса мутлақо қоронғу бўлиб, у фақат бир ўзингга аён эди, Сендаги ана шу тилсимли, иккига бўлинган бир умрни мен, яъни ўшанда жодуланиб Сенга мафтун бўлиб қолган ўн уч ёшли қизалоқ бир кўришдаёқ англаб етдим.

Энди тушунаётгандирсан, Севгилим, мен учун, бир норасида учун, Сен қанчалар мўъжиза, қанчалар жозибдор жумбоқ бўлиб кўринганингни энди англаётгандирсан! Шундай бир инсонни, яъни китоблар ёзгани учун бутун дунёга машхур бўлиб улгурган, барчанинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган бир бегона инсонни кутил-

маганда ёшгина, башанг кийинган, болаларча жушқин, эндигина йигирма беш ёшни қаршилаган йигит сифатида кашф этиш — ақлга сифмасди. Мен Сенга яна қуйдагиларни албатта айтишим зарур, биласанми, ўша кундан бошлаб энди нафакат уйимизда, балки менинг болалик деб аталмиш ғарибгина оламимда ҳам мени Сендан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмай қўйганди, мен ўзимдаги бор қатъият билан, ўша ўн уч яшар қизалокнинг тобора ортиб бораётган тиришқоқлиги билан, борган сари кўпроқ фақат Сенинг ҳаётинг, Сенинг борлигинг атрофида гирдикапалак бўла бошладим. Мен Сени кузатардим, Сенинг одатларингни кузатардим, Сенинг олдингга келаётган одамларни кузатардим ва бу нарсаларнинг барчаси мендаги Сенга бўлган қизиқишларни камайтириш ўрнига баттар орттириб борарди, чунки Сендаги икки хиллилик ва мунофиқлик Сенинг олдингга келаётган меҳмонларингда ҳам акс этиб турарди. Олдингга ёш йигитлар, Сенинг ўртоқларинг келишарди, улар билан Сен кулишар ва ҳазил-ҳузуллар қилардинг, бундан ташқари яна жулдурвоқи талабалар келишар, гоҳида эса автомобилда юрувчи бойвачча хонимлар ҳам ташриф буюришарди, бир марта ҳатто операнинг директори, машҳур дирижёр ҳам келган, мен уни қўлида таёкчаси билан келаётганини узоқдан кўрганман ва яна тижорат мактабидан ўқувчи ўсмир қизлар ҳам келишарди, улар уятчанлик билан эшигингдан мўралашарди, келувчилар жуда кўп, росаям кўп бўларди, айниқса аёллар. Шуларнинг барчасини била туриб, мен бирор марта ҳам ножўя ҳаёлга бормаганман, ҳатто бир кун мактабга кетаётиб Сенинг олдингдан қалин рўмолга ўраниб олган бир хонимнинг чиқиб кетаётганини кўрганимда ҳам, ахир мен бор-йўғи ўн уч яшар эдим, Сенинг борлигингни ўраб олган аввалги завқли қизиқишлари энди аллақачон муҳаббатга айланиб бораётганини бу қизалок қаёқдан ҳам билсин.

Лекин, ўзимни Сен учун мангу қурбон қилган ўша кунни, ўша соатни мен халигача кўз ўнгимда асрайман. Мен ўшанда бир синфдош дугонам билан сайр қилиб юргандим, биз иккаламиз дарвоза олдида сўзлашиб турардик.

Шу пайт бир машина келиб тўхтади, унинг эшигидаги зинадан Сен, ўша мени ҳалигача мафтун қилиб қўйган енгил ҳаракатинг билан шўшилганча сакраб тушдинг ва дарвозадан ичкарига йўл олдинг. Мен беихтиёр Сенга эшикни очишга уриндим-у, беҳосдан йўлингга рўпара бўлдим, биз сал бўлмаса тўкнашиб кетаёздик. Сен илиқ, мулойим, кишининг ақлу ҳушини ўғирлаб қўювчи мафтункор нигоҳларинг билан менга қараб турардинг, бу ҳол гўё нафислик акс этган лаҳзанинг сурати эди, — ҳа, мен буни бошқача айтолмайман, Сен менга нафис жилмайдинг ва шундай ёқимли оҳангда гапирдингки, гўё энг якин одамингга мурожаат қилдинг:

— Миннатдорман ойимқиз, кўп раҳмат, — дединг.

Бор-йўғи шу, Севгилим, аммо ана шу лаҳзадан бошлаб, яъни ўша мулойим ва нафис нигоҳларни ҳис қилишим биланок, мен ўзимни бутунлай Сен учун қурбон қилганман. Ўша кишини мафтун этувчи, меҳригидек тортувчи, чулғаб олувчи ва шу билан бирга вужудимгача сингиб кетувчи, йўлдан урувчи назарингни афсуски, йўлингда дуч келган ҳар қандай аёлга, хоҳ у Сенга бирор нарсасотаётган дўкончи қиз бўлсин, хоҳ Сенга эшик очаётган оқсоч қиз бўлсин, ҳеч иккиланмай ҳадя қилиш Сен учун табиий ҳол эканлиги сал кейинроқ, яъни бироз вақт ўтгач менга аён бўлди, қолаверса, Сен буни атайлаб ҳам қилмасдинг ва бу назар мутлақо Сенинг хоҳиш ва иродангнинг ифодаси ҳам эмасди, аксинча нигоҳинг аёллар томон йўналиши биланок, Сендаги уларга нисбатан туғилган меҳр-муҳаббат беихтиёр Сени мулойим ва илиқ муносабатда бўлишга ундарди. Бироқ мен, яъни ўн уч яшар болакай ўша вақтлар бу нарсани тасаввур ҳам қилолмасдим, мен ўшанда гўё аланга ичида қолгандек эдим. Қолаверса, мен бу меҳру муҳаббат фақатгина меники, ёлғиз мен учун деб ўйладим ва ўша лаҳзадан бошлаб бутун борлигимда, ўша чала ўсмир кизалоқнинг вужудида аёллик туйғуси уйғонди, ва бу шундай бир аёл бўлдики, у ўзини Сенга абадий бахшида этди.

— Ким эди бу? — сўради дугонам.

Мен эса унга бирданига жавоб бера олмадим. Сенинг номингни тилга олиш, ана шу бир лаҳза, шу биргина

лахза ичида мен учун муқаддас бўлиб улгурган, менинг энг азиз сирымга айланган исмингни айтишнинг иложи йўқ эди.

— Ах, шу уйда яшайдиган қандайдир бир жаноб, — дея минғирладим мен истар-истамас.

— Лекин, унда нима учун у Сенга қараши биланок қизариб кетдинг, — деди таъна қилган бўлиб ва барча қизиқувчан қизалоклар сингари унинг ҳам чинакамига жаҳли чиқди.

Мен эса унинг худди ичимдаги сирымни сезиб қолгандек пичинг қилаётганини англаганим сари юзларим янаям қизариб ёна бошлади ва хижолатдан қўпол-лигим тутиб кетди.

— Найнов, — дедим мен жаҳл билан, шу онда уни бўғиб ташлагим келаётганди.

Аммо у янаям баландроқ овоз билан заҳарханда кулди, мен эса аламдан нима қилишимни билолмасдим, кўзларимдан ёш отилиб чиқаётганини сезиб турардим. Уни ўша ерда қолдирдим-да, югурганча уйимизга чиқиб кетдим.

Ўша сониядан бошлаб мен Сени севиб қолдим. Биланман, Сен бу сўзга ўрганиб қолгансан, аёллар Сенга бу сўзни кўп айтишган. Бироқ, менга ишон Азизим, Сенга ҳеч ким мендек ошиқ бўлолмаган, бўлолмайди ҳам, мен Сен учун мангу содиқ бир қулинг бўлиб, бир вафодор итинг бўлиб қолдим, чунки бу заминда ҳеч нарса ғариб бир қизалоқнинг бефарқ қолган муҳаббатига тенг-лаша олмайди, чунки бу ишқ шунчалар ҳокисор, шунчалар ҳазин, шунчалар камтарин, шунчалар садоқатли ва эҳтирослики, у бир балоғат ёшидаги аёл муҳаббати сингари Сендан ҳеч қачон бирор нарса истамаган ва талаб ҳам қилмаган. Фақат ғариб норасидаларгина ўз эҳтиросларини бутунлайин ичларида сақлай оладилар, бошқалар эса ўз ҳис-туйғуларини ошкора сўзлашади, уларга ишонч билан сайқал беришади, ундайлар ишқ-муҳаббат ҳақида жуда кўп эшитишган, ўқишган ва бу муштарак тақдир эканлигини яхши англашади. Улар муҳаббатни ўйин биладилар, худди биринчи чеккан тамакиси билан фахрланган ўсмирлардек, у билан мақта-

надилар. Аммо менинг ишонадиган ҳеч кимим йўқ эди, бирор кимса томонидан бу ҳақда огоҳ ҳам қилинмадим, таълим ҳам олмадим, мен тажрибасиз ва ғўр эдим, мен ўзимни тақдирим кучоғига худди тубсиз чоҳга ташлагандек ташладим. Менинг бутун борлиғим биргина Сен билан, Сенинг ҳаёлинг, Сенинг ишончинг билан камол топди ва улғайди, ахир отам аллақачон вафот этган, онам эса ўзининг доимий ғамгинлиги ва маъюслиги, нафақага зор турмуши билан менга бегона эди, деярли бузилиб бўлишган мактабдош кизлар эса мени четга суриб қўйишган, чунки улар мен учун энг азиз бўлган туйғу билан шунчаки ўйнашардилар, хуллас мен ўзимнинг пароканда бўлаётган, борган сари парчалашиб кетаётган, доимо нотинч ва изтироб ичида ёнувчи борлиғимни буткул Сенинг ихтиёрингга топширгандим. Сен мен учун, — нима десам экан, ҳар қандай қиёс бунга камлик қилади, — Сен мен учун деярли ҳамма нарсаси эдинг, менинг ҳаётим эдинг. Ҳамма нарса, нимаики Сенга боғлиқ бўлса, мен учун ўша нарса мавжуд эди, менинг ҳаётимда нимаики Сенга алоқадор бўлсагина бир мазмунга эга бўларди. Сен менинг бутун ҳаётимни мутлақо ўзгартириб юборгандинг. Шу пайтгача мактабда бефарқ ва ўртача ўқиган бўлсам, энди энг биринчи эдим, вақт ярим тундан ўтиб кетгунга қадар китоб ўқирдим, минглаб китобларни ўқиб чиққандим, чунки Сен китоб ўқишни ёқтирардинг, кутилмаганда онамни лол қолдириб, ўжарлик қилиб кунт билан пианино ўргана бошладим, чунки Сен мусиқани севишингга ишонардим. Кийимларимни ҳам фақатгина Сенга ёқиш ва озода кўриниш учун ўзим ювиб-тозалардим, ямаб-тикардим, чунки эски мактаб қўйлагимнинг (у онамнинг эски қўйлагини кесиб қилинганди) чап томонида каттагина тўртбурчак ямоғи бўлиб, бу доим мени кийнади. Сен ўшани кўриб, мени ёқтирмай қолишингдан кўрқардим ва шунинг учун ҳам ҳар сафар зинадан кўтарилаётганимда кўрққанимдан титраганча ўша ямоқни сумкам билан бекитиб ўтардим. Аммо бу шунчалар аҳмоқлик эдики, чунки Сен ҳеч қачон, ҳа, деярли ҳеч қачон менга бошқа бурилиб ҳам қарамадинг.

Аммо барибир, мен кун бўйи Сени кутишдан, Сени пойлашдан бошқа ҳеч нарсa қилмасдим. Бизнинг эшигимизда миттигина мис туйнукча бўлиб, ана шу туйнукчадан туриб Сенинг эшигингни кузатиш мумкин эди. Ана шу туйнукча, — йўк, Севгилим Сен кулма, мен бунинг учун ҳозир ҳам, ҳа, ҳозир ҳам ўша вақтлар учун уялмайман, — чунки ўша туйнукча менинг ўз дунёмга қарайдиган кўзим эди. Ўша ерда, яъни муздай айвонда, онамнинг кўриб қолишидан ҳадиксираганим учун кўлимда бир китоб билан ойлар ва йиллар давомида ҳар куни Сени пойлардим, гуё таранг тортилган кўнгил торлари фақатгина Сенинг иштирокинг билангина жаранглайдигандек туюларди. Мен ҳамиша Сенинг атрофингда эдим, ҳамиша кайноқ иштиёқ ўтида ёнардим ва тиним билмасдим, аммо худди чўнтагингда олиб юрадиган ва ўша зулматда туриб сабр-тоқат билан Сенинг дақиқаларингни санаётган ва ўлчаб бораётган, сассиз юрак дупури мисол Сени йўлларингда кузатиб юрувчи ва миллионлаб сонияларнинг фақатгина биттагинасида Сенинг шошилинич бир назарингга лойиқ топилгувчи соат милларининг тинимсиз ҳаракатини сезмаганинг каби, менинг ҳам борлигимни пайқамасдинг. Мен Сен ҳақингда ҳамма нарсани билардим, Сенинг ҳар бир одатинг, ҳар бир бўйинбоғинг, ҳар бир костюминг менга таниш эди, тез орада мен Сенинг ҳар бир танишингни алоҳида-алоҳида фарқлай бошладим ва ўзимча, уларни мен ёктирадиганлар ва мен жирканадиганлар, дея тоифаларга бўлиб ҳам чиққандим, шу тарзда ўн уч ёшимдан токи ўн олти ёшимгача ҳар бир соатимни Сенинг ҳаётинг билан ўтказдим. Эҳ, қанақа телбаликлар қилмадим-а! Сенинг қўлинг теккан эшик тутқичини ўпдим, ҳатто кираверишдаги йўлакда Сен ташлаб юборган сигара қолдигини ўғирлаб чиққандим, у мен учун муқаддас эди, чунки унга Сенинг лабларинг текканди. Кечқурунлари қандайдир баҳоналар билан юзлаб мартаба ташқарига — уйимиз олдидаги йўлакка чиқиб келардим, чунки Сенинг қайси бир хонангда чироқ ёниб турганини билгим келарди, шунда, гарчи Сен кўринмасангда, борлигингни янада аниқроқ ҳис қилган бўлардим.

Сен сафарга кетган ҳафталар юрагим кўрқувдан тўхтаб қоларди, агар меҳрибон Йоханн Сенинг сарик сафар сумкангни ташқарига олиб чиқаётганини кўриб қоладиган бўлсам, ўша ҳафталар ичида менинг ҳаётим тўхтар ва мазмунсиз бўлиб қоларди. Қовокларим осилиб, зерикканимдан жahl қилиб дайдиб юрардим ва ҳар сафар онам менинг йиғлаган кўзларимни кўриб бирор нарсани гумон қилишидан ҳадиксираб турардим.

Биламан, сўзлаётганларим бари ўта телбалик ва болаликнинг аҳмоқликлари эди. Аслида мен булардан уялишим керак эди, бироқ мен ҳечам уялмадим, чунки мендаги муҳаббат ҳеч қачон ўша олис болаликдаги каби мусаффо бўлмаган. Соатлаб, қолаверса, бир неча кунлаб Сен учун қандай яшаганимни ҳикоя қилишим мумкин, Сен ўшанда менинг қиёфамни танимасдинг ҳам, мен эса, агар Сени зинада учратиб қолгудек бўлсам, ўтли нигоҳингдан кўркиб, бошимни эгиб ёнингдан тезроқ ўтиб кетишга уринар эдим, гўё алангадан қочиб, ўзимни сувга отардим. Соатлаб, бир неча кунлаб ўша Сенга унут бўлган, Сен учун аллақачонлар унутилиб кетган йиллар ҳақида сўйлашим, умринг календарини ҳар бир кунини битталаб баён қилишим мумкин, аммо Сени зериктириб қўйишни ва бундан изтироб чекишингни истамайман. Мен Сенга бор-йўғи болалигимнинг яна бир энг ширин воқеасини ишонмоқчиман, илтимос, Сен фақат устимдан кулмагин, чунки шунчалар арзимаски, аммо мен учун, бир қизалок учун бу бир чексиз олам эди. Бу воқеа қайсидир бир якшанбада юз берганди. Сен сафарга кетгандинг, хизматкоринг эса ўзи қоқиб-тозалаган зилдай оғир гиламларни очик турган эшикдан ичкарига судраб кираётганди. Унга анча оғир бўлаётгани учун мен ўзимда журъат топиб унинг ёнига бордим ва ёрдам берсам бўладими, деб сўрадим. У хайрон бўлди-ю, лекин ёрдамимни рад этмади, шу тариқа мен, ишонасанми, — Сенинг уйингни кўрдим, эҳ, биласанми, бу мен учун қанчалар муқаддаслигини, бунинг қандай бахт эканлигини, — ҳа, Сен яшайдиган уйнинг ичини кўришга муяссар бўлдим, Сенинг дунёнгни, Сен доим ўтирадиган ёзув столини кўрдим, унинг устидаги зангори биллур

гулдонда бир нечта гул турарди. Сенинг жавонларинг, Сенинг суратларинг, Сенинг китобларинг. Бу Сенинг хаётингга бор-йўғи бир югурик ва ўғринча назар эди, чунки ўшанда мени Йоханн синчковлик билан кузатиб турган бўлса ажабмас, аммо мен ана шу биргина назар билан бутун борликни симириб бўлган ва Сен ҳақингда ўнгимга ҳам, тушимга ҳам етгулик озуқа олиб улгургандим.

Шу, ана шу шошилиш дақиқалар болалигимнинг энг бахтли онлари эди. Шунини, ана шуларни Сенга, мени танимаган кишига сўзлаб бермоқчиман, бу билан ниҳоят Сен ўзингга қандайдир бир ҳаёт боғлиқ бўлганини, Сени деб ўтиб кетганини тасаввур қила бошласанг ажабмас. Яна бир энг даҳшатлисини айтиб бермоқчиман, афсуски бу ҳам ўша воқеадан кейин бироз вақт ўтиб юз берганди. Аввал айтганимдек, мен онамга ҳам эътибор бермай қўйгандим, Сени деб ҳеч кимга эътибор қилмай қўйгандим. Бир ёши улуг жаноб, онамнинг узок қариндошларидан бири бўлмиш Инсбрукда яшовчи бир савдогар тез-тез бизникига келадиган ва уйимизда анчагина қолиб кетадиган бўлиб қолганини сезмай қолибман, аслида бу ҳол менга жуда хуш ёқарди, чунки у гоҳида онамни театрга олиб борарди ва шунда мен ёлғиз ўзим қолишим, Сен ҳақингда хаёл суришим, Сенинг йўлингни пойлашим учун имкон пайдо бўларди, ахир бу нарсанинг менинг ягона бахтим, қувончим эди-да. Бир кунини онам мени қандайдир тортиниброк ўз хонасига чақирди, у мен билан жиддий гаплашмоқчига ўхшаб кўринарди. Менинг эса бундан рангим оқариб кетди ва шу топда юрагим гупиллаб ура бошлади, наҳотки у бир нарсани сезган, гумон қилаётган бўлса, бирор нарсани билиб қолдимикин? Хаёлимга келган биринчи фикр — Сен, яъни мени бутун борлиқ билан боғлаб турувчи ёлғиз сирим эдинг. Аммо, нимагадир онамнинг ўзи хижолат чекаётганди, у мени пешонамдан бир марта, йўқ, икки марта ўпди (одатда у ҳечам бундай ўпмасди) ва қўлимдан тортиб ёнига, диванга ўтқизди-да, ҳаяжондан титраб, бироз уялиб, сўзлай бошлади, яъни унинг қариндоши, ўзи бўйдоқ эканлигини ва унга турмушга чиқишни таклиф қилаётганини айт-

ди ва билишимча, онам бу таклифга рози бўлишга қарор қилганга ўшарди. Юрагимда қон қайнаб кўпириб кетгандай бўлди, ичимда фақат бир савол, Сен ҳакингдаги ҳаёл тинчлик бермасди.

— Аммо биз шу ерда қоламизми? — аранг минғилладим мен.

— Йўқ, биз Инсбрукка кўчиб кетамиз. У ерда Фердинанднинг ажойиб вилласи бор экан.

Мен бошқа ҳеч нарса эшитмадим. Кўз олдим қоронғулашиб кетди. Кейин билсам, мен ўшанда ҳушимдан кетиб йиқилган эканман, буни ўша пайтда эшик ортида турган ўгай отам кейинроқ онамга пичирлаб айтиб бераётганда эшитиб қолдим, ўшанда мен қўлларимни ёйиб, ўзимни орқага ташлабман ва бир парча қотган кўрғошиндек ерга қулабман. Кейинги кунлари нима бўлганини, яъни ҳеч кимга ҳукми ўтмайдиган бир қизалоқ, катталарнинг хоҳиши олдида ўзимни қанчалар ҳимоя қилганимни тасвирлаб ҳам беролмайман, ўша онларни эслаяпман-у, ёзаётган қўлларим қалтираб кетаяпти. Ахир мен ўз сирымни ҳеч кимга ошқор қила олмасдим, менинг қаршилигим эса уларга аҳмоқона инжиқликка, бемаъниликка ва ўжарликка ўхшаб кўринарди. Шундан кейин мен билан бошқа ҳеч ким бу ҳақда гаплашмади, ҳаммаси орқаворатдан содир бўла бошлади. Кўчишга тайёrlаниш учун улар энди менинг мактабдалиқ чоғимдан фойдалана бошлашди, чунки ҳар сафар мактабдан келганимда уйдаги нимадир бир нарса ё ғойиб бўлган ёки сотиб юборилган бўларди. Мен уйимиздаги хоналар бирин-кетин бўшаб қолаётганини, унга кўшилиб эса менинг ҳаётим ҳам бўм-бўш бўлиб бораётганини кўриб турардим ва бир куни тушлиқда уйга келсам, мебель ғилофловчилар келишиб, эндигина ҳамма нарсани шип-шийдон қилиб кетишганини кўрдим. Бўшаб қолган хоналарда жойлаб қўйилган жомадонлар ҳамда онам иккимиз ётишимиз учун мўлжалланган икки дона йиғма кроват турарди, биз бу ерда бир кеча, яъни сўнгги кеча тунашимиз ва эртасига Инсбрукка жўнаб кетишимиз керак эди.

Ана шу охириги кунга келиб, агар мен Сенга яқин бўлиб яшамасам, бошқача яшай олмаслигимни астойдил

хис қилдим. Ахир менинг Сендан бошқа халоскорим йўқ эди. Бу қандай хаёлимга келди, билмайман, шундай бир чорасиз тушқунлик онларида бўлса ҳам буни Сенга айтиш хаёлимга ҳам келмасди, аммо тўсатдан онам қаёққадир чиқиб кетди, мен ўрнимдан турдим ва мактаб кийимида Сенинг олдинга йўл олдим. Йўқ, мен ўзим юрмадим, нимадир бир нарса мени судралган оёқлари ва титраган қўллари билан ортимдан итарар, оҳанрабодек Сенинг эшигинг томон тортарди. Айтдим-ку Сенга, мен ўзим нима хоҳлаётганимни ҳам билмасдим, балки оёқларингга йиқилардим, мени майли ўзингга оқсоч қилиб, майли қул қилиб бўлса ҳам олиб қолишингни ёлворардим, аммо бир томондан қўрқаётган ҳам эдим, ахир Сен ўн беш яшар кизалоқнинг бу фанатизмидан қулишинг ҳам мумкин эди, аммо, Севгилим, Сен ўшанда қулмаган бўлардинг, мени ташқарида, эшигинг олдидаги муздек майдончада қўрқувдан қандай бақрайиб, аллақандай бўйсунмас куч таъсирида бош эгиб турганимни, қўлимни, титраётган қўлимни гавдамдан қандай ажратиб олганимни, унинг қандай юқори кўтарилганини, ўша туганмас бўлиб туюлган сониялар ичида қўнғлимда қандай кураш кечганини, бармоғимни эшик қўнғироғининг тугмачасига қандай қилиб босганимни билганингга эди, Севгилим, Сен аниқ устимдан қулмаган бўлардинг. Ўша қўнғироқ жаранги бугун ҳам қулоғим остида турибди, ундан кейинги сукунат ичида, шу онда бу юрак уришдан тўхтади, вужудимдаги барча қон оқишдан тўхтади ва чиқармикансан, дея интиқиб туриб қолдим.

Аммо Сен чикмадинг. Ҳеч ким чикмади. Афтидан Сен ўша куни тушликдан сўнг қаёққадир кетгандинг, Йоханн ҳам алланималарнинг ташвишида юрганди, хуллас, мен қулоқларим остида ўша дахшатли қўнғироқнинг бўғиқ товуши билан харобага айланиб, шип-шийдам бўлиб қолган уйимизга судралганча қайтиб кирдим у холдан тойиб уйилиб ётган тугунлардан бирининг устига йиқилдим, бор-йўғи ўша тўртта қадам мени худди соатлаб қалин қор оралаб юргандек тинка-мадоримни қуритганди. Бироқ ана шу ҳорғинлик тагида ҳалиям ўша Сен билан юз кўришиш, Сен билан бир оғиз сўзлашиш қарори

чўғланиб турар, хаёлимда гўё Сен мени ажратиб олиб қоладигандек эдинг. Ойит ичаманки, бу нарса мантиксиз бир хаёл эди, чунки менинг хушим ўзимда эмасди, ахир мен Сендан бошқа ҳеч нарса хақида уйламасдим-да, сўнгги бор Сендан бир илинж умидида яна бир марта бўлса ҳам юз кўришишни истагандим. Сўнгра мен бутун тун, Севгилим, ўша ададсиз ва изтироблар билан тўлиб-тошган бутун тун давомида фақат Сени кутдим. Онам ўз ўрнига ётгач, уйкуга кетар-кетмас мен Сени қачон уйга қайтишингни пойлаш илинжида билдирмай айвонга, эшик олдида ўтиб олдим. Бутун тун бўйи Сени кутдим, бу бир аёзли январь туни эди. Мен ҳолдан тойгандим, барча аъзоларим зир қакшарди, ўтириш учун бирорта ўриндик ҳам бўлмагани учун, эшик очилиб-ёпилавериб кириб ташлаган муздек яйдоқ полда узалиб ётаверганман. Устимдаги биттагина юпка кўйлагим билан аъзоларимни зир қакшатаётган совуқ полда ётавердим, чунки бирорта ёпинчиқ олишни ҳам истамасдим, ахир вужудим исийдиган бўлса ухлаб қолишдан, Сенинг қадам товушларингни эшитмай қолишдан кўрқардим. Вужудимдаги оғриқдан оёқларимни ғужанак қилиб букиб олгандим, билакларим титраб қалтирарди, тез-тез ўрнимдан туришга мажбур бўлардим, чунки ўша жаҳаннамдек зулмат жуда-жуда совуқ эди. Аммо мен Сени кутавердим, кутавердим, кутавердим, гўё ўз тақдиримни кутаётгандек эдим.

Ниҳоят, вақт эрталабки иккими ёки учмикин, пастдаги подъезд эшигининг очилгани ва зинадан кўтарилаётган қадам товушлари қулоғимга чалинди. Музлаб турган вужудимни бирдан совуқ тарк этди, бошимдан илиқ сув қуйгандек қизиб кетдим ва Сени қарши олиш, оёқларинг остига йиқилиш истагида эшикни астагина қия очдим ... Эҳ, мендек бир инжиқ қизалоқ ўша лахзаларда нима қилишимни ҳам билмасдим. Қадамлар аста-секин юқори кўтарила бошладилар, шам нури кўринди. Мен титраганча эшик тутқичини тутиб турардим. Бу келаётган Сенми ёки бошқами?

Ҳа, бу Сен эдинг, Севгилим, – аммо Сен ёлғиз эмасдинг. Қулоғимга майин ва ишвали бир кулгу, яна

қандайдир бир шойи кўйлакнинг шитирлаган товуши ҳамда Сенинг пичирлашинг эшитилди, — Сен уйга қандайдир бир аёл билан бирга қайтаётган эдинг...

Бу тун изтиробларига энди қаердан бардош оламан, буни тасаввур ҳам қила олмасдим. Хуллас, кейинги кун и эрталаб соат саккизда улар мени бўйнимдан боғлагандек қилиб Инсбрукка олиб кетишди, ўзимни ҳимоя қилиш учун менда энди бошқа куч қолмаганди.

Фарзандим кеча оламдан ўтди, агар менга яна яшаш насиб қилган бўлса, энди бир ўзим ёлғиз қоламан. Эр-тага улар келишади, бегона, қора либосли, бесўнақай одамлар, улар тобут олиб келишади, унга менинг бечорагинамни, яккаю ёлғизимни, болагинамни солишади. Балки дўстлар ҳам келишар, гулчамбарлар ҳам келтиришар, лекин энди тобут устидаги гулчамбарларга на ҳожат. Эҳтимол, улар менга таскин беришар, қандайдир сўзлар айтишар, сўзлар, сўзлар, бироқ энди улар менга мадад бўлишармикин? Биламан, буларнинг ҳаммасидан сўнг яна бир ўзим ёлғиз қоламан. Одамлар орасида бўла туриб ёлғиз қолишдан даҳшатлироқ нарса йўқ. Мен буни ўшанда англаганман, ўшанда, ўша Инсбрукдаги туганмас бўлиб кўринган иккита узундан-узок йиллар давомида, ўн олти ёшимдан токи ўн саккиз ёшимгача ўтказган йилларим давомида мен ўз оилам қучоғида бир маҳбуса мисол, гўё ҳибсдаги жиноятчи мисол яшаганман.

Ўгай отам ўта босик, камгап одам бўлиб, менга яхши муомала қилар, онам эса худди ўзининг билмасдан қилиб қўйган ноҳақлигини ювмоқчи бўлаётган каби, менинг барча хоҳишларимни бажаришга уринар, йигитлар атрофимда парвона бўлишар, аммо мен уларнинг ҳаммасига жон-жаҳдим билан қайсарлик қилиб, рад жавобини берардим. Сендан йироқларда мен ўзимнинг бахтли бўлишимни, бахтиёр яшашимни истамасдим, била туриб ўзимни танҳолик ва жабру ситамлар гирдобига ғарқ қилардим. Мен учун сотиб олишган чиройли, янги кийимларни киймасдим, концертларга, театрларга боришдан, қувноқ давраларда ҳамма қатори ҳордиқ чиқаришдан бош тортардим. Сайр қилиш нималигини билмадим, икки йил давомида ўзим яшаган ўша кичкина

шаҳарчада ҳатто ўнтаям кўчани билмаслигимга ишонасанми? Мен ҳам чекиш ва кайғуга кўмилишни истардим, ўша ўзинг берган, Сенинг сиймонг акс этаётган айрилиқ ва хижрон шаробидан симириб, ҳушимдан айрилишни истардим. Бунинг устига, мен ўзимнинг ўша изтиробларимдан воз кечишни ҳам, Сендан ўзга бирор кимсани ўйлашни ҳам истамасдим. Ёлғиз ўзим уйда ўтирардим, соатлаб, бир неча кунлаб фақат Сени, фақат Сени ўйлашдан бошқа ҳеч нарса қилмасдим, ҳар бир майда хотира, ҳар бир учрашув, Сени кутган ҳар бир куним, ҳамма-ҳаммасини хотирамда қайта тиклардим ва гўё театр сахналари сингари уларни ҳаёлан қайта-қайта ўйнаб чиқардим. Шу сабабдан ҳам, яъни мен ўша сонияларни ҳаёлимда сон-саноксиз қайта такрорлаганим учун ҳам, бутун болалигим ёдимда ана шундай бир ўтли хотирага айланиб ўрнашиб қолган ва ўтган йилларнинг ҳар бир дақиқасини шунчалар қайноқ, шунчалар эхтирос билан ҳис қиламанки, гўё улар кечагина томиримда қон бўлиб оқиб ўтгандек туюлади.

Мен фақат биргина Сени деб яшадим. Сенинг барча китобларингни сотиб олдим, агар газетада Сенинг номинг ёзиладиган бўлса, бу кун мен учун бир байрам эди. Сенинг китобларингни шунчалар кўп, қайта-қайта ўқиганманки, уларнинг ҳар бир қаторини ёддан билман, ишонасанми? Агар ярим тунда уйқудан уйғотишиб, улардан бир қаторини айтадиган бўлишса, ҳатто ҳозир, ҳатто ҳозир ҳам, орадан ўн уч йил ўтиб ҳам, мен ўша қаторни худди тушимда кўраётгандек давомини айтиб бера олман, ахир Сенинг ҳар бир сўзинг мен учун шунчалар илоҳий дуога, муқаддас илтижога айланган эди. Мен учун бутун олам фақат Сен билан тирик эди, Вена газеталаридаги концертлар, тантаналар ҳақидаги хабарларни фақат биргина ҳаёл билан, Сен улардан қай бирига қизиқаркансан, — деган ҳаёл билан ўқиб борар, бирор кечага борадиган бўлсанг, мен Сени олис-олисдан, мана ҳозир у залга кираяпти, мана ҳозир у жойига ўтираяпти дея, ҳаёлан кузатиб турардим. Сени бир марта бўлса ҳам концертда кўриб қолишни минг бора орзу қилганман.

Аммо, у ҳақда тасаввури ҳам бўлмаган ва ҳеч қачон у ҳақда бирор нарса билмаган бир инсонга кимсасиз ёлғиз бир кизалокнинг ноумид фанатизмини, бу даҳшатли ва конингни қайнатувчи нарсаларнинг барчасини сўзлашни нима кераги бор? Мен ўша пайтлар, дарҳақиқат, бир гўдак эканман. Ёшим ўн еттига тўлди, кейин ўн саккизга кирдим, йўлларимда йигитлар парвона бўла бошладилар, аммо улар мени фақат ғашимни кўзғардилар. Чунки Сендан бўлак бирор кишига нисбатан муҳаббат хиссини туйиш ёки ишқ-муҳаббат билан номига бўлса ҳам ўйнашиб кўриш, биласанми, бунга уриниб кўриш ҳақидаги ҳаёлинг ўзи мен учун бегона эди, бу чидаб бўлмас бир гуноҳ саналарди. Менинг Сенга бўлган муҳаббатим аввал қандай бўлса, худди шундайлигича қолаверди ва боз устига, вақт ўтган сари, жисмим улғайиб балоғат ёшига етганим сари бу туйғу қалбимни янада куйдираверди, бутун жисмимни чулғаб, аёллик хиссимни ҳам эгаллаб олаверди. Ўшанда мурғак бир қизча сифатида ўзининг телбанамо хоҳишларини қандай қондиришни билмасдан эшигинг кўнғирогини босган бўлсам, энди менинг ягона истагим – ўзимни Сенга ҳадя этиш, Сенга ўзимни бахшида этиш бўлиб қолганди.

Одамлар эса мени ёввойи ва ҳуркак бир киз деб ўйлашарди (ахир ўз сирларимнинг барини тишларим қавагида асрардим-да). Аммо ичимда метиндек мустаҳкам бир хоҳиш улғайиб келаётган эди. Менинг бутун фикру ҳаёлим фақат бир нарсада, яъни Венага, Сенинг олдингга қайтишда эди. Мен ўз истакларимни ич-ичимда шунчалар яширардимки, оқибатда бошқалар кўз ўнгида бу қандайдир телбалик ва бемаънилик бўлиб кўринарди. Ўғай отам ўзига тўқ одам бўлиб, мени ўз фарзандидек кўрарди. Аммо, мен бунга жавобан баттар инжиқлик қилардим, ўзим учун ўзим пул топишни истардим, ниҳоят бу истагим амалга ошди ва мен Венадаги бир қариндошимизнинг тайёр либослар сотувчи катта дўконига хизматчи бўлиб келдим.

Венага келишим билан эса, ниҳоят! Ниҳоят! – ўша булутли куз кечасида менинг йўлим биринчи бўлиб қаёққа йўналганини айтишим шартми? Жомадонларим-

ни вокзалда қолдирдим узимни трамвайга урдим, — ох, бунчалар секин юрмаса у, ҳар бир бекат мени қийнади, ниҳоят у мени уйинг олдига элтиди. Деразангдан чирок нури тушиб турарди, буни кўриб бутун борлиғим қувончга тўлди. Мен учун бегона, бемаъно бўлиб туюлган шаҳар энди яна қайтадан тирилди, Сени, менинг доимий орзуимни шундайгина ёнгинамда эканлигингни ҳис қилишим билан эса, ўзим ҳам яна қайтадан тирилдим. Аслини олганда, мен Сенинг хотирангга арзимас идиш-товоклар, тоғлар ва дарёлардан кейинги ўринда, хотирангнинг қайсидир бир қоронғу бурчагида ўзимнинг порлаган нигоҳларим билан юпкагина бир шиша парчасидек милтираб турганимни ҳали тасаввур ҳам қилолмасдим. Мен термулиб туравердим, туравердим, қаршимда чирок бор, у ерда бир уй турибди, унда эса Сен борсан, у ерда менинг дунём бор. Бу лаҳзаларни мен икки йил орзу қилдим, мана ниҳоят ўша онлар менга ҳадя қилинди. Ўша узун, намхуш ва зим-зиё кечада токи чиронинг ўчгунига қадар деразанг олдига турдим ва шундан кейингина ўз ётоғимни қидириб кетдим.

Шундан сўнг энди мен ҳар куни шу алпозда уйинг олдига турардим. Соат олтигача дўконда ишлардим, ишим оғир ва кишини ҳоритадиган иш бўлса ҳам менга ёқарди, чунки ана шу ташвишлар қалбимдаги оғриқларни бироз бўлса-да, унутишимга ёрдам берарди. Ишхонамнинг темир панжарали эшиклари ортимдан ёпилиши биланок, мен ўзимнинг севимли жойимга шошилардим. Фақат Сени бир бор кўриш, бир марта Сенинг қаршингда пайдо бўлиш, яна бир бор нигоҳларим билан узоқдан бўлса ҳам юзларингни қучиш — менинг яккаю ягона истагим эди. Тахминан бир ҳафталар ўтгач, ниҳоят ўша кутганим юз берди, Сени учратдим, тўғрироғи бир лаҳзага учрашдик, яна мен кутмаган тарзда, яъни мен деразангни пойлаб турган чоғимда Сен қўчани кесиб ўтиб, мен томон юрдинг. Шунда мен яна қайтадан ёшгина, ўн уч яшар қизалоққа айланиб қолдим, юзларим лоладек қизариб, беихтиёр ичимда нимадир титраб кетгандек бўлди, Сенинг нигоҳларинг билан тўқнаш келишдан чўчиб, бошимни эгдим ва тезлик билан ёнингдан ўтдим.

да, нари кетдим. Кейинчалик ўзимнинг бу килигимдан, яъни ўсмир кизалокдек ҳадиксираганим ва номус қилиб сендан қочганим учун ўзим уялиб кетдим, чунки энди менинг истагим ўзимга аён эди — энди мен Сен билан кўришишни истардим, Сени излардим, ўша азобли йиллардан сўнг Сен мени пайқашингни, Сенинг эътиборингга тушишни, мен билан бирга қолишингни истаётгандим.

Гарчи мен ҳар кечда, ҳатто корли изғиринлару Венанинг этни жунжиктирувчи, суякни қашатувчи аёзли шамолларига ҳам тоқат қилиб, остонангни, йўлингни пойласам-да, афсуски, Сен мени узоқ вақт пайқамадинг. Кўпинча мен соатлаб беҳуда кутардим, кўпинча эса Сен бирорта танишинг билан уйдан чиқиб қаёққадир кетиб қолардинг, ҳатто икки марта Сени аёллар билан ҳам кўрдим, ва айниқса уларнинг Сен билан қўл ушлашиб кетаётганини кўргач, беҳосдан юрагим талвасали уриб, қалбим ларзага тушди, ўшанда мен ўзимнинг улғайганимни, кўнглимда Сенга нисбатан қандайдир янги ва бошқача бир туйғу борлигини сездим. Йўқ, мен бундан хайрон қолмадим. Чунки Сенинг доимий меҳмонларингга айланган хонимларни мен болалик кунларимдан буён яхши билардим, аммо энди бу бирданига вужудимга аллақандай азоб бергандай бўлди, Сени бошқа биров билан бундай ошқора, бундай жисман яқин бўлишингни кўриб, ичимда нимадир таранглашди, душманлик хиссини туйдим ва алашим кўзгаб кетди. Худди бир ёшгина кизалоқ сингари (ҳалигача шундай қолмоқдаман) ориятим кўзиб, уйингдан олисда бир кунгина қолдим, аммо бу қайсарлик ва норозиликнинг бўм-бўш тунни ўта изтиробли ўтди. Эртаси куни кечқурун мен яна тақдирга тан бериб уйинг олдига келдим, айнан мен учун берк бўлган умринг дарвозаси остонасида интиқ қутганим каби, яна Сени интизор қутдим.

Нихоят, бир куни кечқурун менга эътибор бердинг. Қилишингни узоқдан кўрдиму иродамни қўлга олдим ва бу сафар Сендан қочмасликка жазм қилдим. Вазият ҳам шуни истагандек, юки туширилаётган бир машина туфайли йўл ҳам торайиб, энди Сени мен билан шундоққина тўқнашиб ўтишдан бошқа иложинг йўқ эди.

Эътиборимни сезар-сезмас кутилмаганда Сенинг синчков нигоҳинг беихтиёр вужудимни силаб ўтди, – ишонасанми, ҳатто қалбимдаги хотиралар ҳам сесканиб тушдилар! – бу ўша Сенинг аёлларга бағишланган нигоҳинг, ўша нафис, куйдирувчи ва бир вақтнинг ўзида сийналарга ҳам сингиб кетувчи, кучиб олувчи, чанг солувчи нигоҳинг, ўша мени, бир қизалокни илк бор аёл бўлишга, маъшуқа бўлишга ундаган нигоҳинг эди. Бу нигоҳ менинг кўзларимни, Сендан яширинмаётган, яширинишни истамаётган нигоҳларимни бор-йўғи бир ёки икки сония тутиб турди ва кейин ёнимдан ўтиб кетдинг. Юрагим безовта уриб кетди, беихтиёр қадамларимни секинлаштирдим, қандайдир ихтиёрсиз равишда ўгирилиб қарадим ва Сени кўрдим, Сен эса жойингда туриб қолгандинг, менга термулиб турардинг. Сенинг ички бир қизиқиш билан мени кузатиб туришингни кўрдим-у, шу захотиёқ мени таний олмаганингни англадим.

Сен мени таний олмадинг, ўшанда ҳам, ҳеч қачон, ҳеч қачон мени таний олмадинг. Қандай қилиб Жоним, қандай қилиб ўша умидларим пучга чиққан сонияларни Сенга тасвирлаб берайин, ҳа, ўшанда биринчи марта мана шу тақдиримни, яъни Сенга таниқли бўла олмаслигимни англаб изтироб чекканман, зеро, бир умр шу тақдир билан яшаб келаяпман, шу тақдир билан, Сенга нотаниш бўлиб, Сен мени танишинг бахтига муяссар бўла олмасдан бу ёруғ оламдан кўз юмаман. Қандай, Севгилим, Сенга бу умидсизликни қандай тасвирлаб берай! Чунки, ўзинг ўйлаб кўр, Инсбрукда ўтган, фақат Сенинг хаёлларинг билан ўтган ўша икки йил давомида, ҳар бир соатим Сен, фақат Сен ҳақингдаги хаёллар билан ўтди, ҳар доим учқур ва ёввойи хаёлларим осмонида яна Венага қайтганимдан сўнг сен билан бўладиган илк учрашувимизни орзу қилганман. Ҳаммаси, агар шундай дейиш мумкин бўлса, ҳаммаси олдиндан битталаб сархисоб қилинганди, мен хаёлимда энг ёмон икир-чикирларгача тасаввур қилиб кўргандим, чунки мен ўта арзимас, ўта хунук, ўта шилқим бўлганим учун ҳам Сен мени рад қилишинг, мени ёмон кўришинг мумкинлигини ўйлаб кўргандим. Сенинг ёмон кўришингни, совуқ-

конлигингни, бепарволигингинг ҳамма шакллари́ни ўша ўтли эхтиросларга тўла хаёлларимда бирма-бир тасаввур қилиб, олдиндан ўйлаб кўргандим, аммо бу нарсани, мана шу биргина нарсани, энг даҳшатлисини, яъни менинг бу оламда борлигимни пайкамаслигингни, хаёлингга ҳам келмаслигини ички туйғуларимнинг ҳам бирортаси сезмабди, ва ҳатто ожиз ақлим ҳам бунга етмабди. Бугун мен буни тушуниб турибман, — оҳ, буни тушунишни ҳам Сен ўргатдинг! — эркак киши учун бир кизнинг, бир аёлнинг чехраси ўта ўзгарувчан бўлиб кўринади, чунки у бир кўзгуга ўхшайди, унда гоҳ изтироб, гоҳ болаликнинг маъсумлиги, гоҳ ҳорғинлик акс этади ва худди кўзгудаги акс сингари тезда ғойиб бўлади, агар йиллар унинг чехрасидаги нур ва соя шарпаларини ўзгартирган бўлса ва либослар унга янгидан-янги шакллар яратган бўлса, эркак киши аёл қиёфасини осонгина унутиши мумкин. Такдирга тан берганлар, ҳа, дарҳақиқат улар ўта доно одамлар. Бироқ мен, ўша чоғда ҳали балоғат ёшидаги киз, Сендаги унутувчанликни ҳали англай олмасдим, чунки Сен билан бир лаҳза ҳам тиним билмасдан, ҳаддан зиёд машғул бўлишим кўзимни кўр қилиб қўйганди, хаёлимда Сен ҳам мени тез-тез эслайсан ва келишимни кутаяпсан деб ўйлагандим, ахир мен ўзимнинг Сен учун ҳеч нарса эмаслигимни, Сенинг хотираларингни озгина бўлса-да безовта қилмаслигимни била туриб, бу ёруғ оламда қандай яшашим мумкин эди. Нигоҳларинг таъсиридан бу тарзда уйғонишим, қалбимда ҳеч нарса мени танимаслигини, хотирангнинг ҳатто биронта ингичка ипи ҳам менинг ҳаётим билан боғланмаганини намоёиш қилди ва бу нарса ҳақиқатни англашим учун биринчи зарба бўлди, мен шунда асл тақдиримни илк бора ҳис қилдим.

Сен ўшанда мени таний олмадинг. Орадан яна икки кун ўтиб ҳам, нигоҳларинг ўзига хос яқинлик билан мени чулғаб олганида ҳам, Сен мени ўзингга ошиқ бир қиз дея, Сен ўзинг муҳаббат боғига чорлаган бир қиз дея танимадинг, балки икки кун илгари шу ерда Сенга дуч келган шунчаки чиройлигина ўн саккиз яшар бир қиз, деб ўйладинг. Сен менга бироз ҳайрон бўлиб сами-

мий караб турдинг, лабларингда эса енгил бир табассум ўйнаб турарди. Сен яна ёнимдан ўтиб кетдинг ва яна кадамларинг секинлашди, мен эса титрадим, вужудим бўшашиб кетди ва менга бир ориз сўз айтишингни тилаб илтижо қилдим. Мен ўзимни илк бора тирик жон сифатида Сенинг диққатингни тортганимни ҳис қилдим, мен ҳам кадамимни секинлатдим, Сендан қочмадим. Тўсатдан ортимда Сени ҳис қилдим, хали ўгирилмасдан туриб илк марта Сенинг менга бағишланган севимли сўзларингни эшитишимни англаб етдим. Интизорликдан вужудим тош қотди, юрагим шунчалар тез урардики, сал бўлмаса йўлимда тўхтаб қолишим ҳеч гап эмасди, Сен мен томонга юрдинг. Сен менга жуда эркин ва яқинлик билан, гўё биз анчадан буён бир-биримизни биладиганлардек гапира бошладинг, ох, Сен ахир ҳеч нарсани билмасдинг, менинг ҳаётим ҳақида ҳеч қачон ҳеч нарса билмасдинг-ку! Аммо Сен шунчалар жозибали сўзладингки, мен ўзимда Сенга жавоб қайтаришга зўрға куч топа олдим. Биз биргалашиб тор кўчадан юриб кетдик. Кейин Сен мендан бирга овқатлансак бўладими, деб сўрадинг. Мен рози бўлдим. Қандай қилиб Сенга йўқ дея оламан?

Иккаламиз кичкина бир ресторанда тановул қилдик, ҳозир унинг қаерда жойлашганини эслай оласанми? Ох, йўқ албатта, Сен бу кечани бошқаларидан фарқлай олмайсан, чунки мен Сен учун ким ҳам эдим? Юзлаб қизларнинг бири, доимо бир-бирига уланиб кетувчи саргузаштлар занжирининг бир шодаси, холос. Нима ҳам мени Сенинг ёдингга сола оларди, мен жуда кам гапирардим, чунки мен Сен ёнимда эканлигингдан, мен билан сўзлашаётганингдан қувониб, бу чексиз бахтимдан тилим айланмай қолганди ва ана шу лаҳзаларнинг бир сониясини ҳам арзимас саволлар бериб, беҳуда ўтказишни истамасдим. Мен ҳеч қачон ушбу ширин онларни унутолмайман, ахир Сен менинг интиқ эхтиросим жомини васлинг шароби билан лиммо-лим қилдинг, шунчалар нафис, шунчалар енгил, шунчалар эхтиром кўрсатдингки, ҳар бир ҳаракатинг хиралик, хушомад ва тамалардан холи бўлди, илк лаҳзалардан бошлаб шун-

чалар меҳрибон, ишончли ва хотиржам эдингки, гўё менинг жисмим ва жоним аллақачон Сеники эканлигига кўникиб қолгандек эдинг. Бир қизалокнинг беш йиллик умидлари пучга чиқмаганини, гўё бир мўъжиза сабаб унинг интиқ дили ором олганини Сен тасаввур ҳам қила олмайсан.

Вақт алламаҳал бўлгач, биз ўрнимиздан қўзғалдик. Ресторан эшигидан чиқаётиб мендан шошилмаяпсанми, хали бироз вақтинг борми, дея сўрадинг. Ахир мен ўзимни Сен учун ҳар нарсага тайёр эканимни энди қандай яшира олардим. Ҳа, вақтим борлигини айтдим. Кейин астагина, аммо бироз иккиланиб, енгил саросима билан яна бироз гаплашиб ўтириш учун уйингга таклиф этдинг. «Бажонидил», дея рози бўлдим, истакларинг бу тарзда ўз-ўзидан амалга ошаётганидан шошилиб, яъни менинг бирданига, тезгина рози бўлганимни кўргач, аллақандай қувончданми, ўнғайсизликданми юзингда пайдо бўлган ажабланиш белгиларини сездим. Бугун энди ўша ажабланишинг сабабини тушуниб турибман, чунки одатда аёллар бундай илтимосларга ичларида жон деб рози бўлиб туришса-да, буни ёлғонлар билан яшириб туришади, ўзларини кўрқиб кетганга солишади ёки жahl қилган бўлишади, қаттиқ илтимослардан, касамлардан, ишонтиришлардан ва ёлғон ваъдалардан кейингина рози бўлишади. Биламан, фақатгина фоҳишаликни касб қилганлар, беномуслар ёки ўта ишонувчан содда қизларгина бундай таклифга бажонидил рози бўлишади. Мен учун эса азизим, Сен қаёқдан билардинг, мен учун ўша таклиф минглаб кечаларнинг орзу-хаёллари ва соғинчларимнинг сўзларга айланиб тургани эди. Барибир Сен бироз ҳайрон бўлдинг, мен энди Сени нима учундир қизиқтира бошлагандим. Сенинг ҳис-туйғуларинг, Сенинг ўша барча одамларникидан ҳам хотиржам туйғуларинг мана шу чиройли ва итоаткор қизда қандайдир бир ғайриоддийлик, қандайдир сир борлигини сезаётганди. Сендаги қизиқувчанлик уйғониб бўлганди, Сен бу сирни билиб олишга уринаётганингни менга бераётган синчков ва илмоқли саволларингдан англадим. Аммо мен Сени чалғитдим, Сенга ўз сиримни

фош этгандан кўра, яхшиси анқоврок бўлиб кўринишни афзал кўрдим.

Биз Сенинг уйингга кўтарилдик. Кечир, Севгилим, Сенга айтсам, Сен мени тушунмаслигинг мумкин, мана шу йўлак, мана шу зиналар қанчалар завқли эканини, қанчалик ақл-хушимни ўғирлаганини билсайдинг, бу қанчалар ғайритабиий, қанчалар азоб берувчи, салкам қурбон талаб қилувчи бир бахт эди. Ҳозир ҳам, кўз ёшларим адо бўлган чоғда ҳам ўша онларни йиғламасдан эслай олмайман. Аммо бир тасаввур қилгин-а, ўша ердаги ҳар бир нарса менинг туйғуларим, эҳтиросларим билан қондирилганди, уларнинг бари менинг болалигим тимсоли, менинг соғинчларим эди: ўша дарвоза, унинг олдида туриб Сени минглаб маротаба кутганларим, шу зиналар, шу ерда туриб Сенинг қадамларингга қулоқ тутганларим, шу ерда илк бор Сени кўрганим, мана шу эшик тўйнуқчаси, ундан мен қалбимни бериб Сени пойлаганим, мана шу эшигинг остонасидаги поёндоз, унга мен ҳатто бир марта тиз чўкканим, мана шу калитнинг шиқирлаши, уни эшитиб мен ҳар сафар сакраб турганларим. Бутун болалик, менинг барча эҳтиросларим, барча-барчаси ана шу бир қулоқ майдончада қўним топганди, шу ер менинг бутун ҳаётим эди, ва мана энди бу хотираларнинг барчаси тўфондек бирданига қуюлиб келаётганди, барча-барчаси энди ижобат бўлаётганди, энди мен Сен билан бирга эдим, Сен билан биргама-бирга, Сенинг уйингга, бизнинг уйимизга кириб бораётгандим. Бир ўйлаб кўргина, — гарчи бу сийқаси чиқиб кетган бир фикр бўлса-да, мен буни бошқачасига баён қила олмайман, — ана шу Сенинг остонанггача бўлган ҳамма нарса аслида ҳақиқий реал воқеликдан иборат бўлиб, мен учун бир умр азоб ва изтироблар билан ўралган олам эди, остонангдан нарида эса болалигимнинг сеҳрли дунёси бошланарди, Оловуддиннинг салтанати эди, тасаввур қилгина, мен минглаб маротаба ана шу эшикка ўтти нигоҳларим билан боққанимни, Сен эса ҳозир ундан гандираклаб кириб бораяпсан, эҳ, Азизим, мана шу мени ларзага солган дақиқалар ҳаётимдан нималарни юлқиб ташлаётганини Сен фақат гумон қилишинг,

фақатгина тахмин қилишинг мумкин, аммо ҳеч қачон тўлиқ англай олмайсан.

Ушанда мен бутун тун бўйи Сен билан қолдим. Менга ҳали ҳеч бир инсон тегмагани, жисмимнинг бирор аъзосига ҳеч кимнинг ҳатто нафаси тегмагани ва ҳеч кимнинг кўзи тушмагани Сенинг ҳаёлингга ҳам келмади, сезмадинг ҳам. Ҳа, Севгилим, Сен буни қаёқдан ҳам пайкардинг, ахир мен Сенга бирор марта қаршилиқ ҳам қилмадим, уятимнинг ҳар бир тошқинини минг бир уриниш билан ичимга ютдим, ахир Сен менинг муҳаббатим сирларини фош қилиб қўйишинг, чинакамига қўрқиб кетишинг мумкин эди-да, чунки Сен фақат юзаки нарсаларни, ўйноқилиқ ва енгилликни хуш кўрасан, ахир бир тақдирга араллашиб қолишдан Сен чинакамига қўрқасан. Бундай нарсалар олаmidан Сен ўзингни олиб қочасан, бирортаям қурбон беришни истамайсан ахир. Мен Сенга айтсам, Севгилим, мен Сенга ўзимни бир маъсума сифатида бағишладим десам, Сендан ўтиниб сўрайман, мени нотўғри тушунмагин! Мен ахир Сенга гина қилмаяпман, Сен мени тузоғингга илинтирмадинг, ёлғон сўзламадинг, мажбурламадинг ҳам — мен, мен ўзим Сенга талпиндим, ўзим Сенинг қўкрагингга бош урдим, мен ўз тақдиримга бош урдим. Ҳеч қачон, ҳеч қачон Сенга буни арзу ҳол қилмайман, йўқ, Сендан фақат миннатдорман, чунки ўша тун мен учун қанчалар саҳий, қанчалар лаззатли, қанчалар қалбимни эркаловчи тун бўлган эди. Қоронғуда кўзимни очганимда ва ёнгинамда Сени ҳис қилганимда, гарчи тепамда юлдузлар йўқлигидан ҳайрон бўлсам-да, ўзимни еттинчи фалакда ҳис қилдим — йўқ, севгилим, ўша ширин лаҳзалар ҳаққи, мен ҳеч қачон бундан ўкинмайман. Ҳалигача аниқ ёдимда, Сен ухлаб ётган чоғингда, Сенинг нафасингни туйганимда, Сенинг вужудингни ҳис қилганимда ва ўзимни Сенга шунчалар яқин эканлигимни англаб етганимда, ўша қоронғу кечада бахтдан қувониб йиғлаб юборгандим.

Эрталаб ўзимни барвақт кетишга ундадим. Мен дўконга боришим зарур эди, қолаверса ўзим ҳам кетишни истардим, чунки тез орада хизматкоринг келиб қоларди, ахир у мени кўрмаслиги керак эди. Кийиниб

бўлиб қаршингда турган чоғим Сен мени билакларимдан тутдинг, узок термулиб қолдинг; билмадим бу қалбинг тубида, қоп-қора зулмат қўйнидаги, олис-олисларда қолиб кетган хотираларнинг уйғонишимиди ёки шунчаки ўша чоғдаги менинг бахтли ва латофатли бўлиб кўринишим Сени махлиё этдим, билолмадим. Сўнгра лабларимдан ўпдинг. Мен ўзимни кучоғингдан беозоргина қутқариб олдим-да, кетишга шайландим. Шунда Сен мендан сўрадинг:

– Бир-икки дона гул олиб кетишни истайсанми?

– Ҳа, – дедим мен.

Сен ёзув столи устида турган биллур гулдондан (оҳ, бу нарсаларни мен ўша гўдакликнинг яширинча нигоҳларидан буён асраб келаётгандим) тўртта оппоқ атиргулни олдинг ва менга бердинг. Мен яна кун бўйи уларни қайта-қайта лабларимга босиб юрдим.

Биз яна бошқа кеча учрашишга келишдик. Мен келдим, ҳаммаси яна жуда ажойиб бўлди. Сен менга яна учинчи бир кечани ҳам ҳадя этдинг.

Кейин Сен саёҳатга жўнаб кетишингни айтдинг, – оҳ, мен болалигимдан буён ана шу саёҳатларни жуда-жуда ёмон кўраман! – Сен қайтиб келишинг биланок менга хабар беришингни ваъда қилдинг. Мен Сенга қалбаки бир манзилни бердим, мен ўз исмимни Сенга айтишни истамадим. Мен ўз сирымни яшириб қолдим. Сен менга яна бир жуфт атиргул узатдинг, видолашув, ҳа, видолашув олдидан узатдинг.

Сўнг икки ой давомида ҳар куни Сени сўрадим ... аммо йўқ, ўша интизорликнинг дўзахий изтиробларини, тахликаларини Сенга сўйламоқ нечун. Мен Сенга гина қилаётганим йўқ, мен Сени қандай бўлсанг, шундайлигингча севдим – кизиккон ва унутувчан, қурбон бўлишга тайёрсан-у, аммо ишончинг йўқ, фақат шундай, ҳар доим қандай бўлсанг, ҳозир ҳам шундайсан, мен Сени ана шундайлигингча севдим. Сен аллақачон қайтиб келгандинг, мен буни деразаларингдаги чирок ёғдуларидан билдим, аммо менга бирор марта ҳам хат ёзмадинг. Мана шу сўнгги соатларимда ҳам менда Сенинг, ўша мен ҳаётимни бахшида қилган инсоннинг бир

мисра ҳам мактуби йўк. Мен кутдим, худди аросатда колган бир бандадек кутдим. Аммо Сен мени чорламадинг, менга мактуб ёзмадинг, бирор мисра ҳам ёзмадинг ... бирор мисра ҳам ...

Менинг фарзандим кеча вафот этди — бу Сенинг ҳам фарзандинг эди. Бу Сенинг фарзандинг эди, Севгилим, ўша учта кечанинг фарзанди, буни Сенга онт ичиб айтаман, ахир инсон ўлим соясида туриб ёлғон сўзлай олмайди. Бу бизнинг боламиз эди, Сенга онт ичаман, чунки ўшанда ўзимни Сенга бахшида этган ондан бошлаб токи шу норасида гўдак вужудимдан ажралиб, ёруғ дунёни кўргунга қадар менга бирорта эркак зоти яқинлашган эмас. Сенинг нафасинг тегиши билан мен ўзимни мукаддас санадим, ахир менга ҳамма нарсани берган Сендек бир инсон турганда, қандай қилиб йўлимда бир лаҳзага дуч келгувчи кимса билан ўзимни баҳам кўришим мумкин? Бу бизнинг фарзандимиз эди, Севгилим, менинг чексиз муҳаббатиму Сенинг беғам, беҳуда ва беҳуш эркаликларинг меваси, бизнинг боламиз, бизнинг ўғлимиз, бизнинг яккаю ягона фарзандимиз эди бу. Аммо, Сен сўраётган бўлсанг керак, — эҳтимол даҳшатга тушиб, эҳтимол буткул лол бўлиб, сўраётган бўлсанг керак, севгилим, нима учун шунча йиллар давомида бу нарсани айтмадим ва мана энди, бугун у ҳақда гапираяпман, мана у, қоронғулик қўйнида гўё уйқуда ётибди, абадий уйқуга кетган, абадиятга кетиш олдида ётибди, ҳеч қачон қайтиб келмайдиган бўлиб кетмоқда, ҳеч қачон! Ох, қандай қилиб буни Сенга айта олардим, қандай қилиб? Ахир Сен ҳеч қачон бир бегонага, барча нарсасини ўз инон-ихтиёри билан ўша уч кечага Сенга топширган, Сен ҳатто исмини ҳам билмаган, хаёлингда гўё ўткинчи бир дийдор учун ўзини фидо қилган бир кизга, унинг садоқатига қандай қилиб ишонган бўлардинг ва бу фарзанд Сеники эканлигини ҳам ишонкирамай, гумон билан тан олган бўлардинг. Ҳеч қачон, ҳатто менинг сўзларим Сенга ҳақиқатга ўхшаб кўринганда ҳам, Сен ўша гумондан — бу менга, бадавлат бир одамга бировнинг боласини тикиштираяпти, деган шубҳадан ҳеч қачон ха-

лос бўла олмас эдинг. Сен барибир менга гумон билан қараган бўлардинг, Сен ва мен, иккимизнинг ўртамизда бир соя, енгилгина бўлса ҳам совук бир соя пардаси сакланиб қолган бўларди. Мен эса буни истамадим. Қолаверса, мен Сени яхши биламан. мен Сени шунчалар яхши биламанки, Сен ўзинг ҳам ўзингни бунчалар била олмайсан, биламан, бу Сен учун, Сендек бир ишқдаги беташвишлик, беқунимлик ва ўйноқиликни суйгувчи учун дабдурустдан ота бўлиш, ногоҳ бир тақдир учун жавобгар бўлиб қолиш ўта мушкул бир ҳол бўлур эди. Сен, Сендек бир эркинлик шамолини сипқориб яшашга ўрганган одам, ўзингни менга боғланиб қолгандек ҳис қилган бўлардинг. Сен мендан, — ҳа, Сен буни айнан шундай қилган бўлардинг, чунки бу нарса Сенинг иродангдан устун келган бўларди, — Сен мендан ана шу боғлиқлигим учун нафратланган бўлардинг. Майли бор-йўғи бир соатгина бўлсин, балки арзимас дақиқалар давомида бўлса ҳам мен Сен учун нафратли бўлиб қолардим, бироқ мен, ўз ғуруримга таяниб, умринг бўйи мен ҳақимда ҳеч бир ташвишларсиз ўйлашинг зарурлигини истадим. Сенга оғир юк бўлгандан кўра, ҳаммасини ўз зиммамга олишни афзал кўрдим ва Сенинг барча маъшуқаларинг ичида ҳар доим чин муҳаббат, самимий миннатдорлик билан эслайдиган ягонанг бўлиб қолишни истадим. Бироқ, минг афсус, Сен мен ҳақимда бир марта ҳам ўйлаб кўрмабсан, Сен мени унутиб юборибсан.

Мен Сенга таъна қилаётганим йўқ, Севгилим, йўқ, мен Сенга таъна қилмаяпман. Мени кечир, агар ногаҳон бирорта алам томчиси қаламимга тушган бўлса, мени кечир, зеро, менинг фарзандим, бизнинг фарзандимиз бу ерда шамлар остида абадий уйқуда ётибди: мен худога муштимни ўқталдим, уни қотил деб атадим, менинг аклим ожизлашган, хаёлларим тўзғиб ётибди. Бу тамани кечир, буни кечиргин. Ҳа, биламан Сен яхшисан, чин дилдан ёрдам қўлини чўзасан, Сен ҳар қандай одамга ёрдам берасан, сўрасалар ҳатто мутлақ бегоналарга ҳам ёрдам берасан. Аммо Сенинг меҳринг шундай ғаройибки, у гўё очиқ майдонда сочилиб ётибди, кимки имкон топса, кимки қўл узатса ундан бахраманд бўла олади, у

чексиз, у ўта чексиз. Сенинг меҳринг, аммо, – мени афу эт, – у лоқайд, зеро, у доим уйғотиб туришларини, унга қўл узатишларини истайди. Агар биров Сени чорлайдиган бўлса, Сенга ялинса, уялганингдан ёки чорасизлигингдан ҳам ёрдам берасан, аммо қувонганингдан эмас. Сен одамларни, – агар Сенга ростини айтишга ижозат берсанг, – Сен бахтга бурканган одамларни муҳтож ва азият чекаётган одамлардан кўра афзалроқ биласан. Бундай одамлардан, яъни Сен каби ўта меҳрибонлардан эса бирор нарса сўрашнинг ўзи азоб. Бир сафар, унда мен ҳали ёш бола эдим, эшигингни қоқиб келган бир тиланчига нимадир бераётганингни эшигимиз туйнугидан кўриб қолгандим. Сен унга гарчи кўп нарса берган бўлсанг-да, у ҳали сўраб улгурмасидан тезлик билан узатдинг, лекин Сен унга қандайдир бир кўркув ва нафрат билан узатдинг, у эса кетишга шай турарди, гўё Сен унинг кўзларига қарашдан кўрқаётганга ўхшаб кетардинг. Сенинг ўша саросимага ботган, хижолат ўтида ёнган ва раҳмат эшитишдан ўзини олиб қочаётган ёрдамнингни ҳеч қачон унутолмайман. Шу сабабдан ҳам мен ҳеч қачон Сенга мурожаат қилмадим. Биламан, бу аниқ, бу гўдак Сенинг фарзандинг эканлигига ишончинг комил бўлса ҳам, мени ўзингдан четлаштиришга уринган бўлардинг, мени тинчлантиришга уринардинг, пул берардинг, керагича пул, аммо кўнглингда яширин бир сабрсизлик билан ушбу ноқулайликни ўзингдан йироқлатиш учунгина шундай қилган бўлардинг: ха, ишончим комил, Сен мени ҳатто боладан ўз вақтида қутулишга кўндирмоқчи ҳам бўлардинг. Ва мен авваламбор, айнан ана шу нарсадан кўрққандим – чунки, агар Сен сўрасанг мен нималар қилмасдим, Сенинг райингни қандай қайтара олардим ахир. Аммо, менинг бор-йўғим шу бола эди, у Сендан ёдгорим эди, мана яна қаршимда Сен, аммо, гарчи энди бу ўша Сен бўлмасанг ҳам, ўша бахтли, беғам, ушлаб қолишга ҳаддим етмаган Сен бўлмасанг ҳам, лекин менга мангу тухфа этилган Сен эдинг, – мен ўшанда шундай деб ўйлагандим, – менинг ишқим билан банди қилинган, ҳаётимга боғланиб қолган Сен эдинг. Ҳа, мана ниҳоят мен Сенга етишган эдим,

Сенинг жонинг вужудимда камол топаётганини ҳис қила бошлагандим, энди бутун қалбим Сени едириб-ичириш, Сени эркалаш, Сени суюб-қучиш иштиёқи билан аланга олганди. Ана кўрдингми, севгилим, шунинг учун ҳам, Сенинг фарзандинг бағримда эканлиги учун ҳам мен бахтиёр эдим, шунинг учун ҳам буни Сенга айтмадим, ахир энди Сен мени ташлаб кета олмасдинг.

Бирок Севгилим, ўша кунлар нафақат мен илгари ҳаёлимда орзу қилган бахтиёр ойлар эди, балки одамларнинг пасткашлигидан жирканиш билан тўлиб-тошган, азоб-уқубатларга тўла ойлар ҳам эди. Менга осон бўлмади. Қариндошимизга бу нарса фош бўлиб қолмасин ва уйдагиларга хабар бериб қўямасин, дея охириги ойларда ишга ҳам боролмас эдим. Онамдан ҳам бир тийин сўролмасдим, шу тариқа кўзим ёригунча бир-иккита тақинчоғимни сотиб, қаноат қилдим. Бир ҳафта қолганда эса бир оқсоч хотиннинг шкафидан унинг сўнгги уч-тўрт кронасини ўғирладим, чунки фақат шу йўл билангина мен туғуруқхонага етиб олишим мумкин эди. Ўша ерда, яъни фақат ўта қашшоқлар, ташландиқлар, унут бўлганлар судралиб бўлса-да етишадиган бир жойда, ўша ерда, яъни хўрлик саркитларининг қоқ ўртасида, ўшандай жойда шу бола, Сенинг фарзандинг туғилди. У жой фақат ўлиш учун яралган эди: у ерда ҳамма нарса бегона, бегона, бегона эди, ўша жойда ётганлар — барчамиз бир-биримизга бегона, ёлғиз эдик, биримиз бошқамизга нафрат билан қарардик, барчамиз ана шу қашшоқлик, бир хилдаги азоб-уқубатлар, қон ва хлор ҳиди, бақир-чақирлар, ингроклар билан тўлиб-тошган бўғиқ залга тикиб ташлангандик. Хўрликдаги қашшоқлик, ундаги руҳан ва жисман шармандаликка чидаш нима эканлигини мен ўша ерда бошдан кечирдим, ўша фоҳишалар ва касаллар билан бирга бўлишни, улар фақатгина тақдирлари бир бўлгани учунгина бирлашишларини, бу ҳам етмагандай пичинг аралаш иршайганча ҳимоясиз шўрликларнинг устидаги чойшабларни итқитиб ташловчи ва уларни сохта билимдонлик билан чангаллаб кўрувчи ёшгина врачларнинг манманлигини, фаррошларнинг тамагирлигини ҳам шу ерда

кўрдим, — ох, у ерда инсоннинг уяти беҳаё назарлар билан чормихга тортилиб, ҳақорат сўзлар билан саваланади. Исминг ёзилган тахтача, ўшагина сенинг мавжудлигинг, холос, чунки тўшакда ётган эса қизиқувчилар чангаллаб кўрувчи бор-йўғи бир парча титраб турган гўшт, ўрганувчиларнинг тадқиқот объекти эди, холос, — эҳ, бу аёллар, ўз хонадонига, меҳр билан кутаётган эрларига фарзанд совға қилаётган аёллар, улар ўзларини ёлғиз ва ҳимоясиз тарзда деярли тажриба столи устида фарзанд кўраётганларини англаб ҳам етмайдилар. Ҳозир ҳам бирорта китобда дўзах сўзини ўқиб қолсам, ногоҳ тасаввуримга ўз-ўзидан ўша миждиб, қўланса хиддан бўғилиб ётган, ингроклар, пичинглар ва қонга ботганларнинг чинқириқлари билан тўлиб-тошган зал, ўша мен изтироб чеккан ор-номусларнинг саллоҳхонаси келаверади.

Кечир, мени кечир жоним, бу нарсалар ҳақида гапирганим учун. Аммо бор-йўғи ана шу сафар, бор-йўғи бир мартагина сўзладим, холос. Бошқа энди ҳеч қачон, ҳеч қачон сўзламайман. Ўн бир йил бу ҳақда чурқ этмадим ва яна тез орада абадий сукутга қўмиларман: бир марта бўлса ҳам бу нарсани мен ҳайқириб-ҳайқириб чиқариб ташлашим керак эди-да, мен учун қанчалар қимматга тушган шу болани, менинг бахтим бўлган шу болани дунёга келтириш шунчалар оғир кечди, мана энди у рўпарамда нафас ҳам олмасдан ётибди. Мен бу нарсаларни аллақачон унутиб юборганман, ўша онлар қувончимга айланган болагинамнинг жилмайишларию кўнғирок овозлари остида аллақачон унут бўлиб кетган. Энди у ўлди, изтироблар эса қайта тириладилар, мен эса ҳеч бўлмаса бир мартагина бўлса ҳам қалбимдагиларни кимгадир тўкиб солишим керак эди. Аммо мен Сендан нолиётганим йўқ, фақат худойим, ёлғиз яратган худойим ўша барча изтиробларимнинг мазмун-моҳиятини йўққа чиқарди. Сендан нолимаяпман, Сенга онт ичиб айтаманки, Сендан ҳеч қачон ҳатто кўнглим ҳам оғринмаган. Ўша онларда ҳам, яъни вужудим оғриқдан ғижим бўлиб, сийналарим талабаларнинг тешиб юборгудек оч назарлари остидаги уят ўтида қоврилганда ҳам, ҳаттоки, худонинг олдида ҳам Сендан нолимаганман. Ўша кечалардан

хеч қачон афсус қилмаганман, хеч қачон муҳаббатимни қарғамадим, доимо Сени севиб келдим, доимо ўша онларни, Сени менга рўпара қилган онларни соғиниб келдим. Ахир мен ўша дўзахий онларни бошдан кечиришим керак эди ва мени нималар кутиб турганини олдиндан билар эдим. Мен ўша онларни яна бир марта, севгилим, яна бир марта, яна минг марта бўлса ҳам бошдан кечирган бўлардим!

Бизнинг фарзандимиз кеча вафот этди – Сен уни хеч қачон кўрмадинг. Хеч қачон, ҳатто бир лаҳзалик ногоҳ тасодиф билан ҳам ушбу яшнаб турган миттигина жон, Сенинг жонинг Сенинг ўткинчи бир назарингга ҳам тушмади. Мен узок вақт Сендан ўзимни яшириб юрдим, болам туғилиши биланоқ яшириндим. Сенга бўлган соғинчим оғриқлари биров камайгандек бўлди, ўйлашимча, у менга ҳадя этилган кундан бошлаб, энди Сени камроқ эҳтирослар билан севардим, ҳар ҳолда энди мен муҳаббатимдан изтироб чекмай қўйгандим. Мен ўзимни у ва Сен – иккингиизнинг ўртангизда парчаланиб кетишимни хоҳламасдим. Шу тариқа энди мен ўзимни Сенга, яъни бахтиёр бир одамга, менга бепарво яшаётган инсонга эмас, балки ушбу гўдакка, яъни менга мухтож бўлган бир жонга бағишладим, ахир мен унинг қорнини тўйғизишим керак эди, уни мен энди ўпа олардим, бағримга боса олардим. Мен гўё Сен туфайли кечирган нотинчлигимдан, Сенга боғлиқлигимдан қутулгандай эдим, бу ҳам бўлса Сен туфайли, яъни бошқа бир Сен туфайли қутулгандай эдим. Аммо энди у чинакамига меники эди, энди у менинг, менинг ҳисларимни жуда камдан-кам ҳоллардагина Сен томонга, Сенинг уйинг томонга тортқиларди. Мен фақатгина бир нарсa қилардим: Сенинг туғилган кунингга атаб ҳар доим бир даста ок атиргул жўнатардим, бу гуллар худди ўша бизнинг биринчи қовушган кечамизда Сен менга ҳадя қилган гулларнинг айнаи ўзига ўхшарди. Мана шу ўтган ўн йил, ўн бир йилдан бери ким менга буларни жўнатяпти деб бир ўзингдан сўрадингми? Мен буни билмайман ва Сенинг жавобингни ҳам билолмайман. Бор-йўғи зимистон

ичидан туриб Сенга белги бериш, йилда бир мартагина бўлса ҳам ўша онлар хақидаги хотираларингни уйғотиб қўйиш мен учун кифоя қиларди.

Сен уни ҳеч қачон танимадинг, бизнинг боламизни, — бугун мен ўзимдан ўзим нолияпман, чунки мен уни Сендан яширдим, яширмаганимда, балки Сен уни яхши кўриб қолган бўлармидинг. Сен уни ҳеч қачон билмадинг, бу бечора гўдакнинг жилмайишини кўрмадинг, у ковокларини охиста кутарар сўнг ўзининг қоп-қора ақлли кўзлари, — Сенинг кўзларинг билан менга, бутун оламга ёрқин ва қувноқ назар билан боқарди. Эҳ, у шундай шўх ва шундай ёқимтой эдики, гўё Сенинг борлигингдаги енгилтаклигинг ана шу гўдак сиймосида такрорланганга ўхшарди: Сендаги хаёлларнинг тезкорлиги, ўйнокилиги яна қайтарилганди, Сен ҳаётни ўйин билганинг каби у ҳам соатлаб бирорта севимли нарсани ўйнаб ўтиришни яхши кўрарди ва яна жиддийлик билан қўшларини чимиради-да, китоблари қаршисига ўтирарди. У борган сари Сенга айланиб бораётганди, унда ўзи аллақачон худди Сеники каби яққол кўзга ташланадиган жиддийлик ва ўйинқароқлик каби икки табиатлилиқ шаклланиб улгурганди. У қанчалар Сенга ўхшаб боргани сари, унга бўлган меҳрим ҳам шунчалар ортиб бораётганди. У жуда яхши ўқиди, француз тилида худди митти зағизғон сингари сайрарди, синфида энг тоза дафтарлар уники эди. Шу билан бирга у жуда чиройли эди, айниқса духоба кўйлаги ёки матросча оқ камзулини кийганида ўта башанг кўринарди. У қаерга бормасин, ҳар доим ўзини ҳаммадан башанг тутарди: Градо пляжида у билан сайр қилган чоғимизда ўтиб кетаётган аёллар тўхташиб, унинг узун оқ-сарик сочларини силашарди, Земмирингда эса у чана учган чоғида атрофдаги одамлар ҳавас билан унга ўгирилиб қарашарди. У ана шундай гўзал, ёқимтой ва оқкўнгил эди. Охирги йили у Терезианумдаги интернатга ўқишга кирганди ва мактаб формаси билан бирга миттигина шамширча ҳам тақиб олганди, у гўё ўн саккизинчи аср саройларининг хос соқчиларига ўхшаб кетарди, — мана ҳозир энди бу бечоранинг эғнида биттагина кўйлагидан бошқа нарсаси йўқ, лаблари ранг-

сиз, қўллари кўксига қовуштирилган ҳолда қаршимда ётибди.

Эҳтимол, Сен мендан қандай қилиб мен уни шундай тўкин-сочинликда, ўзим истагандек тарбия қилганимни, унга олий табақанинг имкониятларини яратиб бера олганимни сўрарсан. Азизим, мен ҳозир Сенга зулмат ичидан туриб сўзлаяпман, менда ҳозир уялиш деган нарсанинг ўзи йўқ, Сенга айтмоқчиманки, Сен бундан қўрқиб кетма — мен ўзимни сотдим. Мен кўчаларда юрадиган фоҳиша қиз бўлмадим, аммо ўзимни сотдим. Менинг бой-бадавлат дўстларим, бойвачча ошиқларим бор эди: аввалига мен уларни кидирдим, кейин эса улар мени излаб юришарди, ахир сезган бўлсанг, мен жуда латофатли эдим. Мен кимгаки ўзимни фидо қилган бўлсам, ҳаммаси мени бажонудил ёқтиришган, айтганимга рози бўлишган, менга боғланиб қолишган, мени севиб қолишган — фақатгина Сен, фақат Сен севмадинг, Севгилим!

Сенга бу нарсаларни, яъни ўзимни сотганимни фош қилганим учун мендан жирканаяпсанми? Йўқ, биламан, Сен мендан жирканмайсан, Сен ҳаммасини тушунасан ва бу нарсаларни Сен учун қилганимни, яъни иккинчи Сен учун — Сенинг нуридийданг учун қилганимни ҳам тушуниб етарсан. Мен бир марта ўша туғуруқхонада хўрликка тўла қашшоқлик нималигини англадим, чунки ўша қашшоқлар оламида ҳар доим хўрланганлар, таҳқирланганлар, қурбонлар бўладилар, мен буни истамадим, нима қилиб бўлса ҳам унақа бўлишини истамадим, яъни Сенинг боланг, Сенинг қувноқ ва гўзал фарзандинг ўшандай тубанликда, ўша сарқитлар ичида, ўша жоҳиллик қўйнида, камбағал авом ичида, ховлилар ортидаги кулбаларнинг заҳарланган ҳавосида улғайишини истамадим. Унинг нафис лаблари ҳақорат сўзлар нималигини, унинг оппоқ бадани қашшоқликнинг жирканч ва ғижим жандалари нима эканлигини билмаслиги шарт эди. Сенинг фарзандингда ҳамма нарса бўлиши керак эди, унда барча бойликлар, дунёнинг барча енгилликлари бўлиши керак эди, у яна Сенинг олдинга, Сенинг хаётинг даврасига чиқиб бориши шарт эди.

Шунинг учун, фақат шу сабабдангина севгилим мен ўзимни ўзим сотдим. Бу қурбонлик менинг ўзим учун берилмаганди, чунки ор, номус деб аталадиган нарсаларнинг бари энди мен учун ўлиб бўлганди: Сен, яъни менинг жисмим фидо қилинган ягона инсон, мени севмасдинг, шу туфайли ўз жисмим билан нима бўлаётганига ҳам бефарқ эдим, буни ҳис қилмасдим ҳам. Эркакларнинг суюб эркалашлари, уларнинг айнан ички изтироблари, булар бари менинг қалбим тубини забт этолмасди, гарчи мен уларнинг айримларини жуда ҳурмат қилсам-да, уларнинг рад этиш мушкул бўлган муҳаббатларига ачинишларим ҳамда ўз тақдирим ҳақидаги хотиралар мени кўпроқ ларзага соларди. Мен билган одамларнинг барчаси менга яхши муносабатда бўлишар, ҳаммалари мени суюб эркалашар, ҳаммалари мени ҳурмат қилишарди. Уларнинг орасида бир киши, ёши улугʻроқ, рафикасидан ажралиб қолган бир граф бўлиб, айнан шу одам отасиз болани, Сенинг болангни Терезианумга қабул қилишларига уриниб, ўша жойнинг остонасида роса сарғайганди, у мени ўз қизидек яхши кўрарди. Уч-тўрт марта у менга турмушга чиқишни таклиф қилди, — мен ҳозир графиня бўлишим, Тиролдаги мўъжизавий бир қасрнинг маликасига айланишим мумкин эди, барча ташвишлардан қутулган бўлардим, чунки боланинг ҳам суюкли ва меҳрибон бир отаси бўларди, менинг эса босиқ, олийжаноб ва саховатли турмуш ўртоғим бўлар эди, аммо мен бундай қилмадим, у қанчалар кўп ялиниб, қистаган сари, мен ўзимнинг рад жавобим билан унга шунчалар кўп азоб берардим. Эҳтимол, бу бир телбалик бўлгандир, йўкса ҳозир мен аллақаерларда тинчгина, осойишта яшаётган бўлардим, болажоним, суюклигим эса мен билан бирга бўларди, аммо — нима учун мен буни англаб етмадим-а, — лекин мен бировга боғланиб қолишни истамадим, мен Сен учун ҳар қандай лаҳзада ҳам озод туришни, эркин юришни истадим. Қалбимнинг туб-тубида беихтиёр ҳамон ўша болалик орзуси яшарди, гўё Сен мени бир соатгина бўлса ҳам ёнингга чорлаб қоладигандек эди. Ва ана шу эҳтимолий бир лаҳзалар учун мен ҳаммасидан воз кечардим, фақат Сен учун

эркин эдим, Сен бир бор чорласанг бас. Ўша болалик уйқусидан уйғонганимдан буён, менинг бутун ҳаётим фақат кутишдан, Сенинг хоҳишингни кутишдан бошқа нарса эмасди!

Ва ушбу онлар, шу онлар ҳақиқатан ҳам етиб келди. Аммо Сен буни билмайсан. Сен буни тасаввур ҳам қилолмайсан, Севгилим! Ва ана шу лаҳзаларда ҳам Сен мени таний олмадинг, — ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон мени таниёлмадинг! Мен Сени авваллари ҳам театрларда, концертларда, Пратер боғида, кўчаларда кўп учратардим, ҳар сафар юрагим ҳаприқиб кетар, аммо Сен менга эътибор ҳам бермасдан ўтиб кетардинг: ҳа, мен энди ташқаридан караганда мутлақо бошқа одам эдим, ҳадиксираган қизалоқдан энди айтишлари-ча гўзал, қимматбаҳо либосларда яшнаган, ошиқлари қуршовидаги ҳақиқий хонимга айлангандим: ахир Сен энди қандай қилиб ҳам ўша ётоғингдаги ғира-шира нур остида ҳадиксираб турган қизни таний олардинг! Гоҳида мен билан бирга юрган жаноблардан бири Сен билан саломлашиб қолишар, Сен уларга миннатдорчилик билдирардинг ва менга боқардинг: аммо Сенинг нигоҳингда лутфан бегоналик ва ҳурмат бўлар, аммо ҳеч қачон танишлик туйғуси бўлмасди, бегоналик, бу чидаб бўлмас бир бегоналик эди. Ҳалиям ёдимда, бир сафар ана шу танилмаслик ҳисси, гарчи мен бунга деярли ўрганиб қолган бўлсам-да, мен учун ўта оғир изтиробга айланганди: ўшанда мен бир дўстим билан театрдаги ложаларнинг бирида ўтирардим, Сен эса қўшни ложада эдинг. Увертьюра сабабли чироқлар ўчирилган бўлиб, юзингни кўра олмасам-да, нафасингни шундоққина ёнгинамда, худди ўша тундагидек ҳис қилиб турардим, ложамизнинг духоба қопланган тўсиғи устида эса Сенинг қўлинг, ўша нафис ва меҳрибон қўлинг турарди. Шунда мени бир истак шу томонга эгилишга, ана шу бегона, аммо севимли қўлни, бир вақтлар мен нозик қучишларини ҳис қилган қўлни ўпиб олишга ундади. Бутун борлиғимни ҳаяжонли мусиқа титратар, истагим эса борган сари эҳтиросга тўлиб борар, бир нарса менинг лабларимни ўша севикли қўллар сари шунчалар тортардики, мен саросима ичида

ўзимни зўр-базўр тўхтатиб қолгандим. Биринчи актдан сўнг мен хамрохимдан у ердан кетишимизни илтимос қилдим. Ўша қоронғулик кўйида Сенинг шунчалар бегоналигингга ва шунчалар менга якин бўлишингга ортик бардош бера олмагандим.

Аммо мен кутган вақт келди, менинг бу телба ҳаётимда яна бир бор, сўнгги бор ўша онлар етиб келди. Бу нарса салкам бир йил олдин, яъни Сенинг туғилган кунингдан бир кун кейин юз берганди. Ғалати-я, ўшанда бутун вақтим Сени ўйлаб ўтаётганди, чунки Сенинг туғилган кунингни мен ҳар сафар байрамдек нишонлардим. Тонг саҳарлаб кўчага чиқдим, оппоқ атиргуллар сотиб олдим ва ўша онлар, яъни ўша Сен унутиб юборган онларнинг хотираси дея Сенга жўнатдим. Тушдан сўнг мен фарзандим билан айлангани чиқдим, уни Демил қандолатхонасига олиб бордим, кечкурун эса театрга, чунки мен ушбу кунни у болалигиданок, гарчи мазмунини билмаса-да, қандайдир бир сирли байрам куни сифатида қабул қилишга ўрганишини истардим. Эртаси куни мен ўша пайтдаги ёш ва пулдор дўстим Брюнерлик фабрикант билан бирга театрга бордим. Мен у одам билан икки йилдан буён бирга яшардим, у мени чин дилдан севар, истаган нарсамни мухайё қилар ва мени билган бошқа одамлар каби у ҳам мен билан турмуш қуришни хоҳларди, мен эса худди бошқалар каби унга ҳам ҳеч бир асоссиз рад жавобини берардим. У мени ва боламини совға-саломлар билан кўмиб ташларди, лекин ундаги бироз бефаҳмрок ва кўр-кўрона садоқатнинг ўзиёқ меҳр беришга арзирди. Биз ўшанда бирга концертга тушдик, у ерда хурсандчилик қилаётган бир даврага дуч келдик, улар билан Рингштрасседаги ресторанга тановул қилгани бордик ва ўша ердаги шунча шодлигу хурсандчиликлар етмагандай, мен яна бир рақс тушадиган ресторанга, яъни Табаринга боришни таклиф қилдим. Бунга ўхшаш доимий майхўрликлару айш-ишратларга тўла жойлар кўнглимга ўтирмас ва одатда мен бундай таклифларни рад этардим, аммо ўша сафар — кўнглимга ғалати бир сирли куч ўрнашиб олганди ва у мени ғайриихтиёрий тарзда бошқаларга тўсатдан шу таклифни бериш-

га мажбур қилганди, ҳаммалари бу таклифни хурсанд бўлишиб қўллаб-қувватлашди, ўзимда эса кутилмаганда қандайдир тушунтириб бўлмас бир истак туғилганди, гўё мени ўша ерда аллақандай бир ғайриоддий нарса кутиб тургандек эди. Даврадагилар менинг кўнглимга қараб хоҳишларимни бажаришга ўрганиб қолгани учун, барчамиз тезда кўзғолдигу ўша ерга бордик, шампань ичдик ва тўсатдан ичимга шайтон кириб олгандек шунчалар қувониб кетдимки, сал бўлмаса ақлу ҳушимдан айрилгудек эдим, бунақа ҳолга ҳечам тушмагандим. Ичавердим, ичавердим, енгил-елпи ашулалар айтдим, кўнглимда эса яйраб рақс тушиш, тўйиб хурсандчилик қилиш истаги тобора ортиб борарди. Бироқ, кутилмаганда бир парча муз бўлагини ёки, тўғрироғи ял-ял яшнаётган чўғ бўлагини юрагимга босиб олишгандек сесканиб кетдим: ёнгинамиздаги столда бир-иккита дўстларинг даврасида хайрат ва шайдолик тўла нигоҳларингни менга қадаганча Сен ўтирардинг, бу ўша ҳар сафар менинг бутун вужудимни ич-ичимдан алангага бурковчи нигоҳлар эди. Ўн йилдан буён илк маротаба Сен яна менга қалбингдаги мутлақ ғайриихтиёрий эхтирослар ҳукмига бўйсунганча термулиб турардинг. Мени титроқ босди. Эндигина кўтараётган қадахим қўлимдан тушиб кетай деди. Бахтимга даврадаги дўстларим мендаги саросимани пайқашмади: бу ҳолат қаҳқаҳа ва мусиқанинг шовқини остида қўмилиб кетди.

Сенинг нигоҳинг эса борган сари ёндира бошлади ва мени бутунлай ўз алангасига чулғаб олди. Мен эса тушунолмай хайрон эдим: Сен мени ниҳоят, ниҳоят танидингмикин ёки бошқасига, яъни бир бегонага бўлгани каби менга ҳозиргина махлиё бўлдингмикин? Яноқларим ловиллаб ёнарди, ҳатто даврадаги ҳамроҳларимнинг гапларига ҳам узук-юлук жавоблар бердим: Сенинг нигоҳингдан қанчалар саросимага тушганимни эхтимол сезган бўлсанг керак. Бошқаларга сездирмай мени бир лаҳзага ташқарига, йўлакка чиқишимга имо қилдинг. Сўнг намоийшкорона ҳисоб-китоб қилдинг-да оғайниларинг билан хайрлашиб, мени кираверишда кутиб туришингга яна бир бор ишора қилдинг ва ташқарига

чикдинг. Мен гўё аёзда қолгандай, аниқроғи иситма босгандай қалтирар, гапиришга тилим айланмас, томирларимда кўпириб бораётган қонни тўхтатолмасдим. Айнан шу топда бахтимга қандайдир бир қора танли жуфтлик атрофни дупур-дупурларга тўлдирганча, хайкириқлар билан ғалати бир рақс бошлашди: ҳаммалари уларни томоша қилиш билан овора бўлиб қолишди ва мен ана шу сониялардан фойдаландим. Ўрнимдан турдим-да, ҳамроҳимга тезда қайтишимни айтиб, Сенинг ортингдан чикдим.

Кираверишдаги залда гардероб олдида Сен мени кутиб турардинг: мен яқинлашганимда эса кўзларинг яшнаб кетди. Жилмайганча менга қарши чикдинг: мени танимаганингни шу заҳотиёқ кўрдим, Сен мени на узоқ болалигимни, на қизлик чоғимни эсладинг, аксинча Сен мени худди бир нотаниш қизни қаршилаган каби кутиб олдинг, янги бир қиз деб ўйладинг, холос.

— Мен учун ҳам бир соат вақт ажрата оласизми, — дея сирли сўрадинг, Сендаги бунақа ўзига хос ишонч ва хотиржамликни кўриб, мени шу ердаги бир кечага харид қилинадиган аёллардан бири деб ўйлаганингни сездим.

— Ҳа, — дедим мен ўша титроқ ва итоаткорона розилик оҳангида, худди ўн йиллар илгари коронғу кўчадаги бир қиз Сенга «ҳа» дегани каби.

— Унда қачон учрашсак бўлади? — сўрадинг Сен.

— Қачон истасангиз, — жавоб бердим мен, энди мен олдингда уялмай кўйгандим.

Сен менга биров ҳайрон бўлиб қарадинг, бу ҳол бир вақтлар тезда рози бўлганим Сени лол қолдирган чоғда менга унчалик ишонқирамай, қизиқувчанлик билан ҳайрон бўлиб қараб қолганингни айнан ўзи эди.

— Ҳозир иложи борми? — сўрадинг Сен биров иккиланиб.

— Ҳа, — дедим мен, — кетдик.

Мен пальтомни оламан деб гардероб томон юрдим.

Шунда пальтоларимизни ҳамроҳим билан бирга топширганимиз ва гардероб патталари унда эканлиги ёдимга тушди. Ортга қайтиш ва бирор-бир тайинли сабабсиз ҳамроҳимдан бу нарсани сўрашнинг иложи йўқ эди,

колаверса, йиллар давомида орзикиб кутилган Сен билан бирга бўлиш онларидан воз кечиш, йўқ, мен буни истамасдим. Шу сабабдан мен бир сония ҳам иккиланмасдан кўйлагим устидан шол рўмолимни ташладим-да, ўзимни ташқарига, булутли тун кўйнига урдим, пальтомни олиш ҳақида қайғуриб ҳам ўтирмадим, неча йиллардан буён ўша одамнинг ҳисобига яшаб келаётган бўлсам-да, ўша меҳрибон ва ёқимтой инсон ҳақида кўйинмадим ҳам, ахир мен уни дўстлари олдида шармандаларча аҳмоққа чиқаргандим: чунки бир неча йилдан буён у билан бирга яшаб келаётган маъшуқаси бегона бир кимсанинг биргина имоси билан ундан қочиб кетаётганди-да. Оҳ, мен ҳозир ўзим ҳурмат қиладиган бир дўстим учун ўта пасткашлик ва нонкўрлик қиляётганимни, уни иснодга қўяётганимни жуда яхши англардим, қиляётганларим бемаънилик эканини, бошқа бир яхши одамнинг ишқида ёниб адо бўляётганимни, шу ишқ кўйида мангу тузалмас бир дардга гирифтор бўлганимни сезиб турардим, қолаверса, айти чоғда ҳаётимни қок ўртасидан икки бўлакка бўлиб, парчалаб ташляётганимни ҳам яхши билардим, аммо Сенинг ширин бўсаларингдан маст бўлиш, қайноқ сўзларингга қулоқ тутиш истаги билан ёнаётган интиқлик олдида нафақат бу дўстлик, балки бутун ҳаётим нима бўпти. Мен Сени ана шундай севгандим, ахир буларни Сенга қандай айта олардим, энди эса кеч, энди ҳаммаси ўтди, ортида қолди. Ва ишонч билан айтаманки, агар Сен мени ўлим тўшагида ётган чоримда ҳам ёнингга чорласанг, шунда ҳам ўрнимдан туришга, судралиб бўлса ҳам Сен билан бирга кетишга куч топган бўлардим.

Ташқарида эшик олдида бир машина турган экан, биз унга ўтирдигу Сеникига йўл олдик. Мен энди яна Сенинг овозингни эшитаётгандим, яна қайтадан Сенинг латиф нафасингни ҳис қиляётгандим, бу худди бир вақтлар бўлгани каби мени маст қилган, ақл-ҳушимни ўғирлаганди. Қандай қилиб ўн йилдан сўнг яна бир бор ўша зиналардан юқори кўтарилдим — йўқ, йўқ, мен Сенга буни тасвирлаб бера олмайман, қандай қилиб ўша лаҳзаларда ҳаммасини яна юз баробар кучлироқ ҳис

қила бошлаганимни, ўтмишни ва айни лаҳзаларни, Сени, ҳамма нарсаларда, ҳаммасида Сенинг руҳингни ҳис қилганимни ифода қила олмайман. Сенинг хонанг бироз ўзгарибди, бир-иккита суратлар, бир неча китоблар қўшилибди, у ер-бу ерида бошқа мебеллар пайдо бўлган, аммо буларнинг ҳаммаси мени сирли қаршиларди. Ёзув столи устидаги гулдонда эса атиргуллар — менинг атиргулларим турарди, уларни мен бир кун олдин, бир аёлдан хотира сифатида Сенинг туғилган кунингга жўнатгандим. Сен у аёлни эслай олмайсан, ахир Сен уни таниёлмайсан ҳам, ҳатто мана ҳозир, шундай ёнгинангда бўлса ҳам, қўллари кўлингда, дудоклари дудокларингда бўлса ҳам-а. Аммо-лекин, гулларни асраб-авайлаганингни ўзи кўнглимни хотиржам қилди: ахир шу тарзда бўлса ҳам борлиғимнинг бир бўлаги, муҳаббатимнинг бир нафаси Сенинг ёнингда эди.

Сен мени кучоғингга олдинг. Мен яна бутун бошли бир бахтли кеча давомида Сен билан қолдим. Сен ҳатто менинг жисмимдаги муҳаббатни ҳам таний олмадинг. Мен эса Сенинг меҳрга тўла эркалашларингни ҳис қилдим-у, яна бир нарсани тушуниб етдим: Сендаги меҳр ва эҳтирослар қаршингда ким турганини, яъни бу Сенга ошиқ аёлми ёки бир фоҳишами, фаркига бормасдинг, Сен ҳамма нарсани унутиб, бутун борлигинг билан ўз ҳирсингга кўмилиб кетардинг. Сен мен билан, яъни тунги ресторандан олиб келинган бир аёл билан ҳам ўта мулойим ва ширин муомала қилардинг, ўзингни шунчалар яхши тутардингки, менга ҳатто ҳурмат билан самимий муносабатда бўлардинг, шу билан бирга Сен бир аёл ишқидан шунчалар эҳтирос билан симирадингки, мен беихтиёр яна ўтмишдаги бахтли онларим хотирасида маст бўлдим ва Сенинг табиатингдаги мунофиқликни туйдим, ўша мени болагимдан мафтун қилиб қўйган ширин изтиробларни яна бир бор тўйиб ҳис қилдим. Мен ҳеч қачон бирорта эркак зотида ўткинчи лаҳзалар учун ҳам шунчалар фидоийлик бўлишини, ақлу ҳушидан шунчалар воз кечишини, шунчалар берилиб чин дилдан кўнғил олишини кўрмаганман, — колаверса, буларнинг барчаси тугаши

биланок, кейин яна инсонга хос бўлмаган унутувчанлик билан ҳаммасини бутунлай эсдан чиқаришини ҳам ҳеч қачон кўрмаганман. Лекин ўша лаҳзаларда ўзим ҳам кимлигимни унутиб қўйгандим: хўш, ўша қоронғуликда Сенинг ёнингда ётган мен аслида ким эдим? У бир вақтлар Сен учун эҳтирослар ўтида қоврилган бир қизалоқмиди, фарзандинг онасимиди ёки бир бегона-ми? Эҳ, ўша тун шунчалар мафтункор, шунчалар ҳая-жонларга бой эдики, яна ҳамма нарса қайтадан бошланиб, яна аклу хушимдан айрилган тун эди. Ва мен бу туннинг адоғи бўлмасин, дея илтижо қилардим.

Афсус, барибир тонг отди, биз жуда кеч турдик, мени бирга нонушта қилишга таклиф этдинг. Сенга содик хизмат қилувчи қўллар эса емакхонада стол тузатиб қўйганди, биз бирга ўтириб чой ичдик, суҳбат курдик. Сен менга яна самимий сўзладинг, қалбингдагиларни борини яширмай сўзладинг, саволларингда яна ҳеч қандай истехзо сезилмасди, менинг кимлигим ҳақида қизиқиш ҳам кўрмадинг. Сен ҳатто исминг нима, турар манзилнинг қаерда, деб ҳам сўрамадинг: шунда мен билдимки – мен Сен учун бор-йўғи бир саргузашт, номсиз бир аёл, шахвоний онлар соҳибаси эдим, холос. Сен тез кунда Шимолий Африка ўлкаларига икки-уч ойлик сафарга кетишинг кераклиги ҳақида гапира бошладинг; эндигина бахтимга етдим деганимда, мени яна титроқ босди, чунки қулоқларим остида бир садо жаранглай бошлаганди: «Ўтди, ўтиб кетди, барчаси унутилди!» Шу чоғда оёқларингга бош ургим ва дод солиб илтижо қилгим келди: «Олиб кет, мени бирга олиб кет, шунда Сен ниҳоят менинг кимлигимни биласан, ниҳоят, ниҳоят шунча йиллардан сўнг!» Лекин мен Сенинг олдингда шунчалар журъатсиз, шунчалар юраксиз, гўё бир қул каби итоаткор эдим. Мен бор-йўғи:

– Минг афсус, – дея олдим, холос.

Сен эса менга жилмайиб қарадинг ва:

– Сен чиндан ҳам афсус қилаяпсанми? – дединг.

Шу пайт мени кутилмаганда ёввойи бир ғурур камраб олди. Ўрнимдан турдим, Сенга узоқ ва жиддий қарадим. Сўнг шундай дедим:

— Мен севган одам ҳам доим сафарда бўларди, — мен Сенинг кўзларингга тикилдим. «Мана, ҳозир, энди у мени танийди!», ичимда ҳамма нарса титрар, туғён ураётганди. Бироқ Сен менга жилмайиб қарадинг ва тинчлантириш оҳангида дединг:

— Ахир одамлар сафардан қайтадилар-ку.

— Ҳа, — дея жавоб бердим мен, — одамлар сафардан қайтадилар-у, бироқ ҳаммасини унутган бўладилар.

Гапларим Сенга бироз ғайритабиий, бироз изтиробли туюлгандек бўлди. Чунки Сен ҳам ўрнингдан турдинг ва хайрон бўлиб, меҳрибонлик билан менга термулиб қолдинг. Сўнг елкаларимни кучиб:

— Нимаики яхши бўлса, у унутилмади, мен сени унутмайман, — дединг Сен ва нигоҳинг бутун вужудимга сингиб кетгандай бўлди, афтидан у қаршисидаги суратни муҳрлаб олишни истаётгандек эди. Сенинг нигоҳинг вужудимга сингиб бораётганини, ниманидир излаётганини, бутун борлиғимни чулғаб олаётганини кўриб, ниҳоят кўрлик пардалари парчаланди, деб ўйладим. У мени энди танийди, у мени таний олади! Бутун борлиғим хаёллар тўфонидида титрай бошлади.

Аммо Сен мени таний олмадинг. Йўқ, Сен мени таний олмадинг, мен Сенга ҳеч қачон ўша лаҳзалардаги сингари бегона бўлмагандим, чунки бўлмаса, бўлмаса Сен яна бир неча дақиқалардан сўнг қилган нарсани ҳеч қачон қилмаган бўлардинг. Сен мендан бўса олдинг, яна бир бор эҳтирос билан бўса олдинг. Мен эса тўзғиган сочларимни қайта турмаклашимга тўғри келди ва шу тарзда кўзгу олдида турган чоғимда беихтиёр кўзгуда Сенга кўзим тушиб қолди, бундай шармандалиқ, бундай таҳқирланишдан кўра ер ютса бўлмасмиди, чунки Сен фақатгина ўзингга хос бўлган хотиржамлик билан бир-иккита йирик сўлқовойни менинг енгим ичига тикаётгандинг. Ўша сонияларда кичкириб юборишдан, башарангга тарсаки тортиб юборишдан қандай ўзимни тутиб қолганимни билмайман, — ахир Сен менга, Сени болалигидан севиб келган аёлга, фарзандинг онасига ўша кеча учун ҳақ тўлаётгандинг! Мен Сен учун бор-йўғи Табариндан топиб келинган бир фохиша эдим,

бошқа ҳеч ким эмасдим, Сен менга пул тўладинг, Сен менинг ҳаққимни тўладинг! Мени унутганинг етмаганиди, энди ҳақорат қилиб, ерга уришинг ҳам шартмиди.

Мен шошилганча нарсаларимни йиғиштиришга тушдим. Тезроқ бу ердан кетишни, тезроқ бу ердан ғойиб бўлишни истардим, чунки бу ҳол менга жуда оғир ботганди. Мен шляпамни олдим, у ёзув столи устида, атиргуллар ёнида, ўша менинг атиргулларим ёнида ётарди. Шу пайт мени қандайдир кучли бир истак, мен рад эта олмайдиган бир хоҳиш камраб олди: мен яна бир марта ўзимни Сенга эслатишга уриниб кўрмоқчи бўлдим.

— Оқ атиргулларингдан биттасини беришни истамайсанми?

— Жоним билан, — дединг Сен ва бирданига уларга кўл чўздинг.

— Аммо-лекин, улар Сенга бирорта аёл томонидан юборилган бўлса керак, Сени яхши кўрадиган бирорта аёлдандир, — дедим мен.

— Эҳтимол, — дединг Сен, — лекин мен билмайман. Улар менга юборилган ва ким юборганини билмайман, шунинг учун ҳам мен уларни шундай яхши кўраман.

Мен Сенга термулдим.

— Эҳтимол, у ҳам Сен унутиб юборган аёлларнинг бири бўлса керак!

Сен хайрон бўлиб менга қарадинг. Мен эса Сенга қатъий тикилиб турардим. Нигоҳларим эса: «Мени танигин, ахир танисангчи мени, ёлвораман танигин мени!» — дея илтижо қиларди. Бироқ Сенинг кўзларинг мулойим ва бепарво жилмайиб турарди. Сен мени яна бир марта ўпдинг. Аммо Сен мени таний олмадинг.

Мен эшик томон шошилдим, чунки кўзларимга ёш қуйилиб келаётганини сездим, Сен буни кўрмаслигинг керак эди. Ташқарига чиқишга шунчалар шошилибманки, чиқаверишдаги хонада хизматкоринг Йоханн билан тўқнашиб кетишимга сал қолди. У хайрон бўлганча шошиб четга ўтдию чиқишим учун эшикни очди ва ана шунда, ана шу биргина, эшитяпсанми? Ана шу биргина лаҳза ичида, унга қараганимда, ёш қалқиган кўзларим билан унга, ана шу кексайиб қолган бир инсонга қара-

ганимда, кутилмаганда унинг нигоҳи порлаб кетганини кўрдим. Ана шу бир сония ичида, эшитаяпсанми? Ана шу биргина лаҳза оралиғида, мени болалигимдан буён бир марта ҳам кўрмаган қария мени таний олди. Мени танигани учун оёқларига бош ургим, қўлларини кўзимга сургим келди. Аммо мен Сен тикиштирган сўлкавойларни енгимдан суғуриб олдим унга узатдим. У титраганча менга термулиб турарди, ана шу биргина сония ичида у мен ҳақимда Сен бутун умринг давомида билганингдан кўра кўпроқ нарсани тушуниб етгандир, эҳтимол. Ҳамма, ҳамма одамлар мени суюб эркалатишарди, менга меҳрибон эдилар, фақат Сен, фақат Сен, Сен мени унутиб юбординг, фақат Сен, фақат Сен мени ҳеч қачон таний олмадинг.

Менинг болам кеча оламдан ўтди, бизнинг боламиз, бу дунёда энди яхши кўрай десам Сендан бошқа ҳеч кимим йўқ. Аммо Сен мен учун кимсан, Сен, Сен, ахир мени ҳеч қачон, ҳеч қачон танимаган инсон, худди бир кўлмакка қараган каби бепарво ёнимдан ўтиб кетган, худди бир тош сингари тепиб юборган, ҳамон йўлида кетаётган, мени интизор қолдириб, ҳамон йўлида давом этаётган бир инсон, айтгин, Сен кимсан энди? Сени, ўша қочқокни мен фарзандим сиймосида олдимда ушлаб қоламан деб қилган барча уринишларим зое кетди. Ахир бу Сенинг фарзандинг эди: бир кечада у мени шафқатсизларча ташлаб кетди, у сафарга кетди, у ҳам мени унутди ва энди ортга қайтмайди. Мен яна ёлғизман, ҳар сафаргидан ҳам кўпроқ ёлғизман. Энди менинг Сендан қолган, Сендан ёдгор қолган ҳеч нарсам, ҳеч бир нарсам йўқ — на фарзанд, на бир оғиз сўз, на бир мисра хат, на хотира, ва энди бирортаси олдинда менинг номимни тилга оладиган бўлса ҳам, у Сенга ёт эшитилади. Нечун энди мен тезроқ ўлмайин, ахир мен Сенинг қалбингда аллақачон ўлиб бўлган бўлсам, нечун бу оламни ташлаб кетмайин, ахир Сен мени аллақачон ташлаб кетган бўлсанг? Йўқ, Севгилим, мен Сенга таъна қилаётганим йўқ, мен ўзимдаги ғам-қайғуни Сенинг шоду хуррам хонадонингга олиб кирмоқчи эмас-

ман. Мени яна таъқиб қилади деб қўркма – мени кечир, олдимда фарзандимнинг жасади ғариб бир ахволда ётган бир чоғда, айнан шу онда бир марта бўлса ҳам кўнглимни бўшатиб олишим керак эди. Фақат бу сафар Сенга сўзлашим керак эди, сўнг яна жим бўламан-да, доим ёнгинангда сукут сақлаб юрганим каби, ўзимнинг ғариб оламимга қайтаман. Бироқ мен тирик эканман, Сен бу нолаларимни эшитмайсан, фақат вафотимдан сўнггина менинг ушбу васиятимни оласан, бу Сени ҳаммадан ҳам кўпроқ севган ва Сен уни ҳеч қачон танимаган бир аёл васияти, бу доим Сени кутиб яшаган ва Сен ҳеч қачон ёнингга чорламаган бир аёл васиятидир. Эҳтимол, эҳтимол шундан сўнг мени ёнингга чорларсан, ва мен илк бора Сенга вафо қилмаган бўламан, боқий дунёдан туриб мен Сени эшитолмайман: Сенга на бир сурат, на бир белги қолдираяпман, худди Сен менга ҳеч нарса қолдирмаганинг каби, Сен мени ҳеч қачон таний олмайсан, ҳеч қачон. Ҳаётда бу нарса менинг тақдирим эди, энди бу тақдир ажалимга ҳам ўтди. Сўнгги соатларимда ҳам мен Сени ёнимга чорлашни истамадим, Сен менинг исмимни ҳам, суратимни ҳам билмасингдан туриб, мен бу дунёни тарк этмоқчиман. Мен жуда осонгина вафот этаман, Сен буни олисдан туриб сезмайсан ҳам. Агар менинг ажалим Сенга озор берганда эди, мен ҳатто ўлмаган ҳам бўлар эдим.

Мен энди давомини ортиқ ёза олмаяпман ... бошим шунчалар гангиб қолдики ... аъзойи баданим оғриқдан қақшамоқда, иситмам бор ... биламан, мен бирданига ётиб қолмаслигим керак. Эҳтимол, бу ҳол тезда ўтиб кетар, балки тақдир менга бир марта раҳм қилаётгандир, мен боламни қандай олиб кетишаётганларини кўра олмаслигим керакдир ... Мен ортиқ ёза олмаяпман. Алвидо, Севгилим, яхши қол, мен Сендан розиман ... буларнинг ҳаммасига қарамасдан, бўлиб ўтган нарсалар яхши эди ... сўнгги нафасимгача Сенга раҳмат айтишни хоҳлайман. Энди кўнглим тинч: Сенга ҳаммасини айтиб бўлдим, хуллас, Сени қандай севганимни ва бу севги Сенга юк бўлмаганини Сен энди биласан, йўқ, Сен энди буни тахмин қила оласан. Мен энди Сени

соғинтирмайман, бу мени тинчлантиради. Сенинг гўзал ва фаровон ҳаётигда ҳеч нарса ўзгармаслиги лозим ... ўз ўлимим билан мен Сенга ҳеч қандай зиён қилмайман ... менинг ана шу нарсадан кўнглим тўқ, Севгилим.

Аммо ким ... ким энди Сенга, Сенинг туғилган кунингда оқ атиргуллар юборади? Эҳ, гулдон энди бўш қолади, у кичик бир ифोर эди, йилда бир марта бошинг узра эсувчи ҳаётимнинг кичик бир нафаси эди, энди бу ҳам эсмайди! Севгилим, қулоқ сол, Сендан ўтинаман ... бу Сенга биринчи ва сўнгги илтимосим ... мен учун бир яхшилик қил, бу бор-йўғи бир кун, инсон ўзи ҳақида ўйлайдиган кун, яъни туғилган кунингда атиргуллар ол ва уларни гулдонга солиб қўй. Шундай қил, Севгилим, худди бошқалар йилда бир марта ўзларига яқин марҳумлар хотирасига дуо ўқитганлари каби. Аммо мен энди худога ҳам ишоналмай қолдим, дуоларга ҳам, мен фақат Сенга ишонаман, фақат Сени севаман ва қолган умримни Сенинг қалбингда яшашни истайман ... эҳ, фақат йилда бир кун, фақат жуда эҳтиёткорлик билан, мен ёнингда қандай яшаган бўлсам, худди шундай оҳисталик билан қил буним ... Сендан ўтиниб сўрайман, Севгилим ... бу менинг Сенга биринчи илтимосим ва сўнггиси ҳам шу ... Сендан миннатдорман ... мен Сени севаман, мен Сени севаман ... алвидо ... алвидо!

Романчи Р. титраётган қўллари билан мактубни четга суриб қўйди. Сўнгра у узок ўйга толди. Ҳаёлида қўшнисининг қизалоғини, бир қизни, яна тунги ресторандаги бир аёлни эслатувчи аллақандай чигал ва аралаш-қуралаш хотиралар қалқиб чиқа бошлади, бироқ бу хотиралар ғира-шира ва айкаш-уйқаш эди, гўё оқар сув остида шакл-шамойили ноаниқ бир тош йилтиллаганча титраб кўринарди. Қўланкалар ёпирилиб келишар ва ғойиб бўлишарди, аммо бирортаям қиёфа намоён бўлмасди. У туйғулари нималарнидир эслаётганини ҳис қилди ва ҳарчанд уринмасин барибир унинг кимлигини эслай олмади. Гўё бу қиёфаларнинг барчаси унга тушида намоён бўлгандек туюлди, бот-бот кўрган ширин тушларида, лекин афсуски фақат тушларида, холос.

Шу пайт унинг нигоҳи қаршисидаги ёзув столи устида турган зангори гулдонга тушди. Неча йиллардан буён биринчи марта унинг туғилган кунида бу гулдон бўмбўш эди. У сесканиб кетди, гўё кўринмас бир эшик ланг очилдию унинг сокин кулбасига ўзга бир оламдан совуқ бир дайди шамол бостириб киргандек бўлди. У ажал нафасини сизди ва мангу муҳаббат ифорини туйди: қалб тубида нимадир кўз очгандай бўлди... энди у олис-олислардаги эҳтиросли оҳангларни орзу қилгани каби ғойибадаги жисмсиз аёл хақида ўйларди.

МУНДАРИЖА

Сузбоши ўрнида.....	3
Ёндирувчи тилсимот	7
Аёл ҳаётидан йигирма тўрт соат	88
Шахмат новелласи	162
Амок	226
Нотаниш аёл мактуби	291

Адабий-бадий нашр

Стефан Цвайг

АЁЛ ҲАЁТИДАН 24 СОАТ

Новелла ва хикоялар

Мухаррир Б. Худоев

Бадий муҳаррир Ҳ. Қутлуков

Техник муҳаррирлар Т. Харитонов, Д. Габдрахманова

Мусаххихлар Г. Азизова, С. Салоҳитдинова

Компьютерда тайёрловчи Г. Қулназарова

Нашриёт лицензияси. АИ № 158, 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 11.12.2012. Офсет қоғози.

Бичими 84×108^{1/32}. «Virtes Antiqua» гарнитурда офсет
усулида босилди. Шартли б.т. 18,06. Нашр т. 18,13.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 12-356.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-872-3



9 789943 018723